

ДАНИИЛА ГРАНИЧИ



**ИЗЛОВЧИЛАР**




ДАНИИЛ ГРАНИН

Д 2  
Г 22

# ИЗЛОВЧИЛАР

Роман



ЎзССР ДАВЛАТ  
БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ - 1960

„Советский писатель“нинг 1956 йил  
нашридан таржима қилиниди.

ЖОНРИД АБДУЛЛАХОНОВ  
ва  
ҚОДИР МИРМУҲАМЕДОВ  
таржимаси



## БИРИНЧИ БОБ

Лаборатория эшиги зарб билан очилди, остоңада баланд бўйли, женг елкали ёш бир йигит пайдо бўлди. Унинг боши эшик тепасига тегай-тегай деб турарди. Музлаган деразадан тўғри юзига тушиб турган қуёш кўзларини қамаштирас, бундан унинг рангиз чеҳрасидаги дағал белгилар янайм яққол кўринарди, у оқ кигиз этик қўнжига тиқилган шимининг чўнтағига қўлини солиб, зўр қизиқиш билан лабораторияни қузатар экан, қиёфасида аллақандай викор сезилиб турарди.

Йигитнинг кетидан елиб кирган шамол унинг орқага тараалган сарғиши соchlарини тўзғитиб олға интиларкан, инженер Новиковнинг столи устидаги қофозларни учира бошлади, сўнгра Лёня Морозовнинг қўлидаги силлиқ шалдироқ қофозни юлиб қочди-да, деразага бориб оқ пардани пуфакдай шишириб юборди.

Морозов жаҳл билан орқасига қайрилиб:

— Эшикни ёпсангиз-чи! Ёз эмас-ку ахшар! — деб бақирди.

Бўйи паст бўлгани учун Пека деб лақаб олган монтёр Петя Зайцев, нима гап ўзи дегандек, старший лаборант Саша Заславский эса бижиниб эшикка қарадилар — булар Морозовнинг ёрдамчилари эди. Саша мулоийим, лўппи юзини буриштириди-да, панжаларини жон-жаҳди билан тикандек қаттиқ, қўнғир соchlарни орасига тиқиб,чувалашган фикрини қайта йиғишга уринди.

Улар шошилини ремоит учун юборилган осцилло-

граффинг<sup>1</sup> шикастланган ерини тополмай, бир соатдан ошиқроқ бош қотиришмоқда эди. Түғриси, бу осциллограф эмас, балки маҳсус ўлчовлар учун ишлатиладиган мураккаб осциллограф схемаси эди. Асбобнинг<sup>2</sup> сутдай оптоқ экранидаги тўлқинланиб турадиган чизиқлари ўрнида ҳадеб қандайдир яшил бир доғ жиҳимларди. Саша хўрсинди. Бу лаънати установканинг инжиқ жумбоги эндигина ечилай деб турганда яна йўқолди...

Установка синовдан ўтказилаётган стенд<sup>2</sup> қаршисидағи ёзув столида инженер Новиков ишлаб ўтиради. Кирган одам шошмасдан эшикни ёпиб, унинг олдига бормоқчи бўлиб турганда қўшни хонадан анча ёшга бориб қолган, бир оз букчайган киши чиқиб келди.

— Жим! — деб секингина ўртоқларини огоҳлантириди Пека Зайцев. — Кривицкий келяпти.

Старший инженер Кривицкийнинг заҳар томиб турган аччиқ тилидан ҳатто лабораториядаги ёшлар ичидавюораги ҳисобланган Лёня Морозов ҳам жонини ҳовчулаб турарди.

— Бузиб кўрмасак бўлмайди. — деди жиддий қиёфада Морозов, нусха кўчирадиган қофозни тахлаётиб.

— Бу даҳмаза яна икки кун бошни қотиаркан-да, — деди қовоғини солиб Саша. — Наҳот бўзмасдан синган жойини топиб бўлмаса?

Бу хилдаги ремонтдан улар безиллаб қолишган. Бирини тугатмай, иккинчисига ёпишасан... Ишда ҳам ҳеч тартиб қолмади! Бу масалани Майя Константиновнага айтиш керак.

— Масала — асбобда эмас. — дея уларнинг гапини бўлди Морозов. — Масала унинг бу ерда узоқ вақт тўхвалиб қолишида.

Бу орада Новиковнинг столи ёнида туриб қолган Кривицкий бегона кишига савол назари билан қаради.

— Ўртоқ Устиновани кўрса бўладими? — деди у киши.

— Майя Константиновна местком мажлисида.

— Нима иш билан келган эдингиз? — деб сўради Новиков ручкасини қўйиб. — Райкомданмисиз?

— Йўқ, ўзига ишим бор эди.

<sup>1</sup> Осциллограф — кўз илғамайдиган ўзгаришларни кузватиш учун ишлатиладиган асбоб.

<sup>2</sup> Машиналар синаб кўриладиган маҳсус стол.

Бу сўзни у бир оз тутилиб бўлса ҳам, лекин бамай-лихотир ва негадир хушчақчақлик билан гапирди; хатти-ҳаракатидан бу ерга тасодифий кириб қолган одамга сира ўхшамас эди.

— Пропускангизни кўрсатинг,— деди Кривицкий.

«Лобанов Андрей Николаевич» — деб ўқиди у қоиниз сиз юпқа лабларини қимирлатиб, сўнгра пропускани Новиковга кўрсатди. Бу фамилия уларга ҳеч таниш эмасди.

— Бир оз кутиб туринг,— деб маслаҳат берди Новиков. — Майя Константиновна тезда келиши керак.

Лобанов «Лаборатория бошлиғи» деб ёзиб қўйилган стол олдига ўтирди. Столни бир томондан шкаф, иккичи томондан стенд қисиб турарди.

— Қизиқ, Майя Константиновна ҳозир у ерда қандай талашиб-тортишаётганин? — деди Новиков Лобановни кузатар экан.— Бу сафар бизнинг кўрсаткичлардан нуқсон тополмайдилар.

— Кўрсаткичлар — арифметика, холос,— деб сўз қотди Кривицкий. Унинг қотма, чўзинчоқ башарасида Новиковни мудом ўнғайсиз ҳолга туширадиган истеҳзоли жилмайиш пайдо бўлди.

— Сиз, ўзингиз ҳар нарсадан шубҳаланаверасиз.

— Тўғри сўз қулоққа ёқмас, қулоққа ёққани тўғри бўлмас,— деди Кривицкий.— Предохранителларни синовдан ўтказишни ўйлайсизми, йўқми?

— Йўқ, ўйламайман.— деб мамнунлик билан жавоб берди Новиков.— Менга инструкция тузиш топширилган. Бу иш ҳадеб предохранителларни синайвергандан кўра минг марта афзал.

— Афтидан, сизни инструкциядан кўра унинг охиридаги «тузувлчи инженер Новиков» деб ёзилган жумла кўпроқ қизиқтиурса керак?

— Хўш, шундай бўлса нима бўпти? — деб кулди Новиков, яхшилаб дазмолланган костюмининг енгига ўшишган парни пуфлаб.— Ҳар ҳолда бу тижодий иш-да.

Қадди-қомати келишган, олифта йигит бепарво очиқ чеҳраси билан кишини дарров ўзига мафтун қилиб олардиди. Кривицкий тиржайди.

— Агар ўз енгилтаклтигинги зинни оқлаш учун уринмаганингизда эди, ҳеч қачон инструкция тузишга рағбатимиз бўлмасди.

Новиков бегона киши олдида бу қалтис муизозарани да вом этдиришни хоҳламай, елкасини қисиб қўя қолди.

Новиков билан Кривицкий яна Лобановга қарашди. У оёғини чалиштириб ўтирар, қиёфасида ҳеч қандай зернишилик иишонаси йўқ эди, у Лёня Морозовнинг ўз ёрдамчиси билан айтишишига қизиқсаниб қулоқ солар, Новиков билан Кривицкийнинг гапларини эътибор билан эшитар ва нечундир лабораторияга синчков назар ташларди. Новиков ҳам бегона кишининг лабораториядан олган таассуротини кўз олдига келтиришга уриниб, атрофга назар ташлади.

Кеч кириб қолган эди. Бундай пайтда лабораториянинг катта хонаси жуда чиройли бўлиб кўринарди. Хонадаги шаффоффек ялтироқ сариқ қаҳрабо парчалари, стрелкаларнинг кўкимтири наизалари, кўз қамаштирувчи қизги мис сим ўралган монтаж панеллар, конденсаторларнинг кумуш ранг устунлари ботиб бораётган қишиш қуёши нурида олов рангга кириб, ловиллаб ёнаётгандай эди. Токчаларда ола-чипор ипак изоляция матолари билан ўралган узун-узун ғалтаклар тизилган. Улар тепасида эса катта-катта випрямитель<sup>1</sup> лампалари осилиб турарди. Уларнинг ойнасида ботаётган қуёшнинг олтин нурлари тушиб турган деразаларнинг тўрт бурчак аксл жилваланарди. Ҳамма ёқда, пастак столлар устида ҳали ишга солинмаган хомаки деталлар сочилиб ётарди. Ҳавода канифоль, ишқорли спирт, озон, илик мойи ва бошқа хоссаларнинг эскирган ҳидлари анқиб туради. Ҳар бир лабораториянинг ҳам ўзига хос шундай ҳиди бўлади.

Новиков кўзларини сузиб, ўзини худди шу манзаранинг қўйнида ишchan, салобатли қиёфада тасаввур қилишга уринди: мана, ёш ўспирин, гўзал ва камтарин илмий ходим, жиддий ижодий ишга берилиб, боши қотган, столи устида турли-туман қоғозлар сочилиб ётиди..

Кривицкий тартибсиз тўдаланиб ётган дсталларни титкиларди. Бу деталлардан у ҳеч завқланмас, ҳузур қилимасди. Булар ҳаммаси ташландиқ лаш-лушлар бўлиб, керакли нарсани бу ердан ҳеч топиб бўлмасди. Лаборатория ниҳоятда тор, нокулай, пастак шипларини ис босган, бесўнақай стендлари эскириб, шчитларининг шалофи чиқиб кетган.

<sup>1</sup> В и п р я м и т е л ь — ўзгарувчалик токни ўзгармас токка айлантирувчи асбоб.

Кривицкийнинг истеҳзоли тиржайишни кўрган Новиков ташвишланиб соатига қаради-да, лаборатория бошлигининг столи томон кетди, кейин стол четига ўтириб телефон қила бошлади. Лаборатория сершовқин эди. Генераторлар гувиллар, қўшни хонадан электродрель асбобларининг қулоқни кар қылгудек фижирлашлари эшитиларди. Новиков телефонда ҳадеб сўзини такрорларди.

— Олечка, эшитяпсизми? Роса тўққизда. Йўқ-йўқ, тўққизда деяпман.

У бир қўли билан микрофонни беркитиб, соchlari ҳурпайган йигитга бақирди:

— Пека, бориб айт, ўша дилозорни бирпас ўчириб туришсин!

Кривицкий техникининг ёнига келди.

— Хўш, Морозов, ишлар қалай?

Морозов ўйга чўмган ҳолда чарм курткаси. чўнтағидаги авторучкасининг зарҳалланган қисқичини тўғрилаб қўйди.— Афтидан, конденсатор тешилганга ўхшайди. Янгилашга тўғри келади.

Шогирди лаборант Саша Заславский:

— Бу конденсатор шу билан учинчи марта тешилиши...— деди.— Балки схемасининг у ер-бу ерини қайта ишлаш керакдир?

— Баъзи жойларини эмиш, — деди масхара қилиб Морозов,— сендақа донолардан куйдим-ку.

Улар тортишиб қолишли. Кривицкий индамай турарди.

— Кечирасизлар,— тўсатдан мурожаат қилди Лобанов ўрнидан туриб,— мумкинми мен ҳам бир кўрсам? Қизиқиб қолдим.

Морозов истар-истамас унга қия боқди:

— Нима қизифи бор экан, бунинг?

Лобанов жилмайди. Бу жилмайиш унинг бутун чехрасига ёйилди.

— Бир дастасини айлантириб кўрсам дегандим.

— Ҳа, айлантира қолиңг,— рухсат берди Морозов, стәрший инженерга қараб қўяркан.— Барибир бузамиш.

Ҳамма бир-икки минут янги келган жишининг панелдаги ёзувни ўқигандан кейин, установканинг дастасини айлантиришига қараб қолди. Экрандаги яшил доғ дамганийиб, дам торайиб, қуёшнинг жимир-жимир нурларига ўхшарди.

— Айтгандек, биродар бу сизга телевизор эмас, осциллограф установкаси,— заҳарханда қилди Пека.

— Айтгандек деганинг нимаси?— деб бепарво сўради Лобанов.— Эсига бирор ақллироқ нарса тушиб қолсагина бу сўз айтилади. Менимча бу ерда фақат конденсаторни ўзгартиришнинг ўзи кифоя жилмайди. Унинг нима сабабдан тешшилётганини аниқлаш зарур.

Морозов Кривицкийнинг истеҳзоли жилмайиб турганини кўриб, сертакаллуфлик билан сўради:

— Сиз, шу осциллографининг жонструктори эмасми сиз, мабодо?

Йигитлар кулиб юбориши. Уларнинг назарида, бу киши ўз умрида осциллографни биринчи марта кўриб турган эди-ю, бу асбобни сув қилиб ичиб юборган кишиларга гўё ақл ўргатмоқчи бўларди!

— Макар Петрович,— деди старший инженерга Морозов,— бузаверайми?

Кривицкий бош силкиб розилик билдириди.

— Бу иш методингизни илмий метод дейиш қийин,— деди Лобанов кескни оҳангда Кривицкийга ва тутокиб кетганидан, қаншаридан дўнг пешонасигача тиришиб кетди.

— Биласизми,— деди чўзиб Кривицкий,— чала олинган соқолини қашларкан,— бизда шундай бир бемаъни одат бор: тўйдан кейин чалинган ногорани унча хушламаймиз...

Морозов қаҳ-қаҳ уриб қулиб юборди. Лобанов ўз жойига бориб ўтири-да, тиззаларини кенг ёзиб, тирсакларини тиради ва бармоқларини чалиштириди.

Осциллографининг токини ўчириб қўйиб, буза бошлиди. Пека тоғ қалай кавшарлаш асбобини, тоғ сим калавасини олиб югуриб ўтиб тураркан, Лобановдан кўзини узмас эди.

— Хаёл сурин қолдилар-ку!— деди қалбаки эҳтиром билан у.— Минимум академик бўлса керак.

— Ёки максимум студент,— деб қўшиб қўйиди Морозов. Ҳамма иш билан банд ва вазмин табиатли бўлгани учун Морозовнинг ҳазилига жилмайибгина қўя қолди.

— Ё студент, ёки муҳбир,— деб хулоса чиқарди Пека,— бунақа одамлар доим бошқаларининг ишига аралашиб юради.

Ёшгина бир аёл тез-тез юриб хонага кирди. Эгнидаги одми қора костюми, фарқ очиб текис тараалган соchlари, шахдам-шахдам қадам ташлаши, хуллас, бутун юриш-туриши билан ўзининг бошлиқ эканлигини ёшларга хос соф кўнгиллик ва самимилик билан исботлашга уринарди. Бироқ у бунга қанча уринмасин, барибир унинг қизларга хос бўртиб турган лаблари, хира ва момиқдай юмшоқ чехрасини чироқдай ёритиб турган йирик-йирик қўй кўзлари бу қиёфасини ошкор қилиб, бузиб қўяётганга ўхшарди.

— Ўртоқлар,— деди у баланд овоз билан.— Табриклийман! Лабораториямиз мусобақада биринчиликни олиб, кўчма қизил байроққа эга бўлди.

У гапни тантанали суратда расмий бошлади-ю, лекин жиддийлигини сақлай олмай, жилмайиб юбордп, сўнг бу жилмайиш кулгига айланди. Бошқалар ҳам кулгига қўшилишди.

Новиков телефонда гаплашиб бўлиб, трубкани осиб қўйди-да, жуда хурсанд бир қиёфада қўлларини ишқалади.

— Қойил! Жуда зўр иш бўлди-да! Майя Константиновна, энди банкет учун бирор минг сўм пул ажратишингиз керак.

Пека бу яигиликни ҳабар қилиш учун устахонага ғизиллади. Парманинг чинқироқ овози эшитилаётган қўшни хонадан яна икки ходим чиқиб келди.

— Майя Константиновна, бу ўртоқ сизнииг олдингизга келган эканлар,— деди Саша Заславский. Бошқалар унинг гапини бўлди:

— Қани, у ерда нималар бўлганини айтиб беринг.

— Хўш, энди нима дейсиз ўртоқ Кривицкий?— деди тантана билан Новиков.— Мана, кўрдингизми?

— Шон-шараф,— деб файласуфона хулоса чиқарди Кривицкий хўрсииб,— шон-шараф — бу ҳали офтоб эмас, унинг жўланкаси, холос.

Майя Константиновна уига кескиш бурилган эди, кўзи-Лобановга тушди:

— Кечирасиз мени. Қулоғим сизда,— деди у, ўз столи орқасига ўтиб ўтираркан.— Мажлисда тортишувлар қизиб кетганини айтмайсизми?.. Теплотехниклар айтишадики... Э, ҳа, кечирасиз,— бирдан ўзига келиб Лобановга қаради Майя, сўнгра яна табассум билан ходим-

ларга ўғирилиб:— Ҳозир ҳаммасини батафсил айтиб берамаң, олдин маңа бу ўртоқни жүннатай,— деди.

Ҳамманинг таъби хира бўлиб, тоқатсизлик билан Лобановга қаради.

— Йўқ, марҳамат, сиз баҳузур гапираверинг, мен кутуб турман,— деди Лобанов.

— Майли, ҳечкини йўқ! Хўш, хизмат?

— Менин жадрлар бўлими юборган эди,— деди у негадир уялиниқираб.

Кривицкий унга диққат билан тикилди.

Лобанов атрофида одамлар турганидан порози бўлгандаи қовоғини солиб, чўнтағига қўлини тиқди-да, йўлланмани олиб. Майя Константиновнага узатди.

Майя Константиновна йўлланмадаги бир неча сатр сўзни узоқ ўқиди. Юзидағи табассум аста-секини йўқолиб, лаблари қисилди. Бошқаларни ҳам қандайдир ташвиш босди. Хона чуқур сукутга чўмди. Жимжитликда фақат қўшни хонада гувиллаб айланётган пармаларнинг «фарёди» эшитиларди, холос.

— Танишинг, ўртоқлар,— деди Майя Константиновна оҳиста ва майин бир овоз билан, ҳеч қандай ифодасиз,— бу киши лабораториямизнинг янги бошлиғи — ўртоқ Лобанов...— кейин қофозга қараб, қўшиб қўйди:— Андрей Николаевич бўладилар.

Кимдир таажжубланиб ва бунга ишонмай пиқ этиб кулди, кимдир чўзиб «ҳамм...» деб қўйди, яна бирор шотиб-тишиб чека бошлади, сўнг орага узоқ кўнгилсиз жимлик чўқди.

— Пека,— деди Майя Константиновна,— бор, ановларга айтгин пармаларнинг овозини бирпас ўчиришсин!

— Майя Константиновна, нега энди? Сизчи...— деб дудуғланиб гап бошлади Новиков.

Майя Константиновна зўр-базўр кулди.

— Бу вазифани мен вақтинча бажараётгани эдим. Буни сиз биласиз-ку.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Устинова ҳали ёш инженер бўлгани учун унинг ўрнига обрўли салобатли бирор кишини ахтариб топиш тараффудида юрган эдилар, бироқ бу нарса жуда эскидан гап-сўз бўлиб юрганидан, унга эътибор ҳам бермай қўйган эдилар. Устинованинг ишлай бошлаганига бир йилдан ошгаи эди. Ҳозиргача ҳеч кимнишг ақлига ҳам келмагандики...

— Қачон ишни топширишим керак?— деб сўради у яна ўша вазмин оҳаигда, ўрнидан тураркаи.

Лобанов саросималаниб лабораториядагиларнинг илтифотсиз қиёфаларига назар ташлади.

— Мен ўйловдимки... амалий раҳбарликни ўзингиз олиб бора турсангиз-у, мен ҳали танишсам....

— Йўқ, энди,— Устинова стол устидаги қофозларни бир ерга йиғди, йўлланмани нарироқ суреб қўйди,— Йўқ, энди, рухсат этсангиз ишни эртага топширсам.

Устинованинг авзойи бузилиб, адоварти кучайган сари Лобанов ўзини хижолатдан аста-секин халос бўлаётгандек ҳис қила бошлади.

У аста-секин ўрнидан турди: яқиндагина юзларига юргурган қизиллик энди йўқола бошлаган, фақат чаккаларигина бир оз қизариб турарди.

— Хўп, нима ҳам дердик, эртага бўлса, эртага-да,— улар бир секундгина худди хафалашган одамдек, бир-биirlарига аламли ғурур билан тик қараб қолдилар. Сўнгра:

— Кўришгунча хайр ўртоқлар!— деди Лобанов.

— Хайр,— хонада Майя Константиновнанинг ёлғиз овози совуққина эшитилди.

Андрей Лобанов лабораториядан чиққач, иккинчи қаватга кўтағирилди-ю, Энергосистема бошқармаси жойлашган катта бинодаги коридорларнинг биридан юриб кетди.

Ватан уруши даврида шаҳар өнергия хўжалиги бутунлай вайрон қилинган эди. Шу уч-тўрт йил ичидаги парчаланинг қозоиларни қайта қуриб олиш, ўтказиш линияларининг мачталарини қайта тиклаш, шохобча йўлларини тузатиш ва турбиналар ўтказиш мумкинлигини ҳеч ким, ҳатто энергетиклар ҳам тасаввур қилолмас эдилар. Снарядлар, авиабомбалар ер ости кабель тармоқларини имла-тешик қилиб юборган эди. Подстанциялар чордевор бўлиб ётарди.

Йирик заводларда ток улушларни етишмай, қийинчиликлар юз берар, авжин ишнинг қизиган пайтларида диспетчер бир қисм корхоналардан токни узиб қўярди. Ҳар бир хонадоннинг лимити бўлар, энергияни ҳам ион сингари карточка орқали олишарди. Шахсам министрнинг ўзи келиб, ҳар бир километр кабелини бўлиб берарди.

Эди у вақтлар ўтиб кетди. Энг катта станциялар геф ҳисобланган Комсомольская, Октябрьская, Лесная Промзёйрская станциялари ўз вазифасини тўла адо эта бошга ти. Энергия ҳали ҳам тежаб сарфланар, аммо унга муҳтажлих йўқ эди.

Лобсанов қатор тизилишиб турган сон-саноқсиз эшиклар ёнида ўтиб бораркан, ёзувлар орқали бу йирик музассасанинг қидфасини тасаввур қиласарди. У шаҳарни исенқлик билан таъминлаб турган, хонадонларга қайноқ сув ва пар олиб борадиган изоляция трубалари оламидан ўтиб, юқори волтли линиялар оламига кирди. Шаҳардаги миллионларча меҳнаткашларнинг яшashi, ҳаракати, меҳнат қилиши учун мана шу ўтхоналарда кечаюн кундуз тинмай алганга гувиллайди, торф, кўмир ортган эшелонлар тинмай юради, трубалар орқали қайноқ пар юғурати. Узок-узоқлардаги дарёларда сув турбиналар тэрракларига урилади. Передатчик линиялари унинг кўззетаки юзларча километрларга олиб кетади. Бу кўзга кўраинмайдиган куч шаҳарга ҳар томондан оқиб боради. Ҳар бир хонадонга кириб лампочкаларни ёндирадар, репродукторларда ёқимли куйлар ҳосил қиласар эди. Бу куч ўзининг ҳаво ранг нурлари билан қоп-қоронғи кинотеатр залларига жон киритар, станокларни айлантирадар, трамвайларни юргизарди. Кишилар унга шундай ўрганиб қолганларки, соғ одам ўз юрагининг қандай ураётганини сезмагандек, бу кучнинг ҳаракатини ҳам ҳеч пайқамасдилар. Бу кучни бунёд қилишда минглаб кишилар қатнашарди, улар у кучни тармоқларга бир меёрда бўлишар, уни ҳисоблашар, сарфланиши ва узлуксиз ҳаракат қилишини кузатардилар.

Бутун станциялар, тармоқлар, қурнишлар, ремонт заводлари, хуллас, барча мураккаб гигант хўжалик системаларининг бош мияси шу бошқарма эди.

Бу ерга янги цех, янги уйларга электр тушириш учун шартнома тузгани корхона директорлари келишарди. Рўзғор билан шуғулланувчи аёллар счётчик ташвишида юардилар, хўжалик бошқармаларида эса электр токининг сустлигидан шикоят қилгани келиб турардилар.

Ярим очиқ турган эшиклардан бир текисда, бетўхтов, авжига чиқаётган шовқин, юз хил овозлар, ёзув машинкаларининг чиқиллаши, телефонда гапиришлар барала эшитилмоқда. Олдинда коридор бўйлаб иккимиз борар,

уларнинг гаплари чала-чулла Андрейга ҳам эшитиларди.

— ... Антракт вақтида у мендан бир оз трансформатор мойи беришимни сўради.

— Вой айёр-эй, шунинг учун театрга таклиф қилган эканда?

— Бўлмасам-чи. Орқамга бурилдим-у, кетдим вордим.

— Бутуслай-а?

— Ҳеч-да, Галёркага чиқиб, ўша ердан ўйинни охиригача тамоша қилдим.

— Шунча мойни нима қиласкин, улар?

— О, ҳазилми сенга, трансформаторлари сон-мингта.

Бирдан Андрей стацияядаги аппаратлар неча цистерна мой сарфлашини тасаввур қила бошлади. Лекин шу заҳоти қўлтиғига дўппайган портфель қистириб олган кўзойнакли бир эркак унинг диққатини ўзига жалб қилиб қолди. У ўз сухбатдошига бақирмоқда эди:

— ... Бу районда битта ҳам магазин қолмади. Биз уни холодильниклар билан жиҳозлаганимиз. Вентиляторларимиз бор.

— Ўртоқ абонент у районда ҳали қувват етарли эмас,— деб қайғуриб гапиради сухбатдоши.— Бир йилгина сабр қилинг.

— Тавба, бир йил эмиш! Қизиқ.

Бу тортишув кимдир «Саргузаштлар бўлими» деб ёзиб қўйган эшик олдида борар эди. Андрей бу сўзнинг асл маъносига яхши тушунарди, шундай бўлса ҳам маъюс турган бўлим ходимига қараб кулгиси қистади. Лекин афсуски, дунёда мана шунаقا қизиқарли кишини ўзига мафтун этадиган саргузаштлар бўлими ҳақиқатан ҳам йўқ-да!..

Бу кулгили ёзув, унинг лабораторияга ишга келиши ва бошқармани саёҳат қилаётганини бутунлай янгича ёритиб кўрсата бошлади. Ҳа, унинг ҳаётида чиндан ҳам ҳаяжонли ва ажойиб ҳодисалар даври бошланадиган эди. Бу давр бошланишга-ку бошланди, лекин уни жуда совуқ кутиб олишди.. У, шуни кутганмиди ахир?.. Ундей деса, ҳеч қандай ташвиш тортадиган ҳодиса юз бергани йўқ-ку? Кўрамиз, ишга киришгандан кейин яна қандай муносабатда бўлишаркан. Осциллографнинг тузилишини ҳам етарли даражада билишмас экан..

У баланд, қуббасимон коридорлардан ўтди, зиналар-

дан юқорига кўтарилди, қандайдир заллар, ойнаванд ра-  
вонлардан ўтиб бораражи, энди ўзини сайд-тамоша қи-  
либ юрган киши эмас. разведкачи деб ҳис қилди. У ҳар  
қадамида бир янгиликка дуч келар, унга тўқнаш келган  
ҳар бир киши ё унинг ҳамроҳи ёки рақиби бўлиши мум-  
кин эди.

...Мана, ишоят техника бўлими. Хўш, кириб ўзимиз-  
ни таништирайлик, бўлмасам.

### ИККИНЧИ БОБ

Одамлар кетиб, бўшаб қолган хона бурчаклари қо-  
ронғилашди. Қоридорда тиқ этган товуш эшистилмас,  
телефонлар жирингламас, аммо улар ҳамон ўтиришар-  
ди, ҳамон гаплари тугамас, бир-бирларига қараб сира  
тўймасдилар.

—Оббо, Витъка-э, жуда ўзгариб кетибсан-ку!

— Ростданми?

— Тўлишиб, жуда совлатли бўлиб кетибсан.

— Сен бўлсанг ҳали ҳам бўйга тортаяпсан. Юқори  
волъти мачта билан тенглашмоқчимисан, дейман. Мун-  
ча чўзилемасанг, Андрюҳа?

Улар институтни тамомлаганларидан кейин бир-бир-  
лари билан ҳеч учрашмаган эдилар. Студентлик йилла-  
рида тез-тез аразлашиб, жанжаллашиб туришса ҳам,  
қалин дўст эдилар, аммо бешинчи курснинг охирига ке-  
либ эса, бутунлай ажralиб кетишиди. Ўша вақтда икков-  
лари ҳам энди ҳеч кўришмаймиз, деб ўйлаган эдилар.  
Андрей Лобанов аспирантурада қолмоқчи эди. Виктор  
Потапенко ишлаб чиқаришга жўнаган эди.

Профессор Одинцов нима учун Андрей Лобановни  
аспирантурада олиб қолишини таклиф қилганига ҳеч  
кимнииг ақли етмасди. Группада энг яхши студент  
Виктор эмасмиди? Ҳатто, у диплом ёқлаётган пайтда  
электростанцияларда бирининг бош инженери сўзга  
чиқиб:

— Потапенконинг диплом лойиҳаси — мактаб ўқув-  
чисининг иши эмас. Бизнинг станциямиз муҳим масала-  
ларни ҳал қилиншда ҳақиқий инженерлик лойиҳасига  
эга бўлди,— деган эди.

Ўша вақтларда бутун факультет у билан фахрла-  
нар, ўқитувчилар ҳам унинг қобилиятили йигит эканли-

Гини бир оғиздаи маъқуллар эдилар. У дарсларни осонлик билан ўзлантирарди. Бу соҳада Андрейга ўхшамасди. Андрейнинг бир нечагина ўзи яхши кўргаи дарслари бор эди. У кўпроқ ҳар хил чигал, поаниқ масалаларни билишга ва уни ечишга қизиқарди. Бордию лектор: «Бу ўринда, ўртоқлар, ҳар хил фикрлар бор. Ҳодисалар ҳали аниқ текширилмаган» деб қўйса борми, ўша куни Андрей китобдан юбошини кўтармай ўқишига киришар, ёки кечқуруплари лабораторияда қолиб кетарди. Мавҳум нарсалар унинг қалбидаги қатъий эътиroz ва ўша нарсани билишга зўр қизиқиш туфуларини уйғотарди.

Кўпинча у муваффақиятсизликка учради. Шубҳалар бутунлай чалкашиб кетарди. Агар бирон натижага чиқара олганда ҳам ўша натижани тушунтириб беролмай қоларди.

— Электр ёйи ҳақидаги қашфиётинг өслигдами?— деб сўради Виктор, сўнг икковлари хаҳолаб кулиб юборишиди.

Бу воқиа профессор Одинцовнинг: «Электр ёйи нурнинг энг ёрқин манбай ва газ разряди назариясида ҳалигача аниқланмаган, энг қоронги нарсадир» деб беихтиёр гапириб қўйганидан кейин юз берган эди.

Шунда Андрей дарҳол ана шу ёй билан шуғулланишга киришишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Кўзни қамаштирувчи электр алангаси унинг қўлида гуриллаб ёнарди. У алангани чўзар, пуфлар, магнит майдонига қўйиб кўрарди. Бир неча кундан кейин унинг кўзлари ёшланадиган бўлиб қолди, лекин тажрибани давом этдираверди. У симоб билан кўмир ўртасида ёй ҳосил қилмоқчи бўлгани эди, тўсатдан ваничадаги симоб бикирлаб қайнаб кетди-ю, сапсар ранг конус шаклида кўтарилиб, кўмир томон интилди. У қутбларни алмаштириб қўйди, кўмирнинг учи симобга қаратилган эди, симоб бетида воронка ҳосил бўлди. Бу нима ўзи? Бунга қандай тушунса бўлади? У кутубхонага бориб, электр ёйи ҳақидаги катта асарларни варақлаб чиқди. Бундай ҳодиса ҳақида бирор оғиз сўз тополмагач, у ўзининг ажойиб ва муҳим бир янгилик тоғанинига қатъий ишонди. Аммо, бунинг нимаси муҳимлигига ҳали ўзи ҳам тушунмасди. Балки худди шу принцип асосида бирордвигатель ёки насос яратиш мумкиндири? Лекин унинг

бундай майданда нарсалар билан шуғулланишга ҳозирча вақти йўқ эди. Яна лабораторияга чопиб келди-ю, руబильникни босди. Шу вақт у ҳали ҳеч ким кўрмаган нарсани кўрди. Оҳ, ўшанда унинг қанчалик ширин ҳис ва ҳаяжонларга тўлганини бир кўрсангиз эди!

Шу вақтнинг ўзидаёқ бу қувончли ҳодисани бирор кишига айтиб бериши лозим, бўлмаса, шодлигидан юраги ёрилиб кетиши мумкин. У ётоқхонага жўнади.

— Кийининглар! — осто надан қичқириди у. — Витъка, Костя, янги кашфиёт! Лабораторияга юринглар!

Виктор ҳам, Костя ҳам Андрейнинг бундай қувончли ҳолатларини жуда кўп кўришган ва унга одатланиб қолишган эди. Шунинг учун ҳам ҳозир уларни каравотдан турғизиш жуда қийин бўлди.

— Ҳайф-э, сендаиде одамларга... янги кашфиёт, тушуняпсизми? — Андрей ҳаяжон ичида энтика-энтика ўзининг тажрибаси ҳақида гапира бошлади. — Тўғри, ҳодиса тасодифий рўй бериб қолди. Ахир, барча машҳур ҳодисаларнинг ҳаммаси ҳам тасодифан кашф этилган-ку.

— Камтарлигини қараанг-а, — деди Костя.

Эртасига улар учови Одинцовни лабораторияга таклиф қилишди. Нурсиз симоб сатҳида қуёшининг бинафша ранг акси ўйноқлай бошлади.

— Ана, қубба бўлиб чиққанини кўраяпсизми? — деди зўр ҳаяжон билан.

— Кўряпман, хўш, нима бўпти? — деди Одинцов, тўнглик билан.

Унинг овозидаги тўнгликни сезмаган Андрей яна туширила бошлади:

— Кеча, тасодифан топдим.

— Бу ҳодиса 1856 йилда Александр Ильич Шпаковский томонидан кашф этилган, — деб совуққина жавоб берди Одинцов. Сўнг унинг руҳи тушганини кўриб, яна шафқатсиз оҳангда қўшиб қўйди: — Ҳар қандай янги ҳодиса кўр-кўроналик билан эмас, жиддий турив излагандагина топилади.

— Рона тузлади-ку, — деди Виктор, Одинцов чиқиб кетгач, — 1856 йилда бўлса бироз кечикибсан.

— Тур йўқол, жин урсин сени! — деди бўшашган бир оҳангда Андрей.

— Яна сўқади-я. Бизни шарманда қилиб қўйдинг-ку... Оббо Архимед-эй!..

— Бунинг уладиган ери йўқ. Парво қилма Андрей. Шуниси аниқки, сен зеҳили экансан, янгилик топишга қизиқсинарсан,— деб унинг кўнглнни кўтарди Костя Исаев,— бўш келма. Кўзингни ишдан чиқариб қўя ёзибсан, шуниси чатоқ, холос.

Сўнг руҳи тушиб, жнм бўлиб қолган Андрейни амбулаторияга бошлаб кетди.

Бу хилдаги «кашфиётлар» атча-мунча бўлган эди. Мувваф фақиятсизликлар Андрейни раңжитар, аммо бу ранжишлар тезда унтиларди. Янгилик излаш жараёнининг ўзи унга жуда ёқарди. У шубҳалана, қайтакайта текширар, яна турли-туман тажрибаларни ўйлаб чиқаради.

У, электромагнит ғалтагига устма-уст сим ўпар, ингичка симларни йўғон симлар билан алмаштирас, хуллас, ўзгартириш мумкин бўлган нарсанинг ҳаммасини ўзгартириб кўрар, ўз ақли билан формулалар ишлаб чиқаради. Улар худди китобларда кўрсатилгандек, узундан-узоқ ва қаватма-қават бўлиб кетарди. Формуладаги ҳар бир рақам, ҳар бир ҳарф қоғозгагина тушиб қолмай, унинг тажриба вақтида куйган, қаварган кафтида жонли тимсол бўлар, шкалалар устида тебраниб турган стрелкаларга жон киритар, у рақам ва ҳарфлар Андрейнинг ёдида умрбод сақланиб қоларди.

Сессия вақтида у кўпгина фанлардан зўрға имтиҳон топширас, икк баҳо олиш хавфидан аранг җутулиб қоларди. Ҳа, Андрей бировга ўриак бўладиган студентлардан эмасди. Виктор эса уччалик саботли студентлардан бўлмаса ҳам, нимагадир унинг иши тез юришиб кетаверар, ҳар қандай қийинчилик хамирдан қил суғургандай осоиллик ва хушчақчақлик билан ҳал бўлаверарди. У ўз қобилияти билан мағрурланимас, ҳамма уни ёқтирас, шунинг учун ҳам Одинцов аспирантурада уни эмас, Лобановни олиб қолмоқчи бўлганидан ажабланардилар.

Одинцов Андрейнинг диплом лойиҳаси учун бир асбобининг расчётини тема қилиб берган эди, бу асосан назарий ишдан иборат эди. Шунинг учун станциядан ҳаммаёғи бўялган бир аҳволда жуда чарчаб Ҷайтган Виктор, Андрейни каравотда бемалол китоб ўқиб ётган ҳолда кўради.

— Жуда ялқов одам экансан-да, оғайни,— дерди у жаҳли чиқиб.

© Д. Гринин.

17

БИБЛИОТЕКА НГПИ  
Инв. № 38599.

Шу-шу бўлди-ю, уларнинг ораларига совуқлик туша бошлади.

Виктор Одинцовнинг дидига қойил қолмади. Аслида Виктор аспирантурада қолишни ҳаёлига келтирмаган бўлса ҳам Лобановни афзал кўрганлари уни қаттиқ ранжитган эди.

Улар педагогика институтида ўқийдиган иккىнч сту-дентка — дугоналарнинг кўнглини овлаб юришарди: Виктор Лииза билан, Андрей Рита билан юарарди. Кун-ларнинг бирида Виктор қизларнинг олдида Андрейни уялтира бошлади:

— Гапнинг очиғи, Одинцовнинг орқасидан портфели билан таёқчасини кўтариб юриш унча оғир эмас, албат-та, қўлинг ҳам ифлос ёбўлмайди,— деб ачитди у,— ин-женерлик сенга тўғри келмайди, исен учун у паст иш. Аммо биз биродар, шуҳрат кетидан қувмаймиз. Биз иш-лагани кетяпмиз.

Улар аразлашиб қолишди.

Институтни битириш муносабати билан ётоқхонада ўтказилган кечада ҳам Виктор тегажоқлик билан Ан-дрейга қараб қўйиб, деди:

— Йигитлар, мана, ниҳоят ўқишни битириб, ишлагани кетяпмиз. Шу, ўқишни битирганимиз учун, биз борган станция энг яхши станция бўлиши учун ичайлик!

Андрей ўз ўртоқлари олдида уялиб, оғир аҳволга тушиб қолди: улар ишлашга кетишмоқда, олган йўлланма-ларини бир-бирларига кўрсатишар, борадиган ерларидан қандай қабул қилиб олишлари ҳақида ўзларича мулоҳаза қиласар эдилар. Фақат Андрейгина ўқишини яна давом этдириш учун қолади, у ўзининг ноҳақ хижолат чекаётганидан нафрлатланиб, стаканини маҳкам қисганича, ўрнидан турди ва аллақандай, тушуниб бўлмайдиган зерикарли сўзлар билан фан тўғрисида ва диплом қўйла теккандан кейин, ўқиш шу билан тамом деевчи, ўзига ишониб кеккайиб кетган нодонлар ҳақида гапирди.

Тўғрисини айтганда, ўқиш кўпчиликнинг жонига тек-кан, ҳатто Андрейга раҳмлари ҳам келарди. Аммо уининг сўзлари бир-бирига қовушмаган бўлса ҳам, фан шарафи учун қадаҳни хурсандлик билан кўтардилар.

Фақат Костя Исаевгина ақлли бир гап айтиб қолди.

— Бас, йигитлар, ҳадеб айтишаверманлар, ер юмо-лок, барибири бир кун эмас, бир кун учрашамиз, йўлимиз тўғри бўлса бўлгани.

Костя ҳақ чиқди. Ер ҳақиқатан ҳам юмолоқ экан. Тақдир яна Виктор билан Андрейни учраштириди.

Виктор ўтган шу давр ичида анча шуҳрат қозонди. Журнал ва газеталарда унинг мақолалари борган сари кўпроқ босилиб чиқа бошлади, ўзи конференцияларда сўзга чиқиб турар ва йирик инженер сифатида ҳаммага танилган эди. Бундан бир йил муқаддам, у энергия системасининг техника бўлимига бошлиқ қилиб тайинлаиди. Андрей эса урушдан кейин аспирантурага қайтиб, яқиндагина диссертациясини ёқлади.

Дўстлар бу учрашув шунчалик илиқ ва қувончли бўлишини ҳеч қачон кутмаган эдилар. Ўтмишнинг фақат яхши томонларинингина эсладилар. Икковлари ҳам анча дуркин бўлиб қолишган, ўзгаришган. Улар қизиқсишиб бир-бирларига қараб-қараб қўйишарди. Лекин иккови ҳам эски гиналарни сира ёдга олмади. Ҳар қалай улар бир-бирларини яхши кўрардилар-да. Уч ўртоқ — Виктор, Андрей ва Костя ёшликтининг энг яхши дамларини арzon нарҳдаги папирос, колбаса, этик моий ҳидлари билан тўлган ётоқхонанинг кичкина бир бўлмасида ўтказдилар. Эз пайтларида хона дим бўлиб кетар, қишида эса улар навбати билан батарея ёнидаги каравотда ётишарди.

Барча ўтилган дарсларни ва ўқитувчиларни балки унтиш мумкиндири, аммо ўзингнинг биринчи муҳаббатинг ҳақида гапириб берган, сўнгги бурда ноинингни бўлашиб еган, келажак орзуларинг ҳақида маслаҳатлашган ҳамкурс дўстларингни унтиб бўлармиди!

Мана, ниҳоят, ўша ёшликда орзу қилинган келажак етиб келди. Бироқ, энг аҳаммиятли даврлар ҳали ҳам олдинда бўлиб кўринарди.

— Менга қара, чој, эсингдами, хўп, ёшлигимиз ўтиб кетди-а? Довдир эканмиз... Тойчоқлар сингари ёқимтой эдик-а? — деди Виктор. Сўнг бирдан эсига тушиб соатига қаради.— Ў-ҳў, овқатга кеч қолибман-у. Юр, бизникига,— таклиф қилди у. — Борсанг, ёмон бўлмайди.

Андрей кўиди. Лабораторияда унга кўрсатилган ҳалигидай ылтифотлардан кейин, бу учрашув Андрей учун катта мукофот бўлди. Эниди у ўзини бутунлай янги бир дунё бўлиб кўринган бу ерда ёлгиз ҳис қилмай қўйди. Энида эски қадрдан дўсти бор. Бу билан у ҳеч қандай хавф-хатардан қўрқмайди.

Андрей ўрнидан туриб керишди-да, хонага киргани-

дан бери әнді бириңчи марта дүккәт билан назар ташлаб чиқды. Қатор қўйилган ёзув столлар хонанинг у бошидан бу бошнгача саф тортиб тизилган. Виктор ўтирадиган сариқ стол эса бошқаларни кидан фақат телефонларнинг кўплиги билан ажралиб турарди, холос.

— Кабинетсиз, қанақасига бўлим бошлиғи бўлиб ишляйсан?

— Бириңчидан, бўш хона йўқ,— деб кулди Виктор кийинар экан,— иккинчидан, ҳамма вақт одамлар орасида бўлишни, үларнинг қилаётган ишидан бевосита хабардор бўлиб туришни яхши жўраман. Шундай бўлса ишнинг юриниши оперативроқ бўлади.

— Мен ҳеч қачон бундай ҳолда ишлай олмасам керак, дейман, яна ким билади,— Андрейнинг ўртоғига ҳаваси келди.— Тинч ишлашга ўрганиб қолганман, ғовурғувурнинг ичидаги каллага ҳеч нарса кирмайди. Афтидан, сенинг бу ерда, ўйлашга ҳам вақтинг бўлмаса керак,— деди у, боши билан Виктор тортмага солиб қўяётган бир даста қоғозларга ишора қилиб.

Виктор жилмайди ва куч билан тортмани итариб қўйди.

— Ҳечқиси йўқ, биз билан ишласанг, бунақа қоғозларга ҳам, ғовур-ғувурга ҳам кўникиб кетасан.

Эшникни Лиза очди. Андрей уни кўриб кўзларига ишонмай қолди. Лизами? Уша дўмбоққина Лизанинг ўзими? У қизни институтни битириш муносабати билан ўтказилган кечадан — Виктор билан аразлашиб қолган кундан бери жўрмаган бўлса ҳам, дарров таниди. Ҳақиқатан ҳам, бугун эски танишлар билан учрашадиган кун экан. Виктор ўзини тутиб туролмай кулиб юборди.

Андрей ҳеч нарса тушунмай дам үнга, дам Лизага қараб қўярди.

— Қандай қилиб бу ерга желиб қолдинг, Лиза?

— Тасодифан желиб қолибди,— кулги аралаш гапирди Виктор,— ўзим ҳам ҳайронман.

Лиза Андрейни етаклаб, кийим иладиган қозиқ ёнига олиб келди.

— Ҳамма ҳам сенга ўхшаган юраксизми?— деб секин кесатиб қўйди Лиза,— бу билан у фақат икковларигагина маълум бўлган аллақандай нарсага шама қилаётган эди.

У қизни айлантириб, атрофидан кузата бошлади.

— Ҳеч ўзгармабсан, Лизок.

— Сенга шунақа кўринаётган бўлсам керак. Ҳаммазиз бирга қарияпмиз, шунинг учун сезмаймиз...

— Ишларинг қалай?

— Мана, турмушга чиқиб олдим. Қаерда учраша қолдиларинг? Қаерда ишлалаяпсан? Ким бўлиб? Уйландингми?

— Йўқ, сўққа бош бўлиб юрибман.— У синовчан кўзлари билан Лизага тикилар экан, бир нарса сўрамоққа оғиз ростлаган эди, бироқ Виктор ошхонадан туриб, уларни чақириб қолди-ю, гапнинг белига тепди.

Лиза столпа дастурхон ёза бошлади, Виктор эса Андрейга квартиralарини кўрсата бошлади. Уй янги тушган бўлиб, ҳали бўёқ ҳидлари анқиб турар, анжомлар ҳам ҳозирча жой-жойига қўйилмаган эди. Виктор юйнаванд эшикларни ланг очиб, ичкарига кириб борарди. Бу үнинг кабинети. Деворга тақаб қўйилган полкаларга китоб терилган. Телевизорнинг энг сўнгги маркаси. Мана, кундузги ёруғлик берадиган жуда чиройли стол лампаси, у бир оз дириллаб туради. Аммо бу овоз уйга гўё ором бағишкаётгандай эди.

Деворга жойлашган шкафлар, ванна, душ, ётоқхонани айтмайсизми!

Ха, ҳақиқатан ажойиб квартира экан.

Болалар хонасида уч ёшлар чамасидаги бир қизча ухлар, ўй хизматчиси яна бир болани ухлатиш тарааддулага. Боланинг юм-юмолоқ юзлари, мугомбirona қулиб турган қора кўзлари Викторнинг ўзгинаси эди. У Андрейни кўрган заҳотиёқ қовоғини солиб олди-да, индамай келиб, қайиқчага ўхшатиб букилган қўлини чўзди.

— Менинг исмим Андрей.

— Менини Вова.

— Ўқиїсанми?

— Иккинчи синфда.

Одатда катталар ундан бундай саволлардан сўнг қандай баҳо олаётганини суриштиришарди. Аммо бу новча амаки эса кутилмаганда, ишонч билан:

— Иккинчи синфда кишининг жигига тегадиган дарс: ашула дарси-а?— деди.

— Рус тили ҳам.

— Бу ҳам тўғри,— деди маъқуллаб Андрей,— ҳали ҳам бўгин ажратишда қийналаман.

— Бизда одамининг жудаям жигига тегадиган «й» ҳарфи. Кеча «Зина» сўзини шу ҳарф билан ёзиб қўйинбман.

Виктор Андрейни ошхонага бошлаб кетди.

У Андрейни краиларни бурашга, дераза пардаларини тортиб кўришга, холодильникии ишга солишга мажбур

қилди. Лекин бу иарсалар тезда Андрейнинг меъдасига тегди, чунки ўртоги унинг мақтовини эшитиш билангина чекланиб қолмасдан яна уни ҳасад қилишга уринаётгани ҳам кўринниб турарди. Сўнг у бундай гумонсирагани учун ўзидан-ўзи ўпкаланди-да, ҳайриҳоҳлик билан уйнинг деворлари овоз ўтказиш-ўтказмаслиги тўғрисида сўради.

— Бу жиҳатдан ишимиз чатоқроқ,— икror бўлди Виктор,— тепадан ҳам, пастдан ҳам, иккни қаватнинг шовқини барала эшитилиб туради.

У шундай ранжиб гапиравардики, гўё уйнинг бу иуқсони унинг шахсан ўзини қоралётгандай эди.

Андрейнинг бирдан-бир ҳавасини келтирган иарса Викторнинг қутубхонаси бўлди. У кабинетга қайтиб кириб, токчаларга тартиб билан териб қўйилган китоб муқоваларини кўздан кечира бошлади. Бу ерда электротехникага доир барча янги китоблар мавжуд эди. Лекин улар бўйига қараб терилгани учун Андрейни бир оз ажаблантириди. Китоб бундай тартибда терилса, кераклисими тез толиб олиш қийин.

— Бу Лизанинг иши,— деб кулди Виктор Андрейнинг ажабланганини сезиб.

Андрей Одинцовнинг ҳаво ранг муқовали энг сўнгги китобини олди. Бир вақтлар чолнинг шу китобга ёзган виключатель тўғрисидаги фикрига қарши чиқиб, Виктор Андрей билан тортишиб қолган эди. Қизиқ, Виктор чолнинг фикрига қўшилармикин?

— Э, ҳа— афтини бужмайтирди Виктор.— Ростини айтсам, ҳали дикқат билан ўқиб чиққанимча йўқ. Варақлаб кўрдим-у, бўш вақтимда ўқирман, деб яна қўйиб қўйдим.

Аввалига Андрей Одинцовдан ранжигандай бўлди. Чол Одинцов бу китоб учун озмунча куч, озмунча меҳнат сарф қилганми! У ўзининг бу китоби практикант инженерлар учун жуда ҳам зарур бўлишига ишонган эди, бу ерда бўлса... Ўртоғининг бу ишига ачинган ҳолда Андрей: «Бечоранинг боз қашлашга ҳам вақти йўқقا ўҳшайди. Ўқитувчисининг китобини ўқиб чиқиш учун бир йилдан бери вақт ажратолмабди», деб кўнглидан ўтказди.

Сўнг дўстига нисбатан кутилмагаңда ғаразгўйлик қилгани учун уялиб кетди. Билганини қилмайдими, гап факат китобда эмас-ку!

Лиза кабинетни очиб қараган эди, бу иккни йигитнинг полда юмалашаётганини кўрди. Бир вақтлар ётоқхонада чертёжлар ҳақидаги баҳслар ва бўғилиб тортишувлардан

сўнг қилғанларидек, ҳозир ҳам зўр бериб кучанишар, терлаб-пишиб,— пишқиришиб олишмоқда эдилар.

— Бунинг мени қитиқлаяпти, Лиза!— деб бақирди Андрей.— Ўу қоидага хилоф-ку!

Виктор ҳансираганича, Андрейнинг тагидан сирғалиб чиқди-да, унинг ўстига миниб олди.

— А-ха, мана сенга қоида!— деди у.— Қоидани кучиз юдамлар баҳона учун чиқарган.

Лиза уларни стол ёнига етаклаб кетди. Унинг қўллари дастурхонни ясатиш билан банд экан, кўзлари мулойимлик билан Андрейга тикиларди. У Андрейдан шу вақтгача қандай яшаганини айтиб беришини сўради.

Андрей ҳам бошқа фронтовиклар сингари Ленинград фронти окопларида совқотганлиги, қандай қилиб Геринг қасрини эгаллагани, ёниб турган кўприк ўстидан танкда физиллаб ўтиб кетгани ҳақида эслашни яхши кўради.

У ўзининг ана шундай саргузаштлари ҳақида узоқ гапириб бермоқчи бўлди. Бироқ бу Викторга ёқмаётганини кўриб, ёки унга шундай туюлдимликкин, у жим қолди. Балки ҳозир ўрни эмасдир. Унинг ҳикояси Викторга, мана мен фронтда қон кечиб юрдим, сен бўлсанг, уйингда пашша қўриб ўтирдинг, дегандай бўлиб, йигитнинг иззатнафсига тегиб қўймасин. Яна Лизанинг олдида-я?

Лекин аспирантурада ўқиганлари тўғрисида гапириш учун гап тополмади. Нимани ҳам айтсан? Ҳамма сингари у ҳам аввал кириш имтиҳони топширди, диссертация учун назарий тема таълаб, ёзишга киришди, сўнг диссертацияни ёқлади, хуллас, иш чакки бўлмади.

— Дўруст фикрлар айтишдими?— кўзларини қисиб сўради Виктор.

Андрей қизариб кетди.

— Мен тентакман, Вить. Бутунлай ўнутибман-а, сенинг бўлиминг юборган мuloҳазалар ҳам бор эди-я. Шундай мақташибдики, асти қўяверасан.

Виктор қўлларини ишқалади.

— Демак, ёрдамимиз тегибди-да? Ростини айтсам, мени сени қеласан, деб кутган эдим, яна бир жуфтгини шунаقا қулинг ўргилсан мuloҳаза улоғтириб берардим. Сен алвости бўлсанг, димогингни қўтарниб юбординг.

— Бўлмасамчи, сиздақа корхона ходимларини назар-писанд қилмаймиз!

Андрей рюмканин қўлига олиб, терлаган шиша орқали чироқ шуъласига тикилганича ўйга ботди. Орага жимлик чўкди. Улар учовлари ҳам фақат бир нарса ўстида ўйла-

Ётгаиларини сездилар. Бу ҳозирги ҳолат ҳам ёқимли, ҳам бир оз маъюс эди. Шу пайт улар бир лақиқагача ўзларини ёшлик чоғларидағи ҳолатда ҳис қилдилар. У ўтиб кетгандың ёшлик давр ҳозир уларга ғоят гүзал ва ёқимтой бўлиб кўринди.

Андрей Виктор билан Лизага назар ташлар экан, ёз кунларининг бирида, кечқурун дарё ёқалаб юрганинни эслади. Ўшанда Лизанинг эгнида чит қўйлак, оёғида калта пайпоқ, пешонасига тушиб турган кокили эса жуда қулгили эди. Виктор озғин, аммо чайир йигит бўлиб, калтагина пиджагининг ёқасига ВЛКСМ, ГТО, ГСО, «Ворошилов отувчиси» ва Осоавиахим значокларини қаторлаштириб тақиб олган эди. Қаранг-а, қаёқдаги нарсалари эсга тушяпти! Ўша вақтларда Викторнинг овози жуда ёқимли эди, у, доим студентларнинг ҳазил қўшигини айтгани-айтган эди:

Бу қандаини урғ-одат —  
Кунда уч маҳал овқат.  
Ҳамда ухлаш учун каравот.

Сўнг Рита, ўша Рита ўзининг ажойиб овози билан уйга жўр бўлиб кетарди...

— Хўп, яна учрашганимиз учун ичайлик! — Викторнинг йўғон овози янгради уйда.

Андрей сесканиб тушди.

— Ичайлик,— деди у, хаёли тарқалиб кетди.

Виктор томоқ қожиб олгач, салфетка билан оғзини артди.

— Рита шу ерда, Уралдан келганига икки ойча бўлди, эшитдингми? — деди у.

— Шундайми?.. Сен Костядан хат-пат оляпсанми?

У ҳозир МКда ишлайти. Биласаими, Лиза, Андрей бизга лаборатория бошлиғи бўлиб тайинланди.

— Ростданми? Қандай қилиб, Андрей?

— Үзим илтимос қилдим.

Виктор ишончсизлик билан бошини қимирлатди.

— Тўғрисини айтиб қўя ҷол, марказдан узоқроқ бирор ерига юбормоқчи бўлишгандир?

Биринчи бор учрашган чоқларидаёт Андрей Виктордан ҳудди шу саволни кутган эди.

— Одинцов менинга кафелрада олиб қолмоқчи бўлди, мен кўнмадим. Биласаими,— у бурнининг үчини қашлади. Унинг эски одатини кўрган Лиза кулиб юборди,— мен-

да бир идея туғилған, бир асбоб ҳақида... уни фақат сизнинг лабораториянгизда ишлаші мүмкін.

Виктор яна рюмкаларни түлдірді.

— Билганингни құйып, сирингни айтгандың келмаса ўзине биласан,— соғдиллик билан ғапириди у.— Мәйли, ҳар қалай, сен билан бирга ишлайдиган бўлганим учун хурсандман.

Андрей қўлига юлган бир тўғрам колбасани қайта тарелкага қўйди.

— Ышоимаяпсанми?

— Бўлмаса, нима мақсадда аспирантурани битирдинг?

— Нима мақсадда? Фан билан шуғулланиш мақсадида.

— Қаерда? Шу ердами?— Унинг қора кўзлари Андрейни бошдан-оёқ кузатиб чиқди.— Сендақа новаторни қара-ю! Инженерлар ишлаб чиқариш корхоналарида диссертацияларини тайёрлаб, сўнг институтга кетишади... Ҳа, фан билан шуғулланиш учун кетишади. Улар тўғри қилишади. Институт билан академиялар ана шундай мақсад учун яратилған. Лекин мана бунга қаранг, бутун умрорини институттада ўтказган Андрей Лобанов бўлса, ўзини гўё иккинчи бир илмий-текшириш лабораториясига ўтган ҳис қиляпти-я. Бундай соддаликкаборни билмайсан.

— Корхонанинг менга жимма дахли бор! Мен сизларнинг корхоналаринг билан бош қотиргани келганим йўқ!

— Ана холос, енгилтак йигитсан-да, дўстим.— Викторнинг жаҳли чиқди.— Шундай қарорга келишдан олдин, ақаллisisi, мен билан маслаҳатлашиб олсанг бўларди.

— Оббо, кўп ваҳима қиласкерма,— деди Андрей.— Назарияни яхши билған одам сизнинг бундай оқилона ишларингизни ҳаш-паш дегунча эгаллаб олади.

— Йўқ, йўқ!— Виктор истеҳзо билан кулди.— Ҳоврингизни босинг, ўртоқ утопист. Қиласидан ишингни биласанми, ўзинг? Иш пайтида бирон ерда бирдан кабель ёрилиб кетади — сен дарҳол унинг нима сабабдан ёрилганини аниқлашинг керак бўлади. Эҳтимол, аллақандай маст монтажчи симларни нотўғри улаб қўйгандир, лекин бош қотириб, шикастланиш сабабини ахтариб топишинг шарт. Сен асбобларни ремонт қилишинг, аппаратларни яхши сақлашинг, изоляторларни тез-тез синовлан ўтиказишинг керак, аks ҳолда, техника бўлими бошлиғи, яъни, каминадан кўрадиганингни кўрасан. Таъминотчилар би-

лаи жиги-бийрои бўлиб олишишинг, кундалик маълумот, ҳисоботлар тузишини керак, бизда фан билан шуғулланиш ана шулардан иборат, тушундингми?

Андрейнинг қош-қовоғи солиниб қолди.

— Лабораториянгиз биринчи ўринни эгаллабди, деб эшигтан эдим-ку.

— Лабораториямизнинг тенгги йўқ, уни ўзим келиб тартибга солганман. Гапга тушуисангчи, бу ер илмий лаборатория эмас, оператив хизмат қиласидан жой. Күлинг ўргилсии азамат йигитларимиз бор, ҳар қандай ишни ҳеч қандай эътиrozсиз қойил қилишади. Бирор ерда ишкаллик юз бериб қолса борми, дарров тузатишади. Бизнинг ўз қонуни-қондаларимиз бор. Бир неча марта ёрдам сўраб профессорларга мурожаат қилдим. Келиб аллақандай иотаниш илмий гаплар билан бошни қотиришади-ю, оддий бир нарсани ҳал қилиб беришолмайли. Формулалар билан мияни ачитишади. Барибир яна ўз ақл-фаросатинг билан иш кўришга мажбур бўласан.

— Оббо, роса мақтандинг-ку,— деди Лиза.

— Мақтандиган ери йўқ,— бошини тебратди Виктор.— Биз киммиз? Отлармиз. Аравани от тортади, сиз миниб юраверасиз. Кўнглингга олмагин-у, чол, кўпинча шунаقا бўлади. Механизмлар ишини нормал ҳолга келтириш юзасидан материал тўпладим-да, бир-иккита кишиларга кўриб чиқишиларини сўраб бергандим. У азатлар ҳам дарров ўз китобларига тиқиширишворишибди-ю, ҳеч бўлмаса фамилиямни ҳам кўрсатишмабди. Текинхўрлар!

Узаро сўкинишиб қолмаслик учун яна бир ғюмкадан ичиб олишди. Андреёй қўз қири билан ҳамон Лизани кузатарди. Икковининг куйиб-пишиб тортишилари афтидан Лизага жуда ёқарди. У энгагини кичкина муштчалари устига қўйганича, берилиб тинглар ва ҳатто баъзан үларни гиж-гижлатиб ҳам кўрди.

— Мен ҳеч нарсадан хафа бўлаётганим йўқ,— деди ўзини тутиб Андрей.— Мен сизларининг олдингизга ўз асбобимни ишлаш мақсадида келганиман. Шунинг учун қандай бўлмасин, ўша маъмурӣ даҳмазаларингдан ўзимни мумкин қадар узоқроқ олиб юришга ҳаракат қиласидан. Бўлмаса, айтганингдай, сизларининг машмашаларингиз суробимни тўғри қилиб қўйиши ҳам мумкин.

Ҳали шунаҳами? Демак, Викторнинг иши бетағини машмашалардан иборат экан-у, Андрей жиддий иш билан шуғуллангани келган экан-да? Йўқ, азиз дўстим,

Виктор қилаётган иш энг зарур парса. Бу иш унча фойдали, айтарли гўзал ва номи улуғ бўлмаса ҳам ҳар ҳолда бу кўримсиз иш кишидан чуқур онг, маҳсус илм талааб қиласди. Ҳа, биз қора ишчилармиз, сизлар сингари қалин китоблар эмас, ҳаёт учун нур, энергия яратмоқдамиз.

Андрей зарда билан тарелкасини нари суриб қўйди.

— Мен бу ерга шуҳрат қозонмоқ учун келган эмасман.

Виктор Андреяга бўлган дўстлик муносабатлари тезлик билан йўқолиб бораётганини сезиб қолди. Шунинг учун ҳам бир оз ўзини босиб олгач:

— Ишинг ўнгидан келмай қолмасайди, деб қўрқаман,— деди.— Мен ҳам бир вақтлар, худди сен сингари фан ишқида куйиб-ёниб, кечалари ўтириб чиқардим.

— Энди-чи?— жилмайди Андрей.

Лиза куч билан рюмкасини дастурхон устида юргизди.

— Бирдан икки қайиққа оёқ қўйиншни истамайман. Ҳар кимнинг ўзига яраша режалари бор. Ростини айтсан, муҳим иш билан банд бўлганингдан кейин, илмий фаолият устида бош қотиришга вақт тополмас экансан.

— Эплай олмасам, кетаман,— деди Андрей.— Жуда бўлмаса, фан билан кундуз кунлари шуғулланиб кўраман.

— Қаерда? Бизнинг лабораториядами?— аянчли оҳантда сўради яна Виктор.

— Ҳа, худди шу бизнинг лабораторияда,— деди Андрей бизнинг деган сўзга ургу бериб.

Шундан кейингина Виктор Андреининг эртадан бошлилаб у билан бирга ёнма-ён туриб хизмат қилишига қатъий ишонди. Шунинг учун ҳам у дарров Андреининг келиши билан содир бўлган барча ўзгаришларни бирбирига таққослаб кўрди. Сўнг ишлаб чиқариш масаласида ҳеч қандай тажрибаси йўқ Андреининг бу лабораториядаги оғир шароитга қандай кўчнига юлишини хаёлида кўз олдига келтира бошлади. Ҳа, бундан буён унинг қадрдан дўстига, аниқроғи, фақат дўстгина эмас. балки унинг қўли остида ишловчи бу янги ходимга лабораторияда ишлаш анчагина оғир туюлса керак. Очинини айтавериш керак. Унинг кабинети эшигига фанлар кандидати деган фахрли вивеска осилса ҳам, лекин у, лаборатория учун мақтанарли бирон иш қилиб бериши даргумон. Бироқ ёш, тажрибасиз инженер Майя Устиновага қараганда, бу анча салобатли. Тўғри, Майя

анча ҳаракатчан, ишчан жувон. Аммо хотин кишига бундай лабораторияга раҳбарлик қилиш тўғри келмайди. Барибир министрлик ҳам уни тасдиқламабди. Майли, бегона одамдан кўра Андрей бошлиқ бўлгани маъқул. Уз кашфиёти билан машғул бўлиб ётаверади...

— Сени уйлантириш қўйиш керак, Андрей,— деди Лиза, ўртага тушган нокулай жимликни бузишга ҳаракат қилиб.— Ҳозир авжи куёв бўладиган давринг.

Андрей зўрга жилмайди. Виктор билан бўлган мажаро унинг кўнглини ғаш қилиб қўйгани эди. У Лизага жавоб берар экан, хаёлида фурсатни ўтказмай, тезроқ институтга қайта қолаймикан, деган фикр кеза бошлади.

— Қўй, қовоқ-тумшугинтни осилтираверма,— деди Виктор барала,— шу ишга бел боғлабсан, давом эттири. мендан ёрдам бериш қочмайди. Устинова масаласини ҳам ҳал қиласмиш, ишга киришинг билан уни бошқа ёққа олиш мумкин. Ҳар қалай бундай майдан масалаларни ҳал қилиш бизнинг қўлимииздан келади. Менинг ёрдамчим Долгин сени оталикка олади. Бу томондан хотиржам бўлавер, лабораториямиз яхши йўлга қўйилган, иш қилиб сенга шароит яратиб берамиз. Баҳузур кашфиёт билан шуғулланаверасан.

Андрей Викторнинг елкасига уриб қўйди, мана бу чинакам дўстнинг сўзи.

— Мен шундай бўлишига ишонган эдим. Лаборатория унча вақтимни олмайди. Дўстларим!— Унинг кўмкўк кўзлари яна чақиаб кетди.— Қўлларим шундай қичишяптихи, ҳани энди, тезроқ шу асбобга киришсам... Сиз уни бир кўрсангиз эди...

— Қанақа асбоб экан у?— деди Лиза чой қуя туриб.

— Ўтказиш линияларидағи шикастланган жойларни аниқлайдиган асбоб. Биласанми, бу ҳали хаёл!

Яна хонани шовқин ва хушчақчақ кулгилар қоплади. Андрей хурсанд бўлган чоқларида ҳеч кимни ўз ҳолига қўймай ҳазиллашиб, кўзларини қисар, ёнидагиларининг нуқул биқинига туртар, забардаст қўлларини силтарди.

Мана, ниҳоят унинг иши ўнгидан келадиган бўлди, ҳаммаси ўзи ўйлаганча бўлиб чиқиши керак.

Викторнинг чиройли юзларига қизиллик югурди. Узун киприклари орасидан эса намланган қора кўзлари порлади.

«Жуда чиройли йигит-да, қурғур,— деб ўйлади

Андрей меҳри тобланиб,— қандай яхши. Яна ўша дўстлиқ ва самимий тортишувлар. Бу жуда соз!»

Викторнинг бир озиғи ошиб, ўз ишлари тўғрисида ҳикоя қила бошлади. У очиқ кўнгиллик билан куйиб-пизиб гапиради.

— ... Биласанми, Андрей, раҳбар бўлиш жуда соз нарса-да, ўзингни доим одамларга жуда зарур киши, деб ҳис қиласкансан. Кўпчилик бундай масъулиятли ишлардан қўрқади. Бу бемаънилик! Шунаقا одамларни кўрсам кулгим қистайди. Ҳамма сенга ишонади. Бирорта иш сенсиз битмайди. Ҳамма ишни ўзинг ҳал қилаверасан... Ҳа, ёлғиз ўзинг ҳал қила оласан, холос. Ҳамма ишнинг қалити ва сирлари фақат сенинг қўлнингда. Баъзан энциклопедист бўлиб кетасан, киши. Қурилиш ишлари, ҳар хил пойdevорлар, устунлар, янги ўтхоналар қуриш, ёмон торф олиб келишгани ҳақидаги хабар ва шуига ўхшаш сон-саноқсиз маш-машалар бошингни қотириб юборади. Шу заҳотиёқ ҳаммасини бир ёқлик қилишинг керак...

«Буларнинг ҳаммаси қанчалик қизиқарли, қанчалик ажойиб ишлар»,— деб ўйларди Андрей.

— Бундан ташқари қўл остингдаги шу бир қозон ичида ҳар хил тип, ҳар хил характердаги одамлар қайнайди. Бирор онгини оширишдан кўра кўпроқ пул ишлашга ҳаракат қиласди, бирор ҳамроҳининг ишига ҳавас қиласди, яна бирор унинг пайига тушади. Баъзиларни худдн Чехов ҳикояларидағи қаҳрамонлардек пора олишга одатланган. Айтмоқчи, фийбат қиласиганлари ҳам топилади. Биласанми, ҳар бири ўз ақли, идроки билан мамнун, фақат ўз мавқеидан мамнун эмас. Ёки, масалан, таъминот бўлимнинг ходимини олайлик: излаб топиб бўйлмаидиган нарсаларни топиб келади-ю, жуда зарур бўлиб турган нарсанни топиб желмайди... Шунаقا... Ёки олайлик, мана фаросатли инженер, аммо ароқни сувдек шимиради. Ўзинг ўйла, шунақаларни юқори ток кучига эга станцияга ишга қўйишга ишониб бўладими? Гўё ўргимчак уя ичида ўралашиб қоласан, киши. Ҳар бишининг феъл-авторига, сўзига, руҳи ва важоҳатига қараб, иш юритишинг керак. Бўлмаса, эртагаёқ райком, горкомда устингдан ёзилган аризалар қалашиб кетади. Масъул ходиммисан — ҳаммасига ўз калланг ва партбилетинг билан жавоб беришинг керак. Ҳа, дўстим, бу психология ҳам, техника ҳам, яна мингларча илм-фан

ҳам мана шулардан иборат. Илон бўлиб чақасан, шер бўлиб бўкирасан, ходадек фўдаясан, хуллас...

— Биласизми, дўстларим,— деб жилмайди Андрей,— ишни бошламай туриб, ҳалитдан юрагимга фулгула тушаяпти. Мана, бугун келган кунимданоқ ҳамма менга қаршилик кўрсата бошлади. Лабораторияда ахир элликта одам бор — бу ҳазил гап эмас, албатта. Яна ҳеч қачон бошлиқ бўлиб ишламаган одамман.

Лизанинг зерика бошлаганини кўргаи Андрей, бунига негадир ўзини айбдордай ҳис қилиди.

— Хотиржам бўлавер, бошлиқликни тезда ўрганиб оласан,— деди Лиза.— Бу қийин эмас. Консультантинг ҳам анчагина тажрибали одам,— у боши билан ишора қилиб Викторни кўрсатди.

— Бирорта бошлиқ йўқки, ўз оиласида ҳам идорадаги каби жатта обрўга эга бўлса,— деб ҳазил қилиди Виктор папирос тутатаркан.

Андрей Викторнинг овозинда сирли асабийлик сезгандай бўлди... Эри-хотин ўртасида бирор аламли ҳодиса юз берганмикин? Аммо у бу ҳақда узоқ ўйлашни истамади. Бироқ Виктор ҳақ, ҳаёт мураккаб. Дуниёда нафосатли нарсалар жуда кўп, аммо жирканч нарсалар ҳам учрайди. Лекин Викторга қойил қолиш керак...

Унинг юрагида Викторга нисбатан янада зўр самимий ҳурмат уйғонди. Бу йиллар орасида Виктор анча ўсиб, ўзгарибди. Унинг ўз ишига меҳр қўйиган моҳир раҳбар бўлиб етишгани сезилиб турипти. Раҳбарлик қилиш ҳам бир фан...

Андрейнинг кайфи чоғ эди.

— Сен, министр бўлиб кетишинг ҳам мумкин, дўстим,— деди у.

— Бўламан ҳам,— қўшилди Виктор.— Министрлар осмондан оёғини узатиб тушибдими? Сен фақат менинг баримдан маҳкам ушласанг бас. Мендан бошқа ҳеч кимга қулоқ солма.

Лизанинг бурун катаклари кенгайди, аммо у индамади.

Викторнинг ўз ҳимояси остига олиш тўғрисидаги ваъдаси Андреини ҳамюн қувонтироқда эди. Виктор энди папиросни чиройликкина портсигарига енгилгина уриб қўйиб олифталик билан чекаркан, ёниб турган гугурт чўпини эътиборсизлик билан чертиб ташлади. Энди у секин, шошилмай гапиради. Унинг оғзидан чи-

қаётган ҳар бир сўзни атрофдагилар берилиб тинглашлари шарт эканига ишончи комил эди.

— Парво қилма,— деди мөхрибонлик билан Андрей.— Аччиғининг чиқмасин, Лизок, Виктор ғолдингда бир оз талтайгиси келяпти. Ахир, мақтанса арзийдиган хизмат қиляпти-да...

— Тоза ароқхўр бўлиб кетибсизлар,— деб қулди Лиза.— Мақтандоқлиқ ҳам эвида-да. Келинглар, ундан кўра ашула айтайлик.

Улар студентлик даврларида айтиб юрган ашулаларини бошлишди: бироқ сўзларини бирорталари ҳам тўла билишмас, ўзларича ўйлаб, оғизларига келганини тўқишишаверди. Виктор ўзининг ёқимли, ширакайф овози билан ҳар бир тўртликнинг охирида қўшилиб қўяр ва нақаротни узоқ чўзиб, тамом қиласади:

Бас, жоним, тентираб юришни ташла,  
Янгича ҳаёт қур, янги иш бошла.

— Эсингдами?— Қўзини қисиб ишора қилди Виктор, сўнг хаҳолаб қулганлэрича, бир вақтлар совуб ҳолган сомсаларни реостатда<sup>1</sup> иситиб еганларини эслашди.

Виктор ўрнидан турганида Андрей фурсатдан фойдаланиб, Лизанинг юзига қарамай, савол берди:

— Менга қара... Лиза, Ританинг келгани ростми?

— Телефон номериини берайми?— Лиза газетанинг четидан кичкина қилиб йиртиб олиб, номерни ёзди-да, Андрейнинг чўнтағига тиқиб қўйди. Андрей бирдан жим бўлиб қолди. Шу вақтдан бошлаб стол атрофидаги гаплар бир-бирига қовушмай қолди.

Хайрлашиш пайтида Лиза унинг қўлини маҳкам қисиб қўйди.

— Энди, бизникига тез-тез кириб турасан-а, хўпми?

Андрей зиннадан тушиб бораар экан, Лизанинг кўзларини мўлтпплатиб туриб айтган сўнгги сўзлари қулоғи остида яна такрорлангандай бўлди-ю, унинг бу илтимоси оддий эҳтиром эмас, балки қандайдир ҳаяжонли ва қатъий талабга ўхшаганигини эслади.

Виктор ухлашга ётар экан, Лизага деди:

— Бечорага раҳмим келади. Эсиз, шунча йилни бекорга ўтказиб, оқибатда мана энди, шу ерга, бир вақтлар мен бошлаган каби, ишни бошидан бошлагани ке-

<sup>1</sup> Р е о с т а т — ток кучи ва кучланишни тартибга солиш учун ишлатиладиган асбоб.

либди. Ўзининг шахсий ҳаёти тўғрисида тузуккина гапириб ҳам беролмайди. Уқиши суробини тўғрилаб қўйғанига ўхшайди.

Андрейга ҳомийлик қиласи билан ўз елкасига ортиқча ташвиши, оғир юқ ортдираётганини Лиза ҳам сезиншини истарди. Агар ҳозир у эрига ачиниб, бирор нарса деганда, Виктор унга чинакам дўстлик қонунлари ҳақида, Андрейга бўлган ўз меҳр-муҳаббати тўғрисида сўзлаб берган бўларди... Бироқ Лиза жавоб бермади. У Викторга орқа ўгириб ётар экан, унинг нафас олишидан ухлаётганигини ҳам, уйгоқлигини ҳам билиб бўлмас эди.

### УЧИНЧИ БОБ

Аспирантура, Андрейнинг олдига диссертация ёқлай олиши масаласинигина қўймай, балки ундан олим чиқиши-чиқмаслиги масаласини ҳам қўйди. У изчилликка ва сабр-тоқатга одатланди; ҳеч ким назарига илмайдига қора ишларни яхши кўришга уринарди. Ҳамма иш барбод бўлиб, нимадан бўшлишни билмай умидсизликка тушган чоқларда ҳам у шу мушқул аҳволдан чиқишга уринарди. Баъзан қилган ишларининг ҳаммаси бирданига гўё қил учиди осилиб қолар, сўнг боши қотиб, бундай ҳолатдан қутулиш учун ўзини ожиз сезарди. Шундай пайтларда кўнглида «Қилаётган бу ишларимнинг кимга кераги бор?» деб ўйлаб, ваҳимага тушиб қоларди.

Шундай кезларда у тасалли топмоқ учун Одинцовнинг олдига чопиб қоларди. Одинцов эса ўзини гўлликка солиб, раҳмсизлик билан дерди:

— Шу тажрибангизни яна бир марта қайтариб кўринг-чи.

Осон йўл тәпини мумкин бўлган ерда, Одинцов яна қийинроқ усулини кўрсатиб юборарди.

— Шишаозга топширсақмикан? Шишаоз дарроэв бир ёғлиқ қилиб ташлайди-я, лекин ўзингиз уриниб кўрсангиз яхши бўларди. Сизда фақат ақл-идрок бўлиб қолмай, олимларга хос тажрибали қўл ҳам бўлиши керак.

Шунда Андрей қайта-қайта «яна бир марта»дан ўз тажрибасини такрорлаб кўрарди. Лампалари учун пуфлаб шиша баллон ясар, қилдек ингичка кварц ипини эшар, слесарлик қилар ва елимлаш билан шугулланарди.

— Кўпинча битта-яримта жез бўлатининг ўзини ишга солиш учун биронта бутун бошли илмий-текшириш иш планини тузишга нисбатан ҳам кўпроқ ақл-фаросат ке-

рак бўлади,— дерди Одинцов, бол билан оғриб, чўпдек бўлиб қолган озғини бармоқлариниң қимирлатиб.

Чол қўйган талабларнинг ҳеч чеки йўқ эди. Андрей берилган бирон расчётни бажариши билан, Одинцов яна янги вазифа топширади.

— Бу расчётнинг ҳеч ажабланадиган сри йўқ, ўша ўзимиз билган расчётлардан биттаси-да,— деб бепарвогина жавоб берарди Одинцов,— сиз аввал уни назарий жиҳатдан асослаб беринг-чи.

Андрей расчёт назариясини ишлаш устида икки ҳафта ўтириди. Қирқ варакли дафтари ёзиб тўлғазди. Бу Одинцовга маъқул тушди шекилли, текшириб кўриб, мақтаб ҳам қўйди. Унинг мақташи ҳам қўйидаги сўзлардан иборат эди:

— Хўш, мана энди ҳаммасини тушуниб олганга ўхшайсиз. Энг муҳими ҳам шу. Бироқ сизнинг темангизга бунинг ҳеч дахли йўқ.

— Нимага дахли бўлмас экан?— чўчиб тушди Андрей.

— Натижа палон-палон миқдордан иборат,— деб иловава ёзиб қўйинг,— деб бамайлихотир маслаҳат берди Одинцов. Шундай қилиб диссертацияга бутун бир дафтардан уч қаторлик иловагина олинди, холос.

Одинцов табиатидаги қўрслик хислати энди панд-насиҳат қилишга одатланиш хислати билан элакиша бошлаган эди. У Андрей билан қилган суҳбатлари ҳақида кулиб туриб шундай таъбир қиласарди. Худди шундай вақтларда у аллақандай эскича услугуб билан дабдабали оҳангда, аммо ёшлар учун жуда жозибадор ва ёқимли тил билан гапираварди.

— Маълумки, буюк олимлар машҳур хулосаларга фақат тўғри ўйлаганларидан эмас, балки кўп ўйлаганларидан ва шу ўйлаганларининг кўп қисмини бутунлай йўқ қилиб юборганлари учун эришганлар. Сиз қанчалик зўр умидлар алангасига чулғанган бўлманг, ўз вижданингизга ҳийла ишлатишдан ўзингизни сақлашга урининг. Фанда кашф қилишдан ташқари уни барбод қилишини ҳам билиш катта аҳамиятга эга.

Муддат ўтиб борар, Одинцов эса ўз программасидан бир қадам ҳам силжимасди. Баъзан Андрей бу чолни тушмагур тағин атайи мени айбситмоқчи бўлса-я, деб ўйларди. Ахир гап докторлик эмас, кандидатлик диссертациясини ёқлаш тўғрисида бораётган эди.

— Мен сизни кандидат эмас, ҳақиқий олим қилиб тайёрлашим керак,— деб терс жавоб берди Одинцов.

Бу жуда оғир сабоқ эди. Андрей қарама-қарши на-  
зариялар ичидә калавланиб қолди. У қандай китоб ўқи-  
масини, бу мисоли бир түзөкдек унинг бутун хәслини ўзи-  
га тортиб оларди. Кейин у экспериментал асосларга ўра-  
лашиб қоларди. Бир неча бор у аспирантураны ташлаб,  
бирон корхонага ишга жетмоқчи ҳам бўлди. Кафедра-  
даги ўртоқлари эса унинг бу пўписаларидан кулишарди,  
холос.

Ўз ишининг амалга ошиши учун аввал бир қанча му-  
раккаб ва жуда зарур бўлган тажрибаларни қилиб кў-  
ришга ҳам тўғри келди. Бироқ бунинг учун институт ла-  
бораториясида на етарли асбоб-ускуналар ва на маблағ  
бор эди. Шунда Одинцов ўзи учун оғир бўлган бир ишга  
киришмоқчи бўлди: у Энергосистемага борди-да, ўтказиш  
линнеляридан шикастланган ерларни аниқлаш асбобини  
такомиллаштириш юзасидан ўзаро шартнома тузишни  
сўраб, бош инженерга мурожаат қилди. Худди шу нар-  
са Лобанов диссертациясининг темаси билан боғланган  
эди.

Одинцовнинг бу хатти-ҳаракатларига тўғри тушуна  
олиш учун Энергосистема раҳбарлари билан унинг ўрта-  
сидаги муносабатни билиб олиш ҳам керак эди.

Бир вақтлар Одинцов станцияларда автоматик усулни  
амалга оширишга ўриниб кўрган эди. «Ишнинг кўзини  
билмаган» бу чўрткесар чол ёз мақсадини амалга оша-  
вермагани учун жаҳли чиқиб, Энергосистема маъмурла-  
рининг бир мунчаси билан жанжаллашиб қолган эди.  
Шундан кейин министрликка чиқиб, икки ҳафтагача қа-  
булхонада навбат кутиш билан вақтини ўтказди. Еттита  
хат ва ариза ёзиб кўрди. Ниҳоят бу масалани ҳал қилиш  
учун камида бир-бир ярим йиллик вақт кетишига ишонч  
ҳосил қилди.

— Бор-э, ундан кўра, шунга кетган вақтимни уйда  
ишлашга сарф қилсан-ку, яна бир янти асбоб ишлаб  
чиқараман,— деди та.— Айтайлик, сабр-тоқат масала-  
сига келганда бошқалардан қолишмайман (Одинцов  
ўзини мугомбир ва зийрак одам деб ҳисобларди), лекин  
ахир ҳар қандай олимдан ҳам ўз тажрибаларини худди  
шундай машаққат билан амалда қўллашга мұяссар бў-  
лишни талаб қилиш мумкин эмас-ку.

У ишлаб чиқарувчилар, айниқса Энергосистема маъ-  
мурлари билан бевосита муносабатда бўлишдан ўзини  
четга торта бошлиди. Консультация бериш бўлса — мар-  
ҳамат. Ишни амалга оширишга келгандা, асти аралаш-

тирманг. Мана ниҳоят бу қоида Лобанов туфайли биринчи марта бузилди. У Энергосистеманинг бош инженери ҳузурида бўлгани ҳақида афтини бужмайтириб гапира бошлиди:

— Асбобни такомиллаштиришдан аввал, унинг умумий негизини топиш керак, деб бир соатча гапиргандирман, — сиз нима дейсиз? Улар бўлса: бизга негизнинг нима кераги бор, асбобни тайёрлаб беринг, деб қайсарлик қилиб туриб олишди. Мен уларга нима, асбоб ўз-ўзидан бунёдга желаверадими, ахир у, тўғри желган ерга: қиргами, даштгами ўтқазиб қўйсангиз жўкараверадиган нарсами, дедим. Шундай бўлганда ҳам унга парвариш керак бўлади. «Бу гапингиз тўғри, бироқ парваришлаш учун бизга маблағ беришмаяптилар», дейишиди. Хуллас «али» деса «бали» деб жонларига тегдим,— деб хулоса қилди у, ҳорғин овоз билан.

Шартномани бажариш жуда кўп вақт талаб қиласарди, лекин бу билан Лобановнинг диссертациясидаги мавҳум фикрлар тажрибали асосларнинг мустаҳкам негизига муяссар бўлиши керак эди.

Қафедра баҳорги сессияга тайёрланар, студентлар эса ярим кечагача зачет топширишарди. Хуллас, бир минут ҳам бўш вақт йўқ эди. Шундай бўлишига қарамай, асистентка Зоя Крючкова билан лаборантлар бир иложини қилиб вақт топиб, Андрей учун қўлланмалар топишда ёрдамлашдилар.

Андрей эса яна бир неча тажриба ўтказгандан кейин тўсатдан ишни таққа тўхтатиб қўйди. Сўнг, уч кунгача институтда кўринмади. Тўртинчи кун кечга яқин пайдо бўлиб, кафедра парторги Фалеевдан партгрuppани тўплаб беришини сўради.

— Билиб қўйинглар, мен кинога билет олиб қўйганиман,— деди Зоя.— Қандай масала кўрилади?

— Масала ҳис-туйғу тарбияси ҳақида,— деб эътиrozли жилмайди Фалеев.— Маъқулми?

У Андрейнинг мақсадини эшишиб, билиб олган эди. Андрей биринчи тажрибадан сўнг, кафедра томонидан шартнома бўйича такомиллаштириш учун олинган асбоб ва усуллар бутунлай эскирган экан, деган хулосага келгани эди. Радиолокациянинг сўнгги ютуқлари принципиал суратда линиялардаги шикастланган ерларни аниқлайдиган янги усул ишлаб чиқишига имкон берарди. Бу идея унга эмас, москвалик бир қатор олимларга тегишли эди. Андрей эса эски усулни текшириб кўриш натижасида,

идеянинг ҳақиқатан ҳам тўғрилигига ишонч ҳосил қилди. Рост, ҳозир у бу янги усулини ишлаб чиқиши ҳақида бош қотира олмас эди. Шундай экан, үнинг фикрича шу эскириб қолган жераксиз асбобдан фойдаланса, фақат ўз диссертациясини ёқлаш мақсадида ўша усулдан фойдаланса, давлат пулини харжласа, маъқул иш қилган бўладими?

— Бир қўлим билан шалоги чиқиб кетган бу эски нарсага упа-элик қўйиб пардозлай-да, иккинчиси билан уни чиқитга чиқариб ташлансин, деб диссертация ёзайми? Шундай демоқчимисиз? — Андрей гўё аллаким билан қаттиқроқ гапиришга уринаётгандай, ҳаддан ташқари бақиради,— энергетикларга сизнинг ђу усулингизни такомиллаштиrolмаймиз, деб очиини айтиш керак. Бу локацион усуулга нисбатан ҳеч нимага ярамайди.

Фалеев Андрейнинг сўзларини эшитар экан, негадир ўзи ҳақида ўйланиб қолди. Эртага у қирқ ёшга киради. Ўзбеш йилдан бери институтда дарс беради. Ўзи доцент. Олимлар клубининг аъзоси. У бир меёрда осоийшта ҳаёт кечиради. Ўз мутахассислигига оид адабиётларни диққат билан кузатиб борар, ҳар йили янги-янги лекциялар тайёрлар, равон ва аниқ тили, қизиқарли тажрибалар кўрсатишда моҳирлиги билан студентларга ҳам жуда ёқар эди. Бўш вақтларида механизмларнинг текис ҳаратини тартибга солиши назариялари билан шуғулланар ва шу ҳақда бир неча мақолалар ҳам бостириб чиқартган эди. У бирорта чалкаш тенгламани усталик билан ечаркан, ўзидан-ўзи мамнун бўлиб кетарди. Аммо сўнгги вактларда бир текисда осоийшталик билан ўтаётган ҳаёти уни зериктира бошлади.

Мана ҳозир у Андрейнинг сўзларини тинглаб ўтиради, унинг бошига тушган ташвишга ҳаваси кела бошлади. Ҳа, унинг ташвишига ҳавас қила бошлади. Ўзининг ҳам қийналгиси, янгилик излаб, қандайдир бирор мураккаб, аммо жуда ҳам жеракли бўлган масалани ҳал қилиш учун кечалари ухламай, шу туфайли озор тортгиси ва атрофдагиларининг ҳовлижиги: «Хўш, Фалеев, ишиңг тугай деб қолдими?»— деб сўрашларини эшитгиси келарди.

Қош қорая бошлади. Аммо чироқ ёқилгани йўқ. Деразадан богда ёмғир шивалаб ёгаётгани кўриниб турибди. Фалеев, кимда қандай фикр бор, деб сўради.

— Кафедра шартнома билан ишлashedan воз кечиши жерак,— деди Андрей.

Фира-ширада унинг юзи хира кўришар, аммо овози вазмин янграб эди.

— Диссертациянг нима бўлади, кейин?

— Худбин экансизлар ўзларигиз,— деб куйишб гапирди Зоя Крючкова.— Одинцовни ҳеч эсларингга ҳам олмаясанлар-а. У шунча югуриб-елди, бир киши учун шунча овора бўлди. Шу ҳам миннатдорчилик бўлдими?

— Зоя!— Қизишиди аспирант Дима Малютин.

— Хўш, нима демоқчисан? Ҳатто оддий ғамхўрлик деган нарса ҳам йўқ, сизларда.

Фалеев лекция ўқиган пайтларидағи олати бўйича сочи тўкилган яланг бошини силаб, стол ёнида бир меерда у ёқдан-бу ёққа юриб турарди. Бекор гап, улар бирини чи галда Одинцовни ўйлашган, Крючкова бунчалик қизишмаса ҳам бўлади. Шуни яхши билингки, Одинцов учун фаннинг манфаати ҳамма нарсадан қиммат туради. Ҳар қалай энг ҷалкаш ишдан қутулиш учун энг осон йўл ҳақиқат йўлидир. Лобанов тўғри қилган... («Уни ҳеч ким нотўғри қилган деяётгани йўқ,— деб гапирди Зоя.— Бироқ бундай тўғрилик билан чолга жабр қилиши мумкин!») ...Энди Лобановнинг диссертацияси чатоқлашади, Одинцов ранжиб қолиши мумкин, энергетиклар олдида нақулай аҳволга тушамиз ва ҳоказолар. («Бошқа илож йўқ-да!» деди Дима Малютин.) Дарвске бошқа илож йўқ. Фандаги осон йўл ҳақ йўл бўлолмайди, бир кунмас, бир кун бу осон йўл истаган одамидан қаттиқ ўч олиши турган гап....

Фалеев ўзи тўғрисида гапираётганини сезиб, тўхтаб қолди.

Ниҳоят шундай қарор қабул қилинди: Андрей ўз фикрини ёзма ҳолда Одинцовга билдириши жерак, агар масаланинг илмий қисми Одинцовга маъқул тушиб, майли деса, Андрей унинг шартномадан воз кечишини илтимос қиласди, яна зарур бўлса, бу бутун партгрруппанинг фикри, деб уқтириб кўради.

Эртасига Андрей Одинцов билан учрашди.

Одинцов кишиларниг қўйл ёзмаларини ўқиганда унинг четига савол, ундов аломатлари ва аллақандай аччиқ йистеҳзо билан: «фикр қоронғу», «ўтакетган бемаънилик» каби сўзлар ёзиб қўйишга одатланган эди. Бу сафар қаламини четга қўйиб, бафмоқлари билан столни черта бошлиди.

«Ёқмади шекилли!»— деб ўйлади Андрей. У бошини

эгиб ўтирган Одинцовдан кўзини узмас, чолнинг сийрак оқ соchlари орасидан бошининг қизғиши териси ялгираб кўринар эди. Андрей ўз отасини эслади ва бу чол олдида ўзини ҳимоясиз бир ҳолда ҳис этди.

«Майли, нима бўлса бўлди,— деб ўйлади у,— агар ўжарлик қиладиган бўлса, диссертациямни кейинроқقا сураман-да, энергетикларининг заказини бажараман. Ахир шундай одамга қарши иш қила олмайман».

Одинцов диссертациянинг сўнгги варагини ўқиб бўлгач, бошини кўтармай қошлиарини юлиб туриб, вазмин бир оҳангда дона-дона қилиб гапирди:

— Марҳамат этиб, менинг ғапларимни тўғри тушунишга ҳаракат қилинг, Андрей Николаевич. Аввало шуни айтайки, бундай ажойиб идеянинг пайдо бўлишидан фоят хурсандман. Бу — сизнинг конкретлик ва ҳушёрлик қобилиятингизни кенгайтиради. Рост, жуда кўп меҳнат сарф қилишга тўғри келади, лекин бу тўғрида кейин гапиришамиз. Ҳозир энг мұхими сиз билан биз қоқиимаслигимиз керак. Ўзининг ахлоқий бурчимиз шартномадан воз кечиш.— Одинцов бошини кўтарди. Ҳафа бўлмасиг, Андрей Николаевич.— У Андрейнинг тугулган муштуми устига секингина кафтини қўйди.— Бошқа илож йўқ, ҳа тушунинг дўстим. Фанда виждонли бўлиш ҳам ўткир илм каби зарур. Тўғри, бу билан диссертациянинг бир оз зиён етади, бу ачинарли албатта, фактлар кам дейишлари мумкин... Бироқ ажойиб идея топгансиз. Фан яна бир бор ғалаба қозонадиган бўлди, шундай эмасми?

Андрей қувончдан ўзини зўрға тутиб, бошини қимирлатди.

— Рӯҳингиз тушмасин. Мен эртагаёқ энергетиклар оидига жўйайма!— Одинцов қошлиарини чимирди ва тўсатдан ўзини тутиб, Андреяга қараб кулиб қўйди:— Уларга бўлган ганини тушунтириб, талабларини рад қиласман. Диссертацияни ёқлаб бўлганингиздан кейин, ҳалиги янги асбобиингиз устида ишлашга ўтирасиз. Но минни нима деб атамоқчи эдингиз? Менимча «локатор» деб аташ маъқул. Қалай? Розимисиз?

— Менми?.. Албатта! Биз бўлсак... Ахир, сиз энергетиклар билан муносабатда бўлишни ёқтирумас эдингиз-жу... Биламан, сизга жуда қийин бўлади...

Одинцовнинг серажини юзидағи бўртиб турган томирларига қизиллик югурди.

— Менга парво қилманг! Мен ҳар қандай эски урғодатларга ён босишга ҳақим бор. Аммо сиз ундаи қилманг. Модомики, сиз эски усулни рад қилибсизми, энди марҳамат қилиб янги идеянигизни амалга оширишга киришинг. Ўтиб кетган хом хаёлга эътибор берганим учун мени кечиринг. Ҳа, шундай!

Андрей кабинетдан чиққач, студентларга тегиб-туртниб, коридорни кесиб ўтди-да, лабораторияга кирди. Унинг оғзи қулоғида эди.

— Хўш, нима бўлди? — деб сўради Фалеев.

Андрей унга тушунмагандай, тикилиб қаради-да, сўнг бошини қимирантиб деди:

— Тентаклар!

— Ким?

— Мен, сен. Биз — ҳаммамиз тентаклармиз!

Диссертация оппонентларга юборилгандан кейин, орадан иккни ҳафтача вақт ўтгач, ўша оппонентлардан бири — Тонков деган профессор институтга телефон қилиб, Лобановни ўз квартирасига таклиф этди.

Белгиланган вақтда желган Андрей Тонковнинг меҳмонхонасида «Оғонск» журналининг эски сонларини варақлаб ўтирас, профессор эса банд эди. Варақлари титилиб кетган журнал унга сартарошхонани эслатди. Деворларга ойнаванд рамкаларда жуда яхши ишланган фотосуратлар осигурилди. Уларнинг ҳар бирида сочини устара билан олдирган, йўғон гардишли кўзойнак таққан япалоқ, ҳора соқолли басавлат бир қишининг сурати бўлиб, ҳар бир фотода мамлакатимиздаги машҳур олимларнинг биронтаси билан ёпма-ён турганини кўриш мумкин. Андрей Тонковни илгари ҳеч кўрмаган, шунинг учун ҳам энди унинг суратларини қизиқиб томоша қилмоқда: Тонков академик Веденеев билан шахмат ўйнаб ўтирибди, Тонков Фанлар академияси президенти билан қўлтиқлашиб наркда сайр қилмоқда. Тонков президиумда академик Зелинский билан суҳбатда, Тонков бир груипа академиклар билан бирга аллақандай қурилишда юрибди. Хуллас, қаёққа қараманг, Тонков: «Қўрдингизми, мен ким бўламан?» деяётгандай сизга тикилиб турарди.

Оқ фартук кийган хизматкор хотин чиқиб, Андрейни профессор олдига таклиф қилди. Тонков ўз кабинетида суратдагига қараганда яна ҳам улуғвор бўлиб кўриди. Ў, эгнига бароқ юнгли тую терисидан журтка, артилган

түхумдек силлиқ бошига қора қалпоқча кийиб олган бўлиб, ташки кўринишидан, профессор деган номни тилга олишининг билан кўз олдингизга келадиган ҳақиқий профессорининг ўзи эди. Унинг кабинети ҳам ҳақиқий профессорларнинг кабинетига ўхшарди.

Шкафларда китобларнинг ҳалланган муқовалари ишлтирас, стол устида қўллөзмалар, корректуралар уюлиб ётарди. Деворда Фарадей, Ломоносов, Максвеллнинг портретлари осиғлиқ. Алоҳида этажеркага уй эгаси томонидан ижод қилинган китоблар терилган.

Тонков Андрейга илтифот билан қўл сиқиб кўришди. Кутдириб қўйгани учун кечирим сўради ва ўзи ёзган тақризининг хомаки нусхасини ўқиб кўришга берди.

Оппонент Андреининг линия шохобчаларидаги шикастланган ерларни аниқлашдаги эски усулга қарши чиққан қисмни қаттиқ тақид қилибди.

«Автор ҳеч қандай далилсиз равишда Ватанимиз фанидаги шонли традицияларни йўққа чиқаради. Назарияни ривожлантириш ўрнига уни рад қилиш... Локатор ҳақидаги идея — бу янгилик эмас ва у ҳеч қандай тажрибага асосланмаган...»

— Биласиэми, мен қондани хилоф равишда бузяпман,— деб қулди Тонков, чиройли садаф тишлигини кўрсатиб.— Менинг вазифам, тақриз ёзиб бериш, холос. Хомакисини ёздим-у, қарасам бу аҳволда диссертациянгизни ёқлай олмайсанз. Сизни бутунлай йиқитадиганга ўхшадим. Кейин, эҳ, нима бўлса бўлсин, ўзи билан шахсан гаплашиб кўрай, деб ўйладим. Олимлик виждоним ишга расмиятчилик билан қарашни истамади. Ахир, мен фақат бир нарсага, аҳамиятсиз тезисгагина эътиroz билдирияпман, холос. Тўғрими?

— Тўғри,— севиниб кетди Андрей, унинг кўзи олдида гира-шира умид учқунлари чақиаб ўтди.

— ..Уша ерини ўзгартирсангиз бас, қолган ҳаммаси маъқул.

Тонков этажеркани титкилаб, ундан ўзининг эски мақолаларидан бир нусхасини олди. Бу ҳам керак бўлиб қолар. Унда бир вақтлар Тонковнинг ўзи томонидан топилган усулни такомиллаштириш ҳақида ёзилган эди. Ҳа худди шу усул билан линия шохобчаларидаги шикастланган ерларни аниқлашган ва ҳозир ҳам шу усул билан аниқлашмоқда эди. Ҳалқ бу усулга ўрганиб қолгани. Шунинг учун ҳам ундан воз кечолмайди...

Тонковнинг зўр чилтифот билан гапираётган гапларидан таъсиrlаниб кетган Андрей, унинг бу асарнинг чет давлатларда қайта-қайта босилганлиги, унинг патижаларидан йирик фирмалар қандай фойдаланганликлари ҳақида, бизда эса, энди эсга олиша бошлагани ҳақидаги унинг ҳикояларини хурмат билан тингларди...

Тонковга қойил қолиш керак: у диссертациядаги эиг бўш ернинг худди ўзини топибди-я. Ҳақиқатан ҳам янги назария учун лаборатория машгулотлари етишмайтган эди. Ана шунда Андрей энергосистема учун қилинадиган ишини амалга оширганидан қаттиқ ачинди! Тонков қайта-қайта текширилган, ишончли далиллар билан холоса чиқарди. У, математиканинг қудратли кучларини эндигина туғилган, ҳимоясиз идеяга қарши қўймоқчи эди, уста, тажрибакор практик сифатида унинг идеясига ҳужум бошлади. Андрей қайси йўл билан унга қарши чиқа олиши мумкин? Умумий мулоҳазалари, ўз ҳиссиятлари биланми, ёки Одинцовнинг қўллаб-қувватлашига суюнсими?

— Афсуски, Одинцов ҳозир атоқли арбоб ҳисобланмайди.— Тонков энергетиклар билан бўлган шартнома тузиш воқиасидан хабардорлигини ва бу воқна Одинцовнинг обрўсига халал етказганини, уни «кабинетда ўтириб қолган дарвиш» деб атаганларини эшитганлигини уқтиromoқчи бўлди.— Сизга маслаҳатим шуки, сиз доим хатоларингизни излаётган рақибинингизга ён босишга ўрганинг, зиёни қилмайсиз. Хатоларингизни яширишга уринган дўстингизга қараганда, шу рақиб кўпроқ ёрдам берни мумкин.

Вазият нақадар оғир. Одинцовнинг «ўзинингизни балога гирифттор қилманг» деган маслаҳатини эслаган Андрей тишини-тишига қўйиб, хulosаларининг баъзи жойларини ўзгартиришга кўнди.

— Назариянгизни тезроқ практика билан боғлаш имконияти бутун фикр-хәслингизни банд қилиб қўйганини кўриб турибман,— деди Тонков.— Аммо азизим, бу билан диссертациянгизни катта ҳужумга қўясиз. Сизнинг қаичалик талантга эга эканлигингизни мен дарров сездим. Лекин нигилистлинигиз — ёш бўлганингиздан. Ҳали сиз билан бир эмас, бир неча марта бирга ишлашимизга ишонамаи, шунинг учун ҳам қондани хилоф равишда бузиб, сизни чақирдим. Мен учун иносон ҳар қандай расмиятчиликдан қимматроқ.

Тонков ташаккур олмоқчи бўлса керак, сўзини тўхтатди. Аммо ташаккур айтишга Андрей ожизлик қиласрэди.

Тонков Андрейнинг ишга жойлашган-жойлашмаганини суриштиргди. Сўнг ҳозирча ишга тайинлаш бир оз кечикирилганлигини билгач, унинг режаларини сўрай бошлади. Институтдагилар, Андрейни албатта кафедрада олиб қолиш керак, деган фикрда эдилар. Келаси йилдан Одинцовнинг үшини енгиллатиш учун ў, ҳатто лекцияларга ҳам тайёргарлик кўра бошлаган эди.

— Үқитувчи бўлмоқчимисиз? — деб сўради у соқолини силаб, синовчан кўзлари билан Андрейга тикиларкан.— Биласизми, йигитча, сиз менга негадир ёқиб қолдингиз? — У оппоқ тишиларини қўрсатиб қиқирлади.— Нима учунлигига ўзим ҳам тушунолмаяпман. Аммо менинг кўзим, одамни тез ажратади.— У ўрнидан туриб стол олдига чиқсан эди, унинг калта оёқлари узун ва ўйғон жуссасиңга асло мос келмайдиган қиёфасини кўриб, Андрей ажабланди. Қайтага стол орқасида ўтирганида анча салобатли бўлиб кўринар экан.

— Үқув ёртида умрингизни ўтказиб нима қиласиз? Бу чолларга хос иш. Менда — Фанлар академияси қошиндаги институтда бир бўш ўрин бор. Шу тўғрида ўйлаб кўринг.

У ерда қандай ажойиб темалар устида иш олиб борилади-я! Андрей бенхтиёр берилиб эшита бошлади Доимий ток билан минг километргача электр қуввати етказиб бериш. Мамлакатимиз учун ягона, юқори вольтли шохобчалар яратиш... Давлат аҳамиятига эга бўлган... Мутлақо мустақиллик... Фанлар академияси томонидан эътибор берилиши...

— Ҳа, буларнииг ҳаммаси қанчалик қизиқ,— деб хўрсиниб кўйди Андрей.— Жуда ҳам. Аммо мен ҳозирча бошқа бир масалани ҳал қилгим бор.

— У нима экан?

— Локатор асбобини амалга ошириш мумкинилигини исботламоқчиман, уни яратмоқчиман.

— Оҳо, бўндоқ денг! Қаерда яратмоқчисиз уни?

Худди мана шу савол Андрейнинг ҳам бошини қотирмоқда эди.

Андрей бўлажак асбобини яратиш масаласида бош қотираркан, кафедрадаги илмий лаборатория бу мақсадини амалга ошириш учун ярамаслигига ишонди. У

турли ток кучига эга бўлган ўтказгич линияларида, ка-беллар устида кеңг текширув ўтказиши керак. Бундай имкониятни фақат энергосистема лайбораториясигина яратиб бериши мумкин эди. Андрей ана шу ерга йўлланма олишга қарор қилди. Агар ўша ерга уни ҳатто оддий инженер қилиб юборадиган бўлсалар ҳам у сўзсиз кўнарди. У ўз олдида катта мақсад турганини яхши билар, шунинг учун ҳам, бошқа ҳеч нарса уни қизиқтири-май қўйган эди.

Фақат, у бир марта ўз орзусининг нақадар қимматга тушаётганига иқрор бўлиб, иккиланди. Бу ҳодиса аспирантларни ташкилотларга тақсимлаш олдидан, Андрей ўз режаларини Одинцовга сўзлаб бермоқчи бўлганида юз берган эди.

Сўнгги вақтларда Одинцов дамба-дам бетобланадиган бўлиб қолди. Унинг чеҳрасидан кун сайин асабийлашиб бораётганини кўриниб турарди, Андрей чолнинг синовчан кўзлари билан тикила бошлаганини бир неча бор сезган эди. У қўлдан бой берилган вақтиning ҳиссанини чиқаришга урияётгандай, ўз ўрнига ворис тайёрлашга шошила бошлади.

Одинцов ўқитувчилик вазифасини энг юқори санъат деб ҳисобларди. У аудиторияга кирганида, ёшлиарнинг шўх ва қувноқ овозлари, унинг ҳар бир ҳаракатини берилиб кузатиб турган саноқсиз, чақноқ кўзлар аллақандай ҳаяжон уйғотарди. Шунинг учун ҳам ҳар сафар лекция бошлашдан аввал у худди янги келган ўқитувчикдек ҳовлиқар, ўнғайсизланар эди.

Одинцов аста-секин Андрейда ўқитувчиликка муҳаббат уйғотолмаса ҳам, ҳар ҳолда қизиқиш уйғота олди, Андрей ҳам бўш вақтларини лекцияга тайёргарлик кўришга бағишлиар, Одинцов эса унинг конспектларини синчиклаб текширар, кўп ерларини чизиб ташлар, катта талаблар қўярди. Айни вақтда Лобановнинг сузилиб турган кўк кўзларида у ўз ёшлик чоғларини тўраётган кекса сингари мулойимлик билан гапиради.

Андрей Одинцовни уйига кузатиб қўярди. Улар институт боғи оралаб қўум сепилган торгина хиёбонлар бўйлаб борардилар. Одинцов ҳассасига қаттиқ таяниб борар, Андрей унинг қадамига эътибор бериб, салмоқ билан баб-баравар қадам ташлашга уринарди. Кеч куз, шамол дуб дарахтларидаги сўнгги япроқларни узиб туширади. Қуриган олтин рашиг япроқ ҳавода пириллаб учиб келиб, Одинцовнинг елкасига қўнарди.

Уларнииг гаплашадиган гаплари ҳам қолмади. Одинцов ундан ҳеч қандай далиллар ҳам талаб қилмади. Агар талаб қилганда ҳам Андрей истаганча далил топа олар, кеча, ўтган куни кафедрадаги дўстларига жавоб берганидек, унинг ҳам барча эътиrozларига жавоб бера олар эди. «Техника бўлими»га бориб, қуруқ аравани шалдиратиб, у ёқдан-бу ёққа чопиб юрасан, қиладиган ишиниг шу бўлади, холос», — дея уқтирган эди кеча Дима Малютин. «Сенингча биз ҳаммамиз институтин ташлаб ташкилотларга жўнайверишмиз керакми? — деди Зоя Крючкова ранжиб: — Сен ҳамкорликни бошқача тушунаржансан! Бу ишингни ҳамкорлик идеясини нотўғри талқин қилиш деб ҳисоблайман». Улар кеча қаттиқ тортишиб олган эдилар, шунида ҳам Андрей, асбобининг тақдирин факат корхонадагина ҳал бўлади, деб ишонтира олди. Бугун Одинцовни ҳам ишонтиromoқчи бўлди-ю, бироқ Одинцов индамади.

Чол эркаклар киядиган қадимий қўнжли калиши билан ҳалқобларни тўғри кечиб ўтар, унинг таёғи нам қум устида ёқимсиз товуш чиқариб ғижирларди. Унинг оғиз очмай жим боришида қаңдайдир бир гинахонлик, оғир таъналар яшириниб ётгандай эди. Дарвоҳе, у ҳам ҳақ эди-да.

Яна бир ўринбосар топиб тайёрлашга энди унинг кучи етармикин? У ўзининг энг яхши умидидан айрилган эди. Қарилникинг ўз қонун-қоидалари бор: қариган чорда жудо бўлган нарсага қайтадан эришиш ниҳоятда мушкул...

— Демак, мен сизга ишониб янгишган эканман, Андрей Николаевич, — деди Одинцов ўзини зўрга тутиб. — Мен фақат сиздангина айрилаётганим йўқ... — ў сўзини тугатолмай, қўлинин асабий ҳолатда бир силтади-да, тескари бурилди. Бу таниш ишора Андрейга тарсакидан ҳам бадтар туюлди.

Улар кўча эшиги олдига келишганда Андрей Одинцовга сездирмай, унинг елжасидати япроқни олиб ташлади.

Пружинна тортиб турган эшик қулоқни кар қиласлик даражада тарс этиб ёпилди-ю, кўчада Андрейнинг ёлғиз ўзи қолди. У ёпиқ турган эшикка, унинг ҳўл остонасига узоқ тикилиб турди. Эшик ойнасида кўчадаги тебраниб турган қайрагочлар ва кўкда сузаётган қулранг булут карвонлари акс этар эди.

Ким билади, яна қачон келиб, шу эшикнинг бандидан ушлаб, очишга мұяссар бўларки? Қачон? Қиңдами, ёздами? Яна бир йилдан кейинми? Бу ҳозирча номаълум.

### ТЎРТИНЧИ БОБ

Андрей ишга кирган электролаборатория бинонинг бириичи қаватида ўчта катта хонага жойлашган эди. Бундан ташқари коридор ажратиб турган устахонаси ҳам бор эди. Устахонада эски, ишдан чиққан дастгоҳлар дидриллаган овоз чиқазиб ишлаб туради. Айтишларича, бу дастгоҳларни фақат кекса, кам гап, уста Кузьмичнинг ташаббуси билангиша ишлатиб туришарди. Лекин Кузьмичнинг ташқи қиёфасидан унга «ташаббускор» сўзи асло мос тушмасди. Ў янги бошлиқ билан танишиш учун Андрейнинг қўлини қисар экан, худди илгаридан бир-бирларига қадрдон бўлган одамлардай арзи-додини айта бошлади:

— Фрезернинг<sup>1</sup> мотори алмаштирилмаса, мен металл йўниш учун заказ қабул қилолмайман,— деб тўнғиллади.

Кенг коридор гўё икки қисмга бўлинган: катта лампочкалар ёниб турган томон расмий қисм ҳисобланиб, унда деворий газеталар ва эски ҳурмат тахтаси осиғлиқ туради. Бу ерда комсомол бюросининг секретари Игорь Ванишキン аъзолик взноси тўламаганлар билан музокара олиб бораради ва бюро аъзолари билан баъзи ўсмай «қотиб қолган» ўртоқлар тўғрисида маслаҳатлашарди, маданий-оқартув ишлари билан шуғулланувчи Саша Заславский бўлса, Хитойда нэп бўладими ёки шарт эмасми, деган темада парторг Борисовдан консультация оларди.

Коридорнинг иккинчи қисмига эса бир оз ҳангамалишиш, папирос чекиш учун чиқишар, ёнинга қарши қум тўлғазилган қизил яшик олдида ҳар хил латифалар айтишар, Лёна Морозов билан Соња Манжула ўртасидаги ошиқ-маъшуқлик муносабатларини муҳокама қилишарди.

Лабораториянинг хоналари баланд-баланд шкафлар билан тўсилган, кичкина катакларга бўлинган. Уларнинг бири ўлчовчиларга, бири автоматчиларга, яна бири бошқа ва бошқаларга тегишли эди. Каталаклар ичидағи

<sup>1</sup> Фрезер — металл ва ёғоч устини йўниб ишлайдиган асбоб.

инженерлар ўтирадиган отоллар стенд ва дастгоҳлар орасида сиқилишган. Ҳар бир группанинг асбоб яширадиган пана ери бўлар, ҳар ўзим ўз қувончи, ўз қайғуси билан банд эди. Моторлар тишимай ғувиллар, разрядлар сафсар ранг учқун сочиб, ҳар бир бурчакни алоҳида шовшув билан янгратар, кишилар бир-бировларининг гапларини эшитолмасди.

Институтнинг кең ва тинч лабораторияларидан келгани кишига бу ер ҳаддан ташқари шовқини ва тор бўлиб кўринарди.

— Бу ер худди қадимий чорбозорнинг ўзи-я,— дерди жаҳали чиққан Андрей.

У Майя Устиновадан ишни қабул қилиб олгандан кейин, ўзи учун ҳеч қулай жой тополмай, у хонадан бу хонага қовоқ-тумшуғини осилтириб санғиб юар, алланималарни ўлчаб, чамалаб кўрарди. Энг чекка хонада у қулғ осилган пастгина эшикчани кўриб қолди. Бу — ҳужрага ўхшаш қичкинагина хона экан. Унинг панжара тўсилган қичкинна деразасидан тушаётган кучсиз нур, бу ерни гиравшира ёритиб турибди. Қорайиб кетган деворларига лабораториянинг эски материаллари суюб тахлаб қўйилган эди.

Андрей бошини эгиб ичкарига кирди-да, эшикни ёпиб қулоқ солди: бу ер шовқин эшитилмайдиган, анчагина тинч жой экан.

Андрей бу ердати нарсаларни бошқа ерга кўчиришга, ойнадаги панжарани олиб ташлаб, хонани тозалашга буюрди. Шу қичкинагина хона унинг кабинети бўлиб қолди. Лекин у бир оз совуқ ва қоронфи бўлиб, кундуз кунлари ҳам чироқ ёқиб қўйишга тўғри келар эди. Бироқ, бу ернинг тинчлиги унинг бошқа ҳамма камчиликларини ювиб кетарди.

Янги кабинет инженер Кривицкий томонидан «Андрей ҳазратларининг ҳужралари» деб таъбирланди.

Лобанов ўз кабинетидан чиқаверишдаги хонани ҳам тозалаш, лаборант ва техникларни ўз ашқал-дашқаллари билан қолган иккита хонага жойлаштириш, инженерларни эса ўз ёзув столлари, лойиҳа тахталари билан шу алоҳида хонага кўчиб чиқишлиари ҳақида буйруқ берди.

Кўчманчилик ҳамманинг жигиби йиронини чиқарди. Йиллар бўйи ўз ўрнидан қимирлатилмаган тартиблар бузила бошланди. Бу ҳол на инженерларга ва на лаборантларга ёқди. Инженерлар ўз участкаларининг «қаровсиз» қолишидан қўрқиша, лаборантлар эса Лобанов

олий маълумотли кишилар билан лаборатория ходимлари ўртасида катта фарқ борлигини кўрсатмоқчи, деб ўксинишар эди. Баъзилар «янги супурги» янгича супуради деб кулишар, оқибат нима бўларкин, деб ўзларича муҳокама қилишарди.

— Лобанов, ҳеч бўлмаса, сиз билан маслаҳатлашдими?— деб сўради Новиков партбюро секретари Борисовдан.

— Нега энди? Бу масала тўлиқ равишда маъмурий хўжалик даражасидаги масала,— сидқидиллик билан жавоб берди Борисов.

Ҳақиқатда эса, Андрей ҳеч қачон «Янги супурги» бўлишини истамас эди. Лаборатория энг илгор лабораториялардан ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам уни қайта қуришни хаёлига ҳам желтирмасди. Фақат у ўз асбоби билан машғул бўлиши керак. Унга фақатгина тинчлик зарур ва унинг юлдида ўз лойиҳалари билан машғул бўлиб, жимгина ишлайдиган бир неча зеҳнли инженер бўлса бас.

Кўч-кўч жанжал билан бошланди. Техник Лёня Морозов ўз дастгоҳини бошқа ерга кўчириш нияти йўқлигиги айтди.

— Бу менинг вазифам эмас, ҳаммомл чақиришсин,— деди у Кривицкийга, ўтиб кетаётган Лобановга атайин эшитдириб туриб. Бир зумда хонани жимлик босди. Нарвончага ўтириб, девордаги шчитларни суғураётган Пека Зайцев ҳам ишини тўхтатиб, бўлаётган воқиани кузата бошлади. Бошқа вақтда бўлганда Кривицкий Морозсвга қандай жавоб беришни биларди. Аммо ҳозир елкасини қисиб жилмайди-да, Лобановга қаради.

Лобанов таққа тўхтаб қолди. Майя унинг ўнғайсиз ҳолга тушганини сезди. Ҳамма энди у нима иш кўрсатаркин, деган хаёл билан кўзини узмай тураркан, бирдан Майя Устинованинг унга раҳми келиб кетди. Ҳозир бутун лаборатория ёлғиз унгагина қарши турарди. Бу адолатдан эмас, ахир. Лекин айни вақтда Лобановга ҳеч кимнинг бўйсунмаётганлигидан, ҳамманинг ёлғиз унгагина қарши тургаилигидан Майя ҳузур қилаётган эди. У эса ўз тажрибасизлиги билан бу ҳолатни яна мурракаблаштириб юборди. Андрей Морозовнинг сўзига эътибор бермай ўтиб кетаверганда, Майя Лёняни қаттиқ изза қилган бўлар эди. Энди худо билади, бу ишнинг оқибати нима бўларкин. Морозов пўписадан ҳайиқадиганлардан эмас, бунинг устига у лабораториядагилар ўз

тарафидалигини сезиб, Лобанов билан жаңжаллашишга баҳона қидирастгай эди.

Ганининг очигини айтганда, эҳтимол, Майяниң бунга аралашмагани маъқулроқдир — ҳа-да, Лобанов ўз тараддудини ўзи кўраверсин. Лекин қизифи шундаки, Майя шундай хаёлга келиши билан дарҳол ўзидан хижолат бўла бошлади.

— Мөрзов,— деди у, қатъий совуққонлик билан,— аҳмоқчилик қилмай!

Лекин Лобанов бу пайт дастгоҳ олдига яқинлашди.

— Наҳотки, шунчалик оғир бўлса? — деб соддагина қилиб сўради.— Қани, қўтариб кўрайликич.

У эгилди-да, оёқларини кериб туриб, дастгоҳни даст кўтарди ва елкасига олганича қўшини хона томон юрди. Унинг бўйни қабарниб, қизариб кетди. Пека нарвондан сакраб тушди-да, Лобановнинг орқасидан югуриб жетди.

— Нимага қараб турибсизлар? — деб бақирди Майя, Морозов ва унинг шогирдига қараб.— Қаерга қўйишини кўрсатсангизчи.

Дастгоҳ янги жойга ўрнатилиб қўйилгач, Лобанов бўйинин ишқар экан, Морозовга қараб гапирди:

— Чиндан ҳам сизга анча оғирлик қиласар экан, кўтара олмасдингиз!

— Бу жишига кўтариш йўл бўлсин,— деди Пека Зайцев нафрат билан. У дастгоҳни ўрнидан силжитмоқчи бўлиб кўрди.— Юз килограммча келар, бунга оғир атлетика билан шуғулланиб юрган одамнинг кучи ётмаса...

Морозовнинг ножӯя қилмишига жавобан кўрсатган ўз хайриҳоҳлиги ва ташаббуси билан Лобанов ўзига нисбатан ҳаммада меҳр уйғотди. Энди Морозовни мазах қила бошладилар: Табуретканни кўтара олармикинсан ёки унга ҳам ҳаммол чақирсакмикан? — деб кулишарди.

Инженерлар кўчиб чиққан кенг, ёруғ бу хона жуда тинч, жимжит эди; деворда катта соат чиқиллар, стол устига янгигина оппоқ қофозлар ёйилган, инженерлар эса ўзларини гүё кўргазмага қўйгандай термулишиб ўтиришар эди.

Илгари эрталабдан бошлабоқ тинчлик берилмас, улардан йўл-йўриқ талаб қилишарди. Ўлчаш, аппаратларни бузиш, уларни монтаж қилиш каби ишлар уларнинг кўзлари олдида содир бўларди. Буларниң ҳаммаси минут саёнин ақлни олиб қочар, мияни тез чарчатар эди.

Энди улар топшириқ бериб, одат бўйича ўз лаборантлари билан ҳангамалашиб олишгач, яна «инженерлар хонасига» қайтишарди. Айтмоқчи, техниклар ҳам бўлар бўлмас саволлар билан инженерлар олдига кираверишга иймана бошладилар. Энди инженерлар тинчгина ўз лойиҳалари билан шуғуллана берадилар. Улар энди баъзан бўш вақтлари ҳам ортиб қолаётганини сеза бошладилар. Лобанов ҳозирча уларнинг ишига аралашмасди. Ҳаммани тинчитгач, у ўз «ҳужраси»га кириб олди ва ҳар куни бир марта инженерлардан бирортасини чақириб қўярди.

Улар хавфсирашиб, ҳар қандай тасодифий ҳодисаларга шайланиб жирадилар, у ердан эса ниҳоятда тинчланиб қайтиб чиқишаради. Андрей уларнинг фақат назарий билимлари билан қизиқсинарди. Хуллас, барча ислоҳотлар тугаган, энди ишни бемалол давом эттиравериш мумкин эди.

Кўпчилик Кривицкийнинг мулоҳазасини маъқул топди. У шундай деган эди:

— Назариячи... одамларга фойда келтиришдан кўра, кўпроқ савлат учун яратилган экан.

Борисов янги бошлиқ яна қандай ҳунар кўрсатаркан, деган хаёл билан жим юарди.

— Дарвоҷе Борисов, Лобанов ишлаб чиқаришдан узоқ ва унга қизиқмайдиган одам экан,— дерди инженер Усольцев,— хўш, сиз нима дейсиз?

У Лобановдан норози эди. Чунки лаборатория бошлиғи келажак ишлар учун янги йўл-йўриқлар кўрсатиш ўрнига, схемага эътиборсизлик билан қараб қўйиб, Усольцевга:

— Буни ўзингиж эплайверасиз,— деган эди.

Схемадаги ечилмаган масалани ҳал қилиш чиндан ҳам Усольцевнинг қўлидан келади, лекин баҳузур ишлаш учун бошлиқнинг фикрини олиш яхши, бир кориҳол юз бериб қолса, бошлиқни пеш қилиб тураверасан...

— Ўша фикр берармиди, сенга,— деб тиржайди Кривицкий,— Лобанов ишнинг амалий томонига аралаш масликини маъқул кўради. Саволга жавоб бериш ўрнига елкасини қисиб қўйган одам ўзини ақлли деб ҳисоблайди деганлар, ундай одамлар ўз обрўсини кўтариш учун, шуни ҳам билмайсизларми,вой саводсизлар-эй, демоқчи бўлгандай мавҳум темаларда суҳбат бошлайдилар, тушундингми?

Лобанов ўз фаолиятини ўзига алоҳида кабинет ва «инженерлар бўлими» ташкил қилишдан бошлиши партбюро секретари Борисовни ранжитмоқда эди. Орадан икки ҳафта ўтди. Борисов ҳам бу кўчманчиликнинг ижобий натижасини сеза бошлади: у тинчгина ўтириб, фикр юритиш, ҳа, ҳа шошмай-пиншмай ўз ишлари устида мулоҳаза юритиш, перспектив ишлар, формулалар устида боз қотириш учун бу ер анча қулай эканлигини ўйлай бошлади. Бундай шароитда ишлашни ҳам унудиб юборибман, деди у ўзинга ўзи.

Бир куни у ўз иши юзасидан маълумот олиш учун радиолампа тўғрисидаги янги бир китобни қўлита олди-ю, уни ўқишига берилиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди. Шу пайт Лёня Морозов унинг ённига аллақандай қоғоз кўтариб келиб қолди. Борисов унинг истеҳзо билан боқиб турган шўх кўзларига қаради-ю, гўё ўзини катта жиност устида тутилгандаи ҳис қилиб, бошқача бўлиб кетди. Ахир иш вақтида китоб ўқиб ўтириш яхши эмас-да!

Борисов бошқа инженерларга назар ташлар экан. Улар ҳам бўш вақтларида ўзларини унинг сингари ноқулай ҳис қилаётганларини сеза бошлади. Энди у партбюро секретари сифатида қандай бўлмасин ўзига маълум бир позиция таилаб олиши керак эди. Жиддий қилиб гапирганда, у янги бошлиқнинг тарафини олиши, уни қўллаб-қувватлаши керак эди, лекин тўғриси, расмиятчилик деган нарса бўлмаганда, Лобановга ёнбосишига унинг асло кўнгли йўқ. Майя Устинова бўлганда бошқа гап эди. У билан ишлаш жуда осон, у ҳаммани тартибга сола билади ва ҳамма уни севади. Ҳатто серҳадик Кривицкий ҳам: «Майя Константиновна билан ишлаш мумкин, у гина-кудуратни билмайди, ўзи ҳам Англия қироличасидай ювощ жувон», — дерди.

Майли, ана Лобановнинг бундай хатти-ҳаракатидан бирор система, бирор мақсад ҳам бордир, дейлик, нега бўлмаса, коллективни йигиб, бутун фикрини ўртага ташламайди, маслаҳатлашиб, келишиб олмайди? Агар ҳаммани йигиб ўтиришни истамаса, коммунистларни чақирсанн. Наҳотки бутун ишни ўзи ёлғиз ҳал қилмоқчи? Бу тажрибасизликмикин-а? Майя Устинованинг ҳам тажрибаси йўқ эди, аммо у коллектив билан маслаҳатлашиб, иш кўра бошлаганди-ку. Борисов уни «кўпроқ мустақил ишлашга одатланинг» деб койирди-ку. Вой тирмизак файлласуф-эй... ҳеч кимни ҳам назар-писанд ғилмайди-я;

ўзларини алоҳида одам деб билсалар керак-да. Шунча кишини ўзига қарши қўйиб қўйди. Унинг ҳақида ҳар хил миш-мишлар тарқала бошлади. Ҳаммасини сезиб туриб ҳам парвойнга келтирмайди.

У, шу ҳақда Лобанов билан гаплашиб олиш учун баҳона изларди.

Шу чоққача Борисов ким билан қандай муомала қилиш кераклиги ҳақида ҳеч бош қотирмаган эди. У одамлар билан ўйлаб-нетиб ўтирмай муомала қиласа иш силлиқини кетаверарди. Ҳатто шуцдай оғир табиатли, жиртаки Кривицкий билан ҳам апоқ-чапоқ бўлиб жетишган эди. Тўғри, улар ўртасида қаттиқ сўкишлар, тортишувлар, қаттиқ ранжишлар бўлиб турарди. Лекин бир-бирларига нисбатан ҳеч қандай алоҳида муомала қилишни излаш деган нарса бўлган эмас, аммо Лобанов алоҳида, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган хилидан экан! Борисов унинг олдида ўзини қандайдир оғир аҳволга тушаётгандай сезарди. Лобанов лабораториядаги ҳамма нарсага зидан жирканч назар ташлар экан, кишилар ўзларини ноқулай аҳволга тушгандай ва нима учундир гуноҳкордай ҳис қилардилар.

Андрей эса бундай ҳоллардан бутуилай йироқ, у ўзи тузган программа асосида иш олиб боришни биларди. Локатор ясашга киришишдан аввал бир неча идрокли инженерлардан танлаб олиши керак. Бўлажак ишнинг мұваффақият қозониши, техникларнинг малакасига, лаборантларнинг тажрибали бўлишига ҳам боғлиқ эди.

У қўл остидаги ходимларни бирин-кетин олдига чақириб олиб, ҳеч тортинмай уларнинг илмий бисотларини текшира бошлади.

Бисот!.. Афсуски, бу таққослаш уларнинг назарий билимларига жуда мос тушарди. Кўпчилик инженерлар ўз назарий билимларини гўё сафар чоғида зарурияти бўлмаган ортиқча юқ сингари четга йиғиштириб қўйишган. Бу назарий билимлар улар хотирасининг узоқ бир четида ҳаракатсизликдан мөғорлаб, яроқсиз бўлиб ётарди. Кўпчилик амалий усуслар билан бемалол иш олиб боришга одатланиб қолган эди.

Илмга амал қилмаслик, уни бой бериш демакдир. Андрей ўз инженерлари билан сұхбатлашар экан, шу аччиқ ҳақиқатга ишона бошлади. Улар оддий дифференци-

ал тенгламаларни ечишни эсдан чиқаришган, асосий формулаларни ҳам билмай гангид қолишаради. Янги типдаги ўлчов аппаратларни эса камдан-кам киши биларди.

Уларнинг ҳаётидаги энг қимматли, энг зарур бўлган ўткир қуролдан чанг босган, занглаған парча-пурчаларгина қолган эди. Ҳаммасидан қизиги шундаки, бу хўжасизлик, бу ачинарли, хунук аҳвол инженерлардан бироррасини хижолат қилмас эди.

Новиков бўлса «бу яна қанақа имтиҳон?» деб ўзини ҳатто ҳақоратланган ҳисобларди.

Бу соҳада Кривицкий билан Андрей ўртасида қаттиқ тўқнашув юз берди. Лабораториядаги пешқадам инженерлардан ҳисобланган Кривицкий жizzаки одамлар тоифасидан эди. Уни ҳеч ким ёқтирилас, аксинча ундан бир оз ҳайнқардилар. У ўз атрофидагиларнинг лавозими ва хизматига қарамай улар устидан кулишга уста эди. У ўзи анчагина қобилиятли, катта тажрибага эга бўлса ҳам, ўн беш йил мобайнида фақат старший инженер мансабига эришиди-ю, ундан юқорига кўтарила олмади. У ўзига нисбатан бўлган адолатсизликлар натижасида серҳадик ва ҳар қандай ҳақиқатни бемаъни ҳақорат деб ҳисоблайдиган бўлиб қолган эди.

Кривицкий ҳали қирқ ёшларга бормаган бўлса ҳам, эллик ёшдаги одамга ўхшар, унинг юзлари рангсиз, юқори лаби осилиб турар, соқолини эса доим чала олиб юрарди. У скелетга ўхшашиб озғин, буқчайган бўлиб, эгнидаги пиджаги худди ҳалат сингари ҳалпиллаб турарди. Ундан тамаки ва сийрак соchlарига суркалган аллақандай хушбўй мойнинг ҳидлари анқир эди.

У соқоли олинмаган чўзинчоқ иягини олдинга чўзиб, Лобановга гап отди:

— Андрей Николаевич, мен тензор ҳисобини унутғаним билан температура босимини автоматик равишда ёзадиган асбобларни ремонт қилиш ҳозиргача тўхтаб қолгани йўқ ва бир кун ҳам тўхтамайди. Паровоз машинисти учун юмпак җанчалик зарур бўлса, бу ёзув-чиズувлар ҳам менинг ремонт ишимда шунчалик зарур.

— Билмадим,— деб мужмал жавоб берди Андрей. Ҳозирча у ўзи савол бериб, бошқаларнинг фикрини эшитгиси келарди.

— Бир донишманд: кишилар билмаганлигидан эмас, ўзини ўта билармон ҳисоблагани учун янгишади, де-

ган экан. Бу албатта, бизга ўхшаш корхона ходимларига тааллуқли. Сизга эса,— Кривицкий юзларини бужмайтириб, жимжилогининг сап-сариқ узун тирноғига тикилди.— Хўш-ш, мана жўриб турибсизки, ўртоқ Лобанов, мен орқада қолиб кетдим деб асло зорланаётганим йўқ. Сизнинг олдингиздан тўппа-тўғри кутубхонага ҳам бормайман, чунки менга шу ҳам етади.

Андрей ғазабдан зўрга ўзини тутиб турарди.

— Мен сиздан ёш жиҳатидан каттароқман. Шу катталик ҳурмати, менга ҳам марҳамат қилиб қулоқ солинг,— деб кишининг жиғига тегадиган бир оҳангда давом этди Кривицкий,— огоҳлантириб айтаманки, сиз кўрсатаётган тутуриқсиз қароматлар назаримда четдан тамоша қилган одамниң қулгисини қистатади.

Андрей ўзини босиб, зўр-зўраки кулишга уринди-да, жавоб берди:

— Яна бошқа бир допишманд, тирноқнинг орасидан қир излаш — ичи қораликнинг иккинчи бир хилидир, деган экан.

Кривицкийнинг очиқчасига сурбетлик қилиши Андрейнинг бадтар жаҳлини чиқарган эди. Буларнинг ҳаммаси фирт амалиётчи экан деб ўйлади у. Ҳамма ишта ярамайдиган одамларни (Кривицкий билан бўлган суҳбатдан кейин, лаборатория ходимларининг ҳаммасини шундай одамлар қаторига қўшиб қўйган эди) ишдан бўшатишни, лабораторияни қобилиятли ёшлар билан тўлдиришни ва улар билангина иш бошлашни ўйлаб қолди.

Лабораториядаги маънвара очиқ-ойдин маълум бўлгач, Борисовни чақиртирди. Икковлари ҳам бамайлихотир ўтириб, муфассал гаплашиб оламиз, деб ўйлашган эди, бироқ ундан бўлмади. Улар бир-бирларига бўлган ғаразгўйликларини яширишга уринишар, лекин бир-бираидаги бу уринишни сезиб қолиб, бадтар қизишафдилар.

Андреяга қараганда Борисовнинг бўйи пастроқ, юзлари лифодасиз, қошлири сийрак, ялпок бурун эди. Унда кишини ўзига жалб қиладиган бирдан-бир нарса, кўзи эди. Узун киприклари остидаги қоп-қора кўзлари, худди аллақандай қувончли ҳодисанинг юз беришини кутаётгандай, қандайдир бир яхшиликка мойилдай чақнаб турарди.

Лекин ҳозир эса ана шу кўзларда жушчақчақлик инфодалари бутунлай йўқолиб кетган, қувноқ боқишлиари ғо-

йиб бўлган, чеҳраси ҳам газабдан ўзини зўрга босиб турган кишиларникдек асабий ҳолатга кирган эди. У ҳадеб Лобановнинг сўзини бўлар ва уни кибрликда, бошқаларни назар-писанд қилмасликда, буйруқвозликада айбларди.

Андрей ўзини оқлашни хаёлига ҳам келтирмасди. Афтидан Борисов ўз иззат-нафси ҳақида ўйлаётган бўлса керак, нега энди мени билан маслаҳатлашмадинг, дегандек таъна қиласарди. Бундан кўра у ўз коммунистларининг билими билан қизимса бўлмасмикин. Уят! Яна булар лабораториянинг илтмий ходимлари эмиш! Бу подонлик, давлат ишига эътиборсизлик билан қараш эмасми? Ҳеч қандай ижодий иш ҳақида ўйлашмаса-я!..

— Бу қалтабинликнинг ўзгинаси,— Борисов Лобановга катта кўзларини қаттиқ тикиб олган эди.— Наҳотки одамларни имтиҳон қилиш билан улар тўғрисида бирор мулоҳазага келиб бўлса? Хўш, нима муддаонгиз бор? Лабораторияга нима мақсадда келдингиз?..

— Биласизми,— деди нафаси бўғилиб Андрей.— Мен сизга ҳисоб бериб ўтирмайман. Сиз! Сизнинг вазифангиз қуруқ сафсата сотмай менга ёрдам бериш!

Борисов қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Бу ерни корхона дейдилар. Ахборингиз учун партия ташкилоти контроллик қилиши керак. Бу институт эмас.

— Ҳа, институт эмас,— деб аччиқ киноя билан таъкидлади Андрей,— институтга сиёдақа инженерларни йўлатмайдилар ҳам.

Андрей, Борисовнинг асаби қўзғаб, тез-тез кўзларини пириллатиб қўяётганини сезди. «Ҳа, таъсир қилди шекилли» деб ўйлади ғолиб чиққани учун қаноат ҳосил қилиб.

У, янги бир папка олиб, столга қўйди. Папка устига ёпиштирилган оқ қоғозга зўр ҳафсала билан йирик қилиб: «А. Лобанов. Локатор. 28 октябрдан бошланди» деган сўзлар ёзилган эди.

Шу кўрсатилган числода у Одинцов билан қаттиқ тортишиб қолган эди.

Андрей схемани Борисовнинг олдига қўйиб, қошларини чимирган ҳолда ўз фикрини очиқ баён қила бошлади. У шундай берилиб сўзлар эдик, ҳатто юзларидағи ажинлар ҳам аста-секин йўқола бошлади. У ўз қалбида-

ги яширин бу фикрларини биринчи бор очиқ гапириши эди.

Лобановнинг қип-қизил каттакон қулоқларига тикилиб турган Борисов бу одам олдида ўнғайсизланаётгандек ва сал ҳадиксираётгандек ҳис қиласар эди. Аммо у Андрейнинг ўзи ҳам ҳаяжонланаётганини кўриб, бир оз енгил торти.

Андрейнинг эҳтирос ва завқ билан тўлган дадил фикрларининг таъсири остида Борисов бир оз юмшагандай бўлди. Унинг тим-қора кўзларида «ҳа, ҳа, сени тумшугингдан илинтирадиган нарса бу ёқда экан-ку», дегандек шўх табассум аломатлари чақнаб кетди. Аммо Лобанов ўз ҳикоясига берилиб кетиб, ҳеч нимани пайқамади.

— Бу жуда ҳам қизиқ ва биз учун жуда зарур нарса-да!— деди Лобанов, нима дейсан деб сўраётгандай, кейин мийигида кулиб, унинг ҳам кулиб жавоб беришини кутиб тикилди. Лобановнинг бу хилдаги ҳаяжон билан жавоб кутиши нақадар таъсирли! Лекин бу ҳолат фақат бир неча секундгина давом этди, холос. Сўнг ҳаяжонини сездириб қўйганидан ўнғайсизланиб, жаҳл билан деди:

— Мана шундақа локатор яратмоқчи эдим, ўртоқ Борисов. Мен сизнинг мұтабар тартиб-қоидаларингизга халал бермоқчи әмасман. Ўзимга сафдош излаган эдим. Бироқ янглишибман. Сизнинг бу инженерларингиздан ҳеч нарса чиқмайдиганга ўхшайди. Бу сизга асбоб ремонт қилиш әмас.

Борисов схемадан бошини жўтараркан, у ҳам илти-фотсизлик билан жилмайди:

— Энди туёғингизни шиқиллатмоқчимисиз?

Андрей бўш ётган папка устига бақувват муштини гурс этиб қўйди.

— Э-э, йўқ, ўртоқ Борисов, янглишасиз, бу ердан мен әмас, мен билан ишлашни хоҳламаганлар кетади.

— Яъни, ким демоқчисиз?

— Кривицкийдан тортиб, ҳаммаси,— деди Андрей.— Ҳа, балки сизнинг ўзингиз ҳам...

— Ў-хў...—Борисов кутилмаганда ўзини босиб олди. Унинг кўз қорачиғларида аллақандай шўх истеҳзо аломати порлади.— Мени кетказиб бўпсиз. Бу асбобинигиз мени бир оз қизиқтириб қўйди. Фақат автор... менга ун-

ча ёқмаяпти. Андрей Николаевич, кўчма локатор қилиш ҳам мумкинмүнин-а?— деб сўради.

— Ҳали униси аниқланган эмас,— деб тўнғиллади Андрей. У фикридан адашиб жим қолди. «Мана, чина-кам харидор. Ҳали схемасини тузолмай ётибмизку, бу киши унинг ҳажми ҳақида ташвишланиб қолдилар» деб ўйлади. Бироқ у Борисовнинг локаторга бўлган қизиқушини сезиб қолган эди. Борисов унинг схемаси билан танишган бегона кишиларнинг энг биринчиси бўлди. Андрей у билан асбобининг ҳар бир детали, элементлари ҳақида маслаҳатлашгиси келарди. Шунинг учун ҳам у қўрс қиёфасини ўзgartмай туриб, пинҳон ҳаяжон билан сўради:

— Ахир, сиз фақат партия frauబаригина эмас, инженер ҳам сиз! Шундай экан, нима учун бу асбоб сизни фақат «Бир оз қизиқтириб қўйди»? Ёки ҳаракат қилиш принциплари тушунарли эмасми?

Борисов биринчи бор довдираб қолди.

— Ҳа, бир оз тушунмаяпман,— деб тутилиб жавоб берди у.— Бу ерда элекtronикалар кўп экан, бунга унча тушуномайман.— У схемани аста стол устига қўйди.— Лекин мен бошқа нарсани яхши тушунаман. Сиз фақат ўзингизга ёрдамчи излаш билан эварасиз. Бизга эса бутун коллективни йўлга соладиган бошлиқ керак. Сизни фақат локатор қизиқтираркан, бизни эса бутун лаборатория қизиқтиради.

— Мен худди шу ҳолни кўрмаябман-ку.

— Андрей Николаевич, фақат икки йилгина бурун институтни битирганман. Унга қадар станцияда монтёрлик қиласдим, кечқурунлари эса ўқирдим. Уйдагилгр ёшинг ўттиздан ошиб қолибдию, энди нима бўлардинг деб кулишарди. Беш курсни битириш учун етти яrim йиллик умримни сарф қилдим. Лабораторияга келганимда, мана ниҳоят «ҳақиқий қайноқ ҳаёт, ижодий меҳнат қўйнидаман»— деб қанот боғлаб юрардим. Оқибат нима бўлди? Ҳеч нима. Майдо-чўйда ишлар ичидан ўралашиб қолиб, вақтнинг ўтганини ҳам сезмабман, кўз очиб юмгунча икки йил ҳам ўтиб кетибди. Мен бу ерга гўё илмнинг муқаддас қасрига киряпман, деб келган эдим. Сиз бунга тушунмайсиз, мен эса...— Уништ овози титраб кетди. Андрей эса бошини кўтаришга журъят этолмади.— Мен бу ерни ҳақиқий фанлар ўчоғи деб ўйлаган

эдим. Бироқ, бу ўчоқ оддий, устахонадан иборат экан. Қиладиган ишим асбоб тузатиш, қалайлаш ва кавшарлашдан иборат.

— Ҳа, балли! Мен ҳам шунни айтаяпмал-да,— деб қувониб кетди Андрей.

— Институтни битиришнинг ҳам ҳожати йўқ экан. Бу ерда ишлаш учун техникумнинг ўзи кифоя экан. Шундай бўлса ҳам, ҳалигача тинчимайман. Билимим эсимдаи чиқиб кетмасин деб журналлар ўқийман, масалалар ишлайман, ечаман, ўз илмимга нафталии сепиб асраяпмай. Бундан нима фойда! Бу билан иш ўнгидан келармиди? Сиз билан бизга турмуш оигни белгилайди, деб ўқитишган эди. Мана, атрофинигиздаги турмушга назар ташлаб кўриш, нима учун, нима сабабдан инженерларимиз техниклик, монтёрлик қилишмоқда? Сиз ётиғи билан сирдош бўлиб суҳбатлашганингизда эди, ҳар биримизнинг юрагимида нималар кечайтганини билиб олардингиз. Ҳатто Кривицкийдек кишилар ҳам ҳақиқий хизмат қилиш учун жоп қўйдиради. Унинг скептиклиги эса фақат ниқоб, холос. Шу ниқоб остида чинакам ишга бўлган орзиқиши яширинганди. Газеталарни ўқисанг ҳамма ёқда янги техника учун кураш олиб бориляпти, бизда-чи... Гирдобга кириб қолган кемадай нари кетолмаймиз. Бир иеча бор Майя Константиновна билан бирор янгилик тема устида иш бошламоқчи ҳам бўлдик. Бўлмади. Чунки сув бошидан лойқаланган экан. Ўзгаришни биринчи галда боз инженер билан техниклар бўлнимидан бошлаш керак экан.

— Сизнинг ўзингиздан ҳам!— деди унинг гапини чўрт кесиб Андрей.

Борисов локатор биринчи галда лабораториядаги колективни ҳарақатга солиш учун, кишиларнинг ижодий иштиёқини ќўзғатиш, ўз кучларига ишонч туғдириш учун хизмат қиладиган бирдан-бир восита сифатида жуда зарурлигини исботлай бошлади. Локатор яратишта киришиш билан уларнинг ҳар бирни, ниҳоят, лабораториямизга ҳақиқий фан кириб келади, у энди бозсиз яшай олмайди, биз эса усиз яшай олмаймиз деб ҳис қилишсин. Бу хилдаги умумий гаплар Андрейга асло таъсир қилмас, қайтага уни рашибжитар эди. Нимага энди унинг локатори лабораторияни қайта қуриш учунгина восита бўлиши керак экан? Нега энди? Тўғри, иш усу-

лини бир оз ўзгартириш керак бўлади. Лекин ҳар ҳолда Борисовинг фикрига қўшилгани маъқул. Бунииг устига, локатор ёқиб тушди-ку. Ахир биргиша ўзининг қўлидан нима келади, ёлғиз отнииг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас...

Улар ҳали ҳам ўзларидағи гинахонлик, араз учқунларининг тўла-тўқис ўчиб тугалланмаганига қарамай, аста-секин бир мақсад йўлида келиша бошлаган эдилар. Лекин ҳали ҳам бир-бирларини ўз томонларига тортиш учун уринардилар. Ҳар ҳолда ҳозирча келишиб олиш учун ҳам бир-бирларига қўл чўзсалар ёмон бўлмас эди.

### БЕШИНЧИ БОБ

Андрей қизининг отасининг исмини унутган экан. У вақтлар Рита, фақат Рита Гусева деб юритиларди. Балки Андрей ҳеч қачон унинг отасининг исмини эшитмаган ва билмагандир... Шунинг учун ҳам телефон трубкасидан «эшитаман», деган эркак овози келганда, Андрей кимни сўрашини билмай, довдираб қолди.

— Эшитаман,— сабрсизлик билан такрорланди трубкадаги овоз.

— Мумкни бўлса, Ритати чақириб берсангиз,— деди Андрей. Овоз бир нафас жим қолди-да, сўнг сўради:

— Ким сўрайпти?

Андрей трубканни қаттиқ қисиб, ўз табассумиши яширолмай жавоб берди:

— Эски дўстларидан бири.

Орага жимлик чўкди. Алланима шитирлади. Оёқ овози эшитилди, унинг бутун вужуди қулоққа айланган эди гўё трубканни маҳкам босиб турган қулоғидагина жон бор эди. Трубкадаги жимлик ҳаддан ташқари узоқ ва ҳаяжонли...

— Алло!

— Ритами,— деб сўради Андрей, ўз қулоқларига ишоимаётгандай, ҳаётда камдан-кам такрорланадиган бу бир нафасли ғойибона учрашув Андреяга хуш ёқаётгандай эди.

— Ким бу?

— Ри, танимаяпсанми?— Бир вақтлар Андрей унининг исмини шу хилда қисқартириб айтарди.

— Ким бу?— Рита бу сафар бир оз чўчигани ва бўшаш-

ган оҳангда сўради. Андрей бўш қолган иккинчи үзми билан юзлардни қаттиқ силади.

— Ри,— деда тақрорлади у,— Ри...— Андрей кўзларидни чирт юмиб қизнинг ҳозирги ҳолатини тасаввур қилди.— Танияпсаними?

— Андрей, сенимисан?— деди сөкингина қиз, гўё узинги қулоқларига шивирлаётгандай.

Андрей елкасиини деворга тираганича, қулиб юборди.

— Сени бир кўрмоқчи эдим, Ри.

Рита узоқ жим қолди, сўнг ўзини босиб, бирдан жолланиб кетгандай гапирди:

— Ростданми? Бизниги кел, бўлмасам.

Андрей тушунмади.

— А... Ёлғиз ўзинг билан учрашиш мумкини?

— Албатта.

Қиз ўз гапининг маъносига тушунтиromoқчи бўлгачдай, жим қолди.

— Қачон?

— Кел, сени кўриб, жуда хурсанд бўламан.

Улар сўзлашда давом этишаркан, қизнинг овози измагадир, борган сари жиддийлашаётгани, худди ўзинг сўзларини учинчи яна бир киши эшитиб тургандай, ҳозиргина чуқур қалбидан қўзғалған шодлиги аста-секин босилиб, ўринин ясама ҳазил эгаллаётгани сезиларди.

— Ри, сени бевақт чақирибман шекилли?

Қиз яна баҳузур, дуч келган сўзлар билан жавоб беришда давом этди.

— Телефон номеримни ким берди сенга?

— Лиза. Хўш, нима дейсан, Ри?

— Ҳа, Лизами? Биз яқинда ўтиришиб Виктор иккавингизни Петровский боғида учратганимизни эслаштан эдик. Ёдингдами?

Андрей, ниҳоят, унинг сўз ўйинига тушунди.

— Эсимда, эсимда. Оҳо, анча дипломат бўлиб қолибсан-ку.

Демак, эртага Петровский боғида учрашамиз-а?

— Ҳа, ҳа,— қувониб кетди Рита.

— Соат нечада?

— Менга барибир.

— Ундай бўлса, кечқурун еттида.

— Яхши, бизниги кел, Андрей, хайр.

У боққа олти яримларда етиб келди. Оқшом сөхин,

фақат совуқ авжга чиқаётган эди. Бонинг тўрида қилъяланғоч дарахтлар ортидаги яхмалак устида чироқлар порлар, музика янграп эди. Андрей бир вақтлар Рита билан учрашиб турадиган жойни излай бошлади. Аммо у вақтларда баҳор фасли эди, юғ бутунлай бошқача тусга кирган эди. Андрей билан Ритани аллақандай тантанали кечаларнинг бирида Лиза таништириб қўйган эди. Кейин улар бир-бирлари билан тез-тез учрашадиган бўлишди. Эскидан дўстлашиб, бирга юришган Лиза билан Виктор эса, ўзларини ишда тажрибаси бор кишилар ҳисоблаб, бу икки ёшдан кулишар эди.

Бирдан Андрей ўша эски жойларини — кўлга ғолиб борадиган пастқам хиёбонин эслади.

Янги ёқсан қор йўлнинг ҳамма ёғини қоплаб олгани учун бу хиёбонни топиш анча қийин бўлди. Кўл олдидаги биттагина ўша скамейкани ҳам момиқдек қор босган эди. Андрей қорни сидириб ташлади-ю, лекин ўтирамай хиёбон бўйлаб у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

Уша қупларга ҳам саккиз йил бўлибди. У вақтлар анови қайнин дарахти йўқ эди, заранг дарахтлар эса ҳали жуда ёш эди. Бу дарахтлар энди йўғонлашиб, қад кўтариб қолнишибди.

— Салом, азаматлар! Мени танимаяпсизми? — деди Андрей уларга секингина. Ҳозир у ўзининг ўша даврдаги қиёфасини гира-шира кўз олдига келтиrsa ҳам, аммо Ританинг қиёфасини тўла-тўкис ва аниқ эслай оларди: унинг кулиб турган фунча лаблари, ёқимли қиқирлаб кулишларини кўрсангиз эди... Рита кулар экан, доим бошини орқасига ташлаб, ғалати бир оҳангда қичқиради-да:

— Вой, ичагим! — деб қўяди.

Андреини фронтга жўнатаркан, Рита шошиб қолди, улар бир-бирларига суратларини ҳам бермабдилар.

— Қўйсанг-чи! — Бепарволик билан қўл силтади Андрей, — шундоқ ҳам сени хотирамда сақлай оламан. Яна учрашадиган бўлганимиздан кейин суратнинг нима кераги бор! Агар бир-бirimиздан совуидиган бўлсак, унда ҳам сурат ортиқча.

«Лекин мен ҳеч қачон сендан совумасам керак» деб ўйларди уларнинг ҳар бири.

Андрей ҳамон қор босган хиёбон бўйлаб у ёқ-бу ёққа юрад, унинг оёқ остида торгина янги сўқмоқ йўл чўзил-

моқда эди. У, кўл ёнига тушадиган ерга келиб орқасига қайрилар экан, хиёбоннинг нариги бошида пайдо бўлган қора бир шарпага кўзи тушди.

У таққа тўхтади-да, қўлларини сиқиб мушт қилганича тужиркасининг чўнтағига тиқди.

Ана, ниҳоят кишини ўзига мафтун қилувчи ўша таниш қиз енгил қадам ташлаб Андрейга яқинлашмоқда. У шу келишида гёё қанча-қанча масофалик ҳижрон йилларини мардона босиб ўтиб, ғолибона одим отиб келаётганга ўхшарди. Фира-ширада унинг кийимлари борган сари аниқроқ кўрина бошлади. Эгнидаги кулранг пальтосининг майин мўйна ёқаси иякларигача кўтарилиган, чети кенг ҳаворанг шляпаси остидан кўзлари чақнаб туради. Унинг оёғидаги кичик қора ботиси остида қорғижирларди.

Андрей югуриб борнб, қўлини чўзмоқчи ва уни қулоқлаб олмоқчи бўлди-ю, яна негадир ўзини тутиб қолди.

Қиз яқинлашган сари унитиг тўғрисидаги майда хотиралар бирикӣ, бир бутун қиёфага кириб борарди.

Қиз унчалик ўзгармабди. Қайтага чехрасидан етилганлиги кўриниб туар, қиёфаси жиддийлашиб, ҳуснига ҳусн қўшилгандай эди.

У ҳамон ўша эски одатича, юқори лабларини аста кўтариб садаф тишларини кўрсатар, ёқимли табассум билан кулар эди. Андрей қизга суқланиб тикилар экан, бу ҳижрон йиллари ичida унинг чехрасида қандай ўзгаришлар пайдо бўлганини кўришга уринар ва ўзига ёт бўлган бирор янги аломат топилиб қолишидан қўрқарди. Бироқ, қизнинг гул чехрасида ўша таниш белгиларни кўрганда ниҳоятда қувонар ва изтироб чекарди. Қиз кенг енгасидан қўлини суғуриб, кафтини юқорига қаратган ҳолда тортинчоқлик билан Андрейга узатди, унинг қўли иссиқ, худди куйдириб юбораётгандай иссиқ эди. У Андрейнинг қўлини қўйиб юбормай, скамей-кага ўтирди.

— Мана, ниҳоят учрашдик,— деди Андрей. Рита кулиб юборди.

— Шундай дейишинингни билган эдим. Мен жуда қарриб қолибманми, Андрей?

Андрей ғамгин бош чайқади.

— Анча яшариб кетибсан, агар шу хилда боравер-

санг, бора-бора йўргакка тушиб қолишинг ҳам мумкин.— Андрей ўз ҳазилининг зўрма-зўрақи чиқаётганини седи.

Рита Лиза ва Виктор ҳақида гап бошлади. Андрей эса бошини қимирлатиш билан жавоб берар ва ўзининг ўнгайсизланаётганини енгишда қизнинг ёрдамлашаётгани учун ундан жуда миннатдор эди...

Тавба, қизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини эсласа, қиёфасини, қандай бўлса, шундайлигича ёдида жонли рашида сақлаб юрса-ю, лекин гўё янги танишлардек унинг тўғрисидаги оддий маълумотларни: қаерда ишлшини, қандай яшашини, эрининг кимлигини билмаса?.. Бегона, бутунлай бегона...

Рита ўзининг ажойиб руҳий латофати билан бошқалардан доим ажралиб турарди. Андрей ўз ҳаётида буна-қангни аёлни — энг ўнгайсиз аҳволдан ҳам осонлик билан қутулиб кета оладиган доно жувонни ҳеч учратган эмас. Мана, ҳозир ҳам гўё ҳаётида ҳеч қандай ўзгариш бўлмагандай, бемалол гаплашиб ўтирибди.

Андрей эгилиб, бир сиқим қор олди-да, иссиқ қўлини совутиб копток қила бошлади.

— Хўш, турмушнинг қалай?— деб сўради у. Унинг бу саволида гўё «Ким билан яшаяпсан» деган маънио бор эди.

Рита дарҳол, итоаткорлик билан суҳбатни бошқа томонга буришга уриниб жавоб бера бошлади. Жавоб берди-ю, яна жим туриб, навбатдаги саволни қута бошлади. Бу хилда чўчинқираб итоат билан жавоб бериш бир вақтлардаги Ритага ҳеч хос эмас эди. Шунинг учун бу хусусияти Андрейнинг тантанали вазиятига халал бермоқда эди. Андрей кўпдан бери Ритани кўрсам бир таъна қиласи, деган орзуда юрган эди. Бироқ ҳозир таънанинг ҳеч қандай фойдаси йўқлигини сезиб, оғиз очмади.

— Айтмоқчи, бевақт телефон қоқиб, сени безовта қилиб қўймадимми? Уйинѓа кўнгилсиз, ҳеч қанақа гап бўлмадими?— шафқатсизлик билан сўради у.

Рита «Бевақт бўлганда нима бўлибди. Бунга сен ташвишланмай қўя қол» дегандай слкасини қисди.

Булар ўз алоқаларини бегона кўздан яшириб, холи ерларда учрашадилар деб ким ўйлаган эди!

Андрей узоқ ҳижрон йиллари юрагидаги ҳар қандай гина-кудуратларга хотима берди, деб ўйлаган эди. Уруш

вақтида Рита унга хат ёзиб, бир полковникка әрга чиққани, ундан қиз туққашини билдирганди. Кейин госпидалдан пайтида Андрей ундан иккичи марта хат олиб, полковникнинг жангда ҳалок бўлганини билган. Шундан кейин Ритага раҳми келиб, ўзининг аттестатини юборган эди. Унинг бу ҳиммати учун Рита ҳам дўстона ташаккур билдирган эди. Лекин Андрей ҳарбий хизматдан бўшашинга бир ойча қолганида, Рита қисқагина хатча билан бирга аттестатини қайтариб юборади. Хатда иккичи марта яна әрга чиқаётгани, қизи ҳақида ғамхўрлик қиласиган одамга тегаётгани тўғрисида ёзган эди. «... Мен сени узоқ кутолмайман. Тушун азизим, мен ҳар доим ўзимни сенинг олдингда гуноҳкор ҳис қиласман. Сен менга нисбатан қандай муносабатда бўлмагин, барибир бу гуноҳим умрбод ювилмай қолади. Ундан ташқари, ёлғизлик мени енга бошлади. Бу эрим эса менга ҳеч қачон таъна қиласмайди»— деган жумлалар хатда бор эди.

Хат Уралдан бир ой йўл босиб келган бўлиб, адреси ҳам кўрсатилмаган эди. Андрей унинг бу ишини маъқулламади ҳам, айбламади ҳам. Уни қўлидан келганча унтишга, умидини узишга ҳаракат қила бошлади.

Аммо бутунлай унуга олмаган экан!

Рита ўзини оқламасди. У бир оз тортичоқлик билан унинг қўлини ушлаб ўтиради. Ританинг майин соч толаларига ёпишиб қолган маржондек қор учқунлари эриб, ялтиради.

— Кўрдингми? Ҳаёт шунаقا бўлар экан!— деди.— Бутунлай бошқача бўлиши ҳам мумкин эди-я, ўша бир ойгина муддат бутун режамизни чиппакка чиқариб юборди. Ӯшанда нимагадир менинг ҳам инжиқлигим тутиб қолган экан, дегими. Эсингдами, «Қизил гул» балетига билет олиб, мени таклиф қиласгинингда бормагандим-а. Шу каби қанча-қанча дам олиш вақтларинг, мен туфайли куйиб кетганди!

— Май ойида бўлса холангнига кетиб қолган эдинг. Эслайсанми? Нима қилмоқчи эдинг у ерда?

— Сени синамоқчи бўлгандим... ўзимни ҳам. Сен мени чинакамига севмайсан, шунчаки, ҳавасга хушомад қилиб юрсанг керак деб ўйлардим.

— Мен-а? Мен севмаганмидим!— деди хитоб қиласиб қизининг қўлини олиб ташлаб, ўриндан тураркан.

— Ўша вақтда ҳам сенинг худди мана шундақа одатинг бор эди... Ҳатто бир марта ҳам мени дурустроқ ўпган эмассан... Шаҳар четига чиққанимиз эсингдами...

— Бўлди энди бас қил! Наҳотки ўзинигни ақлинг етмаган бўлса? Мен ўшанда сени ҳақорат қилиб қўяман деб қўрққандим-ку!

— Мана, энди, ҳаммасига тушунаяпман, Андрей. Тушуниш учун беҳисоб синов йилларини бошдан кечиришга тўғри келди... Сенинг хотирангда ғам-ғуссадан бўлак ҳеч нима қолмади, менда бўлса... — у аламли кулди,— хўп, нима ҳам дейиш мумкин, мана сен ўзингниг гуноҳсизлигинг билан мағрурланишинг мумкин, бугун сенинг байраминг. Менчи... мен сенинг олдингда гуноҳкорман. Қани, айтчи, қандай қилиб ўзитми оқлай олишим мумкин? Бирдан-бир бурчим олдингга келиб, ҳаммасини гапириб бериш эди, холос. Мана, келдим...

Ританинг айниқса сўнгги сўзлари Андрейга кучли таъсир қилди. Ҳа, Рита келди, у Андрейниг барча аламили таъналарини эшитишга тайёр ҳолда келди. У кечирим сўраш ёки ўзини оқлаш учун эмас, балки ҳатто ўзини камситиш билан Андрейни мукофотламоқ учун келди.

Қиз совуқдан қалтираганича унинг юзига қарашга ҳам ботинолмай ўтирафди. Андрейниг диққатини жалб қилмаслик учун совуқ еган оёғини жуда секинлик билан бир-бирига уриб қўяр эди.

— Ҳали ҳам тоњки отасанми? — Чўчиниқираб сўради у.

Андрей жавоб бермай скамейка олдида у ёқдан-бу-еќқа юриб турарди.

— Ўша вақтда ҳам қўлларингни худди шу хилда чўнтағингга тиқиб олиб, у ёқдан-бу ёќқа юрганинг юрган эди,— деди Рита,— фақат у пайтлар сен тапириб турардинг, мен тинглардим.

— Бас!

— Андрей,— тўсатдан Ританинг овози аламдан янграб кетди,— наҳотки тушунмасанг... Гапирган гаплариниг ҳаммаси ёдимда... ҳаммаси... Мен учун эсдалик бўлиб қолган бирдан-бир энг яхши нарса ҳам шу.

— Жигм бўл деяпман! — Яна қаттиқроқ бақирди Андрей.

Рита чўчиб, бошини кўтарди-да, унинг кўзига тикилишга уринди.

— Сен... Сен энди мени севолмайсанми? — У совуқдан буқчайиб қотиб қолган оёқларини зўрга ёзиб, Андрейнинг олдига югуриб борди-да, унинг елжасига ёпиш-

ди.— Йўқ, севасан, севасан, севасан.— деб тақрорла-  
ди у, гоҳ кулиб, гоҳ йиглаб.

Андрей икки қўли билан унинг бошни маҳкам ушла-  
ганича кўзларига тикилди. Бу кўзларда баҳтиёр дам-  
ларга интилиш орзуси оғир изтироб чўғи билан чулғанган  
эди. Бирдан Андрейнинг юzlари жимиirlab, ажин пайдо  
бўлди, у энгашди-да, жувоннинг совқотгац, шўр юзла-  
ридан ўпиб-ўпиб олди, сўнг яна ва яна ўпди-да, унинг  
бошини кўкрагига маҳкам босди.

Андрей ўз севгисини изҳор қилишга чўчир, уяларди.  
Ҳа, у ўзининг аввалги Ритасини қучоқламоқда. Қиз  
урушдан аввалги ўша баҳордан тўппа-тўғри мана шу  
қишига хатлаб ўтди. Улар гўё ҳеч ажралишмагандай,  
гўё бутун ҳижрони йилларини қиз мана шу хиёбонда ўт-  
казгандай, худди шу ерда уни орзиқиб кутгандай эди..  
Улар гўё ўша тугалланмаган ширин суҳбатларини ҳамон  
давом эттираётгандай эдиilar.

Улар шу кундан бошлаб тез-тез учрашадигаи бўлиб  
қолишиди. Рита Андрейнинг ишдан чиқишини кутиб ту-  
рар, сўнг узоқ-узоқларга кетишар, айниқса Сосновкада-  
ги эски паркда сайр қилишни жуда ёқтиришарди. Сий-  
рак дараҳтлар орасидан сон-саноқсиз чўзилиб кетган  
чанғи излари кўзни қамаштирас, қалин қор босган қа-  
рағайлар шохларини эгиб, салом бераётганга ўхшарди.  
Дараҳт чўққиларидағи қорлар ботаётган қуёшнинг қиз-  
ғиши нурида аланига тусини олган ва бу шўх қизиллик  
смола анқиб турган совуқ ҳавога, қорая бошлаган ба-  
ланд осмонга жуда мос тушгандек эди. Бинафша ранг  
оқшом тушиши билан, кичик-кичик ёғоч уйларнинг дер-  
заларидан олтин шуълалар сочила бошлайди. Бу ердаги  
нақшдор, чорчўпли уйлар жуда эскириб кетган эди.

— Бир қўшиқ айтиб ёбермайсанми,— деб илтимос  
иқилди Андрей. Унинг хотирида Ританинг қўшиқлари янг-  
тарди. Ўша вақтларда Виктор гитара чалар, Рита  
Бўлса кўзларини юмиб, завқ билан жуда ёқимли куй-  
лар эди.

Ҳозир у ёлғиз Андрейнинг ўзи учунгина куйлайди.  
Ўнинг овози янгроқ ва маънодор эди, юракнинг чукур  
ерига етиб борнб, нозик қалб торларини чертиб ўтар, Аи-  
дрейни маст қилгандай бўларди.

У, эски, кўпчиликининг ёдидан кўтарилиб кетган қў-

ишиқларни кўйларди. Бу қўйиқлар худди мана шу ўрмонлар учун, шу икки җатб учун яратилгандай эди:

Муромск йўлларида  
Уц туп гўзал қарагай бор.  
Баҳор чоги келаман деб  
Жўйнаб кетди азиҳ ёр.  
Ваъда берди севаман деб.  
Учрашамиш биз такроҳ...

Андрей қизининг орқасидан қучоқлаб турарди. Унинг пальто устига кўйилган қўуллари қизининг кўксидан янграб чиқаётган овозининг титрашини аниқ сезиб турарди. Қиз куйлаяптими, ёки фақат қулогига шивирлаяптими, ё бўлмаса бу ёқимли овоз ҳавода учиб юрган майдада қор учқунлари билан бирга аллақаёқдан парвоз қилиб келаяптими, ишиқлиб ширин кўйдан маст бўлган Андрей булариншг фарқига боролмай қолган эди.

Ританинг қўшиғи туғаши билан Андреини ваҳима босди. Шунда у кўпин билан яна бир соатдан кейини Рита кетажагини, ўзларининг яна ажралажакларини эслай бошлади.

Қор шитирлаб ёғмоқда. Ниҳа-ширада қизининг тимкора порлаб турган жўз қораҷўгларидан бошқа ҳамма ёни оппоқ оқариб кўриниш эди. Андрей унинг елкасига, майин соchlарига жўнгани қор учқунларини авайлаб тушира бошлади.

Уларнинг кўчадан бошқа учрашадиган ерлари йўқ эди. Андреининг уйнга эса Рита киришини истамасди. Андрей отаси ва опаси билан бирга яшарди. Николай Павлович Лобановни дурни бошланмасдан сал олдин шаҳарга ишга кўчиришган, ана ўшандан бери Андрей ҳам ётоқхонасидан чиқиб, ўзининг уйнда турадиган, Рита ҳам тез-тез уларникига кириб турадиган бўлиб қолганди. У Андреининг опаси Катя билан қалин дўст эди. Николай Павлович ҳам Ритани яхши таниб қолган эди. У ҳозир ўзини эрга текканини Николай Павловичга қандай қилиб айтишини ҳеч тасаввур қилиломасди. Ундаи бўлса Андрееникига бориб нима қиласди? Айинқса Катя олдидла, жуда ҳам уят. Ҳозир Катянинг қизи, оиласи бор. Эрли хотини сифатида Ританинг ҳам, ўз ужасининг ҳам хулиқини қоралаши турган ган.

— Катянинг турмушин қалай? — деб сўради Рита.

Андрей елкасини қисиб кўйди.

— Қалай бўларди, бошқаларинки қандай бўлса, уни-

ки ҳам шундай-да. Эри дуруст одамга ўхшайди, очиқ кўнгил, бир лаидавур, лекин қизини яхши кўради. Отам касал... Ҳозир кўрсанг уни танимайсан ҳам,— ғамгии гапириди Андрей. Рита унинг отасини олдига бориб, бирпаст ўтириб, кўриб келолмаслигидан ачинди.

.. Рита кечқурунлари уйидан чиқини қашчалик қийин эканлигини Андрейга сездирмасликка уриниб, турли пайранглар ишлатар ва унинг олдига югуради. Улар Ританинг оиласи тўғрисида оғиз очишмас, унинг эри, қизи ҳақида гапиришмасдилар. Андрей ўзи ҳақида бор гапни сўзлаб бераверсада, Рита њеч нима айтмасди. У ўзи ҳақида гапиришини истамаганидан эмас, балки Андрейнинг ғашига тегиб кетишдан қўрқиб индамас эди. Бундай ғоришининг оқибати нима бўларкин. Бу аҳволда қаергача боришади. Лекин улар учун бунинг асло фарқи йўқ. Нима бўлса, бўлар...

### ОЛТИНЧИ БОБ

Лабораториядаги ўзгаришларга фақат биргина одам бепарволик билан қаради, холос. У Майя Устинова эди. Майя ишни Лобановга топширгач, тезда ишдан бўшашликка ёки бошқа бўлимга ўтишга қарор қилди.

Бу ҳаддан ташқари инжиқ, бадгумон қиз ўзини шундай дудмол аҳволда ҳис қўилардики, бу ҳолдан қутулиш учун бирдан-бир чора фақат ишдан бўшаш деб ўйларди. У янги ўриатилаётган тартибга қарши нимаики демасини, унинг ҳар бир сўзи ножӯя деб топилиши мумкин эди. Майкуллай деса, албатта ҳамма: «Нега бўлмаса ўзининг бошлиқ бўлиб турганингизда шу ҳақда ўйламагандингиз?» дейиншлари тургани гап.

Айтайлик у бошлиқ бўлган эмас, фақат вақтинча шу вазифани адo этиб турди, холос, бериладиган характеристикага, ўз вазифасини қониқарли олиб борди, деб ёзишса шу гапнинг ўзи унга кифоя.

Бугун Майя ишга ҳар кунгидан илгарироқ келди. Лабораторияда ҳеч ким йўлқ, фақат Нюра опа хоналарни супуриб-сидириш билан овора эди. Майя Лобановнинг кабинетига кириб, ишдан бўшаш тўғрисидаги аризасини стол устига қўйди. У бўш кресло олдида туарар экан, аризасини ўқинганда Лобановнинг ҳолатини хаёлига келтиришга уриниди. У албатта бу ишдан мамнун бўлиши керак. Ручкани олади-ю, «қарши эмасман» деб ёза-

ди қўяди. Шунда уларнинг иккови ҳам бир-бирлари ўртасида юз берган ноқулай ҳолатдан қутуладилар-қўядилар.

Майя аста хонадан-хонага ўтиб таниш асбоб-ускуналар билан видолаша бошлади. Шчитнинг совуқ мармар тоинига қўл тегизган эди, бармоқлари чанг бўлди. Нюра опа яна артмабди-я, неча бор уқтираса ҳам барибир бу шчитга қўл тегизгани қўрқади. Крандан тозга чак-чак сув томиб турибди. Майя кранни бураб маҳкамлар экан, лабораторияга водопровод келтириш учун ғанча сарсон бўлганини эслади. Ҳозир бу кимнинг хаёлига келарди дейсиз? Оғзига чайшаб солиб қўйғандан кейин хўжайнинг қилишни ҳар қим ҳам билади. У ҳам водопровод келтириш, сводка тузиш... жаби ишлар учун кетган вақтини диссертация ёқлашга сарф қиласа бўларди...

Майя халатининг чўнтағидан ойна олиб, ачинарли бир ҳолатда унга узоқ тикилиб қолди.

Лобанов келиши билан Майяни чақиритирди.

— Бу қанада қилиш? — деб вазмин оҳангда сўради у, аммо Майяга у ёкираётгандай туюлди, — ўочмоқчи мисиз? — Ушқирди у. — Ҷаҳон, бу билан олижаноблик қиляпман деб ўйлаётгандирсиз.

У печка ёнида совуқдан қизариб кетган қўлларини ишқалаб турар, айтидан ҳали столи ёнига ўтириб улгурмаган ҳам бўлса керак.

— Менинчама, агар сизин бўшатмоқчи бўлганиларида ҳам сиз жанжал кўтаришингиз керак эди. Ҳа, ҳозир худди сизнинг ўзингиз ишлashingиз керак. Ким сиз учун бу отхонани тозалаб беради?

Майя тутоқиб кетди — қашақасига отхона бўлиши мумкин, шундай дегани уялмайдими-я, ахир, худди шу лаборатория қўчма қизил байроқ олди-ку! Тирноқ остидан кир топиш янти бошлиқ учун албатта манфаатли-да!..

Андрей унинг олдига яқинлашиб, синовчан кўзларини узмай тикилди.

— Аризангизга қўл қўйиб бераман, — деди. Андрей гижиниб, — аммо ундан аввал сизнинг қанчалик бемаъни ишлаганингизни исботлаб беришим керак.

У лаборатория ҳақида ва собиқ раҳбар бўлмиш Майянинг ўзи ҳақида нима фикрга келган бўлса, ҳаммасини очиқ тўкиб солди.

Борисовнинг маслаҳати бўйича у лабораториянинг

бутун эски ҳисоботини кўриб чиққан эди. Борисов ҳам, Виктор ҳам ҳақ экаилар. Бу «Оператив хизмат» дегани; ҳа бўл, ҳа бўл билан оддий схемаларни ишга солиш, асбобларни ремонт қилиш, инструкцияларни қайта ишлаб чиқишидан иборат экан, холос. Лаборатория ходимлари мураккаб ишнинг йўқлигидан талтайиб, фақат кундалик оддий, майдада-чуйда ишларни бажариш билан магур бўлиб юришаверган экан. Андрей, кишиларниң мана шу йўонинда мустақил ижод қилишдан узоқлашиб қолганини тушунди. Пландаги хотиржамлиқдан дарак берувчи рақамлар кишилардаги янги техникага бўлгани қизиқиши учқунларини ўчиради. Бу йўсинда ишлаш учун лабораторияда асбоб-ускуннинг камчил бўлиши ҳам халал бермасди. Лабораториянинг бу қиёфаси қишига мактабдаги физика жабинетини эслатарди. Янги асбоблар учун ажратилган маблағ арзимага нарсаларга сарфланар, аллақандай бўйлимларда ишлаётган қишилар лаборатория штатида туриб, лаборатория ҳисобидан ойлик олишар эди.

У Майя назаридаги энг қимматли ва зарур ҳисобланган ҳамма нарсани чил-парчин қилиб юборди.

Майя эндиғина йигирма тўртга кирган бўлиб, Андреяга қарагаида ёш эди, уни, институтни битириб чиқиши билан дарҳол вақтинча «ижро этувчи» қилиб тайинлашлари бошлиқларни лаборатория устидан ғам чекмаганликларидан далолат берарди. Бу фикр Лобанов далилларини исботловчи кўигилсиз бир нарса сифатида Майянинг хаёлига ҳозир биринчи бор келди.

— Шунча вақтдан бери нимани ўйлаб юрган эдингиз?— Лобановининг овози унинг елкасидан силтагандай бўлди.— Одамларни тарқатиб юборибсиз... Бошлиқлар учун югурдаклик қилиш билан шуғулланибсиз. Ҳаммага яхши кўринмоқчи бўлгансиз...

Устинованинг лаблари титрай бошлади. Ҳозир у ўз лабларини титрашдан боса олмагани учун ўзидан нафратланарди.

— Бизнинг илмий планимиз...— зўрға гапира бощлади Майя.

— Қўйсангизчи!— деб унинг сўзини бўлди Андрей.— Министрлик сизга автоматизация билан шуғулланишини топширмаганмиди? Сиз-чи? Схемаларнинг суратини чизиб, уни архивга топшириш билан банд бўлгансиз. Лежин ҳисоботларингизда процент ошиб бораверган. Авто-

матизация билан шугуллашиш шунаقا бўларкаими? Бу алдамчилик!

— Мен ҳаммасини ёзганман. Ёзма докладларимнинг копиясини кўрсатишам мумкин. Пютапенко билан бош инженернинг хабари бор.

— Йиқилсан юмшоқроқ ерга йиқилай деб оёғингиз остига похол ҳам тўшаб қўйибсиз-да,— леди Андрей стол ёнига ўтириб ва ғамгин бир ҳолатда аризани қўлига олиб, уни гапга айлантира бошлади. У ёш бошлиқ сифатида қаттиқ қўллигини унтиб қўйди, овози мулойтимлашди.— Қанча куч сарфлаганингизни тасаввур қилиб турибман. Ҳозир ишнинг авжи қизигай пайти... Ҳеч тушунолмайман, наҳотки бир ярим йиллик умрингизни шунчалик хотиржамлиқ билан бекорга, йўққа чиқариб юборсангиз-а?

Майя қош-қовоғини осилтириб, лабларини тищлай бошлади, кўзлари ёшга тўлди. Узини тута биладиган, оғир табнат Майя Устиновадек қизининг ҳозирги ҳолатга асло ёпишмаган бу кўриниши Андреини довдиратиб қўйди.

Унинг бахтига телефон жиришглаб қолдю, трубкани кўтарди. Диспетчерлар кепташи бошланиши керак экан.

Майя эшикни аста ёпиб чиқиб кетди. «Инженерлар хонаси»да унга Кривицкий яқин келди.

— Ҳаддиндан ошяпти шекитли-а?— деб сўради у Майяга ачинган бўлиб.— Парво қилманг, эсимда, сиз ҳам янги ишга тушганингизда қизиншиб кетган эдингиз.

Майя мийигида илжайиб қўйди. Ҳа, қилганлари Майянинг эсида, ҳали унутгани йўқ.

— Кривицкий умуман сиз одамларга ишонасизми?— деб сўради у, хаёлга чўмган бир ҳолатда.

— Оҳо!— қулди Кривицкий.— Менинг ёшимдаги одамларга бу соҳада фалсафа сўқиши тўғри келмайди. Мен аввал кишининг камчилигини излаб топишга ҳараткат қиласман.

— Лобановда бирор камчилик борлигини сездингизми?— деб хаёлчанлик билан сўради Майя.

Кривицкий такаллуф билан уни қўлтиқлаб олди.

— Майя Константиновна, бошлиқнинг яхши-ёмонлигини муҳокама қилиш ҳар ҳолда завқли бўлса ҳам, жуда хавфли. Шунга қарамай таваккал қилиб кўрайлик: Андрей Николаевич — романтик одам!— Кривицкий юз-

ларини бужмайтириб шивирлаб давом этди: — Тикиб-бур! Кулманг, шунақа қуруқ, олди-қочди одамлар тоифаси ҳам бўлади. Агар унинг қўлига таяич нуқтасига ўхина-ган нарса тушиб қолса борми, хавфензлик техникасиги ҳам эътибор қилмай, бутун дунёни остин-устин қилиб ташлайди. Бундай одамлар ишни аввал бошликлар билан жанжал кўтаришдаи бошлайдилар. Кейин нима бўлади денг? Икки йўлдан бирини ташлайди: ё ҳамма билан ярашиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетади, ёки бўлмасам, ҳеч кимни писанд қилмай, бизни яна ора йўлда қолдириб жўнаб қолади.

— Ҳа... ёлғиз ўзининг қўлидан ҳеч иш келмайди, барibir,— деди Майя, ўз хаёли билан банд ҳолда.

Кривицкий унинг қўлини қўйиб юбориб, крестони суреб қўйди.

— Эски драматургия ғонуни бўйича, сиз ҳам унинг йўлига гов бўлишингиз керак эди. Ҳеч бўлмаганда ичи қоралик қилишингиз, жуда бўлмаганда ишдан кетаман деб масалани кўпидаланг қўйишингиз керак.

— Нима?— ўзига келиб сўради Майя.

— Истеъро беринг, дейман. Бироқ қасос олишининг хурофиий қолдиқлари сиз учун бутунлаи ёт. Мен сизга ростини айтсан,— деди у жиддий оҳангга ўтиб,— борди-ю, Лобанов ҳақ чиқиб ўз ишида бирор янгилик яратса олса, агар бизнинг бу қотиб қолган тартибларимиз бирор еридан дарз кетгудек бўлса, у ҳолда мен унинг иттифоқдошиман,— Кривицкийнинг юзида унда ҳеч учрамайдиган қандайдир ўткир ғазаб аломатлари пайдо бўлди. Уни кўрган Майя негадир ўнғайсизланниб кетди. Лекин Кривицкийнинг ўзи ҳам бир оз ўнғайсизлик билан йўталиб, ўз одатича истеъзо билан деди:— Афсуски, менга ўхшаш серҳадик ва сурбет одамлар бошқаларга қараганда кўпроқ ҳақли бўлиб чиқадилар.

Ҳақиқатан ҳам, Андрейнинг орқа-олдини ўйламай тажанглик қилаворадиган одати бор эди. Бу томондан Кривицкий ҳақ эди. Бироқ у бошқа томонни, яъни Андрейнинг ҳар бир масалага шлмий нуқтани назардан вижданан ёндашишини ҳисобга олмади.

Андрей илгари ҳеч қачон иктиносий масалалар билан шуғулланмаган эди. Энди эса ҳар қадамда қандайдир ҳаражатлар масаласи унинг бошини қотирарди. У маош фондлари, меҳнат лимитлари ва нормалар билан шуғул-

ланар, хуллас, бу ишларнинг ҳаммаси ёпирилиб келиб, унинг оёқ-қўлини боғлаб ташлар, у ўз умрида бундай ишларни қўлмаган, шунинг учун уларни ҳал өтишга кўпинча ожизлик қиласарди.

Андрейга хос бўлган ростгўйлик хусусияти унинг бу ортиқча ишлардан қутулиши учун осон йўл топиб берди: у бухгалтерияга келиб, қўлини иккى томонга ёзиб туриб деди:

— Менга ёрдам беринглар, ўргатинглар. Сизларнинг фанларингиздан бутунлай хабарсизман. Аммо бусиз ишим юришмаяпти.

Йигирма йилдан кўпроқ шу бошқармада хизмат қиласётган, тошбағир деб ном олган бош бухгалтер бу одамини жуда совуқ ва шубҳа билан кутиб олди. У Лобановни иккى кунгача диққат билан кузатди. Лобанов лаборатория ишларини йиғиштириб ўйиб, эрталабдан бухгалтерияга жириб олар, харажат ва ажратилган маблағ ҳужжатлари сирларини ўрганаради.

Бош бухгалтернинг тинимсиз, шиддатли жангларда тош бўлиб кетган юраги секин-аста эрий бошлади. Лаборатория бошлиғи бухгалтерияни фан деб атаси, ҳамда ўзининг олим унвонига қарамай, йигирма яшар қиз ҳисобчи Машенькага итоаткорона қулоқ солиб, айтганини қилиши унга жуда ёқиб тушганди.

Лекин бухгалтерия фангина бўлиб қолмай, у санъат ҳамдир. Шунинг учун ҳам бош бухгалтер Лобановга илм ўргатиш вазифасини ўз зиммасига олди-да, уни корхонанинг молия ҳаёти билан таништира бошлади. Корхонанинг ҳар соҳасида ҳар бир тийинни тежаш учун қаидай жиддий кураш бораётгани ҳақида тушунтирди. Йилгари Андрей бухгалтериянинг ишини фақат вақтида ойлик тўлаб туриш ва растрат қилмасликка қарши курашдан иборат деб ўйларди. Бироқ гап ҳозир жуда муҳим нарсалар устида, ғамлаб қўйишини яхши кўрувчи хўжалик ходимлари томонида омборларда узоқ вақтдан бери сақланиб келётган қиммат баҳо нарсалар ҳақида, бошланишга бошланиб сўнг тақа-тақ тўхтатиб қўйилган қурилишлар тўғрисида борарди..

— Корхонамизнинг молия сиёсати...— деб гапиришни яхши кўрарди бош бухгалтер. Андреини кўпроқ ажаблантирган нарса шу эдикси, шу каттакон стол орқасида ўтирган, тирсагигача қора сатиндан енг тақиб олган хуснихатли киши — хуллас, бутун қўринишидан тўралик,

расмиятчилик аломатлари сезилиб турған бу кекса одам ишлаб чиқариши жуда муккамал биларди. У ҳар бир станциянинг хусусиятини осонлик билан тушунтира олар, лаборатория асбоб-ускуналаридан эса, Андрейга қараганда күпроқ хабардор экан.

Бухгалтериянинг сершовқин хоналарида даста-даста қоғозлар қалашиб ётган, картотека яшиклари турған столларда чўт доналари шиқиллар, арифометрлар тириллар эди. Хуллас, кишилар қизғин текшириш билан банд эдилар. Улар рентабелликни ошириш учун маблағлар яратишмоқда. Сезилар-сезилмас нозик нишоналар орқали, баъзи электростанцияларнинг ожиз жойлари намоён бўлиб қоларди, шунда бош бухгалтер дарҳол хавфнинг олдини олар, тўғри йўл-йўриқ кўрсатарди.

Андрей аста-секин, бош бухгалтерни фақат узоқни кўра билмаган, ўз цехи манфаатини давлат манфаатидан юқори қўювчи худбинларгина тош багирлижда айблаши мумкин деб ўйлай бошлади.

Андрей чиқиб кетгач, бош бухгалтер узоқ хаёл суріб, кейин деди:

— Инсоннинг фазилати унинг мансабида эмас, ташаббусида.

Ана шу равишда Андрей меҳнат ва иш ҳақи бўлими билан, план бўлими билан танишиб чиқди. Бошқарманнинг сирли кабинетларида ўнлаб кишилар — планчилар, иқтисодчилар ғивир-ғивир қилиб аллақандай ишлар билан шуғулланишарди. Бироқ Энергосистема учун турбин машинистлари ва кочегарлар хизмат қилаётган зал ва электр қозонлари ишлаётган хоналар қанчалик зарур бўлса, планчилар, иқтисодчилар ишлаётган бу хоналар ҳам шунчалик зарур экан.

Андрей энди атрофини ўраб олган одамлар ва буюмларга бутунлай бошқача назар ташлайдиган бўлди. Лабораториянинг иши бутун системанинг фақат бир бўлагини ташкил қиласа экан, шу бутун системани олдиндан материаллар билан таъминлаш, маблағлар топиш ва уни тежаб-тергаб сарфлаш керак эди.

Андрей кабинетчасининг деворига: «Папиросни уйининг изда чекинг!» — деган плакатни ўз қўли билан ёзиб осиб юйди. Худди шу плакат остига яна: «Физика + экономика=техника» деб ёзилган иккинчи плакатни ҳам илди.

Лекин физика йўқ эди.

У бинафшиа ранг қозғанынниң ҳар күни стол үстига олиб қўяр, аммо локатор устида ишланига қўли тегмай, кечкүрун яна стол тортмасига солиб қўярди. Ҳаёт у билан локатор ўртасига яиги-яиги тўсикларни келтириб кўндалтанд қўлиб қўярди. Ҳаммасига вақт топниш керак. У қуидалик вақтини хасислик, қаттиққўллик билан сарф қилар, аммо локатор учун ақалли бир соатнича ҳам вақт ажратолмас эди. Фақат ўзининг бирдаи-бир истаги — Ријата билан учрашувни учунгина вақтини аямасди. Шундай учрашувдан кейин ишга (иш деб фақат локатор билан шугулланишни, қолганларни эса кундалик тайёргарлик деб ҳисобларди) чанқоқлик билан жиришгиси келар, бу чанқоқлик эса борган сари ючайиб, уни изтиробга сола бошлар ва сарфланмай нобуд бўларди. «Ёки бу ўжарлигим бошимга етмасдан институтга қайтсаммикин?» — деб ўйларди у доҳо.

У индан чарчаб келиб, ўзини каравотга ташлар ва ҳалигидаи фикрлардан қутулиш учун тезроқ ухлаб қолишига уринарди.

### ЕТТИНЧИ БОБ

Қуёш нурлари эрталабдан ётоқхонага туша бошларди. Аввал у дераза токчасининг гул туваклар қўйилган бурчагига, кейин буюмлар, атир шишеларга тушиб, камалак сингари ранг-баранг товланар, сўнг секин-аста девор бўйлаб суратлар томон сузарди. Худди шу пайтда Виктор ўрнидан турар ва ювингани ванихаонага чиқарди, унинг орқасидаи эса Вова югуриб қоларди. Лиза ота-боланинг шўхлик билан бир-бирларига сув сепишиб, юви нишларни эшитиб ётарди.

Кейин ота-бала қошиқларни тақииллатиб, нонушта қилишарди. Пастда шофер ҳадеб сигнал берарди. Шунда Виктор оёқ учида юриб, ётоқхонага кираради-да, Лизани ўпарди, хотини кўзини очмай ётар экан, хиёл жилмайиб қўярди. Болалар бўйласидан эса шовъини эшитилиб қоларди. Уй хизматчиси Клава Наденьканни шошилиб кинитираф ва болалар боғчасига олиб кетарди. Лиза эса уйда ёлғиз қоларди...

Қуёш нури борган сари унинг каравотига яқинлашиб келаверарди. Каравот соясига гиламга қўйишайиб тушардн. Лизанинг бошини аллақандай майдада, енгил-еллини хаёллар чулғаб оларди. Соатнииг кичкина бир маятниги катта чархларни ҳаракатга солгани каби, унинг майдада

фикрларни ҳам аста-секин чуқурлашиб, аллақандай оғир хәёлларни қўзгаб юборарди.

Лиза деразадан тушиб, тўрт бурчак шаклга кирган қўёни нурининг ўз ёстиги устига стиб келшини кутиб ётарди. Шу зайлда кечгача ҳам ётавериши мумкин. Ҳеч ким уни кутмас, шошилтирмас эди.

Лекин бу ерга Андрей келадиган бўлгандан бўён Лизанинг осойишта оқиб бораётган ҳаёти иегадир бир чайқалиб кетгандай бўлди. Лиза аҳён-аҳёнда ўз ҳаётини, эри ва болаларининг ҳаётини четдан туриб кузатадиган бўлди. У ўз оиласи ҳаётининг қадр-қимматига етмас, бошқаларнинг ҳаёти билан таққосламас, аммо уларнинг мана шу ҳаётига кўз ташлаган Андрейнинг дидига ўз уйида нималар ёққан-ёқмаганини билгиси келарди.

Уларнинг оиласи бу ердаги барча оилаларга намуна бўладиган энг бахтиёр оилалардан ҳисобланарди. Ўраб олган мұҳит уларнинг бахтли ҳаётига аллақандай ҳавас билан боқишига, иззат-ҳурмат ва илтифотларига мамнуният билан қарашга одатланиб қолган әдилар. Лекин Андрей бу оиласга кўпроқ келган сари, унга ҳавас билан қараш у ёқда турсин, ҳатто ҳар келганда ўзиши аллақандай поқулай ҳис қилар ва диққи ңафас бўларди. Буни Лиза сезиб қолди. Бундай ҳиссият Лизанинг ўзида ҳам тез-тез бўлиб тургани учун Андрейнинг таассуротини дарров пайқаган эди.

Бундай руҳий ҳолат қачон ва қандай қилиб бунёдга келиб кўнглида жой олган? Нега уни ўзидан соқит қилиб ташлай олмайди?

Лиза зўр эътибор билан ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлини бирма-бир кўз олдига келтира бошлади. У, сочлари калтада қирқилиб пешонасига тушган, серхархаша Лиза номли бир қиз ўзини етаклаганича у билан бирга ўтган ўз умрининг ҳар куни ва ҳар йилини хаёлида тасаввур қилиб кузата бошлади. Бу қизча даврлар, ойлар, йиллар ўтиши билан ўзгарган ўзининг ҳозирги салобатли, олифта кийинган, тўлишга, йигирма саккиз ёшдаги қиёфасини кўриб, тан олармиди? Йўқ, асло йўқ. Ахир, шуларнинг ҳаммаси унинг бошидан ўтган-ку!

Лиза институтни битирган йилиёқ турмушга чиққан эди. Үғли Вовка уруш даврида туғилди. Боланинг қотма, касалманд бўлиб ўсаётганини кўрган Лиза ўқитувчиликни ҳам ташлаб, уни парвариши қилишга киришди.

Авваллари у эрга чиққан дугоналари устидан кулар эди, мана, энди хотинлик, оналик, уй бекаси бўлишлик каби кўнгилли вазифалар ўзининг ҳам бошига тушди. Ишчилар ётоқхонасидағи кичкинагина хона «ўз уйлари», «оила ўчоги» бўлиб қолди.

Лизанинг турмуш ҳақида жиҳдий мулоҳазалар юритганини кўрган Виктор уни эрмак қилгани-қилган эди. Оила фақат уч кишидангина иборат-ку, лекин у гўё бутун бир корхонага раҳбарлик қилаётгандай ташвишланади-я. Лиза бунга хафа бўлмасди, чунки оила деган сўзининг туб моҳиятига Виктор қандай тушунсин. Уч киши бўлган билан бутун бир колектив деган сўз — ахир унинг келажаги ва кундан-кун ортиб бораётган талаблари, ташвишлари ҳазил гапми?

Кечқурунлари баъзан Лиза пешоналарини тириштириб, қўлидаги бор маблағни олиб қайта ҳисоб-китоб қилишга тушар, ишхонасида минг-минглаб сметаларнинг ҳеч қандай хатосиз ҳисобига етадиган Виктор ҳам бу ҳисобга келганида боши қотиб қоларди: қандай қилиб харж қилиш керак? Ҳаммадан аввал нима зарур — Вовага пийма олиш керакми ёки каравотми? Дача олиш учун қанча пул тўплаш керак?

Мана шундай дамларда Виктор гуноҳкор одамдай хотинининг кўзларидан ўпа бошларди. Унинг соқоллари доим ўсиқ, тикапакка ўхшарди. Лиза эрини ҳар бир сўмни эҳтиёт қилиб сарфлашга мажбур эканлиги, ётоқхонада турганларни учун қанчалик ўксинаётганигини зимдан сезар, хотинига нисбатан кучли муҳаббатининг далили бўлган унинг бу хилдаги ички сирлари Лизанинг кўнглини юмшатарди. Шундан кейин унга пол ювиш, кир ювиш ҳам, эски кўйлакларини ямаб кийиш ҳам осонлашгандай бўларди. Айниқса унга уйни супуриб-сидиришда, ёки картошка тозалашда Виктор ҳам ёрдам берар экан, Лиза ўзини ғоят баҳтиёр ҳис қиласди. Шундан кейин унинг барча зерикарли ишлари ҳам энди алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ўзини Викторнинг йирик ва муҳим ишларига қатнашувчи деб ҳис қила бошларди. Уруш йиллари ҳамма ҳам қийинчиликда яшаган, ҳеч ким ўз аҳволидан шикоятланмасди.

Қизи Наделька туғилгач, эри-хотин бирга камдан-кам ёлғиз ўтирадиган бўлиб қолдилар. Виктор ишдан кеч қайтар, Лизанинг кундалик вақти эса болалар билан банд бўларди. Уруш тугаганига анча бўлиб қолган, ле-

кин ҳали ҳам турмуш одатдагича борар, ҳали ҳам етишмовчилик ва оиласда ҳар хил ташвиш ортиб борарди, Лизанинг Виктор билан кечираётган тўла маънодаги чинакам турмушлари ҳали олдинда: мана Наденька соғайиб кетса, унгача Виктор аллақандай бир аппаратнинг расчётини тугалласа, сўнг яиги уй сотиб олишса, ўшанда...

Болалар ҳам улғайишди, энди Лиза яна мактабга ишга қайтишни ўйлаб қолди. Виктор эса унинг бу фикрига бепарво қаради. «Моддий жиҳатдан ютқизамиз,— деди у, — унда уй хизматчиси олишга тўғри келади. Лекин шуниси борки, у қаерда ётади? Бу уйга ўзимиз ҳам зўрга сиғяпмиз». Лиза хомуш ҳолда унинг гапларига қўшилди.

Виктор хотинининг хомушлигини сезмади. Чунки у Лизанинг қувонч ва ҳаяжонларига ҳеч алоқадор бўлмаган бошқа бир ҳаёт қўйнида яшарди. У чертёж доскаси устидан аста бошини кўтариб хаёлчан кўзлари билан Лизага қараб кулиб қўяркан, Лиза эрининг боши бутунлай бошқа парсалар билан банд эканлигини сезарди. Ишга кирса нима бўларкин,— бир-бирларига бегона бўлиб, ётлашиб қолишиша керак.

Куиларнинг бирида шаҳарга машҳур француз дирижёри келди. Лиза Филармонияга бориш учун билет олиб, Викторни ишдан эртароқ қайтишини сўради. Бироқ Виктор саккиз яримларда телефон қилиб:

— Лизок, бирор жиши билан бора қол,— деди у,— жануб томондан бир ўртоқ келибди. У ёқда яшин қайтарғичлар қандай ишлайдиганини билмоқчимаи.

Яна бошқа бир сафар Викторнинг туғилган кунини нишонлаш учун Лиза эрталабдан тайёргарлик кўра бошлиди, пироглар пиширди, худди муҳим бир воқна юз берадигандай кеч киришини ҳовлиқиб кутди. Меҳмонлар тарқалиб ҳам кетишиди, яна икковлари ёлғиз қолишиди. Виктор хотинини тиззасига ўтқизиб олди. Лиза унинг тим-қора қаттиқ соchlарини, чаккасида пайдо бўлган ажинларини силай бошлиди. Ҳозир у бир кўнглида эридан гина ҳам қилмоқчи бўлди — ахир у хотини кийган янги кўйлакни пайқамади, кўпдан бери ўз режалари билан таништирмайдиган бўлиб қолди. Шу гина-кудуратларни эрининг юзига солмоқчи бўлди-ю, яна «бундай яхши дамни бузиб нима қиласман» деб ўйланиб қолди, балки Лизага у шундай туйилгандир. Ахир бу ўша ўзи севган Виктор-

ининг ўзикү. У, Викторнинг жуда ўнгайсизлик билан, довдираб туриб биринчи бор севги изҳор қылганини ва ярим соатчадаи кейин ким ортиқроқ севади деган масалада тортишиб қолишганини эслади. Шуларни эслади-ю, уни ўз бағрига босди — унинг сочларидан таниш ҳид, аччиқ чойнииг бўйи аиқиб турарди.

— Ҳали ҳам мени севасанми?

Виктор ўзини тортиб, хаёлчанлик билан тикилди.

— Нима? — сўради у.

Лиза жавоб бермади. Виктор хаёлчан ҳолатини бузмай, хотинини аста тиззасидан туширди-да, ўз столига келиб, тез-тез бир нарсаларни чиза бошлади.

Лиза унинг орқасидан қараб ўтиракан, гўё эри ўнга узоқлашиб кетаётгандай туюларди. Ҳа Ҷаёққа кетаётганидан қатъи назар, у узоқлашмоқда эди. Мана шундай қимматли дамларда Викторнинг хаёли бутунлай бошқа нарсалар билан банд эди!

Хотини уни қайтармоқчи, унинг энг зарур, энг азиз ҳамроҳи бўлмоқчи эди. Ахир дунёда ундан бошқа ҳеч кими ҳам йўқ-ку.

У Викторнинг олдига ҳозир масалани кўндаланг қўйиш мумкин эмаслигини тасодифан тушуниб қолди. Фурсатини топиб, эрининг кўнгли бўшлигидан фойдаланиб, бошқача йўл билан иш кўра бошлади.

Виктор иродали бўлишинга қарамай, Лизанинг ҳар бир иккичиридан қийинқ ахтариб тумшайиб таъна қилиши олдиди ўзини ожиз сезар, хотинининг ўзи учун хизмат қилдираётгани, уни уй ишлари билан боғлаб қўйгани ўчун ўзини гуноҳкор ҳис қиласади. Шунинг учун ҳам унинг бу қиликлари учун кечирар, уни ҳақли деб ҳисоблаб театр, кино, меҳмонлар масаласида ён беришга мажбур бўлар ва буларнинг ҳаммаси ўткиничи инжиқлик холос, кейин тузалиб кетади деб ўйларди.

Викторнинг ён бериши уни тинчлантирмади, аксинча рағбатлантириб юборди.

Виктор техника бўлими бошлигининг ёрдамчиси қилиниб тайинлаиганда, Лиза уни етарли тажрибага эга, қобиљиятли бўлгани ўчун бемалол раҳбарлик қила олишини, энди бир оз дам олици мумкинлиги ҳақида гапириб, эридаги ўзига бўлган ишонч ва ифтихор туйгуларини оширишга уринди. Бу билан у эрини ўзига яқинлаштироқчи эди.

Ёзда улар болаларини қариндошларинига юбориб, ўзлари Қавказга кетиниди. Лизанинг жўпдан қилган ор-

зуси үшалди. Икковлари Ҳарбий-Грузин йўллари бўйлаб саёҳат қилишиди.

Бу ерда тим-қора ва сан-сарик үзум бошлари осилгани ток новдалари айвон сўрилари томон бўй чўзган эди. Виктор билан Лиза ажойиб тиниқ осмон билан ўпиниб турган тогларга чиқиниди — бу ўлкада ҳамма нарса ҳам шундай ажойиб эди. Улар муздек, салқин дараклардаги осма кўприклардан ўтдилар, аллақандай эски қаср қолдиқларини ахтардилар, Лермонтовни эсладилар, хуббўй, кичкина қовунлар ейиниди, гўё узоқ ҳижрондан сўнг учрашган ошиқлар сингарни бир-бирларига меҳр билан тикилдилар.

Виктор бир ярим ойга отпуска олгани бўлса ҳам, иккита ҳафта илгарироқ кетмоқчи ва ўзининг қандайдир автоматика соҳасидаги такомиллаштириш ишини тугалламоқчи бўлди. Бу такомиллаштириш устида бутун бир кипи ишлагани эди.

Бир неча қуни улар тоб багридаги қишилоқчада яшаб туришди. Пастда икки дарё — Оқ Арагва билан Қора Арагва келиб қўшилишар, уларниң хира ва тиниқ тўлқинлари нималар тўғрисидадир қаттиқ баҳсланишаётгандай, қайнаб, кўпириб анча ергача бир-бирига қўшилмай оқиб борарди. Буни кўрган Лиза эса ўз муҳаббатининг тақдиди ҳақида ўйланиб қоларди.

— Қара, шундай ажойиб жойларни кўрмай бутун умринг ўтиб жетиниш ҳам мумкин экан,— деб оғир хўрсиди Виктор.

Лиза эрини отпускасининг охиригача шу ерда қолнига кўндиromoқчи бўлди. Унинг бу илтимосини эшишни билан Виктор сўзсиз рози бўла қолди — бу жуда ажабланарли ҳол эди.

— Ўша синхронизаторингни, нима балойниг корхона учун муҳим бир воқиа-ку,— деди Лиза.— Бир неча инженерингга топширсанг тайёрлашаверади. Сен дам олишинг, фақат ёлгиз ўзинг бажара оладиган иш учун куч йиғишинг жерак.

У рози бўлди ва ўша куни олхўри сотиб олгани кетди. Лиза ўзини ғоят баҳтиёр ҳис қилди!

Ҳамма иш кўнгилдагидек юришиб кетди. Викторининг янги маъмурӣ вазифаси ўзига жуда ёқиб тушди. У одамлар устидан раҳбарлик қилишини, уларниң олдига талаблар қўйинш, бўл-бўл дейинши ёқтиярдиди. Унинг характеристидаги шуҳратпараматлик хусусияти энди қандай бўлма-

син техника бўлнимининг бошлиғи вазифасини әгаллашликка томон зўр бериб ундаи бошлади. «Мен маъмурй мансабни танлабманми,— дерди у,— энди бир ўринда туриб қолмай, юқори погонага тезроқ интилиш керак»,— Виктор мақсадига эришди, уни бошлиқ қилиб тайинладилар. Уни қобилиятли раҳбар деб мақтай бошладилар. Активлар йиғилишларида бошқалартга ўrnak қилиб кўрсатишар, министрликнинг буйруқларида унинг номини қайд қилиб ўтишарди. Газеталарда мақолалари босила бошлади. Унга шахсий оклад белгиланди. Улар уй хизматчию ёллашди.

Уйларига Викторнинг яиги ўртоқлари кела бошлаши. Улар ўз раҳбарларнинг ташкилотчиликдаги зўр талантини мақташганиларида Лиза соддалик билан фахрланиб қўярди. Улар Викторнинг шуҳратпастлик елканини шуфлаб шиширишар, Лизага эса булар оила кемасининг сузиши учун мувофиқ шамол сингари туюларди. У эринииг фикрига самимий қўшилиб: маъмурй ишда ишилаш — унинг истеъоди, деб ҳисобларди. Ҳа, Виктор инженерликда катта тажрибага эга, илми ҳам бор, қолгани, ўзи айтганидек, раҳбарлик қилиш санъатига боғлиқ. Лекин Виктор ўз бўлимидағи қобилиятли кишиларни ёқтирмайди, атрофига хушомадгўйларни йиғиб олган деган миш-мишлар баъзибир фаразгуйларнинг ғайрлик қилаётганидан бўлса керак.

Унинг ўзи ҳам баъзибир гийбатчилар, ичи қоралар ҳақида хотинига ҳасрат қиласар, ўзининг бошлиқлар билан қандай нозик муносабатда бўлишини гапириб берарди. Шундан кейин Лиза ўзини Викторга иисбатан бегона ва ортиқча деб ҳис қилмайдиган бўлди.

У доним чеки йўқ мажлислар, ёзиши-чишишлардан қочиб, уйида яшириништа ҳаракат қиласарди.

Нихоят, унинг оиласида моддий жиҳатдан хотиржамлик туғилди ва ҳар хил майда-чўйда низоларнинг чиқиши учун баҳоналар излаш ҳам йўқолди.

Викторнинг ошна-оғайнилари ҳам кўпайди. «Биз элекстр асрида яшаяпмиз»—деб ҳазиломуз гап қотарди у. Телефон қилиб қўйса бас, Лиза навбат кутмай танқис габардинлар ёки мевалар олиб келаверар, театрда өса улар директор ложасида ўтиришадиган бўлишди.

Якшанба кунлари комиссион магазинларини кезишар, Лиза учун прилавка остидан арzon нархдаги биллур идишлар олиб беришарди. У фақат сотиб олинган нарса

учунгина эмас, балки Виктор унинг истагини қондириб, ўзини баҳтиёр ҳис қилаётганидан ҳам хурсанд бўларди.

Викторнинг туғилган кунини ишонлаш учун кўпчилик бўлишиб ресторанга кетишиди. Майшат бошланди. Виктор кўпикланиб турган шампан тўла қадаҳини Лиза билан уриштирас экан, унинг кўзига тикилиб қолди ва бирдаи кулиб юборди.

— Ҳеч сезмаган экайман. Кўзингниг қорачиги сарғиши-екан-а.

Хотини қўллари билан юзини яшириб деди:

— Қаңи тоҷчи, юзимниг қаерида холи бор?

Виктор табассум билан қошларини чимирди-да, ўйланшиб қолди.

Одамлар жуфт-жуфт бўлишиб, эзиб чалинаётгап оркестриниғ мақомида столлар оралаб, оёқларини судраб танца тушмоқда. Лизанинг тезда кайфи ошиб қолди ва ҳеч қандай сабабсиз илжая бошлади. У ҳозир нақадар хурсанд, чунки эгнидаги янги модада тикилган чиройли кўйлаги, қора бурун тулки мўйнаси ўзига жуда ярашган. Яна, буларнинг ҳаммаси Викторга жуда ёқади, ҳамма у билан Викторни ҳурмат қиласди...

— Яна уч йилдан кейин главканинг бошлиғи бўлиб олишинг турган гап, Виктор Григорьевич,— деб шира-кайф ҳолда валдиради бошқарма бошлигининг ўринбосари Ивни. — Менинг қўзим узоқни кўради. Одамлар қандай қилиб амалга минишади? Ошиа-офайниларининг ёрдами билан-да. Улар уни кўтаришади, у эса кейин уларни атрофига тортади...

Виктор ундан юзини ўгириб, бошини қўлига қўйди-да, хаёл сурисиб кетди.

— Кўтаришади... тортади...— деб аста минғирлади у.

Лиза унинг нима ҳақда гапирайтганини дарҳол тушуниб, ташвишли назар билан эрига тикилди. Виктор хотинини таицага таклиф қиласди.

— Имми жими 'урсни!—деди у танца тушиб бўлгач, ўриниларига ўтиришар экан. — Бошқармада ишлаганим ҳам етиб ортади. Хулласи калом, кампиршо, биз кўпроқ мана бунақа одамлар билан муносабатда бўлишимиз керак. Ивин ҳақ: ишлаш керак, аммо эшшак эмаслигимизни ҳам унутмайлик.

Лизанинг кўнгли ўрнига тушиб, яна ўзини баҳтли ҳис қила бошлади.

Янги йил арафасида Лиза уйни йигитириб юрар

экан, эри эскиз қадаб қўйған чертёж таҳтани шкаф орқасига қўйди.

Байрам ҳам ўтиб кетди, аммо Виктор өскизининг қасрдалигини суринштирмади. Ахир, бу ўша синхронизаторку,— унинг устида бир йилча бош қотирмаганмиди? Худди ана шу нарса унинг юрагини биринчни бор тимдалаб ўтгандай бўлди.

Бахт ўз қонун-қоидаларига эга бўлса керак. У ўмидсизликдан хазон бўла бошлади. Лиза ўзининг нима тўғрисида хаёл қилишини билмасди. У ўзини ношуқур бандадеб бекорга койирди. Тушунмовчилик унинг кўнглига кўпроқ гулгула сола бошлади.

У ўзида беҳуда кузатувчалик туїғуларини сеза бошлади.

Кишининг юзига тик қараий олмайдиган Долгин ҳам, хушомадгўй Ивин ва Викторнинг бошқа улфатлари ҳам Лизага унча ёқмай қола бошлади. Улар ичидагузук одамлар ҳам бор эди, бироқ уларнинг Викторга тобебўлишлари хунуқ туюлар, Викторнинг ўзи ҳам шу тобеликка муҳтождай эди. Ўзини ҳар доим жуда кучли, магрур ҳисобловчи Виктор нимагадир ўша улфатларидан ажралгиси келмасди. Улар чиқиб кетгач, орқаларидан масхара қилиб кулиб қўяр, лекин кундан-кунга уларгаяна ҳам яқинлашарди. Бундай пайтларда Лиза, Виктор ўртоқларининг ўзи тўғрисидаги мақтовларини эшишини яхши кўрса керак, деб ўйларди. Лекин у аста-секин бунарса эрининг фақат мақтовни яхши кўришининг ўзи эмаслигига тушуна бошлади.

Виктор Москвадан қайтиб келгач, министрликдаги ходимлар ҳақида завқ билан ҳикоя қила кетди. У ерда одамлар қанчалик тез ўсишади-я! Кўзга кўринарли ўринда ишлашнинг фойдаси шу-да. Умумали министрликда ишлаганингдан кейин бошнинг ҳам жуда бошқача ишлар экан. Бу ерда йил бўйи бош қотириб ҳал қилинмаган жумбоқини у ерда министрнинг ўринбосари ҳазил-хузул билан беш минутда ҳал қилди-қўйди-я: Ишласант шунаقا ерда ишласангда, қилған ишингдан ўзининг завқланасан. Худди шундай мартабага эга бўлганда у ўзини кўрсатган бўларди. Кадрларни тақсимлашми, энергетикани ривожланиришдаги умумий принципиал проблемалар борми, ёки бирор махсус масала бўладими, ниманини ҳал қилемоқчи бўлса марҳамат, министр ўринбосари учун истаган консультант мухаъиё. Ҳеч қандай

станция бошлиғи, ҳеч қандай монтёр билан жанжаллашиб ҳам ўтирумайсан. Министрлик ходимларини күм таңқид қила олиши мүмкүн. Фақат ўзиніңдан юқори бошлиқтаргина, холос. Ёки бўлмасам главка бошлиғини олайлик. Бир эмас, иккита референти бор. Дипломатик қабул вақтларида ҳам иштирок эта олади!

— Билласанини Лиза. у мендан фақат олти ёш катта, холос. Сен уни жуда қобилиятли одам деб ўйларсан? Ҳеч-да. Мен ундан бир неча бор қобилиятлilarни ҳам кўрганимаи. Улар оддий инженер бўлиб ишлашади. Ёки бу тасодифий ҳолмикин? Тасодиф ҳам излаган одамга дуч келади.

...Тушки овқатдан кейин Ивиннинг хотини кириб келди. Анна Павловна чинқироқ овози билан ёш қизларга ўхшаб кетарди. У бўялган сочларининг орқасидан қора лента билан боғлаб, ўзини янада ёш кўрсатишга ҳараткат қиласар, доим питир-питир қилиб юрар ва Лизани «дугона» деб чақиради.

У Лизанинг юзидан чалл этиб ўпгач, Модалар уйига шошилаётганини олдиндан югоҳлантириб қўйди-да, ҳар минутда соатчасиги қарай-қарай бир соатча ўтириди.

Анна Павловна ҳар нарсага қизиқаверадиган, ҳамма нарсанни билишга уринадиган хотинлардан. У ёзувчилар союзида бўладиган муҳокамаларга ҳам, рассомлар солозидаги кўргазмаларга ҳам, ҳар баҳор бўлиб турадиган кучуклар виставкасига ҳам бораверарди. У Энергосистемадаги ҳамма ишлардан хабардор, қаерда авария бўлганини, ким оладиган мукофотига эришолмаслигини, бошқарма бошлиғини дарди чишмада эканлигини ҳам биларди.

— Буни қаранг-а, Лизочка, бош инженерини хотини бўла туриб, ҳамма нарсадан хабарсиз-а. Бизнинг давримиизда бундай яшаб бўладими? Мен унга телефони қилиб, кимни мукофотга тақдим қилишганини билмоқчи бўлсам деңг, у лом-мим деёлмади. Тавба, жамиятдаги янгиликлардан мутлақо бехабар-а! Бунақада одам турмушдан бутунлай орқада қолиб кетади. Ахир, бизнинг вазифамиз эрларимиз учун керагича шаронт турдидириб беришдан иборат-ку. Бу, албатта, гайри табиий бўлиши

мумкин. Лекин бизнинг шахсий ҳайтимиз эрларимизниң ишлаб чиқаришдаги ҳаёти демакдир.

Лиза маъюс бош силкиб, унинг фикрини тасдиқларди. Улар хайрлашишар экан, Анна Павловна Лизани эри билан бирга ўз дачаларига таклиф қилди.

— Айниқса қиши кунлари жуда ажойиб бўлади. Ҳамма ёқ оппоқ қор билан қопланган, бирам гўзал манзара... Айтмоқчи, Лизочка лабораториянинг янги бошлиғи билан сизни таниш экан деб эшитдим, ростми? Уни ҳам таклиф қилинг. Бўйдоқ йигитлар бундай ўтиришлар учун ажойиб файз киритади.

Лиза, дарҳол чўрт кесар, қўпол Аидрейни Анна Павловна ва овқатдан бош кўттармайдиган, ичиши, карта ўйнашни жонидаи яхши кўрадиган эрининг ва уларни кига келиб турадиган бошқа ҳамтовоқлари ичида қандай ўтирганини хаёлан тасавур қилиб жилмайиб қўйди. Виктор уларни «чиллаширлар» деб айтарди. Лиза «Нега бўлмаса улар билан борди-келди қиласан?»— деб сўраганда, эри елкасини қисиб: «Хизмат шуни талаб қиляпти» деган эди.

— Йўқ Лобановга ҳар қандай хушомад, ноз-истиғнолар таъсир қилмайди,— дея яна кулиб қўйди Лиза. Унинг бу гапларидан Анна Павловна рањиғитандек бўлди. Лиза ўз Лобановига бунчалик ишониб хато қиляпти, умуман эр кишига ишонмаслик керак, ишонч хотин кишини кўр қилиб қўяди. Виктор Григорьевич ҳам бошқалардан ортиқ эмас. Бош инженернинг секретари Нина Цветковани олайлик, бу ёшгина қиздан нималар кутиш мумкин эмас, албатта унинг ҳеч қандай қўрқинчли ери йўғу, тасодиған бир кориҳол юз бериб қолиши ҳам мумкин-да.. Оиласи бўлгандан кейин албатта кўз-кулоқ бўлиб турган ҳам яхши. Шуни ҳам айтайки қармоқни сувдан ўз вақтида тортиб олишга одатланиш лозим.

Лиза Анна Павловнадаи ҳеч гап сурнштирмади, аммо у чиқиб кетгач, ўйланиб қолди. Бунақа гийбатларга қулоқ солавериш ярамайди. Виктор ҳеч қанақа Цветковаларга уни алишмайди. У буни хотин киши сифатида ҳис қиласиди. Виктор Лизани аввал қанчалик севган бўлса, ҳали ҳам шу хилда севади. Шундаймик?.. Масаланинг энг муҳими, Викторнинг Цветковага айланишиб юргани ёки юрмаганида эмас, балки, агар муҳим бир ишни амалга ошириш зарур бўлиб қолса, у

ҳеч бир мулодаза қилиб ўтирмай хотинига бевафолик қилиши турган гаплигидан. Ҳозир Лизанинг миёсими ана шундай шубҳалар ўраб олган эди. Лекин ҳозирча у бу нарсага муҳтоҷ эмас. Бошлиқнинг секретари бажара оладиган баъзибир майда хизматлар учун икки оғиз ширингина сўз айтса (Виктор бунақа гапга уста), ё машинасида уни уйига олиб бориб қўйса (ҳа, айтмоқчи, Виктор ўша қизни машинасига солиб юрганимиш, деган миш-миш гап ҳам тарқалган эди), ё бўлмаса бир шишигина атирақтадим қилса, кифоя эди-ку...

Виктор анчадан бери ўзгариб қолган, хотинига бўлган севгиси ҳам бошқача эди. Аммо хотиничи? Хотини уни илгаридай қаттиқ севади.

Викторнинг юрагида худбинлик туйғулари уйғона бошлади. Лиза, укасининг ишхонасида бир оз кўнгилсиз воқиа бўрганини Викторга айтганда, қаттиқ қўрқиб кетган эди. Гёё бу воқиа унинг ишига ҳам салбий таъсир қилиши, унинг юқори мансабга кўтарилишига халақит қилиши мумкин эди. Агар укасининг иши ўнглашиб кетмагандан, Виктор Лизани ёмон кўриб қолиши турган гап эди.

Даҳлиза қўнироқ жиринглади. Почтальон газетава «Электричество» журналини олиб келган экан. Лиза журнални Викторнинг кабинетига олиб кириб қўйди. Журналнинг аввалги сонлари ҳам тахи бузилмай бандероль ҳолича стол устида тўпланиб ётарди. Лиза шошилиб уларни йиртиб тартибга сола бошлади. Андреј бутун ё эрта келиб қолиши мумкин,— бу ҳолни қўрмаслиги керак.

### САҚКИЗИНЧИ БОБ

Эшикнинг пастаклиги ҳам жонга тегди! Андреј бир неча бор кабинетдан чиқа туриб пешонасини уриб олса бўладими? Ўзи ҳам ҳеч ўрганолмади-ўрганолмади-да. «Инженерлар хонаси»дагилар бу ҳол бошлиқнинг қаттиқ хаёлга чўмгани ёки бошқа бирон ҳодиса юз берганинг аломати деб гапирадиган бўлдилар. Чиндан ҳам шундай эди. Бу сафар у Кривицкийдан аламини олди. Нимага асосланиб сиз самописецларни ремонтга қабул қиляпсиз, деб сўради у.

— Бош инженерининг бу йўруғига асоссан,— деб Кривицкий қўлларини ёйиб жавоб берди.— Аввалдан қилади-

таги ишимииз шу, чунки мураккаб асбобларни ремонт устахоналари қабул қилмайди.

— Шуни биллиб қўйиниг бўлмасам, бугундан бошлаб ремонтга замак қабул қилмайсиз,— деди Андрей эшикка уриб олгани пешонасини ишқаларкан.— Сизнинг ўз тематикангиз бор, марҳамат қилиб, ўша билан шуғулланинг. Ахир, сизда иззат-нафс борми ўзи? Заргарга тақачалик қилишни буюриб кўршигчи, у сизга шима деркин? Сиз инженерсиз-ку!

Кривицкий башарасини тириштируди.

— Бу ишга ҳеч қандай иззат-нафснинг алоқаси йўқ.

Бош инженер эшишиб қолса тўполон бошланади. Мен сизга айтсан, Андрей Николаевич, бошлиқлар билан олишиш — шамолга қарши тўпуриш билан баробар.

Андрей бенхтиёр илжайди. Бу бўлар-бўлмасга кула-веришдан қачон ўзини тутиб олишга одатланаркни?

— Тўполон бошланди,— деди у қатъий оҳамигда. Бош инженер мени шу масалада чақирибди.

— Мана, сизга оқибат, сиз бўлсангиз ишонмовдингиз,— деди Майя хаёлга чўмгаи ҳолда Лобанов кетгач.

Кривицкий бош чайқади.

— Бузоқнинг юргани сомонхонагача... Йўқ, Майя Константиновна, у фақат муштини кўрсатди, холос, ҳали тушурганича йўқ, кўрамиз, тушуриб кўрсинчи, бирор нарсага кучи етармикин, кўрамиз... Аммо ҳар ҳолда довюрак жўринади,— яна қўшиб қўйди у, бир оз жимликдан сўнг.— Худо ҳақи, довюрак!

— Ўтиринг,— чўзиб, ҳафсаласи пир бўлган одамдай сўз қотди бош инженер, чунки Лобанов ҳамон қабинет остонасида серрайиб турарди.— Нега асбобларни ремонт қилиш тўғрисидаги буйргумин бажармаяпсиз?

Лобанов унга жавоб бериш ўринига креслога келиб ўтириди-да тиззаси устига папкасини қўйиб, ундан лабораториянинг иш планини олди.

— Марҳамат,— деди қисқагина қилиб у,— бу ерда ремонт қилиш ҳақида ҳеч қандай пункт тополмадим.

— План — догма эмас,— деди бош инженер.

— План — буйруқ,— деб эътироz билдириди Андрей,— бунинг устига у сиз томонингиздан тасдиқлаинган.

Андреининг ҳозирги ҳолати бошлиққа очиқдан-очиқ қарши чиқишига ўхшаб кетарди. Ярим соатча илгари бў-

либ ўтган диспетчерлар йигилишида Октябрь станциясиning директори Тарасов шошилини равишда самопи-сецлариш ремонт қилиб беришларини сўраган эди. Лоба-нов эса ремонт қабул қилишини қатъий рад этди: бунинг учун махсус устахоналар бор, деди у. Бош инженер эса уни тушуммай жавоб берган бўлса керак, деб ўйлагани, бироқ энди маълум бўлишича, у қатъий қарор экан. Ҳозир яна буйруқ берса бўларди, Лобанов итоат этишга мажбур, аммо лабораториянинг бу янги бошлиғининг аниқ фикрини билмоқ керак.

— Хўш, муассасамиз ходимлари билан жанжаллашмоқчимиз? — деб қизиқсаниб сўради бош инженер.

— Йўқ, нега ундан дейсиз? Мен фақат ўз ишим билай шуғулланмоқчиман, холос.

Бош инженер бу соддадил янги ходимнинг танлаган йўли янглиш эқанлигини унга ётири билан тушунтиришга кириши.

— Бизнинг асосий ишимиз станциялар, улар электроэнергия ишлаб чиқаради. Сиз билан биз ўшаларнинг эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилишимиз керак. Сиз ўз фаолиятингизни корхоналарнинг эҳтиёжларини ўрганишдан, станцияларга тузукроқ ёрдам бериш йўлини ўйлаб топишдан бошлашингиз керак. Сиз бўлсангиз, эшитишимча, ишни ўзингизга жабинет тайёрлашдан бошлабсиз, тўғрими?

Андрей ғурра бўлиб чиққан пешонасини, яъни янги кабинетдан ҳозирча орттиргаи бирдан-бир «қувонч»ини ишлаб кўрди-да, совуққина жавоб берди:

— Тўғри.

Бош инженер, даккилар ишонга бориб тегмаганидан афсусланиб, оғир хўрсииди.

— Кўрдимизми, муқаддима қашкалиқ нобоп чиқибди. Ремонт сифатини йўлга қўйиш ўрнига...

— Мен янги асбоблар яратмоқчиман. Бунинг учун менга яхши жиҳозланган лаборатория керак, хусусан, бошлиқ учун дурустроқ кабинет ва етакчи инженерларга алоҳида хона бўлсинки, улар қулоқларини беркитиб ўлтиришмай, баҳузур фикр юрита олсинлар... — Лобанов бош инженерга сўз бермай, ўзининг бутун талабларини кўндалаңг қилиб қўя бошлади. Кузъмичининг путурдан кетган дастгоҳлари ўрнига кучли эксперимёталь цех ташкил қилиш, янги штатлар олиш, иш тематикасини қайта кўриб чиқиш, хоналарни ремонт қўйлиш,

консультантлар билан таъминлаш, янги аппаратлар олиш каби ҳамма зарур масалаларни талаб қилди.

Бош инженер аввалига ҳайрат билан қошларини чимиди, кейин яна кўпроқ чимиришга илож қолмагач, шубҳали қиёфада кулиб қўйди. Лобанов эса, унинг ишораларига бепарво қараб, ўз фантазиясини давом этираверди, бош инженер эса қовоғини уйиб, панжалари билан столни черта бошлади.

— Гапингиз тугадими? — деб сўради у зўр бардошли киши сингари.

— Йўқ, бу фақат программа-минимум дегандай гап, холос.

— Ҳм.. Ҳозирча, ҳуқуқ бору, вазифа йўқ эканда. Сизнинг ишингиз фақат илтимосдан иборат холосми?

Бу усулда гаплашиш, кишининг оёғидан чалиш билан баробар әди. Лобанов ўз зиммасига қандай вазифалар олгани ҳақида тапирган әди. У локаторни эслатиб ўтди, лаборатория Энергосистемани олга бошлайдигай илмий марказ бўлиши, станцияларни автоматлаштириши кераклиги ҳақида уқтириб кўрди. Аммо бош инженер учун, узоқдаги қўйруқдан яқиндаги ўпка яхши дегандек, ҳозирча фақат ремонт масаласини ҳал қилиш зарур әди.

Андрей бўш келмасликка қарор қилди. Уларниг бу биринчи учрашувларидан кўп масала ҳал бўлиши керак әди, шунинг учун ҳам Андрей унга бутун қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда, худди бир илмий асарни ёзишга киришаётган олимдек жиiddий тайёрланган әди.

— Илтимос дейсизми? Йўқ, илтимос қилмоқчи эмасман, тегишли нарсаларни талаб қиласман, — деди у қатъий.

Қотмадан келган, бесўнақай, соchlари пахмайган бош инженер худди ишнинг кўплигидан боши ғувуллаб кетаётган кишиларга ўхшарди. У кийимларини палапартиш кияр, юзларини қоплаган ажинлар ҳам палапартиш әди. Бундай ташки қиёфадаги одам билан муносабатда бўлишнинг ўзига хос қулайлиги бўлади. Бундай одамлар бирор нарсанни унутса, гапингизни эшитмаса, ундан хафа бўлиш қийин, майда-чуйда гаплар билан уни зериктириш яхши эмас. Аммо гап чинакам муҳим нарсалар ҳақида кетганида бош инженер ҳеч нимани унутмас, назаридан узоқлаштирмасди. У чеҳрасини азоб чекаётган одамдек бужмайтириб ўтириб, баҳузур

ўйлар ва масалани тезлик билан бехато ҳал қила оларди.

Ҳозир гап самописецларни ремонт қилиш ҳақида кетаётгани йўқ, у мана бу хом хаёл йигитнинг бошидаги болаларга хос идеализмини ўчириб ташлаш ҳақида ўйляяпти. Бу хилдаги кадрлар билан ишлаш умриинг эгови-да! Миясида қуруқ хаёлдан бошқа ҳеч нима йўқ.

Бош инженер кулиб туриб, яқинда олдига бир бедаво балойи-азим ихтирочи келиб, бутун станцияларни атом қуввати билан ишлашга кўчириши талаб қилганини ҳикоя қилиб берди. «Атом реакторларини Энергосистеманинг ўз кучи билан ўрнатиш керак» деб даъво қилганини айтди.

— Мен унга рад жавобини берган эдим, мени консерватор деб атади. Сиз ҳам ўшангага ўхшайсиз. Агар бу ерда янги одам бўлмаганингизда мен сизни ҳам талаб-малабингиз билан бирга қўшиб ташқарига олиб чиқиб қўйган бўлардим,— очиқ иқрор бўлди бош инженер.— Нима, бу срдагиларни осмондан тушган овсар, ҳафта-фаҳм деб ўйляяпсизми? Биз ерда яшаяпмиз, ерда,— фаҳрланиб такрорлади у,— осмонда эмас. Сизга пул, одам керак бўлса мен уни қаёқдан олай? Бизнинг ҳўжалигимиз план асосида ишлайди. Сизга ҳам навбат келиб қолар — ўшанда марҳамат. Жоним билан бажаришга тайёрман, бироқ афсуски, ҳозирча қўлимдан келмайди. Аввал станцияларимизни ускуналар билан таъминлаймиз.— У бармоини юқори кўтариб гапирди,— энергияни авариясиз ишлаб чиқаришимиз керак. Асбоб-ускуналарни эмас, электроэнергияни. Унгача ички ресурсларни ишга тушираверасиз.— Шундан сўнг у ўша ўжар ходимларни кўндириш учун қўллайдиган ўзининг синалган далилларини ишга солиб тапира кетди.

Одатда бундай пайтларда, тортишув унинг олдига қўйилган талабларнинг ўндан бирини қондириш билан тугар, унга тобе ходим эса, ўзининг қатъиятлигидан мамнун бўлниб чиқиб кетар эди. Аммо Лобанов ундейлардан эмас эди. Андрей ҷалиштириб олган оёғини бош инженернинг гапи оҳангига қараб салмоқ билан тебратиб бепарво ўтираверди.

— Ҳўжаликни план асосида олиб бориш масаласида сизга қўшиламан,— деди Лобанов. Сўнг яна папжасини очиб, ундан қофозлар ола бошлиди.— Лаборатория учун сотиб олинган аппаратлар станцияларга тарқатил-

ган... Лабораториянинг ремонти учун ажратилган маблаг диспетчерлик хизматига сарф қилингани — бу бир, уй-жои ремонтига сарфланган — бу икки... — у уддабуроцилик билан ҳар бир тийинни нимага сарфланганини ҳисоблаб берди.

«Файри табиий пазариячи деб айтишган эди,— деб ўйлади бош инженер.— Унақага ўхшамайди! Чакана эмас!»

— ...Давом этаман, лаборатория штатида ҳисобланувчи саккиз киши бошқа бўлимларда хизмат қилишаркан.

— Бу расвогарчилик! — деб юборди бош инженер. Лобанов кўзини қофоздан узмай туриб деди:

— Дарвоқе, сизнинг иккинчи секретарингиз ҳам лаборантлик штатида ёкан.

Бош инженер бир секундгина юзларини шиширганича ўзини тутиб турди, сўнг креслога ястанди-да, қўлларини юқорига кўтариб, қутимагандан хохолаб юборди...

Андрей бош инженер олдидан ғайратга тўлиб қайтди ва тезда группа раҳбарларини йиғди.

Бутун таъминот масалалари тез кунда ҳал бўлиши, ким нима билан шуғулланиши қайта кўриб чиқилиши, штатлар тўла таъминланажапини эълон қилди. Ремонт қилиш нима бўлади деб сўраганларида, ремонт тўхтатилиди, бу вазифани устахонага юклаймиз, деди. У ўртоқларини реал хабар билан хурсанд қила олганидан ўзи ҳам ниҳоят шод эди. Энди ишни бошлаш керак. Илмий ишга тайёргарлик кўришдан бошлаймиз. Ҳозирча ички резервлар ҳисобига тайёрланамиз. Ҳеч кимга тобе эмаслигимизни ҳам кўрсатиб қўяйлик.

Ундаги кўтарилик рух Кривицкийдан бошқа ҳаммага тезда таъсири этди. Ноумид скептик эса маъюс бир ҳолатда деди:

— Ремонт қилиш тўхтатилиши мумкин, аммо қолпан масалаларнишг амалга ошиши гумон. Уни фақат худонинг ўзи билади.

— Худо эмас, бош инженер билади,— деб унинг сўзини тўғрилаб қўйди Андрей. Лекин Кривицкийнинг мулоҳазасини эонда сақлаб қолди.

Майя Устинова эса лом-мим демади.

Агар Лобанов муваффақият қозона олмаган так-

дирда, у бош инженер олдидаи эзилиб ва руҳи тушиб қайтганди эди, Майя унинг ёнини олган бўларди. Чунки лабораторияда Борисовни ҳисобламаганда, Лобанов ҳамиша ёлғиз эди. Ҳозир эса, ҳамма уни ғалаба билан олқиншлар экан, Майя ўзини камситилгандек ҳис қилас, уни деярли ёмон кўриб қолаётгандай эди. Шунингдек, у бундай ярашмаган ҳасад, қабиҳ, паст туйғулари учун ўзидан нафратлана бошлади. Очиқ кўнгиллиги йўқолди. Ҳеч ким билан гаплашмас, ниманидир кутаётгандай эди. Лобановга файрлиги келиб, унга қарши норозиликлар туғилишини истарди. Морозов: «Майя Константиновна, сизнинг даврингизда ишимиз дуруст эди» деб қўйса, ич-ичидан қувонади. Ҳозир унинг юриштуриши ҳам ўзгарган, ўзига ва ишига нисбатан илгаригидай ишончи қолмаган. Ҳўш, нима қилиш керак? Энді у бир иш қилсинки, у иш Майянинг фикри ҳақ эканлигини исботлашга ёрдам берсии. Йўқса, бу аҳволда яашумумкин эмас.

### ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Рита шу куни кечқурун Консерватория олдида учрашишни таклиф қилган эди. Андрей у концерт эшитмоқчи бўлса керак, деган фикрга келди, аммо бориб қараса, Консерватория бўсағаси қоп-қоронғу, эшиклар берк эди. Нималигига тушунолмай, ҳар хил гумон ва ташвишлар билан боши қотиб, Ритани қутиб турди. Кўча муюлишидан чиқиб келган Рита уни қўлтиқлаб олдида, яна ўша муюлишга бошлаб, бурилиб кетди.

— Сўрама, ҳеч нима сўрама,— дерди у ҳадеб кулиб Андрей унинг ҳаяжонлангаётганини сезаркан, бу ҳол аста-секини унинг вужудини ҳам қамраб олмоқда эди. Улар аллақандай бир ҳовлини кесиб ўтиб, зинадан юқори кўтарилишар экан, Рита хонага киргунча сабри чидамай, юзларини пальто ёқаси ичига олиб, кўчада союқ қотиб тургандан кўра, дугонасининг уйида ўтиришлари маъқуллигини, дугонаси уйнинг калитини ташлаб кетганини айтди.

Бу ҳар хил мебеллар билан тўлган кичкинагина хона бўлиб, унинг ярмисини баланд бир каравот өғаллаган, хона иссиқ, ундан атир-упа ҳидлари ҷашқиб турарди.

Рита эшикнинг ичидаи илгагини солиб беркитгач, шляпасини олиб бир четга иргитди. Сўнг ўзини йигит қучогига отиб, уининг тугмалари ечиғлиқ туржуркасининг ичига бошини суқиб, анча вақтгача шу йўсинда туриб қолди. Улар шу туришда гўё роҳат қилиб, дам олаётгандай бўлдилар. Андрей жувоннинг соchlарини аста силади...

Улар нима ҳақдадир гаплашишар, аммо кўпроқ гапиришган сари, гапларининг маъноси ҳам йўқолиб борарди. Ҳозир улар учун энг аҳамиятли нарса шу эдикি, йигит жувоннинг кўзларидан кўзини узмай туриб қандайдир мақсад билан унинг пальтоси тугмаларини еча бошлади, жувон ҳам ўзининг эгшидан жакеткасини ечиб ташлади. Нима мақсадда ечганини Андрей тушундимикин? Ҳа, тушунди. Тўладан келган, Ританинг яланғоч билаклари, узун очиқ бўйни уни яна ҳам гўзалроқ қилиб кўрсатарди. Тирсакларининг териси ғадир-будир эди. Бир вақтлар Андрей унинг қуруқшаган худди шу срини ушлаб, ғашини келтиради, ҳозир ҳам ўша срига қўлни тегизгапда, жувоннинг баданлари жимирилашиб, ёш қизчадай сессаниб тушди. Ҳозир унинг хатти-ҳаракатида жувонлик табнатига кўра уятчай қизлик табнати кўпроқ эди. Рита кўзларини юмиб туриб, йигитни ўпиб олди. Бу ўпиш уларнинг аввалги ўпишларига асло ўхшамагаи, бутунлай бошқача ўпиш эди.

Шу кундан бошлаб улар хилватда учрашиш учун трамвайларда совуқ еб, шаҳардан узоқ ерларга бормайдиган бўлдилар. Консерватория ёнидаги бу қичкина хона уларни киши назаридан яшириб турадиган мустаҳкам қалъя бўлиб қолди. Рита ҳам ўзини бу ерда эркин ҳис қилар, хотиржам сезарди. Бир куни улар кўчада кетаётиб, Виктор билан юзма-юз тўқнашиб қолицларига сал қолди. Шунда Андрей Ританинг изтироб чекиши сабабларига аниқ тушунди. Виктор рўпарадан бирор билан келарди. Уларни аввал Рита кўрди ва шоша-пиша ўзини шу яқиндаги бир эшикка үрди. Андрей ундан бу қилиғининг сабабини сўрамади. У Виктордан бу қадар қўрқ маслиги керак эди. Гап Викторда эмас, унинг ҳамроҳида бўлса керак. У одам Ританинг таниши, балки эридир.

Бу ҳодиса Андреининг кўзини мошдек очди:

Шу вақтгача Андрей Ритани уни ўраб турган муҳит-

дан мустасио ҳолда тасаввур қиларди. Рита унинг хотирилари рамкасида ёлғиз ўзи намоён бўларди. Бироқ кутилмаганда ана шу рамка синди-ю. Рита яна қандай бўлса, шундай қиёфада, яъни болали, эри бор хотин, ўзига нотаниш бўлган оиласи жувон қиёфасига кирди. У довдираб қолди. У ўзлари ўртасида юз берган муносабатнинг ҳеч қандай ёмонлиги, хунуклиги йўқ, деб ўзини ишонтиришга уринди. Аксинча, уларниг учрашувларига халақит берувчи нарсаларadolatciz ва ёмон нарсалардир. Ҳеч ким Ританинг ундай самимий севолмайди, шундай бўлгач, унга тил тегизишга ҳеч кимнинг ҳақи ҳам йўқ.

Улар ҳар қадамда бирор хавфга дуч келишлари мумкин эди. Андрей ўткинчиларга шубҳали қараб-қараб қўяр, агар бирор уларга тикилиб қарагудек бўлса, ҳадискирай бошларди. Лекин Ританинг бунчалик қўрқмай, ўзини тутиб юриши ажабланарли эди.

Андрей ўз атрофидаги муҳитдан ўзи билан Ританинг муносабатига доир бўлган нарсаларни беихтиёр синчиклаб ўргана бошлади. Авваллари у Новиковнинг ўйнашлар ва алданган қайликлар ҳақидаги латифаларини эшитмас, эшитса ҳам эътибор бермай юради. Китобларда ўқиган, кўп марта эшитган «ўйнаш» деган сўз энди Андрейнинг жигига тегадиган жирканч сўз бўлиб қолди. У шу сўзга алоқадор бўлган барча жирканч ва қабиҳ ҳодисаларни эслай бошлади.

Новиковининг хотинлар ҳақидаги ҳикояларига у жуда ҳам қизиқиб қолди. Рита билан бўлаётгани алоқаси Андрей учун алоҳида муносабатдай туюлар, лекин Новиковнинг латифаларидан кейин у ваҳимага тушиб, ўзининг Рита билан бўлган муносабатида иш билармон хотинлар, алданган эрлар ва тантана қилгани ўйнашлар ҳақидаги жирканч ҳодисаларга ўхшашлиқ борлигини пайқай бошлади.

Ёш ва хушбичим ниженир Новиков «йигитнинг гулми» деб ҳисобланадиган йигитлардан бири эди. У яхши қининиш, ўзига оро беришни, озода юришини севарди. У бир вақтнинг ўзида бир неча қизга ошиқ бўлар, ўз саргузаштларини ҳеч яширмай-нетмай ҳикоя қиливерар, бу билан одамларнинг эътиборини ўзига тортарди. Эркаклар Новиковнинг ишқий саргузаштларини эшитишни ёқтирав, хотинлар эса, унинг хушчақчақ табиатлиги, сертакаллуфлиликни ўрнига қўя олиши учун, хотинлар

тоифасини ёқтиришни яхши күргани учун, унинг кўпгина беандиша сўзларини ҳам кечириб юборардилар.

— Хотин киши бевафоликни менга қилмаса, барибир бошқасига қиласди,— дерди у.— Ким билади, балки ўша бошқаси мендан хуцукроқди! Лекин, менинг эрларини ҳурмат қиласман, уларга нисбатан ҳеч қандай бедоблик қиласвермайма!

Унинг ҳикоясига қулоқ солсанг, ҳамма ҳам бевафомиш: бирор ўз секретари билан, иккинчиси ўз хотининги дугонаси билан алоқа қиласмиш. Хуллас, унинг фикрича бирорта ҳам одобли оила йўқ.

— Ҳа, бу ахлоқ қондаларига хилоф,— деб қўшиб қўярди бепарволик билан у.— Лекин ҳастининг ўзи шунақа. Тўғри, бундай маънавий бузуқликка қарши кураш олиб бориш керак. Бироқ бу курашни кимга топширамиз?— шундай деб истеҳзо билан ҳаммани бирма-бир кўздан кечириб чиқарди у...

Кривицкий Майя Константиновнага топширишни маъқул топди...

Майя бўлса, бу курашни бутун жамият биргаликда олиб боряпти, деб жиддий оҳангда совуққина гапиради. Эркаклар, масъулиятсиз, деб кулишарди.

— Борисовга топширсакмикин?— дерди яна Кривицкий.

Борисов эса ҳазил аралаш Новиковни ҳаёсизликда айбларди.

Навбат Лобановга келганда, Андрей, зўрма-зўраки илжайишига уриниб, бу иш унинг қўлидан келмаслигини, ўзининг ҳам бошқалардан ортиқча ери йўқлигини айтди.

— Ҳеч кимнинг қўлидан келмайди деб айтмадими?— деди фалсафий холоса чиқармоқчи бўлиб Новиков.— Борди-ю, бу вазифани Пека Зайцевга юкласак қандай бўларкин?

Игорь Ванюшкин ҳамма ходимлар қатори: Андреини ҳам ўз тўйига таклиф қиласанда, у негадир хижолат тортиб, иши кўплигини баҳона қилиб, тўйга боришдан воз кечди. Аслида эса ўзи ҳақида ҳар хил саволлар туғилишидан қочириқ гаплар, аскиялар бўлиб қолишидан қўрқарди. Қандай бўлмасин ўз ҳаётининг Ритага боғлиқ қисмини жамоат ишидан, лабораториядан узоқроқда олиб юришга уринарди.

У Ритани ўпар экан, худди шу ўпишин жувон ўзи севмаган бошқа бир киши — эри билан ҳам шу бугуноқ

такрорлашни эсларди-ю бу фикр унинг қувончларини тарқатиб, энг лаззатли ниятларини барбод қиласади. У, рашк қиласади, бунга унинг ҳақи бор эди, албатта! Чунки қалбида тобора ўт олиб бораётган муҳаббат үчқуллари унинг бошқа одамлар сингари кўнгилсиз воқиалар билан келишишига, улардан кўз юмиб бепарво ўтиб кетишига йўл қўймасди.

\* \* \*

Пардоз столи устида бугунги газета ётарди. Андрей Ританинг ҳали йўлда келаётнб, дугонасининг ҳамон уйга қайтмаганилигини айтганини эслади-да, кўнгли бузилди. Ахир ўзаро самимий гаплари ҳам ёлғон-яшиқсиз бўлмаяпти-да.

— Рита, биз жиддий гаплашиб олишимиз керак,— деди у қовогини солиб.

— Ҳозирми?— деб сўради Рита чўзиб.

— Ҳа, ҳозир,— жиддий жавоб берди Андрей.

— Хўп, майли, осма чироқни ўчириб қўяй бўлмасам, кўзларим ачишиб кетаяпти,— виключателни бураб қўйгач, Андрейни стулга ўтқазиб, қучоқлаб олди.

— Рита,— деди Андрей, қоронғида уни қўрмаса ҳам, яланғоч қўллари, иссиқ нафасини сезиб тураркан,— Рита,— деди яна шошиб,— кел, бирга яшайлик. Уйингдан кет! Қизингни олу, чиқиб кет. Қачонгача шундай аҳволда учрашиб юрамиз? Ўзинг уни севасанми?

Рита ўзини тутиб туролмай, унинг бағрига кирди.

— Бундай дейишга қандай ботинолдинг? Уйингдан кет, эмиш!— деб такрорлади унинг сўзини, ўша оҳангда.

Андрей ундан ўзини тортди.

— Йўқ, гапимга жавоб бер.

Рита кафти билан унинг оғзини беркитди-да, тиззасига ўтириб олди.

— Менга қара, қўй, бекорга ўзингни ўзингқийнаверма. Кераги йўқ... Яхиси, бугунги тунигни менга бағишила.

У, жувоннинг қўлини итариб ташлади. Рита дарров жиддий қиёфага кирди.

— Хўп, ўйлаб қўраман, Андрей. Сенга ваъда бераман... Лекин бу жуда жиддий нарса. Ахир, жонгинам, қандай яхисан!— У яна йигитга яқинлашиб, тўлишган момиқ юзларини унинг юзларига қўйди. Унинг ҳаракатсиз йирик кўз қорачуғлари Андрейнинг кўзларига тик бо-

қарди.— Ҳозир сен ҳеч нарса ҳақида ўйламаслигинг ке-  
рак. Тушунасанми жоним?...

Андрейнинг қўллари ўзига итоат этмасдан, беихтиёр  
унга томон талпинар, жувонга яқинлашा�ётган бутун  
вужудини тутиб туришиликка ўзини қаинча ожиз сезса,  
қўлларига нисбатан ҳам шунчалик ожиз өди.

Бу куннинг хотираси ҳар сафар унинг юрагида қан-  
дайдир нафрат туйғусини уйғотарди. Унинг кўзи олдида  
гижирлайдиган бегона баланд қаравот, дўппайған тўшак  
яққол намоён бўларди. Андрей девор томонда совуқ,  
қотирма гиламга ёпишиб ётарди. Суратдаги олачибор  
бўёқлар билан пала-партиш ишланган узун оёқли лайлак  
кўзларини бақрайтириб, ўзининг ингичка қизил тумшу-  
гини тўғри Андрейнинг қорнига қадаб тургандай эди.

Рита аста қўлини бўшатиб соатига қаради. У Андрей-  
ни ухлаб қолди деб ўйлади, унинг юзи ташвишли кўри-  
нарди. Олтин занжирили соатининг стрелкаси ўн бир  
яримни кўрсатмоқда.

Ританинг ётлашиб қолган юзи ва айниқса унинг шо-  
шилинч хайрлашган дамлари Андрейнинг эсида яхши сақ-  
ланиб қолган эди, уларнинг бирга бўлган чоқларидаги  
қувончи ва энг ажойиб таассуротлари өса аста-секин  
хотирасидан ўча бошлаган эди.

Шу воқиадан кейин Андрей бир неча кунгача карахт  
бўлиб юрди, у бутун гавдасини мажақлагандай сезар,  
ўзини иродасизликда айблар, Ритани кўргиси келар,  
аммо у билан учрашишга ҳеч юраги дов бермасди.

Уларнинг анча кечикиб уйғонган бу муҳаббатларига  
тўсқинлик қиласидиган нарсалар кўп эди, бу муҳаббат  
баҳтга нисбатан кўпроқ изтироб чекишга олиб келарди.  
Энг покиза, самимий муҳаббат туйғулари ўрнига алда-  
ниш, янгилишишлар натижасида юзага келаётган жир-  
канч ҳислар ёмон из қолдириб борарди. Иш ниҳоятда  
қизиб, Андрейдан алоҳида куч-тайрат талаб қилиб тур-  
гаи бир пайтда, у руҳан эзилиб, бўшашиб кетаётган эди.

## ЎНИНЧИ БОБ

Асбоб-ускуналарни ремот қилишни рад этиш билан  
Лобанов ўзига хавфли душман ортириди.

Шу давргача лаборатория Потапенконинг ўринbosari

Долгиннинг восийлигида эди. Станиця директорлари ремонт масаласида келиб: «Лўстлик ҳурмати, ўтиниб сўрайман, ёрдам қилиб юбор» деб фақат унга яшнишиарди. Долгин баъзиларини павбат ҳам кутдирмай ҳожати ни чиқарар, баъзиларига рад жавоб қиласар эди. Ҳуллас, лабораторияда у ҳукмрон эди. У энди бундай имкониятларнинг ҳаммасидан маҳрум бўлашибди.

Кирилл Васильевич Долгинни техбўлим ходимлари ўзаро «КВД» деб аташарди. Бу лақабни ҳар хил таҳтил қилиш мумкин: «Куда ветер дует» («Беқарор») ёки: Казёнишина, Вероломство, Демагогия» («Беқарор, субутсиз, демагог»).

Бўлимдагилар уни ёқтирмас ва ундан ҳайикардилар, ўзи техника соҳасида илми кам бўлишига қарамай, агар бирор уни танқид қилиб кўйса, ундан ўч олмай қўймас эди. Мабодо у бирор кишишиниг арзимаган эски догини топиб қолгудек бўлса борми, ўша доғ кўпчиб-кўпчиб туюдек бўлиб кетар ва у одамни бошдан-оёқ булғаб ташлар эди.

У бўлимдаги инженерлардан бир-иккита маслаҳатгўй топиб олар, улар унинг бошлиқлар олдида ўзини билимдон киши қилиб кўрсатишига ёрдам берарди.

Дастлабки пайтларда Долгин Андрейга анча шафқатсиз, аммо принципли ўртоқ сифатида кўриниган эди. Ўнинг яssi, силлиқ юзида доим баджаҳллик акс этиб турагар, бутун кўринишида кишига шубҳа билан җарайидиган, муруватли, танти, аммо доим жаҳлидан тушмайдиган одам бўлиб кўзга ташланарди. Долгин кескин дағал овоз билан ҳар бир жумлани чертиб-чертиб гапиради. У доим қора гимнастёрка кийиб юрар ва бу кийимда салобатли бўлиб кўринарди. Кўпинча унга мажлисни олиб бориши иши топшириларди. У, регламентни қатъий кузатиб бориши, нотикларнинг сўзини шафқатсизлик билан бўлиб туриши, мажлисни тартибли ва тез олиб бориши билан кўпчиликка ёқар эди, у ўзининг ана шу принципиаллик ва қатъийлик шуҳратидан фойдаланиб, партком составига ҳам кириб олган эди.

Долгин Лобанов билан танишаркан, деди:

— Техника бўлими билан яқин муносабатда бўлиб, лабораториядаги ишларни партиямизнинг кўрсатмалари асосида олиб боришингиз ва бу ишда янги-янги мувваффақиятларга эришишингиз керак.

Андрей Долгиннинг қайси кўрсатмалар ҳақида гапи-

раётганинга уича тушунмади, лекин тортиниб, сўраб ўтири мади.

Бош инженер лабораторияни ремонт ишидан озод қилгач, Долгин Потапенкога мурожаат этиб, бу янгилик Долгингагина эмас, ҳатто техбўлим бошлиғининг ҳам манфаатига зарба берини мумкинлигини тушунтириди. Лекин, Потапенко бу хабарга бепарволик билан қаради, чунки Лобанов унинг сўзини ерда қолдирмаслигига ишонарди.

Долгин эртами, жечми, Лобановнинг иши тусиб, ўз олдига йўкки букилиб келишини кутишга қарор қилди. Ана шунда у ҳам ўз шартларини кўндаланиб қўяиди.

Тахминан ўша кунларда Комсомольская станциясидан генераторда аллақандай ўзгаришлар бўлаётгани тўғрисида хабар келиб қолди. Потапенко нима бўлганини билиб келишини Долгинга топшириди.

Долгин топшириқ олгач, одати бўйича ўзининг маҳфий референтларини йигиб, уларнинг фикрларини олди. маслаҳатчилардан бири генераторнинг ғалтаги бузилган бўлса керак деб айтди. Иккинчиси анча билармон, аммо ниҳоятда қўрқоқ инженер Аничков (Долгин уни доим қўрқитар, ваҳимага солиб юрарди) лабораторияга мурожаат қилишни маслаҳат берди. Лобановга ёдрам сўраб мурожаат қилиш Долгинга тўғри келмас эди. Шунинг учун: «Масъулиятни бирорга ағдаришга ўрганиб қолгансиз, жавобгарликдан қочасиз!»— деб Аничковни жеркиб берди.

Қўрқиб кетган Аничков шоша-пиша, айб ғалтакда бўлса ҳам ажаб эмас, мен фақат фараз қилган әдим, деб биринчи референтнинг фикрини маъқуллади.

Бўлимнинг ёш инженерларидан Захарчук ундан ҳеч ким сўрамаса ҳам, ўз фикрини айтишдан бош тортмадида, бу шикастланишга ғалтакнинг алоқаси йўқлигини билдириди. У, шунаقا ҳар қандай фикрга ҳам эътиroz билдиришни яхши кўрарди. Шунинг учун ҳам Долгин уни ёқтирмасди.

Долгин генераторни ремонт қилишни сўраб бош инженер номига хат тайёрлади. Потапенко хатга қўл қўяр экан, пешоналари тиришди.

— Энг маъқул тадбир шу,— деб ишонтириди Долгин,— генераторни ишдан тўхтатиб, бузиб кўришади.

— Барibir, ғалтак шикастланганлиги ҳақида ҳеч қандай далилингиз йўқ.

— Асбоб-ускуналарни ишдан чиқазгандан кўра, ўз хотиржамлигимизни бузганимиз маъқул. Техника соҳа-сидағи партиянинг принципи шундай,— деди Долгин шиддат билан қўшни столдагиларга эшилтириб.

Кутилмаганда бош инженер электро лабораториядан генератор ҳақида маълумот беришларини сўради.

Станцияга лаборантлар билан бирга Кривицкийни командировка қилишиди. У икки кундан кейин қовоқтумшуғини осилтириб қайтди-да, Андреининг олдига деталь характеристикаларининг бир пачка суратини қўйинб, хулоса чиқаришидан қатъий воз кечганини айтди. Ўлчовлар ўтказибди-ю, ҳеч қандай хулоса чиқаролмабди. «Ўзинглар текинириб кўраверинглар»,— гейди.

Андрей бир кўтарувчи, бир настга тушган қинғирқишиқ чизиқларни қизиқиб текшира бошлади.

— Галтакнинг бунга нима алоқаси бор экан...— хаёлчалик билан гапирди у.

Кривицкий пиқ этиб кулиб қўйди-ю, тўғри жавобдан қочиб, гапни бошқа ёққа бурди. Техника бўлими бирор нарсани билиб гапираётгандир. Модомики, улар ғалтак шикастланган дептими, бас, биз тортишмаслигимиз керак.

— Ун икки йил бурун бир профессор менга, ошқозонинг жароҳатланган, ўласан, деб айтган әди. У билан тортишиб ўтирганимда қизиқ бўларди. Чунки менга қараганда у дардни яхши белгилай оларди.

Андрей Кривицкийга тикилиб қолди.

— Қандай мулоҳазаларингиз бор, айта қолинг. Гапни бошқа ёққа буриб нима қиласиз. Еки бўлмаса, қўлимдан келмади, тушунолмадим, деб очишини айтинг, биргалашиб текшириб кўрамиз.

Кривицкий бошлини ёнига ташлаб, ажин босган ѫипқизил қовоғи билан бир кўзини ёнисдида, юлишсаммикин, ё қўя қолтайми, деб ўйланиб турган хўrozга ўхшаб кетди.

— Кечирасиз, аввал бир саволимга жавоб берсангиз: сизни Потапенко билан дўст дейишади, шу ростми?

— Рост айтишибди,— деди Андрей қовоғини солиб,— эски дўстлармиш. Хўш, нима бўлибди? Дўстликнинг ишга алоқаси йўқ.

— Бўлмаса эшитиб олинг: Долгин — халтурачи, — деди Кривицкий мириқиб. — Долгин техника соҳасида кўр одам. Ана у генераторни текширган ҳам әмас. Йиҳонтириб айтаманки, ҳеч қандай ғалтак-палтак ши-

кастланмаган. Ўзингиз ҳам кўриб турибсиз. Лекин мақсадларига тушунолмадим. Техбўлимни лой қилиб қўйиншишимиз мумкин. Ишонаверинг. Аммо шундан кейин ўзимизни ҳам ўнглаб ололмай қоламиз.— У фикрга чўмди.— Менинг бирдан-бир ишончим — станция ходимларида. Мен бутун ўлчовлар копиясини Борис Зиновъичга ташлаб келдим. Навбатчи техник бору, ташимайсанми? Эски тажрибали одам.

— Энди, шу камлик қилиб турувди,— Андрейнинг жаҳли чиқди,— ибизнинг мулоҳазаларимизни сўрашаяпти-ю, биз эса бошқалардан нажот сўраяпмиз. Яна кимлардан, станция ходимларида? Одамлар нима дейди, лабораториядагилар текинхўр, калтафаҳмлар экан, демайдими? Бирор професоорга консультация сўраб мурожаат қиласанг бошқа гап. Қелиб-келиб навбатчи техника-я? Туппа-тузук инженер оддий бир техникдан ҳимоя сўраб мурожаат қилоя. Қойиле!

Кривицкий чўққи иягини шиддат билан юқори кўтарди.

— Мен иш ҳақида қайғирдим, Андрей Николаевич. Мен ҳам генераторни Борис Зиновъичдек билсам эдим, бошим кўкка етарди. Мундир шаънига доғ тушиб қолишидан хавфсираяпсизми? — заҳархандалик билан лаборини чўччайтирди.— Мен туфайли уятга қолдингизми? Ундай бўлса, марҳамат қилиб материалларни ўзингиз текширинг, айини ўзингиз топинг.

— Сиз учун топаман ҳам, билиб қўйинг.

— Жуда яхши, кетсам майлими?

— Кетаверинг.

Андрей тун бўйи материалларни текшириб чиқди. У генераторнинг айини тополмаслигига қатъий ишонган бўлса ҳам, шикастланиш генератордан четда, аллақаёқда содир бўлганлигини қезиб турган бўлса ҳам, қайсарлик қилиб, кечаси билан ухламай ўтириб чиқди.

Эрталаб Кривицкийга мурожаат қилди:

— Юришт, станцияга, ўша Борис Зиновъичингизнинг олдига борамиз.

Лекин негадир Кривицкий «Холинг шу экан-ку» деб заҳарханда қилиш ўрнига ғулдираб қўя қолди:

— Тўғри, станцияларга ҳам бориб туриш керак, келганингиздан бери лабораториядан чиқмай қўйдингиз.

Комсомольская станциясига Андрей бир вақтлар студентлик пайтида практикага борган эди. Унинг хотираси-

да тоғ-тоғ бўлиб турган кўмир уюмлари, қурумлар, ўт-хонадан гуриллаб чиқаётган алаңга таптида ҳамма ёни қорага бўялиб, ажинана ўхшаб кетган кочегарлар қолган эди.

Энди станция бутунлай таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетибди. Илгари қора кукунларни кўкка кўтариб, ҳамма ёқни тўзонга бўркаган шамол, энди ёш, нозик дарахтларни эгиб қочарди. Кўчатлар асфалт йўлкалар четида бир текисда мағур саф тортиб, совуқдан титраган шохларини ҳурпайтириб турибдилар. Кўмир уюмлари турган ерда узун-узун бетон складлар пайдо бўлиби.

— Нега тутун чиқмайди? Кривицкий, тутуни қани?

Кривицкий бармоғи билан ерни кўрсатди.

— Тутун тортгич ўрнатилган.. Мен бу ердан икки квартал нарида тураман — илгари деразани очишга зор эдик.

Борис Зиновьични навбатчи техниклар хонасида учрашиди. Қотмадан келган Борис Зиновьични ўттиз беш ёшда ҳам, эллик ёшда ҳам дейиш мумкин. Кривицкий билан икковлари жуда яқин муносабатда эканлиги кўриниб турарди. Энергосистеманинг бошқа кўпгина ходимлари сингари уларнинг ҳам учрашишларидан кўра, гаплашишлари кўпроқ бўларди. Шунинг учун ҳам улар бир-бирларини кўришлари биланоқ телефонда айтиб бўлмайдиган нарсалар тўғрисида лақиллашни яхши қўришар эди. Уларнинг иккови ҳам бир системада кўлдан бери ишлашар, икковларининг ҳам тиллари ўткир ва бир-бирларининг гапига дарров тушунар эдилар. Кривицкий ёмон характеристерли одам бўлишига қарамай, унинг ҳар бир станцияда ўзига ўхшаган оғайнилари бор эди.

Борис Зиновьич пайраҳа сингари қуруқ ва қаттиқ қўйини Андрейга чўзиб кўришди.

— Эшитдик, эшитдик. Аллақаҷонлар ўз олимларимизга эга бўлишимиз жерак эди.

— Олимингиз нимаси! — қўл силтади Андрей ҳафсаласи пир бўлиб,— олим бўлсақ сизнинг олдингизга таъзим билан келармидик.

— Ҳм, демак, ўзингизни камситилган деб ҳисоблаяп-сизми? Ҳў-п,— Борис Зиновьич коржомасининг тагидан қора кир галстугини тўғрилаб қўйди.— Мана, ақадемик Яков Сергеевич Костинов ҳар доим биз билан масла-

ҳатлашиб туради. Ҳеч үялмайди ҳам, ўз китобига: — самимий ёрдамлари учун фалон-фалон техникларга ташаккур билдираман,— деб ёзиб қўйибди.

У ранжиган ҳолда жим бўлди, Андрей эса ноқулай аҳволга тушиб ичида: адабимни берди-ку, боллади! Эҳ, ўзим ҳам ҳеч нарсага тушунмайдиган ҳўкизман-да,— деди.

Шу гапларни овоз чиқариб айтишга ўзини мажбур қила юлмагани учун койинди-ю ўжарлик билан қаншарини тириштириди-да, бармоқ билан столни черта бошлади.

Кривицкий кутилмаганди ажабланарли бир иш қилди. «Яна маданиятли станциянинг ходимлари эмиш, меҳмонни ҳам шунаقا таъналар билан кутиб оладими» деб Зиновьичга ёпишиб кетди.

Борис Зиновьич генераторнинг схемасини олиб ёзди. У «биз оми одамлармиз, олим эмасмиз, қишлоқлармиз, шунинг учун ҳеч қандай интеграл<sup>1</sup>сиз иш жўраверамиз» деб гап бошларкан, овозида ҳамон ранжиганлик оҳангиз сезилар эди.

— Топдингми, дейман?— деб шошилиб сўради Кривицкий.— Бурнингдан кўриб турибман, топибсан.

Борис Зиновьич Андреяга кўз қирини ташлаб қўйди.

— Ростини айтсам, мияга кичик бир фикр келтиб қолди.

«Кичик бир фикр» Андреини таажжублантирди,— қанчалик содда-я!

Кейин ҳаяжон билан қувониб кетди-ю, ўзи ҳақида юраги ғаш бўлиб ўйланиб қолди: «Роса тентак эканман?» Сўнг Борис Зиновьичдан батафсил сўраб олгач, кўнгли тинчили. Чумчук сўйса ҳам қассоб сўйсин! Айб контролъ лампочканинг цоколида экан. Бу хилдаги сабабларни фақат генератор билан муттасил машғул бўлиб юрган ва унинг барча инжиқликларини билган одамгина топа олиши мумкин.

Борис Зиновьич ҳам узил-кесил бир хулосага жемабди.

— Анигини айтольмайман. Менимча шундай бўлиши керак, аммо яна ким билади дейсиз, балки назарий жиҳатдан тўғри эмасдир.

У аста Андреининг ҳолатини кузата бошлади. Бу

<sup>1</sup> Математикада чексиз кичик сонлар йигинидиси.

ўзига ишонган йигит унинг назарияси устидан кулиб юборса-я.

Агар Лобановнинг ўрнида бошқа одам бўлганда унинг ноқулай аҳволга тушаётганини сезган бўларди, аммо Андрей техник чизган схемага берилиб кетгани эди,— баъзи одамларга схема мингта гўзал суратдан ҳам яхши завқ бериши мумкин. Бу қинғир-қийшиқ чизилган схемада шундай нарсалар борки, ҳар қандай маълумотга эга бўлган одам ҳам уни илиб ололмас, факат жуда ҳам катта фаросат ва сезигир дид жерак эди.

— Гапнинг рости, меининг сизга ҳавасим келяпти,— тан берди Андрей.

Борис Зиновьевич бирдан терлаб кетди.

— Менга Кривицкийнинг осциллограммалари ёрдам берди. Улар даврий процессларнинг ҳаракатини аниқлаб берди...— Борис Зиновьевич, биз ҳам чақана одамлар эмасми, деяётганидай, техникага хос терминларни ҳаддан ташқари чеरтиб-чертлиб бу йигитчанинг маштovларидан ғурурланганини сездирмаслик учун жаҳл билан гапи-рар эди.

— Мақтов бошланди,— деди Кривицкий,— иш ҳам тўхтайди энди.

Андрей тезлик билан чертёж чизишга киришди.

— Келинг, генераторни ҳозирнинг ўзида бошқа қўзғатувчи токка улаб, текшириб кўрамиз.

Борис Зиновьевич Андрейнинг елкаси оша қараб, шиддат билан унинг қўлидаги қаламни тортиб олди.

— Бу нима қилганингиз? Бунақада абонентларни электр токидан маҳрум қиламиш-ку. Мана бундай қилиш керақ. Сизлар билан авария қилиб қўйиш ҳам ҳеч гап эмас...

Синов программалари аниқлаб олингац, Кривицкий билан Борис Зиновьевич маслаҳатлашгани диспетчер хонасига кетди. Андрей эса машиналар залига кирди.

Кривицкий пультга чиқа туриб, Борис Зиновьевичга деди:

— Жуда серғайрат одам. Ёш-да ҳали, одамлар билан муроса қилишни билмайди.

— Хотиржам бўлавер,— кутилмагандага эътиroz билдириди Борис Зиновьевич,— усиз ҳам бизда мутахассислар билан муроса қилувчилар етарли.

Машиналар залида Андрейнинг кўзига кошинланган спроқ, ялтироқ деворлар ташланди. Локланган баҳайбат

машиналар гўё терлагандек ярақларди. Машиналар тинмай гувиллаб айланаркан, залга иссиқ ҳаво пуркарди.

Андрей томонга бир тўда одам юриб кела бошлади. Уларнинг олдида кўк коржома кийиб олган Виктор Потапенко ҳам бор эди.

— Бу ерда нима қилиб юрибсан? — деб сўради у Андрей билан кўришар экан ва жавоб кутмай ҳамроҳларига танишира бошлади.

— Менинг мактабдошим, лабораториянинг янги бошлиғи. Ҳурмат қилингиз. Хўш қалай? — сўради у Андреидан хўжайнин сингари — қўлларини кенг ёзиб бутути зални кўрсатар экан. — Ёқдими? Ёзда ҳамма ёқни гулзор қилиб ташлаймиз.

Виктор йўл-йўлакай машиналарни кузатиб борар, уларнинг қизинган-қизимаганини билиш учун ушлаб кўрар, қулоқ солиб, янги турбиналарнинг ишлашини эшиштар, ҳеч нарса унинг эътиборидан четда қолмас эди.

— Нима учун шу дамгача термопарлар тартибига келтирilmади? — деб ёпиша кетди у ҳамроҳларига, — менга ўқитманг, сезмайди деб ўйлагансиз. Кўз бўямачиликни қаранг-у!

У машинистлар билан қўл бериб кўришар, ҳар бири билан ўзига хос муомала қўилар, қисқа-қисқа гаплашиб, тегишиб ўтарди.

Мовит шапкасини қийшайтириб олифтачасига кийиб олган ёш машинистдан «Қалай, янги колонкага ўрганиб олдингми? — деб сўради. Чўчиғанинг өсингдами? Ҳа, биродар, ботирдан қилим қўрқади. Аммо жулдур кийим кийиб юришинг яхши эмас. Станциямизнинг маданий қиёфасини бузяпсан». Оқ мўйловли турбиначи билан у балиқ ови ҳақида суҳбатлашиди. Краинчи қизга ҳазил қилиб ўтди, навбатчи инженерининг имтиҳонга қандай тайёргарлик кўраётганинг сўради, хуллас, Викторнинг ҳар бир ҳаракатидан унинг бошлиқ бўлса ҳам одамшаванда ғамхўр, юрагида кири йўқ, ҳақиқий бошлиқ эканлиги кўриниб турарди.

Андрей Виктордан завқланиб кузатиб борарди. Ҳар хил одамлар билан ўзига ярашур муомала қилиб, очиқ кўнгиллик билан чақчақлаша билиш ҳам ҳазил гап эмас. Виктор мулозаматни жуда ўрнига қўйиб юборди.

Андрей билан ёнма-ён кетаётганилардан бири:

— Жуда тиришқоқ одам-да. Ўз ишига пухта, — деб қўйди.

Андрей гўё ўзи мақталаётгандай, жуда севиниб кетди. У ҳозир шундай дўсти билан фахрланмоқда. Викторнинг орқасидан кузатиб борар экан, унинг энт яхши томонларини ўзинга таққосларди. Викторнинг ҳафзаллиги унинг кишилар билан муносабатида эди. Бу соҳада унинг ўз шахсий услуби бор. Тўғрисини айтганида, Андрей ҳам Викторнинг одатларини ўрганишга уриниб кўрди: ишчилар билан бўлар-бўлмас гап отишишди, сўкишди, елкаларига уриб ҳам қўйди, уларнинг жиғига тегиб кўрди... Лекин буларнинг ҳаммаси ясама, қалбаки гўё уларни алдаётгандай ҳақорат қилаётпандай туюлаарди.

Кривицкий билан Борис Зиновьевич машъум генераторга янги бир асбобни улашарди. Виктор қилинаётган ишга юзаки назар ташлади-да, сўнг Борис Зиновьевичдан хотинининг соғ-саломатлигини сўрай бошлади. Борис Зиновьевич эса бир қўлига сим тутган ҳолда қаддини ростлади ва иккинчи қўлининг бармоғи билан чёртёждаги маълум бир жойни босиб туриб Потапенкога қаради. У Потапенкога жавоб берар экан, худди ёқимсиз ўқитувчи одида тургандай дам у оёғига, дам бу оёғига оғирлигини ташлар эди. Виктор ўз мулозимлари билан узоқлашганда, Борис Зиновьевич қўлидаги симга ва схемага қараб олиб, тарқалиб кетган фикрини йиғишга тиришишди-да, ҳеч кимга қарамай бошини салашглатиб, унинг орқасидан:

— Демокра-ат! деб қўйди.

Бу сўзнинг оҳангидан қайси маънода гапирилганини тушуниб бўлмади.

Синов бошланди. Бир неча минут ўтар-ўтмас Борис Зиновьевичнинг мuloҳазаси тўғри эканлиги аниқлангач, учовларининг ҳам руҳлари кўтарилиб кетди. Айниқса Андрейнинг жағи очилди. Бу — иш юришиб кетганлигининг аломати эди.

— Қарангки, кеча учовимиз ўз кабинетларимизда шикастланиш сабабини тополмай бош қотириб ўтириб, ўзимизча билимдонлик қилаётган эдик. Шу йўсинда яна бир йилгача ўтириш ҳам мумкин эди,— деди у.— Яхшики. Кривицкий ўзининг ўлчовларини сизга кўрсатиб қолибди. Мана, ҳарвоқе, илмий иш услубини қаердан излаш керак экан.— шундай деб гўё шу пайтгача Кривицкий билан мунозара қилиб ўтирган одамдай унга бармоғини ўқталиб пўписа қилди.

Кривицкий Долгин чиқарган хулосани эслатди.

— Балли-е сизларга, — деди Андрей ҳафсаласи пир

бўлиб,— ахир, биз жуда ажойиб ҳодисанинг гувоҳи бўлдик, сизлар бўлсангиз аллақандай қоғозлар туфайли ташвишга тушуб юргисизлар-а.

— Долгининг ҳикматли сўзларини эшигиданмисиз?— деб киноя билан гапирди Кривицкий,— қоғосиз бир қумурсқасан, қоғоз билан жатта одамсан!

Борис Зиновьевич тўзиб, боғиҷ ипга ўхшаб кетган галстутини қаттиқ тортиб қўйди.

— Андрей Николаевич, генераторни ремонтга чиқармасак яхши бўларди график бузилиб қолиши мумкин.

— Сен ўз дардинг билан йиграйсан,— минфирилади Кривицкий.— Биздан исбот талаб қилишади. Нима учун ремонт қилмаслигимизни исботлаш учун ҳаммасини аниқ ҳисоблаб чиқишимиз керак.

— Ҳозир ўзим Потапенко билан маслаҳатлашаман.— деди Андрей.

Борис Зиновьевич билан Кривицкий бир-бирларига маъноли қараб қўйишгач, асбобни генератордан уза бошлиди.

Потапенко трубиналар роторини пастга тушираётган мостовой кран турган чекка агрегат ёнида эди. Такелажчилар, слесарлар, инженерлар азamat роторнинг ҳаракатини берилиб кузатишар, улар гўё атрофдан ўзларининг назарлари билан унга мадад бераётгандай қўзларини узишмасди.

Монтажчилар бригадири кранчи қизга қараб «тўхта», деган команда берди. Ротор подшипникларнинг устгинасида осилиб, тебраниб қолди. Бригадир ёғоч таянч қистирмоқ учун унинг зазорларини ўлчай бошлиди. Бошлиқнинг шу ерда туриши унинг жаҳлини чиқармоқда эди. У гангид қолдию кранчи қизга бармоғини кўрсатиб, яна юқори кўтаришга команда берди.

Андрей узоқдан Викторга кўзи тушди; у бригадирнинг елкасига туртиб унга жаҳл билан бир нималар деди. Бригадир рад қилди шекилли, бош чайқади. Викторнинг қора қошлари ғазабдан бир-бирига туташиб кетди.

— Лапашанглар! Ямоқчилар...— депан сўзлар Андрейнинг қулоғига эшитилди.

Потапенко бригадирни четлатиб қўйиб, кранчи қизга ўзи ишора қила бошлиди. Трослар тебранди, ротор аста четга қараб сузди, Виктор бир қўли билан команда берар, иккунчи қўли билан ёғоч тиргакни ўрната бошлиди.

У қулиб туриб, әпчиллик билан ишлар, тебраниб турган баҳайбат пўлат машина остига кириб, тиргак сүқар эди. Виктор завқ билан сўкиб юборди, шундан кейин атрофдаги одамларниг чеҳраси аста-секин ёриша бориб, чаққон ҳаракат қила бошладилар. Ротор тўғри тушиб, подшипниклар устига жойлашди.

— Виктор Григорьевич, сиз — пайғамбарсиз! — деди цех бошлиғи унга латта узатар экан. Виктор мой бўлган қўлини латта билан артаркан, Андрейга яқинлашди. Унинг чақноқ кўзларида шодлик акс этиб тураради.

Андрей ҳам қойил қолган эди.

— Уларга қўйиб берсанг яна бир соатгача ғивирлашиб ётишарди, — деди ўзидан мамнун ҳолда Виктор. Виктордан фуурланган Андрей Борис Зиновьевичнинг мулоҳазасини ва синов шатижаларини ҳовлиқлиб ҳикоя қила бошлади.

— Демак, топибсизлар-да, — деди Виктор, унинг сўзини охиригача эшиитмай, сўнг станция директорига қаради.

— Йўқ, менимча сен тушумапанга ўхшайсан, — деди Андрей қизишиб. У шошилиб бармоғи билан генераторнинг локланган филофига чизиб кўрсата бошлади.

— Бу ёқка қара. Оқилона фикр-а? Фалтакни айбистишнинг бемаънлиги аниқланди.

Виктор чуқур хўрсинди. Сал нарида станция директори ва цех бошлиқлари уни кутиб туришарди.

— Сен хулоса чиқариб беришинг керак, — бепаэрволик билан гапиди у. — Ё генераторни ремонт қилиш керак, ёки уни ҳақиқатан тўхтовсиз ишлай олишига кафолат берасан. Кейинги фикрни қабул қиласидиган бўлсанг, жавобгарлик сенинг зиммалига тушади. Бундан ташқари, янги режимнинг муфассал расчётини тузиш керак. Қўй, оғайни, нима қиласан бошингни оғритиб... Сенинг янги асбоб билан шуғулланишинг учун қўлимдан келганини қиляпману, лекин ўзингга-ўзинг янги бош оғритиб ортиярпсан-да. Яхшиси ўша Борис Зиновьевичнинг мулоҳазасини кўриб чиқишига тўғри келади деб ёз. Лекин унинг мулоҳазаси қўшимча текширувга мұхтож бўлгани сабабли, генераторга зарар етказмаслик мақсадида, уни ремонтга бериш лойиқ топилсан, деб ёз. Шундай қилсанг, ташвишдан ҳам қутуласан қўясан. Мен сенга ёмоиликни раво кўрмайман.

Виктор инженерлар олдиға йўл олар экан, Андрей атрофдагиларнинг кулиб ҳайрон боқишиларнга ҳам эътибор бермай, унинг орқасидан тортишиб борар эди.

— Коржомалар масаласи нима бўлди? — деди Виктор директорга, улар чуғурлашиб гапиришиб. Андреини бир чеккага сиқиштиришиб чиқариб қўйишиди.

Эртасига Андрей генератор тўўрисида ўз фикрини ёзиб, унга қўл қўйишидан аввал Кривицкийга кўрсатди. Кривицкий уни ўқиб жиддийлашди: бундай фикрини ёзиш деган сўз — техбўлимни дуэлга чақириш билан баравар эди.

— Дуэлга чақириш! — Лобановга бундай дейиш ёниб турган оловга бензин сочиш билан баравар эди. — Тўғри ёзилганми? — деб қайта сўради Андрей ғазаб билан.

— Техника жиҳатдан-ку, тўғри-я, аммо форма жиҳатдан... «Масъулиятдан қочиши»... «Ғалтак масаласида бехуда баҳоналар излаш»... деб ёзишининг нима кераги бор? Еки мана бу жумлани олайлик...

— Тўғри ёзилган бўлса, ортиқча гапнинг нима кераги бор. Дуэл деганингиз — бу тентаклийк. Иш масаласида ҳали ҳам эски тушунча билан яшаяпсиз.

— Балки, шундайдир, — деб ўзини босиб қўшила қолди Кривицкий. Баъзан унинг ўзи ҳам мана шу шалпан-қулоқ гўдакнинг танбиҳларига тинч қулоқ согланига ҳайрои қоларди.

— Биласизми, ҳар ҳолда гапирпандан кўра гапирмаган яхшироқ, аммо ёзтандан кўра гапирган ҳам маъқулроқ. Хўш, энди, шунчаликка борибсизми, яхшиси бу қоғозга мен қўл қўя қолай.

— Туёғингизни шиқиллатиб қолинг, ҳўимматингизни экиб қўйинг, — тишларини ғижирлатди Андрей. — Мени ким деб ўйлаяпсиз?

Кривицкий Андреининг перони қитирлатиб қўл қўяётганини кузатар экан, чуқур хўрсинди. У, Лобанов учун ачинар эди. Лобановнинг ўша «судралувчи махлуқлар» (Долгин тарафдорларини шундай деб атар эди) билан муроса қила олмаслигига борган сари ишончи ортарди. Бир куни Долгин, «Адмиралтейство найзаси инсонга тиш ковлагич бўлолмагандек ёки телескопнинг театр томошибинлари учун ҳеч қандай зарурияти бўлмаганидек, лаборатория учун Лобановнингизни ҳам шунчалик зарурияти йўқ» деб Борисовга тап уқтиromoқчи бўлган эди. Агар

Лобановни тузатишининг иложи бўлмаса, ақаллиси унинг бемулоҳаза ҳаракатларига йўл қўймаслик керак ахир!..

— Яхши, туёғимни шиқиллатай.— деди ў.— Фақат шу шарт билан: бутун расчетларни биз Борисов иккови- миз қўламиш. Сиз эса, Долгинининг ҳужумини қайтарасиз. Кейин ўз асбобингиз устида шуғулланаверасиз!

Андрей қовогини солди.

— Яна станцияларни кезиб чиқини жерак... йўқса, худди Борис Зинновычингиз олдида бўлганимдай, ўсал бўлиб қолишим мумкин.

— Бу фикрингиз яхши, аммо сигнал...

— Қанақа сигнал?

— Эшитиш имча. Долгин жанговар сигнал чалаётган эмиш,— деди бўшашиб Кривицкий,— у бизга қарши уруш эълон қиласди. Мана кўрасиз.

Скептикнинг бу хилдаги фаросати Андрейни ташвишга солди. Кривицкий кўп нарсада ўзининг ҳақлигини кўрсатди. Бош инженер қилган ваъдаларининг фақат биринингши бажарди холос, яъни ўща суҳбатдан бир неча кун ўттач, Лобановга ўзининг секретарини юборди.

Бундай қизларининг ҳаммаси Андрейга бир хилда кўринарди, яъни у назарида ўз бошлигининг паноҳида кеккайиб кўринувчи енгилтак қиз, фақат телефон орқали гаплашиш ва қалам чиқаришга уста бир қиз гавдала- нарди. Ҳозир унинг олдида муҳайё бўлиб, ундан атиш хиди анқиб турган, яшил кўйлакли, қаҳва рангли қўнғир соч бу қиз ўша тоифадаги қизларга ўхшаб кетарди.

Андрей унинг қўлидан лабораторияда бир иш кел- маслигига ишонган ҳолда эзмалик билан сўроқ қила бошлади. Аммо қайтариб юборишга асос йўқ эди. Зора ўзи кетиб қолса. Андрей ўзи айниб қолсин, деган умид. билан лаборатория ишларини ёмонлай бошлади.

Ҳар ҳолда бу — Андрей ишга қабул қилган биринчи одам әди. Андрей унинг ҳужжатига кўз қирини ташлади. Цветкова Нина... «Фамилияси ҳам енгилтаккина экан».

— Хўш, ўртоқ Цветкова, шундай қилиб биёда ишламоқчимисиз?

Цветкова ҳафсаласи пир бўлиб лабинни бурди.

— Мени ўзимнинг ҳунарим бўйича ишлатасиз деб ўйловдим.

— Секретарь ғилибми? Яхши ҳунар! Сиз младший лаборантка сифатида тайинлангансиз. Шу вазифада ишлайсиз:— Қатъий хулоса қилди у.

Андрей Цветковани Устиновалар группасиңга юбордида, Майядан унга позикроқ мұомала қилишини, лаборатория позанинлар модаҳонасииң салони әмаслигини тушунтириб қўйишларини, унга қизиқроқ ва оғирроқ иш топиб беришларини илтимос қилди.

### ЎН БИРИНЧИ БОБ

Борис Зиновьевичнинг таклифи бўйича Комсомольская-даги генераторни янги схемага үлашди. Кривицкий билан Борисов схемани ҳисоблаб, қайта тузишди, шундан кейин генератордаги силкниш тўхтади. Шундай қилиб, лабораториянинг хулосаси туфайли генератор ремонтга берилмади. Бироқ бу ҳодисага техбўлимдагилар турлича «баҳо» бериши.

— Устинова бошлиқ бўлган вақтда лаборатория биз билан маслаҳат қиласар эди,— деди энсаси қотиб Долгин.

Виктор индамади.

Бир неча кундан кейин, ҳисобот талаб қилиш керак бўлганда Долгин деди:

— Ҳайронман, Виктор Григорьевич, Лобановга қандай қилиб яқинлашса бўларкин. Агар у сизни ҳам писанд қилмаса менга бутунлай қарамай қўяди.

— Каердаги гапларни топиб юрасиз?— деди Потапенко.

Долгиннинг чеҳрасида шафқатсиз ғазаб аломатлари пайдо бўлди.

— Агар раҳбарни ҳурмат қилганда эди, гапимга инонинг, бу хилда ёзмас эди,— у учинчи марта лаборатория хулоса-жавобини Викторнинг олдига қўйди.— Лобанов сизнинг дўстингиз бўлгани учун ҳам мен изоҳ беришдан бош тортаман.

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Виктор Григорьевич, мен ростгўй ва бир сўзли сдамман,— шундай деб Долгин бир оз паузадан сўнг, қовоғини очмай синовчан кўзлари билан Викторнинг ияигига тикилди.— Партия бизни танқид билан адоваратни фарқ қила билишга ўргатади. Агар ноҳақ бўлсан: «Ўртоқлар бу фикрингиз нотўғри!» деб коммунистчасига шартта юзимга айтмайдими, ахир? Бунинг ўрнига у бош инженерга бориб фийбат қилиб юрибди... Очигини айтганда, бундай тактика — фитначилар тактикаси.

— Сизнингча бу тактиканинг мақсади қандай? — деди киноя билан Виктор.

— Бошқалар ҳисобига ўзини кўрсатмоқчи.

— Бунақа қоғозлар билан менинг обрўйимни тушиrolмайди.

— Шундайку-я... — деди Долгин, унинг яssi, қопсиз кўзлари спрли тикилди.

— Дарвоқе, электролаборатория сизнинг қўл остингизда, Долгин. Менинг ҳамма иш билан бирдек шуғулламишга имконим йўқ. Менда бундай лабораториялар бир эмас, бир нечта, яна минглаб кишилар.

— Менинг эса, Виктор Григорьевич ҳозир аҳволим танг. Бир томондан сизларининг дўстлик муносабатининг изга рўбараў бўлганман, иккинчи томондан сизнинг кўрсатмаларингизни амалга оширишим ва сиз кўрсатган вазифаларни бажаришим керак...

Виктор Долгиннинг ҳаракатларига тақлид қилиб туриб, қатъий деди:

— Иш масаласига келганда, менинг учун ҳеч қандай дўстлик муносабати деган нарса бўлмайди,— у Долгинга лабораториянинг хулоса-жавоб хатини узатди.

Долгин қоғозни жангга ўтиш учун берилган буйруқ сингари жиддий тантана билан қўлига олди ва уни буқлаб, қора гимнастёркасининг юқори чўнтаигига солиб қўйди.

Лобанов ўз эҳтиётсизлиги билан кутилмаган ерда душман орттириди.

Бир кун бошқарма бошлигининг ўринбосари Ивин Андрейга телефон қилиб қолди:

— Лобанов, азизим, менинг уйимга йигитларингдан бирортасини юбор,— приёмникчамга бир бало бўлганга ўхшайди.

— Менда бор-йўғи иккита радиотехник бор,— деди Андрей — иккови ҳам ҳозир жуда банд, бунинг устига...

— Қўйсангчи,— деб унинг сўзини бўлди Ивин,— оббо, қанақа шошилич проблемаларни ҳал қилиб беришарди ҳозир. Менинг машинамни ол-да, уларни жўнатсақол. Антеннамни ҳам ўzlари қуриб берган, бу ергаги ишларнинг ҳаммасидан ўzlари хабардор.

Андрей ўзини босди ва унга радио устахонасига мурожаат қилишни маслаҳат берди.

— Қўйсангчи, азизим, ўзимизниг лаборатория ту-

риб бошқага ялниаманми?— деди кулиб Ивин, ажабланган ҳолда.

— Худди ўзимизнинг лаборатория бўлгани учун ҳам ялинасиз-да. Менда хушомадгўйлик йўқ, ўртоқ Ивин!

— Шундайми?— деди Иван ғулдираб ва бир қарорга келди шекилли, сирли пўписа билан қўрқитмоқчи бўлди:—Сиз билан муроса қилиб ҳамжиҳат ишлаш анча қийин бўлса керак.

— Мен ҳеч ким билан ҳамжиҳатлашмоқчи эмасман,—Андрей жаҳл билан трубкани ричаг устига ташлади.

Андрей Викторни ошхонада учратиб, унга ўзини тутолмаганини қаттиқ овоз билан айтиб берди. Қўшни стол ёнидагилар бошқарма бошлиғи ўринбосарининг фамилиясини эшитиб, қулоқ сола бошлашди.

— Секинроқ папирсангни,—бепарво илтимос қилди Виктор.— Бургага аччиқ қўилиб кўрпани бекор куйдирибсан. Бирортасни уйнга юбора қолсанг нима бўларди. Бунақа бўлмагур дангалликни қаердан ўргандинг? Қизиқ, худди шундай илтимосни мен қиласам нима бўларди?

— Сени ундан нарироққа жўнатган бўлардим.

— Шунақами... Демак, дўстлик ҳурматимиз шунчалик дегин?

— Тентаквой, мен ўзим бориб тузатиб берардим.

— Октябрская станциясининг директори Тарасов билан учрашганингда нима тап бўлди?— деди Виктор.

Андрей кулиб юборди.

— Мен у ерда ҳақиқий митинг уюштирудим. Қарасам бир қозонга озиқа автоматикаси ўрнатилибди. Машинист эса қўл билан бошқармоқда. Нима учун? деб сўрадим. Автоматика тузатилмаганмиш. Қўл билан дуруст эмиш. Директорнинг олдига кирдим. У бўлса — ёқилгини тежаш бўйича планим бор, сизнинг автоматикагиз деб мен планни бузолмайман,—дейди дегин. Агар автоматика сизда ишга солинмаса, қаерда ишга солинишига маслаҳат берасиз, деб сўрасам:— билмайман, бошқа станцияда, хоҳлаган ерингизда ишлатаверинг. Ишлатилиб тажрибада кўрилган тайёр асбоб берсангиз марҳамат, раҳмат деймиз,—дейди,— шунингдек, ҳаммани ҳам мажбур қилолмайман. Улар ёқилги тежаш билан моддий жиҳатдан манфаатдор, дейди. Автоматика эса уларга халақит бермоқда, дейди. Била-

санми, директор ўзи инженер бўла туриб шундай дейди-я!— Андрей ўникасини босиб, ўзини тарелкадаги овқатга урди.

— Кейин нима бўлди?— деб сўради Виктор.

— Кейин смена охиригача кутиб туриб қўлимдан келганча одамларни олиб қолдимда гапира бошладим. Шундай мураккаб асбони биринчи кунданоқ яхши ишлаб кетишини талаб қилиш тўғри эмас, дедим, ойлаб ишлатиб кўриш керак, дедим. Ҳаммамиз биргалашиб тажриба ўтказнишимизга баъзибир нарсалардан воз кечинга тўғри желади. Бошқа илож йўқ, дедим. Автоматикани ишга туширгач, у ўзини албатта оқладиди. Уни ҳамма қозонларга ўринатамиз, ўзингизга ҳам енгил бўлади-ку, қозонларигиз янги-ю, бониқариш усули эскича, дедим. Хуллас, самимий гаплашиб олдик. Нима бўлди дегин? Автоматикани ишга солдилар.

— Тарасов-чи?— деди Виктор, стол устида нон увогидан соққа ясаб юмалатар экан.

— Тарасовингни қўй, энг қизифи шуки, энди машинистлар қозон олдида туриб автоматиканинг доимий ишини кузатишади, холос.

— Хўш, Тарасов-чи?— қайта сўради Виктор.

— Билмадим, балки ҳали ҳам жizzакилик қилиб юргандир,— бепарво гапирди Андрей.

Виктор бошини кўтариб, сиповчан кўзлари билан Андрейга тикилди-да, яна ерга қаради.

— Бу автоматиканинг камчилиги,— тарелжасини суриб қўйиб гапира бошлади Андрей.— Шундаки...

— Долгин билан яна қанақа жанжал кўтардинг?— деди Виктор.

Андрей елкасини қисиб, ўзини босиб олган ҳолда Долгиннинг Октябрьская станциясида автоматика билан шуғулланишини талаб қиласини гапира бошлади.— Ахир бу техбўлиминиғ вазифаси-ку!— Маълум бўлишинча Долгин автоматикадан ҳеч балога тушунмас, унга ақли ҳам етмас экан, Сафсатавоз! Андрей ўйлаб ўлтирмай унга: «Техникадан хабарсиз экансизу, қандай раҳбарлик қилиб юрибсиз? Истеъро бера қолинг? деганини айтди.

— Бемаънилик,— деб ғижинди Виктор, у Андрейнинг гапларини мажақлаб ташлаётгандай, нон увогидан ясалган соққани бармоқ учи билан эзди.— Ўзингга қарши душмай орттиришнинг нима кераги бор? Тўғри,

Долгин айтарли даражада билимга эга эмас. Аммо бахоси йўқ одам. Бирор топшириқ берсанг унга оч бўридай ёпишади.

— Виктор, ахир, мен ҳаммасини кўра била туриб, индамай...

— Сен раҳбар эмас, қандайдир перпендикуляр чизикка ўхшайсан...

— Сенчи... сен — параллель чизиқка ўхшайсан,— ўзини тутолмай кулиб юборди Андрей.

Аммо Виктор ўз сўзини бирор бўлмаслигига одатланган эди, шунинг учун у Андрейга қулоқ солмай давом этди:

— Энди, масъулнотин сезишинг ҳам керак-да. Ҳозиргача сен ўзининг жавобгар эдинг, шунинг учун корхонага янгилик олиб кириш сенга осон туюляпти. Энди масалага фақат пастдан эмас, юқоридан қараб ёндашишга одатлан...

Андрей ўзининг ўрнидан туриб чиқиб кетиш учун сабаб излаётганини сезиб қолди. Унинг кўнглида ҳеч қандай ғаразгўйлик йўқ, фақат аччиқ алам бор эди, холос. Қочегарлар билан бўлган митинг тўғрисида бунчалик қизишиб гапириб нима қилар экан-а?

Ўша куниёқ Тарасов бошқармага келиб, Лобанов устидан Викторга арз қилди. Бу шалдир-шулдурнинг станцияга келиб хўжайинлик қилишига иким ҳужуқ берди? Мен директорманми, ёки директор эмасманми? Тарасов куйиб-пишиб гапиракан, бош инженерга ҳам бораман деб қўрқитмоқчи бўлди.

Виктор кўзларини сузди.

— Кўйсангчи, сен ноҳақсан. Лобановнинг бош инженер олдига бормагани учун менга раҳмат де. Автоматикини қўллаш керак, азизим. Биринчи куниёқ адабингни бериб қўйишлари мумкин эди. Энди ҳисботга автоматика ишга тушди, деб ёзишинг мумкин. Ташаккур ҳам оласан.

Виктор яна анча вақтгача Андрейга нисбатан ҳомийлик муносабатини сақлашга уринди. Уни ўз локатори билан шуғулланишга, станцияларни ўз ҳолига тинч қўйишга ундан кўрди. Андрей эса:

— Мен тентак эмасман, мен бу ерда ўзимниң ҳали кўп нарсадаи ғехабар эканлигимни пайқадим. Мен диссертация билан машғул бўлиб юрган пайтимда техника

ўсиб, аича олға кетибди. Энди ишлаб чиқаришини ўрганишим керак,— деди.

— Агар фақат ўрганаётган бўлсангу, майлийди-я, бошқаларниң ишига тумшуғингни сұқаверишинг ёмои.

Икковлари ҳам энди эски дўстлик муносабатларини сақлаб қолишга тиришардилар. Аммо борган сари бунига эринин қийинлаша борди. Узлари ҳам бир-бирлари билан учрашганларида сунъий муомала қилаётгандликларини сезишарди. Андрей ўзи учун ғайри-табиий бўлган бу туғури йўқотишга уринса ҳам қўлидан келмас эди.

Виктор энди уни ўз уйнга таклиф қилмай қўйди. Лиза билан унинг ўртасида қандайдир совуқ келишмовчилик юз берганга ўхшарди. Виктор ўз хотинининг характеристерида, сўз оҳангларида қандайдир яширип таънага ўхшаш истеҳзо, мазах қилувчи ҳолатлар сезаётганга ўхшар, шунинг учун у бу ҳолатдан Андрей хабардор бўлишини истамас эди. Тўгриси, Андрей ҳеч қандай таклиф кутиб ўтирай келавериши, Рита ҳақида маслаҳатлашиш учун кириши мумкин эди. Ахир бу масалада гаплашадиган бирдан-бир яқин одами Лиза ва ҳатто Викторнинг ўзидан бошқа кими бор?! Аммо ҳозир Рита билан унинг алоқаси шундай қийин аҳволга тушганки, бу ҳақда ҳозирча ҳеч ким билан гаплашишни истамасди.

## ЎН ИККИНЧИ БОБ

Андрей Ритага эридан ажralиб уникига кўчиб келишни, бошқалар сингари нормал ҳаёт кечиришини қайта-қайта уқтиргани-уқтирган эди. Ахир қачонгacha шу аҳволда турмуш кечириш мумкин? Бундай қалбаки турмуш Ританинг меъдасига тегмадимикин?..

Улар яна ўша хонада ўтиришар эди. Тумшуғи қизил лайлак масхара қилаётгандай думалоқ кўзларини чақчайтириб турарди.

Рита йигитга яқинлашди, аммо Андрей ўзини четга тортиб яшай ўтган сафарги гапини давом эттира бошлади. У ўзининг бу ноҳақ қўрслиги билан қизни қаттиқ раи житаётганини яхши сезар, аммо айни вақтда у ўзини бундай шалоқ ҳаётдан четлаши кераклигини тушпарди.

— Ахир, сенсиз яшай олмайман, сен менга жуда ҳам кераксан, ҳар куни кераксан. Бу хилда яшай олмай-

ман... Шу уй... Дугонанг... Наҳотки, ўзимизни шунчалик булғаётганимизга тушунмасанг?

Рита каравотга ётди. Қўлларини икки томонга чўзиб керишди-да, сўнг боши остига қўйди. Кофточкаси тагида кичкина кўкраклари яққол бўртиб туарди.

— Яна бошланди,— деб юраги сиқилиб хўрсинди Рита.— Ношукур банда экансан-да. Бери кел. Яқинроқ келсангчи! Нима, мен еб қўяманми?

— Соатга тикилаверишингни истамайман,— деди йигит қатъий оҳангда.

Бугун эиди у Андрейнинг қўлидан қочиб қутулолмайди. Андрей бўш жемайди. Бу масалада у ўзига юна шундай деб сўз берган. У гапирар экаи, Ританинг тугмалари очилган кофточкаснинг очиқ ерига, майин пайпоқ кийган узун оёқларига қарамасликка ҳаракат қиласарди. Унинг бир аҷчиғини чиқариш керак.. У ҳам мендек бир қийналиб кўрсин,— деб ўйларди Андрей.

— Кимни алдамоқчисан? Сенга тушунмай қолдим. Эрингними? Меними?.. Йўқ, мен сенинг бундай бўлишингни истамайман. Истамайман!

Рита ёстиққа ёнбошлади.

— Сен шахсиятпаратсан,— деб ҳузур билан жилмайди у соатини еча туриб.

Андрей Ританинг бармоқ ҳаракатларини зўр ҳаяжон билан кузатаркан, ўзи айтган гапларнинг барчаси бошқа бир маъно, яъни унинг аёллик иззат-нафсига хушомад қилувчи маъно бераётганини тушуна бошлади. Рита ҳам Андрейнинг гапларидан фақат шу томонини англаб, ундан хафа бўлмади.

— Ҳозир ҳаммаси бизнинг самимий муҳаббатимизга боғлиқ Рита, тушуняпсанми, ҳаммаси!

— Тарихий дамлар-а?— деб ҳазил билан кулди жувон, ҳолатини ўзгартирмай.

Андрей ғазабини яширолмай, каравотга яқинлашиди.

— Нима мақсадинг бор? Тулкилик қилма... Нега эрингдан ажralишни хоҳламайсан, нимадан қўрқасан?

Унинг овозида шундай оҳанг янграп эдик, бу оҳанг жувонни туриб ўтиришга мажбур этди.

— Ҳа, мен қўрқаман,— деди у тўсатдан Андрей сингари жиддий оҳангда.— Сен ёлғизсан... Сен бунинг сабабини тушунмайсан. Менинг оиласи бор. Яхшими, ёмонми, ахир оила! Ҳар ҳолда менинг ўз қатъий макошим бор. Сен билан бирга яшайдиган бўлсам... турму-

шимиз не ҳолга тушишини ким билади дейсан?— деди у ўзини босиб олгач ва яланғоч қўлларини силай бошлади. — Бекорга ҷаҷигланаясан, биламан, менин севасан ва шу севги туфайли менга яхшилик қылыш мақсадида, ҳеч бир парсадан тоймайсан, бироқ бунинг ўзи кифоя қилмайди. Бу билан мақсадга эришиб бўлмас деб ўйлайман. Бундақада бир иш чиқариш қийин, азизим... — абажур сояси юзини иккига бўлиб тураркан, унинг пешонаси, соч ва қўzlари, умуман соя тушиб турган ерлари нозик, келишган ёшгина қизниги ўхшаб кўринарди. Аммо, тўқ қизилга бўялган лаблари, ияклари, яланғоч бўйни эса дағаллашиб кўринар, овози қуруқроқ, эътиrozли янграрди.— Уруш йиллари эrimдан «қора хат» олиб, военкоматга борсам, эрингиз билан ЗАГС рўйхатидан ўтмаган экансиз, пенсия беролмаймиз дейнишди. Ана шунда мен «ёлғиз она» сўзининг маъносини ўз ҳаётимда тотиб кўрдим. Шундай терминни эшигтанмисан? Бунинг устига пропискадан ўтмагансан деб ўйдан ҳайдаб чиқаришди, қизим билан кўчада қолдим. Бир қўлимда болам, иккинчи қўлимда чамадон, совуқ суяқ-суягимдан ўтиб кетди. Шу маҳал бир нусха менга яқинлашиб: «Яrim кило нон бераман» деб уйига таклиф қилди. Мана энди, нимадан қўрқишимга тушундингми? Эrimни севмаслигим рост. Сен буни яхши биласан. Аммо, мен ундан миннатдорман. Тушундингми? Ёмон бўлса ҳам ҳар ҳолда эр. Кўникиб қолганман... Наташа ҳам уни ўз дадаси деб билади. Уни яхши кўради. Уларнинг гуноҳи нима?.. Шулар туфайли мен айтганларини қилолмайман. Йўқ, йўқ!— деб қўzlарини чирт юмиб елкасини қисди.

Сўнг қўzlарини очиб табассум қилди. Бирдан унинг қўлларини олиб, худди гапга кирмайдиган катта болани тартибга чақираётгандек, меҳрибонлик билан сўзида давом этди:

— Шундай, шарттакилик ярамайди, Андрей. Мей ҳам озми-кўпми тайёрланишим керак.. Аввал кўникиб олай.

— Мен бундай ҳолга чидаб туролмайман,— деди тишини-тишига қўйиб Андрей.—Тўғри эрингга бориб, ҳаммасини очиқ айтаман.

— Бу ишинг билан сен менинг турмушимни бузасан, холос. Нега мунча шошилмасанг? Бир-биримизни топдик, бир-биримизни севамиз, учрашяпмиз, яна нима

керак сенга? Ношукур банда. Мен зорланаётганим йўқу! Сендан кўра менга қийин, ахир. Ёлғон гапириш қанчалик оғир экалигини билсайдинг..

У каравотдаи сакраб тушди, юзи чироғ ёргутида хунук бўлиб қолди. Андрей уни ҳеч қачон бу хилда кўрмаган эди. У иродасиз ва қуруқ мулодаза юритувчи одамлар сингири, Ританинг чеҳрасидаги шу дағалликларга нафрат билан тикилди.

— Мана, мен ҳам сенинг шу ёлгончи бўлнишингни истамайман. Ўзим ҳам бунга чидай олмайман. Бунинг устига, яна кўз бўямачилик қилолмайман. Масалани очиқ-ойдин ҳал қилиш керак. Мен бу ҳолда ортиқча юролмайман,— деб тақрор-тақрор гапира бошлади у, агар аёл гап қайтарадиган бўлса, уни уриб юборишдан ҳам, стулларини, ҳар хил пардоз буюмларини қўлларни қонагунча уриб чил-чил қилишдан ҳам тоймаслигини биларди.

Рита кофточкасининг ёқаларини беркитиб аста стулга ўтирди.

— Мунча тошбагирсан,— деб пичирлади у,— менинг айбим нима? Сени севаман, тушундингми, севаман. Қўлимдан шундан бошқа нарса келмайди. Бундан ортиқ яна нима керак, сенга? Нега бунчалик мени қийнайсан, нега?

Андрей бирдан буқчайиб эгилди-ю, қўлларини олдинга ташлади.

— Бу қандай гап-а... Агар мени чиндан севсанг...— тўсатдан ўзида Ритага нисбатан пайдо бўлган аяич ва алам туўғуларини босиб олиш учун у бутун иродасини йиғди.— Бунақа севгига тушунмай қолдим. Мана, менга ҳеч нарса қўрқинчли эмас.

Жувон ўзини илжайишга мажбур этди. Андрей унинг қаттиқ юмиб олган қип-қизил лабларидан кўзини узмай ҳамон жавоб кутарди.

— Хўш, нима дейсан-а, Ри?

Жувон индамасди.

Андрей вазминлик билан одим отиб келиб, Ританинг бошини аста бағрига босди. Бирдан икковлари ҳам маъюс бўлиб қолдилар. Нима учун улар бундай маъюс бўлиб қолишлирига ўзлари ҳам тушунмас ва бу ҳақда ҳозир ўйламасдилар. Андрей унинг соchlарини аста силарди. Соч толаларининг парт қилинган учи гўё тез-тез жингалак қилиш натижасида озор егандай сар-

ғайиб, ялтирарди. Фақат бўйнидаги нозик соч толалари табиий ҳолида қолган эди.

Энди улар бир-бирлари билан видолашадилар, ҳозир улар видолаша бошлаган эдилар — бу фикр уларнинг икковини ҳам ҳайратга солди. Орага чўккан жимлик борган сари икковларини бир-бирларидан кўпроқ ажратар ва бу жимликни биринчи бўлиб бузишга наунаси, на буниси журъат этарди. Андрей, юз бераётган бу ажралишга ўзининг ранжиши ва тантилиги сабабчи эканлигини тан олмай, «Унда гуноҳ йўқ» деб ўйларди. Майли жудолик бўлса бўлсин-у, лекин бутунлай бет кўрмас бўлиб кетишилик бўлмасин...

— Агар сен яна ўйлаб кўраман десанг, мен кутай,— унинг томоғи қуриб, овози хириллаб қолган эди.— Балки бирор қарорга келарсан дейман, Ри?

— Балки,— деб жавоб берди у ҳам хириллаб.

— Хўп, майли...— деди Андрей йўталиб олиб, уни аста ўзидан нари сурар экан.

— Тугманг осилиб қолибди,— деди Рита,— бер, қадаб берай.

У ип билан игна олди. Андрей пиджагини ечмай ўтиради.

— Эгнингда турганича қадайверайми? Бунинг хосияти ёмон бўлади,— дея ҳазил қиласи Рита. Унинг иғна ушлаган қўли Андрейнинг пиджаги устида шошилмай ҳаракат қиласиди. Тиззалари Андрейнинг оёғига тегиб туарар, у аёл баданинг ҳароратини сезар ва серрайиб ўтиради. Рита ипни тиши билан узмоқчи бўлиб эгилган эди, Андрейнинг кўзи олдида унинг оппоқ бўйнига тушиб турган майнин жингалак соchlари ялтираб кетди.

— Ҳали-бери жетмассан?— деб паст овоз билан сўради Рита.

Андрей ўрнидан туриб, тумасини ушлаб кўрди.

— Узилмайдиган қилиб қадабсан, раҳмат... йўқ, мен кетаман.

Жувоннинг табассум учун очилган лаблари очиқлигича қолди. Андрейнинг жувонга раҳми келди. У қолиши истарди ва шундай қилиши керак эди. Бироқ у агар бўш келгудек бўлса, яна ўша гапларни қайта бошлаш учун ожизлик қилишини биларди. Шунда уларнинг алдамчилик, қўрқув, рашк туйғулари билан тўлган, изтиробли-нажотсиз даврага ўралиб қолган муно-

сабатлари яна бир неча йылларга чўзилиб кетиши мумкин эди, у чоқда буидай муносабатни узиншга Андрейнинг ҳам қурби етмасди.

Ританинг қўллари тиззалари устида ҳаракатсиз ётарди. Унинг катта, намсиз кўзлари нальтосининг енгини тополмай шошилиб кийниаётган Андрейга тикилганди. Деворда — каравот устидаги гиламдан эса қизил тумшуқли лайлак масхара қиласётгандай кулиб турарди.

Эшик олдига борганди Андрей ўгирилиб қаради. Рита бирдан қўлларини қимирлатиб, бармоқларини чўзди ва уни ушлаб қолишга урингандай бўлди. Андрейнинг кўнглига ёмон фикрлар келиб, юраги шув этиб кетди.

Шу кундан кейини Андрей қачонки Ритани, унинг юзи ва овозини эсласа, унинг қўл чўзиб турган қиёфаси негадир ана шу дағал бўёқлар билан безангани гиламча фонида намоён бўларди.

### ЎН УЧИНЧИ БОБ

Андрейнинг онаси — у ўн беш ёшлигига вафот этиб, бутун рўзфор Катянинг қўлига ўтган эди. У Андрейдан уч ёш катта бўлиб, укасини тарбиялашни ўз бурчи деб ҳисобларди. Николай Павлович ҳам ўғлини қаттиққўллик билан кузатиб юарди.

Уруш даврида отасининг соғлиги ёмонлашди. Кейин у пенсияга чиқди ва ноилож бекорчиликдан ўзини қаёққа урарини билмай қолди. Сўнгги йилда у бир оз оёққа туриб, хўжалик комиссиясининг аъзоси сифатида ўзи яшайдиган уйининг ишларига кўмаклаша бошлади. Отасининг бу беғараз фаолияти туфайли ўзини овунтириши Андрейни хурсанд этди. Бир ваҳтлар отаси гидротурбин монтажчиси бўлиб ишлаётган даврда Андрейга қаҳрамон, доно, кўп нарсани биладиган одам бўлиб кўринарди. Энди эса Андрей уни етаклаб сайр қилдирар, уй бошқармасининг тартиблари тўғрисидаги гапларини эшишиб кулар ва баъзан бирга ўтириб, шашка ўйинига берилиб кетарди.

— Дада, мей ҳеч нарсага тушунмаяпман! — дерди уқайфурниб лабораториядан қайтганида. У бирор юнишига гапириб, ёзилишни истарди.

У отасига дардларини тўкиб солар, ўз лойиҳаларини

у билан мұхокама қилар, аммо унинг маслағатини кутмас, фикрига ҳам қизиқмас, чунки унга фақат тингловчигина бўлса бас эди. Лабораторияда минг иши юришмасин, у ҳеч қачон ўзини ёлғиз ҳис қилмасди. Уз ҳаётининг бу қисмида у ёшлиқ, соғломлик ва кучнинг афзаллигини ҳис қилар ва барча катта бўлиб қолган болалар сингари, ўзининг фарзанд эканлигини тобора камроқ ҳис қиласди.

Лекин маслағатгўйлар зарур бўлиб қолган чоқларда, у кутилмаганда ўзини мутлақо ёлғиз ҳис қиласди. Рита ҳақида эса ҳеч қимга — на Катяга ва на отасига айтиб юрагини ёза оларди. Бу масалада ҳамма унга бегона эди. Кунлар ўтиши билан унинг умид ғунчалари ҳам бирин-кетин сўлиб борарди. У ҳамон ораларига тушган ҳижроннинг абадий жудолик эканлигига ишонмасди. Бунга у тушунар, биларди-ю, аммо сира ишонмасди.

Қалбидаги севги жуда азоб бериб, аста хазон бўлмоқда эди. Ишга қўли бормас, отасининг савол беришидан қўрқиб, кечқурунлари кинога кетар ёки кўчада сандираклаб юрар, ишдан кейинги вақтини жуда зерикib ўтказарди.

Ўша йили баҳор оғир, серташвиш келди. У ҳаво қовоғини солган кезларда балчиқ кечар, тунги музламаларда эса чекиниб қочар ва ҳар бир қарич ерни жанг қилиб, машаққат билан забт этар эди. Денгиз томондан нам шамол эсиб, музлаб қолган нозик новдаларни эгиб қочарди.

Баъзи жойларда эрий бошлаган қор уюmlари ётар, лекин у илк баҳорнинг ҳаво ранг қорларига асло ўхшамасди. Бу қор энди оёқ остида фирчилламас, фақат билқ-билиқ қиласди, холос. Шаҳар, музлаган ер юзи, девор, томлар ҳам, одамлар ҳам қишиндан чарчагандек эдилар. Бўлиб ўтган ҳодиса-воқиалардан сўнг Андрей ҳам ўзини чарчаган ҳис қиласди.

Қуёш эса қатъият билан ҳамма ердан қишининг хира хотираларини қира бошлаган эди.

Дарёдаги муз парчалари бир-биrlарини туртишиб, аста-секин сузишарди. Ҳовлида устига занглаған тунукалар ёпиб қўйилган тахлоғлиқ саржин ёнида бир қанча муз уюmlари ётарди. Бўғотлардаги ганчлар ивиб тушиб, қизил гишталар кўриниб қолган. Арқонларга ёйиб қўйилган тоза кирлар кўкиш ранги билан қаердадир

шаҳар четидаги ҳозирги кўкиш қорларини эслатиб, жўзни қамаштиради. Уларнинг кўум-кўклиги осмонининг акси бўлса керак. Лекин чанг босган дераза ойнаси орқали осмон пастак ва хиralашиб кўринарди. Андрей кўчага чиққанида баланд осмон шу қадар ғуборсиз, кўм-кўк кўринидики, гўё дунёда ҳеч нима бу қадар кўк тусда бўлмагандай эди. Тарновдан чакиллаб томчиладиган сув ҳам ўзгача туюлди. Ёш липа дараҳтларининг новдалари ҳам асло «кўз ёши» тўқмас, уларнинг баъзи жойларидагина зўмраддек тоза томчилар ялтиради, холос. Энди у томчилар ерга томиб тушишга мұяссар бўлмасалар керак. Чунки ерга томиши учун намлиқ етишмайди. Улар худди эндигина йиғламоқчи бўлиб, сўнг ўзини тутиб олган ва ҳозир кулаётган ёш боланинг кўз ёшларига ўхшарди.

Лаборатория ҳаёти сиртдан қараганда бир текисда, осоиишталик билан оқаётган кўринса ҳам, унинг ичидаги эски тартибларга қарши кучли ҳаракат борарди. Кураш коллективни группа-группаларга бўлиб юборган, деярли ҳар куни курашувчи кучларнинг нисбати ўзгариб турарди.

Андрей ҳаёт мантиқи эртами-индин барибир ўзининг ҳақ эканлигини кўрсатади деб, у курашга бепарво қаради. «Одамлар учун эмас, иш учун курашиш керак» дерди ўзича. У лабораторияда рақибларим борми, улар кимлар деб, қизиқмасди; шуниси ёмон эдик, Бошқарма лабораториянинг тематикасини қараб чиқишини куидан-қунга чўзар, асбоб-ускуналар олишга пул етишмас, Долгин эса ўзининг дўриллаган овози билан: «Қўяверинг ўртоқ Лобанов моддий қийинчилик олимнинг ақлини ўткирлаштиради»— дерди.

Лабораториядаги вазиятга келганди Андрей, ҳеч қандай душманлик бўлиши мумкин эмас, фақат унинг нималар қилаётганини тушунолмай юрган одамлар бор, деб ўйларди. Эртага бирор қизиқарли иш бериб кўринг, улар учун ҳеч қандай агитациянинг ҳам кераги бўлмай қоларди.

Андрей кўпинча Борисов ва партбюро аъзоларининг лабораторияда одат бўлиб қолган эскича фикрларга қарши курашиб, унинг тарафдорлари сонини кўпайтириш соҳасида қандай серҳафсалалик билан иш олиб боришганидан мутлақо бехабар қоларди.

Бир куни партком кенгашида Борисовдан лаборато-

рияда ишмалар бўлаётганини сўрашганда у завқ билан: «Ихтилоф. Зўр ихтилоф» деб жавоб берди. Илгари унинг кўзига аҳил коллектив бўлиб кўринингилар энди механик қоришига бўлиб қолган эди. Ҳозир химик бирлашманинг реакцияси бошланасетган эди, агар бу реакция шиддатли бўлса ёмон бўлмас эди.

Долгиннинг дўқ қилиб огоҳлантиришларига қарамай, кўғчилик Борисовга тушуниб, уни ёқлади.

Лабораториядаги ишлардан норози бўлган бир гурӯҳ одамлар техник Морозовнинг атрофига йиғилишди. «Қўли гул» деб ном олган энг яхши электромеханиклардан бири Леня Морозовнинг ёшлар ўртасида обрўси баланд эди. Ёшлар унинг кийим кийиш тартибига тақлид қилиб — пала-партиш, олифтагарчилик билан молния ёқали камзул, кенг пальто кийишар, ялтироқ галстук тақишарди. У аккордеон чала билар, жуда яхши танца тушарди. Морозов билан дўст бўлишнинг ўзи катта мартаба ҳисобланар, у билан кечқурунлари бирга бўлишни баҳт деб билардилар; унинг жуда гўзал, келишган таниш қизлари кўп бўлиб, атрофида доим ажойиб, хушчақчақ ҳаёт ҳукм сурарди. Морозов ул-фатлари билан аллақаерда йиғилишиб ичишаф, баъзан ишга ҳам ширақайф ҳолда келарди. Лекин баҳоси йўқлардан ҳисоблангани учун унинг бу қилиқларини кечирадилар...

Морозов, Лобанов ремонт қилишдан воз кечиб, йигитларни чойчақа ишлашдан маҳрум қилмоқчи, деб луқма ташлай бошлади. Майя Константиновна даврида улар тузуккина пул ишлаб турардилар. Хуллас, ремонт қилишга уддабурон бўлиб қолишган эди, энди мана бу илмий ишлар ишнинг пачавасини чиқарса керак. Биринчи маош олинган куниёқ ҳар хил норозиликтар кўпайди.

— Эшакдай ишлатишни билишади-ю,— деб шовқинч кўтарди Морозов,— пулга қелганда қўуп-қуруқ қолаверамиз.

Уни бошқалар қувваглашди, Борисовнинг аралашishi ҳам ёрдам бермади.

— Сиз ҳар ой машингиизни тўла олаверасиз,— деди Морозов,— биздақа ишбайчилар пул топиши жерак.

Ўша куни ўз заказини текшириш учун устахонага кирган Борисов станокда тишли бронза парракни кўриб қолди.

— Бу лаборатория бошлигининг ўзи топширган шошилиниң заказ,— тушунтириди Кузьмич.

— Қанақа заказ?

— Қанақалигини Морозовдан сўранг, ўша наряд олиб келди.

Морозовин чақиришди. У, Лобанов топшириғи бўйича бу соат механизми янги реле асбоби учун ремонт қилинаётганини билдириди.

Борисов галнинг моҳиятига тушунар экан, механизми олиб кўздан кечира бошлади.

— Ҳайронман,— деди у Морозовга тикилиб туриб,— омборда деярли худди шунақа механизмлар тайёр турганда эскини тузатиб нима қилар экан?

— Деярлита әмас, бутуслай тайёри бор,— деди кўзи билан илжайиб Морозов.— Фақат маҳкамлаш учун тешиклар қилинса бўлади.

— Нега Андрей Николаевичга шуни тушунтирумадинг?

— Олимга ақл ўргатиш — қош қўйман деб кўз чиқариш билан баробар,— безрайиб туриб илжайди Морозов.— Унга мана парракнинг шестеренкаси сийқаланиб кетибди деб айтган эдим, у: янгисини фрезерланг, деди, биз кичкина одаммиз, бошлиқнинг айтганини қилишимиз керак.

Оғир табиат Борисовнинг жаҳлини чиқариш унчалик осон әмас әди. У Морозовнинг юрагидагини очиқ-ойдин билишга ҳаракат қилди.

— Биз лабораторияни қайта қуришга уриняпмиз, катта илмий ишлар бошламоқчимиз, станцияларга янги автоматлар ўрнатмоқчимиз, сизлар эса халақит бермоқчи бўляпсиз. Нега бундай ахир?

Бу хилдаги суҳбатдан фойда чиқмади. Морозов ўзини тушунмасликка солди.

— Бу нима деганингиз, Сергей Сергеевич, мени зараркунанда демоқчимисиз?

— Ўқиши масаласида йигитларни сен айнитувдингми?

— Мен ўз ҳақимда ганирганман. Бошқалар билан ишими қанча. Мен ўқимасам ҳам ишни эплай оламан.— У курткасидаги темир занжиръи ўйнар экан, Борисовнинг енги титилиб, эскирган костюмига менсимаслик билан назар ташлади.— Балки, мен энди ёмон бўлиб қолгандирман. Нима ҳам деймиз, майли бошқасини топинг бўлмаса.

Борисов комсомол бюросини тўплаб, қачонгача ҳам-маларинг Морозовга ўхшаганларнинг айтганини қиласизлар деб сўради.

Борисовнинг бу хилда қаттиқ чиқиши аввалига комсомолларнинг кўпчилигини ўзига қарши қўйишга сабаб бўлди. Нима, ким унга эргашяпти? дейишди улар. Қани факт! Морозовнинг нимаси ёмон? У жуда яхши ишчи!—деб бақиришди.

Борисов Морозовнинг енгилтак ҳаёт фалсафасини очиб ташлашига уринди. Ҳа, у иннинг кўзини билади, менинг баҳоим йўқ, ортиқча ҳақ тўлашади, эркалатишиди деб ўйлади. Иш усули ўзгарса қўл билан эмас, кўпроқ бош билан ишланадиган бўлса унда ким олдинда бўлади? Бу номаътум. Балки Ванюшкни, балки Заславский, Вера Сорокина бўлар. Фақат ўқиш керак. Агар ўқишиша Морозовни бутунлай орқада қолдириб кетишади.

— Уни шон-шуҳрат қизиқтирилмайди,—деди фикрга чўмган ҳолда Ванюшкни.—Унга пул бўлса, бас. Пул унниг учун бир компас.

— Кўмпас эмас, компас,— деб гапини тузатди Вера Сорокина.

Воронько қизга шубҳали назар ташлади.

— Денгизчилардан жазманларинг борми дейман?

— Морозовнинг айбини нимада деб тушунса бўлади? — деб ҳеч кимга қулоқ солмай гап қотди Ванюшкни. — Деярли ҳеч қандай далил йўқ. Тўғри, салбий таъсир кўрсатаётгани рост, албатта. У меҳмон қиласиди, текинга ичишни яхши кўрадиганлар унниг орқасидан югураверади.

— Нотўғри гапирма,— деб хитоб қилди Ҷизариб кетган Заславский.— Бирорларнинг миш-мишига ишона-верасанми?

— Бундан чиқди, ўзинг ҳам у билан ичишган кўринасан.

Саша ўрнидан сакраб турғаб, стол устига мушти билан урди.

— Ичганиман, хўш, нима бўпти? Мен ўз пулимга ичганиман. Чунки Морозовдан баъзи нарсаларни ўрганмоқчи эдим.

Воронько иккиланиб дўриллади:

— Ўртоқлар, бизда меҳнаткашларнинг фаровонлиги тобора ошмоқда.— У ғўлдираб қолди.— Тўғри, Морозовда эски урф-одат ва сарқитлар ҳали ҳам бор... Бу

нарса кишининг психикасига таъсир қиларкан... мисол учун менга бу сафарги ойликла... бир юз ўн беш сўм кам олишга тўғри келди...

— Обивателчилик қилма,— деди Ванюшкин.— Сей бюро аъзосисан, унга сиёсий баҳо беришинг керак.

— Баҳо бериш қийни эмас,— деб бидирлаб кетди Вера Сорокина.— Қийни эмас. Морозов тиник мешчани, Қизларга қандай муомала қилишини биласизми? Соя Манжуланни нималар қилгани эсингизда, нега чора кўрмайсиз? Кувноқ йигит бўлгани учун ҳамма унга эргашади. Нима, бизнинг ўзишим усиз ўйин-кулги қилолмаймизми?.. Пул масаласига келгандা, уни ҳал қилиш керак. Ҳамманинг ҳам пул ишлагиси келади!

Вера ҳеч тўхтамай бидирлаб кетгани учун унинг сўзини ҳеч ёки бўлолмайди, у иккни ойдан бери битта локланган туфли ололмагани тўғрисида ҳам, ёшлар ўртасида олиб бориладиган агитация усули тўғрисида ҳам (қуруқ ташаббус билан ҳеч иш чиқариб бўлмайди), онасига юбориши керак бўлган пул ҳақида ҳам (ё менинг учун онамга пулни сиз юборасизми, Сергей Сергеевич?)— ҳар тўғрида бидирлаб кетди.

Борисов атайи ацча вақтгача гапга аралашмай ўтирди.

Ванюшкин айтганидек, «асосий масалага» ҳеч тегишлиги бўлмаган чекинишлар туфайли, Морозовнинг йингитларга қандай таъсир кўрсатиш сабабларини ҳамда мажлисларда шу пайтгача айтишга ийманилган бирмунча муҳим нарсаларга комсомолларнинг қай муносабатда эканликларини энди Борисов бирма-бир тушунга бошлади.

Мана, масалан, пул ҳақида сўрашганларида Борисов деди:

— Биз ҳаммамиз ҳам кўпроқ пул ишлашга қарши эмасми. Фақат уни қандай йўл билан олиш керак. Мана масала қаерда. Менга ойнига уч мингдан бериб, пиво сотишга юборинг, борармикинман. Бормайман. Сизлардан бирортаңгиз ҳам бормайсиз.

— Морозов ҳам бормайди,— деб сўз қистирди Саша Заславский.

— Яхши костюм кийиб ясанишдан ташқари қизиқарли ишга ҳам иштиёқимиз зўр. Биз коммүнизм қуриш ҳақида ўйлајапмиз. Биз ўқишини, техникани ривожлантиришни истаймиз. Морозов пиво сотишни хоҳламаслиги

мумкин, лекин ремонт қилиш — бу ҳам пиво сотиш билан баравар. Ремонт қилиш даромадлироқ ва осон иш.

Йигитлар пальтода ўтиргани учун терлаб, қизаришиб кетишиди. Бир минутгагина йигиламиз деб ўйлашган эди, бироқ гап билан бўлиб, кеч кирганини ҳам сезмай қолишиди.

— Тўғриси уни комсомол сафидаи ўчириш керак эди,— деди Ванюшкин.— Бироқ бошқа томондан ташкилотимиз шаънига яхши эмас. Райком тасдиқламайди. Комсомолдан ўчириш эмас, тарбиялаш керак, дейищади.

— Нима, тарбиялашга қурбимиз етмайдими?— деди ўз билармошлиқ қилиб Сорокина.

Йигитлар унга қўл силтаб қўйиншиди:

— Унинг ўзи ҳам хоҳлаган кишини тарбиялайдиган одам.

— Бир нарса демоқчи бўлсанг: «А-аа, қуллик-э яна «Аў» бошланяпти-ю» дейди,— деди масхаралаб Ванюшкин. У бир неча бор Морозовни тарбиялашга уриниб кўрган, аммо ҳаракатлари зое кетган эди.

— «Аў»си нимаси тағин?— деб сўради Борисов.

— Ақл ўргатиш, дегани.

— Ҳа, фақат «Ақл ўргатиш» билан одамни тузатиб бўлмайди,— деб кулди Борисов.

Саша ўрнидан сапчиб турди-да, мушти билан столга урди. Унинг тўладан келган юзи чўзилиб кетгандай туюлди.

— Доим шунаقا қиласиз. Дипломатлик кимга керак! Агар вижданан гапирадиган бўлсак, охиригача очиб ташлаш жерак. Сергей Сергеевич, Морозовнинг ишга маст ҳолда келганида ҳеч қандай чора кўрилмаганини билмаймиз деб ўйлайсизми? У ишга маст келса ҳам унга ниобатан ҳеч қандай чора кўрилмади. Майя Константиновна, шундоқ ҳам камчиликларимиз кўп, ҳадеб чора кўраверадиган бўлсак мукофотсиз қоламиз, байроқ бермасликлари мумкин деб, айтган эди...

— Тўғри қилган!— деб гап қотди Сорокина.

— Мана өнди, бунинг аламини биз тортияпмиз. Шундан кейин уни тарбиялаб бўладими? Мен маст бўлиб келай, дарров ишдан ҳайдашарди. Бошқа қайси бирингиз бўлсангиз ҳам, барибир, ҳайдашарди. Факт! Унга эса ғинг дейишимайди. Қонун ҳаммага баравар бўлиши керак-кү? Биз бўлсак кўз бўймачилик қиляпмиз, буни ҳамма кўриб турибди. Аравани эса от торгади...

Борисов хўрсниди. Гап Морозовда эмас. Ҳамма айбии Морозовнинг устига тўнкаш ақлдан эмас.

У, булар билан бирорта сирни кенгашса бўлармикин, дегандай хаёл билан бўйини қашлаб қолди.

— Сезяпсизми, дўстлар, чинакам кураш, бирор бошқа жойда эмас, шу ернииг ўзида авж оляпти. («Шайтон билади, гапни тўғри буряпманмикин?» деб ўйлади Борисов.) Бизда консерваторларга қарши кураш бошланмоқда. Ҳозирча биз томонда айтарли куч йўқ. Морозовдан ҳам кўра кучлироқ рақибларимиз бор. Жиддий жаңг бўлиши аниқ. Бу жаңгда баъзи нарсаларни қурбон беришга тўғри келади. Биз ёшларимизни ҳақиқатга ишонтиришимиз, уларни ўз томонимизга оғдириб олишимиз керак. Биринчи галда ўқишдан бошлаш лозим...

Кураш! Бу сўз ҳамманинг диққатини ўзига жалб қиласар ва олға бошлар эди. Ҷемак, шу ерда, шу деворлари эскирган таниш лабораторияда ҳам курашиш мумкин экан-да; шу ерда ҳам зўр хавф, душманлар бор экан-да...

— Курашиш, лекин нима учун курашамиз, мақсад аниқ эмас,— деди Ванюшкин.— Устахонадаги йигитлар бу масалага бизчалик ҳам тушунмайдилар.

Лобановдан комсомол мажлисида чиқиб, лабораториянинг вазифалари ҳақида гапиришни сўрашга қарор қилишиди.

Лобанов мажлис бошланмасдан олдин ўз докладининг конспектини Борисовга кўрсатди.

— Нима ҳам ёрдим, ҳаммаси тўғри,— деди ҳафсаласи тир бўлгандай Борисов.

Тўғрисини айтганда Лобанов докладга жуда ҳам эътиборсизлик билан, топширгандан кейин қилиш керак экан, деб тайёрланди. Бунинг устига Борисовнинг бепарволик билан билдирган мулоҳазаси унинг жиғига тегиб кетди.

— Шунчаки, зеринкарлироқ чиқибди,— дея Андрейнинг саволига жавоб берди у.— Цитаталар, рақамлар ҳаммаси жойида, бироқ бундан нима фойда? Менга ўз локаторингни бу хилда кўрсатмагандинг. Улар учун доклад қилмай, яхшиси нима учун ўқиганинг, фан нимаси билан мафтун қилганини гапириб берсанг ҳам бўларди...

Комсомол бюросидан сўнг Борисовнинг миясида

кундалик мөхнатни завқали ўтказиш идеяси пайдо бўлди. Ёшларга кураш йўлини кўрсата билиш, худди шу лабораториянинг ўзида уларнинг юрагида чинакам жасурлик туйғуларини уйғотиш керак эди. У Андрейдан Гайдарнинг «Кўк пиёла» деган асарини ўқиганмисан деб сўради.

— Мен уни яқида болаларимга ўқиб бердим. Айтмоқчи, сен бўйдоқсан-а! Китобда бир киши ёз қизчаси билан саёҳатга чиқади, улар боғларидан атиги икки юзуч юз метрча узоқлашадилар, холос. Аммо шу масофанинг ичида ажойиб саргузаштларни, хавф-хатарларни, курашларни, турли ҳодисаларни бошларидан кечирадилар, худди бутунлай бошқа бир мамлакатга тушиб қолишибди, деб ўйлайсан киши. Улар бу сафарда ҳаётга бутунлай бошқача кўз билан қарайдиган бўлишди...

— Беҳуда гап,— деди Андрей,— бунга Гайдарнинг нима дахли бор?— деди-да ранжигандай қоғозларини йиғишири бошлади.

У Ванюшкиндан комсомолларнинг рўйхатини сўради. Ёшларнинг кўпчилиги етти йилликни, ҳунар, мактабини, баъзилари техникумни битиришган экан. Йишқилиб деярли ҳамма комсомолларнинг фамилияси ёнидаги «қаерда ўқийди» деган графада бирор нарса ёзилган эди. Бири катталар мактабида ўқир, иккинчиси мотоциклчилар тўгарагида ёки ях-клуб<sup>1</sup>да шуғулланар эди. Цветкованинг фамилияси рўпарасида эса бичув-тикув мактабида ўқишлиги кўрсатилган эди. Бу қизни ҳандай қилиб ишга қизиқтириш мумкин? Ҳар бирининг дидҳоҳиши бошқа-бошқа бўлган ёшларни умумий бир ишга қандай жалб қилиб бўлади?

Балки уларга лабораториядаги кундалик ишнинг ўзида қанча-қанча фазилат борлигини кўрсатсинми, унинг ишидан қанчалик фантазия, куч, ирода талаб қилишини ва бу ерда қандай имкониятлар борлигини гапириб берсинми? Ижод қилиш учун инженер бўлиш шарт эмас. Киши оддий лаборант монтажчи вазифасида ишлаб ҳам ўзини ўша Фарадей, Яблочков, Кржижановскийлар жанг қилган отряднинг аскари деб ҳис қила олиши мумкин. Ёшлар юрагида ижодий изланишга ҳавас уйғотиш керакки, токи улар шу ерда лабораториянинг ўзида ўз истеъдодларини топа билсинлар...

<sup>1</sup> Сув спорти билан шугулланувчи ташкилот.

Вазифа оғир эди. Бу ҳол ҳар сафаргидек Андрейни файратга солиб қўйди.

Унинг лабораторияда биринчи марта сўзга чиқиши эди. Кўпгина инженерлар уялинқирагандай илжайишиб, Ванюшкиндан комсомол мажлисига қатнашшишга рухсат сўрадилар.

Андрей гапни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида узоқ ўйлади.

Сўнг у, бундан кўп йиллар илгари унча иситилмаган ва биттагина стол лампаси хира нур сочиб турган Кремль кабинетларидан бирида Ленин томонидан таклиф қилинган электриклар кечқурунлари йиғилиб Россияни электрлаштириш планини муҳокама қилганликларидан бошлади. Ленин биринчи галда қанча материал-симлар, изоляторлар, столбалар кераклигини очиқ айтишларини сўрар, гидроторф масаласини муҳокамага қўярди. «Бизга келажак тўғрисида ўйлайдиган мутахассислар керак» дерди у. Лениндан бошқа ҳеч ким келажак тўғрисида бундай зўр иш олиб боролмас эди.

У байроқчалар қадалган фронт харитасидан узоқлашиб, мамлакатнинг бошқа харитаси устига эгиларди. Ҳали Юденич ва Деникин аскарлари турган ерларга жигар ранг, сариқ, яшил қаламлар билан бўлажак электростанцияларнинг ўрни белгиланган эди.

Типография ГОЭЛРО планини босиб чиқариши учун ҳатто Москванинг ҳукумат уйларидаги чироқлари ҳам ўчирилган эди. 1920 йилда Москва электростанцияларининг қуввати шунчалик эди. Бу план Советларнинг VIII съездига келган делегатларнинг ҳар бирига мандат билан қўшиб тарқатилди. Большой театрнинг саҳнасида бўлажак улуғ ишлар планинг электр лампочкалари билан безатилган харитаси порлади. Совет өнергетикасининг оч-яланғоч ёшлиги ўша декабрь кечаларида бўлажак Волховстрой, Шатура, Днепрогэс, Свири станцияларининг юлдузларини ёритди.

Бу электрлаштиришнинг ўтмиши ва келажагини буткул тасаввур қилишга имкон берувчи энг юқори чўёққи эди. Электротехниканинг қисқа ва жўшқин тарихи юксак маънавий кучларнинг ғолибона драматик кураши билан суғорилган эди. Электрлаштириш — эски тузум

учун Бланкининг барча фитналаридан кўра ҳам хавфлироқ душмандир, деган эди Маркс. У денгизчига тўғри йўл кўрсатувчи компас сифатида майдонга келди. У коммунизм қуриш ҳақида Ленин кўрсатган икки формуладаги икки қўшилувчининг бири бўлиб майдонга келди.

Унинг ўз қаҳрамонлари, ўз сотқинлари, чекинувчилари ва қурбонлари бўлди. Бу жангда энг биринчи бўлиб Ломоносовнинг сафдоши Рихман қурбон бўлган эди — момақалдироқни ўрганаётган пайтида уни яшин уриб ўлдирган эди.

Андрей ҳикоя қилиб берәётган нарса электрлаштириш тарихига алоқадор эмас эди. Уни энг осон шаклла на оловчи, ўз қувватини жамғарувчи, сақлай оловчи ва уни мингларча километрларга юбора оловчи ҳам ёритиш, ҳам иситиш, ҳам металларни эритиш, қирқиш, ҳам парракларни айлантириш, ҳам портлатиш, гапиртириш, моддаларни ажратиш каби хусусиятларга өга бўлган дунёда энг комил энергияни, яъни электрлаштиришнинг қудратли хусусиятларини ўз қўллари билан барпо қилган қишилар қизиқтиради...

Бир авлоднинг ҳаётича давр ичida электротехника эрмакдан бошланиб асрларнинг ҳокими бўлиб қолди. Ленин туғилган йили ҳали дунёда бирорта ҳам электр лампочкаси ёнган эмас эди. Петербургда қош қорайиши билан газли лампаларни ёқиш учун саккиз юз фонарчи кўчага чиқар эди. Орадан бир неча йиллар ўтиши билан эса Темза бўйларида, Париж ва Берлин бульварларида рус чироқлари порлади. Зулматли чор Россиясида бу электрни яратган Яблочков, Лодигинлар учун, талантли ҳалқнинг бошқа юзларча номи унуглигани моҳир омилкорлари учун чироф энергиянинг фақат нур берувчи манбаигина эмас эди. Шунинг учун ҳам рус тилида «нур» сўзи «ҳақиқат», «бахт», «озодлик» маъносини бериб, энг севимли мавжудод бўлган ер, конот ва ниҳоят, инсон символи сифатида янграйди.

Ўша биринчи азаматлар сафида бир группа совет электриклари ҳам бор эди. Бу ленинчи шогирдлар зими масида янги электростанциялар яратиш вазифаси турар эди. Андрей уларнинг номларини фахр билан тилга олди — Кржижановский, Классон, Винтер, Александров, Графтио... Уларнинг ҳар бири ҳақида Андрей соатлаб гапиртиши мумкин. Улар янги таҳлитдаги олимлар эдилар.

Улар ўз илмий ишларининг энг катта қисмини Волхов, Днепр, Свири соҳилларида темир ва бетонлар билан ёзганлар.

Биринчи қурилишлар қандай шароитда бошланганини тасаввур қилиш қийин. Каширский ГЭС қурилишида михларни, ҳа, оддий михларни ҳам қўлда тайёрлашга тўғри келган әди. Аммо худди шундай қашшоқликда ҳам электриклар янги маданиятнинг биринчи ташкилотчилиги сифатида тапилишга муяссар бўлдилар. Ўша йигирманчичи йилларда кичкина Тула ГЭСи қурувчилиари қорbosган далалар бўйлаб икки линия тортганларини камдан-кам одам билади. Бу линиялардан бири қурол-асла ҳа заводига, иккинчиси Ясная Полянага — Толстой музейини ёритиш учун тортилган әди.

ДнепроГЭС лойиҳасининг бўлажак автори инженер Александров кучли қуюн ва қор уюмларини кечиб, изғиб юрган «яшиллар» бандаларидан ўзини панага олиб, қишлоқма-қишлоқ ўтиб келарди. У ДнепроГЭС ҳақида дэхқонларга докладлар қиласар, кейин халтасидан сеҳрли фонаръ хизматини бажарувчи сув қўшилган керосин солинган қимматли бутилкасини олиб ёқар, шундай тингловчилар кўзи олдида бетон тароқлар билан таралган мовий Днепр тўғонлари, станция биноси, юқори вольтли маҷталар намоён бўларди... У ДнепроГЭСнинг дунёда энг йирик станция бўлажаги ҳақида, атрофдаги ҳар бир хонадонга нур бериши, ер ҳайдashi ҳақида гапиради. Одамлар әса: «Керосин ҳам йўқ, дёготь ҳам йўқ, газмол ва ҳатто совун-повунлар ҳам йўқ, ҳа, тентак тўқия-тўқи» деб ундан беғараз кулишар әди.

Орадан яна бир неча йил ўтгач, мамлакатимизнинг йигирмата йирик энергетиги Кремлга чақирилиб, ДнепроГЭСни қуриш масаласи кўрилди. Улардан ўн еттитаси, бундай станцияни қуролмаймиз, тажрибамиз йўқ, бу хилдаги масъулиятни з иммамиизга ололмаймиз деб бўйин товлашди. Фақат уч кишигина, керакли материалларни беринг, биз қурамиз, дейишди. Шундай қилиб, 1927 йили Днепр ўртасидаги «Мұхаббат» қояси устида, «ДнепроГЭС қурилиши бошланди» деб ёзилган қизил байроқ қад кўтарди.

Андрей бу воқиалар ҳақида гапирап экан, ўзининг ёшлиқ эсдаликлари, отасидан эшитган ҳикоялари билан аралашиб кетар әди. Уйда у сарғайиб кетган суратлар ичидан отасининг фахрий ёрликлари, эски хатлар ичидан

МОПР билетини, шаҳар ва қишлоқ иттифоқи жамиятига аъзолик билетини ва бир вақтлар онаси томонидан ҳафсала билан қирқиб йиғилган газета парчаларини топди. Булар орасида «Правда» газетасининг 1925 йил сонидан қирқиб олинган парча ҳам бор эди. Унда: «Правда» номли Бутуниттифоқ темир фондига мамлакатимизнинг турли бурчакларидан маблағ келиб тушяпти» деб ёзилган эди. Ундан кейин фамилиялар рўйхати бўлиб, улар ичида:

«Лобанов Н. П.— З сўм» деб ёзилган сўзлар остига қалам билан чизиб қўйилган эди.

Рўйхат ёнидаги мақола шундай бошланган эди:

«Чет давлатларга ялинмаймиз, ўз совет электролам-памизга эга бўламиз!»

Андрей ҳозир мажлисдагиларга шу мақолани ўқиб берар экан ўтирганларнинг кўз олдига бирдан ўша эсдан чиқа бошлаган оловли йиллар кела бошлади. Кузьмичнинг өсиға эса нимагадир ўша вақтда Волховстрой қурувчиларининг ячейка партмажлиси ўтказилаётган узун ёғоч барак тушди. Ўша пайтларда у ҳам сочини пешонасига ҳурпайтириб қўйган ёш йигит эди. У қалам учини ҳўллаб, Волховстрой қурувчилари ичида троцкийчиларни ёқлаб қўл кўтарган биронта ҳам одам бўлмади деб резолюция ёзарди.

Борисов эса ўзининг ёш болалигини, Биринчи май на-мойишига қатнашганини тасаввур қила бошлади. Яшил гимнастёрка кийиб, елкаларига чарм тасма тортиб олган комсомоллар «Йўқолсин Чемберлен, Керзон ва Муссолини!» деб ёзилган шиор кўтариб борадилар. Кичкина Борисов эса уларга зўр ҳавас билан тикиларди. «Колизей»да Лилиан Гиш қатнашувида «Хаёт шалоласи» номли картина қўйилаётган эди, афишага йирик қизил ҳарфлар билан «Ажойиб картина» деб ёзиб қўйилган эди. Кино овозсиз бўлиб, тиззасидан калта кўйлак кийган лианиночи аёл кино тугагунча тинмай, дам «Кўк юлдузлар» романини, дам «Турандот» маршини чалиб турарди. Магазинларда биринчи детектор приёмниклари сотила бошлаган, Березовка ишчилар шаҳарчасига трамвай излари ётқизилмоқда эди.

Игорь Ванюшкин, Саша Заславский, Воронько ва бошқа йигитлар учун ў даврлар жуда кўҳна, содда ва ғалати бўлиб кўриди. Шуниси қулгили эдикӣ, ўша даврдаги одамлар ГОЭЛРО планига ишонмай электрофика-

цияни электрофикия деб атардилар. Улар қандайдир эллик минг киловатт ток берадиган Волхов станциясини қуриш мумкинлигига ишонмасдилар. Хўп оми одамлар экан-да!

Андрей конспектини қўйган минбарни қолдириб, одамлар ўтирган қаторлар оралаб юра бошлади. У қалби орзу ва ишончлар билан тўлган, кўзлари шўқ чақнаб турган, хаёлга чўмиб, бепарво ўтирган муғомбир, аммо идрокли чеҳраларга синовчан кўзлари билан тикила бошлади. У катта аҳамият бериб гапирган асосий фикрга улар тушунишганмикин? Бу асосий фикр тарқоқ фактларга ўхшарди. У ёшларнинг қалбида ишга муҳаббат ўйғотиш, уларни олимона фикр юритишига жалб қилгиси келарди. Янгилик яратувчи олдинда яшайди. Агар сиз қелажак ҳақида ўйлаётган бўлсангиз, уни мана шу тўрт девор ичида ҳам яратиш мумкин...

Ўтган воқиалар доим шунаقا ажойиб ва гаройиб бўлиб кўринади. Лекин бугунги куннинг тенгсиз ғўзалигини ҳис қилиш эса қанчалик мушкил. Андрей ёшлар революциянинг дастлабки йиллари романтикасини унутмоқда, большевикларнинг кекса авлодини руҳлантирган юксак ғоялар чўри сўнмоқда, деган гапларни бир неча бор эшигтан өди. «Райком берк, ҳамма фронтга кетган» деган ёзув аллақачонлар олиб ташланган. Хўш, райком эшиклари очиқ бўлса, ёмонми. Ахир ҳар бир давр ўз романтикасини яратади-да. Уни биз ҳозирги кундалик ҳаётимиздан топишга уриниб кўрайлик. Ундан порох эмас, тер ҳиди анқиб турсин, лекин агар унга мусассар бўлсак, ота-боболаримизнинг муносиб ўғилларимиз демак. Ахир ҳозирги кунлар ҳам үнутилмас бўлиб қолади, бугунги комсомолларни келпуси насллар ҳавас билан эслайдилар. Нима учун ҳудди шу оғир йўлларда биз баҳтимизни синаб кўрмаймиз?

Жасурлик кўрсатиш ёки буюк киши бўлиб етишиш ҳар кимга насиб бўлавермайди, аммо ҳар бир киши ҳам кўп янгиликлар яратишни, ўз умрини баҳтиёр ва фаровон ўтказишини истайди. Ўзининг кичкинагина ишида катта орзу ва умидни кўра олган кишигини бунга тезроқ эришади.

... У ана шулар тўғрисида гапирмади. У дағаллик ва шафқатсизлик билан бу йўлда баҳтсизлик ва мусибатларга дучор бўлиш мумкинлиги ҳақида гапирди. Бу йўлда хурсандчилик қилишни үнутишга тўғри келади.

Бу йўлда балки умрииғният энгажойиб дамларини энг оддий, ҳаттоқи аллақандай ноаниқ ишларга сарфлашга тўғри келар, жиддий ва оғир меҳнат итижасида жуда муҳим янгиликлар кашф қилиб, ўз иродангни синаб кўриш мақсадида бу тўғрида ҳафталараб, ойлаб чурқ этиб ҳам бирорга оғиз очмасликка тўғри келар, ёки бутун кучни сарф қилиб ўз тажрибаларингни инкор қилишга тўғри келар. Бордию шуҳратни бошқа киши илиб кетса ҳам нолиб ўтирмай ишни давом эттиравериш керак. Агар бирор диаграмманинг эгри чизигини минг марта такрор чизишга тўғри келса, ҳар сафар ҳам уни худди биринчи марта чизган пайтдагидек зўр иштиёқ ва қунт билан чизиш керак. Ўз фикрингизни бирордан асло қизғана кўрманг. Бордию, бутун меҳнатингиз чилпарчин бўлиб, эртага ишни бошқатдан бошлайдиган бўлсангиз ҳам асло ачинимаслигинги, чидашингиз керак бўлади.

У янги гидростанциялар ҳақида, Урал, Москва, Донбасс, Заполяръя, Кавказларни худди темир йўллар каби бир-бирига боғлаб турадиган ўтказувчи линиялар ҳақида гапирди. Фақат темир йўлдан бунинг фарқи шуки, юк ортган эшелонлар ўрнига бу линиялардан индустримизнинг нони бўлган энергия учади, темир йўл магистраллари ҳам электрлаштирилади...

Янгиликнинг яратилиши доим тасодифий бўлади. Бу ҳолатлардаги бирдан-бир умумийлик ҳар қандай тасодифотлар орасидан ёриб чиқувчи ҳаёт эҳтиёжлариdir.

Андрей 1943 йилда фронтда биринчи марта локаторга бўлган эҳтиёжни пайқади. Ҳозир унинг ўша оғир кунларни қайта эслагиси йўқ эди, агар у оддий доклад қилаётган бўлганида бу ҳақда оғиз очмасди ҳам. Бироқ бу оддий доклад эмас эди.

Жанг пайти. Қутилмаганда қўшни полк билан алоқа узилиб қолди. Узилган ерни излаб кетган алоқачи қайтмади. Шунда полкнинг энг севимли йигити, Андрейнинг дўсти, шўх табиат лейтенант Глеб Медведов кетди. Андрей телефон ёнига ўтирди. Орадан чорак соат ўтгач, трубкада бир нарса шириқ этди-ю, бирдан яна жимлик чўқди. «Бўтакўз» хурсанд ва ҳаяжонли сўкиниш билан жавоб берди. Глеб эса қайтмади. Жанг тугагач, Андрей босилиб эзилган ўтлар устидан линия бўйлаб кетди. Глеб симни пайпаслааб, ўқ ёмғири остидан эмаклаб кетган кўринади. Алоқа линияси, қуриб қолган зовурдан

чиқиб, тепаликка күтарилигани, у ер эса бутунлай очиқ бўлиб, жуда хавфли эди. Глеб худди шу ерда яраланган. Кумлик ва чанг босган «қариқиз» япроқлари устида қоп-қора қон излари кўринади. Сим уланган эди. Глебнинг қолдирган йўли қуриган қон томчилари билан белгиланган. Андрей эмаклаб тепаликнинг нариги томонига думалаб тушди-да, майдо толзор олдида юзини ерга қилиб ётган Глебни кўрди. Унинг тарашадек қотган жонсиз чап қўли симнинг лат еган ерини чангллаганича буталарга осилиб турарди. Ўлгандан кейин ҳам алоқани узмаган экан. Билагидан соати эса гўё унинг ўлгандан сўнг ўтган дамни санаётгандай чиқиллашиб юриб турарди.

Глебни шу йўсинда қўлидаги сим билач бирга дағи қилишди.

Ана ўшанда узилган ер Глебга аввалдан маълум бўлганда у ўша лаънати тепаликка чиқмаган ва уни айланниб ўтиб, узилган сим ётган толзорга ўтлар орасидан яшириниб борган бўларди, деб ўйлади Андрей.

Андрей папкани очиб ундан қуриқшаган сариқ латтага ўралган оддий сим парчасини олди. Шу дақиқадан бошлиб ҳамманинг кўзи ўша сим парчаси ётган столдан узилмай қолди.

— Линияларнинг шикастланган ерларини аниқлаш масаласи, ёки қисқартириб айтганда ШЕА,— деди Андрей,— ҳарбий алоқа йўлларини ҳам, телеграф, электр йўлларини ҳам, ўтказгич электр линияларини ҳам, кабелларни ҳам ўз ичига олади...

Андрей гўё кўчаларга ётқизилган асфальт қатламларини кўтариб, ернинг чуқур тубида ётган кабелларни на мойиш қилаётгандай бўлди. Қабеллар кенг майдонлар, дарвозалар остидан ўтган, дарёлар тагига тушиб чиқкан, телефон қудукларини айланиб, фундаментлар орасини тешиб кесиб ўтганлар. Улар булок бир шаҳарнинг ингичка қон томирлариdek ҳамма ёқقا нур, иссиқлик ва энергия олиб борарди.

Аммо бу нозик артериялар ўзларига қанча-қанча душман орттирган дейсиз! Теплопроводларнинг иссиқ трубалари изоляция ленталарни қуритиб қўярди. Ер таги сувлари тупроқларни ювиб кетар ва кабелни чўктириб уни уланган муфталаридан узиб ташлар эди. Машина ва трамвайларнинг ҳаракати ерии титратиб ўтар, кабелларнинг қўрошини мустаҳкам жилдларига таъсир қилиб уни ёриб юборадилар. Нам эса кундан-

кунга кабелнинг юрагига, мис томирларга ўтиб борарди. Шунда изоляция бузиларди. Кабель төшилган, унинг қудратли кучи бекорга кетаверади. Қичкинагина аммо сезгир релелар<sup>1</sup> содир бўлган аварияни жуда қисқа вақт ичидан аниқлаб, станциядаги генераторларни хавфдан сақлаб қолиши керак. Линиядан ток узилади. Завод ҳаракатдан тўхтайди, кўчалар зим-зиё бўлади, кўтаргич кранлар ишламай қолади, трамвайлар тўхтайди... Авария! Водопровод насослари ишдан чиқади. Эриб турган металл чўмичга тушган ерида совийди... Авария!

Запас кабель вазапас линиялар ҳар вақт бўлавермайди. Шунинг учун тезда шикастланган ени топиб, линияни ремонти қилиш керак.

Гидростанциялар шаҳардан ўнларча ва баъзан юзларча километр узоққа жойлаштан бўлади. Ўрмонлар, жарликлар бўйлаб саф тортган металл столбалар осмонга чўзилган бошлари устидан симларни гўё қўлма-қўл ўтказганлар. Шу узоқ-узоқларга чўзилган симлар остидан одам ёғи тегмаган ерларни босиб ўтиб, линиянинг шикастланган жойини излаб топиш ўчун монтёрга қанчаканча вақт керак бўлади. Агар тун бўлиб, куюн кўтарилисачи?

Олимлар ШЕА усулини топиш йўлини жуда кўп йиллардан бери излайдилар. Жуда кўп оқилона усулилар ишлаб чиқилди, аммо уларнинг ҳаммаси кам учрайдиган баъзи ҳодисалар учун: узилган сим ерга тегиб қолганда, кабель ичидан шикастланган жой бутунлай куйиб битгандан сўнггина хизмат кўрсатади, холос. Лекин кўпчилик усулилар кабелнинг қаерини ковлаш кераклиги — шу ерданми ёки ўн метрларча нариданми — аниқлаб беришга ожизлик қиласди. Сталинграддан, Волга гидростанциясидан Москвага қадар, Ангор гидростанциясидан чексиз мамлакатимизнинг ҳамма линияларини бирлаштирган юқори вольтли шоҳобчалар саккиз юз, бир минг, бир ярим минг километрча масофани босиб ўтишни кўз олдингизга келтириб кўринг-чи. Бу хилдаги техника учун янгилишмай, равшан ва тез аниқлаб берадиган янги усул керак. Бундай асбоб ҳали яратилган эмас. Аммо у радиолокация принципи асосида яратилиши керак. Яратилиши албатта зарур!

<sup>1</sup> Электр асбоби ё электр машинасини кучсиз ток воситаси билан кучли ток занжирига улаш учун ишлатиладиган асбоб.

Андрей ўз тингловчилариға ўзи ўйлаган ишларниң қанчалик мушкуллиги ҳақида очиқ сўзлаиб бера бошлади, у айниқса ўзи үчун шубҳали бўлган масалалар устида кўпроқ тўхталиб ўтди.

Лобановдан кейин ҳеч ким музокарага чиқмади.

— Резолюция тўғрисида кимда қандай фикр бор? — деб сўради Ванюшкин.

Ҳамма жим. Пека Зайцев Лобановнинг телефон сим парчасини папкага қандай солаётганидан кўзини узмай, диққат билан қараб турар эди. Ванюшкин хаёлчан бир ҳолатда Зайцевга кўз ташлади-да, сўнг шошиб-пишиб резолюциянинг хомаки лойиҳаси ёзилган қофозни тахлади.

— Мажлис ёпиқ деб эълон қиласман,— деди у.

Кўчага чиққач, Ванюшкин билан Саша Заславский Цветковага етиб олдилар. Гапиришгилари келмасди, ҳар ким ўз хаёли билан банд эди.

Лобановнинг локатор ҳақидаги ҳикояси Сашани ҳаяжонга солған эди. У хаёл оғушига чўмиб, Лобановнинг орқасидаи, ҳар қадамда собиқ изловчиларнинг жасадлари учраб турган сўқмоқ йўлдан бораётгандай эди. Сўнгра сўқмоқ йўл тугаб, одамзод қадамини кўрмаган теп-текис дашт пайдо бўлди. Шунда Саша бирдан ўша номаълум асбобни ўз кўзи билан кўргандай, ўз қўли билан ушлагандай бўлди. У ўз мушкулотлари билан Сашани мафтун қиласар, гўё: қара, ҳали кўп нарсалар очилмаган, сенинг очишинг керак бўлган. Кўл тегизилмаган нарсалар ҳам бор деяётгандай бўларди. Ҳа... қандай бўлмасин, локатор устида Лобанов билан бирга ишламоқ керак.

Нина Цветкова мажлис пайтида биринчи қаторда ўтишаркан, бир неча бор ўзига Лобановнинг қараб-қараб қўйганини сезиб қолди. Андрейнинг кўзлари зангор бўлиб Цветковага жуда чиройли кўринган эди, рост қулоқлари бир оз шалпайган ва жуда катта эди, ўзи эса локаторга жуда ҳам берилган экан. Лекин ҳарҳолда унга ҳам эътибор бердику. Бу табиий ҳол. Нима, буруни иллюминаторга ўхшаган Вера Сорокинага қарасинми бўлмасам. Нега шу Лобановга ўхшаганлар танца майдончасида учраб қолмасикин? Агар у институтда ўқиганда эди, осонлик билан ҳалигиндай лойиҳаларнинг фарқига бора оларди, албатта..

— Бу резолюция қабул қилинмаган биринчи мажлис бўлди, деб ўйларди Ванюшкин.— Бундай ташаббус учун

қойил қилиб дакки беришлари мумкин. Хўш, бу ерда қандай амалий тадбир қўллаш мумкин ахир?— деди у хаёлидарайком инструкторининг айловчи сўзларидан ўзини ҳимоя қилаётгандай.— Фанга муҳаббат қўйиш тұтгараги ташкил қиласизми? Еки бўлмаса ҳар бир комсомолга, ўз ишингни келажак ҳақидаги орзулар билан боғла, деб топшириқ берайликми? Йўқ, ҳурматли ўртоқ, бу одатдаги мажлислардан эмас, бу бамисоли жангдан олдин ўтказилган митинг. Энди агаар илмий иш берадиган бўлсалар ҳамма унга шердай ёпишиши турган гап. Агар беришмасачи? Унда марҳамат, жанг бошлаймиз.

Игорь Ванюшкин иягини чўзиб, узун оёқларидаги чанги сурганды киядиган ботинкаси билан асфальт устида шаҳдам қадам босиб борар эди. У ўзини гражданлар уруши вақтида фронтга жўнаган, Днепро ГЭС ва Комсомольск шаҳрини қурган, фашистлар эшелонларини портлатган ўша комсомолларнинг йўл бошловчиси эканлигини ҳеч қачон ҳозиргидай ҳис қилмаган эди.

### ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

Андрей Октябрская станциясида цех бошлиғининг ўринбосари Рейнгольд билан танишди. Андрей ҳар қачон ҳам бирон ижодий ғояга дучор бўлган кишиларга қизиқиб қаради. Рейнгольд ҳам шундайлардан эди. У уч йилдан буён ёлғиз ўзи автоматик синхронизатор устида ишларди. Бу автомат генераторни ишга тушириш тартибини бирмунча осонлаштириши мумкин эди. Кашфиёти ҳақида гап очилганда Рейнгольд дарҳол сергаклашарди. Ана шундай пайтларда уни гапга солиш учун Андрей анчагина қўйналарди.

Андрейнинг хайриҳоҳлик билдиришидан таъсирланган Рейнгольд автоматнинг тайёр модели тўғрисида тортиночқлик билан гапириб берди. Модель унинг ўйида эди. «Мен сизга айтсанам, шароит шуни тақозо этди...»— деб қўйди у.

Рейнгольд худди пол билан гаплашаётгандек, ердан яўзини узмасди. Унинг бу ҳолати катта гуноҳ қилиб қўйган ва бу гуноҳи учун ҳозир дакки ейишини, мазах бўлишини ёки сўкиш эшишишини кутиб турган одамни эслатарди.

Улар квартира эшиги олдига келганиларида, Рейн-

гольд уялинқираган табассум билан қўлини кўтарди, билинч-билинмас тешикча устида бир неча марта кафтини айлантириди. Қулф шилқ этди-ю, эшик очилди.

— Фотоэлементми<sup>1</sup> дейман? — деб кулди Андрей.

Бу икки хонадан иборат кичкина квартира ўткир зеҳи билан ишланган турли-туман майда автоматларга лиқ тўла эди. Буфет эшигини очишингиз билан унинг токчалари кўзта кўринмас лампочкалар билан ёритилар, терморегулятор буғ билан иситиш кранини ўзи очиб ўзи ёпарди. Иккинчи хона устахонага айлантирилган.

Отасига ўхшаб бир оз буқчайган, кўк қўзлари чақнаб турган ўн тўрт ёшли мўмингина Толя ёғоч панелларни локлаш билан банд эди. Яроқлаб турган дастгоччанинг устида автомат лойиҳаси туради.

— Мана... бутун оиласиз билан ишлайпмиз, — деб ҳазил қилди Рейнгольд.

— Нега энди? Нега сизга ёрдам беришмади? — деб сўради Андрей.

Рейнгольд автомат тўғрисида ёзилган хатлар билан тўлган семиз бир папкани олиб қўйди. Маълум бўлишича, ўша эски гаплар экан: автоматнинг биринчи нусхасига маблағ сарфланган-у, лекин унчалик муваффақият қозонмаган, шундан кейин ишни давом эттиришдан бош тортшибди-ю, Рейнгольдни ўз ҳолига ташлаб қўйишибди.

«Эҳ, Виктор, Виктор», — деб қўйди ичиди Андрей Потапенконинг: «Синовдан ўтказиш учун асбобнинг янги нусхасини тайёрлаб келтириш авторнинг ўзига топширилсин» деган резолюциясини ўқиб жаҳли чиқар экан.

— Шундан буён тайёрлаш билан овораман, — деб тушунириди Рейнгольд.

Учига чиққан ваҳшийлик-ку, бу. Мабодо буни газетга ўзсанг ҳеч ким ишонмайди. Ғазабланган Андрей уйининг ҳажми билан қадамларини ҳеч тенглай олмай орқа-олдига юрарди. Бутун мамлакат станциялари учун зарур бўлган автомат уйда ишланса-я! Талаб қилиш керак, уни амалга ошириш керак, министрликка бориш керак! Ан-

<sup>1</sup> Ерганинг ўзгариши натижасида ўзининг электр хусусиятларини ўзгартувчи асбоб: техникада йироқ масофада расм бериш, овозли кино ва бошқаларда ишлатилади.

дрей кичкинагина, тортинчоқ Рейнгольднинг ёқасидан ушлаб силкимоқчи ва унга «жин урсни сизни, нимадан қўрқасиз?» деб бақирмоқчи бўлди. Аммо Рейнгольд унга семиз папкани очиб кўрсата бошлади: ўзи ёзган хатларнинг нусхаси ва уларга келган жавоблар папкага ҳафса-ла билан бирма-бир тикиб қўйилган эди. Рейнгольд ҳатто Потапенкони айбситмас,— нима бўлибди, мендан гарантия талаб қилиб, тўғри қилди,— дерди.

— Тўғри қилди дейсизми? Ахир ҳамма нарса ҳам бир уринишнинг ўзида амалга ошиши мумкинми?

Рейнгольд ўз лойиҳасини намойиш қиласар экан, биринчи бор бошини кўтариб Андрейга тик қаради. Унинг кўзлари оқилона ва маъюс боқар, бурун паррагидан пастга чўзилган иккита чуқур ажин толиқкан чакагини тортиб кўтариб турганга ўхшарди.

Андрей унинг сўзларини эшитиб бу ажойиб фикр, кашфиёт эгасини энг оддий уй шароитида ҳам оғир экспериментал вазифаларни ҳал қилолганига қойил қолди.

— Бир ёмонликнинг бир яхшилиги ҳам бор,— деб юборди Андрей.

Рейнгольд бош силкиди.

— Муҳтоҷ одам уйдирмага уста бўлади. Кирилл Васильевич Долгин айтганидек, моддий эҳтиёж...

— ...олимнинг ақлини ўткирлаштиради,— деб кулиб Долгиннинг сўзини давом эттириди Андрей. Бу сўзни у ёд қилиб олган эди.— Шундай бўлса ҳам бўш келмаслик керак,— деди у қатъий қилиб.

Рейнгольд секингина деди:

— Арз қилган эдим. Главканинг бошлиғи келган эди... Толя, ташқарига чиқсанг бўларди, онанг келганга ўхшайди... Бола чиқиб кетгач, у давом этди:— Шундан кейин мени цех бошлиқлигидан олиб, ўринбосарликка тушириб қўйишиди.

— Бунинг учун ҳам арз қилиш керак эди! Эътиroz билдиришга ҳаққингиз бор ахир, бу — сизнинг бурчини из,

Рейнгольд бўйини қисди.

— Менинг оиласам бор,— деди у.— Ёлғиз ўзим бўлганимда... уй-жойим идорага қарашли. Бу ҳақда шама ҳам қилишиди...— деди-ю, яна нафаси ичига тушиб кетди.

Андрей ҳам жим бўлиб қолди.

— Иш бор жойда янгилишлар ҳам бўлади-да. Оддий инженерликка тушириб қўйишишмоқчи,— деди ишонч

билин Рейнгольд, эзилган бир ҳолатда,— лекин бунда маошим тўрт юз сўм камаяр экан. Бизлар учун бу катагина пул ҳисобланади.

Рейнгольдинг хотини Андрейни бирга овқатланишга қистаб олиб қолди. У эрининг бутунлай акси—тўладан келган, ғайратли, шавқ-завқли хотин эди. Бу қувноқ ва йўғон овозли аёл характеристидаги ҳұшчақчақлик аломатлари бутун оиласи жонлантириб, унинг уйда ҳукмрон эканлиги очиқ сезилиб турарди. Аммо шунга қарамай, Андрей бу ўй аъзолари ўртасидаги тотувликни мамнунлик билан ҳис қилди: хотин устахонага ғирганида, товушини пасайтириб галирар, эри ва ўғлига нисбатан ҳурмат билан муомала қиласарди. Аксинча ота-бала ўз хоналаридан чиққац, унинг қатъий ва талабчан ҳукмронлигига дучор бўйлардилар.

Бамайлихотир овқатланишди. Сўнг рўзғор ишларидан гаплашдилар. Андрей оиласининг жам бўлиб ўтирадиган пайти фақат шу эканлигини сезди ва ўз иштироки билан уларга ҳеч қандай халақит бермаётганини кўриб завқланди.

Эшик устидаги ҳаво ранг лампочка лип-лип этиб чой қайнаганини билдириди. Уй бекаси ошхонага чиқиб кетгач, ота-бала Андрейга кўзларини қисиб қўйишиди-да, онанинг тарелкасига бир бўлак ёғ ташлашди.

— Ориқлай деб, кам овқат ейди,— тушунтириди Рейнгольд,— очиқиб юришини кўргим келмайди.

Кейин уларнинг қилмишлари онага сезилиб қолиб, ҳазилнамо жанжал кўтарилди.

Хотинининг олдида Рейнгольд қаддини ростлаб ўтирап, чехрасида акс этиб турадиган айборлик аломатлари йўқолиб борар ва ўз ҳолига келар эди. Улар ўртасида муносабатнинг бу қадар самимийлиги Андрейни ҳайратда қолдириди, Рейнгольд ўз оиласавий ҳаётига бунчалик меҳр қўйишига сабаб равшан эди.

Андрей ҳам бошқа бўйдоқ йигитлар сингари оила учун нималар биландир ён босувчиларга нисбатан шафқатсиз эди. Бироқ ҳозир у Рейнгольдинг хатти-ҳаракатини тўла-тўқис маъқуллади. Сўнг, дарҳол, ўйлаб-нетиб ўтирмасдан автомат устида ишлашни лабораторияда давом эттиришни таклиф қилди ва кейин ўзи Рейнгольдин ўша ерга ишга олиш учун қўлидан келганча ҳаракат қилажагини айтди.

Рейнгольд кишини толиқтирувчи сукутга чўмиб, довдираб қолди. Хотини эса Андреїга тикилди.

— Менимча ишни автоматдан эмас, одамнинг ўзидан бошлиш керак,— бир оз дағаллик, аммо очиқ кўнгиллик билан ўз фикрини билдири хотин.

Рейнгольд чўрт бурилиб, хотинига қаради:

— Билласанми, Валюша, ўзи мустақил ишилолмайди, деб менга дакки беришган эди... Энди бу виждои иши --- ўзим бажаришим керак...

«Одамни шунчалик ҳам раңжитишадими»— деб ўйлади Андрей. У Рейнгольдинг хавфсираб айтотмай ичидаги қолган гапларига ҳам жуда яхши тушуниб олди. Унинг автомати лабораторияга боргач, умумники бўлиб қолмасмикин? Шундай бўлса у уч йил давомида олиб борган курашини қандай оқлай олади?

Ана шу хил ҳиссойётларни қораловчи жуда кўп тўғри фикрлар айтиши мумкин эди, аммо Андрей ҳеч нима демади, чунки у ўзини Рейнгольдинг ўрнига қўйиб кўрдиди, ўзида ҳам қизғонч шахсиятпарастлик туйғулари уйғонажагига ишонди.

Андрей бошқача таклиф киритди: лаборатория автомат устидан оталик қилишни ўз зиммасига олади, одам ва керакли анжомлар беради, аммо ишга авторнинг ўзи раҳбарлик қилиши керак.

— Сиз бу билан вақтдан ютасиз ва бир ойдан кейин автоматни битказа оласиз.

— Бир ойдан кейин!— Валя қўзларини юмиб, эришининг қўлини аста қиоди. Рейнгольд:

— Уч ойдан кейин бўлса ҳам майли,— деди.

Эр, хотин ва ўғил қувонч билан бир-бирларига ҳараб олишиди.

— Иш деган мана бундай бўлибди...— чуқур хўрсаниб олди Валя.

Бир минутча ўтар-ўтмас у шавқ-завқ билан, бу хилдаги ҳодисалар учун ажойиб ўтириш қилиш кераклиги, бироқ навбатчиликка шошилаётганлигини айтиб афсусланди.

У Андрей билан хайрлашар экан, эри ва ўғлига эшигтирмай пичирлади:

— Сизният бу ишингиз унинг учун.. биз учун қанчалик катта ёрдам эканлигини билмайсиз...

Рейнгольд хотинини йўлаккача кўзатиб чиқди. Рўпа-

радаги ойнадан Валя эрининг бошини бағрига олиб, унинг иякларидан узоқ ўпгани, кейин бармоқларишиңг учи билан лаб бүёқлари тушган изни арта бошлагани яққол кўриниб турарди. Андрей, асосий жиҳатдан, яъни Рейнгольднинг ҳаётини аниқловчи бирдан-бир ишни юзага чиқаришда, уларнинг шу чоққача ёлғизлик қилганликларини сезди.

Андрей хайрлашар экан, Рейнгольд унинг қўлини қўйиб ёсбормай:

— Мен толеи йўқ одамман,— деди ў ҳижолат тортиб жилмаяркан,— нега энди мен билан шундай муносабат қиляпсиз? Сизга бунинг нима қизифи бор?

У ҳали ўз орзу-умидларидан чўчиб турарди.

— Ҳайронман, нега энди сиз билан бунчалик яқин муносабатда бўлаётганимни ўзим ҳам билмайман,— деди Андрей ҳақиқатан ҳам таажжубланган оҳангда,— мен бутунлай бошқа ишлар билан шуғулланишим керак.

Юқори вольтли районлардаги станцияларда Андрейни ҳурмат билан, аммо бир оз ҳадиксираб кутиб олардилар. Олимлик унвони уни бутунлай бошқа оламнинг одами қилиб кўрсатарди. Ўша олам одамлари сокин лабораторияларда муайян асбоблар устида иш олиб боришар, мураккаб, унча тушуниб бўлмайдиган расчёtlар қилишар, янги формулалар, янги конструкциялар ижод қилардилар. Корхона шароитидаги қўшимча хўжалик ишлари тўғрисида ғамхўрлик, фишт, машина мойи каби ишлар Лобанов учун ҳаддан ташқари майдагашмашалар бўлиб кўринса керак, у бу ерда ишлаётган одамларга эса раҳмдиллик билан қараётган бўлса керак. Энергетиклар институтлардан тез-тез келиб турувчи консультантларни, уларнинг бемаъни фикрларини, консультантларнинг ҳеч кимга кераги бўлмаган илмий ишлари устида кўпинча бир неча йиллар мобайнида бошқотириб ишлашлари, кейин архивга топшириб юборишларини назарда тутиб, Лобанов тўғрисида ана шундай мулоҳаза юритар эдилар.

Андрейнинг ишлаб чиқарувчилар олдига қўйган ўз қатъий талаблари бор эди. У Одинцовнинг шогирди сифатида ўз устозининг кўнглини ранжитишганини ҳамон юрагида сақлаб келарди. Қимматли иш режалари йиллар давомида амалда жорий қилинмай ётарди... бас, эс-

Кіі ярани қўзғашиниг нима кераги бор. Ўнинг ягона мақсади бор; бу мақсад локаторнинг келгусидаги иш шароитини аниқлашдан иборат, холос.

Аммо ўзи учун зарур бўлган материалларни тўплар экан, барибир ҳадеб бошқа ишларга алахсиб кетар, ўзининг бу қизиқувчанлиги учун ўзига дакки берар эди. У дам ҳар қандай монтёр ҳам биладиган оддий бир буюмдан ҳайратга келар ва уялмай-нетмай, ўзининг бу нарсадан бехабарлигини фош қилиб, уни ўрганишга киришарди, дам ҳеч қимнинг ақли бовар қилмаган мураккаб нарсаларни топиб, тажрибакор инженерларни ҳам ҳайрон қолдиради.

Ҳар бир стансия унинг учун бир янги кашфиётдек эди. Гидростанциялар ўзлари турган дарёлар сингари турлича эдилар. Теплостанциялар — бири кўмир билан ишласа, бошқаси торф билан ишларди. Андрейнинг онги ҳеч қачон янгликлар билан бу қадар тез бойимаган эди. У инсоний ишқивозликлар ичida энг жозибали ҳисобланган — билишга интилаш туйфуси билан маст бўлган ҳолда, кўрган-эшигларини бир бошдан, уларнинг керак, ё керак эмаслигини ҳам суриштирмай ўрганишга киришди.

Бунга асосий сабабчи Борисов бўлди.

— Ҳалигача Краснопевцев билан таниш эмасмисан? — деди у муғомбirona ажабланиб, — ахир у Пролетарская станциясида ток кучланиш регуляторни такомиллаштирган-ку.

— Краснопевцевинг билан шима ишим бор? — деди ўзини ҳимоя қилиб Андрей. — Бўлди энди, жин урсин ҳаммаспни! Мен энди, ўз ишим билан шуғулланишим керак.

Борисов жим бўлиб қолди ва бир оздан кейин гапни бошқа томондан бошлади.

— Пролетарскаяда водород билан совутилган регулятор ўрнатилган. Ажойиб нарса-да.

— Тупурдим ўша генераторингга! Бошимга урамами уни? Бор, оғайни, менинг устимда тарбиявий иш олиб боришингни йиғиштир энди.

У бир оздан сўнг ҳовуридан тушар ва тўнғиллаб тасодифан сўз қотарди:

— Генератор дейсан, бирорта эскисина топиб эплаштиришгандир-да?

— Яп-яни. Энг сўнгги маҳсулот,— вазмини оҳангда жавоб берди Борисов.

— Сен муғомбир, кишида ҳавас уйғотишга устасашда,— дерди таслим бўлган Андрей.

Ҳавас уйғотувчи турля йўл билан Андрейни станциялардаги одамлар билан танишишга ундар эди.

Унинг сўзича энергетиклик мансаби ер юзидағи энг йирик, бош мансаблардан ҳисобланармиш. Энергетиклар инсон учун нур, иссиқлиқ, куч беради — бу уларнинг маҳсулоти. Улар юз минглаб вольтили кучланишларни сув оқими ва қаттиқ босим остида сиқилган, қизиган пар гувуллаётган гигант машиналарни мардонавор ва донолик билан бошқарадилар. Улар ҳар доим ўлим хавфи остида ишлайдилар.

Улар қанча яхши ишласалар қилаётган меҳнатлари шунчалик сезилмасди.

Андрей станцияга келган вақтда Борисовнинг айтганинни бутунлай унугарди. Атрофдаги ҳар турли реле асбоблари, моторчалар, регуляторлар унинг диққатини ўзига тортиб оларди. Булар орасида унга институтда ўқиб юрган чоғида таниш бўлган буюмлар учраб қоларди. Улар станция пульталарида, иссиқ қозонхонада, қортиқилиб қолган тўғонларда, трансформатор будкаларида учарди. Баъзан, уларни зўрға таниб оларди. Андрей Пролетарская станцияси пультида Борисов уқтирган кучланиш регуляторини излаб топди. У бир вақтлар аспирантурада ўқиб юрганида шу регулятор лойиҳасини тузатишида иштирок этган эди. Қалин ойна орқасида шалқ-шулқ қилиб ричагчалар таъзим қиласар, тишли парраклар айланар, панжара филоф орасидан тўқ-қизил радиолампалар йилтираб турар эди. Бироқ бу асбобда яна қандайдир бегона нарсалар пайдо бўлиб қолибди. Лок қовжираб ёрилган, никелланган қисмлари хирадашган эди. Ён томонга эса аллақандай нотаниш шчитлар кўполлик билан кавшарланган эди.

Андрей бехосдан илгари куйиб қолган кафтидаги яра ўрнини ишқалаб қолди. Бу яра ўрни институтда ўқиб юрган пайтида асбобнинг мурувватини тузатаман, деб иши ўнгидан келмагач, унинг симини уланган еридан узмоқчи бўлганда юз берган эди.

— Бунинг муруввати қаерда қолди, нега кўринмайди?— деб сўради у навбатчи инженердан.

Инженер бармоғи билан эринибгини радиолампа томонга ишора қилди. Андрей филофнинг тешиги орасидан мўралаб, ҳеч нарсага тушунолмади.

Кейин у Борисовнинг айтганиларини эслаб, Краснопевцевни сўради. Шу уйқу билан юзлари шишиган навбатчи инженернинг ўзи Краснопевцев экан.

— Муруватини қаёққа йўқотдингиз? — қайта сўради Андрей,— ўз кўзим билаи кўргандим, ахир, ўзим ишлаганмаи.

— Жуда қойилмақом регулятор экан,— устомонлик қилди Краснопевцев.

— Муруватини олиб қўйибсиз, демак унчалик эмас экан,— деди Андрей жаҳли чиқа бошлаб,— нима учун шундай қилдингиз, ахир!

— Усиз яна ҳам яхши,— беларво жавоб берди Краснопевцев.

Инженер нима учун муруватни олиб ташлаганлигини тушунирар экан, Андрейнинг юзида аввалига ишончсиз жилмайиш акс этди-ю, кейинига секин-аста ўнғайсизлана бошлади, яна бир оз ўтгач, хурсанд бўлганидан қичқириб юборди. Дарҳақиқат муруватнинг олиб ташлангани яхши ва қулай бўлибди. Бироқ Андрей фан оламига энди кириб келаётган одам эмас, бу қилдаги оддий ишларнинг қанчалик қимматга эга эканлигини биларди.

— Жуда ҳам жонон иш қилибсиз-да,— бошини тебратди Андрей,— муруватни олибсизу, ташлабсиз. Йўқ, мени лақиллата олмайсиз. Анча бош қотирган бўлсангиз керак?

Ниҳоят, Андрей бу эпашанг одамни бир оз ғайратга киргизиб қўйди. Краснопевцев ҳисоб ёзувлари билан тўлган клеёнка муқовали дафтарини олди.

— Бизда ҳам аста-секин автоматика билан шуғуллашиш бошланяпти,— гап бошлади у.— Бу ишга яна бир қанча институтлар жалб қилинди. Яқинда бир схеманинг автори жеди, дeng. Релечиларимиз ҳам худди менга ўҳшаб, ўнинг схемасига баъзи бир тузатиш киритишган эди. Бир вақт у олим: менинг рухсатимсиз тегишга қандай ҳақингиз бор, илмий-текшириш ишини сизларга ким қўйибди, дегандек бир жizzакилик қилиб кетди, дeng, кўрсантиз ҳайрон қолардингиз. Ҳар хил автор бўларкан. Сиздақаларга кўз-қулоқ бўлиб туришга тўғри келади.

Краснопевцевнинг расчети содда ва оддий қилиб иш-

ланган эди, Андрейнинг иш юритишида худди ана шу соддалик етишмасди. Краснопевцевнинг усули асосида умуман регуляторни бутунлай бошқатдан ҳисоблаб чиқиши керак эди.

— Оҳо!— жонланиб кетди Краснопевцев,— ҳазиллашаяпоизми дейман!

— Албатта ҳисоблаб чиқинг. Жуда қойилмақом иш бўлиши мумкин.

Яна инженернинг юзида уйқусирав акси пайдо бўлди. Кўзлари шишинқираган қовоқлари остига яширинди.

— Ким? Менни? Қўйсангизчи! Вақт йўқ. Мен навбатчи инженерман, бошқа ҳеч қандай ишга берилмаслигим керак.

У панеллар олдига келиб бармоғи билан амперметр ойналарига черта-черта асбобларни диққат билан кузата бошлади.

Гўё Андрей уни қандайдир овунчоқ машғулот билан шуғулланишига кўидираётгандай барча далилларга бепарволик билан жавоб берар эди.

— Бизнинг ишимиз шунаقا,— босиқ оҳангда гапирди,— навбатчи инженер билан цех бошлиғи бор ерда инженерга иш қолмайди.

Шу пайт бу ерга кириб келган тепакал бошли, думалоқ юзли киши уларнинг тортишувларини бўлди:

— Уртоқ директор,— Краснопевцев рапот беришга ҳозирланган эди, аммо директор қўл силтади.

— Худо ҳақи, қўйсангчи, мен дам олгани келганиман. Краснопевцев Андрейни у билан танишитирди.

— Калников,— деди директор ва креслога ўтириб ҳориган оёқларини узатди.— Калников иккинчи ва сўнггиси. Мени армияда шундай деб аташарди. Худо бўйдан бермаган, шунинг учун сафнинг энг охирида турардим. Бизнинг ротада яна бир Калников деган бор эди, уни биринчи деб аташарди. Мен бўлсам Калников иккинчи, яна сўнггиси... Нега кулласиз? Шу номни эшитиш менга пичоқдай оғир ботарди. Иккинчи бўлганим етмагандай, яна сўнггиси ҳам эмишман. Худога шукур, менда ҳозир Калников учинчи ҳам бор, лекин сўнггиси эмас...— У чақчақлашиб ўтириш имкони туғилганидан завқланиб кулиб юборди.

Краснопевцевнинг қайсаrlигидан жаҳли чиққан Андрей Калниковнинг валдирашларини адоват билан эшитарди. Директорнинг боши ялтирас, семиз бағбақалари

қалтиради, унинг ўзига бино қўйган ва мақтаинчоқ одам эканлиги бир қарашда кўриниб турарди.

— Хўш, нима дейсиз?— деб тахминан ўнинчи марта мурожаат қилди Андрей, инженерга. Уининг ҳеч чекингиси келмас эди.

Краснопевцев жавоб бериш ўрнига муғомбирона кўз қисиб, бор гапни Калниковга сўзлаб берди. Калников Андрейга қаради-ю, жим бўлиб қолди.

— Бу нарса сизни қизиқтирумайдими?— киноя билан сўради Андрей.

Калников ҳазин бир ҳолатда хўрсинди.

— Бугун ҳеч ишим юришмаяпти-да. Тортишмай деб диспетчер хонасидан қочган эдим, сувдан қутулиб, ўтга тутилдим шекилли. Юринглар, яхшиси, офтобга чиқамиз.

У трансформатор майдонига олиб чиқадиган эшик томон йўл олди.

Бетонли очиқ айвонда азamat трансформаторлар саф тортишган. Локланган қиррали изоляторлар устида қуёш нури чақнайди, кул ранг пўлат филофлар остидан вижиллаган йўғон овоз барала эшитилмоқда.

— Оҳ, қандай яхши-я! Шунаقا офтобда ётиб бир тоблансанг-да.— Калников жўйлатининг юқори тупмаларини ечиб галстугини бўшатди-да, қора юнг босган кўкрагини қуёшга тутди.

— Хўп, майли,— деди Андрей Калниковнинг орқасида туриб,— регулятор расчетини ўзимиз қайта тузамиз. Уни биз ўз тематикамизга тиркаймиз. Аммо сизлар уялиб қоласиз.

— Сиз-чи?— сўради Калников,— ҳайит кунлари дўзахда ҳам гуноҳкорларни азбламайдилар.

— Бундан кейин ҳам сиз олимларни айбситиб...

Калников умидсизлик билан қўл силтаб ялтироқ бошини қашлади.

— Рухсат этсангиз, мен бир масал айтиб берсам.— У мулоийимлик билан Андрейнинг қўлтифидан олди-да, қуёш томондан юришга ҳаракат қилиб, майдон бўйлаб кетди.

— Менинг ўғлим Калников учинчи, тўрт яшар бола, шу қишида бир қизиқ гап айтди. Уйга арча ўрнатган эдик. Мен Қорбобо бўлиб чиқдим-да, болаларга совфа улашдим. Эртаснга «Қорбобонинг берган совфаси яхши эканми, Миша?!» деб сўрасам, нима дейди денг: «У сенинг ўзинг эдинг-ку, дада» дейди. Мен яна: «Шундай

экан, нега бўлмасам — салом, сенга Қорбобо,— деб қичқиридинг?» деб сўрадим.— Шунаقا дейнишим сенга ёқса марҳамат, айтавераман,— дейди. Тағин у худди кичкина бола билан тапиришаётгандай, такаббурона оҳангда гаплашди денг... Бу билан демоқчиманки, агар шунаقا қилиш сизга маъқул тушган экан, марҳамат, регуляторни истаганингизча кавлашингиз мумкин. Бизни болалар деб ҳисоблайверинг. Ҳа, ҳисоблайверинг. Аммо ўз эрмаганингиз учун биздан ҳеч қандай қувонч кутманг.

Андрей ўзини босиб олгандек хотиржам бўлиб:

— Қанақа эрмак демоқчисиз?— деб сўради.

Краснопевцев огоҳлантириш мақсадида орқадан йўталиб қўйди.

— Яхшимми-а?— деди Қалмиков, трансформаторлар томон бош силтаб.— Паҳлавонлар! Москвалниклар юборишиган.

— Йўқ, сиз гапни четга бурманг,— деб ҳаяжонлана бошлади Андрей. У қуёш нурини тўсиб, Қалмиков олдига турди. Қалмиковнинг сузилган кўзлари очилиб, Андрейга совуқ ва тик боқди.

«Хозир у мени сўкиб беради,— деб ўйлади Андрей,— кейин мен ҳам унинг ҳақида нималар ўйлаётган бўлсам ҳаммасини қозига очиб соламан».

— Қозонхонада бўлдингизми?— сўради Қалмиков.— Бўлдингизми? Хўш, қандай таассуротлар олдингиз? Ҳеч қизиги йўқ! Янги асбоблар жам-а? Хўш, менинг орқамдан юринг-чи,—дағаллик билан буюорди у.

Семизлитига қарамай у ҳайрон қоларли даражада чаққонлик билан тикка ва тор темир нарвои орқали сирғаниб тушди-ю, лип этиб атрофига тош паҳталар уюлган иссиқ трубалар орасида тор йўлак ичида фойиб бўлди. Андрей икки букилиб зўрға унинг орқасидан етиб улгуради.

Улар қозонхонанинг биринчи қаватига тушишгач, машинист ўтирган стенд олдига келишди. Атрофи трубалар, нарвончалар, кўприкчалар билан ўралган тўрт қават бино баробари баҳайбат қозондан қайноқ ва нафасни бўғувчи пар отилиб ҳавони ларзага солмоқда, машинист бўйинни бир оз чўзиб: дикқат билан асбобларни кузатар, бир қўли жонжакни босса, иккинчи қўли билан ёрдамчиларга буйруқ берарди. Улар эса бир штурвалдан иккинчионга югуришар, муруватларни бураб, печка қоп-

қоқларини дам очишиб, дам беркитишарди. Юзлари терлаб-пишиб ялтираб кетган машинист бўш қолган фурсатдан фойдаланиб, брезент қўлқопни кийди-ю, ўтхона томон югурди, кўкраги билан темир косовни итариб, ўтни кавлай бошлади.

Калников Андрейнинг енгидан тортиб штурвалларнинг бирни олдига олиб келди.

— Очинг!— деди у Андрейнинг җулогига.— Авжи режимни ўзгартираётган пайт.

Андрей иссиқ, маҳкам парракни бурай бошлади.

— Тезроқ!— У машинистнинг ишораси билан Андрейни қопқоқни очишга буюрди.

«Ола-а,— шу ҳам иш бўлди-ю!» Андрей елкасини қисди. Бир минутчадан сўнг пиджагини ечиб ташлади. Чунки бўйинларидан қайноқ пар томчилари оқиб туша бошлаган эди. Калников борган сари шиддатлироқ буйруқ берарди. Андрей клапанларни қайта ёпди, қандайдир ричаг ва кранларни тортди-да, қўлқоп кийиб оғир косовни итарди, ўтхонанинг кичкина қизил ойнасидан тушаётган аланга акси эса унинг юзини қўйдиргудек қиздирди. Ҳаво минут сайин димланиб бормоқда. Андрей оғзини катта очиб нафас оларди. Қўзлари тердан ачиша бошлади. Бу хилдаги ишга ўрганмаган Андрейнинг бели тола бошлади, аммо Калниковнинг овози ҳамон унга дам бермас эди.

Нарироқда турган кочегарлар тишларининг оқини кўрсатишиб кулишарди. Андрей уларнинг ишлари қанчалик оғир эканлигини фақат энди билди. Кейин уни нафаси сиқилган, кўзларига тер тўлган ҳолда пульт олдига ўтқазиши. У бўйини чўзиб, дам паромерга, дам босим кўрсаткичига боқар, дам тягомер, дам газоанализаторни кузатар ва дам бошқа ўнларча асбобларни, босим, сигнал лампочкаларини кузатишга уринарди.

Калников Краснопевцевга бир нарса деб қичқирган эди, у Андрейнинг қўлидан тортди-да, ойнавандли кабинет томон етаклаб кетди. Андрей бутунлай ҳолдан толганлигидан табуреткага ўзини таппа ташлади. Уларнинг орқасидан Калников билан машинист кириб келди.

— Ўрганмаганлигиниздан тинкангиз қуриб кетди дейман?— раҳми келиб сўради Калников,— ҳатто ҳавосини олган одам ҳам кечгача ишлаб чарчайди. Шундайми, Разумов?— деб у машинистга кўзини қисиб қўйди.

— Шундай, қозопларимиз эски. Ҳозир баъзи бир механизациялар ўриатдик,— деди Разумов, ческар экан,— барибир... уйга келасану, наридан-бери овқатланиб олиб, ўзингни ўринга отасан.

— Эшитаяпсизми?— очиқ кўнгиллик билан сўради Калмиков. Худди шу оҳангда у яна оғир ботадиган аччиқ сўзлар билан Андрейни дўппослай бошлади. Красиопевцев эса, бу бўлаётган аччиқ гапларнинг бир учи менга ҳам тегиб жетмасин тағии, деб худди совуқ егаи одамдай жунжука бошлади. Бу демак, станциядагиларининг «Директор қайнашга ўтди» деганлари шу бўлса керак.

— ...Сизни расчёtlар қизиқтиради, бизни янгича қайла билан овутмоқчи бўласиз, биз эса емоқни истаймиз, емоқни! Сиз бизни маникюр қилдиришга үндайсиз, биз эса ҳаммомга югурга қолсак деб турамиз. Сизнинг бу ток кучлатиш регуляторингиз билан яна ўн йил бемалол ишлашимиз мумкин. Яхиси ҳозирча Разумов ҳақида ғамхўрлик қилсангиз дуруст бўларди. Кочегарларнинг иши қанчалик оғир эканлигини ўзингиз ҳис қилиб кўрдингизми? Мана шунаقا одамларнинг ғамини ейиш керак! Токим, улар сменадан чиққанларидан кейин ҳам чарчашиб нима эканини билмасинлар, қўллари қалтирамасин. Сизлар аллақайси хаёлий фалакда ўтириб олгансизлар. Ишининг бунчалик оғирлигини қаёқдан билардингизлар. Кеча аллақайси институтдан бир тўдаси келибди: «Салом, мана сизлар учун тасодифий яшин уришидан сақланиш системасини ишлаб чиқдик» эмиш. Бунаقا яшин уриш эса минг йилда бир бўлиши мумкин, холос. Шунаقا ҳодиса учун маҳсус аппаратлар тайёрлашибди. Яна туппа-тузук одамлар, фан кандидатлари, докторлар. Биздақа бечора авом одамларни қандай қилиб ҳайратга солишини ўйлашса керак-да. «Эҳ, бу қанақаси, ўтган йили «Фанлар академияси ахбороти» журналида аппарат расчётининг янги усули босилиб чиқди-ю, сизлар ҳали бехабарсизлар. Бу ёввойилик» дейишиди. Мен унақа... унақа усулларга уч марта... мен Разумов завод печи мўрисининг қопқоғини қўли билан беркитишдан қутулишини истайман. Юм оғзингни, жим тур! Жим тур, ёки янги метод ҳақидаги ахборотни ўқимаганлигининг бўйинингга ол, дейишафдилар. Ҳа, айбингга иқрор бўл, бўлмаса ҳаётдан орқада қолган деган ном оласан.

Андрей терлаб кетган бўйинларини артиб ўтирад,

рўпарасида турган уч киши эса судьялардай кўзларни ундан узмасдишар. Разумов чекар, Краснопевцевнинг кўзлари қисилиб борар, паст бўйли, семизгина Калмиковга эса на иссиқ таъсир қилар, на чарчоқлик, ўзининг ҳайқириши билан шовқин-сурони босиб, Андрейнинг таъзирини беришда давом этар эди.

— ...Аллақаёдаги бўлмағур нарсалар устида бош қотириб ўтирасиз. Ҳаётдан бехабарсизлар. Мана, қозонларни автоматлаштириш керак! Қозонларни! Хўш, сизнингча бунақа ишлар билан ким шуғулланиши керак?

— Сизлар ҳам анои эмассизлар,— шикоят Андрей ҳам бир оз ўзига келди,— мана Тарасовнинг қозони автоматлаштирилган, аммо ундан нима фойда?

— Аҳа! «Сизлар» ва «бизлар»га ажратяпсизми? Барча иллат ҳам шунда-да. «Сизлар» ва «бизлар» дейсиз-а! Аслида фақат «бизлар» бўлиши керак.

Андрей кўчага чиқар экан, ёқимли баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди. Чуғурчиқлар чириллашар, энди қуриган асфальт устида қизчалар черта ўйнашарди. Андрей қозонхонадаги нафасни қайтарадиган иссиқни, кочегарларнинг қора терга пишган башараларини эслади. Бугун у дурустгина сабоқ олди. Энди у Краснопевцевнинг эса бурнини ерга ишқайди. Краснопевцев қозон учун автомат қилади. Борисовни ҳам, Кривицкийни ҳам, Майяни ҳам шу ишга боғлаб қўйиш керак. Бугун роса таъзирини бериб ўқитишида, итдай азоблашди.

Ўтган-кетганларнинг унга ажаблайиб қараётганларни сезгач, ҳўмрайган чеҳрасини ва беихтиёр жилмайшини яшириш учун ёқасини кўтариб олди.

Рейнгольднинг автомати белғиланган муддатдан икки кун илгари тайёр бўлди. Андрей уни лаборатория штатига ўтказишга мусассар бўлди ва унга ёрдамчи қилиб Борисовни қўшиб қўйиб ёмои иш қилмади. Рейнгольд — туғма кашфиётчи одам, унинг қўлида тайёр конструкция ҳолига келади қолади. Унинг қайнаб-тошиб келаётган фикрини тузатиб ва тўғри йўлга солиб туриш керак, бўлмасам миясига келган ҳар бир нарсани кашф қилаверарди. Бундай йўл кўрсатувчилик вазифасини Борисов бажарди. У яигиликка ишонч билан қарайди-

ган, ўткир зеҳиلى, ҳар бир фикрни тез илиб олиб, ўзиңа муҳокама қилиш хусусиятларига эга одам эди. У кўп ўқир ва ҳар бир ишни ақл билан нима қилиш ва қандай бажариш кераклигини белгилаб олар эди.

Автоматни гидростанцияда сўнгги марта синовдан ўтказиш керак эди. Станцияга Борисов ва Рейнгольдга қўшиб икки лаборантни — Нина Цветкова билан Саша Заславскийни ҳам қўшиб юбориш кераклиги ҳал қилинди. Командировка масаласида эса техбўлим билан келишиб олишга тўғри келди. Бироқ ‘Долгин қатъий илтифот билан бу иш планда кўрсатилмагани учун бундай командировкалар ҳақида эшишишнинг ўзи қанчалик ажабланарли эканини тушунтира бошлади.

— Планда борми, йўқми, ундан қатъи назар шу иш қилинди,— деди Андрей,— автомат тайёр.

— Бу ишни қилишга ким сизга рухсат берди?

— Биз буни бўлажак план ҳисобига тайёрладик. Тез кунда янги тематикалар тасдиқланади, унга автоматни ҳам планлаштирамиз.

Шундан кейин Долгин асбобларни ремонт қилиш ишини бехосдан тилга олиб қолди. Агар Лобанов Долгиннинг кўрсатмаси асосида асбобларни тузатишга қабул қилиш ишини қайта тикласа командировка масаласи ҳал бўладиган бўлди.

Бу тақлиф очиқ айтилмаган бўлса ҳам, жуда усталик ва силлиқлик билан изҳор этилдики, агар уни стенография қилиб кейин ўқилса, унинг остида ҳеч ким, ҳеч қандай ортиқча фикр борлигини кўрмас эди. Аммо гаслида коса тагида ним коса, дегандек «Мен сизга командинровка ва бошқа нарсаларни тўғрилайман,— сиз менинг учун асбоблар ремонт қилиб берасиз. Шунга кўнасизми?»— деган фикр ётар эди.

Долгин Андрейнинг рад жавобини диққат билан эшилди, сўнг жавобни муҳокама қилаётгани унинг сурбет, дағал башарасида акс этиб турарди.

— Бироқ сизнинг тематикангизнинг тасдиқланиши ҳақида ҳеч қаерда ҳеч нима ёзилмаган,— деди Долгин.

Андрей ишонч билан қўл силтади.

— Унгача натижасини ҳам ҳал қилиб олиб келамиз. Голибларни коймайдилар.

Долгин хаёлга чўмган ҳолда блокнотига бир нималар ёзди.

— Сизнинг тутган позициянгизга ҳеч тушуниб бўлмайди-я, ўртоқ Лобанов. Сизнингча гўё ҳамма ерда кураш кетяпти, ғолиблар, мағлублар дейсиз..: Биргалашиб аҳиллик билан ишлаш ўрнига.. Борисов ҳам сизнинг этагингизни тутганми, дейман?

— Балки асосий масалага қайтармиз? — ўзини босиб гапирди Андрей. У Долгинга яна гап уқтиromoқчи бўлди,— нима бўлса бўлсин, лекин факт фактлигича қолади. Асбоб тайёр, уни синовдан ўтказиш зарур.

Долгин ўрнидан туриб муштларини стол устига тиради. У худди шу вазиятда мажлис очар эди.

— Бу Рейнгольдингизнинг асбобига келганда, уни ишлаш керакми, йўқимилиги тўғрисида техниклар кенгаси чақириб ҳал қилиш керак. Ҳозирча сизга партия ташкилотимизнинг йўл-йўриқларини эслатиб қўйишимга тўғри келади,— дағал овоз билан деди у.— Бизнинг барча фаолиятимиз план асосига қурилган. Уни бузишилик — давлат интизомига хиёнат қилишдир. План — қонун демак...

— Қонунликка-ку қонун-а, лекин энг муҳими эмас,— Андрей ҳам ўрнидан туриб кетди.

— Сиз юқори ташкилотларнинг кўрсатмаларини билмас экансиз.

— Сиз эса сиёсий иқтисодни мутлақо билмас экансиз,— деди Андрей довдираб қолган Долгинга.

Аммо бу гапларнинг фойдаси йўқ эди. Қандай бўлмасин, асбобни синовдан ўтказиш керак. Андрей Рейнгольд бригадасини юбориш жавобгарлигини ўз бўйнига олишга қарор қилди. «Ётиб қолгунча отиб қол» дейдилар.

Бригада жўнаб жетгандан кейин икки кун ўтгач, уни Потапенко чақириб қолди. Сўнгти вақтларда техбўлим лаборатория ишларини Долгин орқали олиб борар эди. Виктор баъзи бир миши-миш гаплардан қочиш учун, шундай қилиш маъқуллигини Андрейга тушунтирган эди. Шунинг учун бугунги чақириқ Андрейни ташвишга солди.

Виктор у билан жимгина сўрашди-да, сўнг машинка-да ёзилган қофозни узатди.

Бош инженер номига келган бу қоғозда электролаборатория ишлари сўнгги даврда тубдан сусайиб жетганини ёзилган эди. Кичик мансабдаги ходимлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, инженерлар эса иш вақтида китоб

ўқиб ўтиришади... («Ахборот қойил қилинибди-ю, лекин қандай китоблар ўқишаётганлиги айтилмабди-да»). Мехнат интизоми пасайиб кетган, бунга виговор ва буйруқ билан берилган даккилар мисол бўла олади. («Ахир, бу талабнинг кучайганидан эмасми! Морозов ишдан кеч қолтани учун виговор олди. Буни комсомолларнинг ўзлари талаб қилишди. Тавба, ҳамма нарсани бузиб оёғини осмондан қилиб кўрсатиш яхшиим?...»). Керак бўлмаган асбоблар сотиб олинмоқда. Рейнгольднинг автомати маҳфий равишда таїёрланган. Узбошимчалнк билан ГЭСга бригада юборилди. Лабораториянинг раҳбари ўз ўрнида камдан-кам бўлади.. .

Докладной хат анчагина рақамлар билан бойнтилган, ўқиган одамнинг ишониши осон қилиб ёзилган эдм. Асосий зарба Лобановга қарши қаратилган бўлиб, «у балки кўп нарса биладиган одамдир, лекин раҳбар сифатида ҳеч нарсага ярамайди» дейилган.

Виктор кресло суянчиғига ташланиб, Андрейдан кўзини узмай кузатмоқда. У, Андрейнинг нима қилишини олдиндан сезаётгандай. Ҳозир портлаб кетадио, тутоқиб ҳаммасини пунктма-пункт рад қила бошлайди, деб ўйлар эди.

Андрей техбўлимга лабораториянинг янги тематика лойиҳасини тузиб топширгандан буён Виктор энди унинг келажак тақдирини ҳал қиласидиган пайт келибди деб ўйлаб кўйған эди. Лекин бу ноқулай фурсатни атайи узоқроққа судраб келарди. Андрейни ишдан бўшалишини олдини олиш учун қўлидан келганини қилди, энди кўнгли тинч. Долгиннинг шивир-шивирларига қарамай угенератор воқиасидан кейин пайдо бўлган ички сирини ҳам бой бергани йўқ. Лобановнинг бошлиқлар билан бўлган совуқ муомаласи Викторга ҳам тегиб ўтарди. Лабораторияда бирор янгилик юз берадиган бўлса, «Дўстингиз...» деб гап бошлаб дарров етказардилағ. Виктор аччиқ истеҳзо билан уларни тинглар эди. Андрейга гап уқтиришдан қийини йўқ, у барибир ўз билганини қиласеради. Яна унинг устига, нима учун система-нинг тараққиёт перспективалари, теле бошқарма ва янги аппаратлар билан шугулланмайдилар, деб техбўлимни танқид қилиб сўзга ҳам чиқиб турарди. Лаборатория аста-секин Викторнинг таъсиридан чиқиб бормоқда эди. Лобанов унинг кўрсатмаларига муҳтож эмаслигини

амалда кўрсата бошлаган эди. Унинг ўзбошимчалиги техбўлим бошлигининг обрўсина очиқдан-очиқ халал етказиш эди. Рейнгольд автомати масаласида ҳам шундай бўлди. Ахир, Виктор бу толеи пастнинг ўша бемаъни иши масаласида унинг ўзи охирига етказсин деб буюрган эди-ку, бунақа шубҳали нарсага аралашишнинг нима кераги бор экан! Шунақа масалаларда: янгиликни синаш учун биринчи ҳам бўлма, эскиликни йўқотишда орқада ҳам қолма, деган доно фикрга амал қилиш керак. Лобанов бўлса, «кўрдингизми, техбўлим · рад қилган эди, биз — олимлар уни қадр-қимматига етмоқдамиз, қўлламоқдамиз» деб ўзини кўрсатмоқда. Демак, техбўлимда ўтирганлар тараққиёт душмани, масъулиятдан бўйин товловчилар экан-да? План масаласи ҳам бундан бадтар бўлди. Янги кўрсатилган тематикалар Викторнинг аввалги ҳамма сиёсатининг тескариси, унинг эски планларини пучга чиқарувчи бўлиб чиқди. Лобановнинг плани очиқдан-очиқ техбўлим ичидаги оппозициянинг «тегирмонига сув қўйди». Бу план Викторнинг раҳбарликномини ерга уради. Ҳа, бундан ташқари, Лобановнинг фантазияси учун жавобгарликни бўйинга олишнинг нима кераги бор, унақада шилқ этиб бўйиндан айрилиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас.

Долгиннинг ўткир ҳид сезиш қобилияти ёзма докладни бошлиққа қайси соат, қайси дақиқада топшириш зарурлигини усталик билан аниқлади. Викторнинг унга қўл қўйиб, бош инженерга юборишдан бошқа иложи қолмаган эди. Ҳозирги шароитда Андрейни ишдан узоқлаштириш ҳеч гап эмас эди. Одамларга ўзбошимчалик билан командировка бериб юборганининг ўзи ҳам кифоя. Бунинг учун ҳеч ким Викторни айбситмайди. Доим Лобановнииг тарафини олиб келгани ҳаммага маълум, энди улар: мана принципиалликнинг ҳақиқий нишонаси! Иш туфайли дўстликни ҳам тан олмади-я, деб қойил қолишади.

Андрей қофозни ўқир экан аста ҳуштак чалиб ўтиради. Бу унинг эски одати: дарсликда бирорта бош қотирадиган оғир ери учраб қолса ҳам, худди шу хилда ҳуштак чала бошларди.. Ётоқхонада турганларида шу аҳмоқона ҳуштак туфайли неча-неча марта жанжал кўтарганликларини өслади Виктор. Айниқса Костя кўпроқ уришарди, Андрей жим бўлиб қоларди-да, бир неча

минутдан кейин яна беихтиёр ҳуштак чала бошларди.

Тасодиғаш Викторининг юрагида илиқ ва самимий дўстлик түйғуларни ўйғониб кетди. У Андрейнинг қўлидаги қофозини тортиб олиб, йиртиб ташлади.

— Тамом,— деб,— жилмайди у ва Андрей ўз қаршисида ўша аввалги Викторни кўрди.— Бундай нарсаларга ўтибор бермаганимиз бўлсин. Қочоқларингнинг командировкасини расмийлаштиравер, қўл қўйиб бераман.

— Хўп бўлади, ўртоқ начальник,— шодлик билан ятоат қилди Андрей.

Улар жимгина ўтириб, бир-бирларига завқ билан тикилмоқда эдилар.

— Эҳ, Витъка, Витъка...— деб хўрсинди Андрей.

Улар янги план ҳақида гап бошладилар. Виктор, техсовет Лобаининг планини тасдиқламаслигини ўқтира бошлади.

— Сенинг барча проблемаларинг улар учун тушунарли эмас. Сен таваккал қилмоқчисан. Олдингда кўп гашвишли ва оғир йўллар бор...— Виктор кўкрагини стол устига қўйиб, овозини пасайтирди.— Сенинг планингдан энг муҳими локаторни олайлик-да, менинг планинга қўша қолайлик. Ана шундагина, эҳтимол, менга уни техсоветдан ўтказиш насиб бўлар.

— Ҳа, шунда осонроқ бўлади,— беихтиёр маъқуллади Андрей.

— Бу билан иккимизнинг ҳам ишимиз ўнгидан келган бўлади. Агар планингни бутунича тасдиқлатаман, деб уринадиган бўлсанг, титиғини чиқариб ташлашади, шу билан бирга локаторинг ҳам йўқقا чиқади.

— Ўзинг биласан,— Андрей бу жавоби билан унинг сўзини маъқулладими ёки заҳархандалик қилдими, билаб бўлмасди.

Ҳалигина пайдо бўлган иссиқ, дўстона түйғулар бирдан йўқолди. Худди оламни ёритиш учун чиққан олтин шуъла яна қора булутлар қаърига кириб йўқолгандай бўлди. Аслида ўша шуъланинг пайдо бўлмагани минг марта яхши эди, чунки у йўқолгандан кейин аввалгидан ҳам бадтар қоронгулик чўқди.

«Кўна қолайми?— деб ўйларди Андрей.— Қалмиковга нима деб ваъда берган эдим? Разумовга нима дейман? Борисовгачи?»

Улар планинг ҳар бир пункти устида келишиш ва

аниқ ҳал қилиб олиш учун бир ой станицяларга, заводларга қатиаб юришди.

Лабораториядагилар орасида раңжишлар ва тортишувлар пайдо бўлди, чунки ҳар бир инженернинг кўпдан бери ҳаяжонлантириб, амалга ошириш учун сабрсизлантириб юрган темалари бор бўлиб, уларниг ҳаммасини бир планга тиқишириш мумкин эмас эди. Кривицкий ҳам ишни бир меёрда тақсимлашин текшириш лойиҳасини кўтариб келди. У эски синъкага<sup>1</sup> кўчирилган эди. «Бир вақтлар таваккал қилган эдик, — деди одатдагича ўзининг кулишидан қилиб,— бу марҳумни энди янги қабристонга кўчиришимга рухсат берсангиз. У олдиндан аччиқ, истеҳзоли огоҳлантириб қўйганлигига қарамай, яна темасининг планга кирган-кирмаганигики билиш учун қайта-қайта текшириб турди. Ҳатто Борисов ҳам ўзининг одатдаги босиқлигини йўқотиб, электр токи йўлини ўзгартиришнинг автоматлашириш тўғрисидаги ўз ғоясини жон-жаҳди билан планга киритишга урина бошлади. У ўз дўстларини: подстанция монтёрларини Андрейга гиж-гижлаб қўйди. Улар эса Андрейнинг орқасидан тушиб ялинишар, исботлаб кўрсатишар ва агар лаборатория ток йўлини ўзгартириши автоматлашириш билан шуғулланмас экан, кунингни кўрасан, дегандек қилиб пўписа ҳам қилардилар. Планда ҳамманинг тилаги кўрсатилган. Улар қанчалик ҳовлиқишаётганикун! Бу план қанча-қанча орзу-умидлар билан чамбарчас боғланган! Ахир станиця ходимлари билан маслаҳатлашиб, энг муҳим масалаларни танлаб киритилган эди-ку.

— Лаборатория нима бўлади? — деб аста сўради Андрей, — илгариgidай изоляторларни синовдан ўтказиш билан шуғулланаверадими?

Виктор ачинган қиёфада елкасини қисди. Ленин: «Оз бўлса ҳам соз бўлсин», — деб айтган-ку, ахир.

Нима, у Викторни қотиб қолган эскилик тарафдори деб ҳисобламаяптими? Бир томондан қарасаңг, консерваторнинг фирт ўзи, иккинчи томондан ўтиб қарасаңг давлат қишиси. Йўқ, азизим, иккюзламачилик билан кун кечириб бўлмайди.

Виктор, кўпчилик нуқсонларга сабаб министрликнинг

<sup>1</sup> Синъка, — ёруғликда кўк тус олиб, чертёждан нусха кўчирадиган маҳсус қозоғ.

тутган сиёсати деб қаарди. Планин бажармасанг ўлाः ўлгунча дўппослайдилар, автоматлар, регуляторларга келганда — ҳозирча уларсиз ҳам ўтиб келинди, яна бирор йил сабр қилинса, ҳеч ким койтмайди. Консерваторлик, масъулиятдан бўйин товлашликни эса шароит вужудга келтиради, одам ўзи консерватор бўлиб туғилмайди. Техбўлимга юз турли таклифлар тушади. Уларнинг ҳар бирини текшириб қўриш учун катта маблағ харжлаш керак. Қаёқдан олсин? Министрлик бундай нарсалар учун пул ажратмайди-ку.

Виктор министрликдаги тартибсизликлар ҳақида гапириб берди. Министрликни қаерга бориб танқид қилишга қурби етади унинг? Қайтага ҳамма ерда — станцияларда ҳам, ишлаб чиқарувчилар йиғилишларида ҳам, парткомда ҳам унинг ўзини танқид қилишгани қилишган. У-чи? Бирор жойда сўзга чиқиб қўрсин-чи? Кейин кўраверасиз, бирорта масалани министрликда ҳал қилиб бўлмай қолади.

У ўз фикрларининг улуғворлиги ва дадиллигидан мамнун бўлган ҳолда гапини тугатди.

— Балки ҳали сен менга сиртига «эскилик тарафдори» деб ёзилган филофча тайёрлаб қўйгандирсан, бўйиннингга ола қол, шундайми? Бироқ шуни билиб қўйгинки, мен сенинг унақа филофчаларингга сиғмайман,— деб кулди у.

Андрей Викторнинг кўп фикрларига қўшилса ҳам у, бундай масалаларда ҳар ким ўз партиявий виждонига қулоқ солиши кераклигини қатъий биларди. Виктор, мунча бу ўзини гўл ва лақма қилиб қўрсатади деб кулмасин учун у энди ортиқча эътиroz билдирамади. Эътиroz билдиришдан кўра кўпроқ планни ҳал қилиш масаласи билан фикри банд эди. Унинг бутун вужудини ўртоқларига хиёнат қилишдек уят ва ҳоқулай ахволга тушиб қолиш ҳисси эгаллаб олган эди. Уз шахсий манфаати деб бутун лаборатория колективи манфаатини менсимай яксон этиб ўтиб, Викторга қўл чўзсинми? У ҳеч қандай мулоҳаза қилиб ўтирмай ана шу фикрини очиқ-ойдин тўкиб солди.

— Сен маъмурий ишларга ҳаддан ташқари кўп жон куйдиряпсан,— деди Виктор ҳорғин ва жаҳли чиқиб.

У сабр-тоқат ва алам билан насиҳатини давом этти-раркан сўзлари Андрейнинг ички қаршиликларини фа-

қат бадтарроқ жучайтираётганини сезди. Андрейнинг юзлари борган сари жиiddийлашар ва шиддатли тус олар эди.

— Айтмоқчи, доим сўрайман деб эсимдан чиқиб қолади,— тасодифан сўради Виктор.— Рита билан учрашиб турибсанми?

Бу савол шунчалик кутилмагандага ва шундай кескин бўлдики, Андрейни довдиратиб қўйди. Виктор синовчани кўзларини қисиб Андрейнинг жавоб тополмай:— Бу қанақа йўли бўлди,— деган фикрда ноқулай аҳволга тушаётганини кузатди.

Виктор мамиуният билан кўзларини ярим юниб хаёлга чўмди. Сўнг олдида сочилиб ётган докладнининг парчаларини жўрди ва уши аста тијхимлаб олиб, қўлни сават устига олиб келди-да, жўрттага ташламай турди.

— Хўш, нима дейсан?.. Менинг илтимосимни қондира оласаими?

Унинг луқмаси етарли даражада равшан эди.

— Албатта, мен беорлик қиляпман,— ноқулай аҳволда ғўлдиради Андрей, чехрасида шиддат билан,— лекин бошқа иложи йўқ, мен шу планимиз учун жучим борича курашаман.

Виктор қоғозларни саватга ташлади-да, ўзининг кишини мафтун этувчи табассуми билан аста кулди. Илтимосимни қондиролмасанг майли. Тортишиб ўтиришнинг қераги йўқ!

Андрей чиқиб кетгач, у икки кундан кейин техсовет чақиришга буюорди ва Долгинни сўзга чиқиш учун тайёргарлик кўришини сўради.

Виктор кечқурун Тонковнинг уйнга борди, ундан чиқиб Майя Устинованинига кетди. У ҳеч қачон Майянинг уйнга бормаган эди, шунинг учун сўраб-сўраб зўрга топди. Қийини аҳволга тушган пайтда у дадил, тез ва одатдан ташқарни ҳаракат қилишни маъқул кўрарди.

Майя унинг келишидан ажабланди. Аммо Виктор ҳеч қандай ортиқча гап қилиб ўтирамай асосий масалага ўтди. Лобановнинг локаторига ишониб бўлмайди, бутун йириқ олимларнинг фикри шунақа. Майя Тонковнинг мавжуд методини такомиллаштиришни ўз зиммасига олмасмикин? Бу метод реалроқ. Албатта Майянинг ётғиз ўзи ишламайди, унга профессор Тонков ҳам ёрдам беради. Барча зарур шароит тугдирниб берилади. Лобановнинг буринини ерга ишқалаш учун имкониятлар бор.

Уша вақтда Майяни ишдан тушириб яхши иш қилишмади. Бу ишдан Виктор бутунлай бехабар қолғанды, афсуски ундан сұраб қүрішмаган да. Оқибатда лаборатория жуда ёмон ахволга тушиб қолди. Аввалин ҳолига бутунлай ўхшамай қолған...

— Водопровод қуриш түғрисида югуриб юрганларимиз есингиздами?

— Эсімда... Лекин мен ҳеч ишмага тушуполмай қолдым, Виктор Григорьевич, ахыр Лобанов сизнинг дүстүнгиз-ку?

Майя белапчакда аста тебраниб ўтирад, уннан сепкіл тошған құллары эса кресло суюнчиғини маңқам ушлаб олған эди. Виктор диванда ўтиаркан, қаршиисида осиғлиқ турған суратта күз ташлади. Бу — Майяниң әри эди. У дәнгизчи, ҳозир ҳам десигизда, сафарда.

— Айтгандай,— деди Виктор,— кечқуруулари зерін-каётгандырып дейман... Бу ишга жон-дилдиниз билан киришиб кетсанғиз жерак деб ўйловдым. Фақат сизгина Лобанов билан рақиблик қыла оласиз.

Майя ўйланиб қолди. Уннан өчірасида аста-секни хаёлчанлық аломатлари пайдо бўла бошлади.

— Хўл, майли, мен жон деб оламан... Лекин, Лобанов... айтмоқчи, жуда оғир бўлади-ку...— у кулиб юборди ва баланд овоз билан деди.— Хўл, яхши,— кейин бир нарса эсига тушгандаи, Викторнинг кўзларига тикилиб қолди.— Лекин барибир, мен ҳеч нарсага тушунмаяпман...

Виктор, ҳозирнинг ўзида уни ишонтира оладиган далил топиши кераклигини сезиб қолди.

— Кишида шундай ҳис-туйғулар ҳам борки, у дўстликка нисбатан ҳам кучлидир,— деди у жииддий ва хаёлга чўмған ҳолда, гўё яна аллақандай дадил ва кучли сўзлар айтмоқчи бўлгандаи юзида кескинилик пайдо қилиб.— Сизга яхшилик қилгим бор эди.

Майя қизариб кетди. Виктор кўз қири билан уни кузата бошлади. «Қомати чакана эмас,—деб ўйлади у.— Юзларининг бир оз қони қочғану, аммо қомати қойил экан-да, кўзлари ҳам ёмон эмас».— Мен сизга айтсам Майя,— у ғамгин жилмайди,— ҳар бир ишнинг ичидан ўз шахсий мағфаатингизни излаб топинг.

У, шундай ғамгин назар билан тикилар эдики, гўё бу тикилишларнинг ўзи жуда кўп ажойиб гапларни айт-ётгандай ва айни замонда ҳеч нарса айтмаётгандай эди.

Виктор шундай усталик билан гапирав эдики, чинакамига азоблана бошларди. Тўғри, ҳақиқатан ҳам у алам чека бошлади, чунки Майя унга эътибор бермаган эди. У бу жувондан ҳам қандайдир ёқимли ва илиқ сўзлар эшишини истарди.

— Маъқул, Виктор Григорьевич, ишга киришганим бўлсин,— деди ўзини босиб Майя, ўнгайсизланиб ундан кўзини олар экан.

«Тўхта,— деди Виктор ўзига ўзи,— ҳаддингдан ошма».

### ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Нина Цветкова ўнинчи синфи битиргач, Технология институтига кириш учун ариза берди. У ерда конкурс катта бўлиб, билетдаги савол тугагач, чинакам сўроқ бериши принципи билан кириш имтиҳони олиниар эди. Ўқитувчилар атайи ташлаб қўйилгандаи — ҳаммаси инжик чоллар ва ҳадеб жонга тегадиганлар сараланган эди. Бундай вақтларда,— дерди Нина,— адолат бўлармиди. Умуман олганда, имтиҳонларда олинган баҳо кишининг билимига боғлиқ эмас...— деб ўйларди у. Нина имтиҳонлардан йиқилгани учун қайфурмади ҳам, аксинча, бир-икки йилгина дам олишни маъқул кўрди. Сўнг секретарь бўлиб ишга кирди. Бу вазифа жуда қулинг ўргилсан, жонон вазифа экан, атрофида кўркам, хушкўнгил кишилар, ҳамма унга зўр эътибор билан қарайди, денг.

Бунга қадар у мактабда ўқир ва унча қобилиятли ўқувчилардан эмас эди, бу ерда эса у бирдан: менинг энг муҳим томоним қийин масалаларни еча олмаслигимда эмас, балки кўзларимнинг порлаб туришида, сочларимнинг кўркам таралганида экан, деган фикрга келди. У бу ерга келгандагина биринчи бор ўзининг ёш, келишган ва чиройли қиз эканлигини ҳис этди. У бирданига бир нечасини ўзига мафтун этишни, уларнинг бир-биралидан рашк қилишларини, ажойиб хатлар ёзишларини ва ҳар куни кечқурун гоҳ танцага, гоҳ театрга таклиф қилишларини жуда, жуда ёқтирас эди. У ҳеч қандай мақсадга интилмас, фақат ҳамма унга ошиқу бекарор бўлганилиги, сертакаллуфликлари, унга етишмоқ

иниатида урингаплари учун ўзиниг фоят баҳтиёр ҳис қиарди, холос.

Лекин фақат бир парсагина уни ранжитарди. Бошқармадаги ходимлар биринчи навбатда унга секретарь сифатида такаллуф қилишар, аммо Нина билан танишган бегоза ёш йититлар эса нимагадир биринчи навбатда унинг ким бўлиб ишланини суринширишар, кейин секретарлигини билгач, эътибор ва муомалаларида қандайдир ўзгариш пайдо бўларди. Нинада ўзини қўйиб берини, енгилтаклик қилиш каби ҳоллар йўқ, у буига йўл ҳам қўймас эди, аммо йигитлар аллақандай сирни «сезгандай» бўлишар, оқибат орадаги муносабатлар билан чекланиб қоларди. Хуллас, бу чинакам ҳистайгулар бўлмай, бачканга ҳис-туйғулар эди.

Улар учун таңца, кинолар фақат дам олиш бўлса, Нина учун ҳақиқий ҳаёт ишдан кейин бошланарди.

«Лаборантка» сўзи «секретарь» сўзидан анча обрўлироқ эшишиларди.

Шундан кейин, Нина одамлар сўраса хўрсаниб, чарчаган қиёфада:

— Электролабораторияда ишлайман,—дейдиган бўлди.

Агар текшириб кўрсангиз бу хўрсанишининг тагида ҳақиқат ётарди. Дарҳақиқат, лаборантлик иши ифлос, оғир бўлиб, унинг ҳеч қандай қизиқ ери йўқ экан. Куйган изоляция нусхасини бузиб, тузатишни буюришади, асбоб кўрсаткичларини ёзиб, стенд олдида соатлаб ўтиришга тўғри келади. У Майя Константиновнанинг ҳамма гапларини илиб олишига уришарди.

— Тушунарли!— деб жавоб берарди Нина, янида эса «Зигирдай тушунган бўлсам ўлай агар» дерди.

Ҳаммадан ҳам йобановнинг унга зеҳи қўйиб қараши уни ўнгайсизлантириди. У унинг ёнидан ўтар экан, ҳар сафар ёнида тўхтаб нима қилаётганини ва нима учун қилаётганини суриншириларди. Дастрлабки пайтларда Нина ўзини бу ишга алоқаси йўқдай кўрсатиб, эътиборсизигина: «кўриб турибсиз-ку нима қилаётганимни...» деб қўя қоларди. Аммо бошлиқнинг дикқатидан осонлик билан қочиб кутулиш маҳол эди. Ҳар сафар у нима учун анови тармоқни үламай, буисини уладанингиз, деб суриншириларди. У жетгандан кейин Нина ҳеч нарсага тушунолмай бўши қотарди. Дарвоқе, баъзи кишилар худди шунақа

усул билан қизларга ёндашадилар, бирок Лобанов унинг ташқи қиёфасига ҳеч эътибор бермасди. Бу ҳам Ниининг жиғига тегар эди.

Дигдли-фаросатли хотинлар қай йўснида кийиниш бялан бирга, қандай кийимни киймасликни ҳам биладилар. Ниин энди ўзини башанг, зебо хотинларга тақлид қилишга ўтди. У эгнидаги янги шойи кўйлагини худди Майя Константиновнанидақа ҳаво ранг халатга алмаштиши, сочларини ҳам тўғри фарқ очиб, силлиқ қилиб тараидиган бўлди. Янгича маникюрлар учун курашни тўхтатди ва йиғлагудек бўлиб бодомсимон узуни тирноқларини қирқтириди. У бутун қиёфасини ва ҳатто чеҳрасида жиддий табассум ясашгacha ўзини Майя Константиновнага тақлид қила бошлади. Фақат Майя Константиновнадаги ҳар бир ишга осойишталик, босиқлик ва ишонч билан ёндаша билинш хислатларига у ҳамон тақлид қила олмаган эди.

Лобановнинг комсомол мажлисида қилган доклади куттилмагандага Ниинага кучли таъсир қилди. Энди унинг шахсий ҳаёти ўзига ширасиз, ҳеч кимга кераксиз; ортиқча бўлиб кўринди. Шунинг учун ҳам эртасига ўзини институтга ўқишга юборишларини талаб қилиб, Лобановнинг олдига кирди. У бундан бир соатча аввал қабул қилган қарорини бажаришга қатъий бел боғлаган матонатли одам сифатида бошлиққа мурожаат қилди.

Лобанов ёзув столи ёнида бошини икки қўли орасига олганича маъносиз, ҳорғин қаюаш билан Ниинага тикилиб ўтиради. Унинг олдида бинафша ранг папка ва очиб қўйилган журнал ётарди.

— Келишмаган гап,— деди хаёл билан, Нииннинг гапини маъқуллагандек бош силкиб.

Қиз ҳайрои бўлиб жим қолди. Андрей унга бу ҳақда оғиз очмаслигини сўраб ялинаётган ғашидай телмуриб қараб ўтиради. «Тентак экан-ку,— деб ўйлади қиз,— худо ҳақи, тентак».

— Мени кечирасиз,— Лобанов бошини яна силкитдида, ҳовлиқиб деди:— Албатта ўқиш керак. Иш оғирми?

— Енгил эмас,— иқрор бўлди Ниин, шима учун бу хил савол берилганига тушуниб етмай.

— Фақат ишдан қочиш учун шундай қиляпсиз деб қўрқяпман-да,— Андрей ўзини босиб, гапнинг мэромига тушшиб олиб.— Мен ўзимдан қиёс қиласман. Гап шу ерда қолсин-ку, мен ҳам баъзан шунчалик хуноб

бўлиб кетамайки, ўзимга қолса жон деб институтта чо-пардим.

— Сиз-а? — ишончсизлик билан сўради Нина.

— Ҳозир жуда қизишиб турибсиз, лекин бу ҳолатинг-из ҳўл ўтинга керосин сепганга ўхшайди. Ҳафа бўлмадингизми? Институтда ҳам ўзига яраша қийинчилклар туғилади, кейин у ердан ҳам бирор ёққа қочишга тўғри келармикин.

У стол орқасидан чиқиб келди-да, гавдаси билан бутун хонани тўсиб, унинг қаршисинга турди.

— Институтсиз яшай олмайдиган бўлганингиздагина, ўз ихтисосингиз кечалари тушларингизга кириб чиқадиган, усиз дунё сизга қоронги кўринадиган бўлгандагина институтта борсангиз бошқа гап. Бугун тушингизга нима кирди ўзи?

Нина қизариб кетди ва икковлари кулиб юборишди.

— Яна бир оз бирга ишлашайлик.. Қачонки, сизга бу ер торлик қилиб, биздан ўрганадиган нарсангиз қолмаганида олдимга келинг — ўшанда албатта рухсат бераман.

Нина унинг дағал ияги ва кўкимтири томирлари уриб турган ингичка бақувват бўйнига қараб турарди. Трикотаж кўйлагининг ёқаси ёмон дазмоллангани учун ғижимланган эди. Уни кўрган Нина «ўзи дазмол қиласа керак», — деб ўйлади.

Рейнгольд бригадаси келган гидростанция аҳоли яшайдиган пунктдан узоқдаги ўрмонга жойлашган эди. Баланд тўғон устидан ўрмоннинг узоқ-узоқларга чўзилиб кетган қора-яшил четлари кўзга фира-шира кўринарди. Дарё бўйига жойлашган бекат посёлкасида кичик-кичик уйлар оқаришиб туради. Майнинг ўрталари. Қайнилар зангори япроқлар билан безанган. Шумуртлар гуллаган. Ҳаво очиқ ва иссиқ. Нина бутун бўш вақтларини атрофни кезиш билан ўтказарди. Унинг ёлғиз юргиси келарди. Бу сукутга чўмган ўрмон, тип-тиниқ осмон унинг кўзларида бехосдан сабабсиз ёш пайдо қиласарди. У, бирор кишига кўнгил қўйиб севмаганлиги, ёшлиқ чоглари бекор ўтиб кетаётганилиги ва ўзида кучли, чинакам ҳис-туйғулар йўқлиги тўғрисида кўпроқ ўйланарди..

У ёшлигига отаси билан ҳафталааб ўрмондан чиқмай қолиб кетган вақтларини эслади. Отаси ўрмончи бўлиб ишлар эди.

Бу ерда, мусофиirlар уйида у жуда эрта уйғонар, шақирлаб овоз берадиган темир обдастадан ювинарди. Сув жуда мазали, зирқиратадиган даражада муздек бўлиб, у ёшликни эслатарди. Яланг оёқ Нина тичирлайдиган зинапоядан тушиб келарди-да, остонаяда ўтириб, дарёning уйқудан уйғонишини кузатарди.

Баъзан у ўрмонга кетаётганида орқасидан Саша Заславский ҳам эргашар, гоҳо Борисов ҳам қўшилиб қоларди. Нина уларни ўрмоннинг узоқ ичкарисига олиб кетишини ёқтиради. Бу ерда у ўзини ўрмоннинг эгасидек ҳисқиларди. Нина уларни ўрмонда ўсадиган ҳаво ранг ва оқиш бинафшалар теришга, айниқса камдан-кам учрайдиган сарғини тусдатисини теришга қистарди. Кекса қора қарагай ёнига сочиб ташланган тўнғизёнгоқ пўстлоқларни — «Олмахоннинг ошхонаси»ни уларга кўрсатарди. Сўнг улар шоҳлар ичига яшириниб олишар ва қизғиши рангдаги олмахоннинг сакраб тушиб, олдинги оёқлари билан тўнғизёнгоқ уругини ушлаб олиб, уни тез-тез кемиришини томоша қилишарди.

— Эҳ, милтиқ бўлганда эди-я,— деб ачинарди Борисов.

ГЭСдан бир неча километр инарида катта кўл ҳам бор эди. Саша аллақаёқдан қайиқ топиб келди-ю, Нина иковлари кўлии саир қила бошлашди... Нима учундир, ёмғирдан сув юзида пуфакчалар пайдо бўлса, ёмғир жалага айланар эмиш, дейишади. Ҳақиқатан ҳам қунларнинг биринда ана шундай пуфаклар пайдо бўлди-ю, кейин ёмғир шаррос қуя бошлади. Улар кўл ўртасида кичкинагина оролчалардаги арча тагига яшириниб, худди бирор ўт ёқиб қайнатаётгандай пуфакчаларга тўлиб кетган кўлни томоша қила бошлашди. Нинанинг жўйлаклари шалаббо бўлиб кетди, аммо у ачинмас ва ачинарли бўлмагани учун ва бу ҳолда бирор кишига ёқиши-ёқмаслиги ҳақида ғам емай, кўлини томоша қилиш қанчалик гаштлигидан завқланарди. Лекин ўзининг ёқишига албатта ишонарди. Нина Сашанинг қалин лаблари, калта, қўнғир сочларини яхши кўрса ҳам, бироқ ҳозир унинг учун бу аҳамиятсиз эди.

Қирғоқда чиғаноқлар сочилиб ётарди. Нина уларнинг

иции ёриб, шишик қуртнинг гашини келтира бошлади. Саша яналоқ тошлар олиб сувга отар, у сув бетида сакраб-сакраб ўтиб «қаймоқ» ҳосил қиласр эди — ана, икк... уч... тўрт «қаймоқ»!

— Ҳайроиман,— деди Саша,— бу ерга келганимиздан бүён бутунлай бошқача бўлиб қолдинг.

— Бу ерга деганинг қаер? Кўлгами?

— Йўқ, ГЭСга... шаҳардалигингга қараганда... бирмунча жиҳдий бўлиб қолдинг.

Нина қўлидаги чифаноқни нари отиб, хаёлга чўмган ҳолда сўради:

— Сенга Майя Константиновна ёқадими? Яхши одам-а?

— Менга сарғич сочли қизлар ёқади,— деди Саша шилқимлиж билан.

Нина такаббурлик билан уни бошдан-оёқ кузатиб чиқди.

— Билиб қўй, соддадил бўлолмаган одам қобиляйтисиз бўлади.

Бу сўзни у Майя Константиновнадан эшитган ва ўзи ҳам бир неча марта ўрнида ишлатиб қойил қилган эди.

— Майя Константиновна қобиляйтли инженер,— деди Саша,— аммо ундан кўра Лобановни ёқтираман.

— Унинг нимаси яхши? — деб кулди Нина ва Саша Лобановнинг яхши томонларини тасвирилашини иштиёқ билан эшитди.— Сен нимани билардинг, менимча Лобанов бафритош одам бўлса керак,— дея ҳулоса қилдида, дарров тапни бошқа томонга бурди.

Саша ҳеч нарса сезмади, у ўз пиджагини Нинанинг елкасига ташлаб қўйгани учун қиз қаршилик кўрсатмагани ва қайиқини яхши ҳайдашликда унинг мақтавига сазовор бўлганилиги учун нақадар бахтиёр эди.

Ёмғир тиниб, ҳаво чарақлаб очилиб кетгач, улар қайиққа ўтириб осмон акси тушиб турган теп-текис кўл юзида сузиб кетишли. Бутун бир осмон кўл устига кўчиб тушгандай, улар булувлар устидан сузиб боришарди. Нина сувга эгилиб, қумуш тоғлар орасида ўз аксини, пахмайиб кетган соchlарини кўрди. Қирғоқ яқинига сузиб келишганда эса, сув бетида дарахтларнинг акси жилвалана бошлади. Нина қўлини сувга тиқиб, қора қарагайларнинг учини ушлагандай бўлди. Сувда ҳамма нарса остин-устун ва тескари бўлиб кўринарди. Ажабо...

Нега сен эътибор бермаган кишинингга ёқасан-у, ёқтирган кишиниг сенга ҳеч парво қилмайди?..

Саша станцияда ўзини мезбондек ҳис қиларди. У Нинани станицяниш барча шиндоотлари билан таништира, улар тўғон ичидаги йўлакка тушиб боришарди. Бу ердан совуқ зах ҳиди анқиб турар ва устингиздан кўпикланиб бир олам сув ўтаётганини ҳис қилишнинг ўзи қанчалик даҳшатли туюларди. Тўғон устидаги кўприкла туриб томоша қилиш эса ҳаммасидан ҳам қизиқ. Тўғоннинг бетон тароғи дарё сувини тараб бир қанча шалолалар ҳосил қиларди, кейин улар оёғингиз остида, пастда, худди қутургандай гувиллаб гирдоб ҳосил қиларди, Бетонли сув дарвозаси устида эса майдада сув томчиларидан ҳосил бўлаётган туман ҳавода муаллақ турар, юзингизга совуққина келиб урилар, ранг-баранг камалаги кўзни қамаштирар эди.

— Қанча сув бекорга йўқ бўлиб кетяпти-я,— қинчқириб гапирди Саша.

У, нега энди тўғонни баландроқ қилиб қуришмаганин, бу баҳор сувини ҳам сақлаб қолишарди-ку, деб куйинди.

— Гидротехникларингдан ҳам хафа бўйдим-ку,— дерди у аlam билан,— ўр, пультга боремиз, мен у ердаги ускуналарнинг ҳаммасига тушунаман.

Марказий пульт ҳақиқатан ҳам ажойиб эди. Ҳамма электростанцияларда ҳам пульт унинг фахри ҳисобланади. Ҳеч қандай бинога пультга қилинадигандай ғамхўрлик қилинмайди. Бу ер ниҳоят даражада озода. Ҳар бир ўй бекаси ўз уйини худди мана шундай ярақлаб туришини истаса керак. Мармар панеллардан тёртиб сим тўрлари остидаги энг сўнгги болтларгача ёниб, портаб туради. Ҳатто бир неча йиллардан буён смен алмашиб турган қоровуллар ҳам пультининг бу хилдаги ёғ томса ялагудек озодалигига қараб тўймайдилар. Нинага ўхшаган янги одамлар эса оғзини очиб қолади.

Самописец перолари эса ойна орқасида сезгирилик билан қинғир-қийшиқ чизиқлар тортар, турли рангдаги сигнал лампочкалари лип-лип ёнар ва асбобларнинг стрелкалари ўз тилларида пицирлашиб сўзлардилар. Пультининг бир томон девори ойнаванд бўлиб, ундан машиналар зали яққол кўриниарди. Қора соябонга ўхшаган азамат генераторлар бир меёрда гувиллайди.

Пульт панеллари орқасида бўлаётган ҳаракатни айтмайсизми? Бу ердаги бир-бiriга ўралашиб кетган сонсаноқсиз симлар, контактлар предохранилларнинг ҳар бири фақат инсоннинг ақли билан ҳаракатга келаётганини бир тасаввур қилиб кўринг-чи!

Нина Сашага ҳурмат билан қаради.

— Мен ҳам ҳали унча билмайман,— дадил иқорор бўлди у,— аммо Борисов...

Аммо Борисов билан Рейнгольдлар ҳам Сашанинг фикрича Лобанов олдида ип эшолмасдилар.

— Уни қаранг-а,— деб тегажоғлик қила бошлади қиз,— Лобанов эмиш!

Бироқ Саша станцияга келганидан бўён қайсар, кишининг сўзига кирмайдиган бўлиб қолди, Борисов айтганидек, у «ҳамма аламини Нинага бўлган севгисидан оларди».

— Менга Морозов нима деганини биласанми?— деди бидирлаб Нина,— Лобановига ким бўлибди, битта амал-параст жаръерист-да. Унга бизнинг кучимиз билан ўзининг локаторини битказиб ғолиш бўлса бас,— деди.

— Морозов мурт ғийбатчи. Биз унинг таъзирини бериб қўйганмиз, шунинг учун валдирағани валдираған! Наҳотки сен ўшанинг гапига ишонсанг?.. Нина, менимча, сен ҳаётдан орқада қолаётган одамлар таъсирида қолганга ўхшайсан...

Ҳар сафар Лобанов ҳақида гап очиладиган бўлса Нина Сашанинг жигнига тега бошлар, аммо унинг Лобановни кўкларга кўтариб мақташларини ҳузур қилиб тинглар эди. У Борисов билан Рейнгольдин ҳам худди шу хилда ўз илмогига илинтиришдан тоймас эди, лекин улар оғирлик қилишар, гапни кўп чўзишмасди. Шуни ҳам айтиш керакки, Рейнгольд сўнгги вакътларда аича гапга аралашадиган, дилкаш одам бўлиб қолди. Лабораторияга келган биринчин ойларда унинг оғзидаи бир сўз эшитиш амри-маҳол эди. Яқиндагина Саша бу ердаги пультни мақташга киришганда, Рейнгольд жуда узоқ масофада туриб боциқариладиган катта станциялар ҳақида ҳикоя қилиб берди. Станцияларнинг азамат дарвозалари бутунлай берк бўлар экан. Станцияда бирорта тирик жоч кўринмас, генераторларнинг ўzlари бемалол ишлайверарканлар. Пульт эса юзларча километр узоқда — Москва ёки Ленинградда жойлашган бўларкан-да, навбатчи

ўша ерда турпб, станцияда нималар бўлаётганини бемалол кузатиб туравераркан.

Станциядаги иш Нинанинг ҳаётида энг биринчи қизиқарли иш бўлди. Айниқса, ремонтдан чиққан автоматни сиювдан ўтказилган кун ҳеч қачон унинг ёдидан чиқмаса керак. Ўша куни Рейнгольд чарчаган, бўздай оқариб кетган ва ҳаяжонли бир ҳолатда жилмайиб включателни буради. Унинг қўллари қалтирас эди. Нина асбобдан кўзини узолмас, ҳозир нималар бўлишини гўё олдиндан кўриб турарди. Лекин барибир генераторнинг аста ишга тушганини биринчи бўлиб у эмас, бошқалар сезишди. Энг биринчи бўлиб Борисов: «Иш тамом» деди. Дастрўмолини олиб кафтларини артди-да, Рейнгольднинг қўлини маҳкам қисди.

Эркакларнинг кўнгли тош бўларкан-да. Шунчалик ҳаяжон, сабрсизлик билан кутилган орзу амалга ошапти-ю, бир-бирларига дурустроқ бир гап айтишолмайди-я. Бу ажойиб минутни тўлқинланиб кузатаетгани Рейнгольд ва бошқа ҳамма учун Нинанинг кўзларидан севинч ёшлари тирқиради. Ўмрида ҳеч қачон бундай баҳти дамларни кечирмаган эди.

Станция ходимлари келиб табриклиша бошлади. Бу табрикларни кўпинича Саша билан Нина қабул қиларди, чунки Борисов билан Рейнгольд нимадандир кўнгиллари тўлмай бир-бирлари билан пичирлашишар, Нинага ток кучини яна ҳам ортдиришни, пружиналарни созлаш — тартибга солишни буюриш билан банд эдилар...

Автоматни қабул қилиш комиссиясига бошлиқ бўлиб Потапенко келди. У Нинани кўриб узоқдан кулиб қўлини силтади.

— Оҳо, эгниигизда жомакор, бошингизда рўмолча... Сизни таниб ҳам бўлмайди.

Шу холосми?.. Яқинроқ келишга уялдингизми? Секретарь бўлиб ишлаётган пайтда эса хушомад қилас, машинасида олиб юрар, атиrlар совфа қиласарди. Ҳа, энди... ишлик одам-да... Ҳа, қуриб кетсин. Эркакларга ишониб бўлармиди, ҳаммаси алдамчи... Ҳар ҳолда Лобанов ундейлардан эмас. Лобанов эсига тушиши билан нимагадир яна Нинанинг кўнгли ёришиб кетди. Дарвоқе Лобановнинг бунга ҳеч даҳли бўлмаса керак, ўзи бугун шунақа, руҳнингга завқ берадиган кун.. Нихоят Рейнгольдни расмий равишда табриклиша бошлашди,

Потапенко фан билан техниканинг ҳамжиҳатлиги ҳақида ажойиб гаплар айтди. Кейин станция директори чиқиб, бутун бригадага ташаккур изҳор қилинган буйруқни ўқиб берди. Нина ўз фамилиясини эшилди. Шу ерда турғайлар ўғирилиб унга қаради. У қизариб кетмаслик учун, бошини Саша томонга эгди-да, жаҳл билан тирсагини қўйиб юборишини сўради.

Автоматиниг локланган узуичоқ яшиги ён панелга болтлар билан қоқиб қўйилган эди.

«Эртага бу ердан жўнаб кетишади,— деб ўйларди Нина,— автомат эса шу ерда ишлаб қолади. Кейин яна қачонки у шу ерга келадиган бўлса биринчи навбатда навбатчидан фаҳр билан: «Хўш, бизнинг автомат қалай ишляпти? Хурсандмисиз?» деб сўрай олади. Унга «Раҳмат, сизга,— дейиншади.— Ишимизни жуда осонлаштириб бердингиз, жиопкани боссак бас...» Афесуски Лобанов келмади-да, буйруқда унинг номини эшитиб, у хам унга ўғирилиб қараган бўларди.

Унинг хаёлини Рейнгольд бўлиб юборди. У Нина билан ёима-ён ўтирас ва бутун танаси қалтираётгандек эди. «Мўқ, мен бунга чиғдолмайман,— дерди у Борисовга,— бу нима деган гап, ахир, ўртоқлар...»

Уларнинг гапидан маълум бўлишича автомат устида ишлашни яна давом этдириш керак экан-у, аммо станция ходимлари ва комиссия эса шу бирдан-бир нусхани ишга туширилсин, деб қарор чиқарган эканлар.

— Мен ҳозир сўзга чиқаман,— деди Борисов.

Рейнгольд унинг қўлидан тортиб тўхтатди.

— Бўлмаса, ўзингиз сўзга чиқинг,— жаҳл қилди Борисов.

Нина, Рейнгольд сўзга чиқиб бўлибди,— дегандек кулиб қўйди. «Иш пачава бўлади», деб ўйлади у. Лекин шу пайт Рейнгольднинг ҳафсаласи, пир бўлгандай бир қўл силтади-да, ўриндан туриб сўзлай кетди. Ҳозир унинг қиёфаси ёниб турган ҳўл ўтинга ўхшар ва чала ўчган ўтии сингари чирсиллар, пишиллаб, учқуналар сочарди.

Навбатчи техник Жора Галстян кўзларини ўйнатиб, Саша Заславскийнинг қулоғига пичирлади.

— Шахсиятпарастлик қиляпсиз, уят. Сиз уни гижгижлаб қўйдингиз.

— Автомат фақат сизлар учунгина зарурми?—

жаҳл билан деди Саша.— Уни қайта ишлаб, кўнайтириш керак, ҳамма станицяларга ҳам ўринатилсени-да...

— Бошқасини ишлаб кўнайтираверинг, бизга шуниси ҳам бўлади.

Улар овоз чиқариб сўкишга ўтишди, Рейнгольдиниг нима деяётганини эшишиб бўлмасди. Чунки у Потапенкоға яқин туриб, фақат ўшашга қараб гапирар, кичкина суякдор муштумини унга жўрсатар ва бурининг остига олиб келиб тиқар эди.

Саша эса гап давомида Нинани гувоҳликка имлар, аммо у оғиз очмай, жим ўтиради. У ичиди Жора Галстян тарафдори эди. Нина ишлар битгач, пайдо бўлган маминуллик кайфиятининг бузилаётганига ачинарди.

Нега энди Рейнгольд шундай ажойиб күшини бузди?

Потапенко ўриндан турди ва Рейнгольдиниг сўзини бўлиб, асбобининг ишу станицяда қолиши, кейинги масалалар алоҳида ҳал қилиниши ҳақида қатъий гапирди.

— Иложини қиласиз,— деди у, аммо унинг бу гаплари ҳозирги жанжални тўхтатиш учун айтилаётганини ҳамма билиб турарди.

Жора Галстяннинг оғзи қулоғида эди.

— Эшитдингми?— деб гап қотди у, Сашага.— Масалани давлат принципи асосида ҳал қилишни ўрганиб қўй.

Борисов Нинани четга чақирди-да, уни тезда шаҳарга бориб, Лобановни топишини ва ўнинг бу ёққа шошилинич телеграмма юборишини айтишни уқтиради. Унинг ёнига келган Рейнгольд енгилган кишига асло ўхшамасди. Бу одамда пайдо бўлган шунчалик ўзгариш Нинани ҳайрон қолдирди. Унинг ҳаракатлари эркинлашиб, овози баландлашган, шапкаси ёнга бурилган, кўзлари худли нимадандир жуда хурсанд бўлган одамнинг кўзларидаи толибона ва қувноқ боқарди. У ичидан тўлқинланиб, чала қолган сўзини давом эттираётгандай, гапини ярмидан бошилади:

— ... Наҳотки мен станицани улардан камроқ сезам.

Станиця инженерларидан бири келиб ўнинг елкасига қўлини қўйди ва таинвишланиб деди:

— Биласизми, Рейнгольд, гапларнингиздан Виктор Григорьевич хурсанд бўлмади.

Рейнгольд елкасини тортиб олди:

— Шундай денг? Яхши бўпти.— Борисовга бурилиб

олди у.— Уларинг ташаккурномасини мана бундай қилиб...— У буйруқни юлиб Борисовнинг бурни остида силкиди-да, аламли завқ билан фижимлаб ташлади.

Борисов аста пешонасини тириштириди.

— Нима қиласан, бургага аччиқ қилиб!..

Нина шаҳарга якшанба куни эрталаб етиб келди. Перронлар одамлар билан тўла. Электропоездлар дам ўтмай қисқа-қисқа гудок чалиб перрондан кетиб турибдишлар. Нинанинг ёнидан чемодан, волейбол контоклари кўтарган қувноқ ёшлиар тўп-тўп бўлиб ўтмоқдалар; кишилар эгнидаги турли франгдати костюмлар, мороженоечи аёлларнинг қичқиришлари бир-бирига қўшилиб, жимжит ўрмондан қайтган Нинанинг қулоқларини кар қилар, кўзларини қамаштирас эди.

— Ия, мана бу Нинахон-ку!— деган овоз эннитилди бирдан ва киминингдир қўли унинг елкасига тушди. Бу Лепъка Морозов ва унинг ўша эски үлфатлари өди. Улар Нинани ўзлари билан деңиз бўйига боришга қистай бошлашди. Улар қизнинг иш кийимида бўлганини ҳам илтифот билан кечирдилар. Ахир якшанба куни қанақа иш бўлиши мумкин! Ишла, аммо эшак эмаслигингни ҳам унутма! Нина ўзининг қатъий бўлиши кераклигини сезганга қадар йигитларнинг таклифини рад этолмай турди. Сўнг у аламон орасини ёриб ўтиб бораркан, ҳар эҳтимолга қарши атрофга диққат билан кўз ташлай бўшлади. Узун бўйли, кенг елкали, енги калта кўйлак кийган бир киши хотинини қўлтиқлаб турниб поезд жадвалини ўқирди. Унинг хиёл әнгашган елкаси Нинага жуда ҳам танишга ўхшаб кўринди. Бугун якшанба-ку, Андреј Николаевич ҳам сайилга чиқиб кетаётган бўлиши мумкин-да. Нина йигит қўлтиқлаб турган хотинга ғараз билан қия боқиб, унинг томирлари туртиб чиққан оёқларини, беўхшов белини кўздан кечирдида, олға шошилди.

У эркакнинг ён томонига ўтиб қараган эди, узоқни кўролмайдиган кўзларини қисиб турган эчки соқол бегона бир одамни кўрди. Шунда Нина ўз қувончидан ўзи уялиб кетди.

У, вокзалдан тўппа-тўғри Лобановнинг уйига жўнади. Трамвайдаги борар экан, кимнинг олдига кетаётганини аниқ тасаввур қила бошлади ва кўнгли бир бош-

қача бўлиб кетди. Довдираб қолинига келгандаку, у албатта ўзини тутинига қурби етади. Лекин оёғидаги туфлиси наст пошиалик эканда. Аслида, уйга югуриб бориб, бошқатдан кийиниб келса бўларкан. Костюми ҳам унча ўзига ёнишмай турибди.

У Лобановнииг эшиги олдинга бутунлай кўнгли ғаш бўлиб яқинлашиди.

Лобанов уйида йўқ экан. Дўмбоққина, қизил юз қизча эсанкираб турган Нинанинг юзига ёқимли қардида, уй ичкарисига қараб қичқирди:

— Ойи, Андрей амакини сўраяптилар. Сиз бизникига келдингизми? — деди ў Нинанинг қўлида чемоданин кўргач.

— Тания, нега меҳмонни ичкари таклиф қилмаяпсан, сўради олдинга фартук тутгани аёл йўлакка чиқар экан. Нина пима учун келганини айтди, хотин бир оз кутиб туринини сўраб, уни Андрей Павловичининг хонасига бошлаб кирди. Отам келиб қолар. У Андреининг қаердалигини аниқ билади.

Хотин қизасини Нина билан қолдиридида, ўзи узр сўраб ошҳоиага чиқиб кетди.

Нина хонани кузата бошлади. Унча катта бўлмаган узунчоқ хонанинг деразаси ҳовли томонга очиларкан. Деразанинг ташқари томонини гул экилган узун яшик эгаллаган. Уй девори бўйлаб бўйлмаган тахтадан токчалар тизилган бўлиб, улар китоблар билан тирбанд. Хонадаги буюмлар эса ўзларини бу ерда меҳмондай ҳис қилаётгандай бурчақ-бурчакларда турадилар, булар бир исча стул, күшетка, кичкинагина шкафдан иборат. Фақат сиёҳ тўқишлиб исқирилган, ҳар хил қофозларга тўла ёзув столигина, уйининг эгаси менман, деб турибди, холос. Бу ерда очиқ ётгани китоб устида, бир қути жаремель конфет ва велосипед насоси ётарди. Бу ҳол нимагадир Нинанинг кўнглини тинчиди ва у қизчага савол берди:

— Ойинг,— Андрей амакининг опаси бўладими?

— Опаси бўлади,— деди Тания ва ўзини бу меҳмон билан таниш ҳис этиб, уни энг муҳим ҳодисалар билан таништира бошлади.— Бобом ҳозир келиб қолади. У уй хўжалик идорасидаги ишига кетди, улар ўйинчоқлар кутубхонаси очишмоқчи. Уни Бобом ўйлаб топган... Андрей амаким бу жуда ҳам яхши... ҳалиги... ташаб... ташаб... дедилар,— дудуқлашиб қолди Тания.

Нина кулиб, унинг сўзини тузатиб қўйди.

— Ташаббус, дегин.

У стол олдига келган эди, Маяковскийнинг девордаги кучук боласи кўтариб турган портретига қўзи тушди. «Бугун Маяковскийнинг китобини сотиб олганим бўлсин», деб ўйлади Нина.

Андрей эрталабдан бери Халқ кутубхонасида америка журнallарини титиб ўтиради.

У нешонасини тириштириб водород бомбаси тўғрисидаги ахборотларга кўз йоғуртириб чиқди. Авторлар иссиқ таъсириниг радиуси йигирма милга стиши учун водород бомба қанчалик кучга эга бўлишини ишончсанда лиллар билан илмий равишда ҳисоблагаб чиққан эдилар. Журналларда дарёларни радиоактив суви билан заҳарлаш ҳақидаги турли лойиҳалар муҳокама қилинган эди, айниқса ер юзидағи бутун инсониятни ҳаётдан маҳрум қилиш учун «кобальт»<sup>1</sup> водород бомбасини портлатиш кифоя қиласмикин деган проблема жамоатчиликни қизқитирган эди. «Белл-телефон» компанияси ўзининг ёълон тариқасидаги хабарида ядро куролларини серияли қилиб ишлаб чиқиши мўлжали борлигини айтган. Белл... эслади Андрей... Телефонни ихтиро қилган одам. Ешлигида у кар одамларга ёрдам бериш мақсадида, эшитиш аппарати устида ишлашни орзу қилган эди. Мана ниҳоят чорак кам бир аср ўтгач, унинг фирмаси миллионларча одамларни қириб ташлайдиган аппарат устидаги иш олиб бормоқда. Дарвоқе,— ўйлашда давом этди у,— агар бизда ҳам уларникидақа бомбалар бўлмагандай у зотлар аллақачонлароқ ўз бомбаларини ишга солгани бўлардилар. Шунинг учун ҳам уларда бор шарса бизда ҳам бўлиши керак, ҳатто уларникидан ҳам қўпроқ бўлиши керак.

Андрей журналлардан доктор Рапп тўғрисида маълумот излар эди. Бундан ярим йил муқаддам Рапп сим йўллари орқали қисқа тўлқинлар ўtkазиш мумкинлиги ҳақида бир неча қизиқ мақолаларини бостирган эди. Маълум бўлишича Рапп кўтарган масала ҳам Андрей ҳал қилаётган масалага жуда ўхшаб кетар, лекин у бошқа йўлини тутган эди. Лекин ўшандан бери унинг иши

<sup>1</sup> Кобальт — химик элемент, кумушига ўхшаган металл.

ҳақида бошқа ҳеч қандай миътумон йўл. Мене кимни ҳам, Андрей ҳамма журналистири дижону тунга тўғози кечириб ҳеч нарса тоғоммади. Рашитининг борчани шартни кетиши Андрейнинг бир оз ижаблантириб, чузишиб оғурди. Илгарилари унинг мақомалири мунтазам роҳида борсилиб турарди. Америка олимлари иштаганда иштаганда ўтган йилги обзорида доктор Рашитининг Андрея Кушнира Штатларининг энг талантли ёш физиолиги, дар бирни сифатида кўтаришган эди. Тўғрисини айтсанда, Андрей ўзининг шундай рақиби борлиги учун ҳам ишни жалолатиб юборга эди. Балкан шунақи йўлинига тоб буландиганларининг чиқиб турини ҳам яхши экан. Иши унинг ишнинг маҳфийлаштирилдимикини? Ишониб бўлмайди. Унинг илмий асарлари ҳозирча фақат назарий характерга эга эди, холос. Андрей ўзининг некрологларни ўқиётганини сезиб, кулиб қўйди: тирик жонга ишониб бўлдими, Раппга бирор нима бўлиб қолиши ҳам мумкинда, касал бўлгандир, бошлиғи билан тортишиб қолгандир, ёки бирорта тўқсингликка дучор келиб қолдимикин? Лекин қандай тўқсинглик бўлиши мумкин?

Шу пайт у ўз столи олдида Нинани кўриб қолдию, унинг пайдо бўлишига ҳеч қандай ажабланмай-нетмай бенхтиёр шошиб сўрашди ва бўлган воқеани ундан ўшитиши билан ўрнидан туриб кетди.

— Лазнатилар! — деди у шу заҳотиёқ ғазаби қайнаб.

У журналларни топширгунича, Нина қатор-қатор қўйилган столлар атрофида ўтирган қари ва ёшлар билан тўла ёруғ, катта зални томоша қила бошлади. Жимликни фақат китоб варақлангандаги овозлар бузарди, холос. Баланд деразаларнинг нариёғида, ташқарида серқуёш қувноқ куи. Нина шундай яхши, ёқимли дам олиш қунидан воз кечган бу одамларга тушунолмай қараб турарди. Уларнинг орасида ясаниб кийинган гўзал қизлар ҳам бор. Лобанов ҳам шулар орасида ўтирган эди. Ҳеч ким уларни шу ерда ўтиришга мажбур қиласётгани йўқдир, ахир улар истаса-истамаса зўр бериб имтиҳонларга тайёрланишга мажбур бўлган студентлар эмас-ку?..

Лобанов уни кўчага бошлаб чиқди.

— Фирт ўғирлик бу,— деб сўқинди у йўлда,— денгиз қароқчиларидек автоматтага ёнишибдилар-да. Осонгина шуҳрат қозонмоқчи бўлсалар керакда-а?

Нина нима жавоб беришини билмади. Андрей Нина томонга чўрт бурилар экан, бир-бирларига урилиб кетишларига сал қолди.

— Бунинг тезда оддини олиш керак. Бироқ, қандай?.. Яна ҳамма иш остин-устун бўлади! Яна локаторни ташлаб бировларнинг иши билан шугулланиш керак... Қачонча мени сарсон қилишади... Жин урсни! — У, катта муштумини қизнинг тумшуги тагида силкитар эди. Нина ўзининг ўрида бошқа одам бўлганда ҳам Лобанов унга шу хилда муомала қилишини биларди, лекин шунга қарамай, Лобанов ҳозир ўзининг ўқинчларини унга айтаётгани учун ич-ичидан севинарди. Ана шундай хаёл билан Нима унинг йозига қўрқа-писа қараб қўяр ва йирик қадамларига зўрга етиб, тез-тез юарди.

— Рейнгольд қойил қилибди-да! — бирдан ғулиб юборди Лобанов.— Сиз, бир ўйлаб кўринг. Оббо Рейнгольди тушмагур-ёй! Потапенкога қарши чиқиб, шундай ледими-а?

Нина Рейнгольд воқеасини қайта такрорлаб берди.

— Энди нима қилдик-а,— ўзини босиб сўради унга мурожаат қилиб, ҳа, худди Нинага мурожаат қилиб. Гапининг оҳангидан Андрей ҳақиқатан ҳам ундан ёрдам кутаётгандай эди. Нина ўзини оддий бир хабарчи деб ҳисоблаган эди, Андрей бўлса унга ўз ўртоғидай мурожаат қилмоқда. Шунинг учун унинг бирорта ақлли маслаҳат бергиси келарди. Бироқ ўчакишгандай унинг миясига аллақандай бўлмагур гаплар, масалан, автоматни ўғирлаш керак деган фикрлар келарди. Нимага энди шунчалик тентак қиз бўлмаса-а?

— Нега хўрсиняпсиз, чарчадингизми? — деди Лобанов,— чемоданингизни беринг, мен бефаҳм сезмабман ҳам.

— Ҳечқиси йўқ,— довди ради Нина,— Андрей Николаевич, бош бухгалтер ёрдам беролмасмикин?

— Бухгалтернинг нима алоқаси бор бунга?

Нина секретарлик пайтида бош бухгалтернинг ҳукмронлигини кўриб ҳайратда қоларди. Унга ҳатто энг терс ҳисобланган бошлиқлар ҳам эгилиб салом беришар, унинг сўзи ҳамма учун қонун ҳисобланарди.

— Тўхтанг, Нина,— деб қичқириб юборди Лобанов,— сиз генийсиз! Эҳ, унинг туй телефон номерини билганимизда эди.

Э, бу ҳали нима, бунақа нарсаларни истаганича топниш

мүмкин! Унинг секретарлик даврида ортдирган бирдан бир мероси ҳамма бошлиқларнинг телефон номерини ёдлаб олгани эди, мана, ниҳоят у ҳам иш бериб қолди.

Улар торгина будкага тиқилиб киришди. Лобанов бўлган воқеанин бош бухгалтерга тушунтира бошлади.

— ... Яна автоматни қайта бошдан тайёрлашга тўғри келади, бу, илмий текшириш ишини тўрт баробар қимматга туширади деган сўз.

Сўнг у микрофонни беркитди-да, кўм-кўк кўзларини ўйнатиб Нинага пичирлади:— Сўкиняпти!

Нина бош бухгалтернииг қичқираётганини бемалол эшиштиб турарди.

— ...Инвентарга қабул қилишларига йўл қўймайман!

— Янги автомат учун ҳам бир тийин тўламайсизми-а?— деб сўради Андрей.— Йўқ, сизни сўкаётганим йўқ, хурсанд бўляяпман. Ҳа, ҳа, сиз ҳақиқий фан ҳомийси экансиз. Сиз... сиз Минерва худосисиз!

Улар будкадан чиқишганда Андрейнинг оғзи қулоғида эди.

— Минерва дегатингизга хафа бўлмайдимикин?— Нина ҳам ташвишли кула бошлади.

— Чол гимназияни тамом қилган.. Кейин бунинг хафа бўладиган ери борми? Сиз ҳам Минервасиз!

Нина Андрейнинг нима демоқчи бўлганига яхши тушунолмади. Минерва нима ўзи? Ҳарҳолда яхши нарса бўлса керак.

Улар почтага юпуриб бориб, Борисовга қувончли телеграмма лоборишиди.

— Келинг, Нина, буунги ғалаба қунимизни бир нишонлайлик,— деди Андрей,— кинога борамизми?

Нина экранда нима бўлаётганини кўрмас, өшитмас эди. Унинг билаги стул суюнчиғига қўйилган, елкаси Андрейнинг елкасига бир оз тегиб турарди. Шу вақт Андрей ўзининг катта кафти билан унинг қўлини қоплаб олди, лекин у бу ишни шу қадар соддалик билан қилдиди, қиз бу ҳаракатнинг жиддий өмаслигига дарҳол тушунди. Шу дақиқадан бошлаб, Нина, яна қўлини қўярмикан деган ўмид билан қимир этишга қўрқиб ўтириди. Андрейнинг қўли жуда яқин турган бўлса керак, терисининг тапти сезилиб турарди. Экрандан тушаётган оч ҳаво ранг нур унинг юзини ёритмоқда. У картинани жуда ҳам берилиб томоша қиласар, баъзан Нина томонга бир оз эгилиб, Нинани ўзи билан кулишга ёки қайғуришга ун-

лаб қўярди. Нина қулайроқ ўтириб, қўлларини бемалол суюнчиққа узала қўйиб олди. Энди уларниг елкалари ва билаклари бемалол бир-бирларига тегиб турарди. Бироқ кўп ўтмай Андрей қизнинг қўлига жой бўшатиш учун, ўзини четга олди. Қиз эришган нарсасидан маҳрум бўлган эди. Энди унинг қўллари ёлғиз ётарди...

Қанча-қанча ёш йигитлар кинога олиб кириб, унинг билакларини қисар, бу нарса унинг кўнглига ҳуш ёқарди, аммо ўзи уларнинг шундай қилишларига илҳақ бўлмас ва кутмас ҳам өди. Ҳозир эса Андрейниг қўлини тегиб туринини ўз ҳаётидаги эиг ширин дамлардан бири деб ҳисоблаган эди. Агар Андрей қизнинг қўлларини ўзининг кенг ва катта кафтлари орасига олса, у жуда ҳам бахтиёр бўларди. Унга шундан бошқа ҳеч нарса керак эмасди.

### ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Техсоветда Лобановни Пролетарская ГЭСининг директори Калников қувватлаб чиқа олиши мумкин эди. Йиғилиш бошланишига бир неча соат қолгаида Потапенко Калниковга телефон қилиб ундан дарҳол министринг хатига жавоб тайёрлашни сўради.

— Ҳа, айтмоқчи, техсовет бор-а,— паришонлик билан өслади Потапенко,— хўп, майли, майли, бахтинг кулган экан, келмай қўя қол, бирортасини юборарсан.

У техсовет аъзоларининг рўйхатини олдига сурис Калников фамилияси қаршисига минус қўйди. Борисов ҳам бўлмайди... Энди иш жойида... Ҳар ишнинг олдидан тайёргарлик қилиб қўйган яхши. Қишиларга раҳбарлик қилмоқ— келажакни олдиндан кўра билиш демакдир. Шу вақт Викторнинг Андрейга ҳатто бир оз раҳми ҳам келди. Майли мулла бўлади. Буғун, азизим сенинг фанингдан ташқари, яна бошқа фан ҳам борлигига ва Виктор Потапенко билан курашиб осон эмаслигига бир карра иқрор бўлишингга тўғри келади. Потапенко сени бир кўппак сингари елкангдан олиб, бурнингни ерга ишқаб қўйиши мумкин. У буни ҳатто бошқа бирорнинг қўли билан бажариши ҳам мумкин.

Лабораториянинг янги иш планини тасдиқлаш масаласи узундан-узоқ кун тартибининг сўнгги масаласи эди. Андрей уларниг бу ишига қарши чиқмоқчи бўлди-ю, бироқ Калниковнинг йўқлигини сезиб, тезроқ келиб қо-

лар деган юмидда индамади. Ярим соатларча вақт ўтгач, Калмиковнинг ўрнига Красноповцев келди. Андрей уни «обрўси йўқ иттифоқдош» деб ҳисобларди.

Тамаки тутунидан уйнинг ҳавоси кул ранг тус олди. Сўнгги масалани орзиқиб кутиш Андрейнинг диққатини ошириди. Мажлис икки соатдан кўпроқ давом этарди. Техсовет аъзолари ҳам чарчай бошладилар. Профессор Тонковнинг келиши хонани бир оз жонлантириди.

— Рухсат этасизми? — деди у эшик олдида туриб янгроқ овоз билан.

Долгин ўнгà креслони бўшатиш учун ўрнидан ирғиб турди. Тонков бош инженер ва Потапенко билан сўрашди-да, бошқаларга улуғвор таъзим қилиб ўтиаркан, олдига монограмма ёзилган сариқ чарм портфелини қўйди.

— Уртоқлар, бугунги йигилишимизга Юрий Ильич Тонковни таклиф қилганимиз, — деб ваъзхонлик қилди Потапенко Андрейга қарамай. Бош инженер меҳмон олдига лабораториянинг иш планини суриб қўйди-да, паст овоз билан гап нима ҳақда кетаётганини айтиб берди.

Корхона ходимларининг Тонков билан учрашганларида ҳурмат ва эҳтиромни ўрнига келтиришлари профессорга ёқар эди. У ўзини илм мактабининг отахони деб ҳисоблар, институтга раҳбарлик қилишга, ўз фойларини тарғиб қилишга муносиб киши деб ҳисобларди. Унинг илмий иш билан шуғулланишга кучи етмас за ўни ақлга бовар келмаган нарса деб биларди. У ёшларни ишга солар, улар ҳам профессор раҳбарлиги остида улғайишар, унинг илмий ишини бажаришар, шунда, ўларни ўзига ҳамкор қилиб оларди. Ёшлар албатта бундан мамнун эдилар, бу баҳона билан илмий асарлари тезда босилиб чиқарди. Профессор турли комиссиялар, комитетлар, кенгашларга зўрга қатиаб улгуради. Унинг номига тўхтовсиз келиб турган телеграммалар, таклиф билетлари, чақириқ қофозлари ўнга ҳузур бағишлиар, иши бошидан ошиб кетаётганидан зорланишни яхши кўради. Хуллас у ўзини жуда керакли одам деб ҳисобларди. Яна ким билади дейсиз, балки фаннинг қалити ҳақиқатан ҳам унинг қўлидадир.

Ниҳоят кун тартибининг сўнгги пунктига навбат етганда кимдир электролаборатория масаласини кейинги йигилишга қолдиришни таклиф қилди. Бош инженер Лобановга қараб қўйди.

— Йўқ, албатта, шу бугун мұхокама қилиш керак,— деб қизишиб гапирди Андрей.

Андрей ўйлаб қўйған тадбирларнинг ҳаммаси плаи тасдиқланишига боғланган эди. У лабораторияда ҳеч бўлмаганда бир нечагина илмий иш бўлан шугулланишига рухсат сўраб бош инженер олдига талаблар қўйди ва ҳар сафар ҳам қандайдир даргумон баҳоналар билан унинг илтимоси рад қилиниб келди. Агар унга қатъий «йўқ» деб жавоб беришадиган бўлса, у албатта сабабини суриштириши мумкин. Йўқ, қайтага маъқуллашга тушадилар, бошлари билан ишора қилиб кўнган бўладилар-да... шу билан иш тугайди. Йўқ, тугамайди балки чўзилаверади, чўзилаверади, ҳеч охири бўлмайди, уларни айблолмайсан ҳам, чунки очик кўнгил ва самимийлик билан: «албатта, албатта, планни тасдиқлаб олайлик, кейин марҳамат» деб қутулиша қолади. Хуллас ҳамма нарса планга келиб тақалар ва унинг локатори ҳам, асбоб-ускуналар билан таъминланишлар ҳам планга боғланиб қоларди.

Потапенко кутилмаганда Андрейнинг тарафини олди:

— Бу масала кўпга чўзилмайди,— деди у, гўё лаборатория тақдирини ҳимоя қиласётган одамдай ва айни вақтда сўзининг оҳангидаги бу унча аҳамияти йўқ даражадаги масала, техсовет аъзолари фақат овоз берсалар, бас, бирпасда ҳал бўлади деган маъно сезиларди.

Ўз плани ҳақида доклад қиласрекан, Потапенко худди аввалдан ҳал қилинган масала устида гапираётгандай ҳорғинлик, деярли эътиборсизлик билан тапирав, фақат энг эътиборли ёрларидагина бир оз тўхталиб ўтарди, холос. Ҳар бир корхона учун Потапенко совфа тайёрлаб қўйған эди. Кекса мастер кабельчи Наумов қалам учини ҳўллаб ўз дафтарчасига: «Электронагреватель» деб ёзиб қўйди.

— Аллақачон қилиш керак эди. Кўчаларда гулхан ёқиб ишлаймиз. Бу уят-ку, ахир,— деб гўлдиради у.

— Балки, батъиларингизга планда чинакам илмий ишлар оз кўринар,— деди сўзининг охирида Виктор,— лекин биз бу йил ҳаммадан аввал корхоналаримизни энг зарур эҳтиёжлар билан таъминлашимиз, ишлаб чиқаришда элементар маданиятини оширишимиз ва ниҳоят, юқори материя устида ишлашга киришишимиз керак.

Унинг бу гапларига тушунганлар кулиб қўйишиди. Виктор берилган саволларга ҳам юмшоқлик билан ҳорғини

бир вазиятда жавоб берди-дә, қоғозларини йиғишириб бош инженернииг чап ёнига ўтирди.

— Кімдә қандай фикр бор? — деди бош инженер.

— Түшүнарлы,— йўғон овоз билан бақирди ўтирган еридан Комсомолская станциясининг директори Тарасов.— План жойида, гап фақат бажарылишида қолган.

Сўз Лобановга берилиди. Унинг овозидаги кескин оҳанг тинч вазиятни бузиб юборди. Потапенконинг му僚им оҳангдаги гапларидан кейин Андрейнинг сўзлари қулоққа дагал эшитиларди.

Унинг ўзи ҳам гапни ҳаддан ташқари қаттиқ бошлаганини, аудиторияда ўтирганларнинг ғашига тегаётганини сезди-ю, лекин Викторнинг ҳаракатлари, Тонковнинг келишидан туғилган шубҳа Андрейнинг фойдасига қарши турган бутун вазият ўни шундай таваккал қилишига чорлар эди.

— Бизда коллектив кучли, маблағ ҳам етарли... Сиз бўлсангиз тўп отиб чумчуқни қулатмоқчи бўласиз. Бизнинг кучимиздан шундай фойдаланиш керакми? Техника тараққиётидаги чинакам масалаларни ким ҳал қиласди? Демак ҳеч ким. «Электронагревателлар» эмиш...— мазах билан такрорлади у,— балки техбўлимда ишловчиларнинг ақли бовар қиласди? Мен ишонаманки, ўртоқ Тарасов, бу ишни станциянгиздаги хоҳлаган инженерингизга топширсангиз, у албатта биз ясагандек қилиб ишлаб бера олади.

— Шунаقا денг, бизнинг шундан бошқа қиласиган ишимиз йўқми,— деб эътиroz билдириди Тарасов.

Бош инженер қалам билан столни уриб тартибга чакирди. Андрейга қарши вазият кучайган сари, унинг ҳужуми ҳам шунчалик авжига минар эди. Потапенконинг плани ўрнига у чинакам илмий ишлар планини тасдиқлашни талаб қиласди. Бунинг ичиди Рейнгольд автоматини такомиллаштириш, теплостанциялардаги қозонларни бошқаришни автоматлаштириш ва локатор масаласи ҳам бор эди.

У яшил сукно ёпилган узун стол атрофида ўтирган йигирма кишининг ҳаммасини бирма-бир танқид қиласа бошлади, у ниҳоят, ҳақиқий жанг бошланаётганидан севиниб, бош инженерга ва станция директорларига ёпиша кетди:

— ...Сиз, ўртоқ Пятников, асбоблар тузатиш билан

ном қозондингиз,— деб мурожаат өтди у монтёр Пятниковга,— агар ўйлаб қаралса, сизнинг бу ҳунарингиз бизнинг орқада қолаётганимиздан далолат беради. Аллақачонлар эски асбобларни олиб ташлаб, ўрнига автомат ўриатишимиз, одамларни оғир меҳнатдан озод қилишимиз керак эди. Аллақачонлар. Албатта айб сизда ҳам эмас, ўртоқ Пятников, аммо атрофингизда машинкалар чиқиллашиб ётган пайтда сиз ғоз пати билан хат ёзадиган эски вақтдаги котибга ўхшайсиз...

— Вақт бўлди!— деб кескин эслатди Долгин.

— Яна қанча вақт керак сизга?— деди бош инженер. Андрей ўн минут сўраган эди, техсовет аъзолари шовқин кўтариб юборишиди. Андрей индамай ўтириди.

Унинг олдига «Тўғри гапираётибсиз, лекин қизишманг» деб ёзилган қофоз қўйишиди. Лекин номи кўрсатилмаган, бу қўрқоқ кўмакдош Андреини хурсанд қилмади. У ҳоргинлик сезди. Юз мускуллари бўшашиб бошиг оғирлаша бошлади. Аммо Наумов сўзга чиқиши билан бир оз жонлангандай бўлди. Потапенко техсоветга аъзо қилиб, ишчилар вакили сифатида Наумов ва Пятниковни қўшган эди. Хизмат кўрсатган мастер Наумов сўзга камданкам чиқарди; у сахий ва жуда мулојим, иш деса жонини берадиган, беш минут чиқиб гапиришдан кўра кечгача ишлаб беришни афзал кўрадиганлардан эди. Бироқ ҳозир тасодифан сўзга чиқди-ю, папиросини кулдонга босиб эзар экан, ҳар ҳолда локатор кабелчилар учун электронагревателга қараганда зарурроқ,— деди.

Наумовдан кейин Пятников чиқиб Наумов билан Лобановга ёпиша кетди. Асосий масала бу ёқда қолиб, у ишчилар синфи, техника тараққиётлари ҳақида, Лобанов ишчилар синфининг ташаббуси билан қизиқмаслиги, ишчини ранжитиши тўғрисида гапирди.

Лобанов бу хилда гапирмаганилигини ҳамма билардио, бироқ Пятниковниг сўзини маъқуллаб бош қўмиратишишар ва «ишчини ранжитиши яхшиими, яна машҳур ишчимизни-я» дегандек Андреяга таъна назари билан қарашарди.

Андрей умид билан Краснопевцевга қараган эди, лекин у қўзиши олиб, бошини қуий эгди, юзларида эса бепарволик аломатлари пайдо бўлди.

«Коридор қаҳрамони»— деб ўйлади Андрей шубҳа билан.

Лекин кутулмаганды Лобановнинг бир неча тарафдорлари чиқиб қолди. Юқори волътли линиялар инженери деди:

— Америка заводларида «ўлчовчи инженер» дегай ла-возим бор. У фақат рационаллаштириши билан шуғулланади. Цехларни айланиб юриб ўйлагани ўйлаган. Унинг вазифаси йиliga палон сумма миқдоридаги маблагни тежаб берниш. Билдингизми, ўртоқлар, қандай бемаънилик: бор йўғи битта ўйловчи инженер у — у ҳам пулга ўйлади денг.

— Завод ўзиники бўлмагандан кейин ўйлаб нима қилиди,— деди бош инженер.

Инженер, Тарасов томонга қайрилди-да, бармоғини бигиз қилиб ҳужумга ўтди:

— Бизнинг инженерлар ҳақида ёмон фикрда экансиз. Уларга ишонишдан қўрқасиз. Улар эса кичик илмий ишлар билан жон деб шуғулланган бўлардилар. Хоҳлашмас экан, мажбур қиласиз. Лаборатория бўлса бемалол юқори маҳсулот бериш билан шуғулланаверсин.

— Юқориликка-ку, юқори-я, лекин материя бўлиши керак-да,— деб кулди бош инженер.

Виктор кулгиси келмаса ҳам бошқалар қатори итжайиб қўйди. Томир уришини сезирлик билан текшираётган доно врач сингари у ҳам йиғилишда нотекистик пайдо бўлганини дарров сезиб қолди. Нимадир ўзгаргандек бўлди. Лобановнинг тарафдори оз бўлишига қарамай ҳамма үларга диққат билан қулоқ соларди. Бош инженернинг сўнгги ташлаган луқмаси жуда ўрнида ишталтилди. Виктор Андрейнинг бошини кўтариб, диққат билан нотиқнинг сўзини тинглаётгани ва нималарни дафтарчасига ёзаётганини кўрди. Яна сўзга чиқмокчи бўлса керак. Ана, лабини тишлади, аммо юзи хотиржача, бирор нарса ўйлади шекилли. Виктор ҳеч кимга сезадирмай Долгинига имлаб қўйди.

Сўзга чиққан Долгин икки муштини столга тирашиб жимлик чўкишини қутар эди. Агар Долгиннинг дам жарангдор драматик, дам прокурорларга хос оҳангда тапираётган тилига ўтирганлар ҳеч тушиумаганларидан эди. Унинг бу олга интилувчи қиёғасига қараб, у ҳамманинг сирини фош қилиб, қоралаб ташлаётгани бўлса керак, деб ўйлаган бўларди.

Пятников қулайроқ ўтириб, Долгиндан назарини отиб

Лобановга ташлади ва бошқа кўпчилик одамлар ҳам на-  
ҳотки Лобановининг қўлидан шунаقا ишлар келса, деган  
синов билан унга қарадилар.

Долгин, Лобановнинг плани қайта кўриб чиқишини талаб қилишидан мақсади фақат ўз локатори билан шуғулланишга йўл очишга интилишдан иборат, деб айблади. Лобановнинг лабораторияга фақат локатор туфайли келганлиги ҳеч кимга сир эмас. У тақдим қилган план уйдирма гаплардан иборат, унинг плани фақат ўз қилимшиларини ишлаб учун зарур. Лобановнинг тутган вазияти унинг ишлаб чиқариш эҳтиёжига бепарволик билан қарашлигидан кўриниб турибди. Лабораториядаги инженер ходимлар ўртасида юз берадётган парокандалик ва оммадан ажралиб қолишликка эса партия ташкилоти томонидан танbih ҳ берилди. Лобановнинг мақсади вазиятдан фойдаланиб ўз локатори устида шуғулланиш учун моддий бойлик ортдиришдир. Балки у докторлик диссертацияси ва мақолалар ёзишни ҳам плаилаштирган бўлса керак. Мана масала қаерда!

Унинг оқ тери билан қопланган силлиқ башараси, қайтураётгандай ва афсусланган қиёфага кираётгандек борган сари юқори күтарилади. «Ўртоқ Лобанов» дейиш ўрнига «у» олмошини ишлатар ва бу унинг фош қилишга йўлланган сўзларига қандайдир алоҳида ранг берар эди.

— Бизнинг энг яхши ижодкор рационализаторларимиз ўз ғояларини амалга ошириш учун давлатдан маблағ сўрамайдилар. Масалан ўртоқ Рейнгольдни олинг. Биз уни ишдан бўшатиб қўймадик, ҳеч қандай ёрдамчи ҳам бермадик...

— Елғон! — деб бақирди Андрей. — Уялмайсизми  
Долгин! Яна партком аъзосисиз-а!

— Танқидни сева билиш керак,— деб тантана билан жавоб берди Долгин. Сүнг бош инженер томонга қайрилди-да, дадил давом этди.— Ҳозирча унинг миясида локаторнинг фақат қуппа-қуруқ идеясидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Ўзининг хизмат лавозимидан фойдаланиб...

— Үртоқ Долгин, биз бу ерда Лобановнинг ахлоқини эмас, платини муҳокама қўйлаяпмиз,— деб унинг сўзини бўлди бош инженер.

Долгин тутилиб қолди. Бу бақироқ наъра азобидан

қутулгаилар пицир-пицирлар, шивир-шивир таплар бошлишди. Наумов энгашиб Лобановнинг тиззасига шапатилаб қўйди.

— Жудаям ошириб юборди Долгин. Роза олиб қочяпти...

Юқори волътчи инженер ярим овоз билан қўшиб қўйди:

— Гапининг сони бору, салмоғи йўқ.

Шунга қарамай Долгиннинг айбловчи нутқи кўзлагай мўлжалига бориб теккаи эди.

— Мана, гап қаёқда экан,— деди Тарасов,— бизга нагреватель қил деб маслаҳат беришади-ю, ўзлари илмий капитал йиғишар экан-да.

— Капитал масаласига келганда,— илиб кетди Долгин,— бу масаланинг йирик мутахассиси бўлган профессор Тонковнинг қимматли фикрларига қулоқ беришларнигизни сўрайман.

У ўз сўзининг иккى хил маъно берганини сезмай қолди. Бош инженер кулгисини яшириш учун қўли билан оғзини ёпдида деди:

— Хурсанд бўлардик.

Тонков соқолини силаб, йўталиб олди-да, хаёлга чўмди.

Стол атрофи бўйлаб енгил шивир-шивир ўтди,— сўнг жимлик чўкди.

«Ҳаммаси тайёрланиб қўйилган экан-да», деб тишини-тишига қўйди, ичдан аччиқ кулиб Андрей.

Бу жимликни бузиб Андрей қутилмаганда узоқ эснаб, оғзига кафти билан ура бошлади. Нима учун шундай қилганини ўзи ҳам сезмай қолди. Балки бу Тонковга ва ҳозиргина ажойиб найранглар кўрсатиб саҳнадан тушган Долгинга нисбатан билдирган нафратидир.

Лобановнинг бу хилдаги болаларга хос қилиғи ҳеч кимга ёқмади. Бош инженер бошитни чайқаб қўйди, ҳатто Наумов ҳам уялиб кетди.

Тонков бир оз елкасини қисиб, бир вақтлар аспирант Лобановнинг локатор ҳақидаги идеяси билан танишишга мусассар бўлгани ва ўша вақтдаёқ бу теманинг самарасиз эканлигини изҳор этганлигини ҳикоя қилди. Локатор орқали аниқ маълумот олиш мүмкин эмас... Ҳозирги вақтда Лобанов аллақандай чалкашликларга дуч келган, ўз йўлидан адашган деб айтмасак ҳам, ҳар

Холда бу ёш олим янглишишлар ичидә үрәлиб қолган деб ҳисоблаш мүмкін. У, яғни Тонков, Лобановга, мавжуд методни, унинг, яғни Тонковнинг тажрибалари билан бойитиб, такомиллаштиришни маслаҳат қылади. Чунки метод рус фанидаги ҳамма традицияларнинг маълум оқимида ётган метод ҳисобланади. Унинг институти электролаборатория билан ҳамжиҳат бўлиб, шу методни охиригача етказишни ўз зиммасига олади.

— Ишонамизки, Андрей Николаевич, бу ҳамжиҳатлик, фан йўлига жириб келаётган сиз учун ҳам ва лабораториянинг бутун колективи учун ҳам яхши натижа беришга қодирдир.— У сўзини таъсирли қилиб тугатди. Бу билан у фан манфаатини ўзининг шахсий антипатиясидан нечоғлик юқори қўяётганини намойиш қилмоқчи эди.

Лобановнинг дағал гапларига қараганда Тонковнинг бу таклифи аичагина ҳимматли кўринди. Тонковнинг қўлнин қисишаф экан у оппоқ йирик тишларини кўрсатиб, таъзим қиласр эди.

Андрей узоқ жиммикдан сўнг хириллаб қолган овози билан Тонков таклиф қилаётган эски усуслни ўзи диссертация устида ишлаётганидаёқ рад қилганини ва увадаси чиқсан ўша ямоқнинг ҳеч қандай натижа бермаслигига ишонч ҳосил қилганлигини айтди. Андрей учун масала аниқ: у эскини қайта тиклаш билан шурулланишни истамайди.

Виктор Потапенко вазият шундай тус олишини олдиндан билган эди. Ҳақиқатан ҳам худди ўша ўйлагани бўлаётгани учун ич-ичидан кула бошлади.

— Рухсат этинг, Дмитрий Алексеевич?— деб илтимос қилди у бош инженердан.— Андрей Николаевичнинг профессор Тонков таклифини қатъий рад қилиши ачинарли ҳол, албатта. Хайриятки бу ҳолатдан чиқишга қурбимиз етади. Лабораториянинг ёш, талантли инженери Устинова худди шу усуслу устида ишлашга қизғин бел борлаган, мен ўйлайманки, унинг бу ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

«Орқамдан тил бириттириб қўйишган экан, ҳай, майли...»— ҳаяжонланди Андрей. Кўзи, очиқ турган блокнот-часидаги Долгин ва Тонковга қарши чиқиш учун ёзиб қўйилган формулалар ва исботлар устидан югуриб ўтди. Йўқол. Ҳеч нарса керак эмас. У варақини йиргтиб

олиб, бурдалаб ташлади. Шу заҳотиёқ Викторга назари тушди, унинг тикилиб қолған қора кўзидан ичиқоралик, ғаразгўйлик аломатлари сезилиб турарди. Бу қарашидан унинг Андрей лаборатория раҳбарлигидан воз кечармикин деган ўмидда эканлиги ҳам дарров билинди. Техсоветда бўлаётган ҳамма можароларнинг сабаби ҳам Андреини ана шу тузоқقا илинтиришда экан. Бироқ мақсад ҳеч кимга маълум бўлмай, ўзи билан Виктор ўртасида аён эди, холос.

— Ўртоқлар, мен озчиликни ташкил қилганим учун ҳам бўйини эгишга мажбурман,— деб аста гапирди Андрей.— Баъзилар менин ноҳақ экан деб ўйлар. Лекин шуни айтиб қўяйки мен ўз мақсадимга эришолмай қолганимдагина чинакам ноҳақ бўламан.

Виктор кўзларини яrim юмди; қайта очгандага үлар аввалгидай хотиржам, одатдагича шўх ва ўйноқи боқар эдилар.

Бош инженер Лобановнинг руҳини кўтариб қўйгиси келди.

— Энг муҳими, натижа Андрей Николаевич. Қандай усул ва қайси асбоб билан шуғулланиш сизнинг ишингиз. Бизга гарантия керак. Менинча профессор Тонков ишончли йўлни таклиф қиляпти.

— Дмитрий Алексеевич, тухум порошоги ҳам ишончли,— деди Андрей,— чунки у ҳеч қачон палағда бўлмайди. Лекин порошок тамсиз ва тўйимсиз овқат ҳисобланади.

Бош инженер кулиб юборди ва:

— Аҳа, палағда бўлишга ҳам иқрор бўлар экансиз-а? Ана шунақа-да,— деди.

У шу тап билан ўз фикрларидан хулоса чиқарган бўлди. Унинг юрагини қандайдир бир бўлаги Лобанов томонда эди. Андрейнинг қўпол, юз-хотир қилмай шартта гапираверганлигига ва кишилар билан чиқишолмаслиги, кеккайтанига қарамай автоматлаштириш масаласини дадил кўтариб чиқиши Дмитрий Алексеевичга ёқди. Агар Долгин ҳақ бўлганда ҳам Лобанов локаторининг тақдидига шунчалик ишонч билан ёндашаётган талантини қўллаш керак. Дмитрий Алексеевич ўзининг тажрибакор, маъмурий сезирлиги билан Потапенконинг ҳаракатларида қандайдир мақсад борлигини ҳам пайқади. Шунинг

дек худди шу сезгиси билан ўз фикрига амал қила бошлиди. Лобанов Тонковга қараганда обрўли эмас. Шунинг учун ҳам Лобанов ўз локатори билан бирга мағлубиятга учраса бош инженерга қараб: сиз қаерда эдингиз, ўзинги из айбдорсиз, ёш бир болага шундай нарсани ишониб топшириб бўларканми, дейишади; агар Тонков йиқилсанчи, дарров эътироz қилинади: Тонков машҳур профессор, унга ишонмай кимга ишониш мумкин, дейилади. Бунга ким кўймайди дейсиз.

Уи беш овозга тўрут овоз қарши турган ҳолда кўлчилик овоз Потапенко планини тасдиқлади. Красиопезцев бетараф қолди.

Лаборатория томондан кўрсатилган план, шунинг қаторида локатор ҳам рад қилинган эди.

Виктор Андрейга гардероб олдида етиб олди.

— Уйгами? Машинада олиб бориб қўяман.

— IOr,— паришонхотирижавоб берди Андрей.

Улар йўлакдан чиққач, тоза ҳаводан чуқур нафас олиб, жим туришди.

— Кел, келишиб олайлик,— деди Виктор,— иш вақтида минг тортишмайлик, барибир ишдан кейин яна эски дўстмиз. Хизмат ишини шахсий муносабатга аралаштиришни ёмон кўраман.

Андрей бир зина пастга тушганида юзи унинг юзига тўғри келди.

— Йўқ, номеринг ўтмайди. Бизнинг йўлимиз бошқабошқа, бутунлай бошқа... энди сен билан апоқ-чапоқ бўлолмайман. Вассалом. Сен қаёққа? Ҳа, машинанг бор-а! Хўп, хайр.

### ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

Андрей юз қадамча юриб тўхтади-да, орқага—Бошқарма томонга бурилди. Қоровулдан жалитни олиб лабораторияга кетди. Қабинетига кириб, чироғ ҳам ёқмай, стол олдида креслонинг орқасидан тикилиб, чорак соатча туриб қолди. «Инженерлар хонаси»даги радио мужмал бир нарсалар гапириб гулдирамоқда. Қўчада ғизиллаб кетаётган автомобиллар бўғиқ овоз билан сигнал берадилар.

Стол устида блокнотдан йиртилган қоғоз оқариб кўринди. Андрей унни олиб кўзи олдига яқинлаштириди. Хат-

да «Фалеев сизга бир неча бор телефон қилди», — дейилган эди. Хатни Майя Устинова ёзганилиги кўриниб турар эди. У хатдаги ҳарфлар сонини санаб чиқди-да, қубга кўпайтириди, кейин унинг квадрат илдизини топди. Шу пайт ёдига Фалеев билан хайрлашган чоғи тушди. У: «Мен ишонаманки, сен қайтиб келасан, албатта, қайтиб келасан» деган эди.

Андрей қоғозни столга қўйди-да, тортмани очди, ундан пайпаслаб локатор лойиҳаси солинган ўзининг юпқагина папкасини олди, сўнг шошилмай боғичини ечдида, варақларини текшириб кўрди. Папканинг ичинга ёпиширилган чўптақчадан бир парча сим олди. Сим изоляцияси бутунлай қовжираб қўлда үқаланаадиган бўлиб кетган эди. Шу пайт унинг кўзи олдида яна Глебнинг совуқда қотган қўли ва чиқиллаб турган қўл соати гўё янгидаи шамоён бўлди. Андрей симни ўз жойига солиб, папкасининг боғичини боғлади. Эпди папканинг бу ерда қолишининг ҳеч ҳожати йўқ. У бу ерда ортиқча.

Ҳеч нарсами унутмадиммикан деган ўй билан у хонани кўздан кечирди.

У қўлини телефон устига қўйди. Совуқ трубка жуда оғирга ўхшаб туюлди.

У бир-бир номер терар экан, телефон диски қуруқ шариллаб айланар эди. Фалеевнинг овозини эшлиши билан Андрей трубкани қайтиб қўяйми, деган мақсадда бир зумгина жим қолди.

— Лобанов тапираётнибди,— деди у,— телефон қилганимидинг?

— Бир неча бор телефон қилдим,— деди севиниб Фалеев,— аҳволларинг қалай? Биздан кетдинг-у, бутунлай унугиб юбординг дейман. Ишларинг дурустми? Локаторинг қалай, битай деб қолдими?

— Ишлар жойида,— деди Андрей,— ҳаммаси қойил кетяпти.

— Ҳали умидингни узганингча йўқми?

— Бу нима деганинг... Ўзингларда қандай янгиликлар бор?

— Балки сир сақлаётгандирсан, Андрей? Бизга доцентликка яшги штат берилди. Сени олсақ деган мақсадимиз бор. Чол касал бўлиб, бир ўзим ўралашиб қолдим. Ҳолдан тойғанман... Нега ишдамайсал?— деди Фалеев бир оз жим тургач.

- Шуни айтгани телефон қилғанмидинг?
- Сенга бир нарса бўлганига ўхшайди, Андрей.
- Ҳеч нарса бўлгани йўқ.
- Қулоқ сол, индинга бу ерга америка делегацияси келади. Сени вакил қилиб кўрсатиш учун таклиф қилмоқчи эдим. Сен ахир инглиз тилида bemalol гапириша оласан-ку.

— Ҳа, борсам борарман.

Кеч бўлганига қарамай кўчада одам гавжум эди. Чинакам ёзнинг биринчи кечаси ҳукм сурарди. Хиёбонда ўт-ўланларининг хушбўй нафаси димоққа урилар, одамлар чақчақлашиб қулишар, суҳбатлашар, лекин Андрей билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Қариб, мункайиб қолган чоллар сингари уни ёлғизлик ҳисси чулғаб олди.

У ўртоқлар мозорига желиб, гранитга ўйиб ёзилган сўзларни ўқий бошлади:

Қайгу-алам эмас, ҳавас уйготар,  
Жанговар йўлингиз қалбларда маигу.  
Шон-шараф-ла яшаб этдингиз вафот!

«Ҳа, Глебушка кўрдингми, бизда ишлар шунаقا...» Андрей бошини тебратди-да, сесканиб елкасини қисди, сўнг боши оқкан томонга кетаверди. У юришида эриб, фойиб бўлишга интилгандай тобора тезроқ юриб борарди. Қайси бир муюлишга етганда қулоғи остида машина тормозининг чинқиргани эшитилди. Андрей чўчиб кетди ва мускуллари тезроқ ишлай бошлади, ақлини йифиб олгунча ўзи иргиб четга чиқди. Худди унинг қаршисида баланд юқ машинаси тўхтаган эди. Кескин тормоз бериш натижасида кузованинг орқа қисми бир томонга сурилиб кетган, покришкасининг остидан тутун кўтарилади. Шофер кабинадан бошини чиқариб, ғазаб билан аммо ўзиниң енгил ҳис қилиб бақирди. Андрей тротуарга қайтди. Бир неча қадам юргандан кейин ҳушини йифиб юз берган ҳодисани эслади-ю, гарданида чумолилар ўрмалашгандай жимиirlаб кетди, пешонасини тер босди. Андрей оёқ-қўлларига тикилиб бирдан қалтирай бошлади. Нимадир қилмоқчи, ҳаёққадир интилмоқчи бўлган эди, аммо ҳеч қанақа иш қилишга улгура олмади... Борди-ю, машина тагида қолганида, бирор киши унинг бинафша ранг папкасини топиб олиб, балки отаси, ёки лабораторияга етказган бўлармиди. У ерда бу папка чанг босиб ётаверар-

ди. Кейин ким билади дейсиз, Андрей кимнинг эсига келаркин, шундай одам дунёда бўлган эди, деб эслармиди, йўқми, номаълум. «Шон-шараф-ла яшаб этдингиз ва-фот...» Унинг оёқлари бўшаша бошлади. Ҳеч қачон, ҳатто фронтда ҳам, ундан кейин ҳам уни ўлим хавфи бунчалик қуршамаган эди.

Пивохонани кўриб, ичкарига кирди-да, ўзини ҷарчоқ сезиб стол олдига ўтиради. Официант нимадир сўраган эди, Андрей бир неча бор бош силкитди. Сўнг унинг олдида бир стакан ароқ, бир кружкада пиво ва иккита бутерброд пайдо бўлди. У ароқни ичиб юборгач, сесканмади ҳам, закуска ҳам емади. Ичини ёқимли бир нарса қиздиргандай бўлди, аммо мияси равшанлигича қолди. Пивохонанинг бурчагида ўтирган баянчи эринибгина «Дунай тўлқинлари» куйини чалиш билан банд эди. Зах ва тамаки ҳиди димоққа ўтарди. Андрейнинг қаршисида иякларини мушти билан ишқаб, пишиллаб қизил бурнини торта-торта тўллагина бир эркак ўтирибди. У пиво кўпигини пуллар экан, юзига тартибсиз сочилиб тушиб турган оқ сийрак соchlари остидан Андрейга тикиларди. Унинг кўзлари тетик, оқилона боқар, лекин ўзиникига ўхшамас, худди бирор келиб, бу сўлғин ясама башаранинг орқасидан ундаги икки тешик орқали мўралаётгандай эди.

— Таъсир қўймаяптими-а? — деб ғамхўрлик билан сўради эркак. — Оз-оз, қултум-қултум қилиб ичинг, орқасидан пиводан ҳўплаб юборинг. Никита! — деб официантни чақирди у: — Икки юзта-ю, бир кружка! Хафагарчилик бўлмаса ичиш ҳам осон. Алам чекаётган бўлсанг қийинроқ. Мен уч кундан буён ичаман, қудуқманми дейман. Илгари озгина ичсам тамом бўлардим. — У олиб келинган стаканини қўлида айлантира бошлади. — Ичамизми? Ҳар ким ўз муваффақияти учун. Сиз инженерсиз, биламан. Ҳозир ҳамма инженер бўлиб кетяпти. Машиналар, витаминалар асри-да. Ҳа, ҳа... Менга барибир.

Улар стаканларини чўқишириб, ичиб юборишли.

— Энди дарров пивони қўтариинг, маза қиласиз, — у киши бурнини жийириб, бирдан бесаранжом бўлди. — Тўхтанг мен нима деётувдим? Ҳа, борди-ю, мен эртага ўлиб-нетиб қоладиган бўлсам, бугун унинг юзига ҳамма гапни шарта-шарта айтган бўлардим.

— Кимга?

— Бошлиғимга-да, албатта. Мен унинг учун ўн йилдан бери ишлайман. У лауреат бўлиб олди, меичи, қандай бўлсам шундайимча қолавердим.— У минут сайни кайфи ошиб борар, аммо кўзлари ҳамон ҳушёр боқар, гёё қизифи бўлмаган бекорчи нарсалар ҳақида сўзлаётгандай эринчоқлиқ билан бепарво гапирар эди.— Кеча олдимга келиб нима дейди денг: лойиҳаларингизни менга бера қолинг, Евгений Семенович, мен уларни ишлаб чиқаман, барибир давом өтдиришта сизнинг кучингиз етмайди. Узингиз эса янги экспедицияга тайёрланинг. Ишлаб чиқараман өмиш! Ҳаммаси қилиниб, тайёр бўлиб қолган-у, у қиши ишлаб чиқарармишлар. Тепасига фамилияларини қўйсалар — иш тамом. Ҳар сафар худди шундай қиласди. Унинг қўлида менга ўҳшаган бир неча ювош қўйлари бор. Юнгини топ-тоза қилиб олиб қўя қолади.

— Нега чидаб турасизлар ахир? — деди Андрей.

— Пивонгизни ичинг. Яхши пиво экан. Исеб қолмасин.

— Йўқ, анча совуқ экан.

Киши кружкани нари сурмоқчи бўлган эди, қўли қалтиради, пиво чайқалиб стол устига тўкилди.

— Айтмоқчи, мен нима деятган эдим?

— Келинг бу ҳақда гапиришни тўхтатамиз, — деди Андрей.

— Ҳа-а-а, эсимга тушди. Илмим, яъни дипломим йўқ. Мен унинг олдида нимаман — шилимшиқ қурт! Токи мени ҳақ-ноҳақлигимни текшириб бўлгунларича, у мендан пашмак тайёрлаб қўяди. Менинг ҳаётим шунаقا ўнгидан келмай турибди, азизим. Хотиним бор, қизим бор. Хотиним бошлиқларни танқид қилишимни ёқтирамайди. Шу ҳам ҳурматданми? Сизга менинг маслаҳатим шуки, ёлғизлиқдан қўрқсантиз, асло уйланманг.. ёки вақт ўтдими?

— Йўқ, ҳали эрта.

Тўкилган тўқ саринқ ранг пиво силлиқ мармар устида равон оқиб бораарди. Андрей бу оқим доира ясад, унинг енги томон келаётганини кузатиб турди. Маст кишининг безор қилувчи чийилдоқ овози қулоққа дағал уриларди:

— ...Рак касалига дучор бўлиб қолсам эдим, кейин уларга айтадиганимни айтар эдим. Ҳамманинг олдида, мажлисда турар бир бошдан шошилмай гапирар эдим.

Нимайики билсам ҳаммасини айтиб берардим. Сен аблаҳ, ўргимчак, бошқаларнинг бору йўғини ўғирлашга ўрган-гансан. Мен сени ёмон кўраман, юзингга тупураман, мен ҳам сендан яхшироқ ёзишни биламан деб айтадим. Ахир, у фақат бир плюс, холос. Ўзи мустақил шахс эмас. Плюс, холос. Майли, мен бир рақами бўла қолай,— у ба-рибир плюс. Ёлғиз плюснинг ўзи ҳеч маъни бермайди.

— У ким ўзи?— деб сўради Андрей.

Бу одам бурнини тортиб атрофга қараб олгац, афти-ни буриштирди-да, бармоғи билан Андрейга пўписа қи-либ қўйди.

— Сиз, ландовур экансиз,— деди Андрей дадилроқ гапиришга ҳаракат қилиб,— тиз чўккан исёнчи. Рак билан оғрисам эмиш, туф сенга-э! Сенингча мен ҳам сенга ўҳшашим керак экан-да? Йўқ. Асло.

Совуқ башарага ўрнатилган ҳалиги ўзга кўзлар Андрейга яна тетик боқди.

— Тўғри айтдингиз,— кутилмагандан, қўшила қолди у. — Мен ювош, принципсиз одамман. Аммо мендақалар кўп,— у алам билан қонсиз лабларини тишлади,— ҳа, биз кўпмиз.

— Ёлғон!— Андрей ўрнидан туриб чуқур нафас олди.— Биз кўпмиз, Агар сиз ўқўп бўлганингизда яшири-нишга жой тополмаган бўлардиларинг.— У баланд овоз билан гапираётганини эшитиб, ўзини босиб олди.— Сиз ҳақиқий, виждонли одамлар орқасига яшириниб юриб-сиз. Қочоқларсиз. Сиз ўзингизга ҳам ёқмайсиз. Мен сизга ўҳшаганлардан кўра ўша шефларингиз билан учрашишни афзал кўраман. Ҳеч бўлмагандан, уни тарсакилаб уришнинг ўзи бир ҳузур.

Пиво оқими папка тагигача етиб келди. Андрей стол четига тиранниб туриб пул олиб қўйди.

— Шалвираган одам,— ғижиниб гапирди Андрей.— оғзингиздаги ошни олдириб ўтирганингиздан кейин сизни нима деб ҳисоблаш мумкин.

Ошхонада ҳали чироғ ўчмаган, Николай Павлович креслода хуррак отиб мудраб ўтирас эди. Столда, устига газета ёпиб қўйилган овқат ҳам турибди. Андрей стулларга туртиниб келиб, отасининг елкасига қўлини қўйди.

— Бориб ухла,— деди у отасига.

Николай Павлович айб иш қилиб қўйган одамдек кўзларини ишқалади.

— Кута-кута ухлаб қолибман. Кўп бўлдими келганингга? Ишинг нима бўлди?

Андрей тезроқ ўзи ёлғиз қолишни, ҳеч кимга ҳеч нарса гапирмасликни хоҳлар, бироннинг юпатишини истамасди. Ётса-ю, ухлай қолса. Лекин ўзи айбдор — план муҳокама қилинмасдан аича кун олдин уйдагиларни ваҳмага солиб қўйган ёди.

У аввалига унча истамай, қейин аста-секин қизишиб, ичидан изтироб чекиб, бўлган гапнинг ҳаммасини ҳикоя қила бошлади. Унинг миясига ҳали йиғилиш вақтида келмаган янги далиллар қела бошлади, шунинг учун ҳам бадтар алам қиласди. Шу кечиккан далилларни эсларкан у йиғилишда ҳаддан ташқариadolатсизлик содир бўлганига қаттиқроқ ишонч ҳосил қила бошлади.

Ота-бала Лобановлар ташқи кўринишда бир-бирларига ўхшамасдилар — Николай Павловичнинг бўйи ҳам пастроқ, юзи чўзинчоқ, бурун учи юмалоқ бўлиб, Андрейники каби пучуқ эмас, кўз қораочуғининг оқи кўп, аммо кўжишироқ. Шунга қарамай улар ички хислатлари билан бир-бирларига жуда ўхшардилар, халқ таъбирича уларнинг «қонлари бир» эди. Бу ўхшашлиқ айниқса ҳозир, уларнинг қиёфаларида яққол кўриниб турарди, икковлари ҳам бир хил ҳолатда қадларини тўғри тутиб, бошларини кўтариб нўноқлик билан бир оз олдинга ташланиб ўтиришарди.

— Нега индамайсан? — ўкиниб сўради Андрей.

— Сендақа мастлар билан нимани гаплашиб бўларди, — жирканч билан гапирди Николай Павлович, — сени яхшилаб савалаш керак эди.

Андрей отасининг озғин, кўкимтири томирлари бўртиб турган қўлларига қараб, энди бу қўллар уни савалаш учун ҳеч қачон илгаригидай камар олишга қодир эмаслигини эслади-да, бирдан хафа бўлиб кетди.

Вақтлар қанчалик тез ўтар, унинг бирдан-бир яқин дўсти, ҳаётидати энг жонажон кишисини юлиб кетмоқда. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ дегандек, тириклигида эътибор бермас экан-у, йўқолгандан кейин уни ҳеч қачон топа олмаскан киши.

Андрей юзларидан қони қочиб, лабини тишлаган

ҳолда креслога яқинлашди-да, отасини беўхшов қучоқлаб, юзини унинг қорни устига қўйди. Отасининг соат занжири унинг юзига муздек тегар ва шу занжир ҳамда бир вақтлар онаси тўқиб берган эски жилеткадан ўзига таниш, қадрдан бўлган ҳид анқир эди. Шу пайт отаси меҳрибонлик билан қўлини унинг бошига қўйди.

— Кетаман, дада, у ердан кетаман,—эзилиб гаптирди Андрей.— Энди ишломмайман... мени мансабпраст... бетига ниқоб қоплаб олган дейишяпти... Кетаман. Институтга ишга қираман... Одинцовнинг юлдига ҳам боролмайман... Бу ерда бўлса ёлғиз бир ўзим ҳаммага қарши курашолмайман...

— Борисов-чи? Лаборатория-чи?— деди отаси.

Андрей бошини даст кўтарди, унинг қовоқлари асабий титрар эди.

— Ёлғиз Борисовнинг қўлидан нима келарди? Биз нима қила олардик?

— Министрликка хат ёз, Марказий Комитетга, газетага ёз... — Николай Павлович Андрейни ўзидан четлатиб, ўрнидан турди-да; хонанинг ичидаги ўқдан-бу ёққа тез-тез юра бошлиди.— Мурожаат қиласидиган жой камми? Ўйлаб топиш фокус эмас, уни охирига етказиш керак. Мақсадга эришиш керак.

Андрей қўл силтади.

— Бунинг учун йиллааб вақт сарфлаш керак. Сен тушуммайсан... Бундай мушкул ишнинг уддасидан чиқиши осонми?

— Меҳнатингни аяяпсанми?

— Меҳнат!— Андрей ўрнидан сакраб турди-ю, гандираклаб кетиб, оёқларини кериб олди. Ялпоқ бурниният катаклари қенгайди.— Кунига ўн саёкиз соатлаб бўлса ҳам ишлай оламан, дам олиш куни ҳам, отпуска ҳам беришмасин, майли. Фақат менга иш беришсин... ўз ишим билан шуғулланай. Боринг, ана, шаҳар комитетига арз қиласай. Улар қайси кўрсатган ишимга қараб арзимни муҳоммада қиласидилар?— У қўлларини силкиди.— Ҳеч нарса иш қиласидилар? Нимам билан ўзимнинг ҳақ әканлигимни исбот қила оламан?! Қуруқ бармоқларим биланми?

— Ёшинг ўн бешга кирганда фанни остин-устун қилмоқчи бўлган эдинг. Плита эсингдами? Йўқ, ўғлим, қийинчилликка чидолмас экансан... Ишга энди киришдинг-у, ҳалитдан уддалай олмаяпсан. Қўлингдан кел-

маса — четга чиқиб тур, пашшалашма... ҳозиргача ишларинг осонликча юришиб кетаверган эди: эрка бўлиб қолибсан. Институтга кирмоқчи бўлдиган, кирдинг, аспирантурага эса, ариза бердинг, Андрей Николаевич, деб ҳатто ўзлари ёлборишди. Лабораторияни кўинглинг тусаган экан, унга ҳам имкон беришди. Хуллас йўлинг жуда текис бўлди. Бундан буён ҳам шу тептекис йўлдан баҳузур кетаверман деб ўйлаганимидинг? Карабсанки, бир турткига чидомлай дарров авария қилиб қўйибсан. Нолиб қолибсан. Гапларингни әшитгим ҳам келмайди.

— Ахир, ноҳақ турткилашди-да! — деб бақирди Андрей.

— Бақирма. Ҳақиқатни икки қўллари билан сенга тутишларини қутаётганимидинг? Ҳақиқат учун жанг қилмоқ жерак. Сен халқни айбламоқдасан, уни ишонтиролмаганлигинг учун ўзингни айла...

Андрей ўзини яна бола деб ҳис қила бошлади. Унинг қаршисида ўғлининг ғамхўрлигига, у билан сайр этишга одатланиб қолган, аммо ўғлининг вақти йўқлигидан у билан баҳузур ўтириб суҳбатлашишга имкон топа олмаган хаста чол отаси эмас, балки жўпни қўрган ва кўп нарсани бошидан кечирган доно киши турар эди. У ҳам онанинг ўлимига, ҳам ўз касаллигига, ҳам қариликка дош бериб, мағрур қад кўтариб турарди.

Андрейнинг кўз олди хиралашиб кетди. Аммо у уялмади. Отаси уни ёш боладай етаклаб келиб каравотга ётқизиб қўйди. Кўп ўтмай худди болалигидаги каби отасининг ориқ қўлларини қўйиб юбормасдан бағрига босганича ширин уйқуга кетди.

Андрей одатдагидан эрта уйғонди. Қечаси отаси билан гаплашган пайтда ҳеч нарса ҳал қилинмагандай эди. Жонига теккан лабораторияни лаънатлаб ва уни шу ҳолга тушишга йўл қўйгани учун ўзидан-ўзи хафа бўлиб, анча вақт чўзилиб ётди. Сўнгра ўрнидан сакраб туриб, трусиқда муздек линолеум устида юриб бориб, деразани очиб юборди. Қарши томонда бир қиз дераза артиб, секин хиргойи қиласар эди:

Атрофга бир боқ дўстим,  
Қандай гўзал бу баҳор тонги...

Унинг қўли артиб ўтган ойна усти шаффоффдек ярақларди.

Эрталабки гимнастика — ажойиб нарса-да! Тово-нингдан то елкангача ҳаракатга соласан, ўпкангни шундай керасанки, кўкрагинг оралаб тоза ҳаво ўтади, аъзойи баданингдаги ҳар бир ҳужайра роҳатланади. Қўлларимиз кучликоми? Жуда кучли! Йорак-чи? Соғлом! Қўкрак-чи? Қенг! Аммо биз яна ҳам қучлироқ бўламиз. Бу инсон ҳаёти учун жуда зарур.

— Мунча қулоч ютиб қолдинг? — деди отаси. У эшик юлдида кулиб турарди. — Бу ёққа жел-чи, — деб чақирди у неварасини. — Кеча бу амакингни тоза аданни берганимни биласанми? Ана ўзи айтиб берсин. Билиб қўй, бобом фақат қўрқитишни биларкан деб ўйлама!

— Андрей амаки, шу ростми? — деб кўзларини катта очиб сўради Таня.

Лобановларнинг уйида ишчилар оиласига хос самимий муносабат ҳукм сурар эди, шунинг учун отасининг кечаги ҳодиса тўғрисида эслатиши бир оз қўполроқ бўлсада, Андрейнинг қўйнглига қаттиқ тегмади. Ота оўзини бола кўтаради.

— Бу ҳали ҳолва-ку, — Андрей кулиб Таняни кўтариб олди, — ўн тўрт ёшдалик пайтимда бобонгдан бундан ҳам бадтарроқ калтак еганман.

Шундан кейин у Таняга кеча отаси эслаган плита воқиасини ҳикоя қилиб берди.

У, пайтларда улар Днепростройда катта ёғоч баракда туришарди. Ошхоналари умумий бўлиб, у ерга узун чўян плита ўрнатилган эди. Юз берган воқеани биринчи навбатда Мария Федотовна сезиб қолган эди. У плитада турган товасини олмоқчи бўлиб, унга қўл чўзди-ю, дарҳол чинқириб юбориб, ўзини орқага отди. Орадан уч минутча вақт ўтар-ўтмас плитага қўл тегизиб бўлмаслигини баракдаги ҳамма хотинлар ҳам сездилар. Кострюлкалар, товачалар, мис товоқлар — ҳам масида ток бор эди. Кимдир чўян декчасини ёғоч билан илиб олмоқчи бўлган эди, декча ағдарилиб кетиб бутун уйни парга тўлдириди. Хотинлар нима қилишларини билмай, чинқиришиб плита атрофида гирди капалак бўлиб югуришарди. Плита устидаги шавлалар куйиб тагига ола бошлаган, суюқ ошлар биқирлаб қайнаб, ҳамма ёқ тутун ва ис билан қопланган эди.

— Буни ким қилганини биламан! — деб қичқирди Мария Федотовна, Лобановага ўқталиб, — бу сизнинг безори ўғлингиздан келган иш.

— Албатта ўша, ундан бошқа ким қиларди! Қачонгача унинг бемаъни қилиқларига чидаймиз. Тағин она эмиш! — деб бақиришарди хотинлар.

Улар ҳаммаси бараварига нозиккина, юмшоқ кўнгил бир хотинни ўраб олишган, у эса ўзини химоя қилишни ўйламасди ҳам. У фақат бир нарсага, яъни ўғлинг бу ишни атайлаб қилган деган фикрга қўшилолмас эди. Лекин Андрейнинг номини тилга олиши билан хотинлар бадтар тутоқишиб кетди. Улар бу тўполончи боланинг ҳамма қилган ёмонликларини бир-бир санаб чиқа бошладилар.

Эшиклардаги ҳалқаларни автоматлаштирган ҳам ўша. Худди Николаевлар поездга шошаётган куни у бузилиб, эшик очилмай қолган эди. Охири эшикни синдириб чиқишга тўғри келган эди.

Қуёшда сув қайнатиш йўлини топиб, сал бўлмаса ёнғин чиқариб юборай деган ҳам шу Андрей эди.

Мария Федотованинг мушуги орқали қандайдир радио тўдқин ўтказишни ўйлаб топган ҳам худди Андрейнинг ўзи. Натижада мушук қутуриб кетган эди.

Уша куни жекқурун Николай Павлович баракдаги қўшниларнинг зўри билан ўни тоза савалаган эди. Ахир беш ойланинг ҳаммаси ўша куни бутуилай овқатсиз қолган эди-да...

Кейин Андрей кечаси туриб ошхонага чиқсан ва плита тагидаги ўзи ясаган трансформаторни олиб ташлаган эди. Бадтар бўлинглар, майли, юқори сифатли қизитиш аппарати ёқмаса, ҳўл ўтин ва керосин билан ивирсисб ётаверинглар. Димиқиб азобланаверинглар. Вақти келиб шундай пушаймон ibrўласизки... Лекин фурсат ўтган бўлади. Тарихда буюк кашфиётларни ёқтирмас, кашфиётчиларни эса уриб хафа қилардилар. У яқинда Галилей ҳақидаги бир китобни ўқиб чиқди. Шунда Андрейнинг миясида, икковимизнинг тақдиримиз бир-биримизниги ўхшаб кетар өкан, деган фикр уйғонди-ю, анчагина ювуниб қолди...

Андрей ўша воқиаларни, жека отаси эсга солған воқиаларни хотирларкан, у ўзининг бугунги қайфусини ўтмишдаги қайфулар занжирига аста-секин улай бошлади. Бу занжир доналарининг ҳар бири ўз вақти

да такрорлаб бўлмайдиган оғир туйғу бўлиб туюлган эди.

Андрей ишга пиёда борарди. Тунги ҳаво билан юнилаб тозаланган шаҳар кун бошланишини кутаётгандай ҳар куни эрталаб Андрейни турли хил янгиликлар — янги бўялган уйлар, ё китоб магазинлари витриналарида пайдо бўлиб қолган янгиликлар, ёки бутунлай бошқача кўтарилаётган қуёшнинг ажойиб шуъласи билан қарши олар эди. Меҳнат қучоғига отланган кишилар ичидан Андрей ўзи сингари бугунги кунга катта умидлар боғлаган, ундан қувноқ ва унумли ҳодисалар кутаётган кўплаб хушчақчақ чеҳраларни учратарди. Бугунги кун ўзи билан нималар олиб келаётганини ҳеч ким билмас, балки у қуруқдан-қуруқ ҳеч фойда келтирамай ўтиб кетар, балки кишини яна оғир чарчатиб ёки дилини сиёҳ қилиб тугар, ким билади дейсиз, ҳаммаси ҳам бўлиши мумкин, аммо эрталаб ҳеч ким бу ҳақда ўйламасди. Тонг бу ажойиб фикрлар ва саркаш умидларга тўлган куннинг ёшлигидир.

Қабинетдаги стол устида бир қитоб очиқ ҳолича ётарди. Андрей қитоб саҳифасида, ости тирноқ билан чизилган мисраларни ўқиди:

Ортимиздан жангчилар келар  
Таслим бўлган элларни ташлаб,  
Дўстларимга дердим ҳар сафар,  
Қайғурмангиз, кўзингиз ёшлаб.  
Душман сафин ёриб ўтамиз,  
Улим эса бизга бегона.  
Муддат келар босиб борамиз,  
Ҳарна қўлдан кетди, оламиз яна.

Эҳ, Борисов, Борисов, мен таслим бўлишни ўйлармидим...

Лабораторияда эрталабдан бошлаб: локатор туфайли план тасдиқланмабди, агар Лобанов локаторидан возкечганда эди, бошқа тематикалар сўзсиз тасдиқланган бўларди,— деган миш-мишлар тарқалди. Борисов Андрейнинг олдига жириб, қабинет эшигини зич ёпди-да, деди:

— Чиқиб одамлар билан гаплашишинг керак.

— Нимани? Бу мажбуран суқилган планни бажариш керак дейманми, ёки бу план ҳеч нарсага ярамайди дейишм керакми?

Борисов кулиб юборди. Унинг чеҳраси жуда ажойиб:

кулганда кўзлари қисилиб, пахмоқ чўткачага ўхшаш узун киприклари орасида энсиз кўзлари зўрға кўринади. Агар жиддий турса кўзлари катта-катта очилиб, кишига қандайдир синовчанлик билан боқади.

— Бўлган воқнани уларга очиқ-ойдин айтиб бер.

Андрей истар-истамас рози бўлди.

Унинг сўзларини жимгина ўтириб, диққат билан эши-тишди. Сўнг Кривицкий дағал соқолларини қашлаб туриб гапирди:

— Тарихдан маълумки, Пифагор ўзининг машҳур на-зариясини бунёд қилиш олдидан Юпитер йўлига юзта ҳўкизни қурбон қилган экан, шунинг учун ҳам бирор янгилик ихтиро қилинадиган бўлса ҳамма ҳайвонлар зирзир қалтираб турармиш.

— Олижаноб фикр,— деб мақтади Новиков,— хуллас менга энди тиргак зангини тозалаб ташлайдиган электрошпоткани конструкция қилишга тўғри келарканда. Олижаноб фикр! Буюк проблема!

«Аҳа, ҳаммангга кор қилди-ю!»— мамнун бўлиб ўйланди Андрей. Ҳамманинг кайфиятида ранжишлиқ ва тетикилик ҳислари сезилиб турарди. Фақат Усольцев билан Майя Устинова жим әдилар. Андрей Майяга мурожаат қилмас, умуман ўнинг томонига қарамасликка ҳаракат қиласди. Лекин у Усольцевдан савол сўради:

— Сиз нима дейсиз?

— Менимча,— эҳтиётлик ва очиқ кўнгиллий билан жавоб берди Усольцев,— яна бир йилча ўтсин, жейин ўзи маълум бўлиб қолади.

Рейнгольд шиддат билан қўлларини силтаб унга ёпиша кетди. Бир оз жим қолган Андрей яна савол берди:

— Усольцев, электр токи қандай ҳосил бўлишини биласизми?

Усольцев елкасини қисиб қўйди.

— Тоқ, магнит линияларининг ўтказгич билан кесишиб ўтиши натижасида ҳосил бўлади.

— Баракалла, ҳамма масала худди ана шу кесишиб ўтишда.

— Сизнинг локаторингиз нима бўлади, Андрей Николаевич?— секин сўради Рейнгольд.

Андрей индамади.

-- Ҳозирча, масала ҳал бўлганга қадар назарий то-

монлари билан шуғулланиб турсақ бўлмасмикин?—  
деди Борисов.

— Кўрамиз,— деди Андрей,— баъзи бир масалаларни  
ўйлаб қўйдим. Балки исботлаб беришга қурбимиз етар.

Бошқа ҳеч нарса ҳақида гап бўлмади. Ҳамма жой-  
жойига тарқалди. Андрей ўзини анча енгил ҳис қила  
бошлади.

Потапенко ўз ғалабасини мустаҳкамлашга шошил-  
ди. У ўзига хос ғайрат билан Тонков институти билан  
тузиладиган ҳамжиҳатлилик шартномасини тарихий  
факт сифатида улуғлашга уринди. У шаҳар партия ко-  
митетидан вакиллар чақирди, кинохроника ходимлари  
ва мухбирларни таклиф қилди. Шартнома тексти бос-  
махонада чоп қилинган бўлиб, етти бетдан иборат эди.  
Шартномага қўйиши маросими кичик кенгаш зали-  
да бўлиб ўтди. Андрей бу маросимни «бум» деб атаб  
унга қатнашишдан бутунлай бош тортишини Борисов  
орқали айтиб юборди.

— Арзимаган нарса учун сену менга боришнинг ни-  
ма кераги бор,— шубҳаланди Борисов. Борисов яқин  
кунларда Андрейнинг иши юзасидан район комитети-  
га учрашмоқчи эди, шунинг учун у Долгиннинг ифвола-  
рига имкон бермасликни истарди. Лекин Андрей чўрт  
кесар йигит, уни кўндириб бўлармиди? Америка деле-  
гацияларини кутиб олгани бораман дебоқ оёғини тираб  
олди. «Қойил баҳона, агар сўраб қолишса Фалеев ча-  
қирибди деб қўя қол» эмиш.

Тонков ўзининг кўп сонли ходимлари билан бирга  
маросимга етиб келди.

— Менинг шогирдларим,— деб таништирди улар-  
ни мухбирларга.

Лаборатория томондан шартномага Борисов билан  
Майя Устинова қўйиб қўйди.

— Лаборатория бошлиғи ижодий ҳамжиҳатликка  
қарши бўлса жерак,— деди баланд овоз билан Долгин  
буш инженерга. Дмитрий Алексеевич Борисовнинг изо-  
ҳини қовоқ солиб туриб эшилди.

— Ҳар ҳолда ўртоқ парторг, Лобановнинг бу иши  
яхши бўлмаяпти.

Майя ҳаммадан кейин қўл қўяркан, ҳаяжондан қўл-

лари қалтираб, перо тимдаланиб, сиёҳ томчилари сачраб кетди.

Унинг кўчасида ҳам байрам бошланди! Энди у ачинарли юпатувчи масиҳатларни эшийтмайди. У ана шу иш туфайли ўртоқлари ва ўз виждони олдида ўзини оқлади. Тез кунда у Лобановга ва унинг локаторига раҳми келадиган бўлади. У Тонков ва унинг илмий обўсига самимий шонарди, шунинг учун ҳам тантана қилмай туролмасди. У Лобанов билан орани очиқ қилиб қўяди. У бугунги маросимга келмади, шу келмаслигининг ўзи ҳам унинг биринчи зарба ейишидир.

Тонков фан ва меҳнат ўртасидаги дўстона иттифоқ тўғрисида таъсирили нутқ сўзлади.

— Биз сизларни ижодга тортамиз,— деди у.— Сиз оддий инженер ходимлар, бизнинг кенгашларда актив иштирок этасизлар, биз процессларнинг асосий мағзи билан яна яхшироқ тушунишларингизга ёрдам берамиз... Биз назария олтиини практика оловида тоблаб, синаб кўрамиз...

Сўнг Потапенко, бош инженер ва Пятниковлар сўзга чиқишиди. Магний ёниб, оператор аппаратини ишга солди. Тонков аппарат объективига қараб туриб, Потапенко билан Майя Устинованинг қўлини қисди.

— Сизнинг лаборатория бўйича бўлажақ ёрдамчингиз,— деб таништирган бўлди Майяни Потапенко.

— О, йўқ, ёрдамчи эмас, сафдошимиз,— деди Тонков, бармогини кўтариб.— Ишонаманки, биз сиз билан менинг методимни шартномада кўрсатилган муддатдан аввалроқ ишлаб тутгатамиз. Сиз бу материал туфайли диссертация ҳам ёқлаб оласиз.

Майя қизариб, табассум қилиб турарди, унинг қўзларида баҳтиёрлик учқунлари чақиар эди.

Бу вақт Андрей Америка делегациялари билан бирга институтда юрган эди. У инглиз тилини бурро қилиб гапиришга уриниб, совет студентлари нима учун стипендия олишларини тушунитирар эди. Бу фала-ғовур компания ичida Андрейга ёққани фақат биргина профессор Стрейт бўлди. Бу ориқ, ўхшовсиз қиёфали, бир елжаси кўтарилиб турувчи одам ҳам зажигалкасини йўқотиб, дам авторучкасини, дастрўмолини қаерига солганини билмай, дам ўтмай қаппайган чўнтакларига уриб уриб қўярди, ҳадеганда суҳбатдошининг гапини бетайин саволлар билан бўлаверар, аммо суҳбатнинг учи-

ни ҳеч йўқотмас эди. Уни ўқитувчилик ва электротехника фани қизиқтирарди, бошқа ҳеч нарса ҳақида эшишишни истамасди, аммо шу предметга хос нимаини нарса бўлса дарров усталик билан сўрарди. Физика аудиториясида у девордаги ўнларча портретлар ичидаги Франклиннинг портретини кўриб, мамнун ер тепинди.

— Та-та-та, ишонаверинг Стрейт, буни бизнинг келишимизни билиб, атайин осиб қўйишган,— деди унга узун бўйли, боши юмалоқ, кўрининишидан ҳасса тутқинини эслатувчи ёш химик. Стрейт Андрейга қараган эди, у бенарволик билан елкасини учирди. Стрейт инқиллаб кресло устига чиқди-да, портретга қўл чўэди ва расмнинг орқасини пайпаслаб кўра бошлади. Сўнг креслодан гуп этиб тушди-да, ўргимчак уя ва ис босган сержун қўлини ҳар бир делегатнинг бурни тагига тиқиб кўрсатди. Унинг сариқ, суяги чиққан тепакал қиёфасида мамнунлик аломати чақнади. Сўнг у коридорга югуриб чиқиб, дуч келган биринчи студентни бошлаб келди-да, портретни кўрсатди.

— Профессор Стрейт сиздаи Франклин ҳақида нималар билишингизни сўраяпти,— деб таржима қилди Андрей.

У орқасига сумка осган бу қотмагина йигитнинг орқасидан ҳаяжон билан қараб турар, йигит эса бир неча инглиз сўзларини дадиллик билан ишлатиб жавоб берди:

— Франклин — машҳур америка физиги. У атмосфера электри ҳамда яшин қайтарғич устида иш олиб борган.— У овозини пасайтириди-да, кулиб туриб, Андрейдан сўради:— Франклин негрларни ҳимоя қилганини айтиш мумкин эмасми?

— Нега мумкин бўлмас экан, айтамиз,— Андрей унинг негрлар ҳақидаги гапларини таржима қилиб берди.

— Бизнинг университетда рус олимларининг портретлари йўқ,— деб юборди Стрейт, Андрейга диққат билан тикилиб,— студентлар на Поповни танишади ва на Ломоносовни.

— Шундайдир деб ўйлаган эдим,— деди Андрей,— Франклиннинг портрети-чи? Борми?

Стрейт жавоб бермади. Улар делегатлар билан бирга олға кетишли.

Фалеев билан Зоя Крючкова Андрей билан ёнма-ён

боришар экан, уни туртиб, непрларни линч суди билан азоблашларни Стрейт кўрган-кўрмаганигини, унинг бу ҳодисага нисбатан қандай фикрдалигини ва Стокгольм мурожаатига қўл қўйган-қўймаганини, хуллас ҳар тўғрида сўрашга ундашарди.

Таржимон қиз уларга ўгирилиб деди:

— Мехмонларнинг саволига жавоб берайлик.

— Сизнинг олдингизда уятли бўлиб қолдим, мистер Лобанов,— деди жутилмаганда Стрейт,— сиз инглиз тилида шунчалик равон гаплаша оларкансиз, мен ҳам рус тилини ўрганишим керак. Электрик рус тилини билиши керак.

Андрей делегатларни машинага кузатиб борар экан Стрейтдан нима сабабдан мистер Рапп мақолалар ёзмай қўйганидан хабарингиз борми, деб сўраб қолди.

— Рапп энди физика билан шуғулланмайди. У катта мерос эгаси бўлиб олди,— деди Стрейт.

— Кечирасиз, бу ишнинг меросга нима алоқаси бор? — ажабланди Андрей.

Стрейт елкасини қисди.

— Энди унга физика билан шуғулланишнинг нима кераги бор? У йилига йигирма минг доллар олади... Назаримда, мистер Лобанов сиз, нимагадир тушунмаяпсиз...— Стрейт сигарасини тортди-да, қийшайиб кулиб қўйди.— Фандаги беғаразлик — идеал нарса, идеал эса ўз қучоғига жуда озчиликни торта олади. Буни бизда юксалиш дейилади,— деди Стрейт. Агар у бу сўзни киноя оҳанга папирган бўлса жуда алам билан гапирди.

— Тушунарли,— деди Андрей қуруқцина қилиб,— илгари олимларнинг фан йўлида қурбон бўлиш учун гулхан томонга югурар эдилар, энди банкка югурладиган бўлибдилар-да.

Стрейт бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лекин гапирмади, енгига тушган сигара кулини қоқиб ташлаб, инқиллаганича машина ичига кириб ўтифди.

Америкаликлар жўнаб кетишгач, Зоя Крючкова дебразани очиб юборди.

— Сигара ўлгирдан шунақаям тўп тутун чиқар эканки,— деди қиз.— Рухсат сўрамай чекишиади-я. Бизда ҳатто монтёрлар ҳам сўраб чекишиади.— У жирканниб лабларини бурди.— Ёввойилар. Уша Стрейтингиз ҳам қуриб кетсин,— деб у Андрейга ёпиша кетди.— Креслога чиқди-я.

Андрей кетар пайтида Фалеевдан регулятор устида ишлайпсанми, деб сўради. Сўнг унинг илгаригидай баъзи бир назарий чигалликларни ҳал қилиш билан қизиқсинаётганини билгач, ундан бир станциянинг инженерига (у Краснопевцевни кўзда тутган эди) қозон регуляторининг расчет назариясини тузишда ёрдам беришлигини илтимос қилди. Ёлғиз қолиб қаршилилка учраган ва ўзи маҳрум бўлган ишга Фалеевни тортишга киришди, шунинг учун ҳам у, бу илтимосни нақадар мashaққат билан айтётгани сезилиб турарди.

Фалеев лекцияларнинг кўплиги ва имтиҳонларни баҳона қилиб тортинган эди, Андрейнинг жим бўлиб қолганини кўриб, сўради:

— Муддати қачон?

У, айниқса Андрейни қозонхонада ишлаб кўришга мажбур қилганларини эшишиб тоза кулди.

Фалеев ўзининг осойишта турмуш кечиришидан маҳрум бўлаётганини сезди. Бунга сабаб Андрейнинг кишини қизиқтирадиган таклифигина эмас эди. «Ҳамжиҳатлик» деган янги термин кейинги вақтларда ҳар бир олимнинг ўз фаолиятида ўзгариш ясашга мажбур қила бошлаган эди.

Аммо Фалеев учун ўзининг ўрганиб қолган шутинчгина ҳаётидан, ҳеч қандай мудлат талаб қилиб сиқишилмайдиган беташвиш ишидан айрилиш жуда оғир эди. Ахир ўз формулаларини иссиқ, нафасни бўғувчи қозонхонадаги кочегар ва машинистлар маслаҳатига олиб бориб ташлаш фақат айтишга осон эди:

Лекин ҳар ҳолда кўп йиллик иш давомида орттирган қобилиятни ҳақиқий синовга солиб кўриш ёмон бўлмас, албатта.

Улар станция вакиллари билан бирга Андрейнинг лабораториясида учрашишга ваъдалашишди.

## ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Педагогика институтида студентлар билан, институтни битириб кетганларнинг учрашув кечаси уюштирилаётган эди. Лиза буни тасодифан Ритадан эшишиб қолди. Ританинг ўзи кечага бормоқчи эмас эди. У сўнгги вақтларда ҳеч ким билан учрамайдиган, одамови бўлиб қолганди. Лизада, бунга Андрейнинг алоқаси йўқми-

кан деган шубҳа пайдо бўлди. Виктор негадир қатъйлик билан хотинини бунинг сабабини билиб олишга ундар, аммо Лиза Андрейдан сўрагани уяларди.

Институтда кеча бўлишини эшишган Лиза қувончидан сакрай бошлади. У ваннахонага югуриб кирди-да, газни ёқди, соч турмагини бузмаслик учун эски резинка қалпоқчасини топиб кийиб олди. Бир вақтлар шу қалпоқчани кийиб бассейнларда чўмиларди. Икки юз метрга сузишда у яхши натижаларга эришарди. Курсдоши Женъка Самойлов ҳам у билан бирга сузарди. Женъка ўша вақтларда у билан юрмоқчи ҳам бўлган эди. У кўпдан бери ўз курсдошларидан Ритадан бўлак ҳеч кимни кўргани йўқ, ким қаерда, нима иш қиляпти билмайди ҳам... Энди улар Лизадан қаерда ишлаётганини сўрашадилар... Йўқ, кечага бормайди. Ахир нима деб жавоб беради?

Кечгача у ўзини бормасликка кўндириб юрди. Лекин радиода соат етти бўлганини эълон қилиши билан у бирдан ўрнидан сакраб турди-да, отлана бошлади. Ўзини ўзи кечқурун кийиладиган қора духоба кўйлагини олишга мажбур қилди. Агар студентлик пайтида шу кўйлаги билан институтга боргандами, қизларнинг ҳавасини келтириб, тоза жуйдирган бўларди. Бугун эса уни шу кийимда кўришса, ўзаро, билдик, масъул ходимнинг хотини экан деб қўя қолишади...

Кийим-бош ечиладиган жойда унинг ёнига Машка Стародубцева югуриб келди-да, хурсанд бўлганидан чинқириб, бўйнидан қучоқлаб олди. Шу минутнинг ўзи-ёқ, Лиза учун бугунги кечанинг бутун вазиятини баён қилиб берган эди Босиб ўтилган ҳаёт ва оила унинг кўзи олдида ғойиб бўлди. Лиза ўзини яна ўша студентлик пайтидек ҳис қила бошлади. Мана шу зиналардан югуриб кетаётганини, сессия вақтларида шу коридорларда ҳаяжонланиб юрганини, мажлисларда овози бўйилгунча тортишувларини тасаввур қила бошлади. Эгнидаги кул ранг кўйлаги билан чумчуққа ўхшаб турган дўмбоққина шўх қиз Машка унга янгилликлар ҳақида жовраб, танишлар билан сўрашиб, Лизани юқорига тортиб кетди. Йўлма-йўл уларга бошқа ҳам-курслар ҳам қўшила бошладилар, ниҳоят, катта тўда бўлишиб кетдилар. Улар бир-бирларини қучоқлашиб бутун

коридорни энлатан ҳолда мажлислар зали томон юрдилар.

Йўлда бошқа тўдалар — институтни энг аввал битириб чиққанлар ҳам учрашишарди. Улар орасида сочига оқ тушган ва сочи тўкилган эркаклар ҳам бор эди, улар ҳам бир-бирларининг елкаларига қоқиб қулишар, хотинлар эса кўз ёш қилишиб қучоқлашишар эди.

Лизанинг группасидан Машка Стародубцевадан ташқари етти киши келибди. Ҳар бирининг тақдири ўзи ўйлагандан бошқача ажойиб бўлиб ташкил топибди. Ленъка Пушкин доцент бўлиб, гардишсиз қалин кўзойнак тақиб олибди. Маша унинг дўппайган қорнига уриб:— бу ўша узундан-узоқ романтик, ҳазин шеърлар ёзиб юрган Ленъкага сира ўхшамайди-ку,— дерди.

Учрашамиз Разъезжейда,  
Мен келаман интизор бўлиб,

чинқириб ўқиб ҳетди Машка...

Бир вақтлар ўқитувчи доскага чақирганида бўздек оқариб кетадиган, қўрқоқ Тося Федорованинг қайрилма ёқаси устида иккита Қизил Юлдуз ордени порлаб турарди.

— Қизлар, мана бу гўзал йигит ким?— деб сўради Лиза атайнин баланд овоз билан Женя Самойловни кўриб

— Аҳа!— тантана билан бақирди Женя.— Гўзал йигит! Энди пушаймон қиляпсан шекилли! Қўлдан бой бергансан! Илгарилари хазанак деб масхара қилардинг.

Бу ўша иш ёқмас, икки баҳодан боши чиқмаган, иш бузуки Женя Самойловни ҳозир сабр-тоқат ва зўр қизиқиш билан соқовлар мактабида дарс бера олади деб ўша вақтда ким ўйлаган эди, дейсиз.

Аммо собиқ группа комсорги Люся Огородникованинг горком инструктори бўлиб ишлаётгани ҳеч кимни ажаблантирмади.

— Шундай группанинг комсорги бўлган одамни горкомга секретарь қилиб кўтаришса ҳам арзийди,— деди Пушкин.

Люсянинг эгнида чиройли каштали трикотаж қўйлаги бўлиб, ўзига жуда ярашиб турарди, умуман қизларининг ҳаммаси сўнгги мода бўйича кийинишган, Лизанингидан қолишмас эди. Лиза кечки кўйлагини кийиб келгани

учун мамнун бўлди, агар тўқима кофточкасини кийиб келганида яна ҳам яхши бўларди!

Оқ колоннали, камалакдек ранг-баранг биллур қандиллар нур сочаётган вал одам билан тўла. Қишилар залнииг у бошидан бу бошига юпуришар, киминидир чақиришар, ўқитувчилар билан қуюқ сўрашишарди, хуллас, институтнинг кекса профессори Лев Никанорич гўё мажлис очишни истамаётгандай эди. Бу учрашув минутлари, сўроқлаш, билиш, бир-бирларининг ҳаёт йўллари билан танишиш каби ҳодисалар гўё бугунги программанинг асосий қисми бўлгандай, президиум столи ёнида турган Лев Никанорич залдан кўзини ўзмай табассум қилиб турарди. Шу пайт Лиза уларнинг 510-группасига «Шер» (яъни Лев Никанорич) кураторлик қилганини эслади. Студентлар кўп ўйлаб турмай саҳнага чиқиб, уни ўраб олишди-да, 510-группада бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни эслашига мажбур қилишди.

— Самойлов, сизнинг аудиторияда папирос чекиб ўтирганингизни кўриб қолганмидим? — деб муғомбирлик билан сўради Лев Никанорич.

— Ҳа, кўриб қолдингиз! — иқрор бўлди Женъка.

Шундан кейин ҳаммалари ўшанда бўлган воқеани эсладилар. Женъка Самойлов папирос ушлаган ўнг қўлини шошиб-пишиб чўнтағига тиққан эди. Лев Никанорич эса ҳеч нарса сезмагандай бўлиб унга яқинлашганда, Женъка билан сўрашмоқчи бўлган, у қўлини чўнтағидан чиқариб, ўқитувчи билан кўришишга мажбур бўлган, Лев Никанорич унинг қўлини анча вақтгача силкиб алланарсалар тўгрисида эзмалик билан сўрай бошлаган. Бу вақт ичida куйган латтанинг ҳиди кела бошлаган, — ўшанда Женянинг чўнтағи қуйиб, катта тешик пайдо бўлган экан.

— Лев Никанорич, иқрор бўлиб, айтингчи, ҳозирги студентларингиз ичida биздақанти спартанчи — лочинлар борми? — деди самимий равишда Леня Пушкив. — Улар ғўрачалар... тирранчалар!

Ҳақиқатан ҳам ҳозирги студентлар жуда ёш кўринардилар. Биринчи курсдаги қизлар ҳали ҳам мактаб формаларини кийиб юришар, йигитлар эса, ёш болага ўхшардилар.

— Бечоралар,— деб хўрсинди Машка,— сизнинг кўнглинигиз нимага мойил эканини билишмайди ҳам, Лев Никанорич!

Ҳамма ўзлари ўйлаб чиқарган қонунии эслаб кулиб юборди,— агар имтиҳонда зиқ келиб қоладиган бўлса улар Лев Никаноричга Гоголь тўгрисида бирор доно фикр айтиб қўйишарди. Чол эса буни эшитиши билан ўзи фикр юритиб кетар ва раҳми келиб, студентга яхши баҳо қўйиб юборарди.

Йиғилишда институтни битириб кетгалилар сўзга чиқиб, ўзларининг қаерда ва қандай ишда ишлаётгандиклари ҳақида гапириб бердилар. Минбарга институтни турли йилларда тамомлаганлар чиқишаар, улар гўё ўз студентлари эшитаётгандай насиҳатгўйлик қилмай, сода қилиб таъсирли гаплар айтардилар.

Танаффус пайтида Пушков концертдан «қуён бўлиш»ни ва институтни айланиб томоша қилишни таклиф этди.

— Қочоқ!— кулимсираб деди Люся Огородникова, улар эски студентлик пайтида айтадиган сўзларини эслаб завқланар эдилар.— Ўзингнинг лекциянгдан ҳам қуён бўлиб турсанг керак-а, қочоқ?

Улар кабинетларга бирма-бир бош суқиб, қараб ўтишар, бу хоналарда ўтказган вақтларини эслалиб кулишар эди.

— «Яшин!» Ўртоқлар, қаранг-а, ўзимизнинг «Яшин»имиз!— деб қичқириб юборди Машка.

Коридорда «Яшин» сарлавҳали тоштахта осиғлиқ турарди. Ранги бўр билан чанги осмонга кўтарилган, поли ахлатга тўла, каравотлари тартибсиз ётоқхонанинг бир хонаси суратга олинган. Унинг тагида эълон ҳам бор.

«Хоналарида вақтинча биринчи курс студентлари истиқомат қилиб турган юқори курслилар диққатига! Шаҳар тозалигини сақлаш трести, ўзининг азамат экскаватор, бульдозер, самосваллари борлигини хабар қиласди!»

Эълоннинг остида жавоб хати ҳам бор: «Бўлмаган гап, барибир биздан кейин ҳам тозалай олмайсиз. Любимов Е.»

Улар иккинчи курсда институтда биринчи бўлиб қувноқ сатирик газета ташкил қилишган эди, демак уни

ҳали ҳам давом этдиришар экан-да. Шунинг учун фахр билан унга тикилиб қолишиди.

— Ҳатто доскаси ҳам ўша,— деди Пушкин,— уни мен ижод қилган эдим.

Бошка «Яшин»лар ҳам осиғлиқ турибди. Энди ҳамма факультетларда сатирик газета чиқара бошлишибди. Ниҳоят, улар ўзларининг жонажон аудиторияларига етиб келишиди. Хона ичи қоп-қоронғи, Леня виключателни топмоқчи бўлиб узоқ вақт деворни пайпаслади.

— Қаерни излаяпсан,— деди қийиқирди Лиза,— у ўнг томонда бўлиши керак!

Чироғ ялт этиб ёнди, уларнинг кўз олдида таниш хона, узун столлар, катта доскалар намоён бўлди.

Лизага скамейкалар бир оз пастлашган, ҳатто хонанинг ўзи ҳам бир оз кичрайиб қолгандай кўринди. Янги бўялган стол устидаги бир вақтлар пичноқ билан ўйиб ёзилган исмларининг бош ҳарфларини ҳам топиб бўлмасди. Лекин Лиза стол қутиларидан бирини тортиб, унинг ён деворидаги ёзувни кўрди. Ҳамма уни ўраб, ўқий бошлиди:

«Л. Пушкин гўзал қиз Л. билан шунда  
Ўтиради ҳам кундуз ҳам тунда».

— Лиза, бу сенинг тўғрингда,— деди ҳавас билан Тося Федорова.— Пушкиннинг ҳалигача ўқувчини ҳаяжонга солиб турадиган бирдан бир асари.

— Ҳа, бўлди-да, жуда ҳам ошираверманг,— Леня кўзойнагини тўғрилаб, йўталиб олди.— Ундан кўра, ўртоқ Федорова, Ронсарнинг таржимаси ҳоли ҳақида нималар билишингизни гапириб берсангиз бўларди.

Тося ўқитувчининг олдида довдираб қолишини тақлид қила бошлиди, у атрофга қаради-да, сўнг асабийлик билан бармоқларини тез-тез чалкастириб дудуқланди:

— Мен... мен Федорова эмасман, мен энди Полянскайман.

— Ҳамиша бир нарса чиқиб турар экан-да,— деди жаҳл билан Пушкин,— дам вазифани бажармай келасиз, дам фамилиянгизни ўзгартирасиз.

Люся Огородникова ўзининг эски комсорглик ҳукуқидан фойдаланиб ўқитувчининг ўрнига ўтириди-да, ҳар

кимдан қандай ҳаёт кечираётганлиги ҳақида ҳисобот беришини талаб қилди.

Лизага фақат студентлик йилларини эслаш ёқарди. Лекин ҳамма: «Тўғри, бўпти ҳисоб берамиз!» деб бақира бошлади.

Биринчи бўлиб албатта Маша Стародубцева сўзга чиқди. У адабий редактор бўлиб ишлар эди. Дунёда шундан бошқа қадрсиз касб бўлмаса керак.

Агар китоб яхши чиқмаса, демак уни редактор бузган, агар яхши чиқса — унда редакторнинг ҳар қанча уринишига қарамай, яхши чиқибди деб қўя қолишади.

Сўкишасан, ҳақоратлар эшитасан, авторларга тушунтирасан, асалари устида бош қотиравасан, худди бир актёр бўлиб кетасан. Лекин бундай актёрларни саҳнада кўра олармидингиз?

Қизнинг куйиб-пишиб гапиришини кўргаи ўртоқлари унинг ўз иши билан қанчалик фахрланишига тушуниб турардилар, ҳамманинг кулаётганлигига парво қилмай у, ўзининг кучли, ингичка билаклари билан ҳавони кесиб, кафедрага имушт қўяр ва асар устида редакторлик қилишдан кўра китоб ёзиш осонроқ дегандек фикрни исботлашга ҳам уринмоқчи бўларди.

Уни зўрға тинчтишиди.

Лиза ўзига ҳам навбат келиб қолишини биларди.

«Мен нима ҳам дердим, икки боланинг онасиман, бола тарбия қилиш билан бандман»— деди у хаёлида ва бу гапни овоз чиқариб, очиқ сўзлаганда қандай эшитилишини кўз олдига келтиришга уринди. Ҳамма унинг ҳақлигига ва бундан бошқа ҳеч қандай йўл йўқлигига ишонади, ҳамма унинг ҳолини ўзича ҳис қила бошлайди...

Эшик очилиб қандайдир бир йигитча бош суқди-да, худди кенгашигининг қандай тусда жетаётганини билмоқчи бўлгандай савол назари билан қулоқ солди.

— Киринг, йигитча,— таклиф этди Леня Пушкив,— бу ерда сизлар истиқомат қилсанглар керак-а?

— Ха, бу 510-группанинг аудиторияси,— деб эҳтиётлик билан тасдиқлади йигитча.

Ҳамманинг юзида табассум пайдо бўлди. Суҳбатга нима етишмаётгани маълум бўлган эди.

— Мана, ўз авлодларимиз билан учрашишга ҳам муяссар бўлдик,— деди Люся.

Пушкин қизишиб кетди-ю, кафтларини ишқалаб, ўзининг бутун шерикларини чақириш учун ёш авлодга команда берди.

Студентлар ўз қадр-қимматини сезган одамлардек бирин-кетин аста кириб келишиди. Улар ҳаётда кўпни кўрган, тажриба ортирган кишилардай босиқ ҳолда ўзларини йўқотмай, кутиб олувчиларга диққат ва мамнунлик билан тикилардилар. Буларнинг бешинчи курслилар эканлиги кўриниб турибди.

О, Лиза бунга жуда яхши тушунарди! Биринчи курслилар бўлганда фақат эшик олдида тиқилишиб, бир-бirlарини итаришиб турган бўлардилар, иккинчи курслилар нима бўлаётганини билиш учун ўзларини хонага уриншарди, учинчи курслилар эса одобсизлик билан професорлари ҳақида асқия қилишга уринишар ва қизаришиб туришаверарди: ҳаммасидан жиддий ва босифроғи тўртинчи курслилар. Ниҳоят мана бешинчи курс студентлари; улар студентлик ҳаётини әнди босиб ўтишган ва бутун ҳаёт уларнинг желажаги ҳисобланарди.

Лизанинг олдига қорачадан келган, мускулдор бир қиз келиб ўтирди, у Лизанинг гап сўрашини пойлаётгандай унга қараб қолди. Улар танишишди, қизнинг исми Ганна Луденкова экан.

— Мен болгариаликман,— тушунтириди Ганна.

Қийин ҳиссиётлар Лизанинг гапга аралашишига халақит қиласарди.

— Айтингчи, сиз чиндан ҳам бизнинг группада ўқиганмидингиз?— деб рус тилида бурро қилиб гапирди Ганна.

Лиза: балки фақат студентлар билан суҳбатлашиш бошланар, ўз ҳақимда гапирмасман деб ўйлади. Шунинг учун енгил тортиб, жилмайди-да, жавоб бера бошлади:

— Ҳа, ҳа, мен мана шу ёрда ўтирган эдим, кўрдингизми?— у стол ёнбошидати сафсар сиёҳ билан ёзилган Пушкиннинг шеърини кўрсатди.

Бу ерда ҳозир Ганна ўтирар экан. Бундай мослилк нимагадир икковларининг ҳам юракларини қитиқлаб ўтди. Ганна бир оз орқага ташланиб, Лизани бошдан-оёқ кузата бошлади. Лиза эса ғамгинлик билан, у менинг студентлик қиёғамни тасаввур қилмоқчи бўлса керак, деб ўйлади. Лекин Ганнанинг қийик кўзлари умидли ва

савол назари билан унга боқар эди, шунда Лиза бирдан Ганининг бу қарашига тушуниб қолди. У Лиза орқали ўзининг келажагини кўраётган эди. Бўлмагур фикрлар Лизани яна қаттиқроқ ўраб олди.

— Ҳозир, қаерда дарс беряпсиз? — деб сўради Ганна.  
Лиза қизариб кетди.

— Давом этамиз, ўртоқлар — деди ишчанлик билан Люся Огородникова.— Бошла Тося.

Лиза шошилиб стол остидан Ганининг қўлини қисиб қўйди.

— Шошманг, Тосянинг гапини эшитайлик.

Тося ўрнидан туриб гапира бошлади. Гўё уни бирор хизматга сайлаш учун таржимаи ҳолини сўрашаштгандай, бир бошдан шошилмай ҳикоя қила кетди.

— Мен эримдан ажрашдим, у ичкиликка берилиб кетди. Уйимга яқинроқ ерда иш топишим керак эди, чунки болалар боғчаси соат еттида бекилади...

У Ломоносов музейига ишга кирибди. Мактабда дарс бериб ўргангандай одамга музей зерикарли кўринибди. Лекин у Ломоносов ижодининг кам текширилган томонини — илмий поэзиясини ўқиши бошлаб қизиқиб кетибди.

«Мен икки боланинг онаси... — деб хаёлидан ўтказди Лиза.— Бутуп ҳаётимни шу болаларимга, эримга ёрдам беришга бағишиладим. Унинг нафаси тикилгандай бўлди, ўзим ҳозир ҳаммасига тушуниб оламан деб ўйлади, лекин фақат бир нарсага — яъни масала унинг ишлаш-ишламаслигида эмаслигигагина тушуна олди, холос.

— ... Биласизми, болалар, Ломоносов биринчи бўлиб илмий проблемаларни илҳом ва бадиий сўз билан ифодалаган экан. Тося ютиниб олтиб ўқий бошлади:

Нарсалар ҳақнда Шувалов ноҳақ,  
Ойнани санаиди минсралдан кам,  
Кўзларинг қамашар, гўёки шафақ,  
Фойдаси кўп унинг, зеболиги ҳам.

Лиза ўз фикрларидан узоқлашишга уринди ва Тосяга раҳми келиб унинг анча қариб қолгани тўғрисида ўйлай бошлади.

— Жуда яхши, ажойиб шеър экан,— деб пичирлади

Банина.— Бизни чақиришни хўп яхши ўйлаб топибсизларда. Сиз ҳали сўзга чиққанингиз йўқми?

— ...Поэзия совет фанида бундан ҳам зиёдроқ, булар шоирларимизни илҳомлантиrolмайдими?— Тося қизариб кетди, Лиза унга қизиллик ҳусн бағишлигини кўнглидан кечирди. Тосянинг сўзини савол ташлаб бўлиб турдилар, суҳбатга энди студентлар ҳам аралашиб кетишиди.

Бир вақтлар Тосяни омадсиз қиз деб ҳисоблашарди. У жуда бўшанг, зеҳни паст қиз бўлиб, дарсдан ёмон эди. Энди бўлса... Люся ҳам, Машка ҳам, Женъка Самойлов ҳам унинг сўзларини диққат билан эшишишмоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳам қанчалик ўзгариб кетишибди — ҳаётга янада зўр ишонч билан қарайдиган, идрокли, ҳаракатчан бўлиб қолишибди. Бир вақтлар Лизанинг Тосяга раҳми келарди ва у билан бир оз керилиб сўзлашарди. Энди бўлса, шу Тося ўзини Ленька Пушковдан ҳеч кам ҳис қўлмайди. Ҳамма билан дадил ҳазиллашаверадиган, ҳеч ҳайиқмай бемалол тортишаверадиган бўлиб кетибди.

Лиза ўзини четдан туриб кузатар экан, Тося қачон гапини тугатаркин, деган аламли ва ҳаёсиз ҳиссиёт билан унга тикилиб турганини сезиб қолди.

— Албатта-да,— деб баҳтиёрлик билан гапини тақорлади Тося,— мен бугунги ҳаётимиз туфайли бу ҳақда ёзяпман.

Лизанинг хаёлида гўё Люся Огородникова унга қараб тургандай бўлди. Сўнг Ганинанинг ҳавотирли қарашини сезиб, ўрнидан турди.

— Кетяпсизми?

— Йўқ, йўқ,— деди зўр-базўр жилмайиб Лиза ва шу қиёфасини бузмай чиқиб кетди.

У бўм-бўш коридордан югуриб ўтиб, мажлислар зали олдида танца қилаётган студентлар тўдаси ичига ўзини ургандан кейингина енгил нафас олгандай бўлди. Оркестрнинг овози ва танца тушаётганларнинг лип-лип ўтиб турган чеҳралари фикрини тарқатиб юборгани учун ҳам у мамнун эди. У тезда танцага тушиб кетишини ва йўлма-йўл қизиқ гаплар бошлашга, уни кузатиб турган кўзларни кўришга ва ҳеч нарсани ўйламасликка ошиқарди.

Бу — оддий тангалар кечасига ўхшамасди. Ҳамма

ўз ҳамкурсларини топиб учрашиш билан банд, Лиза ҳам бирорни излаётгандир деб ҳеч ким унинг ёлғиз эканлигини пайқамасди. Лиза шундай фикр билан танцага тушаётгандарни оралаб, то Лев Никаноричга тӯғри келиб қолганга қадар, атрофга аланглаганича юриб бора-верди.

— Мени танцага таклиф қилинг,— деди хурсанд бўлиб у Лев Никаноричга.

У ажабланиб қолиб, ҳазил билан рад қилди. Лиза эса унинг қўлинини қўйиб юбормай ялинди.

Улар ниҳоятда секин танца тушиб, доирани икки марта айланишиди. Кейин Лев Никанорич ҳарсиллаб келиб аёлни бўш жойга ўтқизганда Лиза ўзини бутунлай хотиржам сеза бошлаган эди.

Профессор ҳам унинг ёнига ўтириди-да, кичкина рўмолчаси билан пешонасини елпий бошлади.

Лев Никанорич уни қизлик пайтидаги фамилияси билан атаганда Лизага кулгили, аммо ёқимли туюлди, чол бал тангалари ва қадимги рақслар ҳақида одоб билан суҳбат бошлади.

У аёлдан ҳозир қаерда ишлаётганилигини сўради. Лиза эса ўз осойишталигини, ҳолатини яхши сақлай олганидан ҳайратта келиб, кутилмагандан бор гапни очиқ-оидин айтиб берди. Чол мулойим оҳангда унинг болалари, эрининг соғ-саломатлиги ҳақида сўради, сўнг ачи-ниш оҳангига қўшиб қўйди:

— Афсуски, шундай ҳол юз берибди...

Лиза тиззаси устида кўйлагини текислай бошлади.

— Мен ишга кирмоқчиман, Лев Никанорич.

Чол унинг сўзини эшитмади.

— Шунақа-а, рефератлар ўқиб чиқасан, имтиҳонлар қабул қиласан... ҳар бир студент учун сарф бўлган вақт ичida китоб ёssa бўлади...— У сўзини юмшатиб Лиза нинг қўлинин ушлади:— Яхшиямки сиз бундай ҳолларни билмайсиз... Қишиларга ўзингни, ўз онгингни сарфлайсан, аммо қарабсанки, сен сарфлаган нарсанинг унга ҳеч кераги ҳам бўлмаган... Қилган меҳнатнинг ҳавога учиб кетаверган. Аммо ҳаётда кўпроқ иш кўрсатиб қолгинг келади. Фараз қилайлик, бир бинокор ўлиб-тирилиб уй қурди дейлик, у уйда ҳеч ким яшамаса ундан нима фойда?

— Лев Никанорич...

Унинг чеҳраси зеринкарли бир ҳолатта кирди. Сўнг, ҳамма нарсага сүқилаверадиган, бўлар-бўлмасга насиҳатгўйлик қиласверадиган чоллар ҳақида ҳазил қилиб гапирди-да, туриб елкасини керганича узоқлашди.

Лиза бармоқларини маҳкам қисди. У чолни тўхтатиб, қаттиқ бақиргиси келди — ахир, унинг гуноҳи нимада, ахир нимада?

Лиза ўз аудиториясига қайтди. Яқинлашар экан, қадамини секинлатди, сўнг тўхтаб юзида қулги пайдо қилишга үринди. Ҳозир, дадил югуриб киради-да, қичқириб:

— Эҳ, эзмалар! Ҳали ҳам гапларинг тугамадими? Юринглар, танцага тушамиз, ҳамма ўйин-кулги ўша ерда! — дейди.

Қия очиқ қолган эшикдан ҳаяжонланиб гапираётгани Ганнанинг овози эшигилди.

Бемалол яна уч-тўрт қадам ташласа бас эди...

Унинг оёқлари ўзига итоат қилмади. Улар бегона оёқлар каби уни билан юриб, эшик олдидан ўтди-да, уни тўғри коридорнинг охирига олиб кетди. Лиза юзида қотиб қолган жилмайиш аломатини йўқотмай, зина панжараларини маҳкам ушлаганича пастга тушиб, гардероб олдида кийинди-да, кўчага чиқди.

## ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Тонков билан ҳамжиҳатлик қилиш ҳақидаги шартнома атрофида кўтарилган ғала-ғовур ҳамон давом этмоқда эди. Шу масала юзасидан лабораторияга ҳар куни бирорта мухбир ёки журналист келиб турарди. Андрей уларни Майяга рўбарў қиласарди, баъзан уни ўз фикрини айтишга мажбур қиласардилар. У эса фижиниб умумий гаплар билан чегараланиб қўйишга уринарди. Ҳозир миллионларча ўқувчилар учун олимлар билан ишлаб чиқарувчиларнинг нималар устида иш олиб бораётгани эмас, балки улар ўртасидаги ҳамжиҳатликни ўзи мухим деб Андрей ўзини овунтиради. Ҳаммасидан ёмони шу эдикни — бу миш-миш гаплар Майянинг бошини айлантириб қўйган эди. Майя Тонковнинг жомини тилга олганидан унинг беғараз номусли кўзларида севинч учқунлари чақнار, Андрей билан гаплашганда эса довлатли совуқ ҳолатлар акс эта бошлар эди.

Андрей иложи борича унинг ишига аралашмасликка

ҳаракат қилас, аммо ёрдам беришга виждони йўл қўй-  
масди. Майя қилаётган ҳар бир иш Андрейнинг назари-  
да ҳеч нарсага арзимас бўлиб кўринарди.

Бироқ, лаборатория бошлиғи сифатида у аросатда  
қолган эди. Масалан, Саша Заславскийнинг нима учун  
Тонков локаторга қарши деган саволига нима деб жавоб  
• бериш мумкин? Тўғрисини айтса — лаборатория ходим-  
ларини Тонковга, шу билан бирга Майяга ҳам қарши  
қўяётган бўлиб чиқади. Ахир, Виктор билан Долгин  
унинг хиёл бўлса ҳам бирорта хато қилишини орзиқиб  
кутишмаяпти, дейсизми? Пашшадан тую ясад, мана,  
ҳамжиҳатликка қарши турган Лобанов Майя Устинова  
учун жуда оғир шароит яратиб қўйди деб ҳар хил туҳ-  
матлар билан арз қилишлари турган гап.

Аммо у ўз мулоҳазаларини ҳам сир сақлай олмасди.  
Ҳеч бўлмагандан Сашага айтиши керак эди. Андрей бу ти-  
ришқоқ йигитчани ўзига ишонч билан қараб самимий  
муносабат қилишини билади.

— Ўйлаб кўр,— деди Андрей,— Тонков ёйдан отил-  
ган ўқнинг учиш назариясини ишлаб чиқаряпти дейлик,  
биз сен билан тез отар тўп ишлаб қўйганимиз. Шундан  
кейин ўнинг назарияси кимга даркор?

— Нега бўлмасам, сиз...— Саша гапирмоқчи бўлган  
эди, Андрей уни қўполлик билан елкасидан ушлаб, ўзига  
қаратди.

— Бор, бор ишингни қил, қолгани маъмурий раҳ-  
барларнинг иши.

Саша тушунган бўлиб ҳуштак чалиб қўйди. Шундан  
кейин ҳеч савол бермайдиган бўлди. Андрей рақиблари-  
нинг катта кучга эга эканлиги ва уларнинг ниҳоятда  
адолатсизлиги туфайли Андрей Сашанинг кўзи олдида  
яна ҳам ғард ва қаҳрамон бўлиб кўринарди. У Андрей  
Николаевичга ёрдам бериш учун ҳамма нарсага тайёр,  
лекин ҳозирча сабр қилиб туриш керак. У Лобановга  
ўхшаб ўзини оғир, вазмин тутишга ҳаракат қиласарди.  
Нина Цветкова Майя Константиновна ҳақида гап очар  
бўлса, Саша афсусланиш оғантигида «Қўйсангчи» деб эн-  
саси қотарди.

Борисов Андрейнинг тактикасини қўллади.

— Вақт биз учун хизмат қилаяпти. Кенгашда кўпчи-  
лик сен учун овоз берган бўларди, афсуски Тонков би-  
лан Потапенко уларга ёпиша кетди. Энди биз ҳам омма-

нинг ғазабини кўтарамиз, тарафдорларимизнинг сафни женгайтирамиз.

Рейнгольднинг автомати устида ишлаш охирига стиб қолди. Фалеевнинг қозон регулятори расчети устида ишлашга иштирок этишга рози бўлганини эшигдан Калмиков тезда Краснопевцевни юборажагини билдириди.

Андрей атайи жавоб беришни кечиктирди.

— Краснопевцевними? — ниҳоят сўради у. — Краснопевцевнингиз қўрқоқ одам экан. Техсоветда бизни қувватлашдан қўрқди.

— Лекин калласи бор,— деб чайқовчидек усталик қилди Калмиков, Лобанов фикрининг реал эканлигини сезиб.— Уни айблаяпсизми? Лекин бир оз ҳақ бўлса нима дейсиз? Ҳар бир масалани вазиятига қараб мулоҳаза қилиб қўриш жерак. Тўғри, биринчи қўришда бир оз лапашангроққа ўхшайди, лекин мени ишлаб чиқариш мажлисларида қандай дўппослашини кўрмагансизда. Лочиндай чанг солади. Сизга лаборатория қиммат бўлса, унинг учун станция қиммат туради.

Андрей севиниб кетди, лекин ўзини Калмиковга ён босаётгандай қилиб кўрсатди. У кейинги пайтларда анчамунча нарсаларни ўрганиб олган эди.

Краснопевцев лабораторияга муддатидан ярим соат илгари етиб келди. У юзидағи бепарво — уйқусираган ҳолатини бузмай, бутун лаборатория хоналарини лапанглаб юриб айланиб чиқди. Бу барвақт семириб, беғам бўлиб қолган одам, қиёфасидан анча ёшга бориб қолганга ўҳшарди. Аслида эса у фақат тўрт йилгина бурун институтни тугатиб станцияга ишга юборилган эди. У бу ерга жуда кўп янгиликлар яратиш ниятида келган эди. Мана ҳаш-паш дегунча орадан тўрт йил ҳам ўтиб кегди. Албатта, шунча вақт бутунлай бекорга ўтиб кетди деб бўлмайди. Станция жиҳозларини ўрганди, баъзи бир нарсаларни тузатиб ишга солди. Лекин юрагининг аллақаерида ҳамон фан билан, ҳақиқий, чин маънодаги фан билан шуғулланиш орзуси яшар эди.

Лобанов билан бўлган учрашув Краснопевцевни ҳаяжонга солган эди. Калмиков уни лабораторияга юбормоқчи бўлса, у Лобановга жаҳл қиласар, қўрс гапириро бошлилар ва гапга қулоқ солгиси келмас эди. Лекин борди-ю, унинг ўринига бирор бошқа кишини юборишса, у ўзини

ҳақоратланган, азиз бир нарсасидан маҳрум бўлгандек ҳис қиласарди.

У лабораторияни айланиб юриб, бир стол олдида тўхтади. Стол устида монтаж қилинган аллақандай схема, асбоблар туради, симлар чўзилиб ётарди. Очиқ ётган дафтар бетида ўлчовларининг тугаллашмаган жадвали чизилган эди.

Краснопевцев секин реостатга тегиб кўрди. Унинг сим ўралган ғалтаги ҳали илиқ эди. У ҳам мана шундай нарсалар олдида ўтириб ишласа-ю, боши оғриб қолгунча ўйлайверса! У бирни-кетин ўтиб кетаётган куни ва ҳафталарни тасаввур қила бошлади. Унинг кўзи олдидан электромоторлар билан жиҳозланган қозонхона, оғир чўян лўқидон, печка қопқоқлари, шиберлар, машинистларнинг осойишта боқаётган юzlари, Разумовнинг доим илжайиб турган башараси ва унинг қимирилашга ҳолл қолмай пульт мармари устига чўзилган қўллари бирма-бир ўта бошлади. Шунингдек, баҳайбат гигант қозон устидан ҳукмронлик қилаётган кичкина ойнавандли филоф ичи-даги регулятор ҳам кўриниш бериб ўтди. Мана ниҳоят унинг ўзи... йўқ, Краснопевцев ўзини станциядан четда ҳис этолмайди. У тинмай ғамхўрликни кучайтиришни талаб қиласидиган заводини севади. Ундаги машиналар ва одамларнинг ташвиши, планлари, кескин вазиятларини ҳам ўзига ярашур гашти бор. Лекин дунёда ҳали бошдан кечирилмаган, билиш, ўрганиш, ўзига мафтун қилувчи қувонч ва ишлаб чиқаришнинг ишchan, талабчан ҳаёти билан чамбарчас чатишиб кетган қандайдир йўл ҳам мавжуд-да.

Краснопевцев атрофга секин-аста ўғринча назар ташлади — йўқ, ҳеч ким унга қараётгани йўқ эди. У терлаган кафтини шимига артиб, включателни буради. Асбобларнинг стрелкалари тебраниб кетди. Краснопевцев реостат ползуногини аста сурган эди, стрелкалар бўйин эгиб шкалалар оша ҳар мақомда ва ҳар томонга: баъзилари тепага, баъзилари пастга, бири секинлик билан, бошқаси сакраганча югуриб кетди. Краснопевцев қалам олиб электрометр кўрсатган рақамини, йирик рақамлар билан жадвалнинг очиқ жатакларига зўрга сиғдириб ёзиб қўйди.

Наҳотки унинг қўлидан келмаса? У ўзи ёзган рақамига шубҳа билан қараб, бўртиб турган кичкина лабларини

очиб илжайди-да, худди шу хилдаги ишлар билан шуғулланишин қанчалик соғинганини сезди.

Лобановнинг кабинетида у сочи тўкила бошлаган, афти бўзарган бежирим дазмолланган кул ранг костюмли бир кишини кўрди. Бу одам Фалеев эди. Краснопевцев тортиниб турниб сўраши. Улар бир-бирларига ётсираб тикилиб, анча вақтгача гаплашолмай ўтиришди. Шу билан бирга икковлари ҳам бир-бирларида кўпдан бери сақланиб келинаётган аллақандай ички муҳтоҗлик борлигини сезгандай ва қандай нарсага муҳтоҷ бўлсалар, ишларида нима етишмаётган бўлса бир-бирларига беришлари мумкинлигини ҳис қила бошлаши.

Бу учрашув Фалеевнинг ҳам, Краснопевцевнинг ҳам тақдири учун қанчалик ҳал қилувчи роль ўйнашини билган Андрей ниҳоят хурсанд бўлиб ўтирди. У буларнинг тортинчоқлик билан танишаётганларидан беўхшов кулиб ўртадаги вазиятни енгиллаштиришга уринарди.

— Оғиз-бурун ўпишмоқчисизлар дейман? Хўш, бир-бирингизга маъқул тушдингизми?

Ўзи эса ишлари юришиб кетармикин деган хаёлда ҳаяжонланарди.

Орадан ўтган бир соат ичида улар можаролашиб ҳам олдилар, абадий жудолашиб ҳам кўрдилар. Сўнг Андрей, улар бир-бирларининг телефон номерларини ёзиб олсин ва ҳамкорликда ишлаш планини тузсинлар деб уларни қолдириб чиқиб кетди.

Худди соат олтида звонок чалиниши билан Андрей лабораториядан жўнаб кетарди. Бу ҳол кўпчиликни ноқу́лай вазиятга солиб қўярди. Майя одатда, ишдан кейин анча вақтгача лабораторияда ишлаб қолар, шунингдек бошқа инженерлар ҳам ишда тутилиб қолардилар — уларнинг баъзилари ҳисбот тайёрлашга, баъзилари эса схемаларини синовдан ўтказишга ошиқардилар.

Андрей ўзининг бинафша ранг папкаси томон шошиларди. У уйда ёки Халқ кутубхонасида шуғулланарди. Уни эксперимент йўли билан боришдан ва лабораторияда шуғулланишдан маҳрум этдилар, майли энди у локатор устида назарий иш олиб боради. «Майли, ҳозирча,—деб овутарди у ўзини,—ҳозирча буни қоғозда қандай чиқишини синаб кўрайлик-чи».

Иш давомида умрида учратмаган ва ақли етмаган

чалкаш математик масалаларга дунор бўлир, ұнғир шити да бош қотирар эди. Улардан ошган минчум тушудигари ўзига ёқмас, математик автоматлари ёшлини ошири кўзи тушиши билан юраги сенгилга босилар эди. Ўнгар бошқа иложи йўқ эди.

Дастлабки иккى ҳафта ичида фақатгини бир таъриба учун етарли арзимаган бир шахижон муссар бўйни. У, ўзини Ленинграддан Москвага сафар қилиб бутти юзини пиёда айланиб келган сайдёхга ўхшатарди.

«Сабр-тоқат билан тафаккур қилини тенийликни», деган Ньютон, Мен гений эмасман, шунинг учун яна ҳам бардошлироқ бўлишим керак», — деб ўзини юннатарди Андрей.

Авваллари у лабораториядан чиққач, дарров китоб ўқиш билан шуғулланишга киришиб кетолмас эди. Унинг локатори билан лаборатория бир-биридан ажраклиб қолган, бутунлай бошқа-бошқа нарсалардай, уларнинг ўртасида ҳеч қандай боғлиқ ери йўқдай туюлар, шунинг учун китоб ўқишга киришар экан бирдан Тарасовнинг олдига одам юбориб, автоматни қандай ишга солишаётганини билишни истаб қолар эди. Унинг бутун фикри лаборатория ишларига кетиб қолиб, кейин бутун бир соатлик вақт ичида фақатгина биргина саҳифанини ўқиганини сезар ва жаҳли чиқар эди. У берилиб ўқиганидан эмас, ақлинни йиғиб олишга уринганидан кўпроқ چарчарди.

У ҳар куни кечқурун ўзига вазифа топширадиган бўлди. Эрталабгача ўтиранг ҳам, — деб буйруқ берарди у ўзига, — шуни бажармай қўймайсан. Ўқиб, кўчириб слган китоб варақларининг кўплиги унинг ўзини ҳам ҳайратда қолдиради. Лекин кўзлари ачишиб оғрий бошлаганда кўзларини юмиб, ишқаларди-да яна давом этаверарди. У бутун куч-қувватини ишга солишга уринар, ўзини ҳеч қандай кўнгил очишларга берилмасликка ундар ва элдан ажралиб ҳаёт кечирар эди. Опаси Катя, Таня, Николай Павлович билан бирга дачага кўчиб кетишган, Катянинг эри ҳам ҳар куни ишдан кейин ўша ёққа жўнар, Андрей уйда ёлғиз ўзи қолган эди.

Май ойининг иккинчи ярмидан кун исий бошлади. Тушга келиб асфальт ҳалимдай бўлиб юмшаб қоларди. Шаҳарни ремонт қилишарди. Фасадларни бўяшар, трамвай йўлларини қайта қуришар, дим ҳавода қуюқ малла ранг чанг муаллақ туриб қолар эди. Айниқса

якшанба кунлари вақтни ўтказиш жуда қийин бўларди. Андрей шаҳардан чиқиб кетгиси, сойда чўмилиб, кўкатлар устида ётгиси келар эди. У қуёш нури тушмасин деб дарпардан тushiриб, фақат калта иштон билан ўтирас, муздек бўлиб олиш учун кран тагига югуради.

Стол устидаги икки сиёҳдон ўртасида Ританинг кичкина фото сурати турарди. Андрей уни эски дафтарларни варақлаб ўтириб тасодифан топиб олган эди. Бу урушдан аввалги баҳорда шаҳар четига чиққалиарида Виктор олган сурат бўлса керак. Улар тўп ўйнаётган эдилар. Рита қўлинни чўзиб объективга қараб келарди. Андрей расчўтларини текшириб ўтириб тасодифан унга кўзи тушиб қолар, шунда Рита қўлинни чўзиб худди Андрейга томон талпинаётгандай кўринарди...

Балки, ҳозир Андрей ҳақида ўйлаётган бирдан-бир одам шудир. Андрей билан бошқа кимнинг неча пуллик иши бор? Борисов дачага кўчиб кетди, ҳамма ўз севгилиси, хотини, болалари билан ўйнаб-кулиб юрибди, фақат у ёлғиз, холос. Ҳалигача Ританинг жавобини кутиш албатта тентаклик. Ҳеч қандай жавоб бўлмайди. Ў энди Рита билан узил-кесил алоқаси узилганини тушунарди. Ана шу Рита ва узил-кесил сўзларини эслашнинг ўзиёқ унга қанчалик даҳшатли туюларди. Узил-кесил дегани — умрбод демак-да. Шундай қилиб, унинг юрагини билолмасди... Шундай хол юз бергани учун у афсусланармикин... Энди унинг қўлларига қўлинни ҳеч-қачон тегизолмайди, ҳеч нарса ҳам қилолмайди... У Ритани унуга олмагани учун ўзидан нафратланарди. Қани энди ҳамма айбии Ритага қўёлса? Рита зўр қииничилклар билан тузилган оиласини бузолмаслигини Андрей яхши биларди. Қандай қилиб шу оилавий ҳаётини бузиб ташлаб кетсин, қандай қилиб у яна ўз турмушини нечанчи марта қайта қуришга интилсин? Бунинг учун нақадар зўр ирода керак. Аммо у Ритада бормикин? Андрей унинг кичик, аммо мустаҳкам ҳақ гапига энди тушуна бошлади. Ҳаммасига уруш айбдор. Уруш уларга халақит берди. Шу уруш туфайли Рита ие-не сарсонликлар, азоб-уқубатларни бошдан кечирмади.

Андреяда ўтган дамларни яна қайтариш ва унга гфусусланиш каби хоҳишлар йўқ, лекин қандайдир аламни қўмсаш туйғуси унни асабийлаштирумокда эди. Унинг

қалбидаги бу қўмсашилик туйғусини ёлгизлик, ҳувиллаш қолган уй, ташқаридағи чароғои кечалар, ойни остидан и ўзга бахтиёр кишиларнинг қувноқ култиси,ничир-ничир гаплари уйғотарди. Андрей инундай найтларда суратни деворга қаратиб қўярди. Наҳотки унинг иродаси шу қизни уиутишга ожизлик қиласа? У ўзини латта, лапашаиг, ландавур деб ғижина бошларди, ўз шахсий ожизлигидан нафратлашарди. Новиков сингари хотинларга исабатан бепарво, беор бўлиш керак ҳамда олифтагарчиликни йиғиштириб қўйиш керак. Қизлар жуёвни излайди, хотинлар жазмани. Булар ҳаммаси оддий нарсалар-ку. Севгисиз ҳам яшаш мумкин. Бекордан-бекорга ўзингни қийнаб нима қиласан. Ишинг бор, шунга яраша ҳузур ҳаловатини бор.

Бу гаплар бир назария сифатида унинг кўнглини тинчтарди. Бироқ ўртоқларининг тақлифларини жаҳл билан рад қиласади. Шундан кейин уни ўз ҳолига қўядиган бўлиб қолди.

Унинг чеҳраси кескин тус олди, озганидан яноқ суюклиари туртиб, кўзлари қизарди, узоқ ўгириш натижасида қовоғи шишиниқиради, ўзи бир оз букчайиброқ юрадиган бўлиб қолди.

— Сенингча жонни аямаслик — мардлик бўлса керак,— койинди Борисов,— кимга ўхшаб қолганингни билияпсанми ўзинг? Бу мардлик эмас, ўзига жабр қилишлиқ, заарли ва ортиқча нарса. Сен волюнтаристсан,— у психология билан шуғулланар, шунинг учун ҳам янги терминлар ишлатиб, олифтагарчилик қилишни яхши кўрарди.

Кунларнинг бирида Нина кўчада Андрейнинг орқасидан стиб олиб, уни футбол ўйинига таҳтиқ кралди. Андрей ўз қаршисида қорашиб яна ҳам тетакхашини Нинанинг билет узатаётганини кўрди. Сўнг бирдан берча интеграл-пинитераплларини унтутиб, уйга кирди кейиниб чиқиб, Нина билан футболга боргисен, «Циклон» учун ичи ачиб бир оз бақиргисен, кейин берга сард мороженое ейшиниб саир қилигисен, сўнг ҳар сенча сард гамалашиб юргисен келиб кетди. Соатига ҳарроҳ сард Нинанинг билагидан унлади ва ачни оиласи узга сард та қўйиб юборди. Бу найт у қизининг поинт берганингда қоп томирларининг бир текиседа үрижини сарди.

— Шурулланини керак,— деди оир

тургач, — «керак» деган ёқимсиз сўзни эшитганмисиз, ҳамма сўзлар ичида энг асосийси шу.

Нина ҳеч нарса демаӣ, узоқлашди, ҳатто жилмайиб ҳам қўймади. Уша куни Андрейга аччиқ қилиб футболга Саша билан бирга борди, кулди, ноз қилди, ишва қилди. Кейин Сашанинг уни уйигача кузатиб қўйишга розилик билдириди, ҳатто балки Андрей кўриб тургандир, деган умидда бўса ҳам берди.

Бу вақт Андрей навбатдаги хатоснин топган ва ўзининг бефаҳмлигидан нафратланиб бошига муштлаётган эди. Миясида: борди-ю, бемаъни ишлар билан бош қотириб юрган бўлсам-а, деган bemaza ва ваҳимали фикр пайдо бўла бошлади.

У яна тафаккурининг эски, қуриб қолган жилғасига — Одинцов билан бўлган тортишувга қайтди. Жонни жабборга бериб, шунча талашиб-тортишишлар шартмиди ўзи? У шундай узоқ ва айланма йўлни босиб ўтгунича бошқалар рўбарўдан кесиб чиқиб йўлини тўсяптилар. Аспирантурани бирга битирган Дима Малютин янги типдаги трансформатор яратибди; Гуляевнинг эса атмосфера электри ҳақида илмий иши босилиб чиқибди. Майли, билганларини қилиша берсин... Улар билан Андрейнинг неча пуллик иши бор? Унинг иши — локатор тайёрлаш, Наумов ва унинг бригадасининг ишини енгиллаштириш.

Ахир бир кун эмас, бир кун энергетиклар локатор туфайли жуда қўп ортиқча ташвишлардан кутуладилар, деган фикр Андрейнинг ғайратига ғайрат қўшиб шошириб қўйди. Лекин у ўзининг маънавий жиҳатдан чарчай бошлаганини кун сайин кўпроқ ҳис қила бошлади. Бунинг устига у асбоблар ёрдамида ишлаш, реал процессларни кузатишлардан маҳрум бўлгани устига, у доимо фараз ва тасаввур қилишга мажбур өди.

Афтидан у жуда қаттиқ чарчаган бўлса керак. У албатта ўзини бошқа нарса билан чалғитиши керак. У дачага, опасининг олдига кетди. Лекин у ерда ҳам мияси худди шу иш билан машғул бўлди. Бошқармадагилар ундаги паришенликни сезиб кула бошладилар. Лобанов шикастланган ерларни аниқлайман деб ўзи шикастланганга ўхшайди: бу локатор парокондалиги. Андрей ҳам ўзида аллақандай ўзгаришлар бўлаётганини сеза бошлади. Локатор устидаги иш борган сари секинлаша ва оғирлаша бошлади. Кейинги вақтларда у анча жizzаки бўлиб, инжиқлашиб қолди, у арзимаган нарса деб би-

рорта одамга қаттиқ гапириб юборишдан ўзини зўрға босиб юарарди.

Шундай ҳаяжонланган пайтларида у Рита билан учрашиб юрган дастлабки кечаларни эслади. Ўша вақтларда иши ҳам жуда равон юришиб кетган эди! У пайтлардаги ёзув-чиズувларни кўздан кечираркан ҳозир ўз ижодий фантазиясининг қаинчалик қашшоқланиб қолганини сезарди. Ҳозир у қалбининг бир бўлаги билангина яшарди.

Бир кучи эрталаб ҳаво димиб, момақалдироқ бошлангидеб турган пайтда, у ўзини жуда ҳам паришонхотир бўлишига қарамай, лабораториядагиларнинг унга аллақандай, ғайри табний назар ташлаётганини сезиб қолди. Баъзилар синовчан кўзлари билан боқар ва айни вақтда айб иш қилиб қўйгандай қараб туришар, бошқа бир хил одамлар эса, кулиб юбормасликка уриниб, тескари бурилиб олишарди.

— Ўқидингми? — хомуш сўради Борисов.— Деворий газетани ўқи.

Андрей Бошқарма жойлашган юқори қаватга кўтарилиди. Коридорда деворий газетанинг янги сони осиғлиқ турарди. Бир тўда хизматчилар газетани ўраб олган. Кимдир барака куларди.

— Мана, қаҳрамоннинг ўзи ҳам келиб қолди! — деди хавфсизлик техникаси инспектори.

Ҳамма Андрейга ўтирилиб қаради ва унга йўл бериш учун четлашишди.

Андрей газетанинг сўнгги стунида ўзига қаратилган карикатурани ва унинг тагида узун шеърни кўрди. У жаёл билан иягини қашлар экан — бу ҳолат уни оғир пайтларда ўзини туттишга ёрдам берарди, — атрофдагиларнинг унга тикилишиб турганини сезган ҳолда, шеърнинг бироита ҳам мисрасини қолдирмай диққат билан ўқий бошлади. Шеър ёки аниқроғи масал «Мушук ила сичқон қиссаси» деб аталарди. Қавс ичида «Львов политехника институти газетасидан кўчирилган, айни вақтда А. Н. Лобановга багишланади» деб ёзилган эди.

Кунлардан бир куни ўсмир мушукжон  
Сичқонлар тутмоқчи бўлди-ю, шу он —  
Мақсадга эришмоқ учун у айёр  
Назарий бир асос айлади тайёр.

Кейинги мисраларда мушукнинг сичқонларни локация  
қилиш методлари ҳақида диссертация тайёрлагани ва  
илмий унвон олганлиги, ниҳоят уч йиллик меҳнатдан  
сўнг у сичқон тутішнинг ҳамма усуулларини билиб ол-  
ганлиги тасвиirlанган.

Ва фақат...

Тирпк сичқон кўрмай бетоқат —  
Бўла бошлар мушук. Лекин мазкур ҳол  
Уни жиндаккина этганди беҳол.

Автор мушукнинг билармандлик муроҳазасини тас-  
виirlаб туриб, негадир уни готовальний, линейка ва  
олимларга жеракли бошқа асбоблар билан қуроллантири-  
ган ҳолда, мушукни биринчи овга йўллайди. Бироқ бечора  
мушук ҳеч нарса тутолмайди... Локация ҳақидаги ту-  
шунча, авторга яхши таниш бўлса жерак. Масал жуда  
дадиллик билан кулгили ёзилган, мазмуни унча яхши  
бўлмаса ҳам, қофияси билан ютиб кетар эди.

Мушуквой юритар шундай бир фикр,  
Параллаксларни аниқлаймиз дер.  
Киришар, сичқонларнинг ҳаммадан аввал  
Қутб координатларин этмоқ учун ҳал.  
Шундап сўнг ҳалиги олим мушукча,  
Ўйлаб-ўйлаб топди маълум тушунча.  
Ишлатиб ақлининг бор маҳоратин  
Аниқлар сичқоннинг жинсин ва отин.  
Турли-туман кўркам ҳисобот билан  
Тенглама туркумин топди мушукжон.  
Де Ку қудратидан ясаб бир план  
Сакрашга тайёрлик кўрар ногаҳон.  
Мушукча шивирлар: «Сичқон, ҳолинг танг».  
Лекин сичқон ўзи кўринимас, қаранг,  
Мушук ҳисоб билан айланниб қолди,  
Сичқон ўз инига кириб йўқолди.  
Бу гамгин курашнинг шу натижаси:  
Амалга ошмади мушук режаси.  
Гарчи билимдондир мушукча фанда  
Лекин тажрибада нўноқ экан-да.

Андрей орқасига ўгирилди, ҳамма унга жим қараб  
туарди.

— Оқилона ёзилган,— деди ў,— эгасини топмаган-у,  
лекин жуда ўткир ёзилибди.

Бу масалда Лобанов ҳақидаги ҳақиқат қанчалик бу-  
вib кўрсатилганини жуда озчилик биларди. Қўпчилик  
Лобановни олим мушук билан тенглаштириб куларди.

Сашанинг жиги-бигирони ошарди.

— Турган-битгани ёлғон! — деди у Нинага.— Лабораториянинг актив жамоатчилари иомидан раддия ёзиш керак.

Лобановга ачишиш ва унга бўлган ҳамдардлик икки ёшни бир-бири билан янада яқинлаштиарди. Саша «Лобановни доимий равишда мақташ билан Нинанинг юрагидаги ҳамдардликни менинг ўзим уйғотдим», деб ўйларди. Демак Нина унинг билан ҳамфирк әкан. «Демак у мени яхши, кўрар әкан-да» дерди у ичида. Ҳақиқий севги учун чималар баҳона бўлмайди.

— Деворий газетани йиртиб ташласам дейман, — деди Нина.

Саша кескин бош чайқади. Бўндай қилиш яхши эмас. Бошқача йўл билан иш кўриш керак.

Нина жаҳли чиқиб ўшқириб қўйди.

Кечқурун у коридорда ҳеч ким қолмаганлигидан фойдаланиб масал билан карикатурани лезвие билан қирқиб олди. У лезвиени жуқ билан босгани учун газета орқасидаги деворнинг обойларини ҳам қирқиб юборибди. Қофоз қалин бўлгани учун жуда қаттиқ шитирлаб кетди. Нина қўлидаги қалин қофозни зўрға фижимлаб ўради. Ўрам шу қадар бесўнақай эдики, уни ахлатдонга тиқиш ҳам анча қийин бўлди.. Нина кета туриб уборшицанинг кўзи буқланган қофозга тушиб қолса нима бўлади, деб чўчиб кетди ва яна югуриб қайтиб келди. Қараса, коридорда деворий газета олдида иккита эркак киши турар ва газетанинг охирги стунидаги қирқиилган ерга тикилишаётган эди.

Орқага қайтолмай довдираб қолгаи Нина тўғри ўтиб кетди, юзлари қизариб, юраги дук-дук ура бошлади. Пастга тушиб кўчага чиққандан кейингина газетани у қирқиқандигига ҳеч ким ҳеч җандай далил топиб беролмайди, деб ишониб ўзини босди.

Эртасига шов-шув кўтарилиди. Лобановни партком чақирганини эшитган Нина бўшашиб кетди, ҳеч қўли ишга бормай қўйди. У амперметрии қуйдириб қўйиб, Майя Константиновнага безрайиб тикилиб турганича ундан дакки еди.

Инженерлардан бирортаси ҳам бу жиноятни Лобанов қилганига ишонмасди. Улар буни — жиноят деб аташди. Қизи тушмагур нима қилиб қўйди-а! У Лобановга ёрдам

бермоқчи эди, бироқ унинг ўрнига уни нокулай аҳволга тушириб қўйди. Ўзининг кечаги қилмиши бугун ўзига тентакнинг ишига ўхшаб жўринди. Тавба, бу қандай тентаклик-а! Бу ишминг охири ёмон бўлиши маълум эмасмиди. Оқибатда мана бутун айб Лобановнинг гарданига тушиб турибди. Энди у қандай қилиб ўзини оқлай олади?

Леня Морозов ичиқоралик билан энди Лобанов устига қандай айблар қўйинш мумкинлигини гапира бошлади.

— Гальванометримизни бер,— деди Нина кўзларини чақнатиб.— Кўп валдирайверма, ишлаб бўлмаяпти. Қақилдоқ хотинларга ўхшайсан-а.

Нина ғазабланган пайтда ҳатто Морозов ҳам ундан ўзини четга олиб юради. Нина парткомга кириб ҳаммасини очиқ-ойдин айтиб, айбига иқрор бўлмоқчи ҳам бўлди. Ҳа, шундай ўзим... Масал менга жуда ёқиб қолувди, эсадалик учун қирқиб олдим, дейман. Шунинг учун отиб юборишмас. Юзини упа билан оқартирди-да, парткомнинг техник секретари Таисия Дмитриевна олдига югуриб кетди. Аввал у, у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтириди-да, кейин дабдурустдан партком секретари Зориннинг олдида ҳозир кимлар борлигини сўради.

— Бизнинг Лобанов билан Борисов чиқиб кетишидими? Уларнинг иши нима бўлди?

Таисия қорачадан келган, юзи лўлиларникига ўхшаган, анча ёшга бориб қолган жувон эди, у ҳамон айбдор топилмаганини гапириб берди. Бу ишда Лобановнинг ҳеч қандай айби йўқ, у кеча мажлисда эди, ундан кейин Тарасовнинг станциясига, Бошқармага кетиб, қайтиб келган эмас.

— Сизларнинг одамларингиздан бири қирқан бўлиши керак,— деб сўзини тугатди Таисия, машинкага қоғоз қўйар экан.

— Нега энди, албатта бизнинг одамлардан бирч бўлар экан? Еигил тортиб сўради Нина,— бошқаларнинг қўлидан келмас өканми?! Бинтаси олижаноблик қилғану, қирқан қўйган. Масал бутунлай адолатсизлик билан ёзилганлиги факт, шунинг учун ҳам қирқишиган, ташлашган.

Тушки танаффус пайтида унинг ёнига Саша келди.

— Юз берган воқиага сени қандай қарайсан?— деб сў-

ради у, қизининг кўзларига тикилиб туриб. Нина ўзининг кечакайтган шубҳали гапини эслаб ўнгайсизланди.

— Бундай йўл билан курашиш мумкин эмас, бу аниқ,— деб унинг кечаги сўзини тақрорлалди қиз.— Айтмоқчи, сен Приморскда ҳеч бўлгаимисан? Менга ўша ергаги дам олиш уйига путёвка беришяпти...

— Бормаганиман... Нина, буни сен қирққанмидинг?— секин сўради у.

Унинг маъюс тикилишидан қиз, ҳеч қўрқмаслик кераклигини тушунди.

— Борди-ю, мен қирққан бўлсан-чи? Бориб Борисовга чақармидинг?

— Нега шундай қилдинг?

Қиз соатига қаради.

— Юр, ҳовлига чиқиб копток ўйнаймиз... Хўш, нега қизишасан? Ҳазиллашиб ҳам бўлмайди шекилли. Мен сени синамоқчи эдим? Юр,

Йўлда Нина яна гап бошлади.

— Сен хурсанд бўлишинг керак. Тўғри, бу усул тўғри эмас, албатта, лекин ҳалқ қарши эканлигини ҳамма билб қўйди. Лобановга ҳам енгил.

— Ҳамма нарсани кўнглингга яқин олавераркансан-да...— деди паст овозда Саша, лекин сўзини тамом қилмади.

Нина унинг маънодор бошланиб чала қолган сўзларига эътибор бермади. Улар деворий газета ёнидан ўтиб боришар экан газетанинг қирқилган ери карикатураси билан бирга ўша масал ёзилган янги стун ёпиштириб қўйилганини кўришди. Бу ҳам Нинани ранжитмади. Хавф йўқолибди. Кунлар келарки, у бу ишни ким учун қилганини ўша кишига сўзлаб беради. Бу қилиғи қанчалик тентаклик бўлишидан қатъи назар у ўз севгисини исбот қилди. Шунингдек у Андрей туфайли бундан бошқа ҳар қандай ишлар қилишга ҳам тайёр. У ўз юрагида ҳеч қачон бунчалик ҳиссиёт туғилишини сезмаган эди. Бу— умрбод сақланиб қоладиган, сўймас, пок ва ҳақиқий севгии ҳиссиёти эди.

«Вольфрам контактлари,— деб ўқирди Андреӣ,— энг юқори температурада эритилиши, зарурий мустақилликка эга бўлиши керак...»— у қулди: Техникага хос термини-

лар бирданига бошқача: «...хоссанинг бир хил жинсга эга бўлишини таъминлаши зарур», — деган маъно берарди. «Тўғри» — деб ўйлади у.

Деворий газетада босилган масал унинг ёрдамга муҳтож бўлиб, аҳволи танг бўлиб турган бир пайтида унга қаттиқ зарба бергандай бўлди. Бироқ шуниси қизиқки, унинг қўнгли вайрон бўлмади, аксинча энди у бирмунча ўзини тутиб олган эди. «...вольфрам контакти мажақланиб кетмаслиги учун ёпишқоқлик хусусиятига эга бўлиши лозим». Ҳоли танг бўлиб қолтан пайтларда у пивохопадаги гапларни эслар ва бу эсдалиқ унинг ғазаб косасини бадтар тўлдириб, ғайратга чорлар эди. У болға остида тобланаётган темирдай бўлишни истарди — уни қанча кўп урсалар, шунча чиниқади-да.

Оқибатда унинг бу орзуси осонгина амалга ошмади. Қўзларида қуруқ шафқатсизлик аломатлари акс эта бошлиди. Муомаласи дағал ва совуқлашиб, вазиятида кескин тошюраклик томир ёя бошлиди.

Назарий хulosалар локатор яратиш мумкин эканлигини исбот қилди. Техбўлим илмий-техник материаллар тўпламини босиб чиқараётганини эшитиб, у ҳам олинган хulosалар асосида локатор ишининг принциплари ҳақида кичик бир мақола ёзди.

У Одинцовнинг мақолани ўқиб чиқиб, нима деб ўйлашини тасаввур қила бошлиди. Балки чол бир оз шаштидан қайтиб, юракдан севинар. Бирдан телефон қилиб қолса-чи? У, Одинцовнинг ўз уйидаги, фижирловчи тўқима креслога ўтириб олиб, қўлидаги йўғон кўк қаламини мана бу сатрлар устидан юргизиб, дикқат билан ўқиётганини тасаввур қиласар экан, Андрей сесканиб жетди. Орадан шунча вақт ўтишига қарамай, чол ҳақидаги фикрлари ҳамон хаёлидан ўчмаган эди.

Лекин мақолани қабул қилишмади. Долгин кулиб туриб деди:

— Мақоланигиз актуал эмас.

Андрей уни «Электричество» журналига юборди. У ердан Тонковнинг шафқатсиз тақризи билан жуда тез қайтиб келди. Андрей мақолани тақризига жавобан бир неча кескин эътиrozлари билан тўлдирди-да, электротехникага тааллукли бўлган яна икки журналга юборди.

У бутун бир ой мобайнида ўз қўл ёзмаларини тўла-тў-

кис қайта олиб бўлди. Унинг бирдан-бир ҳамфир сафдоши бўлган Борисов киноя билан деди:

— «ИЖТ», Ижтимоий жимлик ташкилоти.— Сўнг сўз оҳангини ўзгартириб сўради,— босиshmаяпти дегин?— У ўзини қувноқ тутишга ҳаракат қиласар, лекин кўзлари пахмоқ киприклари орасидан шиддатли боқар өди.— Демак, қўрқишияпти! Демак, биз ҳақмиз. Очиқчасига курашмоқ учун улар ҳеч қандай далил топиша олмаяптилар!

Фақат «Техника молодёжи» журналидагина энергосистемада ишланаётган бу янги асбоб ҳақида кичкина хабар босилиб чиқди. Мақоланинг қандай қилиб журналда пайдо бўлиши Андрей учун умрбод сир бўлиб қолди. Бу хабар тўғрисида ҳам қизиқ ва муҳим вазиятларнинг бирида эшитиб қолди.

### ЙИГИРМАНЧИ БОБ

Устига яшил дастурхон ёпилган узун стол ёнида сочини устара билан җирдирган, буғдої ранг юзини шамол ялаган денгизчи инженер-полковник билан ёшгина кўк кўз майор ўтиради.

Бош инженернинг саволи бепарво ва ҳорғин эшитилди. Ҳа, жуда ҳам менсимагандай гапирди у. Бундай эҳтиорсизлик ҳолати унда ҳеч учрамасди. Дмитрий Алексеевич гўё: мана, марҳамат қилиб тингланг, афсуски ҳозир менинг ҳақ эканлигимни исботлайдилар, демоқчи бўлгандай ўтиради. Берилган саволнинг ўзидан жавоб циқиб келаётганга ўхшайди. Бу жавобни Андрей бериши керак эди. Афтидан у ўзининг келмасидан анча бурун бу ерда бошланган қандайдир баҳслашувни ҳал қилиши керак эди.

Денгизчилар Андрейга умидвор кўзларини тиккан эдилар. Корхона ходимларидан кабинетда бош инженердан ташқари яна Потапенко ҳам бор эди. Андрей бериши мумкин бўлган жавоб бош инженер учун ва айниқса Потапенко учун ҳеч янгилик эмасди. Андрей локатор яратиш идеяси ҳақидаги умумий принципдан бўлак ҳозирча ҳеч қандай фикри йўқлигини тасдиқлаши керак. Бундан чиқди, унинг гувоҳлик бериши фақат бу ерда ўтирган офицерларни инонтириш учун зарур бўлса керак. Нимага

ишонтириши керак? Денгизчилар қандай илтимос билан келишган-у, бош инженер нимага рози бўлмаяпти? Нега Потапенко жиддий кўринади?

Бу мuloҳаза ва саволлар бир зумда кетма-кет Андрейнинг хаслидан ўтаркан, уни ҳушёр бўлишга ва жавоб бериш учун ошиқмасликка мажбур этди. Потапенко тоқатсизланиб, бармоқлари билан столни черта бошлади. Андрейнинг кўзлари чақнаб турарди. У эпчиллик билан тўппа-тўғри жавоб беришдан чекинган ҳолда, бўлаётган ишнинг ўзи устида эмас, унинг атрофида гап қўзғаб дengizchilarни суҳбатга тортди. Андрей бўлаётган воқианинг нақадар муҳим эканлигини сезиб туриб, умрида бириичи бор мугомбирлик қилиб, чап бераётгани эди.

Денгизчилар йирик конструктор бюроси номидан янги океан кемаларини муроҷиаб электр тармоғи учун локатор ясад беришга заказ қабул қилишларини сўраб келган әдилар. Уларнинг локатор даратини қаердан эшигланлари Андрейга номаълум эди. Бош инженер ва Потапенко ҳозирча аниқроқ бир нарса йўқ эканлигини зўр бериб ўқтиришар ва Майя Устинованинг текшириш натижалари билан ташвишни тақлиф қилишарди. Бироқ эски метод такомиллаштирилган ҳолида ҳам дengizchilarни қониқтирмасди. Агар дengizchilar қўлида локатор бўлса, лойиҳачилар кемалардаги электр тармоғини анча жўнлаштирган бўлур әдилар. Денгизчилар илтимос қилиш билан бирга ғоят бообрў ташкилотдан қофоз ҳам келтирганлар. Шунинг учун бош инженер тўғридан-тўғри рад жавобини беришга ботина олмади. Энг тўғри йўл дengizchilarning ўзлари заказ буюришдан воз кечсинлар учун, уларнинг локаторга боғлаган умидларининг тамомила пуч эканини очиб кўрсатиш керак эди. Бу ишни авторнинг ўзи ҳаммадан кўра яхшироқ дўндириши мумкин...

Бош инженер, Лобанов дengizchilarning ҳафсалаларини пир қилиб жўннатишга шубҳа қилмасди. Дмитрий Алексеевич ўзинга эскидан таниш бўлган, бообрў қиши томонидан қўл қўйилган қофозни қўлида айлантириб тураркан, фикран бўлгуси резолюцияга сўз ахтарарди.

Полковник Андрейга мурожаат қилиб, янги асбоб үлар учун нақадар аҳамиятли эканини гапираварди. У гўё Андрейнинг жавоб беришидан олдин обдан мuloҳаза қилиб олиши учун имкон туғдириш учун, шошмасдан

сўзларди. Андрейнинг эгнида пиджаги йўқ, кўйлагининг енги шимариғлиқ, у пайса-пайса қизил доғли озғин тирсагини столга тираб, бармоқлари билан иягини силаб ўтиради. Андрейнинг хаёли паришонроқ кўринарди. Денгизчилар буни кўришса нима дейишади, деб Виктор ҳатто ижирғаниб ҳам қўйди.

Полковник сўзини тугатди, Андрей қақраган лабини ялаб, бўғиқ овоз билан тез-тез гапира бошлади:

— Заказингизни қабул қилишимиз мумкин деб ўйлайман,— деди.

Гарчи ҳамманинг юраги ҳовлиқиб, жаигга кириш учун берилган сигнални эшигандек ҳаяжонланган бўлса ҳам, ҳеч ким ўрнидан сапчиб турмади, ҳеч ким таажжуб-ланмади ҳам.

Дмитрий Алексеевич қофозни столга қўйиб, чўнтағидан портсигарни олди, қопқогини шақиrlатиб очди-да, папирос тутатди. Ҳамманинг кўзи гугуртнинг сариқ алангасида эди.

— Менимча, Андрей Николаевич, сиз ҳали ҳеч қандай ижобий натижаларга эга эмассиз,— деди мулойимлик билан Дмитрий Алексеевич.

Андрей Потапенко томонга бир назар солди-да, бурнини кериб, кулгили жийирди.

— Дмитрий Алексеевич, сиздаги маълумотлар эскиб қолган. Мен расчэларни тамомладим. Улар яхши натижка берди.

— Бироқ ҳали экспериментал текшириш бўлганинг йўқ. Қофозда текшириб, тасдиқ этилган нарсалар тажриба чорида кўпинча мутлақо тескари чатижка беришини мендан кўра яхшироқ биласиз.

«Бунинг учун ўзингиз айборсиз, ахир лаборатория иши ўтказишимга ўзингиз имкон бермадингиз-ку» деб ўйлади Андрей. Жўшиб келаётган фазабини тийиб, ўжарлик билан бошини ён томонга бурди.

— Мен ўз гапимда қаттиқ турман. Асбобининг ясалишига ишонаман.

— Мен ишонмайман,— деди мийиғида қулиб, бамайлихотир бош инженер.— Давлат ишлари бундай ҳал қилинмайди. Зиммамизга қандай масъулият олаётганлизни тушуняпсизми?

— Тушуняпман.

— Йўқ, тушунмаяпсиз,— деди зарда билан бош инженер.

Шу вақтгача жим ўтирган майор оҳиста гап қотди:

— Бизнинг учун, албатта ишонч керак. Агар ишонч бўлса, биз кемаларнинг электр тармоғи лойиҳасини бошқача тузамиш.

Бош инженер бу сўзларни ўз фикрига далда деб англади.

— Шуни айтаман-да. Андрей Николаевич, сиз ҳандай кафиллик бера олишингиз мумкин?

— Кафиллик эмиш-а,— деди ғижиниб Потапенко,— ахир биз жавобгар бўлиб қоламиз-ку.

— Гап жавобгарликда эмас,— деди қўл силтаб бош инженер,— катта ишни бузиб қўйишимиз мумкин.

— Мен ҳар қалай ўртоқ Лобановнинг фикрини яна бир эшиитмоқчиман,— деди полковник,— ҳамма ижобий ва салбий далилларни мулоҳаза қилиб кўринг.

Андрей ўз кучини вијжданан синаш учун ўйга толди. У бутун фикри-хаёlinи банд этган асбобининг рўёбга чиқишига ҳеч шубҳа қиласди. Юраги шундай тепаётган эдики, буни ўзи аниқ эшитиб туради. Ҳаммаси, ҳаммаси, ҳозир ҳал бўлиши мумкин.

— Сизга менинг кафиллигим етадими?— деб сўради Андрей.— Ўртоқ полковник, албатта, таваккал қилишга тўғри келади. Бироқ ҳар бир таваккалчилик инженерлар йўлига ғов бўла берганда эди, у вақтда...

— Таваккалсиз мумкин бўлган ерда, уни четлаб ўтган яхши,— деб Андреининг гапини бўлди бош инженер.

— Нима ҳисобига?— деди полковник,— заказни рад этиш ҳисобигами?

Потапенко енгини суриб, соатига қаради.

— Ўртоқ полковник, мана бундай қилайлик: биз Лобановнинг таклифини мутахассислар билан ҳар тарафлама муҳокама қилиб чиқамизда, яқин кунларда сизга ўзил-кесил жавобини берамиз.

Полковник юмaloқ бошини сарак-сарак қилди.

— Тавба, эҳтиёткорликни қаранг-а...

Полковнинг важоҳатидан, энди унинг заказдан осонликча воз кечиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслиги кўриниб туради.

Бош инженер зўраки жилмайди.

— Ўртоқлар, сиз Лобановни яхши билмайсиз, унинг ёлғиз ўзи ҳам бизларга бўш келмайди.

Полковник ва майор ўринларидан туришди.

— Агар Андрей Николаевичга экспериментал база керак бўлса, марҳамат,— деди полковник,— бизнинг ихтиёrimизда...

Бош инженер ранжигансимон унинг гапини бўлди.

— Бизлар ҳам ўлар ҳолда эмасмиз.

Денгизчилар жетишгач, бир оз вақт орага жимлик чўқди. Телефон жиринглаб қолиб, бош инженер то гаплашиб бўлгунча Андрей билан Виктор бир-бирларига қарамай жим ўтиргилар.

— Хўш-ш,— деди бош инженер, трубкани шиддат билан ричатга иларкан.— Хўш-ш, Андрей Николаевич, бошимизни қандай ғалвага қўяётганингизни тасавур этајпсизми? Бу даҳмазани бўйинтуруқ қилиб кийиб олишнинг нима кераги бор? Нима, ўзимизнинг ташвишимиш озмиди? Ўзимизга эн бўлолмаяпмиз-у, бирорга енг бўламан деганингиз нимаси?

Потапенко сапчиб ўрнидан турди-да, очиқдан-очиқ ғазаб билан Андреяга боқди.

— Очиқчасига гаплашамиз,— деди у кескинлик билан,— Лобановнинг баёноти, уни чиқиштирмаётганликларини кўрсатиш мақсадини кўзда тутади. Ифво бу. Бу йўлда у ҳеч нарсадан қайтмайди. Мана, Дмитрий Алексеевич, унинг найрангларини кўриб, томоша қилинг.

Потапенко «Техника молодёжи» журналининг қизил қалам билан айлантириб чизилган хабари бор бетини бош инженер олдига очиб қўйди.

— Гўё асбоб тайёрдай. Бу ўз-ўзини мақташнинг бир йўли. Бизга хатлар келяпти... Денгизчилар ҳам эҳтимол, шу журналдан билишгандир...

— Мен бўлсан улар буни қаёқдан била қолибдилар деб тушунолмай юрибман,— деди бош инженер, хабарни ўқиркан.

У хулоса чиқаришга ошиқмади. Лобановга журнални узата туриб унинг керилиб, қизариб кетган қовоқлари таажжубдан катта очилиб, кўзлари сира саросимага тушмай унга дадил боққанини диққат билан кузатиб туриди.

— Бу хабарни биринчи марта кўришим,— деди Андрей тан олиб. У Потапенко томонга шахт ўтирилди.— Ким сенга хат ёзди? Ким талаб қиласпти?

У ҳозир Потапенконинг ҳамма таънали айномаларини ҳам, унинг жавобини кутиб турган бош инженер-

ни ҳам унуган: у ўзи ясаётган асбобга ким муҳтоҷ эканлигини билиш ҳозир ғоят муҳим эди.

Бош инженер жилмайди ва кафтини оғзига тутиб, жиддий томоқ қирди.

— Виктор Григорьевич, унга айта кўрманг, илтимос қилувчиларни чақиририб олишдан ҳам тоймайди.

— Хотирингиз жам бўлаверсин, уларнинг ўзи топиб олишади,— деди Андрей.— Техника бу асбобга муҳтоҷ эканлигини наҳотки тушунмасангиз? Барибир ҳаёт сизларни мажбур этади... Бугун сиз денгизчилардан бир амаллаб қутулсангиз, эртага олдингизга ўз ишчиларигиз келади... Локатор керак! Сиз ҳеч қаерга қочиб қутуломайсиз. Сиз менга тўсқинлик қилишингиз мумкин, аммо бошқа бирор киши у асбобни ясади. Менинг яширии мақсадларимга келгандা...

— Мақсадлар ҳақида тортишиб ўтирумаймиз,— деди буйруқ оҳангни билан бош инженер,— кимнинг мақсади қандай эканлиги вакти билан маълум бўлади.

Андрей шоша-пиша бош иргатди.

— Шошмай туринг, Андрей Николаевич, менимча, сиз бўлаётган гапларни ортиқ даражада ўзингизга оғир олаётганга ўхшайсиз,— деди гапида давом өтиб бош инженер.— Новатор ҳамма вақт ўз идеясини аввало яширин сақлаб юради. Негаки, агар идеяни етиларетилмас маълум қилиб қўйсангиз, унта дарҳол зарба берадилар. Бошқача бўлиши ҳам мумкинми? Мана, бизга ўхшаган кишиларни ишонтиromoқ керак. Идея нақадар кучли бўлса, эскилиқдан воз кечиш кишилар учун шу қадар қийин бўлади. Шу давр ичида автор ҳамма вақт якка-ёлғиз бўлади. Бундан қўрқиши керак эмас. Сигирнинг елиннда сут ачимайди дейишиади. Муваққат ёлғизлик муқаррар ва менимча... фойдали. Маълум давргача кураш олиб бориш ҳам фойдали.

— Ўтказувчи линияларнинг бир неча кунлар ремонт билан тўхтаб қолиши ҳам фойдалими?

Дмитрий Алексеевич Лобановнинг қизариб лавлаги бўлиб кетган шалпаиг қулоқларига қаради-да, кескин деди:

— Авариялар учун мени нуқул дўпослайдилар, сиз шу аварияларнинг олдини оладиган асбоб ясаб беринг, у вақтда асбобингиз бир минут ҳам туриб қолмайди — бу тўғрида хотирингиз жам бўлаверсин. Ҳаммани сизга

ёрдамга ташлайман. Ўзим сизга лаборант бўлиб ишга бораман.

— Ҳа-ҳа,— деди Андреј, ўридан туаркан,— демак, янги асбонинг зарурлигини калтак еган ерингиз билан белгилар экансиз-да... Шуни билингки, сизни дўппослашсалар ҳам, заказни қабул қиласангиз ҳам, қабул қиласангиз ҳам, локатор ясалади. Сизнинг лабораториянгизда бўлмаса, денгизчиларни кида ясалади.— У стол устига томирлари бўртиб турган муштини қўйди.— Ўлсанм ўламанки, аммо ясайман. Ана ўнда қўрамиз, инженерлик обрўйингиз қай аҳволга тушаркин.

Бош инженер Андрейнинг муштига ўйчан тикилди, ў худди шу мушт орқали Андрейнинг кучии чамаламоқчиладай эди.

— Мана бу жиддий хавф,— деб жавоб қилди у кутимаганда жилмайиб. Бош инженер кишини ҳовридан туширувчи ажойиб табассум қиласарди. Ёки Андрейнинг ўзига шундай туйилганмикин?

Андрей ишонч ҳосил қилиб, қўлларини ёзди, тер босиб қизариб кетган юзида жўшқинлик бор эди.

— Хўш, нима бу, биз инженер эмасмизми! Мен ҳозир олдингизга расчетларимни олиб келаман. Қўрамиз.

— Масала ғоят жиддий,— деди совуқонлик билан Потапенко,— Андрејга у ҳамон мурожаат қилишдан ўзини олиб қочарди.— Эътиборли комиссия тузиш керак.

Андрей ўзини тутиб туролмади:

— Ҳа-ҳа!.. Профессор Тонков бошлигидами?

— Ҳечқиси йўқ, ўзимиз бир амаллаб қўриб чиқамиз,— деди бош инженер — йирик ва майда касрларни ўтганмиз-ку. Бунинг устига сизнинг Тонковингиз у қадар объектив одамга ўхшамайди.

«Ҳа, айтганинг бўлмадими?— деб ўйлади Андреј,— бош инженеримиз ҳам чакана эмас».

— Андреј Николаевич, қофозларингизни беринг, сизга бемаъни саволларни бериб ўтираслик учун уйда қўриб, тайёрлатиб келаман,— бу гапларни айтиб турлиб, бош инженер календарни олдига сурди-да унга ёза бошлиди.

Пилдираб бораётган перо ёзиг қолдирган «А. Н.— локатор — отзыв» сўзлари Андрејга оёғи осмондан бўлиб кўринди. Перонинг уни нуқта устида бир оз турди-да, яна пилдираб кетди: «Лобанов — Потапенко (?)». Қавс

ичиға қўйилган сўроқ аломати иккала фамилия устидан бошини кўтариб, ташвиш билан боқиб турарди.

Лобанов олиб келиб берган бинафша ранг папка бош инженернинг кундалик ҳужжатларини тахлаб қўядиган сим тўр саватига ташланди, кечгача у ерда «шошилинч» қоғозлар папкани кўмиб юборди. Уларниг ҳаммаси тезда ҳал қилиниши зарур бўлган ишлар эди.

Келувчиларни қабул қилиш тамом бўлгач, завод энергетиклари билан йиғилиш бошлигининг доклади эшитилди: хуллас кечга қадар кабинет одамлар билан гавжум бўлди. Асбоб ортган вагонлар келибди, уларни тезда жой-жойига тарқатиш керак. Торф памиқиб кетибди деб станциядан шикоятлар кела бошлади; трансформаторчилар бир изоляцияни ижкинчисига алмаштириш учун рухсат сўрабдилар. Шаҳар партия комитетидан, Москвадан телефон қилишди. Бельгия фирмаси директорининг хотини турган номердаги лампочка хира ёнаётган эмиш деб меҳмонхона маъмурий ходими телефон қилди.

Дмитрий Алексеевичнинг миасини ғовлатиб юборган бу ишлар Лобанов билан бўлган суҳбатни кейинга, зарурий бўлмаган ишларнинг хатарли тўдаси томон сурниб бораради.

Кеч соат саккизда кабинетга сўнгги одам кирди. Бу шаҳардаги йирик тўқимачилик комбинатларидан бирининг бош инженери эди. Иккала бош инженер ҳам бир-бирларини кўп йиллардан бери биладилар. Шундай ҳам бўлар эжан: бир одамни яхши ўрганиб у билан хизматинг ёки оддий ишинг орқали дўст бўласан-да, оғир пайтлар келганда қўллайсан, ҳурмат қиласан, севасан-у, лекин бирор марта унинг уйида бўлмагансан, қаерда яшайди, қандай, хотин-бола-чақалари борми, йўқми.. билмайсан. Бу икки ўртоқнинг алоқаси ҳам худди ана шу хилдаги кўп тарқалган дўстлик алоқасига киради...

Дмитрий Алексеевич кун бўйи биринчи марта креслога ястанди.

— Яқинда хотиним қўярда-қўймай композиторлар уйида бўлган ижодий мунозарага олиб борди,— деб аста гап бошлади у, хузур қилиб ором оларжан,— ўзининг биласан, музика мунозараларига тушунмайман, оғзимни очиб ўтиравердим. Лекин гап унда эмас. Биласаними,

Ираклий Григорьевич, менга уларниңг муҳокама қилиши-даги системалари ёқди, жуда дўстона, мулойимлик билан авторнинг камчилигини кўрсатиб бердилар. Дарво-қе, ҳеч қандай протокол, овоз бериш кабилар ҳам йўқ, худди бир оила ўртасида бўлаётган самимий кенгашга ўхшайди. Маслаҳатлашишиб, теманинг аллақандай оҳангини тўғрилаш ҳақида ҳаммалари бирга ўйлай бошлишди. Ҳавасим келди. Сен билан бизга ҳам худди шунақа жой керак. Бизга ўхшаган арзимагаи касб эгалари — раҳбарлар кириб ҳангама қилишса, чақчақлашиб ўтиришса дейман.

Тўладан келган, соchlари оқара бошлаган грузин Ираклий Григорьевич хумор, қора қўзларини сузиб қолди.

— Оббо Қозон етимчаси-ей. Сенинг бўш вақтларинг кўп дейман, ҳа... жуда кўпга ўхшайди. Сени жуда оз уришишса керак. Композиторлар уйда ўтиради. Ёза-ди. Сен бўлсанг одамлар орасидасан. Марҳамат, шу одамлар билан маслаҳат қил. Директоринг борми? Се-нинг парторгинг борми? Ёрдамчиларинг, ўринбосаринг борми?— Ўқайгули қилиб кўз юмди.— Менинг эса уларнинг маслаҳатларини эшитишга ҳам вақтим йўқ, ази-зим. Яна клубга борармишман.

Лекин, Ираклий Григорьевич бунга унчалик эътиroz билдирамади. Клуб бўлса клуб-да. Клубда пиво билан қўймоқ бўлса бас, биз тайёр.

— Кўрдингми, мен қандай яхши одамман! Арзимаган нарсалар учун тортишиб ўтирамизми. Ўзинг билсанки, ёнингга электр қуввати сўраб мижозинг келган, сен бўлсанг клуб ҳақида гап очасан. У кўнгандан кейин, сен ҳам кўнгин-да. Марҳамат қилиб, қўл қўй.

Дмитрий Алексеевич кулиб, бармоғи билан пўписа қилди:

— Кимнинг нонини есанг, ўшанинг ноғарасига ўйна, демоқчисан-да?

Гап комбинатнинг қўшимча электр қувватини ошириш тўғрисида борарди. Дмитрий Алексеевич қувватни ошириб бўлмаслигини исбот қила бошлади. Чунки комбинатнинг электр хўжалиги қаровсиз қолган, подстанциялардаги ускуналар эскириб, абжафи чиқиб кетган.

— Тушунсанг-чи, тентак, ҳар бир минутда кўнгилсиз воқна рўй бериши мумкин. Сенинг подстанциянинг, авариялар ўчоги.— Дмитрий Алексеевич стол олдига чиқди,—

Нима учун подстанция қилиб, резерв кабеллар ўрнатмас-лигингга яхши тушунаман. Таваккал қилиб яшайверамиз, демоқчисан...

— Менга қара, балки, чиндан ҳам шу йўсинда яшаб тура туармиз?

— Муваққат одамнинг психологияси.

— Қулоқ сол, азизим, сен мени ранжитяпсан,— деди Ираклий Григорьевич, кўзларидағи кўнгилчашлик аломатини сўндириб.— Яхши эмас, ўринсиз кесатиқ қилипсан.— Энди унинг сўзларида грузин акценти аниқ сезила бошлади.— Менинг қандай мажбурият олганимни биласанми? Жоним ҳиқилдоғимга келса ҳам, икки баразар ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришим керак. Хотинингга штапель керакми? Шоҳи керакми? Қерак. Мен станокларни ўрнатиб олишим керак — айни хонаси. Янги подстанция қуриш, янги кабеллар ўтказиш бўлса бажонидил бажараман. Бўш вақт топишимиз билан ишга тушамиз.

— Сизларда ҳеч бўш вақт бўладими ўзи?

Ираклий Григорьевич қочириққа тушуниб илжайди.

— Ҳамма бало шу вақтнинг йўқлигига-да.

У маъюс ҳолда қирра бурнининг учини ушлаб турди-да, бир минутча ўтгач, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ тиззасига шап этиб урди.

— Сенга бир сиримни айтами?— у овозини пасайтирди.— Фақат сенга айтаман, кўнглим очиқлигидан фойдаланиб қол... Менда шундай назария бор — агар янги техника керак бўлса менинг қаршилигимга қарамай ҳам ўзига-ўзи йўл очиб кириб келаверади. Мен бамисоли бир фильтрга ўхшаган одамман. Мен орқали нимаики сузуб ўтишга ҳодир экан, яшай олади. Диалектикани биласан-ку? Янгилик эскилиқ билан жураш жарёнида туғилади. Мана мен ҳам шу янгини туғдирадиган эскиман.

— Дуруст,— деди Дмитрий Алексеевич қойил бўлиб ва икковлари қулиб юборишиди.

Дмитрий Алексеевич хаҳолаб қуларкан, яқинда алла-қаерда шунга ўхшаган сўзларни эшитганини эслади. Кимдан эшитган эди? Қай вазиятда?

Бу қулги Ираклий Григорьевичнинг электр қуввати ҳақидаги галига иккинчи томондан худди хамирдан қыл сунғургандай силлиққина ёндашишга имкон берди.

— Очигини айтаман,— электр қуввати бермас экансан, сен билан олишганим бўлсин. Горком, министрлик

орқали тинч қўймайман. Нима қиласан мен билан ўча-  
кишгіб!

— Ана; сенга электр қуввати ҳам берай дейлик,—  
деди Дмитрий Алексеевич,— худди бир нарса излаётган-  
дай бўлиб, сиёҳдон, қоғоз ва қаламларни кўздан кечирав  
экан,— сен дарров янги станоклар ўрнатаб, токни ёқа-  
сан. Кабель пўрт этади-ю, ёрилиб кетади. Резерв кабе-  
линг йўқ. Шикастланган срини топиб, тузатгунларича  
фабриканинг ярми ишдан тўхтаб қолади. Кейин нима  
қиласан?

Ираклий Григорьевич қўл силтаб елкаси ошира четга  
туфлади.

— Нафасиигни шамол учирсин! Бунақа ҳазилларни  
қўй! Таваккал қилиб кўрмоқчиман...

«Таваккал» сўзини эшитиши билан Дмитрий Алексеевич  
кимдандир янги техника ҳақида гапириб, шу сўзни  
ишлатганин эслолмай, боши қота бошлади, лекин  
унинг фикрини яна мана бу хира пашша бузиб юборди.  
У аламидан ҳатто томоқ қириб қўйди.

Ираклий Григорьевич бўш келмасди. У кабель ва под-  
станция қуриб беришларини талаб қилиб борса, министр-  
ликдагилар қандай кутиб олишлари мумкинлигини тас-  
вирлаб берди.

— Мажбурият олдим деб ҳунар кўрсатмоқчимисан,  
дейишади. Ҳаммадан алам қиласидиган ери шундаки, хўш,  
кўнглиигиз бамайлихотир, осойишта яшашни қумсаб қол-  
дими,— деб дакки беришади. Ҳм, осойишта ҳаёт эмиш.  
Оҳ, бундай «осойишталик»дан қаёққа қочиб қутуламан!  
Бегалва яшаш гўё жиноятдай танбех беришади-я. Үндай  
ҳаёт менга ҳеч насиб қиласан эмас, аммо биласанми,  
Дмитрий Алексеевич, баъзан у тушимга киради.— У ҳу-  
зур қилиб томоғини тақиллатиб, қўйди.— Қандайдир ро-  
ҳатижон нарсага ўхшайди... Айтмоқчи, унутай дебман,—  
давом этди Ираклий Григорьевич,— сен бир қуни мен-  
дан компрессор сўраган эдинг, эртага юбораман. Энди  
бўшаб қолди.

«Ҳозир сен порахўрнинг бир адабингни бериб қўй-  
масамми» деб ўйлади Дмитрий Алексеевич кулиб.

— Қуллуқ, Ираклий Григорьевич,— деб таъзим қил-  
ди у.— Шунақа серилтифот одамлар билан оғайнин бў-  
лиш яхши-да... Дуруст, дуруст... Сендан угина-мен-  
дан бугина» дейдиган қаллобликни ҳам билмайсан...

Ираклий Григорьевич ундан гапнинг давомини кутаётганини сезиб турган бўлса ҳам, гапидан тўхтади. Гапнинг давоми бўлмаслигига ишонч ҳосил қилган Ираклий Григорьевич зўрға гап бошлади:

— Ҳа, албатта юбораман... Демак горкомда учрашамиз-а?

Дмитрий Алексеевич боши билан маъқул ишорасини қилди.

— Балки, электр қуввати берарсан?

— Умид ҳам қилма!

Энди ҳамма гап бир ёқлик бўлгандан кейин аччиғлаишнинг ҳам фойдаси йўқ. Икковлари ҳам бир-бирларининг фикрига тушунишар, ҳатто бир-бирларига ачинишар эдилар ҳам.

— Уйга бориб янги станоклар ҳақида китоб ўқисам-микин, деб ўйловдим,— деди хайрлаша туриб Ираклий Григорьевич,— йўқ, энди сенинг устингдан шикоят ёзишим керак. Яна янги техника билан шуғулланиш керак дейсан-а.

Ёлғиз қолган Дмитрий Алексеевич ҳозиргина Ираклий Григорьевич туриб кетган креслога узоқ тикилиб қолди. Соат тўққизга занг урди. У бир хўрсинди-да, ажратиб қўйган қоғозларни сават ичидан олган эди, кўзи бинафша ранг папкага тушди... Ҳа, масала бу ёқда экан! Эшитган гапларининг бир учи бу ёққа келиб тақалар экан!. Уйлаб қараса деярли худди шу далилларни Дмитрий Алексеевич Лобанов билан бўлган тортишув пайтида ишлатган эди.

Мана ҳозир яна бошқа бирорвнинг оғзидан ўша «Таваккал»... «Ўзи пайдо бўлаверади...» деган сўзларни эшитди.

Ў кўзини папкадан олиб қоғоз уломига, сўнг яна папкага ташлади. Папкани олиб нимагадир қўлида салмоқлаб кўрди-да, четга улоқтирди. Фильтр... диалектика! Бу Ираклийси тушмагур хўп ҳазилкаш-да. Бироқ Ираклий бу ерда қанчалик ҳазилкашлик қилмасин, барibir у ҳақиқий фильтрнинг ўзи.

Дмитрий Алексеевич олдига қоғоз қўйиб қўлига қалам олди. Бу янги секретарга қалам чиқариш қўлингиздан келмас экан, чиқарманг, деб минг марта айтгандир.

Цветкова бўлганда қойил қиливорарди. Узи Лобановга жўнатиб юборадида, мана энди... Жин ургур яна синдия-я... Эҳ, Лобанов... Назарияни эмиш-а...

Дмитрий Алексеевич зарда билан кийинди, чирогни ўчириб эшик олдигача келиб, бир оз тўхтаб қолди, кейин қайтиб келиб стол устида ётгани папкани олди.

Машинада бутун йўл бўйи жимгина кўзини юмиб борарди, шофер уни мудраяпти деб ўйлаган эди, бироқ мактаб олдидан ўтиб кетишар экан, Дмитрий Алексеевич эзмаланди:

— Нега сигнал бермайсан? Аккумуляторни аягандан кўра болаларни ая.

Кечки овқат пайтида ҳам ичимдагини топ дегандай маъюсланиб жим ўтирди, сўнг чойни ичиб бўлмай кабинетига кириб кетди.

Папкани ючиб, қофозларни пала-партиш варақлайди. Бай, бай, жуда бадхат экан-её! Ёзаётган пайтида Лобановни безгак тутаётганмиди дейман. Схемали-ри ҳам эгри-бугрни. Шу ҳам иш бўлди-ю, яна бунинг катта кетишини айтмайсизми:—«Локатор мутлақо янги натижалар кўрсатади»... эмиш. Алаҳлаш! Узим ҳам шундай деб ўйловдим! Бунаقا аниқ далиллар қаёқдан топила қолибди? Довдираш бу!

Дмитрий Алексеевич ижирғаниб, қўл ёзманинг сўнгги саҳифасига кўз ташлади. Турган-битгани сафсата. «Биргина асбоб ёрдами билан қанчалик узун бўлишига қарамай линиялар ва кабелларнинг шикастланган ерларини белгилаш мумкин...» Лобанов тушмагурнинг ўзи шикастланиб қолганми дейман. Уни доно мушук деб тўғри ёзишган экан. Бундай фанатик билан тенг келиб ҳам бўлмайди. Фильтр... Ираклий бўлса чинакам мутаассиб ѿдам-да. Мен уни кабель ётқизишга мажбур қиласман. Яна формула чиқди-ку. Қаердан пайдо бўляпти?

Хотини кириб бошини сарак-сарак қилди.

— Ҳалиям кийинмадингми? Ҳозир меҳмонлар келишади. Зиночка билан Анна Мироновна.

Дмитрий Алексеевич руҳи енгиллашиб папкани ёпди. Плотапенко ҳаққа ўхшайди: Лобанов бизни шундай ҳолга солиши мумкинки, тоза уятга қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Ажкойиб... хаёлпараст!

— Бўлди. Капут!— деди у завқланиб ва иягини ушлади,— соқолни олсак бўлармикин. Шуниси ҳам бўлаве-

ради! Яхши бўлибди, ўзим ҳам Анна Мироновна билан бодим ҳақида маслаҳатлашмоқчи эдим. Сен бора тур, мен ҳозир чиқаман.

У ботинкасининг ипини еча бошлади. Дарвоқе, формула қаёқдан келиб қолдийкин? Қизиқ. Ҳар ҳолда бирор фикр ёзиб бориш керак. Ираклий... У бўлса чинакам фильтр. Мен-чи... ўтган йили Вася Вороиннинг таклифи ни ким кўтариб чиққан эди! Атайлаб коллегияга бориб, бу масалани ўзим қўзғаганман. Агар Лобановни қувватламаган бўлсан, тўғри қилибман, Лобанов ҳаводан идея олиб тўқибди. Хўп майли, идеяси дуруст экан деб ўйлайлик... Лекин формула қаёқдан пайдо бўлди?

У стол ёнига келиб тикка турганича папкани варақлади-да, ўша жумбоқ формулани топди. Хотини кириб уни яна стол олдида турганини кўрди. У пиджаксиз, пайпоқчанг турар, бир қўли билан ботинкасини ушлаб, июқинчиси билан қўл ёзмани варақламоқда эди.

— Митя,— ётиғи билан чақирди хотини,— Анна Мироновна келди.

— Анна Мироновнами?— деб қайта сўради у.— Жин урсин Анна Мироновнангни!

Хотини чўчиб қошлиарини чимириди:

— Нима бўлди сенга?

Дмитрий Алексеевич бирдан ўзига келиб, гуноҳкорона қаради-да, папкани ёпди.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, мен ҳозир чиқаман, бир минутдан кейин. Сен боравер.

Блокнотини очиб, унга ўз-ўзидан қўйилиб келаётган фикрини ёза бошлади:

«Ўр. Лобанов томонидаң ишлаб чиқилган расчётларнинг маълум даражада аҳамиятли эканлигини изоҳлаб туриб, яна шуни маълум қиласанки, булар барибир, ҳеч қандай практик реализация қилиш масаласини ҳал қилишга қодир эмас...»

Ўчириб ташлаб ўрнига яна ҳам кескинроқ қилиб ёзи-ди, яна ўчириди. Унинг сабри чидамай яххиси Лобановга телефон қилмоқчи ва ундан аламини олмоқчи бўлди. Телефон қиларди ҳам, бироқ телефон йўлакда, унга чиқиши учун меҳмонлар ўтирган овқатхонани босиб ўтиш керак. Ҳар йили уч юз олтмиш беш марта ўша телефон ўлгурни худди шу ўз кабинетида параллел қилиб ўрнатмоқчи бўлади. Дмитрий Алексеевич кушеткага ўтириб

туфлисини кия бошлади. Қия очиқ қолган эшик тирқишидан мазали пирогнииг ҳиди келар, қандайдир ғовурғувур эшитиларди. Дмитрий Алексеевич туфли ипининг учини ҳўллаб, ҳимариб туриб Лобановнинг иши учун ёзаётган фикрини қандай хотималаш ҳақида ўйларди. Аксига юриб, ҳозир керак бўлган сўзлар негадир ҳеч миясига келмасди, бу ҳол унинг жигига тегарди. Бир вақтлар у фақат битта гап билан ҳар қандай одамнинг суробини тўғрилаб қўярди. Кеча подстанцияда унинг ҳузурида янги машина ёмон ишлайпти, деб гап қўзғашган эди, бош инженер станция бошлиғига мулоҳимгина қилиб: «Биласизми, менимча подстанциянгизда инженерлар йўққа ўхшайди» деди. Шунинг ўзи кифоя бўлди.. Ахир мен-қу инженерман, инженер бўлганда ҳам бош инженерман. «Фильтр»,— яна жаҳл билан Ираклий Григорьевични эслади у. Фильтр бўлишни истамайсанми? Ундаи бўлса масаланинг негизини тушунишга урин, турткивозликни қўй!

У туфли ипини боғлаб бўлмай, Андрейнинг хатосини топиш мақсадида шкафга яқинлашди ва ундан справочникни олди. Справочникдан кейин қўлига, «физика асослари» деган қалин китобни, ундан кейин чанг босиб кетган ўтган йилги журналлар комплектини олиб кузата бошлади. Жин ургур Лобанов ҳақ чиқадиганга ўхшайди... У қўл ёзманинг биринчи бетидан бошлаб ўқишга киришди. Деярли ҳар қадамида қоқилиб-суқилиб, масаланинг моҳияти томон яқинлашиб борарди, қанча кўп ўқиган сари, миясида шунча кўп саволлар туғилар эди.

Хотини яна хонага кирганида хона папирос тутунига тўлиб кетган, полда китоб ва журналлар сочилиб ётарди, Дмитрий Алексеевич эса стулга миниб олиб ўқиш билан банд эди.

— Бирор кўнгилсиз воқиа юз бердими дейман Митя?— деди у қайнаб келган ғазабини ҳам унутиб, ташвишланиб.

Илгарилари шундай пайтда у жаҳл билан қўл силтаб: «янги бир даҳмаза» деб қўя қоларди. Ахир Лобановнинг асбоби озмунча ташвишларни қўзғадими. Агар асбоби яхши бўлган тақдирда ҳам («ҳали кўрамиз!») ишлаб чиқаришни қайта кўришга, материаллар олишга, Потапенко ва унинг шерикларининг қаршилигини синдиришга тўғри келади. Бир ташвиш минг ташвишни қўзғайди. Қалников ҳам активда сўзга чиқиб, Лобановнинг

асбоби билан шуғулланяпсизлар-у, қозонларни автоматлаширишни унугиб қўйдигиз дейди. Кошкийди, оҳ кошкийди шу локаторнинг тухумдалик чоғида бир ёқлил қилиб қўя қолсанм-у, у туфайли туғиладиган бутун ташвишлардан халос бўлсан. Унинг бу орзуси қанчалик ошкора ва деярли жисмоний томондан сезилаётгани учун кулиб қўиди.

Дмитрий Алексеевич хотинини елкасидан ушлаб ўзига тортдида, кўзларидан ўпиб туриб деди:

— Ҳа, ёмон воқиа рўй беряпти. Ёмонларнинг ёмони, лекин шу ёмон бўлмаса, яна бадтар бўларди, хуллас кўнгилли кўнгилсиз воқиалар содир бўляпти. Сен улардан мени учун ўзр сўраб қўя қол. Бирорта баҳона топа қолсангчи, мени тумов, терлама, кўййўтал, хулласи ўзинг билган бирорта балойи бадтар билан касал ётиби, деб қўя қол..

Маълум бўлишича ўзи изоляторнинг баъзибир янига характеристикаларини билмас экан. Ўтказувчи линиялар масаласида ҳам оқсар экан. Лекин шунга қарамай тушуниб олиш мумкин.

Сўнгги йиллар ичида у «янгиликдан бехабар қолмаслик учун» китоб, журнallарни шунчаки варақлаб чиқишга одатланган эди. Ҳозир Лобановнинг илмий ишини ўқир экан, локаторнинг тақдирни ўзининг қўлида эканлигини билиб, сезиб турарди. Ҳар бир варақдан кейин ўзини енгил ҳис қиласарди. Ҳали бўш келинмайди.

Дмитрий Алексеевич ўзи ўқиётган қўл ёзма орқали Лобановнинг фикр йўналиши ва изланишларини ўрганиб борар эди. Босма ҳарфли сатрларни ўқиганда қиши, шу сатрлардан бошқа ҳеч нимани, яъни ёзилиш процессида дуч келган муваффақиятсизликлар, камчиликлар ва турли шубҳаларни сезиб бўлмайди. Қўл ёзма — авторнинг ўзи ҳақидаги, унинг характеристери, унинг тафаккури ҳақидаги ажойиб повесть демак.

Мана унинг ишончсизлик билан чизиб ташлаган схемаси, бир неча саҳифадан кейин автор яна шу схемага қайтибди, унинг ўнг ва сўл томонидан ёндашиб кўрган-у, ниҳоят ҳафсаласи пир бўлиб: «Тажриба йўли билан текширишга тўғри келади» деб ёзиб қўйибди.

Эксперимент тажриба ўтказолмагани учун, баъзан ўнлаб масалаларни очишга мажбур бўлган. Бир-икки тажриба ўтказиб кўрганда ҳамма чигаллик ҳал бўлиб қўя қоларди, бироқ унинг қўл остида қоғоздан бўлак ҳеч

нарсаси йўқ-да. Бу ўн хил варианти ўз ичига олган ма-шақатли иш Андрейнинг ҳамма ёзма докладлари, тех-советдаги нутқларидан кўра ҳам қучли равишда Дмитрий Алексеевични Лобанов томонига торта бошлади. Ортиқча бепарво бўлиб қолиш ярамайди. У оддий ўқувчи-дан Лобановнинг сафдошига айланиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди.

У Лобановнинг орқасидан әргашди, у билан бирга шубҳалана бошлади. Лобанов билан бирга йилт этиб кўринган хаёл орқасидан ташланар, қўлларини ишонч-сизлик билан олдинга чўзган ҳолда, қоронғида турти-ниб-суртиниб бориб деворга урилар ва ҳақиқат йўлини топиб, Лобанов билан биргаликда тантана қиласади.

Баъзан қофоз четларида бегона мулоҳазалар ҳам уч-раб қолади. «Тонковнинг илмий ишини бутунлай ўқимас-ликка ишонч ҳосил қилиш учун ундан уч юз бетини ўқиб чиқдим».

«Ажойиб нарса яратиш мумкин, аммо бутунлай ту-галланган, кам-кўстсиз қилиб яратиш асло мумкин эмас».

«Макет тайёр бўлгач, формулани бошқа нарсалар учун ярар-ярамаслигини синааб кўриш керак».

«Оҳҳо, иштаҳани қаранг-а»,— деб ўйлади Дмитрий Алексеевич.

Баъзан Лобанов сакраб ўтган қийин жойлардан Дмитрий Алексеевичга нарвон қўйиб ўтишга тўғри келди! Баъзи жойларда у, Лобановнинг мушт зарби сингари қатъий фикрларидан ҳайратга келиб узоқ ўйланиб қоларди.

У энг оддий, кичик бир тажрибани қилиб кўролмаганидан, Лобанов билан бирга изтиробга тушарди.

— Синааб кўриш керак,— деб оҳ тортди у,— бундай контурни ҳисоблаб ўтириш аҳмоқлик. Уни стенд устига ёйиб синааб кўриш керак, вассалом.

Бунга ким айбдор? У ўзидан-ўзи уялиб кетди. Кўрмабди. Пайқамабди. Наҳотки қариган чоғида қўрқоқ бўлиб қолган бўлса? Ахир ўзининг собиқ бошликларни: амалпарастлар, янгиликдан қўрқамиз, ундоқ-мундоқ деб уруш очганига кўп вақт бўлдими? Шунинг учун ҳам унга ишонч билдириб бундай фахрли ўринга кўтаришмабдими?! Ахир бир вақтлар у ҳам Лобановдаги сингари шафқатсиз қураш олиб бориш учун куч, гайратга эга эди-ку? Энди қотиб қолибди. Унда мулоҳазали, бепарво-

лик характери пайдо бўлди, у шу характерни ўсталик билан деярли самимий туриб ҳимоя қилишга одатланди. Наҳотки, Ираклий Григорьевичга ўхшаб қолган бўлса? План, план, план... Вася Воронин воқиаси ўтган йили юз берган эди-ку! Гап тамом. Бошқа өслайдиган нарса қолмади... Фильтр. Наҳотки булар сочга оқ тушиш, нафас қисиш, бод касали билан кириб келувчи бепарво қарилкнинг оқибати бўлса?.. Туф-е, нималар деб алжияпман!

У ўрнидан сакраб турди-да, ерда сочилиб ётган китоб ва журналларга туртиниб, қоқилиб хонанинг у ёқ-бу ёғига юра бошлади.

Потапенко билан Долгинни қуч билан мажбур этишга тўғри келади. Улар Тонковни пеш қила бошлашади. Шунда у: майли, бўлмаса иш параллел равишда бора-версин, деб эътиroz билдиради. Бу — соғлом мусобақа, иккала томонга ҳам ёрдам беради. Шунда биз, хўш, чақириқни қабул қиласизми, деб сўрашимиз мумкин. Қаршилик кўрсатувчи ҳар қандай далилларни монополияга интилиш деб тушуниш мумкин. Ниҳоят. Виктор Григорьевич, сизга ҳам худди бош инженерингиз сингари масалани тушуниб олишининг керак бўлади, локаторнинг схемасини текшириб кўрингда, кейин эътирозингиз бўлса гапираверинг. Агар текширишга кучингиз етмаса. ўз инженерларингизни ёрдамга чақиринг. Аппаратингиз, шукуржи, анча қатта. Масалан, текшириш ишини Захарчуқка топширишингиз мумкин... Бу хилдаги сўзлардан кейин Потапенконинг афтини қандай бужмайтиришини тасаввур қилиб кулиб кўйди.

Сен ҳам, ўртоқ Лобанов яхши парвоз қилишга уста экансан-у, қўнишга келганда, нўноқ экансан. Локатор фақат узатувчи линиялар ва кабеллар учунгина зарурлигини қаердан билдинг? Трансформаторлар-чи? Кузатиш шоҳобчалари-чи?

Дмитрий Алексеевич мамнун бўлиб қўлларини ишқалади. У ўзининг бебаҳо тажрибакорлик кучини ҳис қила бошлади. Унинг кўзи бир воқиани Лобановга қарагандиа ҳам кенгроқ рамкада кўришга, локаторнинг зарурий рамкасини яна ҳам кенгайтириб тасаввур этишга қодир эди. Унинг қаршисида каттакон хўжалик яққол қўзга ташланиб турарди; бу хўжаликдаги ўзаро муносабатлар ба перспективалар, барча нуқсонлар фақат унинг ўзигагина равшан эди. Бу қонўний ҳол, чунки у бош инженер,

ҳа инженер. Ҳали кўп курашамиз, бу оқ сочларниңг фойдаси ҳали кўп тегади! Дарвоқе, кузатиш мақсадида шикастланган ерии локациялаштириш приципларини ўзим хомаки ишлаб чиқсаммикин? У, фақат шу тортиноқ, унугила бошлаган, ёшликтан хотира сақланиб қолган, аммо сўнгги йиллардаги қундалик ҳаяжон туйғуларига ҳеч ўхшамайдиган истак туйгусидан руҳи енгиллашди, ўзини бардам ҳис қила бошлади. Локаторнинг янги, мавҳум имкониятлари ҳақидаги фикр биринчи бўлиб унинг миясига келганидан пайдо бўлган ҳаяжон ва рашк тўла қувонч, ихтирочилик қувончи ҳам мутлақо ўзгача, унинг одатдаги иш қувончларидан бутунлай фарқ қиласарди.

### **ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ**

Сўнгги ҳафта Саша Заславский пароходда сайилга чиқишини уюштираман деб тоза оёқдан толди. Комсомол комитети биронта пароход ёллаб, шанба куни кечқуруноқ кўрфазга жўнаш, тонгни ўша ерда кутиб, дам олиш кунини Лесо-паркда ўтказишга қарор қилган эди. Бу программа қизғин муҳокамадан ўтди. Ҳаваскорлар концерти, волейбол тўри ва радиолалар устида бош қотириш, буфет масаласини олдиндан келишиб қўйиш, спиртли ичимликлар тўғрисидаги қалтис масалани бир ёқли қилиш керак. Саша эса, сайилга мастьул қилиб сайланган киши сифатида, Пека Зайцевнинг ҳар соат сайин туғилиб турган янги-янги таклифларига қулоқ солиши, дарё портига телефон қилиши, аъзолик взносини тўламаган комсомолларни сайилга олиб чиқишига қаршилик қилган бир комсорг билан гаплашиши керак эди. Шунга ўхшаш тифиз ва жуда зарур ишлардан ташқари, Саша учун яна бир машаққатли иш бор эдики, бу иш үмуман шошилинч бўлмаса ҳам, қанча кейинга сурган сари үнга шунча кўпроқ халақит бермоқда эди.

Кечки пайт у Борисовни коридорниң жим қоронги бурчагига чақириб олди. Бу ерда ўт ўчирувчиларниң қум тўлдирилган қизил яшиги бор. Борисов папиросини тутатди, Саша эса, тагни нимадан бошлашини билмай тутилиб қолди. Биринчи қараашда, унинг сўрамоқчи бўлган илтимосида кишини ажаблантирадиган ҳеч нарса ҳам йўқ эди. У Борисовдан Лобанов билан гапланиб, бериладиган отплускасини келаси ойга қолдиришпи илти-

мос қилди. Борисов бунинг сабабини сўраган эди, Саша қизарib кетди.

— Оилавий ишлар чиқиб қолди.

— Ёлғон гапиришни удда қилолмасанг, гапирма,— деди Борисов, ҳатто унга қарамай.

— Ҳалиги, биласизми...— Саша аччиқланса ҳам маъюслик билан қўшиб қўйди:— фақат, Сергей Сергеевич, ҳеч кимга...

— Чурқ этмайман,— деди Борисов, уни юпатган бўлиб.

— Қисқаси, Цветкова билан бирга дам олиш ўйига бориши мўлжаллаб қўйган эдим. У ҳали бу ҳақда ҳеч нарса билмайди. Мен у билан шу яқшаниба куни сайил вақтида келишиб олмоқчиман. Шунинг учун қачон отпуска олишимни олдиндан...

— Демак, сюрприз дегин?

— Ҳа, сюрприз, аммо бу унга ёқармикин? Ёки...— Саша хўрсинди.

Деворий газета воқиасидан сўнг унинг Нина ўртасидаги муносабати жуда чатоқлашиб кетди. Ўша ишни Нинаядан гумон қилишга ҳақи йўқ ва ундан гумон қилишини истамас, бунинг устига Нинага нисбатан илгаригидек са-мимий муносабатда бўлишига алланима халақит қиласади. Саша назарида бундай муносабатимни Нина пайқаган бўлса көрак, шунинг учун мендан ўзини олиб қочиб юрибди деб ўйларди.

— Отпуска тўғрисида Андрей Николаевич билан нега ўзинг гаплашмайсан?— деб сўради Борисов.

Саша қўл силтади:

— Лобанов банд, унга яқин йўлаб бўлмайди.

— Шошма, у сайилга борадими?

— Таклиф ҳам қилганимиз йўқ.

— Нега?— деди Борисов ажабланиб.

— Андрей Николаевич дам олиш кунини бекорга ўтказишни истамайди, биз билан бирга зерикиб қолиши мумкин,— деди Саша.

Лобанов тўғрисида айтилгаи бу сўзлар эмас, балки шу сўзларнинг ишонч бијлан беғараз айтилиши Борисовга қаттиқ тегди.

— Бунақа гапни қаёқдан топдинг?

— Фақат менми?— деди Саша истар-истамас.— Бошқа йигитлар ҳам уни сайилга таклиф қилмаслик кепрак, у бўлса, уяламиз, ёзилиб юролмаймиз, дейишяпти.

— Унинг ишмасидан уяласаилар? — сурингири бошлиди Борисов.

Саша гап очганидан пушаймон бўлиб, жуда довдираб қолди.

— Мен сизга айтсам, Сергей Сергеевич... Лобанов ўз ишига жуда берилган одам. Унинг олдида ҳазилкашлик қилишга ҳам ийманасан киши. У жуда одил одам... Тагин кўнглинигизга бирор ёмон фикр келмасин,— шошиб пишиб қўшиб қўйди у.— Йигитлар уни жуда ҳурмат қилишади, биз биламиз, у асло одамови эмас — у физкультурачи. Ҳазилни ҳам жуда қотиради...

Борисов ўйланиб қолди.

— Ўзинг Лобановнинг сайилга боришини хоҳлармидинг?

Саша индамади.

— Гап бундай,— деди Борисов.— Андрей Николаевични албатта таклиф қилинглар! Одоб юзасидан эмас, балки дам олиб, ҳордиқ чиқариши учун. Ўзларинг тасалтанг, фақат ўз ғамларингни ейсанлар. У кимга ўхшаб қолганини кўрдингми? Ундан уялиб ўтиришнинг ҳожати ўйқ, бу бўлмағур гап... Хуллас, ҳамма ишни мен ўз устимга оламан. Отпусканг тўғрисида ҳам уриниб кўраман.

Саша елкасидан тоғ ағдарилгандай, енгил тортди.

Борисов эса, чуқур хаёлга чўмди. Лобановни таклиф қилишдан ийманишармиш... Бўлмағур гап! Лекин дарвочеке, бу масала Саша учун унақангি бўлмағур гап эмас эди.

Борисовни партбюорога сайлашганда, мен ёш инженерман, ҳали кўп нарсаларни ўрганишим керак, деб рад қила бошлаган эди. Лаборатория бошланғич партия ташкилоти Бошқарма партия комитетига бўйсунарди. Кўнгилчан ва бўшашган партком секретари Зорин инженерлик ишига қайтишни очиқдан-очиқ орзу қилиб юарди.

— Шу ҳам иш бўлибди-ю,— деб шикоят қиласарди у Борисовга,— касбимди бутунлай унугиб юборадиганга ўхшайман.

Борисов унга тушунар ва ўз инженерлик тақдириниг ҳам қай аҳволга тушишидан хавфланиб, Зоринга ачинарди. Тўғри, лабораториянинг партия ташкилотида коммунистлар сони оз, шундай бўлса ҳам айни вақтда

иш билан секретарлик вазифасини олиб бориш осон эмас эди.

— Хўп эшакни топиб олишибди,— деб койирди уни хотини.— Қачон қарасанг, мажлис, кенгаш.. нима, институтни шунинг учун тамомлаганинг?

Оддий коммунистлик вақтида, унинг вазифаси мажлисларда бирон таклиф билан сўзга чиқиш, танқид қилиш, гап уқдириш, берилган топшириқни бажариш билан чекланарди. Энди бўлса ҳамма иш ўзгариб кетди. Энди маълум бир қарорга кела олиши, яхши ишлаши ва бошқаларни ҳам яхши ишлашга мажбур қила билиши керак. Лабораториядаги ҳар бир камчилик учун ва ҳар бир киши учун жавоб бериш туйгуси ўз мавҳумлиги билан уни азобларди. Бажариши зарур бўлган вазифаларнинг маълум бир чегараси йўқ. Корхона учун ҳам, сиёсий ўқув учун ҳам, кишиларнинг руҳини кўтариш учун ҳам, хуллас ҳамма иш учун ў жавобгар.

Борисов ўзини Лобановга яқин тутиб, яқиндан алоқа қилган сари у Долгиннинг қун сайин кучайиб бораётган адсоватини яна ҳам яққолроқ сеза бошлади; Долгин парткомда яхши ўрнашиб олганлигидан фойдаланиб, ҳар йўл билан Борисовни партком аъзолари олдида обрўсини тўкишга уринарди.

Улар ўртасидаги биринчи жиддий тўқнашишга Морозов воқиаси сабабчи бўлди.

Комсомол бюросидан кейин Морозов тарафдорларининг сони тез камая бошлади. Аламиданми, ё ўзини кўрсатиш учунми, бир куни Морозов ишга маст бўлиб келди. Илгари бундай воқиалар бости-бости бўлиб кетаверди, бу гал эса, Борисов Морозовни уйига қайтариб юборишини ва ишдан прогул қилгани учун масаласини судга оширишни талаб қила бошлади. Орадан бир неча қун ўтгач, Борисовни парткомга чақиришди.

— Бу қандай гап, ўртоқ Борисов?— деди Долгин.— Интизом сусайиб кетяпти-ку?

Борисов масала нимада эканлигини тушунтирди.

— Менимча, интизом сусаятгани йўқ. Биз энди ҳеч кимга бўш келмаймиз,— жазолаймиз.

Долгин сводкадаги бир графа қаршисига белги қўйди. Факт фактлигича қолади. Бу жазо беришлар, яъни тартибсизликлар интизомнинг қай ҳолга тушганидан да-лолат беради. Сўнгги ойда жазо бериш икки марта ошиди, бунинг устига пропул ҳам кўпайди.

— Хўш, сизлар нима дейсанзлар, ўртоқлар? Жазо бермаслини буорасизларми? — сўради Борисов. — Сиз масалага расмиятчилик билан қарайсанда, ҳа, ҳа гирт расмиятчилик.

— Гапга тушунсанг-чи, тентак,— деди Зорин, — ахир бизнииг тарбиявий ишнинг тўғрисида нима деб ўйлашлари мумкин? Мана мен бу сводканни юборсам, нега бунга йўл қўясиз, деб сўрашмайдым, ахир?

— Масалани аниқланига тўғри келади, — деб таш бошлади Долгии жиддий оҳангда, — лабораторияда сиёсий-тарбиявий ишлар сусайиб кетган, бунга да лил қилиб...

Борисов қўрслик билан унинг сўзини бўлди:

— Сиз мени ишмага йўллаисиз? Фактларни яширишгами?

Долгин муштуми билан столга бир урди.

— Гапирсанг, билиб гапир. Нега Морозов авваллари прогул қилмасди? Масала мана шунда. Сен жазо бериш эмас, бундай ҳодисаларни таги-томири билан йўқ қилиб ташлашинг, одамларни тарбиялашинг керак.

Борисов ҳам ортиқча чидай олмай, тутоқиб кетди. Кабинетда ўзидан бошқа фақат Зорин ва Долгингина борлигидан фойдаланиб, жаҳл билан сўкиниб олди:

— Ўзларингни ҳам, сводкаларингни ҳам жин урсин! Морозов йигирма марта прогул қилган, уни аллақачон судга бериш керак эди, шу пайтгача қаттиқ гапиришдан қўрқиб, аяб келдик. Энди, биз тартиб ўрнатмоқчи бўлганимизда, сиз уни ҳимоя қилаяпсиз. Шундайми? Бизга тўсқинлик қилмоқчимисиз? Йўқ, сизнингча бўлмайди. Эҳ, конторчилар, сизга фақат сводка бўлса бас!

Таъби хира бўлиб, Борисов зарда билан парткомдан чиқиб кетди. У партия ишига ҷуқурроқ киришган сари, Зориннинг ювошлиги, келишувчалиги ва Долгиннинг бу ҳолдан фойдаланиб, киши онгини хиралаштирувчи ўз расмий методлари билан хиралик қилишнiga қарини газаби ортиб борди. Мисол учун социалистик мусобақа масаласини олиш мумкин. Ҳар бир ходим, ҳар ойда ўз уетига янги социалистик мажбурият олини керак. Бу эекидан одат бўлиб қолган нарса. Одатда бу мажбуриятта ишлаб чиқариш фаолияти, жамоат орасидаги фаоличе, ўқиши каби тўрт-беш пункт киритиларди. Аслида нима бўлди денг?

Борисов партбюорода баъзи бир мажбуриятларни му-

ҳокама қилди. Мана, Кривицкий ўз ўстига олган мажбуриятда Комсомольская ГЭСидаги регуляторни қайта қураман, деб ёзибди. Хўш, бу ишни план бўйича бажариши шарт бўлгандан кейин, унинг кўрсатмоқчи бўлган хизмати нимада? Ҳар бир ходим ўз мажбуриятида: жамоат ишларида актив қатнашаман, деб кўрсатган. Уборшица Нюша хола хоналарни тоза супуриб-сидиришни ўз ўстига олибди. Социалистик мусобақанинг ахир бунга нима алоқаси бор?

— Бўлмаса, қандай пунктларни ёзсин? — деб сўради Майя.

— Шунаقا нарсаларни ёзгандан кўра, ҳеч нима ёзмай қўя қолсин,— деди Борисов очиқчасига.— Агар киши белгиланган ишдан бўлак бирон ишни қилишни хоҳласа ва бунинг уддасидан чиқа олса, ана шунда мусобақа ўз маъносига эга бўлади. Нюша хола олган мажбуриядан бизга қандай фойда бор? Ахир унинг учун Усольцев «хоналар доимо юз процент тоза сақлансин» деб мажбурият ёзиб чиқариб қўйган-ку!

Майя ўйчанлик билан деди:

— Шундайликка шундай-ку-я, лекин нима деркин..

— Долгинми? Унинг бирон нарса дейиши турган гап. Лекин биз ҳам хомкаллалар әмасмиз-ку. Менинча, сўнгги вақтларда бизнинг ташкилотда социалистик мусобақа принциплари бузила бошлади. Жонли ташаббус деган нарса йўқолди. Ҳамма иш туртки билан бўляпти.

Борисовнинг бу қатъиятлиги бюро аъзоларига ёқиб қолди. Улар муҳокамалашиб, мусобақа системасини қайга кўриб чиқмоқчи бўлдилар: мажбуриятни, масалан, ўз ишини кўрсатилган муддатидан олдин бажаришни хоҳлаган ва бунинг уддасидан чиқа оладиган одамларгина олсин, деб қарор қилиши.

Аста-секин мусобақа ўзининг қадимги жанговарлик кучига эга бўла бошлади; мажбурият олиш ҳар кимнинг ўз шахсий бурчига қараб, ҳеч қандай расмиятсизлик билан бўла бошлади. Ишлаб чиқариш кенгашида Воронько бундай деди:

— Мана бу қойил бўлди, тағин нимани ёзсанкин, деб ўйлайвериб бармоқларимни сўриб ташладим. Энди мен ўз мажбуриятимга яна битта пункт қўшаман: у ҳам бўлса имтиҳонларни «тўрт» баҳога топшириш. Мен учун ҳозир энг муҳими шу.

Лаборатория ишларининг кўрсаткичлари яхшилан-

ди, бироқ дастлабки пайтларда алоҳида мажбурият олганлар сони камайиб кетди, шунда Долгин яна Борисовга ҳужум қилишга киришди.

Борисов монтёр бўлиб ишлаб юрган вақтдан бошлаб, уни бошқа инженерлардан ажратиб турувчи характер — одамлар билан муносабатда содда бўлишилиги сақланиб қолгаи эди. Ишчилар билан алоқа қилганди ҳам ўз хуљини, вазиятини ўзгартирмаи қолаверар, мени ҳурмат қилишсин деб уриимасди, кези келганда, уларни болаҳонадор қилиб сўкарди ҳам, аммо шундай бўлишига қарамай, ҳар бир ишчи қийни аҳволга тушганда уни ўзига сирдош қиласарди.

Партия иши кун сайни Борисовга ишсоният характеристининг нақадар мураккаб эканлигини очиб берар ва унинг олдига ҳеч қандай планга кирмаган вазифаларни қўярди. Нега кўнгилчан Вороњко ўзининг Вера Сорокинага бўлган муҳаббатидан бунчалик азобланяпти, қўйналяпти? Майя Устиновада ўзига хос бўлмаган бу писмиқлик аломатлари қаёқдан пайдо бўлди? Сўнгги вақтларда Кузьмичнинг хаёли қандай сирли ташвиш билан банд?

Илгари, рядовой коммунист эканлигидан Борисов, ҳеч уй ололмай юрган Ванюшкинга ачинарди; мана у бир йилдан бери ўзининг ёш хотини билан бирга туролмайди, улар бошқа-бошқа ётоқхоналарда яшайдилар. Энди партбюро секретари Борисов Ванюшкинга уй олиб беришга ҳаракат қилиши шарт.

Пахмоқ соч Ниша холанинг оёғи оғрийди; ёзда ҳам қалин жун пайпоқ кийиб юради. Бир куни у Борисовга шикоят қила бошлиди.

— Эрталаб ишга судралиб келаётган эдим, ёмғир шаррос қуяётган эди. Олдимдан бизнинг Потапенко машинада ўтиб кетди. Баринга ўхшаб керилиб ўтириб олиби, менинг судралиб кетаётганимни кўриб, бундоқ боқса кимни ўлдирибди, ноинсоф. Бўлмаса, касалдан янги турганимни яхши биларди. Сергеич, сен шуни тушунтириб бер, агар машинасини тўхтатиб, мени ҳам ўтқизиб олса, бир нарса бўлиб қолармиди?

Шунда Борисов Ниша холага қандай тўғри сўзлар айтгани бўлмасин, барибир ўзини унинг олдида айбор ҳис қилди. Баъзан иш билан жавоб бериш ўрнига, Қуруқ гап билан жавоб қайтаришларидаи ўзи азобланарди.

Булардан қатын назар, Долгинининг кўнгилсиз ҳатти-ҳаракатларига, инсон психологиясини таги-томирингча тушуна билиш учун иўноқлик қилаётганига қарамай, Борисов, кун сайин партия иши ўзига ёқиб бораётганини пайқади. Бу иш уни олға иитилишга мажбур қиласади. У энди коммунистгина бўлиб қолмай, раҳбар ҳам, доимо ўзига нисбатан масъулият сезиб туарар, ўзини ҳам кузатишга, баъзи бир шуқсонларига қарши курашга мажбур этарди, бу курашлар натижасида аввал ўсишига халақит берган жўп нарсалардан қутула борди.

Киши характеристини чуқурроқ ўргангап сари, ўз олдига янада мураккаброқ вазифаларни қўя бошлади. Мисол учун Андрей Лобановни олайлик. Унинг тез ўсиб бораётгап характеристида Борисов аллақачон хавотирли, бир ёқламалик белгисини пайқаб қолган. Тўғри, ҳозиргача бирор аниқ фикр чиқариб бўлмайдиган, тасодифий кузатишлардангина хавотирланиб қоларди.

Борисов, ўзининг сўнгги ойларда Лобанов билан ишдан бўлак ҳеч нарса тўғрисида гаплашгиси келмаётганини сеза бошлади. Лекин Лобанов, ҳаммадан ҳам Борисов билан жуда яқин дўст тутинганди.

Яна унинг хотирасига бошқа, гўё аҳамиятсиз воқналар ҳам кира бошлади.

Баҳор кунларидан бирида Новиков янги костюм кийиб келди. Бутун лабораториядагилар бу костюм тўғрисида кўпдан миш-миш гапларни эшиштган эдилар. Ҳамма костюмнинг материалини, бичимини, фасонини зўр иштиёқ билан мақтай бошлади, шунда севинчи ичига сифмаган Новиков шу ердан ўтиб кетаётган Лобановга мурожаат қилганда, у қуруққина қилиб:

— Бугун станцияга бориш керак, бекорга ясаниб келибсиз,— деди.

У ҳақ эди. Дарҳақиқат, шу костюм деб, командировка қолдирилди. Шундай бўлса ҳам унинг бу ҳаққонийлигига аллақандай бепарволик аломати сезилиб турарди.

Бу ишларнинг ҳаммаси қачон бошланган? Борисовга, баҳорда техсовет бўлмасдан олдин Лобановнинг шахсий ҳаётида уни ғазаблантирган бирор ҳодиса юз бергандек туюларди. Кейинчалик техсовет, ундан кейин локатор устида оғир ўтириб ишлашлик бу ёлғизликни яна кучайтирди. Лобанов ишга бевосита алоқаси бўл-

маган ҳар қандай парсани ўзидан четлаторди. У лабораторияга кириб келиши билан ишга алоқаси йўқ гапсўзлар тўхтарди. Кривицкий у бор вақтда ҳеч қачон ўзининг ошқозон ярасидан шикоят қилмас, Нюша хола бўлса, унинг оёқ товушларини эшитиши билан Узоқ Шарқда турувчи жиянидан келган хатни Борисовга ўқиб беришдан тўхтар ва дарҳол қўлига чўтка оларди.

Борисов виҷданан хаёл суриб, қанча ўйласа ҳам, Лобанов билан бундоқ кабинетда ўтириб, турмуш ҳақида, ўз оиласи ишлари тўғрисида гаплашганини ҳеч эслай олмади. Бу хилдаги темалар Лобановнинг ўзини ҳеч қизиқтирмаса керак. Ёки у жўрттага шундай қилаётганмикни? Андреини тошибагир одам деб ҳам бўлмайди. Лаборатория ходимларининг илтимос ва эҳтиёжларига катта эътибор берар, уларга қўлидан келганча ёрдам қилишга уринарди. Аммо, буни қарангки, Лобановга ўз боласининг суратини кўрсатиш, ё бўлмаса уни именинага таклиф қилиш, янги латифалардан айтиб бериш ҳеч қайси ходимининг хаёлига ҳам келмаса-я. Қишиларнинг турмуши лаборатория ҳаётининг сув ости оқими сингари, Лобановга ёндашмасдан четлаб ўтиб бораради; бу ҳол вақтнинг ўтиши билан бир одатга айланниб қолган.

Шу кунгача Борисов Лобановнинг обрўси ва унга бўлган ҳурмат ҳеч камаймаган деб ўйлаб келарди. Лобанов ходимларини ўзига жалб қилишга жуда уста эди, у гўё ўз атрофини магнит даласига айлантириб, ҳар бир кишида акс кучни уйғотар, гоҳ уларни ўзидан четларатар, гоҳ ўзига тортар ва бу ишда ҳеч кимни бетараф қолдирмасликка ҳаракат қиласарди. Лобановнинг ҳаяжонларига қўшилмасдан, унинг чақнаб турган кўкимтири кўзларида соат сайин акс этиб турган белгиларни ўзингизда ҳам ҳис қилмасдан туриб, у билан бирга ишлаш мумкин эмас.

Сўнгги икки ой мобайнида Лобанов қаттиқ қийналганини Борисов ҳаммадан ҳам яхши биларди. Унинг ўзи Лобановдан бардош беришини, ҳар хил миш-миш гапларга қулоқ солмасликни ва деворий газетадаги аҳмоқона масалга эътибор бермасликни талаб қилди... Энди, тўсатдан шундай жиддий бир вазиятда қўққисдан Лобановдан гина қиласа қандай бўларкин? Яна бу ишни, Лобановнинг энг яқин, ишончли, суянчиғим деб ўйлаган дўсти Борисов қилиши керак.

Ахир унинг нимасидан гина қилиш, ундан нима талаб қилиш мумкин? Хаёли бутунлай бошқа нарсалар билан банд бўлган бир пайтда ҳамма билан отамлашиб ўтирсинми, бола-чақаларининг ҳолини суриштирсинми? Одамларни ўзига яқин тутсин, ундан ана шуни талаб қилиш керак,— йўқ, ўртоқ секретарь, сен, бу ҳол Лобановга писбатан раҳмсизлик, шафқатсизлик бўлмасмикин, деб ўйлаб кўрдингми?

Ё кутиб турасанми? Ахир бу энг муҳим нарсага, яъни ишга ҳеч халақит қилмаса керак. Ростдан ҳам халақит қилмасмикин-а? Майли, йигитлар фикрининг «ишлиб чиқариш процессига» ҳеч қандай алоқаси бўлмасин, Андрейга ачинмайдими киши? Уни сайилга тажлиф қилишни хоҳлашмабди. Уни яхши кўрмайдилар — ана гап қаерда. Уни ҳурмат қилишади, гапларига қулоқ солишади, ҳаммасини қилишади, лекин самимийлик, ўзини унга яқин тутишлик, севги аломатлари йўқ. Нашотки, Лобанов шундай ажойиб йигитлар орасида зерикса? Бундай бўлиши мумкин эмас,— Борисов Андрейни иш устида эмас, ёшлар билан ўйин-кулги қилиб юрган ҳолда, бунинг устига биронта чиройликкина қиз билан қўлтиқлашиб, саир этиб юришини тасаввур қилишга уринди.

Саша Заславский Лобановни қанчалик зўр ҳурмат қилмасин, барибир уни бегона одамдек кўрар экан.

Борисов содир бўлган воқиани зўр қийинчилик билан хотирлашга уринаркан, ниҳоят, Лобановни коллективдан аста-секин ажратиб, уни ёлғизлиқка жалб қилаётган бегоналашиш аломатларини кўз олдига келтира бошлади. Ҳозир бош инженер ниҳоят локаторни ясаш ишини лаборатория планига киритишга ижозат берган пайтда, ишчан, аҳил группа ташкил қилиш керак бўлган бир вақтда бу ёлғизлик айниқса даҳшатли кўринарди.

Борисов якшанба куни ўзига дача олишни мўлжаллаб қўйган эди, лекин аҳвол бундай бўлгандан кейин, ўзи ҳам йигитлар билан боришга қарор қилди:— Ахир ўзинг турганда ўзгага иш буюриб нима қиласан.

### ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

Пароход дарёнинг кучсиз тўлқинлари қучоғида аста қалқиб турар, унга қўйилган кўпrikча кетма-кет чиқиб

келаётган меҳмонлар оёғи юстида тинмай ғижирларди. Кечки қуёш шуъласи шамолда жимирлаб турган дарёнинг кул ранг сатҳини, мармар соҳилни, пароходнинг қордек оппоқ рубкасини лаълини рангга кўмган эди. Зинанинг мис тутқичларида ва иллюминаторларининг ярақлатиб тозаланган ойналарида акс этаётган қуёшчалар кўзни қамаштиргудек чақнарди. Духовой оркестр трубаларига қарашнинг ҳеч иложи йўқ, улар музикачилар қўлида қип-қизил бўлиб, чўғдек яллиғланадиганга ўхшарди.

Борисов сайилга хотинини ҳам олиб чиқмаганига афсулана бошлади.

— Биз, бўйдоқларга қўшилсанг-чи,— деб қичқирди унга Новиков.— Қизларимизга қара! Кўзларинг қамашади.

Пароход бортига чиқиб, оёқ остида тебраниб турган палубани ҳис қила бошлагандан кейин осмон ҳам, сув ҳам бир-бирига жуда яқинлашгандек бўлади, кўзлар эса беихтиёр кўрфазнинг чўғдек яллиғланган ғирашира уфқига тикилади. Кўпприклар билан чамбарчас боғланган икки соҳил бўйлаб буюк шаҳар жойлашган, ундаги уйларнинг пасти-баланд томлари, трубалардан чиқиб оҳиста ёйилиб кетаётган тутунлар, минора найзаларининг олтиндек товланиб турган дами кўзга ташланарди.

Сайилга жўнаб кетишга ултурмасданоқ, палубадан янгроқ ашула садолари парвоз қилиб учди, шу дамдан бошлаб, бу янгроқ қўшиқлар тун бўйи тинмай, у бортдан бу бортга, дам каюталар ичига парвоз қилиб киради. Бу қувноқ ашуулалардан ҳатто капитан кўпrikчаси ҳам холи қолмади.

Эскириб қолган бу пароход бундай қувонч ва севинч юкини шу пайтгача энди биринчи марта олиб бораётган бўлса керак.

Ешлар Борисовни юқори палубага олиб чиқишиди, у ерда танца бошланди. Борисов одамларнинг бошлари устидан, узоқда Андрейни кўриб қолди, унга бош силкиб қўйди, аммо аламон уларни икки томонга ажратиб юборди. Кейин, Борисов Андрейнинг пастга тушганини, буфетдаги столлар орасида айланиб юриб, охири пароходнинг иқуриқ томонига борганини ва у ерда хилватгина жойни топиб, бир ўрам арқон устига ўтирганини кўрди.

«Олдига борсаммикин, ё йўқми?— деб ўйлай бошлади

Кучини кўксен билан ёриб, ўзини тўлқинлар оша олға кетаётгандек ҳис қилар эди.

У бошини яна эгди, зина панжарасини қўллари билан яна қаттиқроқ сиқди. Баджаҳл сув, пароходнинг сузишига қаттиқ қаршилик кўрсатар, шовиллаб, палахса-палахса бўлиб, икки томонга отилиб турарди. Бу курашнинг қувноқ туйғуси уни бутунлай чулғаб олган. Бу кўнгилнинг бутунлай бемулоҳазалик онлари қалбнинг қувонч билан тўлиб-тошган дамлари эди; бундай пайтларда, киши бутун вужуди ва онги бир бутун бўлиб, шамолга, нафис сасларга ва ранг-баранг бўёқларга кўксини тутади.

Пароход хаёлчан оҳангдаги мисралар фонида чайкалиб, сузуб бораарди.

Қучогингда тўл-тўп тўрлар бор,  
Нотинч ғувурлайсан  
Булоқдай ўйнаб,  
Чопасан жингалак тўлқинлар билан  
Қайиқларнинг ортидан қувлаб.

Андрей чуқур нафас олди, лабларидаги муздек, аммо бир оз тахирроқ намни ялади.

— Яхши,— деди Нина оҳиста.

У панжарани ушлаб, қўлларини чўзганча орқага ташланди. Ҳаво ранг кўйлаги баданига ёпишди, этаклари елпиниб оёқларига ўрила бошлади, орқага осилиб тушган соchlари шамолда тўлғанарди.

— Денгизни ёмон деб ёзиб бўлмаса керак,— деди Андрей ташаккур билдиргандек.

Икковлари сукутга чўмдилар. Андрей ҳам Нина билан сукут туриш нақадар ёқимли эканидан мамнун эди.

Қуёш ботди. Сув бетидаги қип-қизил йўл ғойиб бўлди. Қоронгулик туша бошлади. Беғубор осмон қуёшсиз ғалати, бўм-бўши туюлди...

Аллақандай одамлар ғовур-ғувур қилиб бортга яқинлашдилар. Қошлиари мўйчинак билан ингичка қилиб терилган, афти бўялган бир аёл гап қотди: «Қандай гўзал манзара!»

— Юринг, танца тушамиз,— деди Нина секингина.

Андрей Нинанинг орқасидан — торгина зинадан юқори чиқиб борар экан, бсихтиёр унинг кўзлари Нинанинг сефтоблан қорайган болдиirlарига тушди, шундагина у биринчи марта Нинани хотин қиши сифатида билиб, ўйлай бошлади. Шу ондан бошлаб, ҳар қараганида ёки яқинлашганида, унда янгидан-янги хислатларни кашф

қила бошлади. Танца тушганда қизнинг баланд қўкракларини ўз кўкрагида ҳис қилар, қўллари өса қўйлаги устидан иссиқ елкасини ушлар эди. Бу ҳол уни ўнғайсизлантирар ва айни вақтда ёқимли туоларди. Нинанинг боши унинг елкасидан келади: энгашиб Нинанинг юқорига қараган баҳтиёр чехрасига тикиларкан, ўзини жўш ураётган зангори денгизга тикилаётгандек ҳис қиласарди.

Чопасан жингалак тўлқинлар билан  
Қайиқларнинг ортидан қувлаб.

У шу қўшиқда куйланган жингалакликни қизнинг бошидан ахтариб топди, шу заҳотиёқ ўнинг хаёлида бошқа Нинаникдек қора олтин соч толасига ўхшаган эмас, балки бир оз сарғиш, тароққа илашмайдиган, қизиқ бир соч толаси мұҳайё бўлди — ундай соч толаси кўзгуга қараб тараалганда кўринмайди..

— Биз билан сайилга чиққанингиз жуда соз бўлдида,— деди Нина.

Андрей унинг сўзига жавобан қўлини маҳкам сиқди, ҳар қандай хаёлларни ҳам миясидан чиқариб юбориб, фақат вальснинг сокин оҳангига шўнғиб кетган ва бу қизнинг яқинлигидан беҳад севинганидан чирпирак бўлиб айланади.

Палуба денгиз сатҳи билан туташиб бораётгандай, ўлар эса үлкан зал бўйлаб, денгиздан ҳавога учиб кетаётгандега ўхшардилар. Шу яқин ўртада Борисовнинг қора кўзлари ялт этиб бир кўринди, айёрларча кўз қисди, Андрей эса илжайиб қўйди-ю, Нинанинг соч тутамларига юзини тегизиб ўйини давом эттираверди.

Борисов ўзи билан бирга хотинини олмаганига яна ачина бошлади. Парторг сифатида келиб юрибди-я. Аҳмоқона ноҳуш эрмак бу! Хўш, унинг ҳам одамларга ўхшаб, шунчаки дам олиш ниятида сайилга чиқиши, хотини Любаша билан танца тушиши, бирорларга насиҳат қилиш, ақл ўргатиш, тарбиялаш каби олдиндан режалаб қўйилган топшириқларсиз, фақат шунчаки дам олиши мумкин эмас эканми? Нима, шу ишларсиз коммунист бўлиш мумкин эмасми? Буни қарангки, парторгнинг шу ерда турган бўлишинга қарамай, Андрейнинг иши юришиб кетди-ку.

Борисов ёшлар орасида Сашага қўзи тушиб қолиб, Андрей билан Нина томонга ишора қилди:

— Кўрдингми? Сен бўлсанг қўрқиб юрибсан!

Саша гуноҳкордай елкасини қисиб, қўлларини ёйди. Танца тугагач, Борисов Нинадан узр сўраб, Андрейни бошлаб олиб кетди.

Улар қают-компанияга тушдилар. Бўш стол йўқ экан.

— Сергей Сергеевич, бизнинг ёнимизга ўтира қолниглар,— деб чақирди уларни Вороњко.

У Кузъмич билан ўтиради, афти қизариб кетган, сочлари пахмайган, чолга графинчадан ароқ қуя туриб, хўрсиниб қўярди.

— Сизнинг соғлиғингиз учун, Сергей Сергеевич,— деди у ва Андрейга тортиноқлик билан боқиб қўйди.— Балки, сиз ҳам биз билан бир тан бўларсиз, Андрей Николаевич?

— Бу ишни негадир барвақт бошлабсан, Вороњко,— деди Борисов эътироуз билдириб.

Вороњкониг жўшқин қиёфасидан, Андреј у дағал жавоб қайтаради деб ўйлаган эди. Аммо Вороњко рюмкани столга итоаткорона қўйди.

— Танца тушишни билмайман, Сергеич, шуниси чатоқ.

— Бузоқ экансан. Қиз бечора эса анови ерда кўзлари тўрт бўлиб, зерикиб турибди.

Вороњко ишонқирамай жилмайиб қўйди ва сочларини қўли билан силади.

— Майна қилмоқчимисиз?— У ирғиб ўрнидан турдида, эшик томонга юрди.

— Усиз зерикиб қолган ким экан?— деб сўради Андрей.

Кузъмич таажжубланиб томоқ қириб қўйди, Борисов эса:

— Бир қиз...— деб жавоб берди.

Столга официантка яқинлашди, Борисов отбивной гўшт олсаммикан ё қовурилган фоз гўшти олоаммикан деб анча вақт иккиланиб ўтирди.

— Нега хотинингизни олиб келмадингиз?— деб сўради Андрей Кузъмичдан, орадаги ноқулай жимликни бузиш учун.

Кузъмич унга ғалати бир назар ташлади-да, саволга жавоб қайтармасдан, ўзига пиво қўйди.

— Вороњко билан қилиб ўтирган суҳбатингизнинг белига тепдик шекилли,— деб яна гап бошлади Андрей ва зўрма-зўракайнига илжайди.

Кузьмич хаёлчанлик билан пивони оз-оз ютарди. Борисов қўлинидаги рюмканин айлантириб ўйшаб ўтиаркан, у ҳам индамасди.

— Мана олайлик, Сергенч, сен билан биз отамиз,— деб гап бошлади кутилмаганды Кузьмич.— Менинг-ку, энди вақтим ўтди... бир ўғлинг бўлса— ўғлим бор дема, икки ўғил ҳам ўғил эмас, учта ўғил бўлса, ана уни ўғил дейдилар. Сен ўз Колькангни эрмак қилиб олгансан, ундан кўра яна иккитасини ясасанг-чи... Бир вақтлар келиб, шу айтганиларимни эслаб қоларсан. Қани, менга шуни тушунтириб берчи, Сергенч, нега сен ёмон болаларни кўпроқ яхши кўрасан?— У стакандаги пивони тагигача шимириб ичди, пиво кўпиклари бужмайдиган лабларида ёрилиб ўчарди.— Хўп қизиқ нарса-да: ёш чоғимизда, бола бизга керак эмас, қариганимизда эса биз болаларга керак бўлмай қоламиз...

— Бола ҳам ҳар хил бўлади,— деди Андрей, чолни қандай юпатишни билмай.

— Нега ҳар хил бўлади?— деди Кузьмич маъюс оҳангда.

— Масалаш ижита эгизак бола бор деб фараз қиласлийлик,— деди Борисов,— биттаси одам бўлиб етишади-ю, иккинчиси ҳеч нарсага арзимайдиган бўлиб чиқади. Бундоқ қараганды, бу тушуниб бўлмайдиган бир муаммога ўхшайди. Бунга ахир ким айбдор? Нима десангиз ҳам барибир биз, ота-оналар айбдормиз. Баъзан кечалари уйқинг қочиб, хаёлга чўмиб кетасан: қачон, қаерда хато иш қилиб қўйганинман, деб миянг қотади.

Кузьмич унинг бу сўзларини тиннинг тунги аччиқ хаёлларини ўйлаб топадиган одам борлигидан севиниб, баш силкиб ўтиради.

Официантка қовурилган ёз пўштини олиб келди. Кузьмич дастрўмоли билан мўйловини артди-да, ўрнидан турди.

— Биз билан овқатланинг,— таклиф қилди уни Андрей.

— Раҳмат, оғзимдан номаъқул гап чиқиб кетган бўлса, мени кечиринглар. Биз, чоллар, доим бемоврут гап сотиб қўямиз.

Кузьмич узоқлашиб кетгач:

— Ўғли штоатсиз бўлиб кетган, гапнинг таги бу ёқда,— деди Борисов хаёлчанлик билан.— Ҳм... Хотини

билин бўлса ўн йилдан бери бирга турмайди, хотини ҳақида сўраганинни ўлгидек ёмон кўради.

— Мен билмовдим,— деб қўйди Андрей.

— Афтидан, сен кўп нарсанни билмайдиганга ўхшайсан.

Овқат пайтида улар ғоз тўғрисида, об-ҳаво тўғрисида суҳбатлашиб ўтиришди. Андрей Борисовнинг овқатланшини кўриб, ўзи ҳам зўр иштаҳа билан овқатланди.

— Овқат ейишни жуда яхши кўраман,— деди Борисов қувонч билан.— Қуёш, ҳаво ҳам овқат менга энг яқин ўртоқ.

Бундай ҳузурдан унинг кўзлари қисилиб, ғилтиллаб кетди.

Суҳбат орасида гапдан-гап чиқиб, Борисов Заславскийнинг отпускасини келгуси ойга қолдириш мумкин бўлмасмикин деб сўраб қолди. Андрей бош чайқади— локатор устида ишлашнинг энг қизғин пайти бўлишини айтди.

— Бошқа бирорни ўзингга ёрдамчи қилиб, ол қўй-да.

Улар барча лаборантлар ва техникларни бирма-бир тилга олиб чиқдилар, бир оз вақти бўш одам бирдан-бир Цветкова бўлиб чиқди.

— Цветкованими? Йўқ, Цветковани тутиб турниш мумкин эмас.—деди Борисов.

Андрей жаҳл билан тўнғиллаб қўйди: уни ишлатиш мумкин эмас, буни олиш мумкин эмас, ўзи нима гап?

Борисов, ҳеч кимга айтмайман деб, Сашага сўз бериб қўйгани учун қийнала бошлади, лекин Лобанов ўзини тушунмаганга солаверса, унга очиғинч айтиб қўйиш керак. Борисов Лобановга бор гапни айтиб берди.

— Саша билаш Цветкова-я?— Андрей дастурхон ҳошияларини кўздан кечириб ўтиаркан такрор сўради.— Нима, бу жиддийми?

— Цветковани-ку, билмадим, аммо Саша жуда жиддий. Узинг биласан-ку, у оқ кўнгил йигит.

Улар жим қолишли. Атрофдан идиш-товоқларнинг овози, пароход биқинида сувнинг шилдираши келарди, рюмкаларга қўйилган ароқ жимиirlаб турарди. Юқори палубадаги ғовур-ғувур, дўпир-дўпир оёқ товушлари аккордеон овози остида зўрга эшитиларди.

— Ким чаляпти?— деб сўради Андрей.

— Морозов бўлса керак.— Борисов тирсакларини

столга тираб, олдинга ташланып иш күнгөлариниң Анидди  
шинг күз қорачигларига тикди.

— Андрей, нега бизнинг одамларимизни ижти ~~иши~~ майсан? Нега улар билан фақат хизмат жирийиди; иш алоқа қиласан?.. Мана шу руҳий бўлизлик, ~~бўнига~~ ционалистлик сермулоҳазалик халақит бермайдими? Масалан олайлик, ижодий шинингга ҳалал бермайди-ми-а?..

— Философия — психология,— деди Андрей.— Шу психологияни жуда ёмон кўрамади-да.

— Шу ҳоллар ишнингга халақит берса керак? Бўидан буёи яна бадтарроқ халақит беради. Нега сен шунака-сан? Ёки бу шахсий масала... Сен уйланишинг керак.

— Аҳа, локаторни ясаш осон бўлсин учун уйланиш керак, дегин,— Андрей хаҳолаб кулиб юборди.— Жуда қўйил идея бу. Сенингча буни нима деб атаса бўлади, мулоҳазакорлик эмасми?

— Гапни кўп кавлама,— деди аччиқланган Борисов.— Мен нима демоқчи бўлганимни жуда яхши биласан. Агар ўз фикримни тўғри баён қиломаган бўлсан, бу фақат сени хафа қилмасликка уринганим учун. Мен ҳам баъзи кишилар устидан кула олардим. Сен ўзингни қандай оқлаётганингни мен биламан-ку. Сен, менга ёлғизлика, ишлашга тўғри келди, дерсан. Бу тўғри. Лекин унинг билан ўзингни қаҳрамон деб ҳис қиласан — мана шу мақсадинга ҳам етдинг. Аммо, қандай қилиб шу мақсадга эришдинг? Сен ўзингни яккаликда қийнадинг, атрофингни Саҳрои Қабирга айлантирдинг. Худди ашуладагидек: «Ёлғиз ўзим йўлга чиқаман...» деб куйламоқчисан. Йўлга-ку, чиқиб олдинг-а, аммо бундан бу ёғини ёлғиз ўзинг бажара олмайсан. Бригада ҳам сенга қўл ва бошларининг арифметик йиғиндиси эмас.

Борисов ҳар бир айтган сўзини бекор кеткизмасликка уринарди. Андрей афтини бужмайтирас, пишқирав, аччиқланар, хаҳолаб кулар, муздек душда чўмилаётгач одамдек ҳузур қилиб сеоканиб тушарди. Борисов эса айтган гапларим кор қилмаяпти деб ўйлаб, Андрей биронта муҳим масалада ўз айтганида ўжарлик қилиб туриб олади деб аччиқланарди. Ҳатто у ўзини ҳақ ҳисоблаганда ҳам, Андрейга гап ўқдиришга қиийпаларди, чунки Андрейни яхши кўрар, ўзини унга нисбатан ожизроқ ҳис қиларди.

«Нега мен бунчалик нўюқман-а?— деб азобланарди Борисов.— Қандай қилсам қалбидаги нозик еридан тута оларкинман?»

Борисов сукутга чўмганда Андрей бирдан гап бошлади:

— Улар ўртасида бу нарсанинг бошланганига анча бўлганими?

— Қимларни айтяпсан?

— Заславский билан ҳалиги...

— Ким билади, дейсан. Сен Новиковни албатта ўз группангга ол. У жуда ишқивоз йигит, агар унинг шу хотинларга ишиқивозлийк ғайратини ишга буриб юборилса...

— Сергей, атиги шу бугуигина иш тўғрисида ўйла-масликка қўрбанинг етадими?

Борисов деразага қаради.

— Балиқчиларнинг ўтириб олган ерини қара... Биласанми, Андрей,— деди у бошини бурмай,— баъзи кишилар, инсон қўли билан ишланган асбобини энг муҳим деб ҳисобласа, бошқа бир хил кишилар шу асбобларни ясаган инсонни энг муҳим деб ҳисоблайди.

Андрей ҳеч нима демади.

Ярим кечада ҳаваскорлар тўгарагининг концерти бошланди. Андрей энг орқа қаторда Рейнгольднинг хотини ва ўғли билан ёнма-ён ўтиради. Рейнгольднинг ўзи эса пароход рубкаси орқасида, артистлар беркинган ерга бориб, аллақандай фокусни тайёрлашга кўмаклашарди.

Концертни Новиков олиб борди. У оддий, аммо очиқ кўнгиллик билан ҳазил қиласар, ҳамма билан баравар ҳаҳолаб кулишар, артистларга истар-истамас гал берарди.

— Жуда хушчақчақ, йигит-да,— деди Рейнгольднинг хотини.

Новиков Вороњконинг фамилиясини айтганда, одамлар орасида ғовур-ғувур кўтарилиди, ҳамма чапак чала бошлади. Вороњко қора костюм кийиб, бўйнига галстукини сиқиб бойлаб чиқди-ю, дарҳол аллакимни ахтара бошлади. Андрей унинг қараашларини кузатиб, Вера Сорокинага кўзи тушиб қолди. Андрей илжайиб қўйди. Гўё у алланарсадан севиниб кетгандай эди. Бунинг устига, у шу пайтгача улар ўртасидаги муносабатдан бехабарлиги-

даи ҳайрои бўлди, ҳатто бир кун тентаклик қилиб, Вера-  
нинг олдида Вороњкони уришгав эди ҳам.

Вороњко нафасини ростраб олиб, ашула бошлиди.  
Овози ширали экан, украин тилида Қадимги казак ашу-  
ласиниғ айтди.

У ашуланинг сўнгги баандига келгандига, казак қизи  
йигитни кутмаганилиги ва унинг муҳаббатидан воз кеч-  
ганилиги тўғрисида куйлаб туриб, бирдан жумланинг яр-  
мига келгандига, ашулани тўхтатди-да, бу қилмишидан  
уялмай-нетмай, жиндий қиёфада қўл силтаб ичкарига  
кириб кетди. Бу томошабиниларининг ашуласига бўлган  
ҳавасини ҳеч сўндирамади. Анича вақтгача қареак чалиб  
уни саҳнага чақиришили, лекин бу чақиришилар фойдасиз  
эди, фақат Вера Сорокинагина чапак чалмай туради.  
Концертнинг павбатдаги номери бошлангандига, Вера ҳеч  
кимга сезидирмасдан оҳиста турди-да пароход рубжаси  
орқасига ўтиб кетди.

Кейин Ванюшкин фокуслар кўрсата бошлиди. У эгов-  
ни олиб, букар, ё ҳавода муаллақ турғазиб қўярди. Ке-  
йин Нина Цветкова гулдор сарафан кийиб чиқиб, соч  
попукларини шилдиратиб венгерча рақсни ижро этди.  
Унинг оёғидаги қизил, юпқа чармдан тикилган этикча-  
лари палубага тарақлаб уриларди. Андрейнинг олдида  
Саша ўтиради. Унинг машина билан текис қилиб қи-  
риб олинган бўйни қизариб кетди. У қўлинин бошдан  
юқори кўтариб, қулоқни кар қиларли даражада қаттиқ  
қарсак чаларди. Нина салом қилгани саҳнага югуриб  
чиқди, Андрей Нинанинг унга қараганини сезиб, юзини  
Рейнгольднинг хотинига ўтиради.

Новиков саҳнага Соня Манжулани бошлаб чиқди.

— Бу қиз нимани ижро этаркин, билмайсизми? — деб  
сўради Рейнгольднинг хотини. Андрей Сонянинг синов-  
чи техник бўлиб ишлашинигина биларди. Шу ярим йил  
мобайнида у кун сайин бу рангида қони йўқ, ювош, ху-  
нук қизни учратар, аммо ҳеч қачон у билан суҳбатлашиш  
орзуси бўлган эмас, Андрей бу қиз нимани ижро этиши  
мумкинлигини ҳеч тасаввур қилолмади. Бунинг саҳнада  
найдо бўлиши ҳам ҳайратда қолдириди. Бироқ, негадир  
томушабинилар ичидаги ҳеч ким бунга ажаблаимади.

Одамлар қичқира бошлиди:

— Соня, Маяковскийдан ол!  
— Чеховдан!

## — Шчукарь бобо тўғрисида!

Новиков томошабинларни тинчлатиш мақсадида қўлини кўтарди. Андрей унинг сўзларини эшига олмади. Соня бошлагандан кейингина, Чеховнинг «Ҳазил» деган ҳикоясини ўқиётганини билди.

Аввалига Соняning ҳаракатсиз ҳолда қўлларини ёнига осилтириб туриб ўқиши Андрейга халақит қила бошлади. Лекин «Мен сизни севаман, Надя» деган жумлани айтганида унинг бармоқлари билинар-билинмас қимирлаб кетди. Бу эндигина уйгониб келаётган нимжони, тортиноқ ҳаракат, унинг бақириб қўлларини ёйганидати ҳаракатидан ҳам яқъолроқ сезиларли эди. Унинг борган сарп овози кучая борди, Андрейни ажаблантирган нарсалар эса, бу кўп марта эшитилган ҳикояга Соня томонидан киритилаётган ҳамма фикрлар олдида хиралашиб, узоқ-узоқларга кета бошлади.

Бу содда дил Наденъка билан юз берган қизиқ бир ҳазил эди... у соодда дилмиди, ё лақмамиди, ёки келгуси туїғуларни зўр ҳаяжон билан кутармиди? Баъзан шу учта қадимий «Мен сизни севаман» сўзларини ўйламайнетмай айтиб юбориш нақадар осон ва кишига оромбахш туюлади... — Бу осонлик — очиқ кўнгилли кишини қанчалик баҳтсизликка олиб келиши хаёлга ҳам келмайди. Бу сўзларни нафас сиқилган пайтда, мияга қон тепаётганини сезиб турганда ва ўлимдан қўрққандек ваҳимага тушганда айтиш лозим бўлса керак.

Соняning чеҳрасига аста-секин қон югура бошлади. У қўлини шамолга, кўрфаздан эсиб турган ёқимли шамолга тутди, кўзлари катта-катта бўлиб очилди, бу кўзлар одамларнинг боши устидан қаёқларгадир, пароход устидан парвоз қилиб ўтиб кетган чайкаларга тикилиб қолди. У ҳозир Андрейга жуда гўзал бўлиб кўринди. Ҳозир Андрей Соняning қулоғига: «Мен сизни севаман» деб айтгиси келди.

Антракт вақтида Андрей рубка орқасига ўтди. Йигитлар қуршовида турган Соня Манжула, Нина ва бошка қизлар алланималар тўғрисида кулиша-кулиша баҳслашарди, Андрей Соняга яқинлашиб, унга яхши сўзлар айтгиси келди. Лекин қулай баҳона топа олмай ва ўзининг баҳона қидирганидан уялиб, негадир Воронько-дан Борисов қаерда деб сўради-да, нокулай вазиятга тушганидан жунжайиб нарироқ кетди.

«Нега мен уни илгари сезмаган эканман?— деб ўйлай бошлади Соя тўғрисида.— Нега мен унинг ақлли, талантли қиз эканлигини пайқамаган эканман?»

Гўё ҳозир парданинг бир бурчи озгина кўтарилди-ю, шу парда орқасида Андрей ўзига таниш бўлган одамларнинг бутунлай ўзга турмушини кўрди. Соя концертда иштирок этаркан, Вороњко Вера Сорокинани севаркан, Нина билан Саша воқиаси, Кузъмичнинг ҳаётининг фақат бир қисми, шунинг учун лаборатория, улар ҳаётининг парёғига ташлаб кирмайдилар, балки ўзлари билан руҳий кечинималарни ҳам олиб келадилар. Андреининг шахсий руҳий кечинималари ишига қаичалик кўмаклашса ё халақит берса, бу кишиларнинг кечинималари ҳам иш процессида уларга шундай ёрдам беради ё халақит қиласди.

### ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

Эртасига эрталаб пароход Зеленая пристанига етиб келди. Борисов Андреини пляжга, ёшлар билан бирга чўмилишга судрай бошлади. Пляждада ҳали ҳеч ким йўқ, атроф сукутга чўмган. Қурий бошлаган қум бетида каноп соябонларнинг узун ва қийшиқ кўланкаси чўзилиб ётарди. Шаҳар ғовур-ғувуридан кейин бу ернинг сокин ҳавоси шу қувончли ва ёқимли тонг сингари бенихоя соф бўлиб сезилди.

Борисов ечинган эди, Андрей унинг кўксидаги соchlари ёйилган аёл кишининг татуировкасини<sup>1</sup> кўрди, унинг остига «Жанна» деб ёзилган.

— Гўзал экан,— деди Андрей.— Жуда бадинй, энг муҳими — абадий ўчмайди.

— Бебош ёшликтининг хатоси,— деди Борисов уялинқираб.

Андрей сувга ҳаммадан' кейин тушди. У бу йил ёзда ҳали ҳеч чўмилмаган эди, шунинг учун сув жуда ҳам совуқ туюлди. Тиззасигача сувга тушиб, дилдираб қўлларини ўқрагига чалиштириб туриб қолди. Оёғи остидаги қумлоқда қуёш нури жилваланар, майдада

<sup>1</sup> Тушь билан солинган сурат.

балиқчалар галаси чўчиб дам у ёқقا, дам бу ёқقا отйларди:

Борисов, офтобда чиниқиб, бадаилари қорайиб кетган йигитлар орасида ташо Андрейнинг сутдек оқариб турған баданига тақидий кўз билан тикилди.

— Қаерда дарров бунчалик қорайиб олдинг? — деб кесатди Борисов, татуировка учун аламини олиб.

— Халқ кутубхонасида,— деди Андрей.

У ҳамон сувга шўнғишга журъат этолмай туради. Борисов Ванюшкни билан Пека Зайцевни чақирди. Пека сувда тик туришин машқ қилаётгани эди.

— Қани, йигитлар бошлиқни муқаддас сувга бир шўнғитиб олайлик-чи,— деб команда берди ва ўзи бириничи бўлиб Андрейга сув сена бошлади.

Йигитлар бир-бирига қараб олишди. Ванюшкни иккапланган ҳолда кўқрагани қашлай бошлади ва ҳўл трусигини тортиб қўйди. Андрей ўзини Борисовдан олиб қочар экан, Ванюшкнининг иккиланиб турғанига кўзи тушди ва ўз ҳолидан уялиб, хижолат торта бошлади.

Пека чўққи бошини елкаси орасига қисиб, аста-секин қўлини сувга урди. Андрей муздек сув томчиларидан оҳ-воҳ қилиб, типирчилаб, ўзини ҳар томонга ташлай бошлади. Пека дадиллашиб, жон-жаҳди билан чинқириб юборди ва Андрейга ҳовучлаб сув сепа бошлади. Ванюшкни ҳам қичқириб, кафти билан сувни сачратади. Андрей кула-кула олға югурди, йигитлар унинг орқасидан қувлай бошладилар; Андрей йигитлар ҳужумидан қутулиш мақсадида сувга бир шўнғиб олди, кейин ҳеч кимдан қўрқмасдан, кетига қайта бошлади ва Борисовни бўйиндан ушлаб олиб, уни сувга шўнғитди. Борисов нафас олиб, бир нарса демоқчи бўлғани эди, Андрей уни яна сувга ботирди. Пека Борисовни қутқаринин мўлжаллаб атрофда гирдикапалак бўлиб юради.

Кейин Андрей Борисовни қўйиб юбориб, Ванюшкнининг орқасидан қуввиб қолди.

— Ванюшкнига етолмайди,— деб қичқириди Пека.

— Қараанг, унинг сузишига қараанг. Брасс усули билан сузяпти!

Йигитлар Борисов атрофига тўпланишиб, Лобанов Ванюшкнига етиб оладими, йўқми деб баҳслаша бошладилар. Андрей қулоч отиб сузаркан, олдига қарай олмас, аммо Ванюшкнига нисбатай тез сузаётган эди.

Ванюшкни Андрейнинг орқасидан қувиб стиб олганини сезди-да, ўғирилиб, бирдан бошқа томонига сузиб кетди, Андрей эса, буни сезмагани учун тикка сузишида давом этаверди. Шу пайт: «Андрей Николаевич, ўнгга сузинг, ўнгга!» деб қичқириша бошлашди. Андрей тўхтади. Бу шов-шув орасидан Сашанинг энтиккан, жўшқин овози ва Вороњконинг йўғон овози яққол эшистилиб турарди. Йигитлар Ванюшкни учун қанчалик ҳаяжонланаётган бўлсалар, Андрей учун ҳам шунчалик ҳаяжонланаётганини, унинг кучига куч қўшди — йигитлар уни ҳам ўз сафларига тортаётган эдилар. Борисовнинг ўзи фаҳмлаб етмасда, ҳадеб Андрейдан хавотир олиши ва унга қилган таъиаларининг ҳаммаси, ҳозир йигитларининг Борисовга хайриҳоҳлик билдириб қичқиришларининг ўзида тамоман ҳал бўлди. Ана энди, қандай қилиб бўлса ҳам Ванюшкинга қувиб етиши керак. Лоақал, йигитларни мақтовига эришиш учун, унга етиб олиши керак. Бу арзимас кичик ғалаба, унга ҳозир иш соҳасидаги ҳар қандай катта муваффақиятлардан ҳам зарурроқ.

У, тўлқиндан тўлқинга сакраб юрган қуёш шуълалари орасидан Ванюшкинининг сочи машинкада олингани бошини ахтариб тонди-да, орқасидан қувиб кетди, энди у ҳам забардаст қўлларини тез-тез силтаб брасс усули билан суза бошлади. Ванюшкни яна орқасига ўғирилиб, Андрейни ахтарди. Андрей эса чуқур нафас олиб шўпиди ва сув остидан сузиб кетди. Бир неча секунддан кейин зангори сувда Ванюшкинининг оёқлари кўриниб қолди. Унинг оёқлари тартибсиз типирларди — Ванюшкни бир ерда гир айланиб сузиб, ўз орқасидан қувиб келаётган Андрейни ахтараётган бўлса керак. Шу пайт Андрей оёқларидан ушлаб тортди.

Қирғоқда турганлар Ванюшкинининг тўсатдан ғалати типирчилай бошлаганини ва қўлларини силтаб, сув остига кириб кетганини кўрдилар.

— Биз енгидик! — деб қичқириб юборди Саша ва ёнида турган йигитлардан бирини туртиб юборди. Ҳамма кулиша-кулиша сувда гурпанглаша бошлади.

Андрей билан Ванюшкни қайтишда шошмасдан сузиб, алланималар тўғрисида ўзаро гапиришар ва бўларбўлмасга хаҳолаб кулиб келишарди. Энди сув совуқ туюлмас, Андрейнинг сувдан чиққиси ҳам келмасди.

— Энди шу эришган ютуғнинг учун сенга сарвдан

гулчамбар тақдим қиласылмак ми ёки биз билан қумда ётаверасанми?— деди Борисов жиддий.

Андрей күзи билан ахтарыб, нарироқда турган Нинани күриб қолди, сүнг:

— Қумда,— деди.

Улар бошлариниң күйлаклари билан ёпиб, илиқ қум устига ҳузур қилиб ястаниб ётдилар.

Андрей Саша билан Нина бир-бирларининг қўлларидан ушлаб, копток ўйнаш учун югуришиб кетганини кўрди. Нинанинг эгнида қора чўмилиш костюми, костюм елкасига лаингарининг сурати тикилган эди. Икковининг бўйи баб-баравар, ўзлари ҳам офтобда бир хилда қорайган эдилар.

«Мана бу жуда соз»,— деб ўйлади Андрей ҳоргинлик ва маъюслик билан. Унинг юмуқ кўзлари олдида тўқ-сариқ доиралар ва у доиралар қучоғида Нинанинг бошини орқага қилиб, унга тикилиб турган чеҳраси муҳайё бўлди; у Андрейга алланималарни сўзлар, аммо у эшишмасди.

Кейин бир аксириди-да, юмилган қовоқларини зўрга кўтариб, тирсатига таяниб, бошини кўтарди. Олдида Нина тиз чўкиб ўтирас ва қўлига чўп ушлаб, уни қитиқларди. Унинг уйқусираган башараси аҳмоқона кўришган бўлса керак. Нина кулиб, оҳиста деди:

— Туринг, кўйиб кетасиз.

Борисов хуррак отиб ухларди. Қуёш қиёмга келиб қолган, пляж сон-саноқсиз одамларининг шов-шуви билан тўлган, Нина эса, чўмниш костюмидан эмас, балки ўзининг ҳаво ранг кўйлагини кийиб олган эди. Андрей кийиниб бўлгунча, Нина битта каноп соябон олиб келиб, Борисовга соя тушадиган қилиб, дастасини ерга санчиб қўди.

Улар ўзларини қўёшга тоблаб ётган одамлар орасидан ўтиб, паркка кирдилар. Андрей, у танца майдончасига бошласа керак деб кутган эди, аммо Нина катта йўлдан четга бурилди. Улар ўзаро маслаҳатлашмасдан паркнинг энг хилват, чекка томонига қараб, дараҳт сояларидан олачипор тус олган сокин йўлкалардан юриб борарадилар. Йўлкалар ўрнига қинғир-қийшиқ, айланма сўқмоқ йўллар пайдо бўла бошлади. Дараҳт тагларида, ўт устида дам оловчилар ётишарди. Қуёшда қизиган ни набарг дараҳтлар, ўт-ўланлар, қайнин дараҳтларининг ҳиди бир-бирига қўшилиб, ўрмон сасини берардилар. Бу

ернинг ҳавоси ҳам шу қуюқ, аралашма ёқимли ҳид, дарахтларининг шитирлаши, қушларнинг тинмай чулдурасидан иборат эди.

Бора-бора дараҳтлар сийраклашиб, бутазорга айланди, олдинда ўтлоқ пайдо бўлди. Бир неча аёл бир-бirlарининг кетидан тизилишиб туриб олиб, ўт ўради. Пушти ранг йўнғичқа, кумуш тус супурги ўти, сариқ ва гунафша тус чечаклар ўзларининг ранг-баранг товланиб туришларидан маҳрум бўлиб, бошларини эгиб йиқиларди. Ўроқчилар ўтган ер теп-текис, яшил тусга кирарди, гўё бу ўроқчи аёллар ўроқ билан эмас, балки чўтка билан ўтлоқни бир хилдаги яшил бўёқ билан бўяётганига ўхшардилар.

Нина Андрейга ҳеч нима демасдан, ўз дугоналаридан орқада қолиб, енги билан терини артиб, дам олиб ўтирган кекса аёл олдига югуриб кетди. Нина ундан алланимани илтимос қила бошлади, аёл эса униг туфлисига ишора қилиб, шубҳаланиб куларди.

— Синаб кўр, Прокофьевна, зарар кўрмайсан,— деб қичқирди аёллардан бири. Прокофьевна бирнима деб жавоб қайтарган эди, ҳамма аёллар кулиб юборишиди. Кейин у Нинага ўз чалғисини узатди.

«Оббо, тентак қиз-э!»— деб безовталана бошлади Андрей. Аёллар Нинани масхара қилиб кулишади-ку, деб олдиндан сезиб турарди.

Нина тирноғини чалғининг дамига қўйиб кўрди, кеини вазминлик билан чалғининг дастасини ўзига мос қилиб тўғрилади ва Андрей томонга қиё ҳам боқмай, чалғини равон ва аниқ силтаб, дўмбоқ ерларда ҳам, буталар орасидаги тор ерлардан ҳам усталик билан ўриб олдинга дадил юра бошлади. Чалғи жаранглаб, қуёш нурида ялтирас ва Андрейга бутунлай нотаниш бўлган бу қизга яшил йўл очиб борарди. Бу қиз ҳозир Андрей бундан ярим йил илгари биринчи марта танишгандаги таниз, модапараст, танцага ўч, такаббур ва тантиқ Нинага сира ўхшамасди. У қуёшда қораёнган оёқларини кериб, дадил қадам қўяр ва чалғини мороқ билан силтаркан, Андрейда ҳам шу узун чўзилиб кетган барра ўтларни ўришга ҳавас уйғотар, чалғини ҳар ташлагандада фижирлатиб кесган овози уни мафтун этарди.

Андрей Нинанинг қилаётгани ишига ҳаваси келиб орқасидан келарди. Нина ишни тўхтатиб, ўзига тикилиб турган аёлларга қаради.

— Қани, етиб олмайсизми!

— Хўн азамат қиз эканми!— деб кулишди аёллар қиз тўғрисида ўйлаганлари нотўғри чиққанидан севинишиб. — Гигитнинг иега орқада қоляпти?.. Ҳозирги эркаклар фақат буйруқ беришни биладилар-да!

Нина бир тутам ўт билан чалғанинг дамини артдида, эгасига қайтариб берди.

Улар ўтлоқни кесиб ўтиб, ўрмоңга киришганда, Андрей сўради:

— Ўт ўришини қаердан ўргангансиз?

— Мен ўрмонда туғилиб, ўрмонда ўсганман,— деди Нина. — Ўрмон қизиман. Бунинг устига, ҳар йил ёзда отамнинг олдига леспромхозга борардим. Ўрмон ичидага, биласизми, ўроқ машина билан ўт ўриб бўлмайди.

Нина Андрейнинг қўллари билан ўз кўзларини беркинди. Андрей уни етаклаб дараҳт олдига оборар, у эса қўллари билан дараҳт пўстлоғини тимирскилаб кўриб, қанақа дараҳт эканлигини айтарди; кейин Андрей узиб олинган япроқ ҳидига қараб қандай дараҳтлигини топдира бошлади. Нина япроқни қўлида ишқалаб ҳидлар ва зирк дараҳти, рябина, ё ёнғоқ деб хатосиз топарди. Нина учун ўрмон жонли одамлар тўпига ўхшар, бу ерда гўё унинг танишлари — дараҳтлар талпинишар, шувиллашар, баҳслашардилар, бу ердаги ҳар бир дараҳт ўз характеристи, ўз таҳдирига эгага ўхшарди.

У, ўз отасининг дараҳт япроқлариинг шитирлашига қараб ҳам уларнинг турини аниқлай олишини айтди. Андрей билан Нина бақатерак тагига келиб кўзларини юмб, елкама-елка жим турниб қолдилар.

— Эшитяпсизми, япроқлар шилдираяпти,— деди у.

Андрей бу шилдирашлар ўртасидаги фарқни ажратишга уриниб кўрди ва дарҳақиқат фарқ борлигини сезаётгандек бўлди: дуб дараҳтиниг қаттиқ япроқлари тақиллар, заранг дараҳти майин елпинар, бақатерак япроқлари эса нозик оҳангда аянчли шилдиради.

— Мен ҳаммадаи қайин дараҳтини яхши кўраман,— деди Нина. У ёшгина қайин дараҳти олдига чўйка тушиб ўтиаркан, бармоқлари нозик, беғубор япроқчаларни бирма-бир титкилай бошлади.— Сиз-чи?

— Менми?.. Мен қарағайни яхши кўраман.

— Бу ерда қарағай йўқ. Қарағайлар юқорироқда, тепаликнинг ён бағрида ўсса керак.

У дик этиб ўринидан турди-ю, олдинга югуриб кетди

ва бир зумда яшил буталар орасига кириб кўздан йў-  
қолди.

— Андрей Николаевич! — Нинанинг овози эшитил-  
ди.— Бу ёққа келинг.

Андрей Нинанин қуёш ёғдусига чўмгаи бруслика бу-  
талари билан қонланган сайҳонликдаги балаид қарагай  
олдидан топди.

— Шу қарагайнин сизга тақдим қиласман,— деди  
Нина.— Биласизми, агар бунинг пўстлоғидан қаламча  
қилиб қирқиб олсангиз, новвот ранг қуюқ шира оқади.  
Бу шарбатсимои шира бошика дараҳтларга қараганда  
сизнинг қарагайнингизда кўп.

— Шарбат,— хаёлчанлик билан тақорорлади Ан-  
дрей.— Жуда яхши сўз. Шарбат, қаранг-а, шундоқ қа-  
раганда қуп-қуруқ, жонсиз дараҳтга ўхшайди.

Шамол пастда ёш-ёш қора арча новдалари билан  
шўхлик қилиб ўйнашар, юқорида, қарагайнин қорам-  
тири боши устида эса гувиллаб, жиддий суҳбат олиб бо-  
рарди.

Агар Андрей ашула айтишни билганида, ҳозир ал-  
батта айтиб юборган бўларди. Иш устида хәёл қилмай-  
диган шунаقا баҳтли, қуёш порлаб турган кунга, му-  
ҳаббатга, дўстлик қўлларини самимий сиқишига муҳтож-  
лик туйғулари Андрей қалбида анчадан бери йиғилиб  
қолган эди. Аммо у негадир бу оддий қувончили кундан  
қўрқар, ўз ишини ундан четларди. Нега?.. Ҳозир, бу бе-  
маъни тўсиқ қулагандан кейин, кўигли енгил тортиб кет-  
ди — бўлак ҳеч нарсани сезмади.

— Қандай тентак эканман,— деди у.— Нина, менга  
эътибор берманг. Мен ҳозир мастман. Қандай ажойиб  
кун-а, бугун. Сиз ҳам шундай... .

— Қандайман?— деб сўради Нина, бирдан лаблари-  
ни қимирлатмасдан бўғиқ овоз билан.

— Жуда гўзалсанз,— деди содда қилиб.

— Андрей Николаевич!..— деди қиз қўрқинчли  
оҳангда ва дарҳол бошини қўйи солди. Унинг қўллари  
Андрейнинг жафтларига тушди.— Сиз... рост айтди-  
нгизми?

Андрей ҳеч тўғрида ўйламасдан, уни ўзига тортиди.  
Нина кўзларини чирт юмиб, унинг бағрига ёпишди ва  
лабидан ўпди.

Нинанинг лаблари гўё қуёшда қиздирилгандек ис-  
сиқ, ўрмон сингари соф эди, гўё қарагай дараҳтлари-

ининг ва қирқулоқларининг димоққа урувчи ўткир ҳидлари, қайин яироқларининг шуларнинг ҳаммаси Нинанинг лабларидан аңқиб турганга ўхшарди.

Андрейнинг қўллари унинг ўзига тортувчи ташасининг оғирлигини, лаблари эса, зич юмилган тишларини сезарди. Андрей уни бағрига маҳкам юбосиб тураркан, қизнинг оёқлари ерга тегмай осилиб турарди; Андрей ҳозир ўзини жуда ҳам кучли деб ҳис қиласади. Бу ўрмон ҳавоси, томирларда жўш уриб турган қон шу қадар оромбахш эдики.. агар ҳозир улар бир-бирларининг қўзларига бир боқсалар, тагини ҳам гўзалроқ бўларди. Андрей буни яхши биларди.

Қора арча новдасига бир захча келиб қўнди. У бошини эгиб, тугмачадек қўзларини йилтиратиб, уларга тикилди. Андрейнинг хаёлида аллақаандай ўзи кечирган таниш бир ҳодиса, соя сингари лип этиб ўтди. Бу нарса, аввалги азобли туйғу билан ҳозирги қувончни, ҳаяжон туйғуларини таққослашни мажбур этарди. Йўқ, бу муҳаббат эмас. Унинг қалбида аччик, аламли туйғулар уйғонди — яна чин муҳаббатга муюссар бўладиган дамлар келармикини?

У Нинани астагина ерга қўйди ва ўзи бир оз орқага тисарилди. Унга қарамасдан қўлларини тимиристикаб топди ва оҳистагина меҳрибонлик билан ўз қўлига олди:

— Нина...— бўғиқ овоз билан гап бошлади у. Андрей лабларини ялаб олмоқчи бўлган эди, аммо лабларида ҳали Нина бўсаларининг илиқ излари, унинг тишлари қолдирган оромбахш нишонаси ва ўрмон саси аңқиб турарди. У бошини қуий солиб, Нинанинг оёқларига тикилди. Унинг оёқлари бир оз қийишайиб, ноқулай вазиятда турар, аммо қимирилашга журъат этолмасди. Ундаги ўйноқи шўх ташюзлик аломатлари бутунлай гойиб бўлган эди. Энди унинг олдида бу иффатли қиз, оқибат нима бўлишини кутиб, ҳимоясиздай, қўрқувли вазиятда турарди. Шу пайт Андрей ўзини қизнинг кўзи билан кўрди ва жуда уялиб кетди. Ҳозир Андрейда унга нисбатан ҳолига ачинувчи эркаклик раҳмдилликдан бўлак ҳеч қандай туйғу йўқ.

— Нина...— Андрей Нинанинг кўзига тикилиб турганини сезди. Қизнинг қўллари титраб кетди, у Андрейнинг бу ҳаяжонли қиёфасини ўзгача тушунаётганини, Андреяга ёрдам беришга тайёр эканини ва бу воқиа

оқибатида нокерак, виждонсиз, тузатиб бўлмайдиган бир ҳодиса юз берини мумкинилигини Андрей тушуниди. Яна бир-икки секунд шундай туриб қолса, Андрей ўзини боса олмаган бўларди.

— Нина,— деди у кескин.— Керак эмас. Сиз менга ёқасиз. Сиз...— унинг бу журъати ўзига жуда шафқатсиз бўлиб туюлди.

У бошини кўтариб, қизнинг кулмоқчи бўлаётганини кўрди. Унинг аччиқ сўзларидан ўзини ҳимоя қилиш учун Нина зўрга аламли табассум қилиб қўйди. Андрей унинг бу оғир, аммо мардона табассуми учун ичидаги минг-минг оғаринлар айтди. Энди икковлари ҳам энг оғир вазиятдан қутулиб олдилар.

— Нима деяпсиз ўзингиз, Андрей Николаевич,— деди Нина ғоят баланд овоз билан.— Ҳозир кайфиятим яхши эди, холос.

Унинг кўз қорачиглари торайиб кетди. У бошини бир силкиди, кўзида акс этган мовий осмон бир чайқалди-ю, ғойиб бўлди.

— Хўп, майли. Сиз азамат қиз экансиз, Нина. Кайфиятингизни бузган бўлсан, мен айбдор.— Андрей бу сўзларни жўрттага айтган эди. У, Нина: «Менинг кайфиятимни мими? Бе, қўйсангилизчи!» дермикин деб ўйлаган эди. Бироқ, қиз қўлларини унинг қўлидан олди-да, увишиб қолган бармоқларини силкий бошлади.

Кейин Андрейни бошдан-ёёқ кўздан кечирар экан, кутилмагандаги шиддат билан сўради:

— Мен сизга ёқар эканман, нега қўрқиб кетдингиз бўлмасам?

Эди у бутунлай ўзини тутиб олган эди. Бу ҳол суҳбатни енгиллаштирган бўлса ҳам, қизнинг яна танизлик билан гап отиши Андрейни хафа қилди. Нина турган ерида оғирлигини дам у оёғига, дам бу оёғига ташлаб турарди. Шу топда унинг ҳалиги ноқулай, аммо ёқимли вазиятидан, яқинлигидан ҳеч асар қолмаганди.

Андрей унга ачинди ва бир илож қилиб овутмоқчи бўлди.

— Мен сизни, ўзимни ва яна бир қишини ўйладим.

— Кимни?

— У киши сизни чинакам севади. Мен ҳам уни яхши кўраман, ҳурмат қиласман, мен сизга айтсам...

— Сиз Заславскийнинг фамилии еяпсизми? — деди қиз бир оз сукутдан кейин. Унинг овозидаги уятсиз, масхара

оҳанги Андрейнинг аччиғини келтирди. «Агар мен сизни севиб қолганимда ҳам...»— деб гап бошламоқчи бўлди-ю, лекин қаттиқ тегиб кетар, деб ўйлаб, айтмади.

— Мунча ҳам яхши кишиңиз, Андрей Николаевич! Одбли, мўмин одамсиз.

Андрей орқага чекиниб қўллари билан қарағайга тиралди.

— ... Онегин билан Татьяна саҳнасининг ўзгинаси. Фақат оркестр етишмайди, холос,— унинг бармоқлари япроқларни тез-тез бурдалаб йиртарди.— Мен қаерда қолдим? Ўзингизни ўйлабсиз, Заславскийни ўйлабсиз... Мен ҳам уни яхши биламан. Бекорга овора бўласиз. Мен уни севмайман, сира ҳам севмайман, гап шу. Унинг самимий, чин... Борди-ю, менинг қалбим ҳам чин қалб бўлса-чи? Сизнингча мен енгилтак қизманми? Ундей бўлса, Сашангизга нима керагим бор? Ақлга тўғри келмайдиган ишлар... Эҳ, шундай фаросатли йигит бўла туриб, ўз туйғуларингиздан қўрқдингиз-а. Жавобгарликдан қўрқдингизми? Жавобгарликдан... Вой худойим-еъ, нега бунчалик кишиларнинг фарқига боришни билмайсизлар-а.— У нафрат билан бошини чайқаб қўйди. Сочлари ёйилиб, пешонасини, кўзларини тўёди, у бошини қанча силкиса ҳам, оғир соч тутамини бошига чиқара олмади.

— Нина...

— Етар, гапларингизни эшигтгим келмайди. Мен бўлсан... Ҳеч нарсадаи қўрқмасдан...

У бир новдани юлиб олди-да оёқларига ура-ура сўқмоқ йўлдан юриб кетди.

Қизнинг оёқлари остида эзилган ўт аста-аста қаддини кўтара бошлади. Андрей ҳамон алланарсаларни кутиб қалғайиб турарди. Дарахтдан қарағай бужури тушди, Андрей чўчиб кетди ва дарахт пўстлогига ёпишиб қолган қўлларини тортиб олди.

«Чакки бўлди, ёмон бўлди...— деб ўйлади у.— Тўғри қилди. У ҳақ. Менинг ҳам бошқа иложим йўқ эди..»

### ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

Саша Нинани қидириб ўтлоққа келди, у ердан коптоқнинг «гуп-гуп» овози барала эшитилиб турарди. Нина бу ерда ҳам йўқ. У бир неча минут болалар билан коптоқ ўйнагандай бўлди.

— Авзойинг бузуқ кўринадими? — деб қўйди Пека Зайцев.

— Масала равшан,— деб жўз қисди Ванюшкин ва коптоқин итқитаркан қўшиб қўйди.— Владимир Ленский аутга чиқсан.

Спорт майдончасининг бир чеккасида Леня Морозов аккордеон ғилофига ўтириб олиб, секин-аста аллақандай куйни чалишга урнарди. У Сашани олдига чақириб олди ва қўли билан бўйнидан эгиб гапира бошлади. Оғиздан ароқ ҳиди анқиб турарди.

— Нинани қидиряпсанми? Бошлиқ билан ўрмонга кириб кетган.

Саша унинг терлаган қўлини елкасидан олиб ташлади.

— Сенинг нима ишинг бор?

— Ие, ие,— хафа бўлди Морозов,— сен тентакнинг гамингин еяпман...

Кейин аккордеонини кенг чўзиб, бармоқларини клавишлар устида ўйната бошлади:

Бизнинг Нина бир ёнгоқ  
Қилмишлари кўп чатоқ.

— Шошма,— деди баҳузур Саша.— Сен пасткаш маҳлуқ өкансан, чинакам разил шахссан.

Унинг болаларники сингари бўртиб турган лаблари орасидан оғзи аниқ кўринарди. Ҳозир Саша боксерлар қўлқопига ўхшарди. У четдан қараганда юмшоққина, думалоққина бўлиб, ичига яширинган, муштум зарба бергай вақтидагина сезиларди.

— Соня Манжулага қилганларингни кечиб юборамиз деб ўйларсан? — деди Саша паст овоз билан сўзида давом этиб.— Лобанов устидан шиво тарқатишингни ҳам кечиришади дерсан? Биз сенинг найрангларингни яхши биламиз.

Морозов муштумини силкиб сўкинди-да ўрнидан ирғиб турди.

— Нимани талашяпсанлар? — деди Ванюшкин яқин келиб.

Йигитлар ўйинни тўхтатиб, Заславский билан Морозовнинг атрофини ўраб олиши.

— Мана бу такаббурни кўрдингларми? — деди уларга Морозов ҳовлициб.— Лобановнинг хушомадгўйи, менинг шахсий ишимга аралашма, яхниси Лобановнинг

орқасидан кузат, у Нинканг билан...— Морозов уят сўзлар билан сўкинди.

Саша ранги ўчиб кетиб, Морозовга ташланмоқчи бўлган эди, йигитлар ушлаб қолишиди.

— Сенга муштлашиш ярашмайди,— деб тушунтира бошлиди Ванюшкин.— Сен бу сайил учун жавобгар одамсан.

Вороњко ўзининг темир чангальдек қўли билан Морозовнинг тирсагидан маҳкам ушлади.

— Қани юр, бир гаплашиб олайлик,— деди дўриллаб ва аста-секин Морозовни олдинга итарди.

Йигитлар Вороњконинг бу ишини маъқуллагандек кузатиб қолдилар. Ванюшкин комсомол бюросининг секретари сифатида буидай ишга йўл қўймаслиги керак эди, лекин у ҳозир Вороњкога жон-жон деб қўшилишини истарди.

Ранги бўздай оқарган Саша, ҳеч нарсани пайқамай парк ичидан тез-тез юриб кетди. Бирдан унга масала равшан бўлиб кўринди. Нина Лобановни севади, деган хаёл бошидан ўтди. Бу фикр ўзининг ваҳимаси билан Сашани ҳайратга солди. Лобанов билан рақобатлашиш аҳмоқлик. У, яъни Саша, ақлли, қобилиятли, чиройли бўлса-да Лобанов олдида ҳеч нарсага арзимайди. Нина ундан Лобановни афзал кўрган бўлса, бунинг ҳеч ажабланарли ери йўқ. Ахир, Нинага унинг ўзи Андрей Николаевични мақтаб гапирмасмиди? Лобановни нима учун севиши, ҳурмат қилиши ўз кучида қолган ва айни вақтда шундай бўлиши кераклигига Саша ўзини ўзи ҳеч ишонтира олмасди. Нина-чи? Уининг хулқи-авторини эсларкан, ундаги ўзи умид қилган муҳаббат туйғулари аллақаёқларга гойиб бўлганига ваҳима билан ишонч ҳосил қила бошлиди; у нимага қўл чўзмасин, ҳамма-ҳаммаси гўё сув сингари бармоқлари орасидан оқиб кетиб кўздан ўйқоларди. Ҳеч нарса йўқ. У Нина билан бўлган учрашувларини бирма-бир хаёлидан ўтказди, у ҳеч қачон Сашага: «Мен сени севаман» деб айтган эмас. Лекин Сашанинг ўзи ҳам ундан бу тўғрида сўрашга ҳали журъят эта олмаган эди. Нима қилиш керак? Энди унга нима бўлади? Нина билан ўзи ўртасидаги муносабат бутунлай узилди, деб тасаввур қилишга қурби етмасди, бу қандайдир ақлга тўғри келмайдиган бир ҳол... Буларнинг ҳаммаси бўлмаган гап деб, ўзини ўзи зўр эҳтирос

билин ишонтира бошлади. Майли, Лобанов ҳозир Нина билан ўйнаб юраверсии, нима бўпти? Ўзини қўлга олиши керак ва Морозов сингари ҳар қандай қолоқ элементларнинг иғволарига учавериш ярамайди.

Бирдан нариги йўлкада Саша Нинанинг ҳаво ранг кўйлагини кўриб қолди. Сўнг тўғри гулзор оралаб унинг олдига югуриб кетди. Нина бетоқат бўлиб новда билан оёқларига ураркан тўхтади. Унинг чеҳрасида такаббурлик ва бефарқлик аломатлари сезилиб туради, соchlари пахмайған, гўё бирор орқасидан қувлаган-у, ҳансираб. оғир ва потекис нафас оларди.

— Сенга нима бўлли? — деб сўради Саша...

Нина унга нафрат билан қаради.

— Бирор хафа қўлдими?

Унинг қовжираган лаблари истеҳзоли табассум қилди. Саша нафасини ростлаб олиб, очиқчасига сўради:

— А.. Андрей Николаевич қани?

— Нари тур,— деди Нина зарда қилиб,— ҳаммаларинг йўқолларинг,— у мабодо Саша ушлаб қўлмоқчи бўлса, новда билан ураман, деб қўлини жўтарди. Сашанинг бетига юргурган қўни яна секин-аста қоча бошлади.

— Нина... нима, у хафа қўлдими?.. Бу мумкин эмас, Нина индамай кетаверди.

Эстрада театри олдида Нина Борисовга дуч келди ва деворий газетадан мақолани қандай қилиб қирқиб олганини бирма-бир айтиб берди. У хўрликнинг барча аламларини охиригача синаб кўрмоқчи, ўзининг лабораторияга қайтиш йўлларини тўсиб ташламоқчи. Ҳозир ҳеч нарсадан қўрқмас эди: баҳтсизлик қанча зўр бўлса, шунча яхши, деб ўйларди. Майли, комсомол бюросини чақиришсин, уни комсомол сафидан ўчиришсин..

Унинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб, қимир этгани қўрқиб қотиб туради.

Борисов ўз оталик тажрибасидан билардики, бундай пайтда кишини овутишга уриниш йигига олиб борарди. Шунинг учун қўрслик ва дағаллик билан ундан нима сабабдан ҳозир ўтиб кетган гапларни очиб ташлаётганини сўради. Нина бугун бўлган воқнани ҳеч яширмасдан, бошдан-оёқ айтиб берди.

«Яша Андрей»— деб қўйди ичиди Борисов.

— Хўш, нега энди масалашгни бюорода кўриш ке-

рак?— деди у.— Сени эмас, унинг масаласини кўриш керак. Шундай гўзал қизни севмасликка қандай ҳаққи бор. Демак, деворий газетани шартта қирқибоан юборибсан-да? Оҳо, тузуксан!.. — Бирдан кулиб юборди Борисов ва Нинага ҳурмат кўзи билан тикилди.— Ростимни айтсам, сендан буни кутмаган эдим. Тўғрисини айтами, сенинг бундай жасорат кўрсатишнингга ишон-мас эдим... Э, жин урсин уларни!— У кулиб қўл силтади.— Сени ранжитишга ҳеч кимга йўл қўймайман. Лекин ўзим таъзирининг берил қўяман...

Кечки пайт ҳамма пароходга тўйланди. Ҳамма оғтобда қорайган овозлари бўғилган, ҳориган эди. Шунинг учун қайтишда тинч қайтишди. Кўнчилик пастки палубада шезлонгларда эринибгина сухбатлашиб ётардилар. Пека палубада чордона қуриб ўтириб олган ва Лобановга китларни ўргатиб баржа тортириш мумкинми, тирноқни қанча узунликда ўстириш керак, янги китобларни ёзишининг нима ҳожати бор?— деб турлитуман тутуриқсиз саволлар бериб, жонига тегар эди.

Унинг фикрлари бир нарсадан иккинчи нарсага тинмай сакраб ўтар, баҳсни қизитиш мақсадида ўртага савол ташларди. Агар унинг фикрини маъқуллашса, зерика бошларди. Бирон важ бўлса бас, дарров ўз шахсий назариясини ўйлаб чиқарди. Унинг ўз медицина назарияси, ойдан қандай фойдаланиш назарияси бор. Китоб масаласига келганда, у, ахир жуда кўп турлитуман романлар, шеърлар ёзилган-ку шуларни ўқишга вақт йўқ-у янгисини ёзишининг нима кераги бор, деб фикр юритарди.

— Вой сен-ей!— деди Борисов бопарволик билан ажабланиб.

— Бу, албатта, бўлмагур гап,— деди Андрей,— лекин бошқа бир қизиқ томони бор. Сиз, киши ўз умрида қаинча китоб ўқиб чиқниши мумкинлиги тўғрисида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

— Юз минг,— деб дарҳол жавоб қайтарди Пека.

— Уттиз мингтacha,— деди Ванишковин.

Кейин улар қайси китоб неча бетдан иборат эканлигини муҳокама қила бошлишди.

Андрей ҳисоблаб чиқишини таклиф қилди. Фараз қиласлик, мана, Пека ўрта ҳисоб билан бир кунда эллик бет ўқисин.

— Тўғри, фараз қиласайлик,— деди тасдиқлаб Пека; у бундай катта рақамдан гоят мамни эди.

— У бир ойда битта китобин зўрға ўқиб чиқади,— деди Ванюшкин пингиллаб.

— Ўртача китоб уч юз бетли бўлсин,— гапида давом этди Андрей,— демак, бир китобни олти қунда ўқиб чиқар экан. Бундан чиқди уч юз олтмини қунда...

— Олтмиш китоб ўқирканиман,— деди Пека ҳисоблаб чиқиб.

— Хўш, эллик йилда-чи?

— Уч мингта,— Пека бу рақамин айтаркан, ҳафсаласи пир бўлиб, Андрейга, кейин атрофда ўтирганиларга қаради.— Негадир жуда ҳам оз чиқди-ю.

— Бутун умр бўйи уч мингта китоб ўқиларкац,— деди Андрей,— дарсликлар ҳам шу ҳисобга киради. Ленин кутубхонасида эса беш миллиондан кўпроқ китоб бор. Энг керакликларини ўқиш учун қанчалик синичклаб китоб ташлаш зарурлигини тасаввур эта оласизми?

Суҳбатга қизиқиб кетган йигит ва қизлар Андрейга яна яқинроқ сурилиб ўтириб олдилар. Вороњко билан Вера Сорокина. Новиков. Соња Манжуалар ҳам келишди.

Борисов Андрейни кўздан кечириб ўтиаркан, кечаги ўзини бегонасираш аломатлари, бугун сезилар-сезилмас йўқола борганига завқ билан ишопч ҳосил қила бошлади, йигитлар ҳозир Андрей билан баҳслашар, унинг сўзини бўлишар, саволлар беришарди. Пека унинг енгидан пайпаслаб тортарди. Шу бир сутка ичидан ҳам кўпроқ иноқлашиб олнишди.

— Шундай китоблар борки, уларни бир неча марта қайта-қайта ўқпайсан,— деди Вороњко.— Мана масалали «Петр Биринчи» романни.

— Агар китоб икки марта ўқишига арзимаса, уни умуман ўқимаслик керак,— деди Новиков, салобат билан.

Йигитлар бир-бирларининг сўзини бўлиб, ўз севимли китобларини ном-баном айта бошладилар. Андрей, ким қайси китобниг номини айтишини олдиндан ўйлаб кўрар, аммо кўпроқ янгишарди. Борисов Тургеневни севаркан. Соња Манжула «Москвадан узоқда» романини яхши кўраркан,— бу Андрей учун янгилик бўлди: у бун-

дай деб ўйламаган эди. Навбат Пекага келганда, у мужмал қилиб деди:

— Икки қисмдан иборат роман «Яшил қасрнинг сири». Автори йиртилиб кетган.

— Сиз-чи, Андрей Николаевич? — деб сўради Вера Сорокина.

— Менинг китобга ҳавасим кайфиятимга боғлиқ.— Сўнгги вақтларда мен иккита китобни қайта ўқияпман— «Балиқчи ўғли» ҳам Джек Лондоннинг «Мартин Иден» романи.

Тўсатдан Сашанинг қўрс овози эшиштилди.

— «Иудушка Головлёв»ни қайта ўқишини хоҳламайсизми? Ҳамма Саша томонга ялт этиб қаради. У зина панжарасига суюниб олиб папирос чекар ва оғзини қийшайтириб, бир бурчагидан тутун чиқаради. Андрей унинг хираланган кўзларига диққат билан назар ташлади.

— Йўқ, хоҳламайман,— деди у.

Саша сувга тупурди.

— Чакки қиласиз..

Новиков ёнидан таронини олиб, сочини тарай бошлади, Воронъко йўталиб олди, энди бошқа ҳеч ким Сашага қарамади.

— Нега бизнинг ёзувчиларимиз муҳаббат тўғрисида жуда кам ёзишади? — деди Вера Сорокина ноқулай жимликни бузишга уриниб.

— Ҳозир баҳтсиз севги жуда оз учрайди,— деб гап бошлади Новиков.— Типик эмас. Шундайми, Ванюшкин?

— Шундай,— деб юборди Ванюшкин. Унинг бундан бир йил муқаддам уйланганини, баҳтли яшашини ва бир неча ҳафтадан кейин хотиним ўғил туғиб беради деб кутаётганини ҳамма биларди.

Шу пайт Нина Цветкова қаёқдандир келиб қолганини ҳеч ким сезмай қолди. Унинг соchlари силлиқ қилиб орқага тараалган ва енгил ипак қосинка билан боғланган. Қўз осталарига қуюқ қилиб упа сурилган. Юзи жиддий. Унга новдадан тўқилган креслодан жой бўшатиб бердилар.

— Амалда bemаза фактлар содир бўлиб туради албатта,— деди Ванюшкин.— Шундай қора қўнғизлар борки, қиз бечоранинг бошига не кунларни соладилар-да, кейин ташлаб кетишади. Ё бўлмаса, фалон қиз билан юрса бўлади. аммо ўйланиш мумкин эмас, деб фикр

юритадилар. Нега десандыз, у техник, қиз эса оддий иши-чи эмиш. Коммунизмга яқинлашган сари бундай сарқитлар ҳам йўқола боради. албатта.

— Ҳа, коммунизм даврида одамлар номусли, инсофли бўладилар,— деди Саша. У пастки жағини олдинга чиқариб, Лобановга тикка қараб турарди.

Вера Сорокина хўрсиниб қўйди.

— Наҳотки, коммунизм даврида ҳам баҳтсиз одамлар бўлса? Ўзи чиройли, ҳаммага ёқади-ю, муҳаббатга келгандা ҳеч омади бўлмайди. Шундай бўлиши ҳам мумкинми?

Ҳамма коммунизм даврида қандай баҳтсиз одамлар бўлишини тасаввур қилишга уриниб, сукутга чўмди.

— Менимча, у вақтда баҳт деган нарса, ҳозирги вақтдаги ўқиб илм олишдек зарурий ва мажбурий бир нарса бўлиб қолади,— деди хаёлчанлик билан табассум қилиб Соня Манжула.

— Нимани баҳслашяпсизлар,— деди баланд овоз билан Морозов баҳслашувчиларга яқинлашиб ва Нина ўтирган креслонинг тирсак суюнчиғига минди.

Морозов Воронькодан таъзирини егандан кейин жўрттага ўзини ҳеч нарса юз бермагандай қилиб кўрсатишга урина бошлади. Энди Сашадан ҳам, Воронькодан ҳам, Лобановдан ҳам боллаб ўчини олмоқчи.

У Нинанинг елкасидан қучоқлади. Нина эса илжайиб, ялт этиб Андрейга бир қаради-ю, ўзини Морозовдан четлатмади.

— Муҳаббат тўғрисида тортишяпти,— деди хўрсиниб Пека.

Борисов суҳбатга аралашмай, Сашани кузатиб ўти-рар ва унга нима бўлганини ҳеч англаб ололмасди. Морозов келгандан кейин мунозара ўзгача тус олди. Морозовнинг фикрича, баҳтсиз муҳаббат, толесиз ошиқлар ўйлаб чиқарган сўзмиш, ҳамма нарса «қизга яқинлашиш йўлини билиш»да эмиш: ўз ишига пишиқ киши ҳар қандай қизни ҳам ўзига мафтун қила олиши мумкинмиш, фақат фарқ шундамишки, бир қизга бир ҳафта вақт сарф қилинса, иккинчисига бир йил сарф қилинаришиш.

— Соддалик ҳам саводсизлик билан баравар бир нарса,— деб кулиб юборди Морозов.

Илгарилари унинг бундай фикр юритишлари анча мұваффақият қозонарди, лекин ҳозир ҳамма жим ўти-раверди.

— Сен спортчисан,— деди секин Соня Манжула.

У лабини тишилаб, ўрнидан турди-да, нари жетди.

Морозов унинг орқасидан минфирилаб қўйди ва ўзи-нинг хижолат тортганини яшириш мақсадида деди:

— Бу ишда лаллайиб туриш мумкин эмас. Бу ишда мардлик керак. Қизлар, сиз мардларни севасиз-ку, ахир?!

У бир қўли билан Нинанинг елкасидан қучоқлаб ўти-рар, бармоқларининг бирида квадрат кўзли узук ялти-раб турарди.

Иш устида бўлган тўқинишилардан биронтаси ҳам Андрейда Морозовга нисбатан бу суҳбат каби жирканч туйғулар уйғотмаган.

— Сиз, ростдан ҳам овчи экансиз,— деди Андрей.

— Бу ишда, Андрей Николаевич, лаллайиш ярамайди,— деб сўзини такрорлади Морозов. У сўзига эътибор берувчи топилганидан хурсанд эди.

— Андрей Николаевич ҳам бундай пайтларда бўш келмайди,— деди баланд ювоз билан Саша.

Унга нима бўлганини ҳеч ким тушуна олмади. У очиқдан-очиқ жанжал чиқариш мақсадида, Лобанов-нинг ҳар бир сўзидан баҳона ахтарарди. Ҳамма уалиб ўзини ноқулай ҳис қила бошлади. Ванюшкин Сашага яқин келиб, қўлини маҳкам сиқди ва қулогига бирнималарни пичирлади. Саша бир толпинди-ю, аммо ҳеч нима демади.

— Сен, Заславский бўлмаган гапларни айтяпсан,— деди Борисов қескин ва қўлини бу жиддий аҳволдан тош бўлиб қотиб қолган Андрейнинг тиззасига қўйди.— Морозовни ҳимоя қиляпсанми? Андрей Николаевич, ўни овчи деб тўғри таърифлади. Сиз, Морозов, аёлларни ҳайвон қаторида кўрасиз. Сиздан чириган нарсанинг иси келади. Шахсан мен муҳаббат бобида гапиришдан ўтиб қолганман. Лекин менинг фикримни билгингиз келса, шундай: севганда принципли бўлиш керак. Агар киши чинакам севса, ўзи ҳам ўзгадан муҳаббат талаб қила олишга ҳақли.

— Севмаганга суйканма, деганлар,— деди кимдир.

— Сиздан бир шарса сўрашга рухсат этинг, Андрей Николаевич,— жараангли овоз билан мурожаат қилди Саша. У ўз олдида турган Вапиошкини четлатиб, худди болалар сингари бошини эгиб Лобанов олдига яқинлашиди.— Фараз қиласайлик, сизнинг бир қизга ишқингиз тушған, у билан юрасиз ҳам... Сиз учун у дунёда энг гўзал, энг яхши қиз. Лекин, борди-ю, қандайдир бир нусха ўша қиз билан сайр қилиб юриб, унга тегиша бошласа, сиз нима қилган бўлардингиз? У юзсиз шилқимнинг бошига бир тушириб, юзига тупуриб кетармидингиз?.. Нима қиласадингиз?

Андрей енгил тортиб жилмайди.

— Нима ҳам деймиз, агар у қизга ростдан ҳам тегишаётган бўлса, боплаб таъзирини берардим-у, лекин қиздан айнимасдим.

— Ахир кишида фуур ҳам бўлиши керак-ку,— деди ганигуб қолган Саша.— Ахир ҳар бир одамда ҳам иззати нафс...

Андрей ўрнидан турди. Саша билан Лобановнинг ўртасида ўтирган Пека ўзини сескин четга олди.

— Худди ана шу иззати нафс деб, қиздан айнимасдим. Хўш, сенингча муҳаббат — бу бургата аччиқ қилиб кўрнани куйдириш-у, кейин бир-биридан айниб кетаверишми? Иззат нафс эмиш... Албатта, агар сен ўзингни бошқаларга нисбатан кўпроқ яхши кўрсанг... Йўқ, озгинагина умидинг бўлса ҳам ўз туйғуларинг учун курашибни маслаҳат бераман... Кейин...— Андрей бурнинг учини ишқалай бошлади,— яна шуни ҳам айтайки, бордию, менинг энг яқин дўстим ҳам йўлимга ғов бўлмоқчи бўлса, ҳатто унга ҳам йўл бермаган бўлардим.

Шу пайт Нина Сашанинг ёнидан ўтиб кетатуриб ачишиб деди:

— Эҳ, балогатга етмаган донишманд!

— Балогатга етмаган,— севинч билан такрорлади Саша ичида ва ўрмонда Нина билан Лобанов ўртасида бўлган воқиага тушуна бошлади. Биринчи талда у ўз қалбидаги Лобановга ишонч қайта уйғонганидан беҳад хурсанд эди. Ҳаттоки у: Нина шак-шубҳасиз Лобановни севиб қолган, энди Нина билан менинг алоқам қандай бўларкин, деб ўйлаган бир пайтда, бу аламли аччиқ хаёлларни унинг қалбидаги Лобановга нисбатан бўлган қувончли ташаккур туйғулари иситарди.

## ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

Фан жуда ажойиб бир нарса. Дастрлаб илмий текширувчи қонунга мос тушган ҳодисаларни қадрлайди; қонун аниқланғандан кейин, ундан чиққан мустасно фикрларни қадрлай бошлайди, чунки шу қонундан мустасно фикрлар унга баъзи бир янгиликларни кашф қилиб бериши мумкин.

Дастрлабки лаборатория тажрибалари Андрей эришган назарий натижалар билан зид чиқди.

Андрей профессор Григорьевдан консультация олмоқчи бўлди. Бу одам назарий фикр юритишда зўр қобилиятга эга. Унинг учун физик ҳодисаларни формула тилига таржима қилиш стенографистка учун инсон нутқини турли белгилар билан ёзиб олиш сингари жуда осон иш.

Унинг ёши қирқлар чамасида эди — бу профессор учун айтарлик катта ёш эмас, албатта; унинг чеҳрасида ҳали йигитларга хос аломатлар шу қадар кўп эдики, агар соchlари тўкила бошлаган кенг манглайини назарга олинмаса ҳали жуда ёш кўринарди.

Григорьевнинг қобилияти билан характеристи тўғрисида одамлар орасида турли афсоналар тарқалган. Масалан у институтга лекцияга келиб, студентларга шундай деяйиши мумкин эди: «Ўтган сафар сизга ўқиган лекциям бошдан-оёқ сафсата экан. Дарсликлардаги шу бўлим ҳам сафсатадан иборат. Мен бу соҳада баъзи бир фикрга келдим. Демак, аслида ҳодиса мана бундай тусга эга бўлиши керак...».

У хулоса чиқариш йўлида хатоларга, ноаниқликларга йўл қўйиши мумкин эди. Лекин доим тўғри натижга чиқаради, чунки нимага эришиши кераклигини олдиндан биларди.

Унинг нашр этилган илмий ишлари оз эди. Айтишларига қараганда, жуда ҳам практикаси йўқ одам экан. Ундан фаннинг турли соҳаларида консультация талаб қиласидилар. Зўр талант эгаси сифатида у ҳам ҳамма ерда ўз ғоялари, методлари билан ҳамдамлашар, текшириш ишини бошқаларга қолдиради. Лаборатория муҳитида эса ўзини ноқулай ҳис қилас, аппаратларни кўриши билан хаёли қочиб кетарди; аспирантлар жулишиб, профессор паяльникни рубильникдан ажратада олмас экан, деб ҳазил қиласидилар.

Локатор устида ишлашни лабораторияга кўчиришгандан кейин, Андрей энди Григорьевга мурожаат қилишим керак деб ўйлади.

...Григорьев Андрейнинг стол устига қўйган қофозларини бир чеккага сурраб қўйиб, ундан ишнинг асл мөхиятини ўз тили билан сўзлаб беришни талаб қилди. У ўзини кресло суюнчиғига ташлаб кўзини юмди ва Андрейнинг сўзларини тинглашта тайёрланди. Кўзи юмшук пайтда чеҳраси болаларники сингари дўмбоқ ва ёқимтой кўринарди.

Андрей гапирапкан, қалам ушлаган қўли беихтиёр стол устидаги қофозга интиларди. Гапираётганларини чизиб кўрсатиши керак ахир, лекин Григорьев кўзини очишни хаёлига ҳам келтирмасди. Аҳвол чатоқ. Ниҳоят, Андрей чидолмасдан:

— Бу ерда диаграмма мана бундай усулда ўзгарили,— деб юборди ва қофозга қийшиқ чизиқ тортди.

— «Мана бундай» нимаси?— деди илжайиб Григорьев.— Сиз қофосиз шундай тушунтириб беришга одатланингки, ҳамма масала равшан бўлсин.

Андрей айтганига пушаймон бўлиб, қўл ишорасиз, қофосиз унга ўз мушкул ҳаволини тушунтироқчи бўлди ва бунинг нақадар қийин эканлигини дарҳол пайқади. У майда деталлар тўғрисида гапирмай, асосий иш устида тўхталди. Тушунтириш енгиллашди. Бироқ Андрей деталларни назар-писанд қилмагани учун тез-тез довдираб, дудуқланарди. У биринчи марта ўз ишига четдан туриб қаради, баъзан уни қийнаётган нарсанинг нима эканлигига ўзи ҳам тушуна олмас, энг муҳим деб ҳисоблаган нарсаси арзимас, майда иш бўлиб чиқар, ишнинг умумий идеяси эса баъзи ерларда кўздан йўқолади.

Григорьев кўзини очди. Одатда бефараз ва тўғри бोқувчи қўзлари ҳозир қаҳрли тус олди.

— Менда ҳам шундай ҳол юз бериб туради...— У ўзининг букилган бармоғи билан пешонасига уриб қўйди.— Шукдай пайтларда ўн уч ёшли ўғлимни чақириб оламан-да, унга тушунадиган қилиб ўз қийинчиликларимни бирма-бир сўзлаб берамаң. Баъзан шунаقا тушиуниш пайтида масала ўзимга ҳам равшан бўлиб қолади. Демак, энг муҳими нимага интилаётганингни

тұғри тушунишда. Сизнинг фикрларингиз эса, бутунлай чалкаш. Үзининг ҳали туб моҳиятига тушуниб етмаган сиз-ку, менинг бошимни ғовлатиб ўтирибсиз. Бу ташландиқ бүлмағур гаплар! Йўқ, йўқ, бас!— У ўзининг ингичка асабий қўлларини силкий бошлади.— Тағин фан қандидати эмиш!— Григорьев нариги столда ишлаб ўтирган ассистенти олдига келди.— Қаранг, анойи энага топиб олибди! Шундай қизиқарли қарама-қаршиликларни топишга топибди-ю, унинг нима эканига тушуниб етмабди!

Ассистент ўзишида давом этаркан, оҳиста бош силкиб қўйди. Григорьев баланд, ҳунук овоз билан яна бир неча минутгача Андрейга қичқирди.

— Аниқлаб билиб олинг-да, кейин келинг. Жон деб қабул қиласман.— У меҳмонга танқидий ғазар ташлади.— Агар мендан гинахонлик қилмассангиз, албатта... Ҳа, яна бир тап бор,— эшик олдига бориб қолган Андрейни хўмраишиб тўхтатди.— Ҳалиги белги қўйишда... Плюс қўйиш керак. Текшириб кўринг. Плюс.

Андрей вестнబюлга чиқиб скамейкага ўтириди. У ўзи олдига катта мақсадлар қўйган ва ўз мақсадига эришишга интиливчи одам бўлишига қарашади. Григорьев бир қарашда унинг бутун «улуг» проблемаларини масхаралаб кулгандан кейин, ишининг ва ўзининг нима қадри қолди? Ярим йил мобайнида тиришиб, азоб чекиб эришилган ютуқлар бир дамнинг ўзидаёқ ҳазон бўлди қўйди, муваффақиятсиз чиққан оддий бир ишга айланиб қолди. Григорьев бундай ишларни ўйлаб юриб, бир ҳафта ичидаги боплаб ташлаган бўларди. Кейин Андрей ўзини бир оз овутиб, Григорьевни мақтанчоқ, довдир деб ҳисоблади ва нега тенгламада минус эмас, плюс бўлиши керак деб хаёлга чўмиб кетди.

— Аҳволлар қалай?— Григорьевнинг ассистенти ўтиб кета турйб муғомбирона сўради.— Чатоқми? Шеф «Тўполён балда» ашуласини айтиб ётибди.

— Мени аҳмоққа чиқариб қўйиб, ўзи ашула айтапти денг.

— Э, сиз Матвей Семёновични билмас экансиз,— деб кулди ассистент.— Ўзи шунаقا одам! Агар мени ҳам шундай ачитиб сўксса, севинганимдан ўйинга туш-

ган бўлардим. Агар сизни хомкалла деб ҳисоблаганида, сиз учун ҳамма ишни ўзи қиласди, ҳатто трамвайгача кузатиб қўярди. «Тўполон балда» ашуласи сизга катта баҳо берганидан далолат беради.

Ассистентнинг гаплари тўғри чиқди. Орадан бир неча кун ўтгач, профессор ўзи Андрейга телефон қилиб нега шу пайтгача келмаётганини суриштира бошлади. Андрей қувонганидан боши осмонга етди, унга жавобан аллақандай сўзларни ғудурлади. «Эртага келинг,— деб илтимос қилди Григорьев,— тўғри дачага кела-веринг».

Андрей профессорга сўзламоқчи бўлган нутқини Саша Заславский олдида машқ қилиб кўрди.

Пароходда бўлган воқиадан сўнг Саша Лобановнинг бетига қайси кўзим билан қарайман, деб қўрқиб қолган эди. Лекин эртасига эрталабоқ Андрей уни чақириб, менинг группамда локатор устида ишлашга розимисан, деб сўради. Саша фақат кескин бош силкиди, холос. Шу кундан бошлаб, улар ўртасида ёш жиҳатидан катта фарқ бўлишига қарамай, самимий дўстлик вужудга келди. Саша Лобановга ўз сирларини ва гумонларини очик айтарди. Онаси уни агроном қилишни орзу қилиб юрар экан, у эса электрик бўламан деб қатъий ишонч ҳосил қилибди. Кечки техникумни тамомлабди. Ўқишини яна давом эттиromoқчи бўлибди ва айни вақтда лабораторияни сира ташлаб кетгиси келмабди, аммо китоб ўқиш учун ҳеч вақти етмабди; агар сиртқи институтда ўқисанг, маданий ҳаётдан бутунлай орқада қолишинг турган гап,— деди у. Бу йигитнинг турган-битгани хушчақчақ зиддиятлардан иборат эди. Саша Жуковский сингари паришонхотир, Чаплигин сингари зийрак. Фарадей каби мақсадга интигувчи ва Ломоносов сингари ҳар томонлама маълумотли бўлишни истарди. Унинг онгига бир-бирини босиб кетувчи, беқарор орзулар сон-мингта эди.

Андрей Григорьевнига борадиган куни ўз нутқини Сашага сўзлаб, синаб кўрган эди. Масаланинг сиртқи соддалиги ва енгил тушунарлиги Сашани ҳам ўзига жалб қилди. Шу кун мобайнинда у Лобановга локаторнинг аниқлигини ошириш учун бир неча янги усулларни таклиф қилди. Андрей унинг фикрига эътиroz билдири-

ши билан: «Бир миғут сабр қилинг»— дердида, чорак соатдан кейин, яна янги бир усулни ўйлаб топарди.

У Андрейни вокзалга кузатиб борди ва поезд жўнаб кетгунча бир лойиҳа кетидан иккинчи лойиҳани таклиф қиласавериб, Андрейнинг жонига тегди. Андрей вагон зинасида туриб Сашани уришди:

— Сени техник деб ким айтади. Сафсата сўқийсан. Ом қонунини билмайсан.

Поезд қўзғалгач, Андрей ўйланиб қолди:

«Унинг менга эмас, фанга ёпишгани фойдалирок, албатта... Шошма, переключатель тўғрисида бидирлаб дуруст гапирганга ўхшайди-ю...»

Григорьевнинг дачаси денгиз лабида, тикка кесилган қоя тошли жар ёқасига жойлашган. Эшикка: «Эҳтиёт бўлинг, қопоғон ит бор» деб одатдаги сўзлар ёзиб қўйилган экан. Лекин «қопоғон» сўзи ўчирилиб, тепасига Матвей Семёновичнинг қўли билан қинғир-қийшиқ қилиб: «шаллақи» деб ёзиб қўйилибди.

Андрей эшик занжирини туширган эди, шу пайт кимdir past овоз билан уни чақирди. Девор орқасида нотаниш бир бола турар ва бармоғи билан Андрейни имлаб чақирарди. Унинг зағча кўзлари Григорьевнинг кўзларига ўхшаш чақнаган эди.

— Менинг орқамдан юринг,— деди бола сирли оҳангда.

Андрей чакалаклар орасидан юриб, унинг орқасидан борди. Жар ёқасида баланд арча дарахтига йўғон арқон боғланган экан.

— Альпинистчасига туша оласизми?— деб сўради бола.— Бўлмаса жарироқда зина ҳам бор.

Агар зинадан тушгудек бўлса, бу бола олдида абадий обрўдан маҳрум бўлиши турган гап.

— Нега ҳеч қандай паролларинг ҳам йўқ,— деди Андрей жиддий оҳангда, у ҳам ўйинга аралаша бошлади.— Борди-ю мён бошқа одам бўлиб чиқсан-чи? Унда нима бўларди?

Андрей ишнинг кўзини билган одамлардек арқонни тортиб кўрди, костюмини кўздан кечириб, тик жарга оёғини тираб, пастга туша бошлади. Бола ҳам унинг орқасидан чақонлик билан сирғаниб тушди.

— Чакки эмас,— деб қўйди у Андрейни мақтаб.

Эгнида трусиқдан бўлак кийими бўлмаган Матвей Семёнович Григорьев учта иштончан бола билан торғи-на қумлоқ соҳилда у ёқдан бу ёққа югуриб, сув тўлқини-ларида қалқиб юрган қоғоз кемага тош отар эди. Про-фессор Андрейни кўриб қолиб, болаларга нималардир деди, улар истар-истамас нари кетиши. Андрей пиджа-гини ечиб, Григорьевнинг ёнига, совий бошлаган қум устига, денгиз томонга қараб ўтирди.

Бу гал иш бутунлай ўзгача бўлди. Григорьев Андрей-нинг сўзларини диққат билан тинглар ва у билан ўз тенги сингари гаплашарди.

Баъзи масалаларни Андрей ўзи фаҳмлаб олди, бош-қаларини эса шундай равон ифодалай бошладики, бу билан у ҳатто Григорьевни боши берк кўчага киритиб қўймоқчи эди-ю, яна профессор тўсатдан қўлларини ёйиб, гапларингиз тутуриқсиз, деб юбормасин деб чў-чили.

Андрейни шубҳалантирган ножӯя фикрлар ҳали қа-бул қилинмаган янги қонунлар сифатида Григорьевнинг хаёлинини ўзига жалб этган эди. Андрей ҳозир Григорьев-нинг ёрдами билан кучли қанотлар ёзиб, осмонга пар-воз қилгандай ва у ердан туриб, ўз ишини бошқа пробле-малар қаторида аниқ кўргандай бўлди. Григорьев Андрей ишидаги зиддиятларнинг зоҳирий чалкашликла-ри орасида ўзаро муносабат мавжудлигини ғоят ўткир фаҳм-фаросат билан ҳис қиласади. У, шунча вақтдан бери чакалакзор ичидаги адашиб юрган Андрейга нажот йўлини қўрсатиб берди. Аниқ қилиб айтганда, бу парвоз қилиш эди.— Андрей буни бошқача тасвиirlай олмади. Андрейнинг нафаси қиса бошлаган, Григорьев эса ўзи-ни жуда яхши ҳис этаётган бу чўққида ниҳоят, шу пайт-гача тушуниб бўлмаган ҳодисаларни бир бутун қилиб қўшиб кўриш мумкин эди.

— Сиз олий математикадан чўчияпсиз, — деб уриш-ди Григорьев.— Дарвоқе, у билан апоқ-чапоқ бўлиш керак!

У саркарда сингари фақат умумий стратегик план белгилаб берди — тактик йўл-йўриқларни эса Лобанов-нинг ўзи топишни керак. Айтгандек, конденсаторни бошиқа қилиш керак; бугун Григорьевнигiga конденсатор уста-си Смородин дегац одам меҳмон бўлиб келади. Лоба-нов шу одам билан шартлашиб олсин.

Григорьев локатор принципини турли хил алоқа ли-  
нияларига қўллаш мумкинлигини кўрсатиб берди. Унинг  
тушунтириш усулидан Андрей завқланарди: ҳеч тортин-  
май, энг узок тушунчаларни бир-бирига таққослар, баъ-  
зан бу таққослаш қўпол хом хаёл бўлиб чиқар, лекин  
у бунга эътибор ҳам бермасди. Бу иш усули кишидан  
жасурликни талаб қилас, лекин мулоҳаза билан ишлов-  
чи ва қўрқоқ донишмандларнинг ҳеч қачон ақлига кир-  
маган буюк кашфиётларга бошлаб бориши мумкин эди.

Бу жиккак, беозор одам ҳеч нарсадан чўчимай, буюк  
олимлар қўлидан келмайдиган мұтабар тушунчаларни  
фош қилишга интилардики, Андрей унинг бу хатти-ҳа  
ракатидан чўчиб, жунжайиб ўтиради. Шу нимжон гав-  
дали Григорьев Андрейнинг олдида эртаклардаги паҳла-  
вонларга ўхшаб кўрингандан кейин, бу бўй, бу мускул-  
ларнинг Андрейга нима кераги бор?

Матвей Семёнович сұхбат учун бу бўм-бўш соҳилни  
танлагани тасодифий өмас, деб ўйлади Андрей. Бу ёрда  
на қофоздан ва на справочниклардан фойдаланиш мум-  
кин, хаёлнинг парвоз этицига ҳеч нима халақит этмай-  
ди, шу осмон ва сувнинг бепоён зангори фонида ишнинг  
туб моҳияти, қалби, ўзаги ҳосил бўларди.

Григорьев ориқ тиззаларини қучоқлаб ўтириди.

— Йўқ-йўқ, сиз ғоят буюк бир нарса ихтиро қилган-  
сиз,— деди у хаёлчанлик билан, Кейин Андрейга лока-  
тор ёрдами билан ўзи сўнгги йилларда ишләстган  
электр ёйи механизми ҳақидаги жуда муҳим ҳодиса-  
ларни текшириш ниҳоятда қизиқарли бўлади деб ту-  
шунтириди.

Мағуруна қувонч Андрейни ҳаяжонга солди, лека-  
торнинг Григорьевга нима фойдаси борикин,— деб  
ажабланди у, демак, Григорьевнинг ҳам кўп йиллардан  
буён овора қилиб юрган ишлари бор экан-да, Григорь-  
евнинг тортинчоқлик билан ёрдам тўғрисида илтимос  
қилганидан у таъсиrlаниб жетди.

— Эҳ, қўлимдати ишдан қутулиб олсан эди...— де-  
ди хаёлчанлик билан хўрсиниб Матвей Семёнович.

— Қандай ишдан?

— Мен ҳозир Тонковнинг машҳур кўприк усуллари  
учун математик далил тайёрлаяпман.

— Менинг рақибимга ёрдамлашяпман денг,— деди  
кулиб Андрей,— Наҳотки, сиз унинг усулини... .

Григорьев елкасини қисиб қўйди:

— Мен ҳеч нарса ўйлаётганим йўқ, *Мажбуру қилиш* япти. Бунинг устига... назарий машқ қизиқ бўлади,

— Амалийси-чи?

— Амалийси ҳам секундининг юздан бир ҳиссасига тўғри келган темир йўл жадвали қашчалик зарур бўласа, шунчалик зарур нарса.

— Шу бўлмағур ишга бошингизни оғритиб нима қиласиз?— деди Андрей ҳайрон бўлиб,

— Шошманг, ишнинг практик томонига аралашинга қандай ҳақим бор? Мен Тонков билан шерик сифатида ишлайман. У директор, ўзи олим. Хафа бўлади. Ундан кейин... сичқонларининг кемириши учун бунаقا расчёларни кўп қылгайман!— деди Матвей Семёнович алам билан.— Биринчи марта эмас...

— Майли, Тонковни қўяйлик. Келинг, сизнинг ёй иззариянгизни охиригача олиб бораийлик,— деди Андрей—Локатор масаласи ҳал бўлиши билан, мен сизнинг ўтчовларингиз учун схема ясашга уриниб кўраман.

Григорьев қўлларини силтай бошлади. Бе, Лобанов бундай дардисар иш билан бошини қотириб нима қиласди? Гўё Григорьев ҳиқиллаб ёпишиб олгандай бўлиб чиқди-ку. Йўқ, йўқ... У ўрнидан дик этиб туриб, апилтапил кийина бошлади.

Электр ёйи назарияси янги қудратли гидростанцияларнинг виключателлари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Сваркачилар, проекторчилар ундан фойдаланишлари мумкин... Андрей қизишиб кетиб, техниканинг ўнлаб соҳаларини тилга ола бошлади. Григорьев оёғини шимининг почасига тиқолмай, ҳаяжонланиб ва уялиб қум устида ирғишларди. Андрей уни ушлаб турди.

— Мен рози, Андрей Николаевич,— деб ғудурлади Григорьев,— мен сизга қўлимдан келганча ёрдам бераман... Менга ҳамма расчёт қисмларини беринг.

Андрей пиджагини елкасига солиб, илашган кумин қоқди.

— Сиздан шу усулда фойдаланиш, Матвей Семёнович,— паравой болға билан ёнғоқ чақиш билан баравар. Сиз бугун менга аичагина ёрдам бердингиз. Сиз ўз ёйнинг устида ишлашга киришинг.

Бундан бир соат олдин Григорьев Андрейга пайгамбарга ўхшаб кўришган эди. Энди эса унинг олдида ажойиб кашфиёт устида иш олиб бораётгани одам турар, у ҳам баъзан нуч ишлар устида бош қотирад, ўйлар, бу

ҳам сал нарсадан таъсирланиб зардаси қайнаб кетарди. Ўтонковга ўзини эксплуатация қилишга йўл қўйиб қўйган эди. Ана шунинг учун ҳам Андрейга жуда яқин бўлиб туюлди.

Уларнинг орқасидан ҳуштак овози эшитилди. Матвей Семёнович бармоқларини оғзига тиқиб, жавоб ҳуштагини чалди. Шу пайт буталар орасидан икки бола кўринди. Уларнинг биттаси Григорьевга ўхшаш загча кўзли бояги бола, иккинчиси Андрейга нотаниш.

— Йиғилишди,— деб ҳабар берди болалар.

Григорьев қўли билан ишора қилди. Болалар дарҳол ғойиб бўлишди, жарликда шохларнинг шитирлагани эшитилди.

— Бу разведка, — деди профессор жиддий ва сирли қилиб.— Врачлар менга чўмилишни тақиқлашган, демак, жанжалдан ўзни олиб қочиш керак. Мени сўраса, кўрганим йўқ дейсиз, хўпми? Туя кўрдингми? Йўқ! Қани, дачага қараб юраверинг, мен ўз йўлим билан бораман.

— Сизнинг йўллингизни мен биламан,— деди Андрей унга арқонни ишора қилиб.

Матвей Семёнович эса бармоғи билан пўписа қилиб қўйди ва буталар орасига кириб йўқолди.

### ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

Олимлар посёлкасининг урф-одатига биноан, шанба кунлари кечқурун галма-гал бир-бирларининг уйига қарта ўйнашга йиғилишадилар. Бугун кечқурун меҳмонлар Григорьевларникуга тўпланишди.

Андрей кириб келганда, айвон билан туташган катта уйда олти киши ўтиради. Айвонда яна тўрт кекса бақириб-чақиришиб, қартада «ахмоқ-ахмоқ» ўйнашарди. Григорьевнинг ўзи ҳали йўқ эди.

Андрей Матвей Семёнович билан суҳбатлашгандан кейин ўзини шундай хурсанд ва кўтаринки руҳда ҳис қила бошлидики, атрофдаги кўринган ҳар бир парса шодлик манбай бўлиб туюларди.

У Григорьевнинг хотини билан танишаркан, худди шундай бўлиши керак деб ўйлади: у кичкина, нозиккина жувон бўлиб, тор манглайи кокилчалар билан тўсилган, чеҳрасида инжиқлик аломатлари сезилиб турар, гўё

қўғирчоққа ўхшар эди. Уни Зинаида Мироновна деб ча-  
қиришар, бу исми ҳам жисмига монаандек эди. Уйдаги  
ҳар бир икир-чикир, ҳатто баланд ва ноқулай суюнчили  
қадимий креслоларни ҳам Андрей ўринили деб тоиди.  
Ҳозир унинг қалби шу уйда яшовчиларга нисбатан ҳур-  
мат, эҳтиром туйғулари билан лиммо-лим тўлган, гўёки  
у бу ерда чинакам талант эгалари қай йўсинда яшаш-  
лари ва ижод қилишларининг ҳаяжонли сирларини очи-  
ши мумкин.

У Зинаида Мироновна билан меҳмонхонаний айланиб,  
меҳмонлар билан бирма-бир қўл беришиб кўришиди,  
Тонковнинг олдига бошлаб келишганда, Тонков ҳеч  
ажабланмасдан, момақалдироқ сингари гумбурловчи  
овоз билан:

— О, кутулмаган кўнгилли ҳодиса,— деди-да, оп-  
поқ йирик тишларини кўрсатиб илжайди.

Зинаида Мироновнанинг соchlари оқарган кекса она-  
си кичик бир столча олдида такаббуrona ўтириб олиб,  
қарталарни териш билан банд, нарироқда, унинг чап  
томонидаги диванда эса, соchlари бефарқ таралган, қир-  
ра юзли бир қиз билан лўппи юзли, чеҳраси қувноқ бир  
ёш йигит ўтиради.

— Смородин!— деди у Андрей билан танишаркан,  
унинг қўлларини қаттиқ силтаб қисиб.

Андрей жисмоний соғлом ва кучлі кишиларни ях-  
ши кўрарди, у конденсатор тўғрисида гапиришмоқчи  
бўлган бу Смородин ҳам шундай қувноқ, хушфеъл ва  
забардаст йигит эканлиги унга жуда ёқиб тушди.

Зинаида Мироновна Андрейга жой кўрсатди-да, ўзи  
кўйлагини ҳилпиратиб, Тонков томонга йўл олди.

Қизнинг исми Анечка экан. Унинг тили ўткир, истех-  
золи эди; у Зинаида Мироновнанинг жияни сифатида,  
шу ердаги меҳмонларни масхара қилиб ўтиради. Бу  
ишда унга Смородин ҳам кўмаклашмоқда. Андрей ҳам  
уларга қўшилишиб кулар, Григорьевлар уйида худди  
мана шунаقا аёвсиз кинояли суҳбат бўлиши муқаррар  
деб ўйлаб, ҳозир ўзини бениҳоя хушчақчақ ҳис қила  
бошлади.

— Оҳо, Петушков ҳам ёнидан бир сўм чиқарди,—  
деди Анечка айвон томонга имо қилиб,— қаранг, унинг  
шундай оппоқ сочли катта қалласига өътибор бермай,  
«аҳмоқ»қа чиқариб ўтиришибди-я, ай, ай, ай, аттанг.

— Лекин, диссертация ёқлашда у ҳаммани аҳмоқ қилиб қўйган эди,— қўшиб қўйди Смородин.— Андрей Николаевич, унинг докторлик диссертациясини қандай ёқлаганини эшитганми дигиз? Электрохимия соҳасидан диссертация ёқлаган. Химиклар уни химия соҳасида ҳеч балога тушунмайди-ю, аммо машҳур электрик деб ҳи-собладилар, электриклар эса, унга машҳур химик сифатида овоз бериши.

— Энди олти мингни олиб ётибди,— деди Анейка,— ўзи аллақандай сирли зулмат қучоғига кириб олган-у, онда-сонда ёруғлиққа чиқса ҳам, битта-яримта одамни бефаросат, деб айблаш учун чиқади.

— Анейка, йигитларимиз Петушков тўғрисида қандай протокол тузишганини айтиб беринг,— деб илтимос қилди Смородин.

Анейка кулиб юборди.

— Диссертация ёқловчи,— деб сўзларни чўзиб-чўзиб гапира бошлади у,— ўз нутқида теманинг мазмунини қисқа ва аниқ баён қилди ва бу билан ўзига фан доктори унвони бериш зарурлигини исбот өтди. Сўзга чиққан оппонентларнинг нутқидан маълум бўлишича, улар диссертацияни ўқимаганлар, аммо уларнинг ҳар бири диссертант тўғрисида маълум фикрга эга эканлар. Петушковнинг сўнгги сўзидан маълум бўлдики, у оппонентларнинг өътиrozларини өшитмаган, лекин уларнинг ҳар бири тўғрисида...

Меҳмонхонага Матвей Семёнович кириб келди. У қора костюм кийган, галстуғи шошиб-пишиб боғланган эди, ўзи қандайдир хомуш, феъли бузуқ кўринарди. У тортиниб, ҳамма билан бир-бир кўришиб, соғ-саломатлиги тўғрисида ҳурмат-эҳтиром билан берилган саволларга жавоб қайтарди. Афтидан, бу маросим унинг учун жуда мушкул ишга ўхшарди. Андрейнинг олдига келганда кўз қисиб, «хуш келибсиз!» дегандай алланималарни минфиirlab қўйди. Кейин айвон томонга юрди. лекин қайнанаси столга терилган қарталардан кўзини узмай, шу заҳотиёқ:

— Матвей, у ерда шамоллаб қоласиз,— деди.

Григорьев итоаткорлик билан кетига қайtdи.

Зинаида Мироновна ғаланд овоз билан Тонковга эридан шикоят қила бошлади:

— Сиз Матвейга тушунтирангиз бўларди. Соғлиғининг мазаси бўлмаса ҳам, шу ҳамкорлик баҳонаси би-

лан заводларга юборишгани юборишган. Ифлос ҳаволи цехда ишлаб ўтириш...

— Зиночка...— деди мулойимлик билан Матвей Семёнович.

— Ўтинаман, мен билан баҳслашма,— деди Зиночка буйруқ оҳангида унинг сўзини бўлиб.

«Оҳо, унча-мунча қўғирчоққа ўхшамайди, шекилили»,— деб ўйлади ажабланган Андрей.

— Мен ҳайронман: институт жамоатчилиги нега бунга эътибор бермасикин. Наҳотки, шундай одамларни жуда авайлаб сақлаш кераклигини тушунишмаса. Юрий Ильич, менга шуни тушунтириб беринг-чи, бизда фанинг танҳо ўзи бўлиши мумкин эмасми?

Тонков, соқолини оҳиста силаркан, Зиночкани юпата бошлади:

— Бу вақтингчалик бир ҳол. Бунда, албатта, оқилона маъно бор, фақат...— У гўё фортелианода гаммани чалаётгандек, оппоқ бармоқлари билан нафис иборалар қилди ва маънодор қилиб, қошларини чимирди.— Суҳбат фан билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги узвий алоқага келиб тўхтаганда, Академия президенти менга шундай деган эди: олимларни бўлар-бўлмас нарсалар билан вақтини банд қилиш ярамайди, ишлаб чиқариш корхоналари билан фан ўртасидаги дўстлик шундай бўлиши керакки, олтин тухум қилувчи товуқни сўйиш эмас, уни асраш билан баравар бўлсин. Сиз билан бизнинг вазифамиз, Матвей Семенович, асосий тояларни илгари суришдан иборат.

Андрей, ҳозир Григорьев Тонковни қаттиқ масҳаралайди, деб кутган эди; шунда унинг ўзи ҳам Григорьевга ёрдамлашмоқчи, Тонковдан бизнинг электро лабораториямиз билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома тузиб қўйиб, нега бу ерда тилёғламалик қиляпсиз, деб сўрамоқчи эди, аммо Григорьев гўё Тонковнинг жима деяётганини тушуниб олмоқчи бўлгандай, индамай ялтироқ бошини ишқалай бошлади. Тонков бу ерда, Григорьевнинг уйида ўзини bemаза бир одам сифатида ҳис қилиши керак, деб ўйлаган эди Андрей. Бироқ Тонков ўзини мағрур ва тетик ҳис қилар, унинг қоп-қора соқоли, серсовлат қомати ва бошига кийган ипак қалпоқчали олдида, Григорьев ўзининг шалпайган костюмидан ниҳоятда кўримсиз ва нимжон одамга ўхшарди. Афтидан, бу уйда уни ўғлидан бўлак ҳеч ким ҳурмат қил-

майдиганга ўхшайди, уни каттакон бола сифатида ҳисоблаб, минут сайн танбиҳ берид туришса керак. Бу ерда у, Андрейни биринчи учрашув вақтида шафқатсиз равиша қувиб юборган Григорьевга ҳам, бундан бир соат бурун пляжда буюк фан арбобларини мардларча ер билан яксон қилган Григорьевга ҳам сира ўхшамас эди.

Андрей Зинаида Мироновнанинг аёл эканлигини, онасининг бошидаги оппоқ гажакларидан ва карта ўй нашга ҳирс қўйганидан бачкана эскилиқ анқиб турганини пайқади. У Матвей Семёнович қандай вазиятда яшаши керак эди-ю, аслида қандай ҳолга тушиб қолганлигини аста-секин пайқай бошлади.

— Қаранглар,— деди Анечка, олдинга энгашиб,— Ростовцевнинг қилаётган қилиғини кўряпсизми?

Смородин кўзларини сузиб тикила бошлади ва бирдан хохолаб қулиб юборди.

— Оббо айёр-эй, қаранг, ўз портсигарини перископ қилиб, анави лапашанг Пудановнинг қарталарини кўриб оляпти.

Қора сочли, серҳаракат Ростовцев жон-жаҳди билан қўлларини силтар, унинг ингичка чўққи бурни муғомбиона жийирилар, хуллас, тўртта ўйинчи ичидаги энг абжирни ва тўполончиси шу эди.

Петушков ингичка овози билан чинқириб, алланима тўғрисида беҳуда баҳслашар, унинг кичик кўзлари забдан чақнаради.

Андрей Ростовцевни антенна устида ишловчи энг яхши мутахассис сифатида танир эди. У ўз соҳасида жуда уддабурон одам ҳисобланарди. Анечканинг гапига қараганда ўзининг биринчилик ўрнини жуда авайлаб ҳимоя қиласар, қувиб ўзиб кетмоқчи бўлганларни ҳеч андеша қилмай, йўлидан четга итариб юбораверар экан. Раҳбарлик ролини сақлаб қолиш мақсадида, ҳар қананги жангга киришишдан ҳам қўрқмасди. Унда янгиликни ҳис қилиш туйғуси жуда зўр: биронта катта истиқболга эга бўлган ишчиқиб қолгудек бўлса, у дарҳол ишнинг ғоясини илиб олар ва уни давом этдириб кетарди. Жуда яхши жиҳозланган лабораторияси, моҳир ёрдамчилари туфайли, ўзининг ниҳоятда меҳнатсеварлиги ва порлоқ қобилияти туфайли тезда лойиҳа авторидан ўзиб кетар ва яна ҳаммадан олдинда ғолибона одим отиб кетаверарди.

— Бундан чиқді, у олғір калхатлардан экан-да?—  
деди Андрей маъюс.

— Ҳеч-да,— деб қарши турди Анечка,— ҳеч амал-параст эмас. Ҳасадчи ҳам эмас. Фақат ўзининг ҳаммадан күпроқ билишига самимий ишонади. Эҳтимол, у ҳакдир. Антеннадан бўлак, ҳамма соҳада ҳам у жуда ажойтиб одам. Ҳазилкашлигини, ҳар хил қизиқ нарсаларни ўйлаб чиқаришини айтмайсизми!

— Оҳо, сиз, кишининг яхши хислатларини ҳам кўра оларкансиз-ку,— деди киноя билан Андрей.

Анечка қизариб кетди, оғзини жуфтлаб бир нарса демоқчи эди, Смородин гап бошлаб юборди:

— Ростовцевнинг яқинда қилган қилигини эшигдингизми? Пудановнинг машинаси бор, ўзини уста шофер деб ҳисоблайди. Бир куни машинаси институт гаражида турганда, Ростовцев у ерга жириб олиб, машина глуштелига милиционер ҳуштагини ўрнатиб қўйибди. Ўзиям ҳуштакни шундай ўрнатибди, ҳуштак машина маълум тезликда кетаётгандагина чалинадиган бўлибди. Кечқурун Пуданов бизнинг шефимиз Тонковни машинасига ўтказибди-ю, дачага равона бўлишибди. Проспектга чиққанда, машинани тезлатган экан — бирдан ҳуштақ чалиниб қолибди-ю, Пуданов машинани тўхтатиб, муюлишда турган милиционер олдига борибди. У бўлса ҳеч нимадан хабарим йўқ, дебди ва ҳар эҳтимолга қарши, машинанинг номерини ёзиб қолибди. Улар яна йўлда давом этишибди. Бир газ берган экан, яна ҳуштак чалинибди. Машинани тўхтатиб, атрофга қарашса, ҳеч ким йўқ эмиш. Хуллас, бир амаллаб, тош йўлга чиқиб олишибди. Бу ерда яна ҳуштак овози эшитилаверибди. Аммо атрофда жон асари йўқ эмиш. Чоллар сал бўлмаса эсдан оғиб қолаёзишибди. Қўйинг-чи, галлюционацияга<sup>1</sup> йўлиқишибди-да!

Бу Пуданов ҳозир Андрейга ёнламасига ўтиради, Андрей уни зўрға таниди. Пуданов семириб, қорин солиб кетишибди. Унинг бурни кўкарган бўлиб, чеҳрасида хотиржам табассум белгилари акс этарди.

— Ҳозир нима билан шуғулланяпти?— деб сўради Андрей.

— Астрапа гули ўстириш билан банд,— деди Анечка.

<sup>1</sup> Миянинг чалғиши натижасида йўқ нарсаларнинг бор бўлиб туюлиши.

— Йўғ-эй, жиддийми?

— У шуғулланаётган бирдан-бир жиддий иш ана шу.— Анечка Пудановнинг эллисса яқин астра нави ни коллекция қилганини айтиб берди.

Андрей Пудановни энг сўнгги марта урушдан олдин, ўзи кашф қилган фотоэлементлар тўғрисидаги лекцияси пайтида кўрган эди. Кейин Пуданов лауреат бўлди, уни бир қанча илмий советларнинг аъзоси қилиб сайлашди, журналларнинг редколлегияларига киргизиб қўйишиди, унинг тўғрисида мақолалар ёза бошлашди, сұхбатлар уюштиришиди, хуллас номи борган сари омма ўртасида машҳур бўла бошлади. Шон-шуҳрат қуши бора-бора унинг бошига қўниб олди. Бу шуҳрат ҳукмронлик қилиб, уни илмий ишларга камроқ эътибор беришга мажбур қилди, икир-чикир ишлардан ва ташвишлардан озод қилди. Мана, ниҳоят... астра гулига гал келди! Лекин Пуданов Петушков эмас. Петушков қобилиятсиз, bemaza одам, бу эса — чинакам олим. Ахир у жуда зўр талант эгаси эди-ку. Андрей қайғура бошлади.

— Менимча, Пуданов умрининг охиригача шундай отоқли киши сифатида қолса керак,— деди Анечка,— унинг тўғрисида одамлар: «Бўлмасам-чи, эсингиздами, бир вақтлар ўз элементлари билан шов-шув кўтарган эди», дейишади, ё шунга ўхшаган гаплар билан эслашади.

— Албатта шундай бўлади,— деди Смородин қувноқ оҳангда,— ҳозироқ китоб муқаддималарида номини тилга олишади, аммо, текстнинг ўзида, унинг тўғрисида чурқ этмайдилар.

Хилват жойга ўтириб олиб, Пудановга қарата ичи қоралик билан масхаралаб айтилган гаплар Андрейни ранжита бошлади.

— Тушунмадим, нимадан севиняпсиз,— деди у хўмрайиб.

Бу орада Григорьев қайнанасининг йўқлигидан фойдаланиб, аста-секин айвонга чиқди, карта ўйнаб ўтирганлар, шов-шув кўтариб, уни табриклай бошладилар.

Шу пайтгача Андрейга орқасини ўгириб ўтирган баланд бўйли чол ўрнидан турди-да, Григорьевга қўл чўзди. Бу одам, эгнидаги эскича фасондаги пиджаги, калта қилиб қирқилган оппоқ соchlарига қарамай, беҳад ёш

кўринарди. Унинг ажин босган, буғдой ранг бўйнига кўйлагининг сутдек оппоқ қайтарма ёқаси жуда келишинб тушиган; Андрейдан бошқа яна фақат ўшанинг бўйнида галстуги йўқ. У Григорьевни қўлтиқлаб олиб, йигитлар сингари енгил-еңгил одим отиб, айвонда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Ким у?— деб сўради Андрей Аничкадан.

— Кунин.

— Кунин!— Андрей мамиуликтан қизариб кетди.

Бу ном рус физикасини кашф этувчилар шуҳрати билан чамбарчас боғлиқ. Кунин Лебедев ва Лазаревлар билан бирга ишлаган, Поповни, Тимирязевни билади. Ҳамма дарсликларда ҳам унинг электростатика устидаги тажрибалари баён қилинади. Андрей студентлик вақтида имтиҳонда Кунин формуласини ечган эди.

— Нечага кирган??

— У Мис чавандоз билан тенгқур...— деб гап бошлаган эди Смородин, Андрейнинг хўмрайиб қараб турганига кўзи тушиб, оғзидағи оғзида қолди, кейин гапни бошқа ёққа буриб, Куниннинг яқинда ёзган бир мақоласи тўғрисида гапира кетди. Кунин бу мақоласи туфайли гўё идеализм ботқоғига ботганмиш. Андрей у мақолани ўқиган. Мақола физикадаги бир қанча мөор босган тушунчаларни ағдар-тўнтар қилиб ташлаган, бу мақола фанда ягона назария тузиш, қарама-қаршиликларни тўғри талқин қилиш учун бўлган мардона уриниш эди, шунинг учун Андрей унинг мулоҳазаларининг янгилигига, самимилигига ва мардоналигига қойил қолиб, баъзи ерларда талқин қилинган қалтис даъволарини ҳам кечирган.

Уларнинг олдидан Тонков Зинаида Мироновна билан қўлтиқлашиб ўта бошлади. У буларнинг Кунин тўғрисида гапиришашётганини эшишиб, гап қотди:

— Ҳа, ҳа... бизнинг академикларимиз орасида уни обрўсиз деб ҳисоблашади. Зинаида Мироновна, сиз Матвей Семёновични ундан эҳтиёт қилишингиз керак.

— Куниннинг хатолари, баъзи бир олимлар эришган муваффақиятлардан ҳам афзалроқдир,— деди хомушлик билан Андрей ва ўзи қизариб кетди.

Тонков мулоҳимлик билан илжайиб, аёл киши олдида илмий тортишув билан шуғулланиш айб бўлади, деб қўйди.

Андрей таъби хира бўлиб айвонга чиқди ва қандай

бўлмасин Григорьев билан жайрлашиб , тезроқ жўнаб қолишини ўйлай бошлади.

Пуданов мудраб кетаётган кўзлари билан жилмайиб Петушковга имлар ва айвоннинг бурчагида қизғин сухбатлашиб турган Кунин, Ростовцев ва Григорьев томонга тикиларди. Пуданов Петушковнинг валдирашини эшлишдан зерикканлиги, шунингдек ўрнидан туришга эринчоқлик қилаётганлиги кўриниб туарди: агар бирор уни ўрнидан кўтариб қўйса, бориб анати учта чолнинг сухбатига жон деб аралашган бўларди.

Матвей Семёнович Андрейни кўриб, уни ўз дўстларига таништира бошлади. Улар Андрейни очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Кунин — рицарь сингари эътибор билан, Ростовцев эса, мазақ қиласидиган жойи бормикин деб, муғомбирона қараш билан қарши олди.

Улар, Марсда ҳаёт борми, йўқми, деган масалани муҳокама қилаётган эдилар. Бу сухбатларида ҳеч қандай янгилик ёки биронта ақлга сифмайдиган фикрнинг йўқлиги, ундан ташқари, бу сухбат оҳангি кичик болаларнинг сухбатига ўхшаб кетиши Андрейни ҳайратда қолдирди.

Григорьев улар даврасида анча очилиб кетди, кўнгли кўтарилиб, тинмай бошини чайқарди. Андрейнинг қаршисида яна аввалги Григорьев намоён бўлган эди.

— Юлдузлар қаёқдан пайдо бўлган, биласизми?— деб сўради Ростовцев бурнини муғомбирона жийириб.— Бу атом энергияси топилган бошқа дунёларнинг қолдиқлари; у ерда одамлар атом энергиясини топишга топишган-у, аммо бир-бирлари билан келиша олмаганлар, оқибат...

Ҳеч ким кулмади. Ростовцевнинг ўзи ҳам бирдан жиддий тус олди.

Куниннинг қорачадан келган юзи жуда ҳарид кетганга ўхшади. Григорьевнинг зағча кўзлари сузилиб, алла-қаёққа тикилди. Ростовцевнинг сўzlари Андрей фикрини бошқа томонга буриб юборди, унинг кўзи олдида бу кишиларни қондош, жондош қилинган фан тақдиди учун, инсоният тақдиди учун жавобгарликнинг шиддатли туйғуси муҳайё бўлди. Атом-водород қуролларининг қанчалик даҳшатли кучга эга эканлигини ҳаммадан кўра кўпроқ шулар яхши билардилар.

Шу он Андрей бу уч олим тўғрисида ўйлай бошлади. Улар оддий инсон сингари қанча заиф ва нуқсон-

ли бўлишларига қарашмай, том маъноси билан чинакам олим эдилар. Андрей бу сўзни ҳеч қачон ўзига тадбиқ этолмасди, албатта. Улар — фан генераллари, у эса шу фанинг оддий солдати эди. Шунинг учун ҳам у солдат сифатида, уларнинг ҳар бир қўл ишораларига, ҳар бир сўзига алоҳида эътибор берар, гўё ўз тақдирининг қандай бўлишини аниқлашга уринаётгандай, у олимларни бир-бири билан таққосларди. Уларнинг биттаси ҳам тўлаткислигича унга маъқул тушмади, уларнинг ҳар бирида ўзига хос нуқсон ва фазилати бор эди.

Лекин Андрей уларнинг ҳар биридан ўзига керак бўлган яхши хислатларни қабул қилиб оларкан: «Булар сенга фойда беради!» дер ва улардаги нуқсонларни кўриб, ўзига-ўзи «Ўзингни бундай одатдан эҳтиёт қил!» дерди.

Тонков ҳам булаф олдига яқинлашди. Куниннинг ноқулай аҳволга тушиб қолганига учирақ қилиб, унинг лабораториясида аллақандай илмий ишни синааб кўришини таклиф қилди ва асбоб-ускунадан ёрдамлашишга ватъда берди. Тонковнинг бу олий ҳимматида ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги жерак, у ахир, бутун масъулиятни ўз бўйнига олиб, обрўсини хавф остида қолдириб, Кунинга ёрдамлашмоқчи-да; релятивизм, идеализм ва эмпиризмда айблланган Кунин илмий текшириш ишлари учун унга маблағ ажратишларини кутмаса ҳам бўлади.

Кунин эҳтиром билан таъзим қилиб, Андрейни қойил қолдирди. Унинг бу таъзим қилишида Тонковнинг таклифини илтифотсизлик билан кескин рад қилгани сезилиб турарди. Шу оннинг ўзида Кунин ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, студентлик чоғида машҳур Лебедев қўлида ишлаб юргандаги бир воқеани ҳикоя қила бошлади:

— Ўша пайтда Петр Николаевич Россияда деярли биринчи бўлиб рентген аппаратида сурат олиш билан шуғулланарди. Бизнинг кичкинагина кўримсиз лабораториямиз мамлакатимиздаги бирдан-бир физик текширув лабораторияси ҳисобланарди. Шароит жуда оғир эди. Масалан, бизда фақат битта лаборант — Давид деган бир киши ишларди. Ўзи жуда ажойиб одам, қўли гул эди-ю, лекин хулқининг мазаси йўқ эди, бўлар-бўлмасга минғирлагани минғирлаган эди. Петр Николаевични эса яхши кўришга яхши жўрарди-ку, лекин озгинча ҳам ҳурмат қилмасди. Давиднинг фикрича, Петр Николаевич омади йўқ одам эмиш. Давид серсовлат одамлар-

ни жонидан севарди. Шундай қилиб, бир кун эрталаб бизнинг подвалга бир савдогар кириб келди. Унинг қундуздан тикилган почапўстинининг тугмалари ечишган, мешдек қорни олдинга туртиб чиқсан, тўппа-тўғри қовоқхонадан келаётган бўлса керак, оқ камзулига вино тўкилган эди. Соқолини кўрсангиз мана бу ерга келади!— Кунин қорнини қаппайтириб, кучаниб бақирди.— «Профессор-фотограф ким бўлади?»— Петр Николаевич иккимиочи хонада ишлаб ўтиради. Эрталабки пайт унинг учун энг муқаддас дам ҳисобланарди, шунинг учун ҳеч ким уни безовта қилишга журъат этолмасди. Давид типирчилаб қолди ва савдогарнинг ваҳимали жасадини кўриб, ийиб кетди-ю, Лебедевни чақирди. Петр Николаевич қўшни хонадан чиқди. Савдогар ундан: «Фотограф сизмисиз?»— деб сўради.— «Қанақа фотограф?»— савдогар унга:— «Гап бундай, муҳтарам зот, демак, биз ўзимизнинг ички портретимизни олдирмоқчимиз»— деб рентген ҳақида гапира бошлади. «Сурат табиий катталика бўлса». Кейин у бизнинг пастак ғира-шира уйимизга қўй силтаб деди: «Пулни аямаймиз. Агар яхши ишласангиз, рафиқамнинг портретини ҳам буюртираман».— Ҳикоя шу ерга келганда, Кунин ҳаммага бир-бир кўз югуртириб чиқди, аммо Тонковга сезилар-сезилмас ўзгача назар ташлаб қўйди.— Лебедевнинг ранги бўзарип кетди,— ҳикоясида давом этди у,— кейин тўсатдан оёқ депсиниб: «Давид! Ҳайдо уни, тепешиб чиқар!»— деб бақириб юборса бўладими. Бу асло бирорга қаттиқроқ гапирмаган хушфеъл, мулоҳим Петр Николаевич эди!— Григорьев бу ҳикоядан ҳам хижолат бўлиб, ҳам имамнун бўлиб, ялтироқ бошини ишқалай бошлади.— Кейинчалик бизнинг студентлардан ким ҳам унга: «Петр Николаевич савдогарнинг суратини лаборатория фойдасига олсангиз бўларди, пулiga асбоб-ускуна олган бўлардик»,— деганида, Лебедев унинг сўзини бўлиб: «Сиз, муҳтарам афандим, фани бир фоҳиша деб ҳисобласангиз жерак»,— деган эди. Давид эса, савдогарни қувиб чиқаргандан кейин Лебедевни ниҳоятда ҳурмат қила бошлади.

Тонков бошқалар билан бирга зўрма-зўракайига хоҳолаб кулишди-да, Петушков олдига ўтди.

— Ёзган мақолангиз учун тинчлик бермаятиларми дейман?— деб сўради Ростовцев Қунинга ҳайриҳоҳлик билдириб.

— Ҳо тинч қўйишин, ҳо қўйишмасин, барибир, кимдир ишни давом эттириши керак-да,— деди ҳорғинлик билан Қунин, сўнг Тонков томонга имо қилиб қўшиб қўйди.— Уларга ишониб бўлармиди. Уларнинг вазифаси жафини оғритиб бизни ёмонлаш экан. Мен эса, биласизми, ҳозир яна бир янги мақола тайёрлаяпман. Хайр, мақоламда хатолар бор эди дейлик, лекин унинг яхши томонлари ҳам бор эди-ку.

Бир оздан сўнг Ростовцев билан Қунин Пудановни олиб, жўнаб кетишиди, шунда Андрей Григорьевдан бўлак уйдаги одамларнинг барчасига жон кирганини, ўзларини эркин ҳис қила бошлаганини сезди.

Матвей Семёнович эса, қўйдан айрилган етим қўзи-дек меҳмонлар орасида анча уриниб қолди.

Андрей ундан Қунин тўғрисида сўрамоқчи бўлиб турган эди (у Матвей Семёновичга Қунин тўғрисидаги суҳбат ёқишини биларди), лекин Григорьевни Смородин ўзига қаратиб олиб, қўл ёзмасига ундан рецензия ёзиб беришни илтимос қила бошлади.

У ўзини соғ кўнгилли, камтар йигит сифатида кўрсатиб қандай рецензия кераклигини гапира бошлади. Унинг устомонлигига қойил қолса бўларди: у энг қалтис масалалар устида шундай юзсизлик билан гапирадики, кези келганда гапларни ҳам ҳазилга айлантириб юбориши мумкин.

— Танқидий мулоҳазаларингиз ҳам, албатта, керак,— деб тушунтира бошлади у Матвей Семёновичга,— лекин ундай мулоҳазалар нашриёт билан шартнома тузиш учун халал бермаслик даражасида бўлсин.

Ундан кейин Петушков чийилдоқ овози билан Григорьевга ўз аспирантуни эслатиб қўйди. Григорьевнинг чехрасида қайғуриш аломатлари пайдо бўла бошлади.

— Кечирасиз, мен диссертацияни кўриб чиқдим,— у қўлларини ёйди,— жуда ёмон ёзилган. Албатта, баъзи бир тузук фикрлар ҳам бор...— шошиб-пишиб қўшиб қўйди.

— Арпа ёрмасидан фақат арпа бўтқаси бўлади, — ачитиғ билан унинг сўзини бўлди Петушков.— Ана ўша «баъзи бир» фикрларини ривожлантиришга кўмаклашинг-да. Ёшларга, азизим, ёрдам бериш керак.

Григорьев хижолат тортиб, бирнималарни ғудурлаб қўйди.

— Тўғри, тўғри,— деди хўрсишиб Тонков,— бундай

ҳолларда ҳеч нимани аямасликка тўғри келади. Кунин қарилигини баҳона қилиб, қуруқ гап билан ўзини оқлаб қолиши мумкин, аммо сиз билан биз, Матвей Семёнович, ўз шахсий мактабимизни барпо этишимиз, ўз шогирдларимизни тарбиялаб чиқишимиз керак,— бу ҳамманинг қўлидан келавермайди.

— Сиз шикоят қилмасангиз ҳам бўлади,— деди Смородин чаққонлик билан,— сизнинг мактабингиз гуллаб яшнамоқда.

Тонков бу очиқдан-очиқ қилинаётган тилёғламаликдан норози бўлгандай қўл силтади.

— Бўнинг учун озмунча куч сарф бўлдими! Менинг олдимга келган пайтингизни эсланг, Смородин, ўшанда қанақа эдингиз.— Кутилмаганда у Андрей томонга юзини ўғирди.— Сиз менинг мактабимга жайриҳоҳлик билдирамасангиз ҳам, диссертациянгизни яратишда анчамунча ёрдам берган эдим.— У узр этувчи ишора билан Андрейнинг енгига қўл тегизиб қўйди.

Андрей ўзини Григорьев олдида ноқулай ҳис эта бошлади. У Тонковга жавобан гап қайтаришга оғиз жуфтлаб турувди, лекин Григорьев шоша-пиша гапни бошқа томонга буриб юборди.

— Демак, локатордан сизнинг хабарингиз бор эканда,— деди у қувноқ оҳанга Тонковга.— Жуда ажойиб нарса бўлиб чиқиши мумкин, тўғрими? Эҳтиёт бўлинг, сиз топган усул хавф остида.

Тонковнинг кўзлари кўзойнакнинг қалин ойналари орқасидан аквариумдаги кичкина жонивор сингари ялт этиб бир чақнаб сўнди.

— Эҳ, Матвей Семёнович,— деди Тонков тез кулиб юбориб, калта киприклари билан кўзини беркитаркан.

— Шунча ёшга кирганда, ҳа... бунчалик ёнгилтаклиқ ярашмайди. Ай-я-яй... Ростини айтсан, Андрей Николаевич техсоветда муваффақиятсизликка учрагандан кейин, яна ўз фикрида қолади деб ўйламаган эдим. Ҳеч ўйламаган эдим. Телба ёшлик.

Кечки овқат пайтида Андреини Григорьевнинг қайнаси билан Смородиннинг ўртасига ўтқазиб қўйишиди. Смородин тиззасига сочиқни ёяркан, ундан сўради.

— Демак, менга сиз тўғрингизда айтишган экан-да? Сиз аспирантурадан кейиноқ корхонага ишга ўтудингизми?

Андрей бош силкиди.

— Қандай қилиб кандидатлик ставкангизни түғрилаб олдингиз? Бу ставка бўйича фақат институтда ҳақ гўлайдилар-ку?

— Мен оддий цех бошлиги сифатида ҳақ оламан.

— Бунда сиз ҳар ойга етти юз сўмга яқин зиён қиласиз. Буни нима билак қоплашяпти?

— Менинг ишим жуда қизиқарли.

— Оҳо, сиз танти экансиз-ку...

Агар Матвей Семёновични ҳисобга олинмаса, Андрей бу стол атрофида ўтирган одамлар орасида ўзини энг ёт ҳис қила бошлади. Унинг бу уйга кириб келганидаги эркин суръатдаги руҳий кўтаринкилик ҳислари бутунлай фойиб бўлган эди. Андрей, Тонковнинг ширин сўзлигидан, Григорьев қайнанасининг сертакаллуф қилиқларидан ҳоли танг бўлиб, ўзининг қўпол тортинчоқлигидан хафа бўлиб, зўрға ўтиради. Ўнинг қалби аниқ ва совуқ ғазаб алангаси билан тез тўла бошлади. Қаршисида ўтирган Петушков, қаҳрли кўзлари билан шубҳали тикилар ва оппоқ соchlарини силкитиб пишиллаб-пишиллаб ўз тарелкасидаги овқатни ерди. Столнинг нариги бошида илтмий ишларни ҳаммага тушунарли қилиб ёзиш тўғрисида гап очилди. Тонковнинг оҳангдор, ёқимли овози Анечкага илтифот ва такаллуф билан эътиroz билдиради.

— ...Менинг муҳтарам ёш дўстим, автор ўз илтмий ишини қанчалик оммабоп қилишга уринса, ундай ишнинг қадри шунча пасайиб кетади.

Петушков жонланиб қолди.

— Нима деб ўйлайсоиз, бўлмаса Дюамель интегралини тўрт амал билан ифодалаб ўтиришсизми? — деди у Андрейга заҳархандалик билан тикиларкан, балиқ қилтаногини тупуриб ташлаб. — Сўрашга ижозат этинг, нега? Мен мутахассислар учун ёзаман ва уларга таниш ибораларни ишлатаман. Ўқинг, ўрганинг ҳеч кимга тўсқинлик йўқ.

— Мен қўшиламан. Ўзининг давримизда мутлоқ зўр аҳамиятга эга нарса — фақат илм-фан, — деб тасдиқлади Смородин ва тарелкасига икра олиб сола бошлади.

«Э, менга нима-я», — деб ўйлади Андрей. Унинг қорни очиб қолган экан, шунинг учун зўр иштаҳа билан овқатланарди, одамлардаги заифлик хислатларини эслаб мийигида қулиб қўйди — мана, масалаи, ҳозир оғзи салат билан бутербродга тўла бўлгани учун, гўё бу ерда

ўтирганлар билан можаролашишга иложи йўқдек кўринарди.

— Соддалаштириш шуҳратпараматликдан келиб чиқади,— Тонковнинг мулойим оҳантда айтилган сўзлари қулоққа келиб чалинарди. Бўнақанги олимлар катта аудиторияни ҳавас қиласидилар. Чинакам ижод эса, ички туйғуларга хос. Гегелнинг асарларини, эҳтимол, унинг замондошларидан атиги мингтacha одам ўқигандир, эҳтимол, шулардан фақат йигирматачаси унга тушунгандир, бунинг Гегелга нима аҳамияти бор?

Григорьев бир йўталиб олиб, тарёлкадан бош кўтармай деди:

— Лекин... Энгельснинг «Табиат диалектикаси» кишиларга Гегелнинг ўнта томидан ҳам жўпроқ нарса берди-ку. Яна содда ва тушунарли қилиб ёзилган.

— Матвей, горчицани қўйинг. Сизга аччиқ нарса тўғри келмайди,— деб тўхтатди уни қайнанаси.

«Бечора,— деб ўйлади Андрей, Григорьев тўғрисида.— Якка.

Сўзи ўтмайди. Унга Ростовцев ва Кунинга ўхшаганлар керак. Тонковдан ўч олиш учун талант ва жучли иродага эга бўлиш керак.. Нега Тонков Кунинни кўролмайди, нега у Григорьевни ўз қаноти остига оляпти? Чунки, унинг ўзи истеъдодсиз одам... Бундан чиқди, фақат ҳақиқий талантга эга бўлган олимгина рақиблари борлигидан шодланаркан-да...»

Тонков ўзини сочиқ билан елпиб, сўзида давом этди:

— ...Тор рамқадаги практик машқлар келадилар ҳам, кетадилар ҳам. Аммо фан, унинг қонунлари абадий қолади. Чинакам олимни унинг назарий ишларига қараб баҳолайдилар. Столетов қонуни доимо Столетов қонуни бўлиб қолаверади.

— Эҳ, бу шон-шуҳрат масаласига доир нарса-ку,— деб чўзиб қўйди Анечка.

— Қисман шон-шуҳрат тўғрисида ҳам.

— Ха, бу нарса сизда етарли,— деди Смородин илтифот билан. Андрей: «Бу ўзаро завқланиш жамиятими дейман» деб ўйлаб, илжайиб қўйди.

— Мен ўзимга ачинмайман,— деди Тонков Андрейнинг лабларида табассум аломатларини сезгач, чуқур хўрсиниб,— Мен ижодкор ёшларимизга ачинаман. Масалан, мана сизни олайлик, Андрей Николаевич, ўз қобиљиятингизни аллақандай хом хаёл асбоб учун бекорга

сарфлаб ётибсиз. Фараз қилайлик, бир неча йиллик вақтингизни ва асабингизни сарфлаб, оқибат уни ясарсиз. Кейин нима бўлади? Орадан бир йил ўтар-ўтмас бошқа бир инженер бу асбобни такомиллаштиради, яна бошқаси унга бирон нарса қўшади, оқибат: қараабсизки, Лобанов асбобидан ному нишон қолмабди-ю, унинг ўрнига Сидоров ёки Петров асбоби пайдо бўлиб қолибди. Лобановни ҳеч ким эсламайди ҳам, сизнинг қилган меҳнатларингиз уннутилади. Эвоҳ! Техниклар билан олимлар ўртасидаги аянчли фарқ шундай.

Андрейнинг бурун катаклари керилиб, тез-тез нафас ола бошлади, ўрнидан қўзғалди; шу пайт кўнглиниңг бир бурчида: Кунинга ўхшаб чиройли сўзлар билан баҳузур жавоб беролмайман-да, деган фикр пайдо бўлди. Бу кеча унинг қалбига келиб йифилган барча алам ва ғазаб аъзойи баданини қақшатиб ўтиб кетди. Зинаида Мироновна хўрсиниб қўйди, ҳамма ялт этуб Андрейга қаради.

— Андрей Николаевич,— Григорьев қайнанасининг хирқироқ овози эшитилди,— ўтинаман, менга фрикасе ни узатиб юборсангиз.

Фрикасе? Андрейнинг жўзлари жавдираб, сардакли балиқ, гўшт солинган чўзинчоқ тарелкалар, ранг-баранг салат идишлари, лаққа балиғи атрофига оч-сариқ лимон бўлаклари қўйилган тарелкачалар, аллақандай соус идишлари, вазалар билан тўлган стол устини кезиб чиқди. Петушковнинг юпқа лаблари заҳархандалик билан жилмайиб туради. Андрей Григорьевга савол назари билан қаради, лекин у анча нарида ўтиради. Смородин секингина пиқиллаб кулиб қўйди. Қайнана ўз гажакларини ғурур билан силкиб, жигар ранг соусли тарелкани олди, у тарелкадаги шўрва бетида майда қилиб тўғраган гўшт доналари сузиб юради.

Андрей бу ҳолдан қанчалик ўқинмасин, барибир юмор туйғуси уни илжайишга мажбур әтди. У уйдаги ғовур-ғувурни босиш учун янада баландроқ овоз билан, Тонковга мурожаат қилди:

— Шундай бўлса ҳам, менга бир оғиз гап айтишга рухсат этинг...

— Андрей Николаевич, бизга раҳмингиз жесин,— деди Зинаида Мироновна тантқиқлик қилиб.

— Йўқ, рухсат этинг,— деб ўз сўзида туриб олди Андрей. Энди унинг юзи жиддий қиёфага кирди. Ўзи-

шинг қулгили бир ҳолга тушаётганини сезаркан, ҳозир ҳар қандай беадабликка ҳам тайёр эди.— Менинг абадий ном қолдиришим тўғрисида ғамхўрлик қилиб бекорга овора бўлибсиз. Ҳар қандай олимдан ҳам улугроқ, серунумроқ бир нарса борки, — деди кутилмаганда ўзини босиб,— бу— фаннинг ўзи ва минглаб оддий фан аҳллари қиласётган қатъий процессдир. Мен ўз асбобим устида ишлаганимда бунга амин бўлдим. Асбобни биргина мен эмас, лаборатория ясаяпти. Ҳозир якка-якка ишлаш даври тугаб бормоқда. Айниқса фан соҳасида. Энг йирик проблемаларни фақат коллектив ҳал қиляпти. Қисқаси, фан билан техникани бир-бирига зид қилиб қўйиш, бу менимча онгсиэлиқ ва зарарлидир. Улар бири иккинчисиз ривожлана олмайди.

Тонков ўзини одобли кишидек Андрейнинг сўзларини эшитаётган қилиб кўрсатиш мақсадида, мулоиммлик билан бош силкиди. Айни вақтда бошқалар бу сўзларни эшитиши шарт эмас, деб ҳисобларди. Зинаида Мироновна чой қуяр, атрофдагилар ғовур-ғувур қилиб, ўзаро гурунглашиб ўтиришарди. Фақат икки киши — Григорьев билан Анечкагина Лобановнинг сўзларига диққат билан қулоқ соларди. Григорьев уялинқираб жунжаяр ва бошқаларга сездирмасдан, ҳузур билан Андрейга кўз қисарди. Анечка əса ўткир иягини чалкаштирилган бармоқларига қўйиб, хаёлчанлик билан тингларди.

Тонков оппоқ йирик тишлари билан печене тишларкан, орага жимлик тушишини кутиб турди ва ҳаммага бир-бир жўз югуртириб чиққач:

— Сиз, Андрей Николаевич,— деди у,— фан билан техника орасида қолибсиз, эҳтиёт бўлинг, шу орада бутунлай ўтириб қолманг тағин.

Смородиннинг қип-қизил юзлари кулги зўридан титраб кетди.

— Балки, унинг учун ўтириб қолишга фурсат келмагандир ҳали,— деди Анечка ингичка овоз билан кескин оҳангда; у қандай қиёфада ўтирган бўлса, шундай ўтираверди.

Андрей бу кутилмаган ҳолдан тили тутилиб қолди, кейин ўйлаб кўриб, илжайиб қўйди-да, ўз ишидан мамнун бўлиб жойига ўтиrdи.

Кечки овқатни еб бўлиш билан дарров жўнаб кетиш ғалати туюлди. Андрей дераза олдида туриб боғнинг

яшил зулмат қучоfigа кўз ташларкан, ҳозир бу ердан Матвей Семёновични олиб чиқиб кетиб, фирм- фирм шабада эсиб турган тунда хиёбонларда у билан сайд қилиб юриш қандай яхши бўларди, деб ўйлади.

Кейин у конденсаторни эслаб, Смородинга яқинлашди. Смородин ўзидан талаб қилинаётган нарсага тушунгандан кейин, негадир Андрейни бир чеккага бошлаб кетди. Унинг чөхрасидаги қулгидан асар қолмади.

— Сизга жон деб ёрдам бераман,— деди у жиддий,— яrim ставка тўлайсизми? Ё меҳнат шартномаси бўйичами?

— Нима?— деди Андрей тушунмай.

— Иш ҳақини қай йўсинда тўлайсиз, демоқчиман? Мен яrim ставка иш олишим мумкин.

Талаб табиий эди, лекин Григорьевнинг беғараз ёрдамидан кейин, Смородиннинг бу сўзлари унга қаттиқ тегиб кетди.

Смородин ҳозир Андрейнинг қалбида нималар бўлаётганини пайқаган бўлса керак.

— Э-э, сиз ростдан ҳам танти экансиз-ку,— деб илжайди, унинг бу илжайишида ачиниш ва такаббурлик алломатлари сезилиб турарди.— Ҳали ҳам бола экансиз. Бундан кейин қандай яшайсиз? Энди бунақа фикрларни...

Андрей атрофга бир аланглаб олди, уйнинг нариги бурчагидан Тонков уларни эҳтиёткорона кузатиб турарди.

— Сизнинг келажатингиз ҳам мени безовта қиляпти Смородин. Ўз билимларига, даромад манбаи сифатида қараш...— Андрейнинг бурун катаклари алланимадан жиркангандек титраб кетди.— Тонков мактабининг яхши фазилати шуми?

Андрей қулай фурсатни кутмасданоқ, уй эгалари билан хайрлашиб, кўчага чиқди.

— Лобанов билан чима тўғрисида сухбатлашдингиз?— деб сўради Тонков Смородиндан.

Кейин Смородиннинг жавобини эшишиб, паст овоз билан деди:

— Сиз тентаксиз. Эртагаёқ ў билан учрашиб, ҳамма ишни қилиб беришга ваъда беринг. Ҳеч қанақа пул тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас... Жим туринг. Сиз калтафаҳмсиз, Смородин. Сиз ўзингизнинг илм кишиси эканлигинизни жуда барвақт унутибсиз.

Бир неча минутдан кейин у Григорьевни ширин сўзлик билан койий бошлади:

— Сиз шу Лобанов билан бирга ишлашга рози бўлиб ўтирибсизми-я? Олижаноб соддалик. Қўрқаман, Матвей Семенович, сиз учун қўрқаман, тагин алданиб қолманг деб, қўрқаман.

— Матвей, сиз жуда ҳам лақмасиз, мен буни сизга неча марта айтувдим,— деди қайнанаси.

Матвей Семёнович зағча кўзларини бақрайтириб, эътиroz билдиromoқчи бўлди, аммо унга қулоқ солмадилар. Фақат Анейкагина ҳайрон қолиб сўради:

— Бу ерда қанақа алданиш бўлиши мумкин?

— Мен Лобановни авантюрист деб аташга ҳақим йўқ,— деб жавоб қайтара бошлади Тонков майин ва мулоҳаза билан.— Лекин сиз унинг ичига кириб кўринг: локатор битмаяпти, берилган муддат тамом бўлиб қолди, қандай бўлмасин, ўз обрўсини сақлаб қолишга уриниши, бунинг учун биронта илож топиши керак-да. Бу ерда эса Матвей Семёновичнинг қимматли илмий ишлари устида бирга ишлаш имконияти бор.

— Ҳақ рост. Үрнашиб олади-да, кейин ҳамкор бўлиб қолганини пайқамай қоласан. Кейин, ўзингни эшак эмасман деб исботлаб кўрчи,— деди заҳарханда билан Петушков.

Зинаида Мироновна авайлаб эрининг қўлини үшлаб олди.

— Биз сен билан идеалистлармиз, азизим. Тонков кишиларни ажрата билишга уста, унинг гапидан чиқма.

Григорьев Лобановга ишониб қолган эди, у ҳамон пляждаги суҳбат таъсирида эди... лекин мана, Зиночка ҳам айтяпти, Тонков ҳам, қайнанаси ҳам ҳадеб бир гапни маъқуллаб ётишибди... Турмуш масаласида кўпинча улар тажрибалироқ бўлиб чиқишганини ўзи ҳам билади.

## ӢИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

Андрей посёлканинг қоронғи ва хилват қўчаларидан юриб бораради. Қўча чангидаги унинг кенг одим отиб бораётган оёқ товушлари эшитилмасди. У кўйлак ёқасини ечиб, кўкрагини қаршидан эсларкан, хаёл уни ҳар то-

монга олиб қочарди. Ҳаммадан ҳам у Григорьевга азиди, унинг қисмати кўнглини бозовта қила бошлади. Бу Тонков — Петушковлар тўдаси бечоранинг избажини чиқариб юбориши мумкин... Улар кеманинг таг тўсанинг ёпишиб олган текинхўр — чиғаноқларга ўзинайдизар. Ҳаракат қанча тез бўлса, уларнинг аҳволи шунча мушкуллашади. Тезлик уларни шодлантирмайди, балик таҳлика га солиб қўяди. Шу гапларни Тонковининг белиги айтса соз бўларди. Ҳа... Кези келтанди гапириш керак. Худди Куниндек қилиб боплаб гапириш керак. Қани энди, у ҳам Ростовцев ё Кунинга ўхшаб, камсуқум, соддигил ҳам ғоят хушмуомала-ю, ҳам бениҳоя хотиржам бўла олса... Лекин улар Кунинни ҳам қуллатишлари мумкин ва ҳеч қандай янгилик кашф қилмасдан хотиржамлик билан шон-шуҳрат қозониб, умрларининг охиригача роҳатда яшашлари мумкин. Бир ёқдан ўриниларига ўринбосар бўлиб Смородин ўсиб чиқяпти. Лекин ҳаммадан қизифи шундаки, бу Тонковларнинг ҳаммаси ҳам истеъдодсиз одамлар!.. Тўғри, уларни илинтириш қийин. Улар шиллик балиқ сингари, қўлдан сирғаниб чиқиб кетади. Лекин, ҳали биз улар билан курашиб кўрамиз.

Андрей йўлдан бир новда топиб олиб, йўл-йўланлар ўт-ўланларни ва зулматга чўмган тол новдаларини шундай савалардики, хипчин ҳавода ҳуштак чалиб, муздек шабнам томчиларини қўлга саҷратарди.

...У қандай қилиб йўлдан адашганини сезмай қотди. Оёқ остида тайғаноқ ўт шитирларди. Куюқ зулмат қўчоғида онда-сонда битта-яримта чироқ милтиллаб кўриннади. Аллақаерларда итлар ҳурий бошлади. Куюқ булутлар орасидан мўралаб турган ойниниң хира шуъласи йўлни ахтариб топишга ҳалал беради. Андрей қоронғида тусмол билан ариқлардан ҳатлаб, айвони чироғ билан ёритилган тўппа-тўғридаги уй томонга йўналди. Қоронғитикда унинг олдida пастаккина панжара девор пайдо бўлди.

Ҳеч қаерда эшикча кўринмасди. Энг қулайи, девордан ошиб тушиб, уй эшигини тақиллатиш ва уй эгаларидан йўлни сўраш керак. Андрей хаёл сурнаб ўтирмаи, тўсендан ушлаб туриб, тиззаларни букиб, ирғиб девордан ошиб тушди. Лекин шу пайт жўзга кўринимас бир нареа унинг оёғига тирмашиб жаз этиб чақиб олгандек бўлди. У шабнамдан нам бўлган малина дарахтими синдириб ерга йиқилди.

Бир неча дақиқа у ҳеч нимага тушунмай ётди. Қейин нарироққа судралиб борди-да, ерда ўтирганича, йиртилган шими устидан оёгини ушлаб кўрди. Шу заҳотиёқ бармоқлари илиқ қонга бўялди. Андрей чўнтағидан дастрўмолини олди-да, оғриқдан тишини тишига қўйиб, тиззасининг пастидан маҳкам сиқиб боғлади. Ўрнидан турмоқчи бўлиб, қўлини деворнинг тўсимига чўзди, лекин тиканли симга уриб, қўлини ҳам яра қилди. Андрей сўкиниб, шу тўсимни синдириб олди ва унга таяниб ўрнидан турди. Кейин оқсоқланана-оқсоқланана, ойнавон айвондан чироқ шуъласи тушиб турган ерга яқинлашди. Шими-нинг почасидан узунасига йиртилиб осилиб тушган, у ердан оёғига боғланган қонли дастрўмоли кўриниб турарди. Бир илож қилиб бу йиртиқни тўғнаб қўйиш керак, лекин тўғноғич топилмади. Шу алпозда шаҳарга жўнаш мумкин эмас, ундан кейин, ҳали станцияга борадиган йўлдан ҳам адашиб қолди-ю.

Ойналарига оппоқ докадан парда тутилган айвондан кишиларнинг овози эшитиларди. У шабнамдан ҳўл бўлган ва ўт билан бўялган костюмини қоқаркан, унинг шу ҳолатда кўрадиган уй эгаларининг башараларини кўз олдига келтирди. Оғриқ азобидан буришган юzlари бир илжайиб қўйди. Дуруст, роса миш-миш гаплар бўладиган бўлди-да.

Айвондаги фўнгир-фўнгир баландроқ эшитила бошлиди, ойна пардаларида икки жишининг сояси жўринди.

— Ҳеч қаёққа кетмайсан,— деди эркак овози,— шу ерда қол.

Сўкут бир-икки секундга чўзилди, кейин аёл киши-нинг шиддатли янгроқ овози эшитилди:

— Уялмайсанми?

Унинг овозида ажабланиш ва аламли оҳанг сезилиб турарди.

Эркак киши ўзини зўрлаб кулди ва аёлга яқинлашди. Аёл орқаси билан ойнага суюниб турди, шунда деразага тушиб турган сояси Андрейга аниқ кўрина бошлади, ҳурпайтириб таралган соchlари орасидан чироқ шуъласи фира-шира ўтиб, унинг сочини боши устидаги қуюқ туутнга ўхшатарди.

— Ўзинг биласан-ку, мен сени севаман,— деди эркак бир оз ўкиниб.

Андрей шу пайт зина панжарасидан ушлаб эшик ос-тонасига кўтаришди-да, эшикин қаттиқ тақијлатди.

Эшик занжирин шилиқ этиб тушди. Андрей оллида хипчагина бир қиз пайдо бўлди, у эшик кесакисига қўли ни тираб турарди. Чирогининг ёруғ нурида Андрей қизни яхши кўролмади. Фақат қизининг сап-сариқ, жингалак соchlарини, узун ва хушибичим бўйини, ҳамда кўзларини-гина кўра олди, холос. Унинг қон-қора кириклар билан қуршалган қийиқ кўзлари алам ва газабдан хиралашиб, гўё ичкарига ўгирилиб олгандек, Андрейга бақрайиб бо-қиб турарди. Қиз кўринишдан ҳозир шундай руҳий из-тиробга тушган эдик, одатда бундай пайтларда хиши-нинг бутун вужудида нималар содир бўлаётгани бир қарашишинг ўзида ҳаммага аён бўлади.

Андрей орқасига қайтиб кетгиси келди. Лекин қиз айни пайтда ўзига келди: киприкларини пириллатиб, бир қадам орқага чекинди-да, олдидаги йигитга ўтирилди.

Бу йигит тахминан Андрей билан тенгқур эди. Унинг елкасига кул ранг костюм бефарқ ташланган, бүедой ранг, совуқ кўзлари эса чиройли қилиб сурма қўйилганга ўхшарди. У қўлинни чўятағига тиқиб, Андрейга яхин келдида, қизнинг олдини тўсади.

— Сизга нима керак? — деди у, балаид овоз билан вз Андрейнинг қонга бўялган қўлларига қизиқсиниб ти-килди.

Андрей содир бўлган воқиани бир-икки оғиз гап билан тушунтириб, станцията борадиган йўлни сўради.

Эркак унга қайси йўл билан боришни тушунтирад экан, Андрей унинг орқасида турган қиздан қўзини сў-май турарди. Қиз бошини хам қилиб пошиаси билан ер-га чизарди.

Орага жимлик чўқди.

Андрей йигитга раҳмат айтаркан, ҳозир бу ердач чиққач, қаёққа бурилишини ҳам билмаслигини замони тасаввур қила бошлади.

— Сизга нима бўлди ўзи? — деб сўради қиз.

Қизнинг паришенлик билан қилган ғамхўрлигидан жаҳли чиққан Андрей, борган сари бадгарроқ аччишланиб деди:

— Ҳамма ёғингизга тиканили сим тўениб ташлабсан-у... энди миналар билан тўсими қолибди.

— Вадим, сенда бинит борми? — деди қиз йигитга.

Андрей елкасини қисиб, эшик дастасидан ушлади.

— Қерак эмас.

— Шошманг,— деди қиз, уни тўхтатиб,— мен ҳам шаҳарга бораман.

— Марина!— Вадим куч билан унинг қўлидан ушлаб, кечки овқат тайёрлаб қўйилган стол олдига бошлаб борди ва паст овоз билац уни қолишга ундаи бошлади. Қиз қўлини силтаб тортиб олмоқчи бўлди-ю, лекин кучи етмади.

Андрейнинг авзойи бузилди.

— Менга қаранг,— деди у.

Марина ўгирилди.

— Сиз кетаверинг,— деди қиз;— мен орқангиздан етиб оламан. Қўйиб юбор,— деди у, яна Вадимга.— Эшитяпсанми!— У бу сўзларни шу қадар қатъий нафрат ва хотиржамлик билан айтдики, йигит дарров қўйиб юборди.

«Оҳо!— деб ўйлади Андрей унга қойил қолиб.— Характери дуруст!» У секин-аста остона пиллапоясидан пастга тушди. Оёғи зирқираб оғрий бошлади. Бир миутгина уй деворига суюниб қолди.

Қолармикин ё кетармикин? Андрей қизга қўмаклашиб жерақми, ўзининг қиз билан бирга кетишини истайдими, ё унинг шу ерда қолгани маъқулми,— бунга ҳозир Андрейнинг ўзи ҳам тушунолмасди. Шу пайт тўсатдан, агар қиз шу ерда қолса, ўз қалбида аллақандай кўнгилсиз ҳиссиётлар пайдо бўлишини ҳис этди.

Марина эшик олдига чиқди. У елкасига плащ ташлаб олган эди.

Вадим унинг орқасидан ҳеч нима тушунмаган одамдай эргашиб келар ва худди пўлиса қилаётгандай алланималарни гапиради.

— Мен ҳечнимадан қўрқмайман, ҳечнимадан,— деди қиз маъюс оҳангда.— Ҳозир тегма менга...

У ҳовлига югуриб тушди ва қоронғи зулматга қараб деди:

— Қаердасиз?

Андрей зўрға девордан ажралди. Улар йўлга чиқиб олишди. Марина унга қарамасдан олдинда кетаверди. Оёқ остида наимиққан қум фижирларди. Қоронғи ва кўримсиз йўл бурилиб, дарахтзор ичига кириб кетган эди.

Атрофда «тиқ» этган товуш эшитилмас, ҳеч кимса күрнишасди.

— Шошмай туринг, ахир,— деди Андрей хомуш оҳангда.— Сиздақа тез юролмайман.— Шу пайт Андрей, «Мендан қўрқса керак, шунинг учун ўзини узоқроқ олиб юргандир» деб ўйлади. Қиз биринчи дуч келган одам билан, тагин безори башара йигит билан ярим кечада ёлғиз йўлга чиққанидан нақадар ғазабланган ёки кўнгли ғашмикин.

Марина юришни секиилатиб, ундан қандай қилиб, адашиб қолганини сўрай бошлади.

Қизнинг паришон, аммо хотиржам оҳангда сўзлаши Андрейни қувонтирди. Балки, у киши қўзига шунача кеккайиб қўринмоқчидир, аслида қўрққанидан ичи така-пука бўлаётгандир? Андрейнинг унга раҳми келди: ўзини танитиб, ҳазил аралаш саргузаштиши бирма-бир ҳикоя қилиб берди.

— Ким билсин, мени ким деб ўйлаганкинсиз,— деди у илжайиб.

— Қаранг-а!— деди қиз эътиборсизлик билан. Андрей қиз тапига қулоқ солматанини сезди. Унинг ҳикояси, ўзига ножӯя ва ўринсиз бир нарсадек сезилди. Қизнинг хаёли бутунлай бошқа нарсалар билан банд бўлган пайтда, у сал тилиниб кетган оёғини ўртага тиқиб ўтирибди-я.

Тўсатдан қизнинг юёғи остидан бир қўурбақа иргиб чиқди. Марина чўчиб жетиб, Андрейнинг қўлидан маҳкам ушлаб олди ва уялганидан кулиб қўйди. Унинг бармоқлари кучли ва иссиқ эди. Андрей беихтиёр қизнинг бармоқларини сиққач, у дарҳол қўлинин тортиб олди. У ўзини ноқулай ҳис қилиб, уялиб жетди-да, дағал оҳангда сўради:

— Сизда тўғноғич топилмайдими?

Улар тўхташди, Марина сочидан тўғноғичини олиб берди.

Андрей йўл ёқасидаги тўнгакка ўтириб, шимининг йиртигини қадашга үрина бошлади. Қиз бир неча минут Андрейнинг ҳаракатини жузатиб турди-да, жейин тўғноғични олиб, унинг юлдига чўйка тушди. Андрей йўл юргани учун оёғидан қон оқа бошлаган экан. Марина мулоҳаза қилиб ўтирмай, елкасидаги косинкани юлқиб олди.

— Э-э, нима қиляпсиз?— деб қўл силкади Андрей. Қиз

унинг гапига қулоқ солмай, усталик билан ярасини боғлади, кейин тӯғиғиҷ билан шимининг йиртиғини қадаб қўйди.

Дарахтзор уларни ўзининг илиқ қучоғига олди. Ой нурига кўмилган дарахтларнинг на биронта шохи ва на япроғи қилт этар эди. Ўрмон гўё илиқ сувга шўнғигандек, дарахтларниң уч-учигача сокин ҳаво билан қарағай елими, ўрмон ўтлари, йўлдаги қуруқ чанг ҳидита ҷўмған. Дарахтларнинг кунгурали ола-була соялари Маринанинг кўкраги, юзи, бўйнидан ғаважланниб лип-лип ўтарди. У тўхтаб бошини юқори кўтарди. Андрей ҳам сукутга қулоқ солиб, тўхтади. Аллақандай қуш қанотларини майингина қоқиб питирлай бошлади. Ўт орасидан сичқон логуриб ўтди. Бу майдада овозлар ўрмонда буюк сукунат ҳукм суреётганидан дарак берарди.

Марина эндиғина йиғидан тўхтаган болалардек энти-киб-энтикиб, ҷуқур нафас олди.

Станцияда ҳеч ким йўқ. Поезд келишига ярим соат қолган. Улар баланд платформа бўйлаб гурс-гурс юра бошладилар. Пўлат излар ўрмонни икки томонга ёриб, узоқ-узоқларга чўзилиб кетган. Семафорларнинг рангбаранг чироғлари ёниб туради.

— Сиз жуда қаттиқ оқсаётганини энди кўргандек.

— Ҳечқиси йўқ,— деб гудранди Андрей.— Тузалиб қолади.

— Тузалади. Ҳамма нарса ҳам ўтиб кетади,— деб тақрорлади қиз. Ҳозир Андрей унинг хаёлини бузган бир йўловчи одамдек туюлган эди.— Ўтиринг, ўтиринг дейман,— деб буюрди у.

Андрей скамейкага ўтирди. Марина плашчини кийиб олди. Плашчининг қуйма бурмалари унинг хилча гавдасини мустаҳкам қилиб кўрсатди. У Андрейни қолдирив, платформа бўйлаб юриб кетди. Зулмат ичига кириб ғойиб бўлиб, оёқ товушлари тингач, Андрейга бу қиз қайтиб келмайдиганга ўхшаб туюлди... уни ҳеч кўрмаган, билмагандай ҳис қилди. Орадан бир неча минут ўтди. Салқин тушди. Андрей ўрнидан туриб, ҳассага таяниб Марина кетган томонга юра бошлади. Платформанинг энг қоронғи бир чеккасига борганда, аллакимнинг бўғиқ овоз билан пиқ-пиқ йиғлаётганини әшилди. Џеррон четидаги пилланояда Марина Андрей

келгани томонга орқасини ўгириб ўтирад, у йиғларкан, кўз ёшларини шошиб-нишиб гоҳ енглари билан, гоҳ муштуми, гоҳ бармоқлари билан артар ва чуқур-чуқур энтикарди.

Андрей паришонхотирлик билан унинг қўлидан ушлади.

— Менга қаранг... сизни қайта кузатиб қўяйми?..

Марина, бирор уни беҳосдан ургандек, ирғиб ўрнидан турди.

— Ишингиз бўлмасин!— деб қичқирди у.— Истасам, ўзим ҳам қайтиб кетавераман. Нари туриңг. Ни ма керак сизга? Мен сизни олиб келдимми, энди ўз йўлингизга кетаверинг...

Кўз ёшлари унинг гапириши учун халақит қилар ва яна балтар аччиғини чиқаради.

Андрей биринча деб ғудурлаб, орқасига тисарилди, фонаръ тагига бориб, тўсиққа суюнди. «Аллақандай бемаънилик»,— деб тақрорлади у ўзидан аччиғи чиқиб. Шу яқин ўргада, ўрмонда бойқуш ғамгин оҳангда: «ҳак-ку, ҳак-ку» деб қичқира бошлади.

Узоқдаги қўшни станциядан бўлса керак, паровоз гудоги эшитилди. Поезднинг борган сари яқинлашиб келаётган овози эшитила бошлади. Вокзалчанинг эшиги очилди. Бошига қизил фуражка кийгани бир аёл эснай-еснай платформага чиқиб келди.

Паровоз прожекторининг ўткир нури қоронғи зулматдан пиллапояда буқчайнб ўтирган Маринанинг гавдасини юлиб олиб кўрсатди.

Андрей, қўлидаги таёғини дўқиллатиб, унга яқинлашди.

— Биласизми, мен сизни шу ахволда ташлаб кетолмайман,— деди у кескин қилиб.— Ё поездга ўтириб шаҳарга кетайлик, ё бўлмаса орқамизга қайтамиз. Гап шу!

У энгашиб, қизининг қўлидан ушлади. Қиз итоаткорона унинг орқасидан жета бошлади. Улар ўтирган вагон бўш экан.

— Нега мен сизга ўшқирдим-а?— деди жаҳл билан Марина. Унинг бурун учни қип-қизил, кўз ёшига бўккан қиприклари бир-бирига ёнишиб кетган, ўзи сувга тушиб ҳурнайсан мунуқ боласенга ўхиарди.

Андрей кулиб қўйди.

— Биз фақат бир томонлама танишибмиз. Сизнинг исмингиз Марина бўлса керак-а?

У ўз афтини Андрейга кўрсатишни истамаган бўлса керак, вагоннинг очиқ деразаси олдига бориб турди.

— Марина...— деди қиз бир дам тутилиб, кейин ўгиримасдан қўшиб қўйди.— Сергеевна.

Вагон деразаларининг тўғри тўртбурчаклик акслари пастида ер юзалаб сузаркан, дўиг ва ўнқир-чўнқирларга дуч келиб буқчаяр, синар, дам буталар устига чиқиб йўрғаларди. Темир йўл яқинидаги дараҳатлар осмондаги чараклаб турган юлдузларни дам тўсар, дам очиб кўрсатарди.

Андрей жейинроқда туриб, Маринанинг соchlари шамолда ўйнашини томоша қилди. Қарағайнинг қуриған биттагина барги унинг соchlари юрасига илашиб қолди. Андрей юлиб ташламоқчи бўлди-ю, лекин юраги бетламади.

— Қаранг,— деди Марина узоқда, юронғиликда ли-пиллаб ёниб турган сариқ чироққа ишора қилиб.— Сизнингча нима у?

Қиз ўгирилиб Андрейга қаради. Унинг юзи Андрейга шунчалик яқин эдики, нафас олиши ҳам барабалла эшитила бошлади, Андрей қизнинг кўзларида милтиллаб турган чироқ шуъласини кўрди. У тўппа-тўғри шу шуълага тикилди... Уз қалбida аллақандай нотаниш ҳис уйғонганини сезиб, уни босиш мақсадида, ўзини четга тортиб, деди:

— Нима бўларди, уй-да. Оддий бир уй. Қимdir ухламасдан ўтирганга ўхшайди.

— Жуда қизиқ!

Қизнинг жулги аралаш айтган сўзига жавобан, Андрей яна атайлаб эскича қўрслик билан гапида давом этди:

— Битта-яримта студент дарс тайёрлаётгандир, ё бўлмаса биронта қиз «Уч мушкетер» романини ўқиётгандир-да.

— Эҳтимол... Мен бошқа нарсани ўйлаган эдим. Балки, менинг умр бўйи орзу қилганларим шу чироғ ёниб турган жойдадир. Кичик станцияда поезддан тушиб, шу уйда қолишим кёракдир. Сиз ўз қалбингиз билан ҳеч ҳис қилиб жўрмагансиз... Ана, поезд яна юриб кетди. Чироғ ҳам кўздан ғойиб бўлди. Шундан кейин, чироғ

ёниб турган уйда нималар бўлаётганини ҳеч қачон билолмайсиз ҳам.

Фақат қайтиб учрашмайдиган киши билангина худли шу хилда гаплашиш мумкин. Андрей бундай сұхбатдан зериккандай бўлди шекилли, нима деяётганини ўзи ҳам билмай, тажанглик билан деди:

— Бундай парса фақат ярамас романлардагина бўлади.

Марина ғамгин кулиб қўйди.

— Сиз, албатта, қайси станциягача билет олган бўлсангиз, ўша станцияда тушарсиз.

— Ундай эмас,— Андрей бирдаи ўзида ишонч пайдо бўлганини сезди.— Ахир сиз ўзингиз... У ерда қолмай, яхши қилдингиз.

Қиз ғазабли оҳангда алланималар деб эътиroz билдирди, лекин Андрей паровоз гудоги билан эшифтади. Поезд шаҳарга кириб бораётган эди.

Улар вокзал олдидаги майдонга чиқишиди. Шамол бўй-бўш кўчада автобус билетларини учирив юради.

— Сиз қай томонга борасиз?— деди Андрей.

— Мени кузатишни ўйламай қўя қолинг,— деб огоҳлантирди Марина.

— Нега?

— Биринчидан, мен хоҳламайман... Иккинчидан, сиз ўйингизга тезроқ боришингиз керак. Оёғингизни ювиб, ярангизни бошқатдан бойланг.

Андрей ууни таксида кетишга кўндира бошлади. Трамвайлар тўхтаган. Марина иккиланиб, атрофга алангларди. У ҳорғин, қуёшда қорайган бадани. бу ерда, шаҳарда яна ҳам қорароққа ўхшаб кўринар ва башарасида тундлик аломатлари акс этарди.

Уларнинг олдидан милиционер ўтди. Андрейнинг қонга бўялган йиртиқ шимиға шубҳали назар ташлади.

— Сизсиз имони ушлаб олишади,— деб пўписа қилди Андрей.

... Машина енгил силкиниб, чорраҳалардан ўтиб борарди. Ташқарида шамол ғувилларди. Андрей ярадор оғинни зўр-базўр букиб, бир бурчакка ўтириб олди. У Маринанинг қалдироқ плашчига ҳам тегиб кетмасликка ҳаракат қиласарди. Марина қўлларини тиззаларига қўйниб, роз ўтиради. Ҳамма ёқ қоронги. Андрей ғизиллаб ўтиб

бораётган кўча манзаралари фонида уни ён томонидан кўрарди, холос.

Андрейнинг уйига яқинлашиб қолишиди. Шофёр тўхташ жойини сўради.

— Нарироқда, муюлишда,— деди Андрей. У яна бир икки секунд вақтдан ютишни истарди.

Шу пайт пулни эслади. Шоша-пиша чўнтағидан ғижимланган пулларни ола бошлади ва пайпаслаб қанчалигини аниқламоқчи бўлди.— Кўп бўлса-ку, яхши-я, борди-ю етмаса-чи... Ана шу хаёл унинг Маринага биронта муҳим сўз айтишига халақит қиласарди.

Машина тўхтади, шофёр чироқни ёқди. Андрей унга пул узатди, Марина эса баҳслаша бошлади, шу орада яна бир минут вақт ўтди.

— Эркакларнинг мустақиллигини бутунлай барбол қилишяпти,— деди шофёр фалсафа сўқиб.— Агар уйлангудек бўлса, такси ҳақини ҳам хотини тўлайди, хуллас, бутун молия унинг сумкачасида.

У шошмасдан пулни санаб, чўнтағига солди.

— Хайр,— деди Марина.

Андрей шошмай унга қўл чўэди, кейин шу сустлик билан машинанинг эшигини очди. «Бир нарса дейиш керак, бирон нарсанни сўраса керак, яхши эмас»,— деб ўйлади яна. У ерта тушиб, оёгининг қаттиқ оғриганига чидомлай, букчайиб қолди.

— Балки, сизни уйингизгача кузатиб, қўйиш керак-дир?— деди Марина безовта бўлиб.

У лабини тишлиб, бош чайқади. Машина эшиги қарс этиб ёлилди.

— Шошманг, бундай хайрлашиш яхши эмас...— деди у.

Марина унинг лаблари қимирилаганини қўриб, юзини машина ойнасига тиради. Кечикди. Машина ўрнидан силжиди. Маринанинг қийиқ кўзли чеҳраси унинг кўз олдидан сўнгги марта лип этиб ўтиб кетди. Аччиқ-чучмал тутути ҳиди димоқقا жирди, машина орқасидаги қизил чироқчалар ялт этиб ёнди,— машина борған сари сакраб-сакраб, Андрейдан узоқлашди.

### ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

Эртасига Андрейнинг оёғи шишиб кетди, иситмаси кўтарилилди. Врач уни ётишта мажбур этди, ҳатто китоб ўқишни ҳам тақиқлаб қўйди. Уйдан дориларнинг иси

анқий бошлади. Отаси ўз креслосини овқатхонадан олиб чиқиб кетди. Андрей бир неча йилдан бери бириччи марта ўзини бемор ҳис қила бошлади; бу касалликнинг кўнгилли ва кўнгилсиз томонлари бор.

Зўр бериб кўп ишловчи кишилар касал бўлган чоғларида жисмоний азобланишдан ташқари, баъзан кўпдан кутган оромга ҳам эришадилар. Андрей ўзининг суткасига ўн икки соатлаб ухлашга, кейин уйғониб, яна мудраб кетишга қодир эканлигини англади. Ишда бўлганда у Маринкан аллақачон унтиб юборарди, аммо бу бемаъни ҳодиса уни анча вақтгача ишдан чиқариб қўйса ҳам Марина тўғрисида эртадан кечгача ўйлашига ҳеч нарса халақит қўйласди. У ўша кечаси айвонда қандай ҳодиса содир бўлганини эслай бошлади... Марина ўша Вадимни севағрикана, севмасмикан? Умуман одамлар нега ва нима учун бир-бирларини севишаркин, кейин нима сабабдан бир-бирларидан айнишаркин?.. Бу саволларга жавоб топиш мушкул.

У кўзларини юмган заҳоти, хаёллари хираллашиб, ухлаб кетарди.

Тушида Маринани кўрди. Қиз эгнига врачлар сингари оқ халат кийган. Уйга кириб, унинг боши устида энгашди. Сочлари косинка билан маҳкам боғланган, фақат бир тутамгина сочи қуёш нурида ярақлаб, осилиб турарди. Кейин бу бир тутам соч, такси машинасининг орқасидаги қизил чироққа ўхшаб, тезда узоқлаша бошлади. Сўнг дараҳтлар орасига кириб ғойиб бўлди. Эҳтимол, сен бутун умр ахтарган баҳт ана шудир?.. Андрей вагон бўйлаб югуради ва кичик бир станцияда тушиб қолади. Поезд жўнаб кетади. Бу бўм-бўш станцияда фақат қизил фуражка кийган битта аёл қолади. Андрей ундан бу ерда Марина Сергеевна турмайдими деб сўрайди.

— Фамилияси нима?— деб кескин сўрайди аёл. Андрей елкасини қисади.

Аёл хўрсинади, улар икковлари анча вақтгача жим қоладилар.

Фараз қилайлик, дейди Андрей мудроқ хаёл билан, унинг адреси ҳам бизга маълум. Ана, ишдан чиқиб Маринанинг олдига кетяпти. У уй олдида бир-икки соат у ёқдан-бу ёққа қатиаб юриб туради, мана, ниҳоят, Марина уйдан чиқиб келади. Ёлғиз ўзи. Андрей унинг ол-

дига яқинлашаркан, ажаблангандек эътиборсизлик билан: «Ие, Марина Сергеевна-ку!»— дейди. Марина ҳам ажабланади. Йкковлари бирга кетишяпти. «Бу бизнинг тақдиримизга ўхшайди»,— дейди Марина... Шу пайт Андрей югуриб, девор томонга ўгирилади. Эҳ, энг сўнгги хайрлашув дамларини, аллақандай арзимас пул тўғрисида можаро қилиб ўтқизиб ўтирибди-я! Ҳатто уни станциягача, кейин уйгача кузатиб қўйгани учун қизга раҳмат ҳам айтмади-я. Вой тентаг-э! Яна у билан учрашишни орзу қилишини қара!

Кечки пайт, Катя ишдан қайтгач, уйдаги сукунат бузиларди. Андрей зерикиб қолмаслиги учун Катя Таняни унинг олдида қолдириб чиқиб кетар ва ўзи ҳам ҳар ўн минутда кириб хабар олиб турарди. Кейин ҳаммани ётқизиб, яна Андрейнинг олдига кириб ўтиради.

Шунча ишларнинг ҳаммасини қандай қилиб улгурасан?— деб сўрарди унинг жонсараклик билан ишлашидан ажабланган Андрей. Катя эри ишлайдиган заводда чертёжчи бўлиб ишларди. Уйга соат олти яримда қайтиб келар, овқат иситар, оилани боқар, идиштовоқларни ювар, қийимларни ямар, дазмоллар, уйни супуриб-сидирар, йиғишистирар, кейин кечки овқат, яна идиш-товоқ ювиш, ундан сўнг эртанги овқатнинг тараддудини кўриш... Соат бирдан ошганда ётиб, эрталаб соат еттида турарди. Яхшиям Николай Павлович бор экан, у, Таняни боғчага олиб бориб қўяди. Тушки танаффус пайтида Катя магазинма-магазин зир югуриб, рўзғор учун керакли нарсалар сотиб олар — танлаб ўтириш қаёқда дейсиз — дуч келган нарсани ола-верарди... Федя унга баъзан кўмаклашарди, лекин Катя «идиш-товоққа аралашган эркакларни» ҳеч ёқтирасди. Эркак киши ўтин ёриб бериши, синган, бузилган буюмларни тузатиши, хуллас, йирик иш билан шуғулланиши керак,— дерди Катя. «Лекин,— деб қўшиб қўярди Катя маъюс табассум билан,— бизнинг уйимизда ҳеч йирик иш йўқ, ҳаммаси майда иш-да». Буларнинг ҳаммаси Андрейга илгаридан аён, лекин у кун сайин опасининг қийин аҳволини кузатаркан, ўз лабораториясида ишловчи жувонлар тўғрисида тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолди. Тушки танаффусга бир неча минут қол-

ганда, улар ҳам ўз саватчаларини тайёрлаб, отлана бошлардилар, бунинг учун Андрей уларни қаттиқ уришарди! Қўнғироқ чалинган заҳоти улар кўздан ғойиб бўлишар ва бир соат ўтгандан кейин яна қайтиб келишарди. Қўпинча, ҳатто бир стакан чой билай бир бурда нон еб олишга ҳам улгуролмасдилар. Кечқурун ишлашга истар-истамас зўрға қолардилар. Андрей эса уларни онгсизликда айблаб уришар, аччиқланарди.

— Агар сен уйланган бўлганингда, ҳар бир нарсага бошқача кўз билан қарадинг,— дерди унга Катя.

Катя Андрейнинг уйланиши тўғрисида кўп ўйлар, унинг уйланишини истар ва айни вақтда бу уйланишдаи қўрқарди. Катя укасидан уч ёш катта, онаси ўлгандан кейин, Андрейнинг қисмати учун ўзини жавобгар ҳис қиласади. Катя турмушга вақтли чиққан, шунинг учун ҳам турмуш тажрибаларини укамга ниобаташ кўпроқ биламан деб ўйларди. У, Андрейни битта-яримта «танноз қиз» айлантириб қўймасин, деб қўрқар, нега унинг олдига, уйга ҳеч қизлар келмайди, деб жавотир олар, баъзан шубҳаланиб, унга:— Биронта қиз билан жиддий гаплашиб лормаслигиннга ишонмайман,— дерди.

Бир куни Катя унинг ярасини бошқа бинт билан боғлаб туриб, деди:

— Сенга Рита салом айтди, бугун кўрган эдим.

— Шунақамми?— деди Андрей ва ўзининг бунчалик совуққонлик билан жавоб берганига ўзи ҳам ҳайрон бўлиб, маъюс илжайиб қўйди.

Катя укасининг бетига синчиклаб қаради-да, Рита очилиб, яна ҳам чиройли бўлиб кетганини, унинг жуда бекирим кийинганини гапира бошлади. Андрей сукутда, опасининг ерга тикилган чеҳрасига назар ташлади, унинг чаққаларидағи майдаги ажниларни, бўйин териси қатлам-қатлам бўлиб турганини кўриб, урушдаш аввалиги чеҳрасини тасаввур қила бошлади. Ўша пайтлар, бир куни опасини Рита билан таништирган эди, унда Катя қиз болага ўхшарди.

— Ишдан бўшасанг бўлмайдими?— деб сўради Андрей.

— Ишни бутунлай ташлашни хоҳламайман. Зерикиб қоламан,— деди Катя унинг оёғини оҳиста қўяркан.— Биласанми, Андрюша, мен ярим йилгина дам олсан етарди.— Катя тўшакининг бир чеккасига ўтириб, ҳор-

ғин илжайди.— Қисқаси, бола-чақалик аёлларга саккиз соат ўрнига, тўрт соатдан ишлашни чиқаришса, яхши бўларди.

Андрейнинг касаллик вақтида, опа-ука яна аввалги болалик чоғларидағидек бир-бирларига яқин бўлдилар. Андрейнинг оёғидаги яраси бита бошлагандан кейин, Катяниңг эри унга қўлтиқтаёқ ясаб берди. Андрей авай-лаб хонада юра бошлади. Ошхонага кириб бориб, курсига ўтирас ва Катяниңг қилаётган ишини анча вақтгача хаёлчанлик ғилан қузатиб ўтиради. Андрей характерига тўғри келмаган бу қизиқсиниш Катяниңг кулгисини келтиради. Андрей опасининг ҳазилига тортинчоқлик билан жеркиб берар, аммо ўрнидан қўзғалмай, кўм-кўк кўзларини сузиб ўтиришда давом этарди. Сочлари ўсиб кетган, ўзи ориқлаб, кўйлак ёқаси остидан ўмров суюғи туртиб чиқиб турарди. Катя тез орада Андрейнинг бу ерда ўтиришига кўнишиб қолди. Энди у картошка тозалар экан, ё гўшт қиймаловчи машинанинг дастасини айлантиаркан, ўз қайғу ва орзуларини укаси билан ҳамдамлашарди. Уни Танечканинг тарбияси безовта қиласди. Қиз бутунлай бобосининг ихтиёрида, чол эса қизни ҳаддан ташқари эркалатиб юборибди. Таня борган сари ирkit ва қайсар бўлиб қола бошлади. Катяниңг камсуха, соф кўнгил эри ҳам ўз қизини жондан ортиқ севар, шунинг билан бирга, агар оиласда бола ёлғиз бўлса, доим нотўғри тарбияланади, деб тушунарди. Унда яна бир фарзанд кўриш орзуси бор, аммо Катя истамасди. Улар бу тўғрида тез-тез тортишиб қолишар, Николай Павлович эса куёвинг тарафини оларди.

— Бундан чиқди, мен яна икки йил уйдан эшикка чиқмай қоларканман-да! Хоҳламайман,— деб қайсарлик қиласди Катя.— Шундаям на театрга бора оласан ва на китоб ўқий оласан.

Ҳар бир оиласда бўладиган можаролар сингари ҳақиқат Катя томонда ҳам, унинг эри томонида ҳам бор эди, шунинг учун Андрей кимниңг тарафига ўтишни билмай боши қотарди. Шу пайттacha Андрейнинг энг муҳим эҳтиёжларига алоқаси бўлмаган оиласвий ҳаёт энди ҳаяжонли, соддалиги ва зўр аҳамиятга эга эканлиги билан унинг олдида намоён бўла бошлади. У оиласвий ҳаётга чуқурроқ тушуна бошлаган сари, ҳаётдаги ва

ўзи билан бирга ишловчи ўртоқлари ўртасидаги муносабатлар тўғрисида яниг-яниги фикрларга кела бошлади. Қайси нарса нишадан желиб чиқаётганини айтиш қинин. Эҳтимол, бу ҳодисалариинг бошланиш нуқтаси, пароходда сайилга чиққан кундир, ўша куни у ўз ўртоқлари билан яқиндан танишиб олган эди. Ё бўлмаса, аksинча, у Катянинг тиниб-тинчимай ҳаракат қилишини кўраркан, ҳар бир одам ҳам шунаقا уй-рўзгор ташвишини қилса керак, деб ўйлай бошлади, бу тушуича унинг кишиларга бошқача эътибор беришта ундали ва у сўнгги кунларда қаттиқ ҳис қилаётган — ўзи билан колектив ўртасидаги бўшлиқни тўлдиришга ёрдамлашди.

Кечқурунлари Борисов кириб туради. У уйдагилар билан жуда тез ва самимий дўстлашиб олди. Николай Павловичнинг болалар учун ясаган ўйинчоқлари тўғрисидаги ташаббуси унга жуда ҳам ёқди. Қўғирчоқларни алмашув пункти бу хонадонда катта муваффақият қозонди, қўшни уйларда ҳам, Николай Павловичнинг тили билан айтганда: «Бу ташаббусни қўллаб» нокерак ўйинчоқларни йиғиб, бир-бирларига фойдаланиш учун бера бошлашди.

— Сен чаекки куляпсан,— дерди Борисов Андрейга,— бу жуда бир муҳим иш бўлиб қолиши мумкин. Николай Павлович, сизнинг фикрларингизни, райижрокомдагилар бир эшитишса бўларди-да.

Кейинчалик, Борисов райком бюросининг аъзоси бўлиб сайланганда, бу суҳбатни унутмасдан, ҳақиқатан ҳам Николай Павловични райижрокомга чақиртириди.

Лекин ҳаммадан кўпроқ у Катя билан ҳамфикр бўлиб қолди. Дастьлабки келгаин жуни кечқуруноқ, улар болаларни тарбиялаш усули тўғрисида тортишиб қолишиди.

— Хўш, бола-чақали аёллар учун тўрт соатли иш куни масаласида нима дейсиз?— деб сўради Андрей Борисовдан.

Борисов бу тўғрида Катянинг фикрини тўла-тўқис маъқуллади. Аёлларни, айтайлик, тўрт соат эмас-у, дастьлабки пайтларда ҳеч бўлмагандага олти соатдан ишлатса дуруст бўларди. Балки ҳозирча бунга эришиш мумкин эмасдир, лекин интилиш керак.

Андрей бундай суҳбатлар пайтида энди ўзини бего-

на ҳис қилмайдиган бўлиб қолди. Фақат аҳён-аҳёнда атрофда нима гаплар бўлаётганини билолмай, хаёл сурриб кетар, бундай пайтларда қонсиз юзида ғалати паришон табассум аломатлари кўриниб қоларди. Энди унинг ўз сири бор, бу сир шу қадар маҳфий эдик, у тўғрида ўйлаш ҳам даҳшатли эди.— Ана шу сир унинг Катядан ҳам, Борисовдан ҳам афзаллик туйғуларини қалбига қўйган эди.

Бир кун Борисов Андрейнинг олдига Кривицкий билан бирга келди. Андрей, Кривицкий иш соҳасида бирон нарсани аниқлагани келган бўлса керак, деб ўйлади, лекин Кривицкий ундан ярадор оёғини кўрсатишни сўради, сўнг ҳеч қандай хавф йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, ҳар хил арзимаган нарсалар устида гапириб ўтириди. Кривицкий кўргани келгани, Андрейга қаттиқ таъсир қилди. Бу дағал одамнинг бунчалик илтифотли эканлиги кимнинг ақлига җелибди?

Борисов Андреяга инженерлардан, лаборантлардан салом топширди, шунда Андрей биринчи марта ўзини лаборатория билан боғлаб турувчи ипларнинг кўп ва турлича эканини ҳис қилди. У Вороњко билан Вера Сорокина ўртасидаги муносабатнинг қай ҳолдалигини суриштира бошлади. Ванлошкиннинг хотинининг саломатлигини, Соня Манжуланнинг кайфиятини сўради. Борисов ўзининг ҳамма нарсадан хабардорлигини кўрсатиб ва айни вақтда Кривицкийнинг ажабланганини пайқамаётгандек бўлиб, Андрейнинг саволларига тўла-тўқис жавоб бера бошлади.

— Эҳе, назаримда, сизлар ғийбат қилишни яхши кўрадиганга ўхшайсиз,— деди Кривицкий чидай олмай.— Ундан бўлса, мен ҳам сизлар билан бир тан.

Андрей «ғийбат» сўзини эшишиб, уялиб кетди, Борисов эса бундан хурсанд эди. Терминологияни жин урсин, энг муҳими, муз жойидан силжиди. Лесопаркка қилинган саёмил Андреяга ўз таъсирини кўрсатди. Койилман ўзимга, яша, парторг!

Бу орада Кривицкий окуда ҳовлиқиб тапга жиртишиб кетди. У одамлардаги заифлик ва камчиликларни илиб олиб, уларнинг ҳар бирини қисқача таърифлаб берарди. Масалан, У Потапенкони—«хомкалла», Долгинни эса,—«одам эмас, бурди-бало ёзилган меню» деб таърифлай бошлади.

Андрейнинг ишга чиқишига икки кун қолганда, олди-  
га Рейнгольд келди. У Андрейнинг соғ-саломатлиги түғ-  
рисидаги умумий гаплардан кейин, нокулай сукутга  
чўмди.

— Нима бўлди ўзи? — деди тоқати тоқ бўлган Ан-  
дрей.

Рейнгольдининг чўккаи юзларига аста-секин қон югу-  
ра бошлади. У бошини кўтармай, Андрейдан бу суҳбат-  
ларини сир сақлашни илтимос қилди. Андрей рози  
бўлди.

— Биласизми, Андрей Николаевич, — деди Рейн-  
гольд охири қийналиб ва кўзларини бармоқларига тик-  
кан ҳолда. — Бугун мен... мени бир ўртоқ чақирирган  
эди... Менга айтдими. Балки мен унинг гап-  
ларини шундай тушунгандирман...

Андрей ярим соат вақт сарфлааб, ниҳоят, воқианинг  
нималигини тушунди. Потапенко Рейнгольдга синхрони-  
заторни қуришда ҳамкор бўлсан, деб таклиф қилибди. Потапенко уни чақириб олиб, мени ҳамкор қилиб оласиз  
деб зўрламабди-ю, лекин агар Рейнгольд рози бўлса  
синхронизатор ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиб юбо-  
риши мумкинлигини, уни Йттифоқдаги барча станция-  
ларга тадбиқ қилишни ва эҳтимол, министрликдаги ўз  
танишлари орқали авторларни бирор мукофотга тавсия  
қилиш мумкинлигини тушунтирибди. Бунинг устига  
Рейнгольдга авторлик ҳуқуқини расмийлаштириш түғ-  
рисида баъзи бир маслаҳатлар кўрсатибди, ҳар қандай  
тажрибали администратор Рейнгольдга бундай масла-  
ҳат бера олар эди... Рейнгольдинг гапидан маълум бў-  
лишича, улар ўзаро бақамти бўлиб суҳбатлашганлар.  
Потапенко ўз гапида шу қадар дипломатик нозик сўз-  
ларни ишлатганки, натижада унинг сўзлари Рейнгольдга  
ўз фикридек туолаётганга ўхшабди.

Яхши ҳам Рейнгольд Андрейнинг уйига келди. Агар  
у бу гапларни Андрейга ишга борган пайтда айтса бор-  
ми, Андрей дарҳол Потапенконинг олдига чиқарди-ю...  
кейин безори деб суд қилишса ҳам барибир эди. Нега-  
дир шу чоқ у пивохонадаги воқиани эслаб қолди. Ан-  
дрейнинг қаҳру ғазаби қайнаб тошди. У ўрнидан туриб,  
Рейнгольдга яқинлашди.

— Сиз ўзингизчи... рухсат сўрагани келдингизми?  
Мендан-а? Эҳ, аblaҳлар! — У каттакон болға сингари  
муштумини кўтариб қаттиқ сўкинди.

Ярим очиқ эшикдан Катяниг ҳаяжонли юзи кўришиди. Андрей ғазабли жўзлари билан унга олайиб қаради. Рейнгольд қўлларини чалкаштириб, бўйинни қисиб ўтиради. Унинг қизариб кетган кал бошида майдага тер томчилари пайдо бўлди.

Андрей оёгининг оғриганини ҳам сезмай, унинг у ёғидан-бу ёғига оқсоқланиб юрар ва жимиб қолган Рейнгольдга ахён-ахёнда кўз қирини ташлаб қўярди. Сувга бўккан товуқдай ҳурпайиб ўтиришини қаранг, ғариб кишига ўхшайди-я, ўзини ҳимоя қилмайдими... Шунаقا одам сафдошликка ярармиди?..

— Ҳеч қандай битим бўлмаслиги керак, эшитяпсизми, ҳеч қандай!— дерди бурун парраги кенгайган Андрей бўғилиб.— Эртагаёқ Потапенконинг олдига бориб, уни боплаб сўкасиз...

Рейнгольд қўрқиб бош силкарди. Унинг бу ҳаракатида қандайдир ишончсиз хавф аломатлари сезилиб туради. Андрей унинг елкасидан ушлаб бир силкиди.

— Нима бу, сизни ким айтади эркак деб! Хотининг гиздан ўрнак олсангиз бўлмайдими. Нимадан қўрқасиз? Потапенко қўрқитиб қўйдими? Дўқ қилдими? А? Наҳотки, биз сизни ҳимоя қилишга қурбимиз етмайди, деб ўйласангиз? Вой, сиз-эй,— деди у овозини пасайтириб, сўнг руҳлантирувчи оҳангда ва айни вақтда нафратли қилиб илжайиб қўйди.— Уз сўзли, иродали одам бўлинг, шунда ҳамма вақт ютиб чиқасиз. Потапенко билан мен...

Рейнгольд қути ўчиб, бошини кўтарди.

— Сиз сўз бердинтиз-ку... Андрей Николаевич!.. Мен унинг таклифидан воз кечаман, албатта, аммо сиз...

Андрей башарасини тириштириди.

— Майли, аммо Потапенко олдида тилёғламалик қила кўрманг.

Андрей эртаси кун врач билан олишиб, бюллетени ёлдирди-да, лабораторияга кетди. Рейнгольд бу пайтда Потапенконинг олдига кириб чиқсан экан. У Андрейнинг юзига қарамай тутилиб-тутилиб, унинг таклифини рад этганини гапириб берди.

— Энди синхронизаторингизни жадаллаштиринг,— деди кўнгли тинчланган Андрей.— Кейин кўрамиз. Агар мукофотга лойиқ бўлса, бусиз ҳам кўтаришади.

Демак, Рейнгольд ишни жадаллаштириши керак, бундан чиқди у ёрдамга муҳтож. Фалеев билан Краснопевцевнинг иши ҳам авжига чиқсан. Улар ишнинг расчёт

қисмини тугаллаб, тажриба қилишіга ўтаётгап әдилар, улар ҳам ёрдамчи талаб қылмокұдалар. Комсомолский станциясида автоматиканы тузатыб ишиңгап әди, әнді бошқа ердаги қозонларни ҳам автоматика билан таъминлаш керак, бунинг учун одам керак. Андрей касал бўлиб ётган пайтида Новиков билан Саша локатор макети устида тайёргарлик ишларини бошлаб юборгани әдилар, уларга ҳам ҳеч бўлмагандай битта инженер билан бир лаборант бериш зарур.

Локатор устида ишлашини бир қаича мулоҳазаларга кўра, тезлаштириш зарур: денгизчилар телефон қилишиди, бош инженер безовта бўла бошлади — ахир уларни ишонтириб сўз берган әди-да,— ундан ташқари, Григорьевга берилган ваъданинг муддати битиб қоляпти, лекин ҳаммадан ҳам ўз меҳнатининг самарасини кўришини сабрсизлик билан кутиш туйғуси кучлироқ әди. Бетоқат бўлиб кутиш истаги ҳар бир текширувчи учун таниш.

Одамлар, одамлар ва яна одамлар керак әди.

Шундай аҳвол таиг бир пайтда Майя Устинова ҳам ўз группасидаги одамлар сонини кўпайтиришни талаб қила бошлади. Унинг синов ишлари яхши борарди, Майя баъзан ўз инженерлари билан кечқурунлари лабораторияда алламаҳалгача қолиб кетарди, аммо шундай бўлса ҳам улар график бўйича ишни тамомлай олмасдилар.

Андрей юрагини ҳовучлаб кандидат танларди. Майянинг қўлида ишлаётганларнинг ҳар бири бир кун келиб ҳафсаласи пир бўлиши турган гап.

Устинованинг одам талаб қилган ёзма докладида биринчи бўлиб Цветкованинг фамилияси турарди. Андрей тишини тишига қўйиб ғижинди — йўқ, у Цветковани бермайди. Цветковани ўз группасига олмоқчи бўлиб юрибди. Буларнинг ҳаммасидан бошқа, яна ўз олдига Саша билан Нинанинг муносабатини яхшилашни мақсад қилиб қўйга. Кишини кишига яқиилаштиришда елкама-елка бўлиб ишлашдан афзалроқ нарса йўқ. Тўғри, Майя ҳам Андрей сингари танлаш ҳуқуқига эга, бунинг устига Цветкова унинг шогирди, бироқ, шундай бўлса ҳам Цветковани бермайди.

Майя совуққина қилиб, кишининг хоҳишини назарга олишни маслаҳат қилди. Андрей алам билан елкасини қисиб қўйди.

— Худо ҳақи, Майя Константиновна, ўз кучларимизни майдалаётганимиз ишнинг белига тепяпти... Наҳотки, сиз Тонков методини қайта тиклаш, локатордан ҳам кўпроқ натижа беради деб ўйласангиз? Ўртамиизда нокерак ва нотўғри рақобат бўляпти.

Маянинг тиниқ қўй кўзлари хиралашди. Ҳозир Андрейдан нафратланарди. Унга чекинишини таклиф қиляпти-я! Йўқ, йўқ, асло! Ўзи қилаётган ишига ишонадими? Ишонади. Тонков, Потапенколар унинг томонида. Афтидан, Лобанов чўчиб қолганга ўхшайди, шунинг учун у билан муроса қилишни ўйлаётгандир. Очиқасига мусобақа қилишдан қўрқди... Қиёфасидан, азamat йигитга ўхшайди-ю!

— Андрей Николаевич,— деди у.— Мен сизга ёзма доклад берган өдим, мумкин бўлса жавобини қайтарсангиз. Цветкова тўғрисида эса,— деди Майя илжайиб,— агар у сизнинг локаторингиз устида ишлашни хоҳласа, мен қаршилик қилмайман.

Андрей шу заҳотиёқ Цветковани чақиртириб, ундан Маянинг кўз олдида қаерда ишлашни хоҳлашини сўради. Қанчалик оғир бўлмасин, ҳозир ўзини холисанилло сўраётгандек кўрсатишга уринди.

Нина Андрейнинг қўзигатик қараб, сўзимни бўлармик ин деган мақсадда, доно-доно қилиб гапирди:

— Мен Майя Константиновна билан ишлайман.

Шу топда Андрейнинг кўзларида билинар-билинмас ранжиганлик аломати пайдо бўлди, агар уни ўзига чорловчи бирон аломат сезилса борми, Нина дарҳол айтганидан воз кечган бўларди. Лекин Андрей ҳозир Маринани ўйларди. У Нинага тикиларди-ю, лекин Маринани эсларди. Яна ўша куни Лесопарқда қуёшга чўмган бугазорда тўғри иш қилганини ўйлай бошлади.

— Хўп,— деди бамайлихотир.— Нима ҳам дердик... Шундай қиласиз.

Ана холос, барча умидларинг яксон бўлди. Нина...

Ярим соатдан кейин Нина Майя Константиновнанинг олдига келди. Унинг қошлари чимирилган, лаблари маҳкам қисилган. У Маянинг инструктажига дикқат билан қулоқ солди, кейин ёлғиз ўзи қолгач, унинг енгиб чиқиши учун қўлидан келган барча ишни рад қиласдан бажаришга қасам ичди. Энди миғир-минғир қилмайди. Агар зарур бўлса, кечқурунлари ҳам келиб ишлайди

(албатта аҳён-аҳёнда). Ўқиб илмини оширади. Бирон нарса ихтиро қиласади. Ахмир мактабда ўқиганинда, уни қобилиятли деб ҳисоблашарди-ку! У шу ишларининг ҳаммасини ҳозир амалга ошган деб фараз қила бошлади. Мана, тантанали мажлис бўлади. Тонков ва бошқа олимлар келишади. Майя Константиновна минбардан туриб, ўз муваффақиятларига эришишда Цветковадан миннатдор эканлигни айтади. Ҳамма ўғирилиб қараб, Нинанин топишади, уни президиумга таклиф қиласадилар. Эгнига ўша ҳаво ранг кўйлагини кийган бўлади. Йўқ, бу нарса қишида бўлса керак. Кийик сурати солинган тўр кўйлагини кияди, оёғига мўйнадор қўнжли ботинка кияди. Уялиб-нетиб ўтирумай, ўзининг қандай ишлатанини содда қилиб гапириб беради, сўнг мажлисда ўтирганлар ичидан Андрей Николаевични ахтариб топади. Нина унга истар-истамас бир назар ташлайди-ю, юзини бошқа томонга ўгиради, ана шунда Андрей уялганидан қизариб кетади... Йўқ, у бошини қўйи солиб залдан чиқиб кетади-да. уни пастда кутиб туради. Кейин одамлар қуршовида пастга тушганда, Андрей уни бир чеккага чақириб олади. Шунда у ўз ҳамроҳларига: «Кечирасиз, ҳозир» дейди-ю, Андреидан совуққина қилиб: «Нима демоқчи эдингиз?»— деб сўрайди,— «Нина,— дейди Андрей,— мени кечиринг, Нина, мен кўр эканман, сизнинг бундақангилигингизни билмаган эканман...»— «Сиз кечикдингиз, Андрей Николаевич,— ғамгин ва совуқ қилиб жавоб беради у.— Менинг қалбимдаги ҳамма ҳис-туйғулар куйиб, кул бўлиб кетган».

Хаёлининг ана шу ери қандайдир шубҳалироқ бўлиб кўринди. Ундан кейин, Андреининг эшикка чиқиб, уни кутиб туришига ҳам ишонмади. Агар борди-ю, у бошқалар билан биргаликда Нинанинг сўзларини қарсак чалиб қарши олса юбу воқналарин ўйлаб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ, албатта. Йўқ, бутунлай бошқача бўлади. «Нина»,— дейди у...

— Ниночка, тумовмисиз?— деган Новиковнинг овози унинг қулоги остида янгради.

— Йўқ, нега — ёди у, тушунмай.

— Қарасам, оғзингизни очиб ўтирибсиз.

Нинанинг хаёли учиб, ғойиб бўлди,— атрофда яна ўша стендлар, дастгоҳлар, Новиков, Пека Зайцевларнинг кулиб турган чехралари кўрина бошлади. У гўё

ҳеч нарса бўлмагандек, ўзини кулишга мажбур этди. Кулинг, кулиб қолинг, ишқилиб ўзингиз ҳали масхара бўлиб қолманг.

Цветкованинг Устинова қўлига ўтиши Андрей билан Устинова ўртасидаги муносабатни яна кескинлаштириди. Майя у билан расмий оҳангда таъкидлаб гапиришар, нимаики талаб қилса, ариза ёзиб келарди. Андрей чидам билан унга гапни очиқасига тушунтиришга уриниб кўрди. Ахир унинг локатор тӯғрисида қандай фикрда бўлишидан қатъий назар, бу нарса Лобановни ўзига душман ҳисоблашга сабаб бўлолмасди. Андрей ундан нормал муносабатда бўлишни талаб қилди. Майя ўзини тушунмаганга солди. Ҳа, у ўз ишини йўқ қилиб юборишига йўл қўймайди. Бунинг нима ёмонлиги бор экан?

— Мен сизнинг ишингизни йўқ қилмай иложим йўқ,— деди аччиғланган Андрей.— У сичқонлар ўйинику.

Бу суҳбатдан ҳеч натижа чиқмади. Унинг беҳосдан айтиб юборган сўзи Бошқармага бориб етди, Андрейни бошлиқ олдига чақиришиди. Иш бу билан ҳам тугамасди, лекин бош инженер кескин равишда Лобановни ёқлай бошлади.. Бироқ, Устинованинг группасини автомон группа қилиб қўйишиди. Лобановнинг аҳволи яна ҳам дудмалроқ бўлиб қолди. У Устинованинг ишини текширишга ҳақи йўқ, лекин ёрдам беришга мажбур; унга халал беришар, аммо ўзини ҳимоя қила олмас эди.

Лабораториянинг ўзида ҳам кўпчилик унинг Устинова ишига муносабатини маъқулламасди. Ҳатто Борисов ҳам Тонков томонга оға бошлади. Усольцев, Новиков, Рейнгольдлар Тонковнинг илтифотларидан бениҳоя завқланардилар; Тонковнинг қўйл бериб кўришиши, сертакалдуф сўзлар айтиши уларга ёқарди. Тонков Устинованинг ишини мақтаб, ҳаммани уни муваффақиятли чиқишига ионтиаркан, аллақандай нотаниш сўзлар ва мураккаб терминлар ишлатиб улар олдида гердаярди.

Фақат ёлғиз Кривицкий очиқдан-очиқ кулиб:

— Замон алданишни хоҳлаб қолибдими, майли алданаверсин,— дерди.

Кривицкийнинг бу шубҳали сўзларига ҳеч ким эътибор бермади, чунки Тонковнинг Майяга яхши муносабатда эканини ҳамма кўриб турган эди. Дарҳақиқат, у

Устинова группасининг муҳтожликларига жуда катта эътибор берар эди.

Ҳар бир олимнинг ҳаётида, деб ўйларди Тонков, қайғули дамлар бўлади, бундай пайтда эришилган ютуқни ҳимоя қилмоқ учун, янгилик яратишга керак бўлган кучдан ҳам кўпроқ куч сарф қилиш лозим бўлади. Акс ҳолда, янгилик яратишга нисбатан, яратилган нарсани йўқотиш кўпроқ бўлади.

Маълумки, Тонков ўзини фан соҳасидаги реакционерлар, янгиликни таъқиб этувчилар, монополистлар ва шунга ўхшашлар қаторига қўшмасди, албатта. Аксинча. Бўлмаса, анча-мунча янгиликлар яратган, тажрибакор, хизмат кўрсатган бир одам тузуккина мансабга эга бўла туриб, кексайган вақтида Лобановдек номи чиқмаган йигитчага қандай қилиб ўз ўрнини бўшатиб беради? Шуadolatданми? Ахир ўша Лобанов ҳам баланд мансабга миниб олгандан кейин ёлғон-яшиқ гаплар билан ўз рақибларини қулатишга киришади-ку. Бу табиий бир ҳол, ҳаётнинг ўзи шундай. Фан соҳасидаги муваффақият Тонковга бир чўққи сингари гавдаланаар, у ерда фақат бир одам учунпина жой бўлиши керак, деб ўйларди.

Тонков агар ўзига ҳамкасб олимлардан биронтасини мақтасиба, бу билан менинг обрўимни пасайтирмоқчилаар деб қатъий ишонарди; қимда-ким биронта ютуққа эришса, Тонков ўз ютуғидан ўғирланган деб ҳис қиласди. У ҳамма ерда ёлғиз ўзи бўлишни истар, бошқалар унга халақит қиласдилаар. Шуҳрат бамисоли бир пирог-у, ундан бир бўлак бошқа одамга қирқиб беришса, Тонковга оз қолармиш. Шу бўлакни олган одамни у ўлгидек ёмон кўрарди. Лекин ўзига ёрдам кўрсатадиган кишиларга жуда-жуда ғамхўрлик қиласди. Майя Устинова унинг чириган ғояларини жонлантиришга вижданан ва зўр ишонч билан киришганини кўриб, Тонковда унга нисбатан самимий миннатдорлик түйғулари уйғонди.

Техника бўлими Андрейдаи турли қофозлар, ҳисоботлар ва формалар талаб қилавериб жонига тегди. Йилгари телефон орқали ҳал қилинадиган нареалтар ўрнига ҳам энди узундан-узоқ пўписанамо хатлар кела бошлилади.

Андрей Долгинга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

— Қоғозсиз бир қўнғизсан, қоғоз билан одамсан, — деди кинояли кулиб Долгин.— Бу, албатта, ҳазил. Сиз ўзингиз мустақилликни талаб қилган эдингиз. Талабингиз амалга оши. Бундан буён сиз билан мустақил бир маъмурият сифатида алоқа қиласиз. Сизга юборилаётган қоғозлардан кўп эмас.

— Станция, станция.. станцияларда бутун бир аппарат ишлайди,— деди ғазабланиб Андрей,— мен ёлғиз ўзимман. Котибга айланниб қолдим. Менга одам беринг.

Долгин жиддий хўрсанди, аммо қўзлари қулиб турарди.

— Бу менинг қўллимдан келмайди. Штат масаласи бир йилда бир марта ҳал қилинади.

Бундан кейин, орадан кўп вақт ўтмай, Андрей яна бир даҳшатли зарбага учради.

Бошқарманинг буйругича, «штатларни қисқартириш» баҳонаси билан Рейнгольд ишдан бўшатилди. Кадрлар бўлнимининг бошлиғи, отставкага чиқсан полковник, Рейнгольднинг бўшатилиши учун алоҳида топширик бўлганини айтди.. Рейнгольд уруш пайтида босиб олингандерга бўлган, шунинг учун.. ўзингиз ҳам тушунарсиз.. Афтидан бу ҳодиса кадрлар бўлими бошлиғини хижолатга қўйган бўлса керак, у кўзини стол четида турган қоғоздан узмай, истар-истамас, гўё оғзиға аччиқ нарса олган одамдек афтини бужмайтириб гапиради.

Парткомда Зорин анча гапиришгандан кейин Андрейга сирни очди: Рейнгольд устидан материални Долгин тўплаган экан. Долгиннинг бу ишни қилишига қандай важ бўлмасин, барибир Рейнгольдни ишдан бўшатиш керак.

— Сен ўзингни менинг ўрнимда ҳис қилиб кўр, ахир,— деб ўзини оқлай бошлади Зорин.— Долгин менга қарши шубҳали кишиларни ўз қаноти остига оляпти деб ўйлаб, ҳар хил гийбатлар ёза бошлайди.. Мен Рейнгольдга кафил бўлолмайман.

— Бўлмаса, Долгинга қафил бўлоласанми?— деди Андрей.

Кейин Потапенконинг Рейнгольдга зўрлаб ҳамкор бўлишга уринганини айтиб берди.

Зорин секин бош чайқаб қўйди. Қани далил? Биз Рейнгольдга нисбатан Потапенкога кўпроқ ишонамиз. Ундан кейин, гап Рейнгольдинг анкетасидаги маълумотлар устида кетаётганда, бу ерда Потапенконинг нима алоқаси бор? Бундай қонун бўлмаса керак, Конституцияда ҳам айтилмаган, лекин Долгин кўрсатмани далил қиляпти, бу масалаларда у жуда уста...

Андрей димиқиб кетди, кўйлагини елпиб қўйди. Кейин стаканга сув қўйди, сув илиб, bemaza бўлиб қолган экан.

— Шуни билиб қўй, биз бу ўзбошимчаликка йўл қўймаймиз,— деди оҳиста Андрей ғазабини босишга уриниб.— Борисов иккаламиз станцияда Рейнгольдинг ишини аниқладик. Гитлерчилар Таллинни ишғол қилганда Рейнгольд хотини, уч яшар ўғли билан у ердан чиқиб кетган экан. Шаҳардан йигирма километр нарида немислар қочоқлар орқасидан етиб келиб, уларни яна қайтариб олиб кетган экан. Оккупация вақтида у ўзини соф виждонли киши сифатида тутган, бу аниқланган. Хўп, у оккупацияда бўлган экан. Ахир унинг айби нима? Сенингча, оккупацияда бўлган ҳар бир киши ишончсизми, душманми? Бу билан фақат одамларнинг ғазабини келтириш мумкин. Агар Рейнгольд партия аъзоси бўлганда эди, сенларнинг бу номерларинг ўтмай қоларди. Партия мажлиси бунга йўл қўймаган бўларди. Одамлардан сўра — унга ҳамма кафил бўлади. Сиз бўлсангиз, якка ўзингиз масалани ҳал қилиб ўтирибсиз. Партиянинг ишончидан фойдаланибсиз. Бу ўзбошимчалик! Агар сен ёрдам бермасанг — бизрайкомга борамиз, обкомга борамиз, аммо Конституцияни булғашга йўл қўймаймиз.

Зориннинг япалоқ юзига жон кирди. Ана бу жойида. Райком ишга олинсин деб команда берса бўлди, у жон деб қабул қиласди.

Райкомга Борисов жўнаб кетди. Иккинчи секретарь Ковалевскийнинг қабулхонасида одамлар гавжум. Борисовга соат олтини тайинлашди, аммо соат еттидан ошиб кетса ҳам навбат ҳеч илгари сурилмасди. Ковалевскийнинг кабинетига дам ўтмай инструкторлар кириб-чиқиб туришар, телефон тинмай жиринглар, секретарь қиз инчкарига қўнғироқ бераркан, навбат кутиб ўтирганларга эътибор бермай қараб қўярди.

— Келганимга бир соатдан ошди,— деб шикоят қил-

ди Борисовга ёнидаги кекса бир аёл. Улар ўзаро сухбатлаша бошладилар.

Танқид қылгани учун бошлиқлар уни оддий инженерликка тушириб қўйишибди. Аввал группа раҳбари экан! Ҳа, майли, Қовалевский ўзи аниқлаб, айбдорни топади.

— У илгари бизнинг лойиха бюромизда ишларди,— деди фахрланиб аёл.— Тўппа-тўғри институтдан менинг группамга келиб кирган эди. Кейин уни бу ерга олиб қўйишибди. Тез ўси. Азамат йигит!

Рейнгольд ишидан бошқа Борисовининг яна бир муҳим илтимоси бор: у Ванишкун оиласига уй сўрамоқчи. Ванишкуннинг хотини яқин кунларда тувиши керак, энди бундан бўён уларга бошқа-бошқа ётоқхоналарда яшаш сира мумкин эмас.

Кабинетнинг қора клеёнка билан қопланган баланд эшиги очилди, Қовалевский қабулхонадан ўтиб кета бошлади. Борисовнинг ёнидаги аёл дарҳол ўрнидан турди-да, чеҳрасида қувноқ табассум билан Қовалевский томонга юра бошлади. Қовалевский ўзининг шаҳло кўзлари билан аёлга бир назар ташлади-ю, ўтиб кетаверди, унинг чақнаб турган кўзларида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. У соатига ташвишли назар ташлади-да, аёлнинг ёнидан ўтиб кетди. Аёл хижолат тортиб ўз ўрнига қайтди.

— Танимади,— деди у бўғиқ овоз билан.— тўрт йил бирга ишлаган эдик-а. Мен унинг дастлабки расчёт қилишига ёрдамлашган эдим. Бундай одамлар қаёқдан чиқади? Ўзи бўлмаса ишчи оиласидан... Айтишларига қараганда, районни илфор районлар җаторига чиқарибди, лекин кишиларни танимайдиган бўлиб қолибди...— Хотин масхараомуз бош чайқаб, оппоқ соч толасини тўғрилади.— Энди у катта бўлиб кетган, эски Ҷадрдонларни танирмиди.— Урнидан турди.— Мен унинг олдига кирмайман.

Борисов аёлнинг орқасидан унинг буқчайган гавдасига тикилиб қолди. Шу пайт қалбida кечириб бўлмайдиган аламли туйғу пайдо бўлди. У қабулни кутиб ўтишаркан, бу аёл тўғрисида ҳам, кейин Қовалевскийнинг шу ўтган икки йил мобайнида бирон марта бўлсин лабораторияга бормагани ҳақида ҳам, коммунистлардан ҳеч кимни танимаслиги ҳақида ҳам гапиргиси келди. Лекин кабинетга чақиришганда у яна Рейнгольд ва Ванишкунни эсга олиб, бошқа тўғрида ҳечнима демади.

Ковалевский Ванюшкнилар оиласининг қисматига жиддий эътибор берди. Лекин Рейнгольдга ёрдам беришдан кескин бош тортди. У суҳбатни усталик билан ёшларнинг уйи устига бурав, бу масалада жуда ҳайратланар, ўзини ҳар иарсага тушунадиган очиқ кўнгил қилиб кўрсатарди. Негадир бу масала унинг учун жуда ҳам муҳим бўлиб чиқди, у тўғрида албатта ўйлашиб кўради. Оила масаласи — ҳазилакам иш эмас, ахир бу бизнинг ёшларимиз, уларга, уларнинг турмуш шароитига зўр эътибор беришимиз керак... Рейнгольд бўлса — ҳеч гап эмас, бизда ўринни босиб бўлмайдиган одам йўқ, ўртоқ бошқа ерга бориб ишга киради, ўрин алманишдан давлат ҳеч нима йўқотмайди. У Рейнгольд тўғрисида қандайдир телефонда сўзлашувчи оҳангда совуқ гапирди. Юзи зерикарли тус олди. Ковалевский Рейнгольд тўғрисида ғамхўрлик қилгудек бўлса, бунинг учун бошқалар билан жанжаллашишга тўғри келади, деб тушунди Борисов. Ўз устига бундай жавобгарликни юклаб нима қиласди? Нима кераги бор?!

Шундай қилиб, Борисов Ковалевскийга ҳечнima демади. Ванюшкинга ваъда қилинган ордер туфайли, албатта... Шуни ҳам ишни дўндириш дейдилар. Борисов раённомдан хомуш бўлиб қайтди. Иш деб ўз шахсий истагининг баҳридан ўтганини ўзига тушунтиришга қанча уринса ҳам, барибир нимагадир ўзидан нафратланарди.

Орадан бир ҳафта ўтди, Рейнгольд ишдан бўшади. Андрей Рейнгольд билан ҳайрлашган вақтни, унинг бўздек оқариб кетган юзини, пир-пир учуб турган кўзларидаги англашилмовчилик аломатларини сира кўз олдидан кеткизолмайди. Рейнгольд ҳечнima деб гапирмади, лекин ҳамма нарса равшан. уни ҳимоя қилишга сўз беришди-ю, уддалай олишолмади. Агар ўшанда Потапенко билан келишгандা эди, ишлайверарди, ҳечнima ҳам бўлмасди. Йўқ, Андрей Рейнгольдин қабиҳ битимдан сақлаб қолгани учун ҳеч ачинмайди. Бошқа иложи йўқ. Йўқ, иккита бошқа-бошқа масалани бир-бирига алоқадор қилиш ярамайди. Потапенконинг таклифи бир иш, Рейнгольдиниг адолатсизлик билан қонунсиз ишдан бўшатилиши бутунлай бошқа бир иш. Лекин бу нарса Рейнгольд учун ҳам сабаб, ҳам оқибат бўлиб чиқди.

Андрей билан Борисов уни қўлларидан келганча

юпата бошладилар. Ҳали улар курашадилар. Рейнгольдни албатта ўз ўрнига қайтариб олиб келадилар. Шунини ёмонки, Рейнгольднинг ўзидан умид йўқ, у бутунлай руҳий тушкуиликка учраган.

Лабораториядагиларнинг ҳаммаси таъблари хира бўлиб, хўмрайиншиб, уялишиб юрардилар. Борисов Рейнгольднинг аллақандай бир артелга жойлашишга кўмаклашди. Орадан бир неча кун ўтгач, Андрей билан Рейнгольднинг ўйига кирди. Унинг авзойи бузуқ. Уйидаги барча буюмлардан умидсизлик, қаровсизлик аломати сезилиб турарди. Эшик тепасидаги сигнал чироғлари ёнмасди. Дастгоҳ эски газеталар билан ёпилган. Андрей синхронизатор устидаги иш қандай силжиётганини айтиб беришга уринди. Рейнгольднинг намланган хира кўзлари ялт этиб кетди; агар хотини бўлмаганда албатта йиғлаб юборган бўларди. Хотини ниҳоятда мардлик билан ўзини тутиб турарди. Андрейни ҳеччима деб айбситмади. У иззат-икром билан меҳмонларни овқатга таклиф қилди, Андрей билан Борисов бу таклифни рад этолмадилар. Хотин ўзининг ҳар бир ҳаракати билан «Ишларимиз жойида,— демоқчи бўларди.— Бизга сизнинг ҳеч нарсангиз керак эмас. Биз яхши яшаб турибмиз. Ҳар ҳолда сизнинг хайриҳоҳлик билдиришинингизга муҳтож эмасмиз».

Андрей ўзини жуда ёмон ҳис қила бошлади. Рейнгольднинг ўғли билан гаплашишга уриниб кўрди, аммо у қизариб, юзини тескари бурди. Андрей, бола менинг шу ҳолга тушганимдан уяляпти, деб ўйлади.

Кўчага чиқишигандан Андреи Борисовга:

— Бебурд бўлиб қолдим,— деди.

— Агар биз уни ўз ўрнига кирита олмасак,— деди Борисов,— икковимиз ҳам бебурд бўламиш.

Борисов Андрейни ўз локатори устида ишлашни давом этдиришга зўрга кўндириди. Андрей бор кучини Рейнгольднинг синхронизатори устида ишлашга сарфламоқчи бўлган эди. Андрейнинг Рейнгольд олдида, одамлар олдида ва ўз олдида ўзини оқлаш учун бирдан-бир йўл шу эди.

— Масаланинг бундай ҳал қилиниши фақат Потапенкога қўл келади,— деди Борисов.— Ким билсин, балки уларниг ўйлаган мақсадлари ҳам шудир.

Андрейнинг ўзи райкомга борди. Ковалевский ҳар бир ишга давлат нуқтай назаридан қараш кераклиги ва

сиёсий тушунча ҳақида гапира бошлади. Андрей ғазабланиб, қўлларини жаҳл билан силтаркан, Ковалевскийни ман-манликка берилиб кетган, деб уни киши тақдирiga эътиборсизлик билан қарашда айблаб, эшикни тарс этиб ёпиб чиқиб кетди.

Ана шундан кейин Андрей негадир бутунлай ўзини босиб олди. Қалбидаги бебош тажанглик совуқ ғазаб билан алмашди. У Ковалевский билан тентакларча, ўйлашмай муомала қилди. Хайр, майли, бу ҳам бир сабоқ. Зарур бўлиб қолар. Энди ишни бошқача қилиб кўрамиз.

### ЙИГИРМА ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ

Андрей куздан бошлаб бассейнга қатнайдигаи бўлди. Ванюшкин билан Пека Зайцев қистайвериб ахир қўймадилар.

Биринчи машғулот пайтидаёқ, йигитлар сафга тизилишиб турганида, Андрей тўсатдан Лиза Потапенкони кўриб қолди. Уларнинг кўришмаганларига талай вақт бўлган, шунинг учун бўлса керак, Лиза Андрейнинг кўзига ўзини анча олдириб қўйганга, озганга ўхшаб туюлди. Андрей суюниб ишора қилган эди, лекин шу пайт команда овози эшитилиб қолди. Андрей ҳаммадан новча бўлгани учун сафнинг олдида турган эди, шу сабабдан сувга ҳам биринчи бўлиб кириши керак. У марра курсиси устига чиқиб, оёқ бармоқлари билан курсининг ғадир-будур резинкали қиррасини босди, кейин эгилиб, сувга шўнғиди. Сув аввалига жуда муздек туюлди, кейин белгиланган йўл бўйлаб сузиб кета бошлади. У оёқларини шапиллатар экан, сувга қараб нафас чиқарарди. Эҳ, аттанг, ҳамма сузиш қоидаларини унугиб юборибди-я! Бу ёз пайтидаги чўмилиш эмас, ҳозир ҳар бир ҳаракат аниқ ва тежалган бўлиши керак. Сузувчи ўзининг қай тезликда сузаётганини яхши сезиши лозим, сувдаги хлор ҳидини қанчалик осон ҳис қилса, сузган чоқда қаршилик кўрсатувчи жонли кучии ҳам шунчалик аниқ сезиш керак.

Аммо унинг қўл-оёқлари ҳозир айтарлик яхши ҳарарат қўлмасди, гавдаси бировники сингари қўполга ўхшарди. Андрей тезда сувдан чиқди ва ҳансираф скамейкага бориб ўтирди.

— Бу оз! Яна икки юз метр сузиш керак,— деб қицириди унга Пека сувда туриб.

Унинг бошидаги ҳаво ранг шапкачаси йўлка ёқалаб тез силжиб кўздан узоқлашарди. Тиниқ сув ичида келишган қоматининг ҳар бир ҳаракати яққол кўзга ташланиб турарди. Унинг дамба-дам шопиллатиб сувга урилиб турган, узатилган оёқлари остида оқ пуфакчалардан из ҳосил бўларди. Андрей Пекага ҳаваси келарди ва унга қойил қоларди. Унинг кўзи олдида ҳамон эгнига қўпол паҳтали камзул, оёғига эски ифлос этик кийиб олган ҳовлиқма, маҳмадона йигитнинг образи акс этиб турарди. Лекин мана у ҳам бошқалар сингари бутун фикрини бир мақсадга қаратса олишни, матонатли бўлишни ва қилмоқчи бўлган ҳар бир ҳаракатини олдиндан мўлжаллаб қўйишини биларкан-ку.

Ҳовузли улкан зал сувнинг шапир-шупур овозига тўлган бўлиб, сувнинг кўжимтири акси сувга тушиб турарди. Чироқларнинг сариқ шуълалари ҳўл елкаларга ёпишарди. Сув йўлларидан бирида Андрей Лизани ахтариб топди ва унинг ёнига тушиб суза бошлади. Андрей қўллари билан бир тахтани ушлаб олиб, оёқларини шапирлатиб секин сузиб ёборарди. Лиза уни қувиб, ўзиб кета бошлади, уларнинг кўзлари бир-бирига тушган эди, Лизанинг чеҳрасида ғалати бир жиддийлик аломати акс этди.

Машғулот тугагандан кейин Андрей Лизани вести-бюлда кутиб турди. У ичкаридан бир чамадонча кўтариб чиқиб келди. У ҳамон боягидай жиддий қиёфада ва ташвишли кўринарди. Ҳартутул, уй тинч, болалар соғ-саломат экан. Бўлмаса ўзи нима гап, ахир? У, бу гапни қўй, деган маънода елкасини қисиб қўйди. Ҳм... демак, яна ҳовузга қатнай бошлабди-да? Ҳа, ишляяпти, яна ҳовузга ҳам қатнайпти, ҳаммаси яна бошқатдан бўляпти. Шунда Андрей унинг кўзларига диққат билан тикилиб, очиқчасига сўради: балки у Андрей билан сужбатлашишини бутунлай истамаётгандир? Эҳтимол, эрининг тарафини олиб Андрейдан димоғ қиласётгандир?

Димоғ нимаси? Лиза маъюс табассум қилди. Шу пайт унинг нақадар ўзгариб кетгани аниқ кўриниб турарди. Йўқ, у ориқламаган, балки жиддийлашган, чеҳраси нозик эди, холос. Димоғ қилиш — бу сўз соchlарини соддатина қилиб орқага тараган, қошидан пешонасига қараб иккита ажин из солган, ҳаво ранг костюмли

ҳозирги Лизага эмас, бир вақтлардаги бегам ва хушчақчақ Лизага муносиб сўз эди.

Маълум бўлишича, Лиза у билан Виктор орасидаги муносабатнинг батамом узилганидан бехабар экан. Андрей ўзининг эҳтиётсизлигидан хафа бўлиб, ўзи билан Потапенко ўртасидаги тўқинишни айтиб беришга мажбур бўлди. У ўзининг хотиралардан ғазабга келганини сездирмасликка уриниб, жўрттага осойишта сўзларни топиб гапиради.

Андрей ҳозир Лиза Викторни ёқлашга тушади, деб ўйлаган эди, аммо Лиза жимгина туриб, унинг гапларини эшилди, гўё бу гапларни сандиққа солиб, қопқоғини ёғли-ю, кейин яна хаёлга чўмиб кетди. Чеҳраси аввалгидек қотиб қолганга ўхшарди. У Андрей билан хайрлашди, бу хайрлашув бир-бирига бутунлай бегона бўлган икки одамнинг хайрлашувига ўхшарди.

Андрей сувда сузиш машғулотига узлуксиз равишда қатнаб турди, Лиза эса унинг бу ерда бўлишидан бетоқат бўлаётгани кўриниб турарди: «Менга Викторнинг кўзи билан қарайпти,— деб ўйларди Андрей.— Буни ўз эрига бўлган муҳаббат бурчи деб билса керак». Андрей Лизанинг ўзига нисбатан бунчалик совуқ муносабатда бўлишига бошқа сабаб тополмади. Баъзан Андрей Лизанинг унга синчиклаб, хўмрайиб қараб турганини сезар, лекин ўгирилиб қараши билан, у дарҳол яна бепарво қиёфага кириб оларди. Улар орасида гўё аллақандай келишмовчилик содир бўлганга ўхшаб кўринарди. Андрей тренердан ўзини бошқа группага ўтқазишини сўради. Лиза бу гапларни эшишиб тургани учун бўлса керак, қизариб кетди. Андрей бошқа группага ўтишини расмийлаштириб, анча кечикиб қолди. У кўчага чиққанда қоп-қоронғи эди. Кишиининг суюк-суюғидан ўтиб кетувчи муздек изғирин келиб урилди, почаларига ғуриллаб кирди. Андрей шу пайт ёнига юриб келган одамни сезмай қолди. Фақат ўзининг букилган тирсагидан кимдир ушлаганини сезди-ю, дарҳол юзини шу томонга ўғирди. Олдида Лиза турарди. Қоронғиликда унинг кўз қорачиғлари яна катталашгандек бўлди. Лиза Андреини қўлтиқлаб олди. Улар гўё яна бир-бирига ўрганишаётгандай, анча вақтгача сукутда бордилар.

Шу куни кечқурун Лиза унга бор гапни бирма-бир гапириб берди: У Виктор тўғрисида, ўзи тўғрисида, ўз муҳаббатларининг чигал ва ғамгин оқибати тўғрисида

гапирди. Улар бошлари оққан ёққа бориб келиб, қоронғи күчаларни кезиб юршиди. Андрей уни қўлтиқлаб олган эди. Лизанинг қўллари тошдек оғир ва ҳеч букил-масдек сезиларди.

Шундай қилиб, Лиза яна мактабга ишга кирибди.

Олган синфи мактабдаги энг оғир синфдай туюлибди. Болалар уни зимдан масхара қилишларини ҳам биларкан. Синф ўз ҳолича, Лиза ўз ҳолича экан. Кейин ўқувчиларини яккама-якка ўрганишга киришибди. Болаларнинг харakterини билиб олмоқчи бўлиб, кечалари ухламай, улар ёзган иншоларни текшиаркан.

Виктор Лизанинг бу ишини вақтинчали бир ҳол, тентаклик деб ўйларди. Улар орасида аста-секин қарама-қаршилик, бир-бирини тушунмовчилик аломатлари пайдо бўла бошлади. Янги ишга берилган Лиза, ҳеч ачинмай, Виктор тавсия қилган турмушдан воз кечди. Ўзининг аввалги турмуши билан ҳозирги турмушини таққослаш имкониятига ёга бўлгандан буён, Викторга нисбатан ҳурмати камая борди. Улар бир-бирларини масхаралаб, совуқ муомала қиласидига бўлиб қолишиди. Лиза ўзи билан әри орасига тушган совуқлик тобора ошиб бораётганини сезарди. Лиза ўзларининг аввалги торгина уйларини тез-тез эслайдиган бўлиб қолди. Ўша пайтлар, кечқурунлари Викторнинг қаршисида тиззаларини қучоқлаб ўтиаркан, столга энгашиб чёртёж чизаётган ёринга тикилар, у эса юзига тушган сочини силтаб, гўё айб қилиб қўйгандай бир оз тортин-чоқлик билан жилмайиб қўярди. Бу тентаж эса, Викторнинг хулқида ва уларнинг турмушида энг зарур, энг муҳим нарса бўлган меҳнатга берилганинидан рашк қилиб юрибди. Бир вақтлари Лиза, менинг ғалабам деб ҳисоблаган нарса, энди унинг мағлубияти бўлиб чиқди. У ўз хатосига жуда тушунди. У Викторни ҳозирги ҳолида сева олмас, лекин уни ўзи ғумуман яхши кўтарди.

— Сен бекорга ҳамма айни ўз устингга оляпсан,— деди Андрей.— Сенинг айбингунига нисбатан оз.

Лиза шиддат билан бош чайқади.

— Йўқ, йўқ, сен... сен, балки, уни ўзингга душман деб ҳисоблашга ҳақинг бордир, мен бундай дея олмайман. Қандай қилсам Викторни аввалги ҳолига қайтара оламан, қани айт, Андрей, мен кўп чида буролмайман. Ё мен ундан жудо бўламан ёки... Албатта, менинг ўрним-

да бошқа хотин бўлганди, эҳтимол, у билан ажралишиб кетган бўлармиди, аммо бу иш менинг қўлимдан келмайди.

— Нима деяпсан... Ўзингни бос... Нега энди ажрасаркансанлар!— деб ғудурлаб қолди Андрей. У Лизани қандай сўзлар билан овутишни билмас, айтатгандан сўзларининг ҳаммаси ҳам бўлмағур сўзлар эди.— Лиза, сенга маслаҳат беришим қийин, буни ўзинг тушунишинг керак. Мен сенга ҳеч қандай маслаҳат беролмайман.

Бу ҳам нотўғри эди. Унинг бу сўзларида айтилмай қолган бир ваҳимали фикр борлиги сезилиб турарди.

— Бу қандай бўлди?..— деди Лиза паришонлик ва қаҳр-ғазаб билан. Ў бояги айтилмай қолган ваҳимали фикрдан қўрқса ҳам, уни эшигиси келарди.— Сен ахир коммунистсан-ку. Икковларинг ҳам коммунистсизлар. У, ахир бегона эмас-ку. Балки у билан яхшилаб гаплашиб керакдир!

Андрей унинг гапларига қулоқ солиб турди, аммо жавоб қайтармади. Ёмғир томчилай бошлади. Пальто устига тушган томчилар кечаси чироқ нурларида садаф сингари ялтиради. Худди ана шундай садафчалар Лизанинг киприклирида ҳам йилтирас — ким билсин, бу ёмғия томчисими ё кўз ёшими, барибир эмасми, Андрей Лиза қанчалик азоблананаётганини, бу гаплар унинг учун нақадар муҳим эканлигини яхши тушунарди. Лекин унинг ёнини олиш учун бир минут бўлса ҳам Викторга бўлган нафрат туйғуларидан воз кечиши керак, лекин бу ишга қурби етмасди.

— Яхши,— деди у зўрға,— қулоқ сол. Менимча, бирдан-бир чора... Виктор бўлим бошлиғи вазифасидан тушиши керак. У раҳбарлик қилолмайди. Зарар етказяпти...— Андрей шу чоқ Рейнгольдин эслади, шиддат билан қошларини чимириди, иягини пальто ёқасига тираб, бошини эгди.— Фурсатни қўлдан бермай, амалдан тушиб олсин.

Лиза бўздай оқариб, қўли титраб кетди.

— Ҳа...— деди у.— Билмадим... Бууни ҳалок қилилади.

Андрей уни кўча эшиккача кузатиб қўйди. Улар хайрлашаётганди, Виктор келиб қолди. Унинг пальтоси тугмаланмаган, оғзидан ароқ ҳиди анқиб турарди.

У қўлларини чўйтагига тиқиб, Андрей билан Лизадаи икки қадам берида тўхтади-да, оёқ учида чайқалиб турди. У гердайиб, заҳарханда қилиб жиљмайиб қўйди.

— Бирорларнинг хотинини илиб жетадиган устомонга салом бердик! — деди у ва лабига ёнишиб қолган папирос қолдинин тупуриб ташлади.

— Виктор! — деб қичқириб юборди Лиза.

Андрей Викторнинг оғзидан отилиб чиққан папирос қолдини оёғи остига келиб тушганича кузатиб турди, кейин Лиза томонга ўгирилди, лекин у Андрейнинг қўлидан маҳкам ушлаб олиб, унга ёлворгандек тикилиб турарди.

— Яхши,— деди Андрей бирдан ўзини босиб олиб.— Қани уйга кирайлик, гап бор.

— Ўзингни оқламоқчимисан? — деди Виктор кулиб, кейин тўсатдан кайф устида суҳбатлашишга розилик берди.

Улар учовлари биринчи марта шу ёруғ, иссиқ овқатхонада бирга ўтиришганларига жуда кўп вақт ўтиб кетганга ўҳшади.

Виктор буфетдан ароқ солинган графин, дудланган чўчқа гўшти, бир банка қўзиқорин ва нон олиб, столга қўйди. У илжайиб, шошмасдан рюмкаларга ароқ қўйди. Йндамасдан ичиб юборишиди. Минут сайин оғирлашиб бораётган бу сукунатни бузишга ҳеч ким журъат қиломасди. Виктор яна ароқ қўйди.

— Сенга етади,— деди Андрей,— мен шуни ҳам ичай. Хотининг учун.

Улар рўпарама-рўпара ўтиришарди. Лиза эса ўртада, ўзининг ичилмаган рюмкасига тикилганча қотиб ўтиради.

— Жуда соз, бечора Лиза,— деди Виктор папирос чекатуриб. У стул суючиғига ташланди-да, бошини чайқаб деди:— Сенга шикоят қилдими? Эрингга таъсирингни ўтказ, бўлмаса менга ҳеч кун бермаяпти, дедими? Ҳўш, қани гапиравер тортиима.

Андрей вилка билан тарелкадаги сирғончиқ қўзиқоринни илиб олиб оғзига солди-да, шошмасдан чайнай бошлади.

— Мен бу ерга сени қўрқитгани кирганим йўқ,— деди совуққонлик билан у,— сен билан ярашмоқчи ҳам эмасман. Мен Лизага сенинг ишдан истеъло беришинг кераклиги тўғрисида гапирган эдим. Ишга билиб раҳбарлик қилиш керак. Сен эса билмайсан. Сен галамуслик қилишни, бошқалар ҳисобига яшашин биласан.

У ўзини тутиб, шошмасдан гапиравкан, ўзидан-ўзи

хурсанд эди, Виктор ҳам бенхтиёр унинг осойишта овозига бериллиб, бирдан секин кулиб қўйди.

— Менинг ўрнимни истаб қолдингми? Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳали вақт бор. Агар Потапенко бўшашни хоҳлаганда ҳам, уни бўшатмасалар керак, деб қўрқаман.

Викторнинг бу ҳатти-ҳаракатлари Андрейга ғайри табиийдек туюлди. Виктор худди Андрейга кўринмай ўтирган томошибинлар олдида саҳнада роль ўйнаётганга ўхшарди. Унга гўё оҳиста: «Етар Виктор, кел жиддийроқ гаплашайлик» деса-ю, у дарҳол ўзининг қиёфасини ўзgartиб, атрофга бир аланглаб ёлғиз ўзи ўтирганини кўрса.

— Яна бир оздан кейин, колектив сенинг ким эканлигинги билиб олади,— деди Андрей,— навбатдаги партия мажлисida сен ёлғиз ўзинг бир томонда қоласан. Ҳаттоқи ҳозир, шу ерда ҳам ёлғизсан.

— Ёлғиз дейсанми?— деб такрор сўради Виктор ва Лизага қаради. У стол чеккасига қўлларини тираб ўринидан турди-да, Лизага яқинлашди.— Хай майли, эҳтимол, сен ҳақдирсан.

Афтидан ҳозир бу ерда Андрей ўтирганини унугиб юборганга ўхшар, унинг кўзига фақат Лиза кўринарди.

Лиза сукутда эди.

Виктор қайтиб келиб, ўрнига шалп этиб ўтирди. Папиросни тишлаб, ютоқиб торта бошлади... Аҳамиятсиз, буларнинг ҳаммаси аҳамиятсиз. Лиза боя унинг пастда ғапирган гапига аччиғланган бўлса керак... Э, бўлганича бўлар, хотинидан ийманган бола кўрмас, деганлар.

— Ёлғизлик масаласига келганда,— деди Виктор, ғурур билан жилмайиб,— аниқроғи мен эмас, яқинда сенинг ўзинг ёлғиз қоласан. Сафиниг сийраклашиб бормоқда. Тарафдорларингни ҳайдашяпти...

Андрей унга тик қаради.

— Сен Рейнгольдни айтяпсанми? У ўз ўрнига ошинади.

— Шунақами? Қандай қилиб?— деди Виктор эътиборсизлик билан.

— Бу менинг ишим.

— Аҳа, айтиш ноқулай бўлган яширии иғволар дегин,— деб у Лизага ўгирилди.— Ана сенга унинг гаплари-ю, мана сенга унинг қилаётган ишлари.

— Нега уни ишдан бўшатинди?— деб сўради Лиза.

Андрей тушуптира бошлади, аммо унинг ҳосига ани-

ниб, Виктор билан Рейнгольд ўртасида бўлган яширин сұхбат тўғрисида лом-мим демади.

— Сен биласанми,— деди у,— мен учун ўзбошимчаликка қарши кураш— бу принцип масаласидир, менинг дунёқарашим масаласидир. Бизнинг Совет мамлакатимизда бундай жиноятлар учун жазога тортилмай қолиш мумкин эмас. У оккупация даврида ўзини соф виждонли киши сифатида тутган, унга ҳеч қандай даъво йўқ. Нега энди уни ўз севимли ишидан маҳрум қиляптилар? Борисов ҳам, мен ҳам, бизнинг барча коммунистларимиз ҳам бўш келмаймиз. Биз ўз талабимиизга албатта эришамиз, Марказий Комитетгача борамиз.

— Сен Виктор, уни тўғри бўшатишган, деб ҳисоблайсанми?— деб сўраб қолди Лиза тўсатдан.

Виктор мужмаллик билан кадрлар бўлимини пеш қила бошлади. Ўшалар тузукроқ билишади. У эса бунақа ишлар билан шуғулланмайди. Виктор Андрей билан кўз уриштиаркан хавфсираб унинг пиджагига ва ияги га тикиларди. Ўз-ўзидаи маълумки, агар ҳамма гап Андрей айтгандек бўлиб чиқса, унда улар ҳадиксираган масъулиятдан қочган бўлиб чиқишинади-да. Балки, бунинг учун райкомнинг мулоҳазаси ҳам етарлидир, ёки Андрей фақат Марказий Комитетга ишонармикин?

— Биз йўл-йўриқни биламиз,— деди Андрей. У бу гапларни сир сиқлаш кераклигини ҳам унутиб қўя бошлади.— Биз райкомга бордик, энди обкомга борамиз.

— Менга қаранглар,— деди Лиза,— албатта бир иложини қилиш керак.

— Хотиринг жам бўлсин, мен Марказий Комитетга хат ёзганман,— деди Андрей.— Костя Исаевга ҳам хат ёзиб юбораман, тезроқ жавоб қайтаришнинг ҳаракатини қилсин. Виктор, сенда унинг адреси бўлса керак-а?

— Эсимда йўқ,— деди Виктор хўрсиниб.— Биз анчадан бери хат ёзишмаймиз. Сен Марказий Комитетга ёзган хатингни юбордингми?

Андрей пиджаги чўнтағидан қалин конверт олиб елимлай бошлади.

— Ҳм, шундай дегин,— деди Виктор конвертга тикилиб.

Лиза индамай ўрнидан турди-да, ошхонадан чиқиб кетди.

— Лизанинг олдида гапиргим келмади,— деди Андрей паст овоз билан.— Сенинг Рейнгольд билан сұх-

батингдан мен хабардорман, унинг ишдан бўшатилишига асосий сабаб нималигини ҳам биламан.

— Фийбат,— деди Виктор, аммо унинг овози хотиржам эди.

— Фийбат эмас, факт — факт ўжар нарса бўлади.

— Сенда қандай далил бор?

Андрей индамай унинг жўзига тикилди. Викторнинг чеҳрасида саросималик ва қўрқув аломатлари акс этди.

— Борди-ю, шундай бўлган ҳам деб фараз қиласлиқ,— деди Виктор, жаҳл билан,— агар бир кишининг ишдан бўшатилишини олдиндан билган ҳолда, унинг қилаётган иши йўқقا чиқмаслиги учун ёрдам бермоқчи бўлса, нима ёмонлиги бор? Ҳаммага аёни, бир вақтлар мен ҳам синхронизатор ўстида иш олиб боргай эдим. Фактлар ёмон нарса,— деб илжайди у.— Шунинг учун ҳам у билан ўйлашиб иш қилиш керак.

Хонага Лиза кирди ва индамай Андрей олдига узунчоқ алфавит дафтарчасини қўйди. Дафтарчанинг «и» ҳарфли саҳифаси очилган.

Андрей Костя Исаевнинг адресини ёзиб олди-да, ўрнидан туриб, Виктор билан хайрлашмасдан чиқиб кетди. Лиза уни йўлаккача кузатиб қўйди. Виктор эса ўтирган жойидан турмади. У бир неча минут папирос кули билан булғанган дастурхонга, тарелкадаги тузланган қўзиқорин сувида сузуб юрган папирос қолдиқларига тикилиб ўтириди. Графинда ароқ қолмаган эди. У Лизанинг рюмкасини олиб ичиб юборди.

Ташқари эшикнинг ёпилгани эшитилди. Андрей кетди. Ҳозир ароққа борса, кеч бўлиб қолди, ҳамма магазин ва дўконлар ёпилган... Учовлари гўё бир хилда дўстга ўхшар, лекин Костя негадир доим Андрейга ўзини яқинроқ олиб юрарди... Лиза панд-насиҳатини бошламасдан кириб ётиб олиш керак.

Виктор эшик томонга орқасини ўгириб ўтиради, у овқатхонага Лиза кириб, буфет олдида тўхтаганини эшилди. Виктор ўгирилмасдоноқ, Лизанинг ўз елкасига тикилиб турганлигини сезди. Туриб-туриб ҳеч нарса демасдан чиқиб кетса-я, деб ўйлади ва ўз хаёлидан ўзи чўчиб кетди.

— Кузатиб қўйдингми?— деди Виктор.

— Нега Рейнгольдга ёрдам беришни истамайсан?— деб сўради Лиза.— Ахир унинг бола-чақаси бор... Сенинг бошингга шу кун тушса...

— Аҳа, ҳаммага ёрдамлашишим керак-а,— деди ўғиритмасдан.— Мени уришиб, танқид қилишгаңда қандай күнга тушган эдим? Үшанды менга ким ёрдам қўлини чўзувди? Майли, ҳаммасига чидадим. Энди яна ҳамма билан бир хилда яхши муомалада бўлишимни истайсиз. Йўқ, кетмайди.

— Нега Андрей бунчалик хафа бўлиб ғамхўрлик қилиб юрибди...

— Башараси қурсин ўша Андрейингни. Нега ҳар гапнинг бирида унинг номини тилга олавердинг? Қачон қарасанг пайимни қирққани қирққан. Унга ёрдам бергани эдим. У эса...вой, аблажей. Яна сен ўша билан юрибсан. Бор, ўшанинг олдига йўқол.

— Бақирма, болаларни уйғотиб юборасан. Майли, бошқа пайтда гапиришармиз.

— Йўқ, гапнинг учини чиқарганингдан кейин, охиригача етказ, мени маст деб ўйлаётгандирсан. Мен ниятингни биламан, сендан ҳам яхшироқ тушунаман.

— Эҳ, Виктор, шунчалик ўзгариб кетдингки, қани ўзинг бир билсанг эди. Мен сенга тушунолмайдиган бўлиб қолдим. Наҳотки сен бу воқиаларнинг менга нақадар оғир туюлишини сезмасанг?

— Сенга оғирми? Нимадан камчилигинг бор? Тўқлиқ сени қуттирияпти. Менинг аҳволимга тushiб кўрганингда, оғир мусибат нима эканини билган бўлардинг.

— Сен фақат ўзинг билан ўзинг бандсан. Сен... Сен шуҳратпастсан. Сен ҳеч кимни кўролмайсан. Сенга ҳамма нарса ҳам озга ўхшайди. Ўзингни бошқалардан устун қўйиш қаердан келди?.. Андрейни Ивинлар ва бошқа шу сингариларга тенглаширишга қандай ботиндинг. Нима учун Захарчукка тинчлик бермайсан? Дмитрий Алексеевич билан нега бундай муносабатдасан? У сенга қанча яхшиликлар қилган, ўсишингга ёрдам берган эди. Энди бўлса, сен уни...

— Оғзингни юм! Сен нимани тушунардинг! Менинг душманларим кўп,— у стул билан ўғирилиб Лизага ѡради.— Сен қандай ўйлайсан, жатта ҳақиқат деб, кичик нарсанинг баҳридан ўтиш мумкинми? А?

Лиза унга шубҳали назар ташлади. Найранг қиляпти шекилли, деб ўйлади.

— Хўп, яхши,— деди у Лизанинг индамаганидан қаноат ҳосил қилиб.— Агар мен олға интилаётган эканман, бундан мақсад кўпроқ иш кўрсатишдан бўлак нарса

эмас. Бу Рейнгольдлар, Андрейларниң ҳаммаси менинг учун бир пул! Ташландиқ чўп. Агар мен кўтарилиб отсан, уларга нисбатан минг чандон кўпроқ иш кўрсатишга қурбим етади.

— Унгача алдаш, ёлғон сўзлаш...

— Нима, сени алдаяпманми?

— Сен Костянинг адресини билардинг-ку?

— Ўзингга тегишли бўлмаган ишга аралашма. Бу билан сенинг нима ишинг бор?

— Балки менга ҳам ёлғон гапираётгандирсан.

— Сен кечалари Андрейнинг билан шаҳар кезиб юраркансан.

— Яна ёлғон гапиряпсан. Андрей билан менинг ўртамда ҳеч қандай муносабат йўқлигини ўзинг яхши биласан. Аммо сен...

— Аҳа... Энди очилди! Гап бу ёқда дегин! Сенга бевафолик қилганимга далилинг борми?

— Сен бевафолик қилиши деб, бегона аёл билан бир тўшакда ётишни айтсанг керак... Менинг учун бевафоликнинг энг мудҳиш жойи шундаки, сен ўз фойданг учун бирон нарса үндириш мақсадида бегона аёл билан бир тўшакда ётишдан ҳам тоймайсан...

— Яххиси, тилингни тий.

— Масалан, Цветковага ўхшаган битта-яримта секретарь билан. Сенга барибир.

— Тентак! Ҳар хил миш-миш гапларга қулоқ сочиб юрибсан...

Лиза башарасини чангллаб олди.

— Виктор, мен, балки чиндан ҳам ҳеч нима тушумайётгандирман. Ўзинг айтишни хоҳламаганингдан кейин, мен ҳеч нарсани исботлаб беролмайман. Лекин негадир икковимизнинг орамизга совуқлик оралаб қолди. Бу совуқлик тобора ошиб боряпти... Биз аллақандай зарур нарсадан айрилдик. Мен бу аҳволда ортиқ яшаб туролмайман. Нега биз аввалгича яшай олмаймиз?

— Жинни бўлиб қолибсан, нима кераклигини ўзинг ҳам билмайсан. Қел, биз ҳам бошқаларга ўхшаб яхши яшайлик, Ивинлардан нимамиз кам, деган ким эди? Унутдингми?

Лиза столга яқинлашди ва бир оз энгашиб, дона-дона қилиб деди:

— Ҳа, мен ўзим сени тортган эдим. Энди ўзимдан ҳам нафратланаман... сендан ҳам, нега менинг сўзимга

кирган эдинг. Сенинг ироданг кучлироқ бўлиши керак эди. Агар сўзимга кирмаганингда ҳақ бўлиб чиқардинг. Сен эсанг... латта табиат экансан.

Виктор кулиб юборди.

— Мен-а, мен латтаманми?

— Латта эмассан.— деди у ғамгин оҳангда.— Сен қаттиқ характерли одам эдинг, энди... бўшашиб кетдинг. Виктор, биз бирга тура олмасак керак деб қўрқаман... Мен сендан чиқиб кетишим керак. Эҳ, агар кета олганимда эди...

— Фирт тентаксан! Сени бу қадар тентак деб ким ўйлаган эди!

— Эҳтимол, мен бир илож қилиб шу ишга журъат қиларман. Фақат шу фикрга олдиндан одатланиб олишим керак.

Виктор унинг чиройли бўйнига тикилди. У бўйнидан ўпишни яхши кўрарди. Үмров суяги олдидаги хиёл чўкиб турган еридан ўпгандা, Лиза ҳар гал сесканиб тушарди; кейин унинг юзига тикилди — юзида ҳам Виктор қайтакайта ўпмаган ҳеч жойи йўқ. Лекин бу қандай инсофсизлик ўзи! У ишдан чарчаб келса-ю, дам олиш ўрнига... ҳозир аҳволи жуда танглигидан Лиза хабардор бўла туриб парво ҳам қилмайди. Уйда, ўз уйида ором олиш ўрнига, бу ерда ҳам олишиши, жанжаллашиши керак. Қаёққа кўз ташламасин, ҳамма ёқда душмани. Вой, разил-э, оббо разил махлуқ-э...

— Даф бўлишинг мумкин. Мен ўзим кетаман.

— Оҳ, кошкийди яна аввалгидек яшай олсак...

Ё раббий, Виктордан воз кечишга унинг кучи етганда, қандай яхши бўларди. Ахир дунёда эридан осонликча чиқиб кетаверадиган аёллар ҳам бор-ку...

Андрей хатни Марказий Комитетга юборган куннинг эртасига ишдан келиб, энди овқатланмоқчи бўлиб турувди, бирдан Борисов ҳовлиқиб кириб келди. Борисов севинчидан терисига сиғмас, Андрей берган саволларга фақат кулиб жавоб берарди. У стол олдига ўтириб олиб, зўр иштаҳа билан овқатни пок-покиза туширди. Кейин улар Андрейнинг хонасига кириб олишди. Борисов эшикни бекитди, полкадаги китобларга қўл тегизиб кўрди, күшеткага ўтириб, ов мавсумининг бошлиғани тўғрисида

бир оз гапирди. Кейин ўрнидан туриб, Андрейнинг қўлларини бир оз ушлаб турди-да, қўйиб юбориб, меҳрибонлик билан елкасига қоқиб қўйди. Шундан кейин бирдан жиддий ва кескин овоз билан, бугун торком секретари Савин ҳузурида бўлганини, секретарь йигирма минут ичида Рейнгольд ишини ҳал қилганини ва дарҳол керакли ерга телефон қилиб, уни қайта ишга олишларини буюрганини айтди. Рейнгольд эртага ишга келиб қолиши мумкин. Борисов горкомдан чиқиб, тўғри Рейнгольднинг кига борибди, ундан бу ерга келибди.

Борисовнинг кўзлари севинчдан чақнаб турарди. Андрей, Борисовнинг шу кунларда нақадар руҳий қийналганини биларди, унинг ўзи ҳам жуда азобланган, бу энг тантанали ва оромбахш дам олиш эди. Улар анча вақтгача гапирмай, бир-бирларининг қўлларини сиқиб силтаб туришди, кейин папирос чекиб ўтирилар. Улар папирос тутунини ичларига шоша-пиша қаттиқ-қаттиқ тортардилар.

Рейнгольд масаласи уч марга муҳокамага қўйилган эди. Потапенко Андрей билан бўлган суҳбатдан кейин анча чўчиб қолди ва ўз фикрига қарши ҳамда тарафдор бўлганларни ҳисоблаб кўриб, шошилганича райкомга, Ковалевский олдига жўнаб қолди.

— Энди менга ҳамма нарса равшан,— деди Ковалевский,— бир Лобанов деганларинг бор экан, бир кун ҳовлиқиб келибди дегин, ўзини тутишни ҳам билмайди. Гапининг тайини йўқ, ҳеч нарса тушуниб бўлмайди. Бу Рейнгольд деб ишни чатоқлаштириб юборганга ўхшаймиз.

Ковалевский кадрлар бўлими бошлиғига телефон қилган эди, у масала горкомда ижобий ҳал қилинди, деб хабар берди. «Эҳ, кечикибман»,— деб ўйлади Виктор афсусланиб. Лекин шундай бўлса ҳам, Рейнгольднинг ўз ўрнига қайтиб келишига сабабчи қилиб, ўзини кўрсатишга уриниб кўрди. Кейин Марказий Комитетдан ҳам Андрейнинг хатига жавоб келди. Яна, Рейнгольд ўз ўрнида ишлайптими, йўқми, деб текшириш бошланди, Зорин билан Долгинни горкомга чақиртиришди. Уларни горкомда қаттиқ огоҳлантиришгани тўғрисида миш-миш гап тарқалди.

Лабораторияда бир неча кунгача ғолибона байрам кайфияти ҳукм сурди. Касал одамга қанчали ширин

муомала қилинса, Рейнгольдга ҳам шундай муносабатда бўлишди. Андрей эса яна ўз локатори устида ишлашга киришди.

### ЎТТИЗИНЧИ БОБ

Сентябрь ойининг бошларида министрлик тўсатдан локатор устидаги материалларни талаб қилиб қолди. Схемалар, расчёtlар, тасвирий чертёжларни тартибга солишга тўғри келди. Орадан яна бир ҳафта ўтар-ўтмас, палон формулани назарий асосланг, деб яна бошқа талабнома келди. Шу кундан бошлаб, ҳадеб асосланг, исботланг, ҳисоблаб чиқинг, деган қофозлар кетма-кет ёнила бошлади.

— Чамамда мукофотга тавсия қилишса керак,— деди Новиков.

— Бутунлай бошқа мақсадда бўлса керак деб қўрқаман,— деди Борисов.

Қандай бўлмасин, Андрей иш кунининг ярмини министрликка жавоб ёзиш билан ўтказар — саволлар жуда мураккаб эди. У бор кучини сарф қилиб, Новиковни локатордан олмасликка ва лаборатория синовларини ўз вақтида ўтказишга ҳаракатқиларди. Бундан ташқари, унинг бошига маъмурий ишлар ҳам кетма-кет ёнилиб турарди: гоҳ наряд деб чақиришар, гоҳ диспетчерлик кенгаши деб чақиришар, гоҳ заказчилар келиб безовта қилардилар. Кузъимич яна оstonада туриб олиб хўрсинар, фрезер цехи учун мотор олишга кўмаклашинг, деб ёлворарди...

Бундан ташқари, Андрей ўз ишларини буюк кашфиёт деб фараз қилувчи инженерларнинг илмий ишларидан хабардор бўлиб туриши, ўзича нима равшан ва нима даргумон бўлганини аниқлаб олиши, иш процессининг қайси поғонага чиққанини ва у ёки бу мушкул аҳволдан қандай қилиб қутулиш жераклиги ҳақида бош қотирарди. Бу доимо ўзгариб турувчи, бир-бирига ҳеч ўхшамайдиган машғулотлардан Андрейнинг мияси шишиб кетди. У ишларини тамомлаб, Саша билан Новиков локаторнинг макети устида ишлайтган столга етиб келганда, ўзини жуда ноҳуш ҳис этарди.

Агар Борисов бўлмаганда, Андрейнинг ҳоли чатоқ бўларди. Партия мажлиснда Борисов сўзга чиқиб, очиқданчиқ бундай деди: «Бу алпозда Лобанов кўпга чидай ол-

майди. Агар биз унинг чинакам ўртоқлари бўлсак, уни ҳар қандай икир-чикир ишлардан халос эшишишимиз керак». Андрей ишонқирамай, елкасини қисиб қўйди. Лекин кўп ўтмай, уни тушдан кейин ҳеч безовта қилишмаётганини ўзи ҳам сезди. Ҳатто ўз қатъий фикри бўлмаган Усольцев ҳам ҳадеб бўлар-бўлмасга маслаҳатга кириб, Андрейни безовта қилишдан тўхтади.

Бу бўш вақтда Андрей Григорьев учун аталган схемани ясад битирди ва уни синовдан ҳам ўтказди. Тўғри, бунинг учун бир неча кунга локатор устида ишлашни тўхтатишга ва кечқурунлари ишдан кейин қолиб ишлашга тўғри келди. «Шу ҳам иш бўптими — ишдан кейин ҳам лабораториядан чиқиб кетмасанг!» — деб пинғилларди Новиков.

Кечқурунлари жуда дим бўларди. Улар пиджакларини ечиб қўйиб ишлашар, кўпинча Сашани лимонад олиб келишга юборардилар. Орадан кўп ўтмай, уларнинг столи остида бир яшик бўш шиша тўпланиб қоларди. Шу ҳафта бўйи улар лабораториядан жуда кеч чиқдилар ва бир-бирларининг қўлидан ушлаб, дарё соҳили ёқалаб дам олиб, аста уйга қайтардилар.

Кўчада Андрей ўткинчи аёлларнинг юзига диққат билан назар ташларкан, бир омад келиб Маринани кўриб қолсайдим-а, деб умид қиласарди. Баъзан у олдида жетаётган олтиндек тўқ сариқ сочли аёлни кўриб, юраги такапука бўлиб кетар, тезроқ юриб етиб олар, унга тикилиб ҳафсаласи пир бўларди-да, юзини четга бурарди.

Ҳар қандай ҳиссиёт ҳам ҳаётдан озиқ олиши, ҳаракаг қилиши керак, акс ҳолда у барбод бўлади. Муҳаббат ҳам фақат орзулар билан чекланиб қолиши мумкин эмас. Аста-секин Марина образи унинг хотирасидан узоқлашса бошлади, хиралашгани ҳам, хотирасидан ўчгани ҳам йўқ, фақат бир оз узоқлашса бошлади.

Андрей схемани Григорьевга бергандан кейин диққатини усилителга қаратди. Смородиннинг конденсатори-сиз усилителни тиклаш мумкин эмас эди.

Андрей касалдан туриб ишга тушган куниёқ унга Смородин телефон қилиб, ҳозир ўзининг конденсаторлар устида ишлаётганини айтиб; Григорьевлар дачасидаги маслаҳатни эсга солди. У, ўшанда ўз устахонасида конденсаторни ҳеч ҳақсиз ясад беришни бўйнига юлгани эди. Андрей жуда хурсалиб бўлиб, материалларни унга олиб бориб берган эди. Бу гал Смородин жуда сер-

такалтуф эди. Андрей ўша куни кечқурун Григорьевлар уйинда уига қаттиқ гапирганидан афсусана бошлади. Улар бир неча минут гаплашиб ўтиришди. Кейин Смородин узр сўраб, тенинс майдоначасига шошилаётганини айтди. У қўлидаги ракеткасини силкиб, шахдам одим отиб чиқиб кетаркан, ўзининг хушбичим қоматига қўйиб қўйилгандек тикилган бежирим костюми уни янада ўзгача қилиб кўрсатарди. Андрей унинг орқасидан ҳавас билан тикилиб қолди. Шундан бери орадан бир ой ўтди. Андрей бир неча марта расчёtnинг бориши тўғрисида телефон орқали суроштирди. Заказ қилиб қўйдим, ясаяпти, ҳар хил топшириқлар туфайли шу чоққача вақт ажратолмадим, деб юпатарди уни Смородин.

Шуни ҳам айтиш керакки, конденсатор йўқлиги макетни синашни кейинга суриб юбориши мумкин. Министрлик ҳам локаторни тўла-тўкис тасаввур этиш учун бу конденсаторлар ҳақида ҳам маълумот талаб қила бошлади.

Бир кун кечқурун лабораторияга бош инженер билан Долгин кириб келди. Андрей уларга янги асбоб-ускуналарни, сотиб олинган приборларни кўрсата бошлади. Дмитрий Алексеевич «инженерлар» бўлмасига ўтиб кетди.

— Тузук,— деди у мамнуният билан,— туппа-тузук илмий лаборатория бўлиб қолибди. Столларда китоблар. Отвертка эмас, китоблар!

Долгин локатор макети турган стенд олдида туриб қолди. Андрей нимагадир қайтиб чиққанида, Долгин яшикдан лимонад шишаларини олиб, ароқ эмасмикин? деб бирма-бир ялпоқ бурни билан ҳидларди. Андрей кулимсираб, оҳиста орқасига қайтиб, бош инженер олдига кирди.

Дмитрий Алексеевич министрликнинг Лобановдан талаби нима эканини аччиғланиб сўрай бошлади. Кейин у Андрейнинг жавобини әшишиб, чўзинчоқ иягини ушлаганча хәёлга чўмиб кетди. Унинг бетартиб ажин босган чўзиқ юзи яна узайиб кетгандек бўлди. Қизиқ... жуда қизиқ.

У Андрей билан бирга ўз кабинетига чиқди. Чироқ ёқмай стол чеккасига ўтирди-да, Москвага телефон қилди. Кўчадан ўтган автомобиль чироқларининг титроқ шуъласи бу катта уй-деворида лип-лип ўтиб турар ва Дмитрий Алексеевичнинг киртайиб, қаърига тортган ҳорғин кўзларини ёритиб ўтарди.

— Алло! Марҳамат қилиб, Семён Семёнович билан уласангиз,— Дмитрий Алексеевич қўли билан трубка микрофонини беркитди-да, илжайиб Андрейга қаради:— Ҳар бир раҳбарнинг министрлиқда ўз Семёни бўлсин... Сема? Яна бир марта салом. Хабаринг йўқми, бизнинг электролаборатория бўлимдагилардан кимни бетоб қилиб қўйибди? Эшитганман... ҳа, локатор тўғрисида... Ҳа... Унинг нима иши бор?.. Йўқ, ишонмайман... Бу ҳам гумон. Ҳа-ҳа, бу худди ўзгинаси... Бундан фойда чиқмайди... Бу ўртоққа тиш ўтмайди. Тўғри, тиш ўтгандада ҳам, барибир ютиб ҳазм қилиб бўлмайди.

Бош инженер трубкани қўйиб, илжайди.

— Буюк ақл эгалари тўпланишяпти... Сизга нима деб тушунтирсам бўлади. Илм оламида донг чиқарган арбоблардан бири... хуллас, Тонков сизга шу тузоқни қўйяпти. Сиз унинг йўлига ғов бўлган бўлсангиз керак... Унинг қўлида министрлик ходимларидан бири ёзган диссертация бор, бу ходим, назаримда, ўз оппонентининг қўнглини олишга уринаётган бўлса керак. Принципиал схема шундан иборат.

— Нима қилиш керак?

— Ҳозирча, биринчи галда менинг жонимга тегиб кетган шу кабинетдан чиқиб кетайлик.

Дмитрий Алексеевичнинг энг ажойиб хислатларидан бири, унинг ҳар бир ҳодисага чуқур ишонч туғдира олиши эди. У ўзининг бу хислати билан атрофдагиларга ҳам осонлик билан таъсир кўрсатарди. Мана ҳозир ҳам унинг самимий айтилган мулоҳазаларида кишини қувонтирувчи нарса йўқ даража бўлишига қарамай, Андрей тетикланди.

Бош инженер шофёрини қайтариб юборди, улар пиёда жетишиди.

— Шундай қилиб, сизни деб министрлик билан жанжаллашмоқчи эмасман. Мен главка бошлиги билан, яна баъзи бир одамлар билан гаплашиб кўраман, вассалом. Бўлмаса, кейин муҳимроқ иш билан борганимда, жонга тегдинг чол, деб ҳайдаб чиқаришлари мумкин. Уйдан кейин, нимадан шикоят қиласиз? Расмий жиҳатдан қарасақ, сизнинг нима билан шуғуллашаётганингизни текинириб туришга уларнинг ҳақлари бор, албатта, Шундай бўлгач, сиз маълумотларни шошимасдан юбориб туравериинг; лекин шу орада асосий ишнингизни тезлаштиринг. Планлаштирилган темалардан бир қисмини зинманингдан оламан. Потапенко қаттиқ тўсқиплик қиляптини сиз-

га?— деб сўраб қолди у тўсатдан ва Андрейнинг ориқлаб, яноқ суяклари диккайиб чиқиб қолган бетига қия боқди.

— Потапенко — Потапенко,— деди Андрей бепарвоник билан.— Бу беҳисоб кўнгилсиз ҳодисаларнинг биринкетин қуиилиб келаётганига ҳайронман.— У бирма-бир санай бошлади: қофозбозлик, Устинованинг иши, министрлик, Тонков, Смородин.

— Сиз буларни тасодифий ҳол деб ўйлайсизми?— деди чўзиб Дмитрий Алексеевич.— Тасодифий ҳол бу қадар кўп бўлиши қийин. Шу тасодифий ҳоллардан бирини сиз билан биз бугун фош қилдик.

— Дмитрий Алексеевич,— деди Андрей бир оз ўйланниб олиб,— очиқ айтганим учун кечирасиз. Сизнинг фикрингизча, Потапенко билан Долгинга ўхшаганлар системамизниг техник ривожига халақит беришмаётганмикин?

— Фикрингизга қўшиламан,— деди бош инженер.— Иккаласининг ҳам баъзи бир ижобий томонлари бор-у, лекин уларнинг ўрнига бошқа одамларни қўйишса, дуруст бўларди. Балки сиз мендан, бўлмаса нега шундай қилмайсиз, деб сўрарсиз?— У бир хўрсиниб, илжайиб қўйди.— Кўз ташлайсан-у, бош қашлайсан. Улар номенклатурада туради. Олишаман десанг катта жанг бўлиши турган гап. Қўл қисқалик қиласди. Улар билан олишгунимча шунча фойдали иш қилиб қўяманки, бу вақт ичидаги улар шунча ёмонлик ҳам қилиб улгуришолмайди. Биласизми, бир мақол бор: озни ташлаган, кўпдан қуруқ қолибди. Мана, мен сизга локатор устида ишлашни топширган эдим, мени техник советининг қарорларига риоя қилмадинг деб айбдор қилишяпти. Энди уларга тушунтириш хати ёзиб бериш керак. Лекин ўз умрингда, иложи борича кўпроқ иш кўрсатгинг, майда, арзимас икир-чикирларга озроқ вақт сарфлагинг келади.

— Мени кечиринг, Дмитрий Алексеевич, гапларинизга тушуняпман, лекин сиёсатнинг бу йўсинда қўйиши фақат уларга қўл келади-ку.

— Сиз ҳеч нарсага тушунмайсиз. Масалани бир ёқлама ҳал қилмоқчи бўласиз. Сизнинг иттифоқдошингиз — халқ олдида деңгиздан бир томчи ҳисобланса ҳам ўз коллективингизни ёлғиз курашувчилар ҳолига ташлаб қўйманг. Ёлғиз курашиш, албатта, жуда яхшику-я, лекин ундан умид йўқ. Сиз биринчи галда ишчилар синфини ўз атрофингизга йиғиб, уларни қизиқ-

тиришга урининг... Локаторингиз залур нарса. Кабелчилар ва юқоривольтчиларнинг партия ташкилотларини жалб қилинг. Агар сиз халқни ишонтириб уни ўз орқаңгиздан эргаштира олсангиз, у ҳолда тўсқинлик қилмоқчи бўлган ҳар қандай Потапенко ва унга ўхшаганлар чидаш беролмайди.

Андрей Дмитрий Алексеевичнинг сўзларига диққат билан қулоқ соларкан, ўзи бир вақтлар ўқиган Герценнинг сўзларини эслади: «Илмни ўрганишнинг ўзи етмайди, киши уни ўз бошидан кечириши керак». Ҳақиқатан ҳимоя қилишнинг ўзи, кучли бўлишнинг ўзи озлик қиласиди. Бундан ташқари, оз муддат ичидаги катта мақсадларга эришиш йўлини билиш керак, одамларга бошлилик қила билиш керак. Ташкилотчи бўлиш керак. Чинакам раҳбар бўлиш керак.

Андрейнинг бир вақтлардаги: «Ҳамма нарса фақат менинг ўзимга боғлиқ»— деган фикри ҳаёт тажрибала-рида борган сари парчаланиб, тилкаси чиқди.

Хиёбонга чиқишгач, Дмитрий Алексеевич фонаръ остидаги скамейкага ўтирди.

— Мен бир минутгина вақтингизни оламан,— деди у ва ўзига одат бўлмаган аллақандай тортинчоқлик-илтимос аломати билан Андрейга қаради.— Қабул вақти бўлмаса ҳам сизга шахсий бир ишим бор эди.— У ҳамон уялинқираб жилмаяркан дўлпайиб турган портфелини очиб, ундан машинкада ёзилган бир неча варақ қофоз олди.— Бир мақолача ёзган эдим. Локаторингиз идеясини яна ҳам ривожлантириш тўгрисида. Тахминимча, локаторни фақат ўтказиш линияларидагина эмас, балки яна станциялардаги контроль симларда ҳам қўллаш мумкинга ўхшайди. Мақоламга: «Линияларнинг шикаст-ланганини Лобанов усули бўйича аниқлаш»,— деб сарлавҳа қўйдим. Қарши эмасмисиз? Олиб кетиб, бир кўриб чиқинг...

Шамол Андрей қўлидаги варақларни юлиб кетгудек ҳилпиратар, фонаръ ёруғида ҳарфлар зўрга кўрниарди. У бу юпқа қофозларни гўё совуқ куз фаслида ердан ниш уриб чиққан қалтироқдай, нимжои, шамолдан дирдир титраб турган, аммо ўз чидамлиги билан кишини ажаблантирувчи ниҳолни тутгандек авайлаб ушлаб турарди... унинг усули бўйича... Унинг қалби ғурурга тўлди.

Дмитрий Алексеевич эса, чаккасидаги оқара бошла-

ган сочларини қашлаб, диққат билан Андрейнинг чехрасидаги ўзгаришларни кузатиб турарди. У Лобановнинг нимадан илжаяётганига тушунмас эди. Узи эса, гёүнинг тақдирни ҳал бўлаётгандек, ҳар қандай уятга ва мағлубиятга ўзини ҳозирлаб, мактаб боласи сингари, титраб-қақшаб турарди.

Бош инженер Лобановга одамлар билан кўмаклашишга иложи бўлмаганидан, бошқа йўл топди: У Андреяга буютирилган заказлардан бирини қайтиб олди. Шу муносабат билан Усольцев бўшаб қолди, энди Андрей уни ўз группасига ишга олиши мумкин эди.

Бошлиқлик мансаби кишиларга иисбатан бўлган бевосита туйғуларни баъзан босди-босди қилиб юборишга мажбур этади. Агар Лобанов оддий инженер бўлиб ишлаганида ўзини Усольцевдан олиб қочиб юрган бўларди. Бу одамнинг шундай хислатлари бор эдики, Андреяга сира ёқмас эди: Усольцев мустақил ишлашни ёқтирмасди. У ҳеч қачон ўзи ташабbus кўрсатган одам эмас. Биронта янгилик устида ишлашга тўғри келган пайтларда берилган топшириқлардан ҳар хил баҳоналар билан ўзини олиб қочар эди. У ўз билими ва кўп йиллик тажрибаси билан лабораториядаги кўпгинча инженерлардан устун турса ҳам унда ижодкорлик қобилияти йўқ эди. Лекин у тенгги йўқ ижрочи эди. Синовдан ўтган схемаларнинг осойишта расчётларини, статистик жадвалларни, тайёр приборларни ишлатиб қўришни ва бу тўғрида хабар беришни яхши кўтарди, у мажлисларда ҳеч сўзга чиқмас, лабораторияда эса ҳамма билан бир хилда мулојим муносабатда бўларди. Борисов уни «ҳимматли» одам деб юритарди. У ҳар доим битта бежирим тоза кул ранг костюмда юрар, унинг юзи ҳам костюмига ўхшашиб бежирим бўлиб, гёё циркуль билан чизгандек дум-думалоқ, эди. Столи, иш жойи тозаликда бошқаларга намуна бўлар эди. Усольцев ҳеч қачон ҳеч нимани унтиб қолдирмас, ҳеч нарсасини йўқотмас эди. Лекин бу хатти-ҳаракатларининг ҳаммасида кишини саранг қилувчи бепарвонлик аломатлари сезилиб турганга ўхшарди. Усольцевнинг бу эҳтиёткорлигига энг муҳим нарса — ўз тинчлигини сақлашга интилиш орзуси деб ўйларди киши.

«Уни бирон нарса чинакамига қизиқтиармикин, ўзи?— деб савол берди Андрей ўзига ўзи.— У эндиги на ўттиз еттига жирган бўлса-ю, қари одамларга ўхшаб ҳар нарсадан хавфсирашни, шахсиятпарамастлардек ўз тинчлигини кўзлашни қаёқдан ўрганганин?»

Андрей ўз қўл остида ишловчиларнинг деярли ҳар бирининг нимага майл қўйганини биларди. Новиков музикага қизиқар ва хотинларга берилган эди. Кривицкий фалсафа тарихини ўргапар ва китобдан қадимги дошишманларнинг ҳикматли сўзларини кўчиради. Борисов сўнгги пайтларда психологияга қизиқиб қолган. У Бехтеревнинг ва ҳатто Спенсер билан Вундтларниң китобларини ўқирди. Саша рангли фотография билан шуғулланарди. Ванюшкин ўзининг янги квартираси ва эмизак болаларни боқиши ҳақидаги китобчаларни йиғиш билан банд. Лекин Андрей Усольцевнинг нимага қизиқишини сира билмади.

Андрей икки соат давомида Усольцевнинг шиншинқираган рангсиз пўла юзига тикилиб, ўз фикрларининг мөҳиятини батафоил тушунтира бошлади. Наҳотки, Андрейни кечаю кундуз бир минут ҳам тинч қўймаган бу ҳодисалар Усольцевни ҳаяжонга солмаса?

Усольцев қўлини орқасига қилиб, стол устидаги монтаж қилинган схемага энгашар ва унинг баъзи қисмлари ўртасидаги муносабатни текширади. У Лобановнинг ҳар бир ҳаракатини буйруқ сифатида маъқуллаб бош силтарди. Онда-сонда у баъзи нарсаларни қайта сўрар, аммо эътироz билдирмас, ўз фикрини ҳам айтмасди. У Андрейнинг айтганларини соф виждан билан тушунишга уринар ва тушуниб олгач, мулоҳазасиз маъқулларди. Бу итоаткорлик Андрейнинг ғазабини келтиради. Энди: «Эшитаман. Бажонидил» дейиши қолувди, деб аччиғланарди у.

Баъзан Андрей жўрттага унга тикилиб туриб сўрарди: палон нарсани синаб қўриш учун қандай усулни таклиф қиласиз?

— Бу масала тўғрисида китобда ҳеч нима ёзилмаганими?— деб эҳтиёткорлик билан сўрарди Усольцев.

— Ҳеч қайси китобда ҳеч нима деб ёзилмаган,— дерди Андрей даргазаб бўлиб.

Усольцев эса сидқидиллик билан галстугини тўғрилар ва ўзининг кичик-кичик хира кўзлари билан Андреяга қарамасликка тиришарди.

— Ҳа....— дерди да, кейинъ яна сукутга чўмарди. Андрей буидаи сукут қилишиниг қанча давом этишини ҳеч аниқлай олмади. Одатда у тоқати тоқ бўлиб, ўзи аввал сукунатни бузарди, шунда Усольцев енгил тортиб яна бош силкирди.

Усольцев приборга қизиқмайди, деб айтиш қийин. Андрейнинг жон-жаҳди билан ишлаши унга ҳам таъсир қилган эди. Лекин у гўё кўра-била туриб кейинга чекинарди. Андрей ундан норози бўлган ҳолда унинг фикрларини тушунарди. Балки у кўп йиллардан бери тақдирнинг тақозоси билан үмрида биринчи марта зулмат қоплаган жимжит ҳужрадан лаборатория мағфаатини кўзловчи марказий чорраҳага чиққанди? У бу чорраҳадаги ҳодисалар оқими шамолидан тумов бўлиб қолишдан кўрқар, менга қандай иш топширишаркии, деган хаёл уни ҳавотирлантиради.

Аввалига Андрей хаёлида қўл силтаб, Усольцевга характеристика олиш ишини топшироқчи бўлди-ю, кейин яна бу ўйидан қайтди: «Тортинчоқлик қилиб нима қиламан-а? Ўзига ёққан ишни эмас, қилиш зарур бўлган ишни бажарсин-да»— деб ўлади.

Андрей қўл остимдаги одамларга камроқ буйруқ беришим керак, деган ўз қоидасига биноан, Усольцевга группа ичнда қандай қилиб иш тақсимлаш вазифасини ўргатди. Янги ходимга тез ҳаракат қилувчи переключатели ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Агар переключатель бўлмаса приборни ҳам синаб бўлмасди. Ҳозир бутунлай бошқача переключатель керак, бу переключатель ҳозир бор бўлган переключателларга нисбатан анча тез ҳаракат қилиши керак.

— Сиз, Андрей Николаевич, усиливтени ҳам ясад битириш зарур деб айтгандай бўлувдингизми?— деб сўради Усольцев, сийрак соchlарини асабий силаркан.

— Бахтга қарши, ҳали расчёт тайёр бўлмаган,— деди Андрей. У соатига қараб олди.— Кечирасиз, мен шошиб турибман. Дарҳол переключатель устида ишлашга киришинг, усиз биз бир қадам ҳам олдинга силжий олмаймиз. Ҳа, айтгандай, ҳар хил мақолаларни ахтариб вақт сарф қилиб ўтирунган. Бизда ҳеч ким ҳеч қачон бунақа переключатель ясаган эмас,— деб масалани очиқ ойдин қилди.

Усольцевнинг бурни учнда майда тер томчилари пайдо бўлди.

— Андрей Николаевич, бундақанги переключатель устида мен ҳам ишламагаиман да.

Андрей индамасдан стол устида ёйилиб ётган чертёжларни ийғишириарди.

— Балки, бор нусхаларидан тажомиллаштиришга розилик берарсиз? — деди Усольцев энг сўнгги умидига таяниб.

— Бундан ҳеч нима чиқмайди, — деди Андрей қатъий қилиб.

Шу пайт унинг Усольцевга раҳми келиб жетди. У папкасини бойлади да, кейин Усольцев олдига келиб, қўлини елкасига қўйди.

— Институтларимиз переключатель йутахассислари тайёрламайди. Фақат ишининг бошланиши ёғир. Қийналсангиз ёрдам берамиз.

Андрей үсилителли эслаб, Смородинга телефон қилди. Унга жуда таниш бўлган бир аёл кишининг нозик, ингичка овози жавоб қайтарди.

— Смородин мажлисда. Ким сўраяпти?

— Лобанов.

— Андрей Николаевичми? Салом.

Бу Анечка эди. У Андрейнинг расчёт масаласида безовта бўлаётганини билиб, уни бир оз кутдириб, орадан бир неча минут ўтгач, деди:

— Дафтaringиз стол устидаги қоғозлар орасида экан. Бўлган гап шу, Андрей Николаевич. Ҳа, айтгандай... Моделингиз ҳам шу ерда экан. Вассалом. У ҳали расчётни бошламаган бўлса керак деб қўрқаман.

Андрей шу заҳотиёқ ҳамма ишни қолдириб, илмий-текшириш институтига жўнаб жетди.

«Бундай бўлиши ҳеч мумкин эмас, — деб уқтиарди ўзига-ўзи, йўл-йўлакай. — Смородин, деярли ҳаммаси тайёр деб ишонтирган эди-ку. Бунга ҳеч тушуниб бўлмайди. Англашилмовчиликми?..»

Унинг Дмитрий Алексеевич билан қилган сұхбати ҳеч хаёлидан кетмасди.

Ҳаддан ташқари кўп тасодиф ҳодисалар...

Кираверишда Анечка уни қўлида пропуска қоғози билан қарши олди.

— Гапим рост чиқди, ҳали қўл ҳам текизилмаган экан, — деди у Андрейнинг орқасидан зўрга етиб юраркан.

Улар Смородиннинг женг, ёруғ кабинетига киришди.

Хонада Смородиндан бошқа яна бир чөртёжчи аёл ҳам бор эди. Смородин креслонинг тиұрсақ суюнчигига ўтириб олиб, қўлида газета ушлаб заёмнинг ютуқ жадвалини текшираётган эди. У Андрейни кўриши билан ирғиб ўрнидан турди-да, илжайиб, унга қўл чўзиб кела бошлади.

— Жаҳоннинг ібу бурчига қайта келдим мен,— деди у.— Қани, ўтиринг, Андрей Николаевич. Кўриб турибман, авзойингиз жуда бежо. Бу сотқини қиз сирни ошкор қилиб қўйинбди-да,— деди у ва Анечкага пўписа қилиб қўйди.

Смородин ўзини оқлашга ҳам уринмади. У ҳеч нарсанни яширмасдан очиқ кўнгил билан айинни бўйинига олди. — Ҳеч вақт бўлмади, бўшаб қоларман деб ўйладим-у, лекин ўз одатим бўйича сизни ҳам лақиллатдим. Биз ўз заказчиларимизни лақиллатишга одатланиб қолганмиз. Нима қилсангиз ҳам ўзингиз биласиз — урасизми, ўлди-расизми, мана мен тайёр.

У оёқларини кериб турар, бир қўли чўнтағида, иккинчи қўли билан бўйинни қашларди. Унинг бу қиёфаси ва шўх кулгиси: мана мен шунаقا, енгил табиат, лекин ёқимтой саёқ одамман, наҳотки мендан хафа бўлсангиз?— деяётганга ўхшарди.

— Сиз мени шарманда қилтанингизни сал тушунсангиз эди,— деди Андрей маъюс ювоз билан.

Смородин унга хайриҳоҳлик билдириб, хўрсишиб қўйди.

— План бажарилмаяптими? Бир иложини қилиб ҳисобот берарсиз. Сиз, корхона ходимлари, бунақа ишга чечансиз.— У дарҳол гап оҳангини ўзгартиб, давом этди:— Азизим, Андрей Николаевич, агар бу жудаям жиддий масала бўлса, унда ҳамма ишни йиғишириб қўйиб, бор кучимни сизнинг конденсаторингизга бағишлийман.

У энгашиб, стол календарини варақлай бошлади. Шу пайт Андрей тасодифан Анечкага қараб қолди. Анечка Андрейни огоҳлантириб, бош чайқарди.

Андрей Смородиннинг қип-қизил силлиқ юзига синчиклаб тикилди.

— Овора бўлмай қўя қолинг,— деди у.— материалларимни қайтариб беринг.

Смородин қўл силтаб тантанали равишда сўз берди. У ўз айини ювиши керак. Баривир, шу топда Лобанов бу расчёти кимга ҳам топширади?

— Топаман.

— Жуда соз. Мен ҳам қиласан. Кўрамиз, қани ким тез қиласкин.

Андрей иккиласиб қолди. Яхши... Қани дафтар? Асосий рақамларни кўчириб оласан.

— Ўзингизда нусхаси қолмаганмиди?— деб шошиб сўради Смородин.

Анечка аламли қилиб бармоқлари билан столни черта бошлади.

— Ҳа, айтгандай, Анечка, сизни Тонков чақираётган эди, — деди Смородин тез унга ўгирилиб.

Анечка папирос тутатди, гугуртни силжиб ўчирди.

— Мен Андрей Николаевични кузатиб қўйиб, кейин кираман.

— Андрей Николаевич менинг меҳмоним, уни ўзим кузатиб қўяман.

— Менга қаранг, Смородин,— деди Андрей ўрнидан туаркан,— менинг дафтарим билан моделни беринг. Шу билан гапга хотима берамиз.

— Ихтиёргиз,— деди Смородин қайғурган одамдек ва стол устидаги қофозларни тита бошлади.— Қаёқда қолдийкин..

— Бундан бир соат илгари материаллар шу ерда эди, — деди Анечка.

У тезда стол устидаги қофозларни бирма-бир кўздан кечириб чиқди, кейин қаддини ростлаб диққат билан Смородинга тикилди.

Андрей Смородинга яқин бориб, пиджаги ёқасидан ушлаб олди-да, кейин оҳиста силтаб, ғазаб билан деди:

— Ҳозирнинг ўзида материалларни қайтиб беринг,— деди.

Смородин илжайишга ҳаракат қилиб кўрди.

— Нима, мен билан муштлашмоқчимисиз?

Кекса чёртёжчи аёл қўлида рейсфедер ушлаганича ҳанг-манг бўлиб, турган ерида қотиб қолди. Анечка баҳзур папирос чекиб ўтиради.

— Муштлашмайман, аммо боплаб дўппослайман,— деди Андрей ва Смородинни қўйиб юборди. У, бу сўзларни шундай дарғазаб бўлиб айтдики, Смородин шоша-пеша стол тортмасини очди-да, ўғри сингари кўзларини ҳар томонга аланглатиб, пакетни Андрейга ўзатди.

— Оҳ, хўжайиндан роса гап эшитадиган бўлдим-да!— деб кулиб юборди Смородин. У гўё ҳеч нарса бўлмагандек, ўзинни бамайлихотири ҳис қилишга уринди, лекин ба-

рибир күзларидаи қўрққанилиги ва ёвузлик аломатлари эске этиб турарди.— Ҳамкорлик тариқасида сизга ёрдам беришга мени у киши унданган эди. Ҳамкорлик бизга азобу жон, деб тўғри айтган экан Евгений Онегин. Анечка, сиз гувоҳсиз. Мени жисмоний куч билан қўрқитмоқчи...

Андрей хаїрлашмасдан чиқиб кетди. Институт ҳовлисида у Анечкадан сўради:

— Смородин сизнинг бошлиғингизми?

У бош силкиди.

— Энди сизга тинчлик бермайди.

— Мен нима...— У ер депсиниди. Унинг намланган кўзлари чақнааб турарди.— Қабиҳ... жирканч... Эҳ, Ҷандай ярамаслик бу!

— Раҳмат сизга, Анечка.

— Бу расчёtingизни кўтариб энди қаёққа борасиз? Андрей маъюсланди.

— Хозирча билмайман.

— Электротехника институтига мурожаат қилинг.

У ерда Любченко деган ассистент бор. Ўшанинг олдига боринг, лекин мен юборганимни айта кўрманг. Смородин тўғрисида ҳам оғиз очманг. Унга ҳеч нима гапирмаслик керак.— Анечка қизариб кетди.— У ишингизни қилиб беради.

У сочларини тўғрилаш учун қўлларини кўтарди. Ҳозир салқин куз қуёшида ниҳол сингари ингичка ва нозик бўлиб турарди. Унинг баъзи жойлари Маринани эслатарди. Лекин Андрей ҳозир Анечка нимаси биландир Маринага ўхшаб кетгани учунгина уни эслагани йўқ. «Маринана ундан чиройли»,— деб ўйлади у.

У Маринани ўйлаган эди, сал ўтмай ўзини ҳам кўриб қолди. Хаёлдан ўтган нарса ҳам баъзан тўғри бўлиб чиқаркан-да. Аммо, шу пайтгача уни неча-неча марта эслаган. Лекин бунинг ҳозир аҳамияти йўқ. Андрей уни троллейбусда кета туриб, ойнадан кўриб қолди. У тротуарда Андреяга орқасини ўгириб турар ва бошини осмонинг кўтариб эндигина қурилиб битган иморатни томоша қиласарди. Эгнида Андреяга таниш бўлган ўша ҳаво раинг плаиш, оёқларини сал кериб, қўлларини чўнтакларига тикиб турарди. Чуқур хаёлга чўмган Андрей ҳали қиз билан учрашиш ҳақида ўйлаб бир қарорга келмасданоқ,

троллейбус үзоклашиб, Марина орқада қолиб кетди. Унинг юраги орзиқиб, үзилиб кетгандек бўлди. Андрей толпиниб, ойнага отилди. Шу ерда ўтирган бир одамнинг шляпасини эзib юборди, кейин йўловчиларни туртиб суртиб ўтиб эшик томонга қараб юрди-да, бошини ка-бинкага тиқиб, вожатийдан троллейбусни тўхтатишни илтимос қилди.

Вожатий — мўйлов қўйған ёшгина йигит, юзини ўгир-масдан бир нима деб будурлади. Андрейнинг қулоғига фақат «қонда...» деган сўз чалинди. Кишининг турмушини бузадиган бунақа қондаларни жин урсии. Троллейбус аста чайқалиб, трамвай изларини кесиб ўтиб борарди. Тўхташ жойига ҳали анча бор. Андрейнинг баҳтига троллейбус эски, эшикларининг банди бор экан. Андрей эшик бандини бор кучи билан ўзига тортди-да, тор оралиқдан қисишлиб ўтиб, ерга сакради. Эшик «тарс» этиб ёпилар-кан, Андрейнинг оёғини қисиб олишга оз қолди. У бир амаллаб. орқадан келаётган юк машинасидан ўзини четга олди-да, кейин орқага қараб югуриб кетди. Орқа-сидан милиция ҳуштаги чуриллаб қолди. Ўткинчи одам-лар тўхтаб, унга қаравашарди. Андрей янги қурилган би-нонинг девори олдигача югуриб келди. Атрофга аланг-лаб қаради — Марина йўқ. Йишилар ҳавозаларни бузи-шаётган эди. Тарақлаб ерга тушган тахталар оҳакни тў-зитиб, ҳамма ёқни оппоқ чанг қоплаган эди. Андрей яна нарига, муюлишгача югуриб борди. У дам чапга, дам ўнгга, дам олдинга қараб кўча ўртасига тушди. Балки, Марина орқа томонга кетгандир? У Маринанинг ёнги-насидан югуриб ўтиб кетган бўлса-я? У кескин орқага бурилди ва шу пайт милиционер билан юзма-юз тўқнашди.

— Мендан қочиб қутулолмайсан,— деди милиционер ва унинг қўлидан маҳкам ушлаб олди. Андрей милицио-нернинг боши устидан, тротуарда юриб бораётган одам-лар оқимиға зўр берни тикиларди.— Туппа-тузук мада-ниятли одамга ўхшайсиз-у, жиноятчига ўхшаб қоча-сиз-а,— деб минфиirlарди милиционер унга штраф кви-танцияси тўлғиза туриб. Ҳангама талаб, бекорчи одам-лар қизиқсиниб атрофни ўраб олишди. Улар Андрей индамай штраф тўлагунича қараб туришди-да, кейин жаижал бўлмаганидан ҳафсалалари пир бўлиб, тарқалиб кетишиди.

— Нега бунчалик шошилаётгани эдингиз?— деди ми-

лиционер энди мулойимлик билан. Унинг сепкил босгаш пучуқ буруни чөхрасида акс этиб турган қизиқсиниш аломатлари йўқолиб, ачиниш аломатлари зоҳир бўла бошлади.

— Кўпдан бери қилириб юрган бир одамни кўриб қолдим.— деб иқрор бўлди Андрей.

Милиционер гапга тушунгандай бош силкиди. Андрейнинг қалбида «зора, милиционер кўрган бўлса»,— деган кулгили бир умид учқуни чақнади.

— Бир қиз. Ҳаво ранг плашч ғийган. Ўзи сариқ. Кўрмадингизми?

— Йўқ, милиционер кўрмабди.

— Троллейбус ёйнасини синдириб, уни чақирсан бўларкан.

— Ҳа-я! Шундай қилиш керак эди,— деди милиционер жиддий қиёфада.— Бундай ҳодиса учун юз сўм штраф тўласанг ҳам арзиди. Аттанг, штраф олмасдан олдин суриштирсан бўларкан. Мен ишқ-муҳаббат учун штраф олмайман.— У беғараз кулиб қўйди.— Шу модда бўйича ўзим ҳам яқинда танбиҳ олган эдим.

### ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

Фан ва корхона ходимларининг шаҳар кенгashi кечқурун соат олтида бошланиши керак эди. Андрей кенгашга тўппа-тўғри лабораториядан бормоқчи эди, лекин Борисов уни уйга бориб, тузукроқ кийиниб олишга унади.

Андрейнинг ҳаётида энг мужмал ва мушкул масалалардан бири галстук масаласи эди. У галстук тақишини ёмон кўрарди. Тақса бўйни бўғилиб кетаётганга ўхшар, кўйлагининг ёқаси гижимланар, шунида асабийланниб, фигони фалакка чиқарди. Лекин бугун у отасининг ёрдами билан бир амаллаб галстукни тузукроқ боғлаган эди, чехраси очилди. Билинар-билинмас қизил йўллик кўк костюми эгнига қуйиб қўйгандай ёпишиб турарди. Тўғри, пиджагининг бели ҳиёл торроқ эди. «Қорин қўйибманми? Кўп ўтирганимданмикин?— деб ўйлай бошлади у. Лекин костюм кўкрагига ёпишиб, қоматини тик қилиб кўрсатарди.

Андрей Советлар саройи биносига яқинлашиб келганида, кийинниб олганим ҳам дуруст бўлган экан, деб хаёлидан ўтказди. Саройга кираверишнинг ўзидаёқ, ат-

роф кўтариинки тантана вазиятида эди. Ярақлагаш автомашиналар бирин-кетин сарої дарвозаси олдинга келип тўхтай бошладилар: делегатлар сарої олдидағи бодии кесиб ўтиб боришаркан, йўл-йўлакай зарҳал билан ёзилган қизил билетларини таёллардилар. Ҳар қадам сари одамлар оқими қуюқлаша борди. Бу тик ўсган яшил арчалар, оқ сариқ бўёқ билан янтигина бўялган улуғвор устунили бу саройнинг ўзи ҳам ҳозир Андрейга бундан анча йил бурун, декабрда Ленинграддаги Таврия саройида содир бўлган бир воқиани эслатарди. У вақтда Андрей ҳали кичкина бола эди, аммо ўша бир куннинг ўзидаёқ бир неча ёш ўсган эди. Қор билан қопланган арчалар ғамгин бош эгиб турадилар. Қора лента сингари чўзилган одамлар қатори боғдан ўтиб, узоқ-узоқ кўчаларга кириб кетган. Совуқдан типирчи-лаб турган одамлар оёғи остида қор фирчилларди, улар совуқ ўтиб карахт бўлган оппоқ юзларини ишқалар, лабларини зўрға қимирлатиб, эшитилар-эшитилмас пи-чирилашиб гапиришарди. Бу бинодан бутун кўчаларга, бутун шаҳарга, бутун мамлакатга мотам сукунати ёйилаётган эди. Андрей отаси билан секин-секин юриб, остоига яқинлашиб борарди. Улар бир-икки қадам босиб, зинадан кўтарилилар, ичкаридан мотам марши эшитила бошлади. Гуллар орасида қўлини кўксига қўйиб Киров ётарди. Қуйи эгилган байроқларнинг олов шуъласи Кировнинг оқарган чеҳрасига қон ва жон берадиганга ўхшаб туюларди. У ўз портретларидан биронтасига ҳам ўхшамасди: чунки ҳамма портретларида Киров кулиб туради.

Кўчага чиққандা, Андрейнинг отаси анчагача бошига қалпогини киймай туриб қолди, майда-майда ёш томчилари нозларидан дув-дув оқиб тушарди. Шунда Андрей отасининг йиглаганини умрида биринчи ва ѡхирги марта кўрган эди.

Ўшанда, Андрей Ленинграддаги Таврия саройининг музлаган остоигасида туриб, коммунист бўлишга қасам ичган эди.

Мана, орадан кўп йиллар ўтди. Бугун у ҳам кираверишда ўз шахсий пурвоҳномаси сифатида қизил муқовали кичик билетни кўрсатди.

Саройнинг вестибюли ва оқ устунли фойеси улуғвор қандил чироқлари билан ёритилган. Андрей одамлар орасида Кунининг баланд гавдасини кўрди, академик Кос-

тиновнинг оппоқ ва сийрак соқоли ҳамда Разумовнинг қинп-қизил юзи лип этиб бир кўринниб ўтди. Агар шу ерда ҳозир бўлғанларнинг фамилиясини эълон қилинса борми, кўпчилик ўз ўқитувчиларини ё ўқувчиларини, ёки бўлмаса, ўз ишини давом этдирувчиларни ва сафдошларни учратган бўларди.

Техника прогресси масалаларига бағишланган бу кенгашга завод, институт ва партия ташкилотларининг вакиллари тўплланган. Бу сарда академиклар, фишт тेरувчилар, резинкачилар, гидротрүбингиларни монтаж қилювчилар, полиграфия машиналарини лойиҳаловчилар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, сваркачилар бор эди. Улар буюк меҳнат ва фан шаҳрининг вакиллари.

Фойе бўйлаб, олимлар ва корхона ходимлари ўртасидаги ҳамкорлик натижасида эришилган ютуқлар виставкаси очилган эди. Қалта жингалак сочли пучуққина бир қиз лугоналарининг ялинишларига қарамай, ўзини четга тортишга уринарди — қизлар унинг қўлидан ушлаб олиб, тўқув станоги турган ерга судрағдилар, бу станок тепасида ўша пучуқ қизнинг портрети осилган эди.

Андрей у витринадан бу витринага ўтиб металлардаги нуқсонларни аниқловчи янги ультраозвозли аппаратлар олдида, гигант гидрогенераторлар фотографияси олдида узоқ-узоқ тўхталиб ўтди, янги кашф этилган ҳеч, айнимайдиган бўёқ нусхалари солинган пластинкаларга қўл тегизиб кўрди. Шу бир, бир ярим йил мобайнида ҳамкорликда ишлаш натижасида шунчалик катта натижаларга эришилибди-я!

Витриналардан бирида учига кичкинагина чинни пластинка ёпиширилган узунчоқ бир металл ётарди. Унинг остига «Термокорунд кесиш асбоби»— деб ёзилиб қўйилган. Андрей афтидан жуда мўрт кўринган бу пластинкани пайпаслаб, оқ соқолли семиз бир чол билан таплашиб қолди. Маълум бўлишича, бундай кесиш асбоби туфайли, кесиш тезлигини ўн маротаба, э, ўн марта ҳам гапми, йигирма маротаба тезлаштириш мумкин экан! Ўзи олмосдек қаттиқ, иссиққа чидамли. Чол аллақандай ўқинч оҳангда Андрейга бу кесиш асбобини ҳадеб мактарди.

— Бундан чиқди, тўла революция денг?— деди Андрей.

— Қизиқ гапларни гапирасиз, йигитча,— деди у ҳам қувониб, ҳам ранжиб.— Сиз буни хамирдан қил су-

Нургандек осон иш деб ўйласангиз керак. Олимлар бунинг устида беъш йил бош қотиришди. Олдимиизга бу ма-  
сала юзасидан биринчи марта доцент келганида ўзим  
ҳам қулган эдим. Э, қўйинг, чинни билан ҳам металл  
қирқиб бўларканми?— девдим. У эса, мана, синааб кў-  
рингчи бўлмаса,— деди. Уни ҳурмат қилганим учун сўзи-  
ни ерда қолдирмадим. Уша вақтда чўян ишлатётган  
эдим. Қарасам, тузук, bemalol қирқаверди. Доцент бўл-  
са — тезлаштиринг,— деди. Тезлаштиридим — кесаверди.  
Станок тезлигини яна оширдим. Яна кесаверди. Энг юқо-  
ри тезликка чиққанда становим титрай бошлади, шун-  
дагина бу кесиш асбоби чил-чил бўлиб кетди. Жуда ҳам  
мўрт эди. Шундан кейин доцент борган сари бир-биридан  
мустаҳкам кесиш асбоби ясай бошлади. Унинг қайраш  
усулини биз ўргатдик. Кейин нима бўлди денг? Бу кесиш  
асбоблари омборда қалашиб ётиди, лекин ҳеч ким ол-  
майди. Бу асбоб билан қандай ишлашини билишмайди ҳа-  
ли. Ундан кейин уни қайрайдиган асбоб ҳам йўқ. Шу ах-  
волда муаллақ бўлиб туриб қолди. Доцент ўз ишини ба-  
жаришга — бажарди, лекин бу ёғини давом эттирувчи  
киши йўқ... Айниқса эски одатлар ўз қутида бўлган чоқда,  
янгиликни осонлик билан эгаллаб бўлмайди.

— Рост айтасиз, отахон! — деб юборди Андрей қу-  
вончи ичига сиғмай ва ажабланган чолнинг қўлини са-  
мимият билан сиқди.

Унинг сафдошлари кўп эди! Мана ўлар, цехларда,  
верфларда<sup>1</sup> эски урф-одатлар ва мутаассибликларни ен-  
гиб, Тонков ва унга ўшаганларга қарши қаттиқ жанг  
қилиб, тинмай янгилик қидирмоқдалар. Булар Андрей-  
нинг сон-саноқсиз сафдошлари эди. Унинг лаборатория-  
сида бўлаётган хатти-ҳарақат умумий оқимдан бир том-  
чигина эди. Бу витринага қўйилган ҳар бир деталининг  
узоқ ва машақкатли тарихи бор эди. Унинг ёнидан  
ўтиб бораётган ҳар бир киши, Андрей бошидан кечира-  
ётган қайғуларни кечиргай ёки кечирмоқда!

Андрей виставкани айланнуб томоша қилиб юрганида  
миясида яна бир фикр — фанинг турли соҳаларини бир-  
бирига аралашуви ҳақидаги фикр пайдо бўлди. Химик-  
лар, металлургия оламига кириб, пўлатнинг ўрнини бо-  
сувчи пластмасслар яратмоқдалар, ойначилар эса, ку-  
рилиш материаллари мутахассислари билан рақобатла-

<sup>1</sup> В е р ф ь — кема ясайдиган ва ремонт қиладиган жой.

шиб, биллур устуни санатория биносининг моделини виставкага қўйган эдилар. Станоксозларни икки ёқлама сиқинтиришарди: бир ёқдан металл қуючилар механик ишлов талаб қилмайдиган пропусксиз деталь қўйсалар, иккинчи томондан эса, электриклар метални электр учқуни билан ишлаб, уни қайрадилар, пардозлардилар, қирқардилар. Бир-бирига таниш бўлмаган бутунлай бошқа-бошқа касблар гўё бир-бирларига дўстона қўл чўзаттандай эдилар, улар бир-бирларига ёрдам кўрсатар ва шахдам одим отиб, шу пайтгача бегона бўлган фан соҳасига кириб борадилар. «Фанин бўлиб бўлмайди,— деб ўйлади Андрей,— ўз тор касбинг билан шу пайтда муваффақият қозонасанки, бу муваффақият икки соҳа орасида вояга етса. Албатта, фан соҳасидаги қўшниларимиз иши билан қизиқсинишмиз керак, уларга ўз ютуқларимизни намойиш қилишимиз керак...»

Кенгаш бошланди. Андрей Дмитрий Алексеевич, Борисов ва Зоринлар билан ўтиради. Горком секретари Савин доклад қилди. Андрей Борисовнинг айтганларидан Савинни негадир қотмадан келган, жиддий, кўзлари чўккан ва аллақаерлари Дмитрий Алексеевичга ўхшаб кетадиган одам бўлса керак, деб тасаввур қиласди. Аслида эса, Савин тўлдан келган, паст бўйли бақувват одам эди. Унинг ён томонга таралган сап-сариқ соchlари ҳадеб пешонасига тушаверар, шунда у болаларга ўхшаб кетарди. Аввалига у докладини конспектдан ўқий бошлади, кейин жуда берилиб кетиб, кўзини деярли залдан узмай қўйди.

Бир вақтлар Андрей ўсимликлар дунёси ҳақида бир илмий фильм кўрган эди. Оператор бутун ёз давомида ҳар куни битта буғдой бошогини кинога олган экан. Экранда эса, аввалига бир ниш пайдо бўлди, бир неча сенкунд ичидаги ўсиб кўтарилди, қилтапоқ чиқариб гулга кирди хамир бўлиб дон тўлишиди ва бир минутдан кейин бу бошоқ пишиб, оғир бошини эгиб, шамолда тебрана бошлади. Ҳозир сўнгги йилларда шаҳар саноати ва фани босиб ўтган йўл Андрейнинг кўзи олдида худди кинодагидек тез гавдаланди. Ҳозир у ўз ўртоқлари билан бирга, шу залда ўтирганларнинг ҳаммаси билан бирга босиб ўтган оғир йўлни, ҳамкорлик қилишнинг дастлабки йўлларини қандай қидириб топганиларини хотирлаш имкониятига эга бўлди. Заводларда анча вақтларгача янги келган олимларга ўрганолмай, юраклари бетламай юришди,

уларга арзимаган икир-чикир ишларни берар эдилар. Натижада: «Олимлар бизга ишлаб берсин»— дейдиган текинхўрлар. «Биз ҳеч нарса қилилмаган эдик, сизларнинг қўлларнингдан ҳам ҳеч иш келмайди»— дейдиган гумонсировчилар пайдо бўлди. Фақат ҳисобот бериш мақсадидагина кўплаб шартиомалар туздилар. Лекин Ленинград ва Москвада бошланган мувваффақиятли ҳамкорлик ҳар қандай болалик касалларини енгиб, бутун мамлакат бўйлаб таралди; кераксиз формал нарсалар ўз-ўзидан четга чиқиб қолаверди, иш соҳасидаги чинакам дўстликка, ижодий ҳамкорликка бўлган интилиш зарур бир ҳолга айлана бошлади. Бу дўстликнинг уюшган шакллари ҳам вужудга кела бошлади. Студентлар заводларда кўрсатиб берилган диплом лойиҳаларини бажарадилар. Институт кафедраларида ғайри табиий лекторлар — разметкачилар<sup>1</sup>, асбобсозлар пайдо бўла бошлади.

— Бу ҳаракат,— деди Савин,— саноатнинг ўсиши гагина ёрдам бермасдан, фанинг ривожланишига ҳам имкон туғдиради. Олимлар эришган янгиликлар тезда амалда қўлланилди. У ёки бу илмий-текширув ишининг қанчалик ҳаётга мос эканлиги синаб кўрилди. Бундай шароитда баъзи кишилар учун «Бехуда меҳнатни ташкил этишининг илмий принциплари» деган темага ўхшаган темаларни ишлаб чиқиш оғир бўлади, бу турган гап,— шу ерга келганда Савин илжайиб қўйди.— Яна, фанинг биргина соҳасини эгаллаб олиб, ҳар қандай янгиликларни бўғиб ётган тиранча олимларнинг аҳволи ҳам оғир бўлади...

«Бу гаплар ҳаммаси тўғрику-я,— дерди Андрей,— лекин олимларнинг ўзига кўпроқ ишонч туғдириш керак. Шунда эскилидан қутулиш осон бўлади, Тонков ва унга ўхшашларнинг масаласини олимларимизнинг ўзлари ҳал қиласидилар. Биз, фанда бир аракчеевчилик иккинчи аракчеевчилик билан алмашинишдан қутулишимиз мумкин».

— ...Ҳар бир коммунистининг партиявий бурчи,— минбардан Савиннинг овози янгради,— ҳар қандай янгиликни, прогрессив ва ғилғор нарсани қўллаб-қўлтиқлашдан иборатдир...

Андрей қошларини чимириб, бу мажбуриятни ўз бурчи деб биларкан, унинг вижданига қаратилган таънани ҳам қабул қилиб, бош силкиди.

<sup>1</sup> Разметкачи — белги қўювчи.

— ...Бахтга қарши, корхона ва фаи оламидаги энг ижодкор ходимлар кўпинча четда қолиб кетяптилар. Улар жуда камтарин бўлиб, нотиқлик қилмаганлари учун ва кўпинча ўзларини ҳимоя қила олмаганлари учун, баъзан биз уларни сезмай қоламиз, фақат юзадагиларнигина кўзимиз кўради.

Андрей чин қалбдан қарсакка қўшилди ва Борисовга ўғирилиб қаради — у блокнотига энгашиб олиб, қандайдир бир сўз тагига йўғон қилиб чизди. Кейин Андрейнинг унга қараб турганини кўриб, пичирлаб деди:

— Сув бетида фақат Долгинга ўхшаш хас-чўплар сузиб юради, Краснопевцевга ўхшаганларни биз пайқамаймиз.

Андрей қарсак чаларкан, ижодкор кишилар ва уларни қўллаб-қўлтиқлаш ҳақида айтилган гапларни ўзи ва Борисовга тегишли деб ҳисоблаган эди, аслида эса Борисов бу гапларни ўзгача, ўзига қаратилган талаб деб тушунибди. Андрей шу пайтда оддий инженер ва ишчиларга ҳаваси келди, ҳамма уларни ҳимоя қилар, мақтар эди. Сен эса — ҳаммасига жавобгарсан, борди-ю, танқид қилишса, миннатдорчилик билдиришинг керак.

Залда енгил хўрсиниб, бир-бирига кўз қисиб олишган кишилар оз бўлмади. Андрей атрофидаги ўзи билан маслакдош, ҳамфир кишиларни сезиб ўтиради.

Докладчи ўтирганлар орасида уйғонган жоопланишни сезди. У овозини пасайтириб, дўстона жилмайиб, деди:

— Тўғри, танқидни севинг деб талаб қилиш оғир...— Борисов тирсаги билан Андрейни туртиб қўйди, икковлари кулиб юборишиди, кейин залдаги одамларнинг ҳаммаси ҳам гапнинг маъносига тушуниб кулиб юборишиди.— Лекин коммунист, совет раҳбари танқидни дадил туриб қарши олиши ва энг муҳими, ундан тўғри хулоса чиқариши зарур.

Танаффус вақтида Андрей ўзи билан аспирантурада бирга ўқиган дўстларини учратиб қолди. Уларнинг ҳаммаси тўпланишиб, фойе бўйлаб борарадилар, шу чоқ Андрейни кўриб қолиб чақиришиди. Залнинг ён эшиги олдида, устунлар орасида бир тўда одам горком секретарини қуршаб олган эди. Андрей бу тўда орасида Борисов билан бош инженерни ҳам кўриб қолди. Борисов

қўли билан имлаб Андрейни чақирап ва илжайиб Савинга бир нималар дерди. Андрей улар олдига бораркан, негадир қизариб кетди ва қовоғини солиб олди.

— Биз ҳозир, сиз тўғрингизда гапиришаётган эдик,— деди Савин. Бу билан у ўзи, Борисов ва бошқаларнинг илжайиш сабабини тушунтироқчи бўлди. Андрей чурқ этмай жим туаркац, ўз жиддий қиёфаси билан: «Мени чақирудингиз шекилли, нима гап ўзи?» демоқчи бўлаётганга ўхшарди.

Унинг бу жиддий қиёфаси ҳозир ноўрин ва кулгили кўринарди. Ҳатто Борисов ҳам Лобановнинг бу хатти-ҳаракатидан ўзини ноқулай ҳис қила бошлади, аммо горком секретари орага тушған бу жимликдан хиёл ҳам ўнга исизланмади. Аксинча, у сезилар-сезилмас табассум билан Андрейни кўздан кечираркан, ундан гап кутарди. Савин яқиндан қараганда анча ёшга бориб қолганга ўхшаб кўринарди. У хомсемиз эди, одатда, кўпинча ўтириб иш қиласидан кишилар шу касалга дучор бўлишади. Галстуғи ёмон бойланган эди. «Мен сингари қийналга шағиришга ўхшайди»,— деб ўйлаб қолди Андрей тўсатдан дўстона оҳангда.

Савин гўё ўзи кутган нарсасига эришгандай бошини бир силтаб, пешонасига тушган соchlарини орқага ташлади-да, Андрейдан, унинг асбоб устида ишлашига биронта илмий-текшириш институти ёрдам беряптими, деб сўради. Андрей, суҳбат бирдан ўртасидан бошланиб кетди, деб ҳис қилди.

— Демак, Григорьев билан денгизчилар кўмаклашяпти денг,— бу яхши, лекин булардан бошқа яна қизиқ-қан ташкилотлар топилиб қолар-а? Масалан, телефончилар, алоқачилар — ҳаммасини жалб қилинса, яна яхши бўларди-да.

— Уларнинг ҳаракатларини ким кузатиб боради, ким мослаштиради.— деди Андрей.— Ҳар ким расмий иш билан шуғулланишга қизиқади.

— Расмий ишга қизиқиш — ёмон дард,— деб тасдиқлади Савин.— Ҳатто министрларнинг ҳам кўпинча бунга қучи етмайди. Айтиигчи, сиз ўз асбобингиз тўғрисида бирори матбуотда мақола бостириб чиқарғанмисиз?

Андрей ўз мақоласининг муваффақиятсизликка учрагани ҳақида қисқача сўзлаб берди.

— Ажойиб усул,— деди қувноқ оҳангда Савин.— Танқид байроғи остида яшгилликни никор қилишади ва

янгилик учун кураш байроби остида танқидни ишкор қилишади. Янгича консерватизм бу. Шундай бўлса ҳам, орқага чекиниб, чакки иш қилибсиз. Босилиб чиқсан мақола — бу сизнинг асбобингиз талабгорларини юзлаб кўпайишидир. Бунинг учун курашса арзиди.

— Усиз ҳам курашлар бошимдан ошиб ётиби.

Савин қошларини бир чимирди-ю, кейин бош инженер олдида Лобановнинг яна кимлар билан курашашётгани тўғрисида сўрашни эп билмай, жим қолди. Андрей ҳам иккиланиб қолди: Потапенко, Долгин, Тонковларнинг фамилиясини айтсанми, айтмасанми? Айтса шикоят қилаётгандай бўлади. Савин Андрейнинг қийналиб турганини пайқагандай, ундан:— Диссертация ёқлағандан кейин корхонага ишга келганингиз учун афсусланаётганингиз йўқми, — деб сўради.

— Мутлақо,— деб самимий жавоб берди Андрей, шу пайт у эрталаб Одинцовнинг айтганларига қулоқ солмай чиқиб келганидан афсусланганини ҳам унудиб юборди.

Савин Костинов билан Федоришчевларнинг фамилияларини тилга олди. Ҳозир улар академик бўлсалар ҳам, ўз заводлари билан алоқани узмайдилар. Ахир ростини айтганда уларнинг йирик олим бўлишларига завод сабабчи бўлди-да. Костинов ҳам ёш олимлик пайтида институтни ташлаб, электромеханика заводига ишга кирган экан.

— Менинг фикримча, фан билан алоқа қилувчи корхона ходими, агар у ақлирасо бўлиб, унча-мунча нарсанинг фарқига ета олса, ундан киши идора иши касалига камроқ дучор бўлса керак.

Ҳа, мақсад бу ёқда экан-ку! Саволларнинг маъносидан Андрей, ўз дилкашини қизиқтирган нарса фақат асбобнинг тақдиди эмас, балки шу тақдирдан ва Лобановнинг тақдиридан қандайдир катта умумий хулоса чиқариш мумкинлиги эди.

Лекин Андрейни ҳаяжонга солган нарса унинг ўз ташвиши. Бундай фурсатни қўлдан бериш ва горком секретари билан бўлаётган бу суҳбатдан фойдалана олмаслик нодонлик бўларди. Биринчидан, тажриба ўтказувчи заводни қисталанг қилиб, лаборатория заказларини олишга буюришини илтимос қилиш керак. Иккинчидан, мақола масаласида Савин ҳақ: мақолани босиб чиқариш — шундай ҳал қилувчи звенодирки..

Бир неча вақтгача уларнинг ҳар бири сухбатни ўз тарафига тортишга уринди.

— Шундай бўлса ҳам, ўз идораси иши учун жон куйдириш сиздек фан кишисини ҳам сингибди-я,— деди кулиб Савин.

Андрей ҳазил билан жавоб қайтарди:

— Сизга маза, вазифангиз идораларо вазифа.

— Сизнинг вазифангиз менга ёқади.— Савин Андрейга тикилиб қарааб қолди, шунда Андрей сухбат ҳозир Савин ҳоҳлаган томонга бурилиб кетади. деб сезди. Ҳозир идора эҳтиёжи ҳақидаги таъиини ютиб юбориб, ўзини оқлашга урпаниш эмас, балки ўз талабларига жавоб олиш керак. Эйди Андреининг нега Савинга вазифаси ёққанини сўраш керак бўлиб қолди.

— Чунки сиз фанинг муҳтор вакилисиз. Сиз унинг эҳтиёжларини ҳимоя қиласиз.

— Йўқ, муҳтор вакил — дахлсиз шахс бўлади. Мен эса...— Андрей қўл силтади, ҳамма илжайиб қўйди.

Горком секретари қаттиқ тортишувларда қатнашишни яхши кўрарди, у ўзи билан дарҳол келишувчи кишиларни ёқтирмасди. Афтидан, бу Лобанов, у билан баҳслашишга лойиқ одамга ўхшайди. Тўғри, бир оз терсроқ экан, аммо фикрлари ўзиники, янги. У билан бир кружкадан пиво олиб отамлашса соз бўларкан-да... Горком секретари ўзининг юзлаб ҳар хил одамлар билан муомала қилишини эслади, аммо улар билан бўлган сухбатлар у ўйлаган сухбат эмас — қуруқ валдираш бўлиб туолди; кейин у ўз дўустлари орасида битта ҳам ёш олимлардан йўқлигини, аммо уларнинг жуда ҳам ажойиб кишилар эканлигини ўйлай бошлади... Ҳар ҳолда Лобановни қўллаб-қўлтиқласа бўлади, деб жиддий қарорга келди у. Лобановнинг корхонага ишга келиши — жуда катта ибрат, бу фан соҳасида яхши традицияларни юзага келтиради, шунинг учун бу хислатлар бугунги шаронтилизга қанчалик монанд эканлигини аниқлаш керак, деб ўйлади, секретарь. Иккинчи томондан қараганда Лобанов кучли, матонатли йигит экан, бунақа йигит бошқаларнинг васийлигисиз ҳам ўз мақсадига эриша олади. Аксинча, агар у битта-яримта билан олишиб қолса, энергетикларнинг эски қонунларини ағдар-тўнтар қилиб ташласа, қайтага фойда бўлади.

Иккала мулоҳаза ҳам бир-бирига тенг эди. Масала-

ни юрак туйгуси ҳал қилди. Савин ўз ички туйгуларини доимо очмасликка уринарди, аммо шундай дамларда албатта шахсий хайрихоҳлик туйгулари устунлик қиласади.

— Горком сизга нима билан ёрдамлашиши мумкин? — деб кутилмаганды сүради Савин. Андрей ҳатто довдираб қолди. Дмитрий Алексеевич тоқатсизланиб, оғирлигини у оёғидан-бу оёғига соларкан, штат масаласида сўраш фаҳмига келармикин? — деб ўлади.

...Шу пайт Андреини ўғирилишга қандай куч мажбур қилганини ўзи ҳам сезмай қолди: уларнинг олдидаи айланиб юрган одамлар ичидан бир хотин билан қўл ушлашиб Марина ўтиб кетаётган эди.

У Андреини кўрмади. Ҳозир ҳамма чироқлар унинг қиийиқ кўзларида мавжланарди. Буғдои раиг бетларида сезилар-сезилмас бир текисда қоп юрганди.

Андрей, Маринадан кўзини узолмай, бўйини чўзиб олдинга толпинди. Аллакимнинг елкаси Маринанинг елкасини, кимнингдир боши унинг бошини тўсди, Андрей бир ўнгга, бир чапга энгашиб қаради,— яна биринки секунд ичидан Марина одамлар орасида кўздан ғойиб бўлиши мумкин.

Савиннинг сўзлари гўё узоқ-узоқдан зўрға эшитилаётганга ўхшаб туюлди:

— Сиз қандай ўйлайсиз, очиқ мунозара сизга ёрдам берармикин? Аввал доклад қилсангиз, кейин жанг бўлса! Жанг бўлганда ҳам чакана жанглардан эмас! А, нима дедингиз?

— Мунозара,— деб такрорлади Андрей ва бошини Марина кетган томонга бурди.— Ҳа, бўлмасам-чи...

Савин ажабланиб Андрей тикилган томонга қаради, лекин у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган одамлар оқимидан бўлак нарсани кўрмади.

— Бундай муҳокама кучимизнинг қай тарзда эканини аниқлаб беради,— деди Савин баландроқ овоз билан.

Марина одамлар оқимида, борган сари Андреидан узоқлашиб борарди, унинг олтин соchlари кишиларнинг елкалари, бошлари орқасида дам йўқолиб, дам яна кўриниб қолар, ҳозир у ҳам бутунлай кўздан ғойиб бўлади.

Андрей тез ўғирилиб, уялиб Савинга қаради:

— Мени кечиринг... Бир минутга...

У, тўғри югуриб бориб, ўзини одамлар орасига урди. Маринага етиб олди, унга яқинлашган сари юришини

секинлатаверди. Қизнинг бўйни, зирак тақиш учун тешилган қулоқлари, юзи сал ўгирилганидан кўз қирлари ҳам кўриниб турарди. Андрей кўнглида унга мурожаат қиласар, уни чақиради — аммо у эшиитмасди. Шу алпозда улар яна бир неча қадам юриб бордилар — Марина олдинда, Андрей эса орқада, ён томонда борарди. Ниҳоят, Андрей етиб олишга мажбур бўлди ва уни чақириди. Исмини бемалол, дудуқланмасдан айтганига ўзи ҳам ҳайратда қолди.

Марина бирон ҳодисани эслаётгандай, аммо ўз хотира-сига ишонмаётгандек, диққат билан унга тикилди. Нахотки танимаётган бўлса? Шу пайт Андрейнинг аламли кўнглида бир оқилона фикр туғилди. У чўнтағидан ҳамёнини чиқариб, ундан бир тўғнағич олди. Бу ўша куни кечаси йўлда Марина берган тўғнағич эди.

— Сизникими?

— Оҳо!! Мужассам далил,— деди муғомбирона Маринанинг ҳамроҳи.

— Миннатдорлик билан яна эгасига қайтараман.— У ҳозирча ажойиб ҳодисалар билан тўлиб тошган учрашувлар ҳақида ҳикоя қилувчи киши ролини яхши ижро этаётган эди.— Мен сизга яна косинкангизни ҳам қайтариб беришим керак.

— Салом...— деди аста қизариб Марина. У бехосдан Андрейнинг оёғига қаради.— Сизни таниш қийин. Ярангиз тузалиб кетдими?

— Ҳа, арзимаган яра әди!— деб қулди Андрей.

— Сизни бу ерда учратаман деб ҳеч ўйламаган эдим.

— Мен ҳам.

— Нега энди?

— Мен сизнинг ким бўлиб ишлашингиз ҳақида кўп бош қотирдим,— деди Андрей. У бу сўзлари билан ўзини фош қилаётганини сезмасди.— Қанча ўйласам ҳам, нима касб билан шуғулланишингизни ҳеч тополмадим.

Марина жавоб ўрнига Андрейни дугонаси билан танишитирди.

— Софочка, эсингдами, сенга айтиб берувдим-у...

— Бўлмасамчи, сирли ярадор йўлдош. Тунги ўрмон. Қувгинлик.

Софочка жингалак соchlарини ноз билан силкитиб, бидирлаб гапира кетди; кўм-кўк кўзларини катта-катта очиб Андрейни бошдан-оёқ кузата бошлади. Унинг дўмбоққина қадди-қомати, олма сингари оқ-қизил юзи, лола

ранг лабларидай аллақандай сохта лақмалик аломатлари бор эди.

Марина хәёлчанлик билан бармоғида түғиагични айлантиради. Пушти ранг тирноқлари калта қилиб олинган, ҳар бир тирноқнинг ости ўроқ ойга ўхшаб оқариб турарди. Кўрсатгич бармоғида тушнинг қора доғи қолган. Андрей унинг бармоқларидан кўзини узмас, гўё бармоқнинг ҳар бир ҳаракати бирон маънони англатадек туоларди.

— Қувфинлигинг иимаси,— деди Марина табассум билан.

Андрей шу пайт ўзи билан Марина ўртасида тортилган кўз илғамас ип бирдан узилиб кетди, деб ҳис қилди. Улар орасидан гўё учинчи бир одам ўтгандек бўлди.

Ҳаммасидан ёмони шу эдик, у ҳар нима тўғрисида ўйласа ҳам Маринани оқларди. У бўлган воқианинг ҳаммасини оқизмай-томизмай мана шу Софочкига айтиб берганидан ҳам ўша пайтда албатта тоза кулишгандир, деб ўйлаб бу кулгилардан ҳам хафа бўлмади. У эса... фирт аҳмоқ экан... Нималарни хаёл қилиб юрибди? У Марина учун ҳеч аҳамиятсиз бир одам эди! Бадтар бўл! Бундан кейин хаёлпараст бўлмайсан.

Улар фойени айланиб, Андрей Савинни ташлаб кетган жойга яқинлаша бошлидилар. Горком секретари унинг тўғрисида нима ўйлаганкин?.. Андрей нақадар бемулоҳаза иш қилганини эндигина фаҳмлай бошлиди. Ҳозир горком секретари коммунист Лобанов қувиб кетган қизни кўради. Дуруст, чакки эмас!

Андрей у томонга қарашга қўрқарди.

— Мунча маъюссиз?— деди Софочка,— ўрмонда Маринанинг ўрнида сиз билан мен бўлганимда бу важоҳатингиздан жудаям қўрқиб кетган бўлардим.

Андрей зўрға илжайди. У Маринанинг қўлига сал тегди.

— Розилик берсангиз, кенгашдан кейин сизни эшик оғзида кутиб турсам.— У ўзининг ғоят хотиржам ва кескин овозини эшишиб, ўзини босиб олди ва талабчанлик билан Маринанинг кўзларига, кўз қорачиғларининг энг чуқур ерига тикилди. Унинг қарашида аллақандай нотинч ва бирон нарсадан норози бўлганлик аломатлари сезилиб турарди — Андрей бунга ҳеч тушунолмади.

Устунлар олдида Савин йўқ эди.

Горком секретари билан турган бошқа одамлар ҳам кўринмасди. Андрей қўнфироқ чалингунча одамлар орасида у ёқдан-бу ёққа юриб турди.

У залга кириб ўз ўрнига ўтириди, уялганидан лавлагидек қизариб кетган эди. Дмитрий Алексеевич билан Борисов унга бараварига ҳужум қилишди: эсингни еб қўйганмисан дейман, каллангни йўқотиб қўйибсан — шундай муҳим масалани ҳал қилаётганимизда, бурилиб кетиб, аллақандай бир аёлнинг орқасидан югуриб юрибсан,— деб койишиди.

— Ер ёрилмади-ю, кириб кетмадим,— деб пиҷирлади Борисов, ён-атрофида ўтирганларга эшиитдирмасдан.— Нимани ўйлаётувдинг? Бу ёш боланинг қилифи. Биласанми ўзинг, ахир у горкомнинг секретари-я! Вой сен-е... бирласгина сабр қилолмадинг. Сенинг бунақалигининг билмаган эдик... Олифта!

— Гап унинг горком секретарлигига ҳам эмас,— деди Дмитрий Алексеевич бир оз ҳовридан тушиб,— горком секретари ҳам инсон, у билан ҳам инсондек муносабатда бўлиш керак. Расмий вазият бўлганда ҳам майли эди, бу ножӯя қилиқни бир амаллаб хаспўшлаб кетган бўлардиж, лекин бу ерда, Андрей Николаевич, хоҳ рози бўлинг, хоҳ бўйманг, мени афв этинг, албатта, бу одобсиз одамнинг қилифи. Хуллас, шундай қулай фурратни бой бердингиз-а! Бир янгилишган бир йилда ҳам ўнгланмас.

Андрей бу таъналарни эшитиб ўтириб-ўтириб, кейиннига узиб олди:

— Гап шундай экан, қимматли ўртоқлар, жиддий масалаларни танаффус пайтида фойеда гапиришиб, тарқалиб кетавериш өмас, балки жиддий ўтириб ҳал қилиш керак.

Дмитрий Алексеевич билан Борисов таажжубланиб: «Дуруст-ку!» дегандек бир-бирларига қараб қўйишиди.

«Қизиқ,— деб ўйларди Андрей,— Савин: «Бундай муҳокама, кучларимизнинг қай тарзда эканини аниқлаб беради»— деган гапи билан нима демоқчи экан-а? Қанақа кучни айтаяпти у? Афтидан, горком секретари оддий муҳокамани эмас, балки жуда катта бир йиғилишни кўзда тутганга ўхшайди. Андрейнинг миясида бири-биридан қизиқ фикрлар пайдо бўла бошлади. Тонков билан очиқдан-очиқ курашса, мутахассислар иштирокида масаланинг асл моҳияти устида гапиришса.

Савин жуда яхши айтди: мунозара — бу энг ўткир чо-ра... Эҳ, шундай вақтда Маринани кўриб қолиб нима қиласарди... Энди бўлар иш бўлди. Секретарь хафа бўлган бўлса керак. Бўлган воқеани бирма-бир айтиб, аҳвол шундай бўлди деб, унга хат ёзса-чи... Бўлмаган гап, бунақа нарсалар тўғрисида ёзмайдилар...

Андрей уйига бора боргунча виждан азобида қийналди. У ҳозир Марина билан ёнма-ён кетаётганига, унинг овозини эшиштаётганига ҳам хурсанд эмас эди. У хаёлга чўмган ҳолда, қизларнинг аҳамиятсиз сухбатига аралашиб туар, Софочкининг ҳазил гапларига бефарқ илжаярди, лекин унинг ўйлаганлари ҳеч бу эмас эди.

Андрей ўзининг жиддий ва ғоят самимий эътибори билан Маринани уялтирмаётгани учун бўлса керак, у кулиб, Андрейга кўз қирини ташларди.

Улар парк ёнидан ўтиб борардилар.

Куз дарахтларни яланғоч қилиб шилта кўчаларда кезаркан қизил, сариқ, тўқ қизил япроқлардан из қолдиради. Шамол япроқларни учириб ҳовлиларга, эшик остоналарига олиб кирав, дарахтсиз кўчаларга учириб борарди. Шу кунларда ҳамма ерда япроқларни кўриш мумкин, япроқлар шаҳарни ранг-баранг тусга киритган эди. Одамлар бу япроқларни гул ўрнига гулдонларга қўярдилар. Улар ўзларининг аччиқ ва соғ ҳиди билан шаҳардаги ҳар қандай ҳидни босиб кетар, осмонда учиб юрар, одамларнинг оёғи остида шитирларди.

Айниқса бу ерда парк панжараси ёқалаб япроқлар жуда кўп тўкилган эди. Марина учиб тушаётган заранг япроғини илиб олиб, кафтига қўйди. Япроқнинг қоқ ўртасида ҳали совуқ урмаган ям-яшил жойи бор эди. Шамол япроқни кафтидан учириб, олиб кетди.

Андрей ўз қалбida аллақандай мураккаб ва маъюс туйғу ҳис қилиб, япроқ орқасидан кузатиб қолди. У, Марина билан бўлган учрашув ўзи ўйлагандек бўлиб чиқмаганидан ва ҳозир у билан ёнма-ён баҳузур кетаётгани бўлса ҳам, хаёли горком секретари билан бўлган сухбатнинг тугалланмай қолгани устида эканидан жуда маъюс эди. Бунинг устига мана бу Софочкиси ортиқча бўлганини қаранг. Марина ҳам негадир бошқача кўринади, барча умид-орзулар ер билан яксон бўлди. Бирдан у Одинцовни, ўша куз фасли ва ўша япроқни эслади...

— Қандай шумшук панжара,— деди Софочка, бар-

моғини темир панжара бўйлаб юргизаркан.— Панжара жойнинг ҳуснига-ҳуси қўшиши керак.

— Менимча, панжаранинг ҳеч жераги йўқ,— эътибор билдири Марина.— Боннинг очиқ бўлгани яхни — квегидан хоҳласанг кираверасан.

— Аҳ нега бундай дейсан? Фельтен панжараси ажойиб нарса эмасми? Воронихин панжараси яхни, сўрими, Андрей Николаевич? Растрелли панжараси?

Бу Софочка ҳеч ҳам лақма эмас экан. У Андреини бир неча марта ноқулай аҳволга солиб қўйди. Жуда уста экан. Андрей Фельтен панжаранини билдири — и Ленинграддаги ёзги боғда эди, аммо Растрелли ва Воронихин панжаралари тўғрисида ҳеч нарса билмади. Бонши ҳам Марина бор экан, у гапга грэхниб, Андреини ноқулай вазиятдан қутқарди.

— Андрей Николаевичнинг панжара бўлган инцип-лардан алами бор,— деб кулиб юборди у.

Андрей ҳаммадан ҳам ўзининг бу ёмис руҳий талаби эканлигини Марина пайқаб қолганидан шуго биланси ким нималарни ўйлаётганикин, деб қўрдари.

Улар Софочкини кузатиб қўйгац, инжовалиро ёланни ичишди. Марина бу учрашувдан чўчиётгани ва ёт милини яширишга уринаётгани сезилиб турарди. У Андреи билан учрашишни ҳеч хоҳламас, чунки Маринаниннан квегтида бир вақтлар юз берган аянчли ҳол ва сломни ўз ёшларига бирдан-бир гувоҳ шу йигит эди. Андрей ёзни яхши тушунарди. У бор кучини сарғ қиласб, ўзини жи-чақчақ кўрсатишга уринди, аммо у шундай тараф ючар қилиқлар қиласдики, баъзан ўзининг нобринг хоҳлаб кулганини эшитишдан ўзи ийманарди. Хизматлари ғаламнишиб кетган эди. Гоҳ у ўзини ўзи мазақ қиласар, энно нега? Шу бемаъни валдираш учумини? Гоҳ билан кўн-лида Маринага қарши нафрат ҳислари ўйғенар, шунда Марина унинг кўзига истараси совуқ оддини бир ҳисса ўхшаб кўриниб, умидларини барбод қилгандай турасада шунда у Марина билан энди ҳеч қачон учрашимасликка қасам ичарди. Гоҳ у бирдан севиниб кетниб ўзи учун энг баҳтли дамлар келганини исбот қиласар, ахир шу учрашув деб, энг муҳим сұхбатдан ҳам воз кечниб Марина жуда ажойиб қиз,— деб ўйтарди у.— улар та-пиришган ва гапиришаётган ҳамма гаптарининг түбдида чуқур маъно бор.

Мана, улар Маринанинг уйига етиб кетдилар. Су-

воқлари кўчиб кетган икки қаватли бу уй, дарё соҳилига олиб чиқадиган кўчага жойлашган эди. Марина эшик остонасидаги қийшайиб кетган пиллапояга чиқди, энди унинг кўзлари Андрейнинг кўзлари билан баробарлашди. Андрей унинг кўзларида шўх учқунларни кўрди, шунда у ўз қўлларини қаёққа қўйишни билмай, ноқулай вазиятга тушиб «смирно» тургандек қотиб қолди.

— Қадимги уйлардан экан,— деди Андрей.

— Ўн саккизинчи асрнинг охирида қурилган,— деб олижаноблик билан тасдиқлади Марина.

Улар яна жим қолдилар. Марина лабларини тишлаб, ўнг қўлидаги эскириб кетган жигарранг сумкачасини чап қўлига олди. Бахтиёр аёллар, уларнинг қўлида қачон қарасанг биронта буюм бўлади... Жимлик хунук тус ола бошлади.

— Хўп, бўлмасам, келаси активгача хайрми?— деб сўради Андрей унинг иягига тикилиб.

— Мен ишлаб турган ерда телефон бор,— деди Марина Софочкага ўхшаб мулойим оҳангда.

Андрей уйга келган заҳоти ўрин солиб, ётиб олди. Овқатхонадаги соат иккига занг урди, у ҳамон ухлаёлмас эди. Чироқни ёқди, ўрнидан туриб оёқ яланг полга тўшалган совуқ линолеум устидан юриб бориб, энциклопедияни олди-да, Воронихин тўғрисида ўқий бошлади. Эҳ, хомкалла, Қозон соборини Вороњихин қургандан кейин, унинг олдидаги панжара ҳам шунинг лойиҳаси билан қурилган бўлиши керак-да,— шунга ҳам фаҳми етмабди-я. Қейин у лиджагининг чўнтагидан хотира дафтар-часини олиб, Маринанинг телефон номерини текшириб кўрди. Ҳар эҳтимолга қарши, бу номерни столи устига ва телефон осилган ерда деворга ҳам ёзиб қўйди. Қизик, негадир шу билан хотиржам бўлди-ю, тезда қаттиқ уйқуга кетди.

### ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

Эртаси куни Андрей Электротехника институтига, Любченконинг олдига бориб келди. Аудиторияларда лекция борар, бўмбўш коридорда эса жимлик ҳукм сурарди. Андрей танаффус бўлишини кутиб дераза олдida тураркан, яна Маринанинг сўнгги сўзларини эслай бошлади. Маринанинг ҳеч мулоҳазага бормай телефон номерини бериши ҳамон Андрейни ажаблантиради.

Андрей унинг бу хатти-ҳарақатини мендан тезроқ қутулиш мақсадида бўлса керак, деб ўйлашга ҳам тайёр эди. Улар биринчи марта учрашганида, Марина ўзини кузатиб қўйишга ҳам розилик бермаган эди; кеча эса ўзини тажанглик, шилқимлик қилиб, ҳадеб бемаъни сўзларни вадираганида, сурбет одамлар сингари кўнгил айнитувчи бачкана қилиқлар қилганида ҳеч кутилмаган нарсага муюссар бўлди.

Қўнғироқ чалинди, орадан бир-икки секунд ўтартумас, ҳар томондан ғовур-ғувур эшитила бошлади ва аудиторияларнинг эшиклари ланг очилиб, қўлларидағи портфель, сумкаларини силкитиб, студентлар оқими отилиб чиқди. Андрейнинг ўткир кўзлари студентлар орасида келаётган ўқитувчини ёўрга аниқлади. Бу йигирма беш ёшлар чамасидаги ёш йигит бўлиб, чеҳраси ҳам ўз студентлариники сингари хушчақчақ кўринарди. Андрей унинг қўлига қараб студентлардан фарқ қилди. Қўллари бўрга бўялган, ёнидан ўтиб бораётган йигит ва қизлар уни туртиб юбормасликка, оёғини босиб олмасликка ҳаракат қиласдилар.

Андрей Любченкога келиш мақсадини тушунтируди.

— Афсуски, бу икки ҳафта ичи мен бандман,— деди Любченко қўлларини дастрўмолига арта туриб.

— Бунинг аҳамияти йўқ,— деди Андрей ишонч билан.

— Нега энди?

Андрей ўзининг бутун нотиқлик қобилиятини ишга солди. Конденсаторнинг ўзи аҳамиятли эмас, балки унинг бошқа асбоб учун зарур аҳамиятга эга экани ҳақида қизишиб сўзлади.

У Любченкони бир бўш аудиторияга олиб кирди-да, локатор тўғрисида қизғин гапира кетди. Аввалига Любченко Андрейнинг ўзига ишониб гапиришидан кулиб ўтируди. У столнинг бир чеккасида оёғини ликиллатиб ўтирарди, кейин энгагини муштумига тираб столга ётиб олди. Ундан кейин кетма-кет савол ёғдириб, Андрейнинг сўзларини бўла бошлади, гапларидан энди Андрейга ҳайриҳоҳлик билдираётгани сезилиб турарди.

— Жуда ажойиб ҳодиса!.. Шошманг, сиз шу локатордан алоқа линияларида фойдаланишин ўйлаб кўрмадингизми?

Любченко дик этиб ўрнидан турди, Андрейнинг қўлидан бўрни тортиб олиб, у чизган схемани тузатмоқчи

бўлди. Суҳбатнинг бошқа томонга бурилиши Андрейга халақит қиласарди, у ўз гапини давом этдиришини хоҳларди.

— Мен гапимни тугатай олдин.— Улар бир бўлак бўр учун талашиб, уришиб кетаёздилар.— Сиз лекция вақтида студентларни сўзингизни бўлишига йўл қўясимзи?

Любченко шундай очиқ кўнгил билан кулиб юбордики, Андрей ўзини ўнғайсиз ҳис қила бошлади. Лекин шу гапдан кейин улар ўзларини қадрдан оғайнилар сифатида ҳис қилиб, сұхбат самимий давом этди.

— Ростини айтсан, конденсаторингизни ясаш учун бир-икки марта кечқурунлари босим ўтирилса кифоя қиласади. Майли, қилиб берамиз,— бўйнига олди Любченко.

Икки кундан кейин Любченко конденсатор тайёр деб хабар қилди. Эртаси куниёқ Андрей уни монтажчиларга топширди-да, ўзи Усольцев билан шуғуллана бошлади. Андрей уни анчадан бери деярли кўрмасди.

Усольцев Андрейни кўриши билан ўрнидан туриб у билан маъюс сўрашди. Кўёли муздек совуқ, ранги бўз-дек оқарган: қирилмаган юзидағи малла ранг туклар, эътиборсизлик билан боғланган, ғижимланган галстуғи, стол ўстидағи тартибсизлик — буларнинг ҳаммаси унинг тартибли одам деб танилганига шу қадар мос келмасдики, Андрей: «Наҳотки касал бўлиб қолган бўлса?»— деб ўлади.

— Иш қалай?— деб сўради Андрей.

Усольцев жавоб бериш ўрнига, ўзи ёзиб ўтирган бир қофозни олиб буқлади-да, тўрт бўлак қилиб йиртиб, саватга ташлади. Симдан тўқилган каттагина сават ёзиб чизиб ташлаган қофоз парчалари билан тўлган.

— Уч кундан бери, уч сават тўлди,— деди Усольцев Андрейнинг саватга тикилганини кўриб.

— Хечқиси йўқ, шунаقا бўлади.

Усольцев тупугини ютди.

— Андрей Николаевич, сиздан илтимос... Сиз билан бир гапиришиб олишга ижозат берсангиз.

У Лобанов кабинети томонга бурилмоқчи бўлган эди, аммо Андрей бир стулни яқинроқ сурниб, унинг столи олдига ўтириди ва эшишишга ҳозирланди.

Тушки танаффус пайти. «Инженерлар хонаси»да бир

иеча одам бор: Майя газета ўқиб, ионушта қилар, Кривицкий билан Борисов шашка ўйнарди.

— Таслим бўлинг, ҳолингиз хароб! — дерди Кривицкий.

— Балки, кабинетингизга кирсак дуруст бўлар? — деб яна сўради Усольцев.

Андрей бундай қайсаликнинг сабабини пайқади.

— Нима фарқи бор, бу ерда ҳам бегона одам йўқку, — деди у.

— Яхши, — деди Усольцев паст овоз билан рози бўлиб. — Мени бу ишдан озод қилинг, Андрей Николаевич. Барибир қўлимдан келмайди. Қўрқаман... Менимча.., иш чиқмайди. — У ўзини босиб гапираётган бўлса ҳам, бу сўзлардан умидсизликка тушгани кўриниб турарди. Андрей бу суҳбатни ҳамма олдида бошлаганидан ўзи ҳам афсуслана бошлади. — ...Мен бутунлай бошқача инженерман.

Кривицкий билан Борисовнинг шашка тахтаси устига энгашган чеҳраларидан уларнинг бу суҳбатни диққат билан тинглаб ўтирганлари сезилиб турарди.

Усольцев ўзининг ҳақлигига унча ишонмаган кишиларга хос кескинлик билан гапира бошлади:

— ...Ҳар бир инженердан ижод қилишни, яратишни талаб қилиш, қисқаси ундан Ломоносов бўлишни талаб қилиш мумкин эмас-ку, ахир. Мен бунаقا ролни бажара олмайман. Менга ҳар қанақа қора ишни бераверинг, ҳар қанақа. Марҳамат, миямдан ўйлаб чиқиш, кечирасиз, қўлимдан келмайди. Билмайман, эплолмайман... Бўнинг ўрнига мен.. Хуллас менга мажбурий эмас...

У жумлаларнинг охирини ютиб юборди. Лобановнинг жим ўтириши уни сўздан адаштиради.

Андрей: «Бўлмаса, менга мажбурийми?» — деб сўрагиси келди. Кураш ва тўсқинлик кишини шодлантиради деб фақат китобларда ёзадилар. Ўз иши жараёнида содир бўлган тўсқинликлардан Андрей ҳеч қачон қувонган эмас. Лекин у қўрқиб чекинмоқчи ҳам эмас. Ахир ўзи учун нега бундай йўлни танловди? Борисов, Новиков, Саша ва у билаи бораётган бошқа ҳамма ҳамроҳлари-чи? Фалеев ўзининг тинчгина педагоглик ишини нима мақсадда ташлаган эди? Қилған ишлари виставкага қўйилган, кенгашда Савин эслаб ўтган минглаб одамлар-чи? Нима мақсадда улар қидириш, гумонсираш, муваффақиятсизликларнинг азобли йўлига кирдилар?.. Шу

пайт Усольцевдан, жанг пайтида қўрқоқлик қилган ва вахима босган одамлардан нафратлангандай жирканиб кетди. Агар армияда бўлганда Андрей унга кўрсатиб қўйган бўларди, лекин у ҳозир тилини қичитаётган аччиқ сўзлардан биронтасини ҳам Усольцев шаънига айтишга ҳаққи йўқ, ҳатто овозини кўтариб гапиришга ҳам ҳаққи йўқ.

Андрей қўзларини сузиб, стол устидаги сариқ қаламга ёзилган сўзни ўқиди.

— Эҳе, «Кохинор»-ку,— деди у.— Жуда яхши қалам... Мана сиз мажбур өмасман деяпсиз. Лекин инженерсиз-ку, ахир.

— Нима қипти, ҳамма инженер ҳам...

Андрей Усольцевнинг сўзини бўлди:

— Сиз инженер деган сўзниң маъносига тушунасизми?

Андрей бу сўзларни алоҳида оҳангда айтгани учун, ҳамма унга қаради.

— Озиб қолибди...— деб пицирлади Кривицкий Борисовга.

— Мен гапингизга тушунмаяпман, Андрей Николаевич,— деб ҳозир жавоблик қилди Усольцев,— лекин мен...

— Йўқ, саволимга жавоб беринг.

— Инженер, хўш... олий маълумотли одам.

— Бу оз. Инженер деган сўз, лотин тилида айёр ихтирочи деган маънони беради.

— Ҳар бир инженер ҳам юлдузни бенарвон ура оладиган ўткир фаросатли бўлавермайди-ку, ахир,— деб ғудурлади Усольцев.

Борисов ортиқ чидолмай, ўрнидан туриб, улар олдига яқинлашди.

— Юлдузни қўйиб туринг! Сиз, Усольцев, бирорларнинг қўллаб-қўлтиқлаши билан ишламоқчи бўласиз. Сиз ҳеч қачон ҳеч соҳада ҳеч қандай ташаббус кўрсатмадингиз.

— Ҳа, бу тўғрида у иффатли қизга ўхшайди,— деб қўшиб қўйди Кривицкий.

Усольцев чўнтагидан дастрўмолини олиб, асабийлашиб бурнини қоқди.

— Бу ерда бу гапнинг нима алоқаси бор? Биз Андрей Николаевич билан бутунлай бошқа масала тўғрисида гапиришяпмиз...

— Бошқача қилиб айтганда — ишларинг нима, арашма демоқчисиз-да,— деди Борисов дангал. — Мен сизга анча вақтдан бери айтаман деб юрган эдим, лекин ҳеч пайтини топа олмаган эдим. Мана сиз ўз интизоминг из билан гердаясиз, менинг фикримча, сизнинг бунчалик интизомли бўлишингизга сабаб — мустақил фикр юритишини истамаслиқдир, Бундай бефаросат итоаткорлик — бизнинг интизомимизни ерга уриш, уни масхара-лаш билан баробардир.

Хонага бир даста гул кўтарган Новиков ашула айтиб кириб келди. У бир қўли билан гулни каттакон чинни стаканга тиқиб, иккинчи қўли билан столга аллакимниг телефон номерини ёзди-да, дарҳол гапга аралашиб кетди:

— Сизга танбеҳ беришяптими, Усольцев? Мен ҳам қўшилишаман. Переключателни тайёрлаб беринг-да? Қа-чонгача чап бериб юрасиз? Бу сизга эски релени қайта ишлаш эмас.

Ҳар томондан Усольцев бошига таъна тошлари ёғила бошлади, у жавоб бериб улгура олмасди. Андрей ўртоқларининг қўллаганидан хурсанд бўлди. Майли, Новиков Усольцевни уришаркан, иш қилиб Лобанов переключателни менга бермаса яхши эди, деб хавфсирайверсин, майли Кривицкий Усольцевнинг жигига теккан саховатли қилиқларини масхара қилиш мумкинлигидан қувонаверсин, Борисов эса, бу ғафлатда қолган одамни яхшилаб бир силкиб қўйишни мақсад қилиб қўйган экан, майли қилаверсин,— лекин энг муҳими, улар ҳаммаси, Усольцев чекинмаслиги керак, деган фикрда эдилар.

Усольцевнинг чеҳрасида чўчиганлик, маъюслик аломатлари акс этди. У икки бармоғини кўйлагининг ғижимланган ёқасига тиқиб, гўё бўйни сиқилиб кетаётган одамдек, бошини у ёқ-бу ёққа чайқай бошлади. Қаранг-а, шундай саришта-саранжом Усольцев ифлос ёқа тақиб юриди-я!

«Бу нима деган гап ўзи,— ўйлади Андрей,— у шу сўнгги кунларда жуда қийналган бўлса керак. Ясашни хоҳлаган, интилган... аммо эплай олмаган».

Баъзан шунаقا кўйлак ёқасига ўхшаган бир арзимас нарса орқали киши кўзингга бутунлай ўзгача кўриниб кетади. Андрей, бу номусли, ростгўй Усольцевнинг ўз устига юкланган топшириқни бажариш, албатта, шарт деб

билиб, уни бажариш учун қанчалик азобланганини тасаввур қила бошлади. У бир неча кун тинмай уриниб кўрган, аммо иш чиқмаган, ўйқусида ҳам ҳаловат қолмаган, эҳтимол, йиллар давомида мустаҳкам одат бўлиб қолган кун тартиби ҳам расвоси чиқиб бузилгандир. Лаборатория бошлиғига ўзининг қобилиятсизлиги ҳақида гапиришга журъат этиш унинг учун қандай оғир бўлганикин? Дарҳақиқат, Усольцев қўлидан келганча уриниб кўрди, аммо ишни уddaрай олмади. Нега?

Андрей уни ўз ўрнига ўтқазиб тинчлантиаркан, чизган чертёжларини кўрсатишни илтимос қилди.

— Ишонасизми, Андрей Николаевич, мен ўн саккиз хил варианти ишлаб кўрдим. Бошлашга бошлайман-у шу ондаёқ ўзим: бундай бўлмаса керак деб ўйлайман. Ҳар тал ҳам, балки бундан соддароқ, яхшироқ схема бордир, деб ўйлайман. Мен ичимдан чиқариб бошлашни билмайман. Нимага ёпишишни, нимадан бошлашни билмайсан киши... Сизга кўрсатадиган деярли ҳеч нимам ҳам йўқ. Сиз ўйлашингиз мумкин... лекин Майя Константиновна билади... мен ҳеч қачон ҳеч қандай танbih олган одам эмасман.

Майя индамай ўз столида нонушта қилиб ўтиради. Сўнгги пайтларда у Лобанов олдида чурқ этмасди, лекин ҳозир чидаёлмади. Ўтирган еридан Андрейга мурожаат қилди:— Агар одамнинг овози, қобилияти бўлмаса, уни ашула айтишга мажбур қилиб бўлмайди-ку, ахир. Ижод қилиш қобилияти — туума талантdir; янгиллик яратгин, деб буйруқ бериш мумкин эмас. Кечирасиз, буйруқ бериш мумкин, лекин ундан на фойда?— Унинг йирик-йирик қўй кўзлари Андрейга таъна билан тикиларкан: «Усольцевни тинч қўйинг, ҳаммаларинг битта одамга ёпишгани уялмайсанларми»,— дегандай бўларди.

Эҳтимол, чиндан ҳам ҳаммадан бояги ижодий қобилиятни талаб қилиш бемаънилиkdir? Талант, ижод, илҳом! Андрей бу дабдабали сўзларни ўзининг кундалик-лаборатория ишига татбиқ қилишни ёқтирамасди. Лекин гап ҳозир бунда эмас, унинг Усольцевни мажбур этишга ҳақи борми, йўқми?— ана шунда. Андрей иккиланиб қолди. Эҳтимол, Майя келтирган далилни Борисов айтганда, Андрей Усольцевни ортиқча мажбур қilmай, переключателни ўзи ишлай бошлаган бўлармиди.

«Қўрқяпти! Ҳа, гап мана бу ёқда экан!— Бирдан

Андрейнинг миясида шу хаёл чақиаб кетди, бу фикрии нақ овоз чиқариб айтиб юбораёзди... У қўрқоқлигини ўзи четга улоқтириб ташлаши керак».

У Усольцевга киши дастлаб ўз кучига ишониши зарурлиги ҳақида мулойимлик билан эринмай тушунтиэрз бошлади.

Усольцев итоаткорлик билан бош силкирди. Лобанов ўз сўзларида ҳақ бўлса бордир, лекин у айтадиган ўша ишончни қаердан олиш кераклиги тўғрисида оғиз очинаяти. Ҳозир улар ҳаммаси ўз ишига тарқалиб кетишади, у эса яна оқ қофоз тепасида ёлғиз ўзи қолади, шунда барча азоб ва қўрқувлар тағин қайтадан бошланади.

Шу пайт Кривицкий бармоғи билан пешонасигта дўқиллатиб уриб қўйиб, омборда эски-тускилар орасида қачондир бир переключатель кўрганини айтди. Андрей ишонқирамасдан кўзларини сузди: у илгари переключателга муҳтож бўлган биронта ҳам асбобни тасаввур қўлла олмади.

Усольцев унинг гапига қулоқ солмади. Ишонч уни жонлантириди, ҳозироқ омборга тушиб чиқайлик деб, Кривицкийга ёпишиб олди.

Улар яrim соатдан кейин қайтиб келишди. Усольцев уст кийимини ечмасданоқ, Лобанов кабинетига ўтеб кетди. Унинг пальтоси чанг, енглари юҳак эди, газетага ўралган бир пакетни кўкрагига босиб кўтарниб олган эди.

— Мана, сиз бўлсангиз ишонмовдингиз,— деди у ва газетани очиб, Андрей олдига у ер-бу ери пачоқтандиган кичкина бир ғилофни қўйди, ғилоф пластмассадан қилинган бўлиб, бандлари сиртга туртиб чиқкан эди.

Андрей қопқоқни очди. Унинг ички панелида деярли ҳеч нима қолмаган. У ерда бир неча контакт, куйган ғалтакнинг ўзаги, ажойиб шаклдаги пишанг ва собачка<sup>1</sup> бор эди. Андрей пишангга қўл тегизган эди, у занглаган подшипникларни ғижирлатиб, айланди.

— Бор-йўни шуми?— деди Андрей таъби хира бўлиб.

— Шу ҳам етади, Андрей Николаевич!— деди Усольцев.

У ўз сўзини бўлишга имкон бермай, тез-тез тушунтира бошлади:

<sup>1</sup> Собачка — механизмнинг тескари айланнишига йўл қўймайдиган қисми.

— Панелда боғич учун қилинган чуқурликлар бор, шулар орқали схемани аниқлаб олиш мумкин.— У энди пишангнинг бажарадиган вазифасини, пружинанинг қаерда турганини тасвирлаб бера бошлади. Тўғри, ўрам сонини қайта санаб чиқишга тўғри келади, лекин принципни албатта шундайлигича қолдириш керак.

Андрей ғилофни хаёлида чамалаб кўрди — ҳажми мосга ўхшайди. Кейин у Усольцевга бу скелетга жудаям ёпишиб олманг деб маслаҳат берди. Аллақандай хира шубҳа Андрейни безовта қиласарди.

У Кривицкийга тўқнаш келиб қолиб сўради:

— Сиз бунинг масофага мўлжалланган переключатель эканлигини аниқ биласизми?

Кривицкий бирдан қўрқиб кетди ва оғзини кафти билан ёпиб йўтала бошлади. У бошини кўтарганда кўзлари бамайлихотир чақнаб туради.

— Менинг хотирада сақлай олмаслик камчилигими сизгирик қобилиятим тўлдиради,— деди у мужмал, аммо ишонарли қилиб.

Андрей Кривицкийнинг кутилмаганда Усольцевга кўрсатган бу ғамхўрлигидан норози эканлигини яширишга ҳам уринмади. Усольцевнинг қутулиб чиқишига имкон бермаслик керак эди. Агар шундай бўлаверса, у ҳеч қачон ҳақиқий инженер бўломмайди. Усольцевнинг оғзидан эмизигини олиб ташлашган эди ҳамки, шу пайт Кривицкий, қўй йиғлама дегандек, қўлига латта тутқизди.

Усольцев ҳодисаси ҳар томонлама муҳокама қилинди. Фақат биргина айбдорнинг ўзи бу гап-сўзларни сира пайқамас, ҳеч нарсани эшитмасди. У жон-жаҳди билан берилиб ишлайдиган бўлди, энди яна аввалдагидек ўз режасига тушиб олди. Эски переключателнинг тозалаб мойланган қисмлари унинг столи устида қатъий тартиб бўйича терилиб туради. Ғилофнинг ярақлаган дўмбоқ сатҳида дераза ромларининг акси буқчайиб кўринар, кўм-кўк осмонда аста-секин сузиб ўтиб бораётган момик булутлар акс этар, ва бу булутлар акси ярақлаб турган латунъ қисқич соясига бориб кўздан ғойиб бўларди. Усольцев хаёлида ҳозир бутун дунё бўлажақ аппаратнинг шу скелетига ўз диққатини жалб қилиб тургандай эди.

Усольцев конструкторга переключателнинг аниқ размерини беришга ошиқарди. Бошқа ҳамма қисмлари шу

размерга боғлиқ эди. Үнинг дум-думалоқ юзлари озиб, чўзилиб қолди, ҳаракатлари ҳам чақонлашди. Бир кун шов-шув гап вақтида бирдан Усольцев қўли билан столга шундай қаттиқ урдики, стол устидаги деталчалар бир сакраб тушди. Үнинг бу ҳаракатидан ҳамма инженерлар ҳайратга келдилар.

— Ўртоқлар, жим бўласизларми, йўқми? — деб қичқирди ў.

Усольцевнинг бир оз паришонхотир бўлиб ўзининг машхур қаламларини стол устида үнутиб қолдирадиган бўлгани Борисовга ёқа бошлади.

Бироқ Усольцев ҳамон ҳар нарсадан шубҳаланиш одатини ташламаган эди. У Лобанов олдига чертёжларни олиб кириб, конструкторнинг тахминий размер талаб қилаётганини, переключатель ҳам ҳали тайёр бўлмаганини гапирди. Агар унга ҳозир размерни берсанг, кейин бир нарса юз бериб қолгудек бўлса, ўзгарта олмайсан.

Андрей уни тинчитди.

— Албатта, таваккал қилиб кўриш керак бўлади,— деди у қувноқ оҳангда «таваккал» сўзига урғу қўйиб,— Лекин сиз нимадан шубҳаланяпсиз ўзи?

Усольцев сўз тополмай қолди:

— Асосан майда-чуйда нарса. Мана бу ердаги иккита чуқурчанинг нимага керак эканлигини ҳеч тушуна олмадим.

— Сиз ўшаларсиз ишни эпладингизми? — деб сўради Андрей чертёжларга қарамасдан.

— Ҳозирча, ҳа,— деди секин Усольцев.

Андрей кулиб юборди ва унинг қулоғига пицирлади:

— Яхши қилибсиз, парвойингизга ҳам келтирманг.

Андрей переключателнинг яратилишини кўздан кечи-раркан, Усольцевнинг қобилиятига қойил қоларди. Аввалги схеманинг қолдиқларига, аниқроғи ишорадарнига қараб уни қайта тиклаш учун ғоят чидамли бўлиш керак эди. Асбобни ясаш чоғида у баъзан фараз қилиш учун ҳам биронта далил топа олмасди, шунда у ўз идро-ки билан хаёлий детални ясашга киришарди. Усольцев ғоят зўр ихтирочилик қобилиятини ишга солиб, сақланиб қолган аллақандай қисмни усталик билан асбобга ўрна-тишга уринарди.

У худди палеонтологларга ўхшарди. Палеонтологлар топилган биронта суюк орқали ўзлари ҳеч қачон кўзларни

билин кўрмаган ҳайвонларнинг скелетини, ҳатто ташқи қиёфасини ҳам ясадилар.

Усольцевнинг бир сўзлиги Андрейга ёқар ва айни вақтда афсуслантиради. Бу топишмоқни ечиш учун нақадар кўп доно фикрлар оарф бўлаётганига ачинарди у. Баъзан Андрей:

— Ташланг қўлтиқ таёғингизни, ўзингизни юришга ўргатинг! — деб қичқириб юборгиси келарди.

Лекин у Усольцев яна чўчиб кетади, деб қўрқарди. Ҳай майми, келгуси гал шпаргалкасиз ишлашга тўғри келади. Борди-ю, шу қўрқувлар яна такрорланса-чи?.. «Агар сен асбобдан бирон зарур характеристика олиш мақсадида кўп уринаркансан,— деб жавоб берарди Андрей ўзига ўзи,— нега, инсондаги нуқсонларни тез ўзгариш мумкин деб ҳисоблайсан?»

Переключатель ўз муддатида тайёр бўлди. Синовга Андрей қатнаша олмади, вақти бўлганда ҳам бормасди. У ўзининг бу «палеонтология»га өътибор бераётганини Усольцевга кўрсатмоқчи эмас.

Переключателни синаш сезилмай ўтиб кетди. Кривицкий ўтиб кета туриб синов натижасини сўраб қолди ва жавобдан қониққандек, аммо тушунмайдиган қилиб: «Фойдали ва муваффақиятли жиноят фазилатли иш дейилади» деб қўйди.

Новиков сўради:

— Қутулиб олдингизми? Қойилман! Табриклайман! Усольцев, азизим, менга усилителни ясаб битиришга кўмаклашиб юборинг,— бугун вақтлироқ тамомлашим керак,— у доим қаёққадир шошилар ва бу бемаза вазифадан шикоят қилгани қилган эди.

Усольцев аччиғланиб яна дами ичига тушиб кетди. Мақташга арзирли иш қилгани йўқ, эски переключателни қайта тиклади-да, шу ҳам иш бўптими, йўқ, шундай бўлса ҳам жишига алам қиларкан. Ахир бу Усольцев учун ғоят бошқача иш. Бу переключателни ясайман деб қанча хатарларни бошидан ўтказганини ким билади. Балки, бундан кейин ҳам ҳеч ким билмас. Переключателни ишга туширишди-ю, ҳамма тезда уни унутиб юборди.

Кривицкий бир неча минут давомида алланималар тўғрисида гапирди, лекин Андрейнинг қулогига ҳеч нима кирмасди. У абзацдан-абзацгача сакраб ўтиб бир ленин-

градлик кишининг локация методлари тўғрисидаги мақоласини ўқирди. Андрей ичида: «Наҳотки бу менини бўлса, наҳотки мендан олдни бошқалар тонгани бўлса?» деб тақрорларкан, кўзлари у сатрдан бу сатрга югурилди. Мақоланинг аллақайси бир ерига келганда автор Андрей методидаги энг муҳим ҳисобланган гояга яқинлашмасдан фикрни четга буриб юборди. Андрейнинг тиришган юз мускуллари бўшашиб, енгил хўрсинли. Кейин ўзининг бу ҳолдан қувонаётганини пайқаб қолиб, аччиқланиб кетди. «Менда ҳали қанча разиллик аломатлари бор-а!» деди ичида уялиб.

— Андрей Николаевич,— деди ажабланган Кривицкий яна кескинроқ қилиб.

Андрей ундан узр сўраб, гапига қулоқ солди. Кривицкий худди шу пайтда ахлоқ масаласи устида гапни тамомлаб, Макаренко бўйича тарбия принциплари устида сўз бошлаган эди. Кривицкийга хос бўлмаган бу узундан-узоқ муқаддимадан Андрей огоҳланиб турди.

— Асосий гапга ўтайлик,— деди у.

Кривицкий Андрейнинг столидаги сиёҳдонни тўғрилаб қўйиб, зўраки илжайиш билан гап бошлади.

— Эсингиздами, Андрей Николаевич, сиз переключатель илгари бўлганми-йўқми деб шубҳаланган эдингиз. Мен омборга бориб текшириб кўрдим. Бизнинг жўшқин ҳаётимизда нималар содир бўлмайди дейсиз! У ергагилар ҳамма нарсани чалкаштириб юборишган экан: мен Усольцевга олиб берган филоф переключатель эмас экан. Усольцевнинг қўлига урущдан олдин чиққан эски реле филофи тушган экан. Энди мен сиз билан бир маслаҳатлашиб олмоқчи эдим — агар унга ҳақиқатни айтилса, педагогика нуқтаи назаридан тўғри бўлармакин, йўқмикан?

Андрей Кривицкийнинг биронта сўзига ишонмади. Бу аввалдан тайёрланиб қўйилган ҳазил бўлса керак.

— Бир томондан у албатта терисига сиғмай севинниб кетса керак.— деб муҳокама юрита бошлади Кривицкий,— иккинчи томондан, агар унинг ваҳимачи эканлиги назарда тутилса, у ҳамма менга қарши фитна уюштирган экан, деб ўйлаши ҳам мумкин.

Андрей Борисовни чақириб олиб, бор гапни унга айтиб берди. Улар бу воқеадан ва Кривицкийнинг тарбиявий приёмларидан қота-қота кулишиди.

— Ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри сўзлашни афзал деб биламан,— деди, ниҳоят, Андрей. У ўрнидан туриб, Кривицкий ва Борисов билан биргаликда эшик томон йўл олди. Кривицкий, шу ерда кабинетда ўтириб турамац, деган эди. Борисов унга шундай ўқрайиб қарадики, Кривицкий дарҳол ўрнидан туриб, улар билан бирга чиқа бошлади.

— Қани, юр, тарбиячи комбинатор.

Улар учовлари бир-бирларининг сўзларини бўлиб, Усольцевга гапира бошлашди. У анча вақтгача ҳеч нимага тушунолмай бақрайиб қолди. Шундан кейин Кривицкий пластмасса қутичага солинган бутун релени олиб келди. Усольцев реледан кўзини узиб, монтаж қилинган переключателга қаради. Ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас эди. Усольцев қўлига отвертка олди. Қўли қалтираганидан анча вақтгача отверткани винт ёруғига киргизолмади.

— Бу нима ўзи?— деди у умидсизлик билан қопқоқни очиб нотаниш деталларга тикиларкан.— Бу ахир переключатель эмас-ку?

У ҳамон ҳеч нарсага тушунмас эди. Андрей Усольцевнинг елкаси узра қутига қаради. Кутининг очиқ деворида пишанг ва бут-бутун ғалтак ярақлаб турарди; бу ерда улар Усольцев тасаввур қилгандан бутунлай ўзгacha ҳаракат қиласардилар. Пишанг ғалтак устига тушар ва аллақандай лўқидонни силкитарди...

Усольцев Кривицкийнинг қимиirlаб турган оғзига, унинг шалпайган юқори лабига қаради. У гапнинг охиригача эшитмай ўгирилди-да, переключателнинг кнопкасини босди. Диққатни жалб қилувчи оҳангдор тақиллаш овози эшитилди. Усольцев стол четларини маҳкам ушлаган ҳолда переключатель устига бошини эгди. Унинг пишангни кузатиб бўлмас даражада тез ҳаракат қиласар ва қисқа-қисқа бинафша ранг учқунлар чиқараарди. Ғалтак ҳам, филоф деворидаги чуқурлик ҳам бутунлай бошқа мақсадларда фойдаланилган эди.

— Андрей Николаевич, бу қандай бўлди... ишлайти-ку?— деб дудуқланиб хирқироқ овоз билан сўради Усольцев.

— Нега ишламас экан, бу ахир ўзингизнинг переключателингиз-ку,— деди Андрей.

Қулоги битган Усольцев гапнинг охиригача тушуниб етмасдан, ҳамманинг қўлини сиқар, уларнинг табрик-

ларини тингларди. Новиков асқия қилар, Рейнгольд аллақайси бульвардаги ёш липа дараҳтлари ва уларнинг тирговичларини суғириб олишгани түғрисида гапиради. Усольцев бу ерда липанинг қандай алоқаси борлигига тушумаса ҳам, унинг сўзларини маъқуллаб бош силкирди; у ҳозир ўзини жуда яхши ҳис қиласди ва бу гўзал ҳиссиётидан маҳрум бўлишдан қўрқиб, гапга аралашишдан ҳайиқарди. Уни переключателни ишга туширишга мажбур қиласдилар, переключателни Кривицкий олиб келган реле билан таққослаб кўришарди. Улар шу переключатель шу ерда бир ҳафтадан бери ишлаб турганида унга ҳеч ким эътибор бермаганини унтиб, ҳозир унинг ишлашини мароқ билан томоша қиласди ва ажабланардилар. Лекин переключатель янги асбоб сифатида ном қозонганидан кейин, у одамларни ўзига ўзгача жалб қила бошлади. Янгиликнинг ўзига тортув қуввати шунаقا зўр бўлса керак. Янги деган сўз — илгари бунаقا нарса ҳеч қачон бўлмаган, ундақа асбобни ҳеч ким қўрмаган демакдир, шундай бўлгач, у янги асбоб олдига бормай, уни томоша қилмай, унга қўл тегизмай бўладими?

Кечқурун Усольцев олдига релени қўйиб ўтириб олиб, унинг ҳар бир майда муруватигача бирма-бир ўз асбоби билан таққослай бошлади. Кейин бош чайқаб, стол устида сочилиб ётган реле деталларини йиғишириди-да, корзинкага ташлади. Лабораторияда ҳеч ким йўқ. Бу ўтган куннинг шов-шуви ва ҳаяжонларидан иккя чаккаси лўқ-лўқ оғрирди. У деразани очди-да, бошини чиқариб, кечки салқин ҳаво оқимиға тутиб турди. У аллавақтгача ҳеч нарса түғрисида ўйламай шу алпозда туриб қолди. Кейин стеид олдига бориб ишончсизлик билан переключателнинг локланган қопқоғига қўл тегизиб кўрди. Кейин кнопканни босди. Сукутга чўмган бўм-бўш лабораторияда переключатель баланд овоз билан тарақлай бошлади. У «Шун-дай, шун-дай, шундай» деяётганга ўхшарди.

Усольцевнинг чехрасида изтиробли, тортинчоқ табасум акс этди. У уялар, аммо ўзини босиб олиш, бир нарса қилиш қўлидан келмасди. Бу қайғу ҳам эмас, қувонч ҳам эмас, унинг нима эканлигини ўзи ҳам билмас эди. Ўз ҳеч қачон ўз қалбида бундай туйғуни сезмаган эди.

## ЎТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

Локатор макетини биринчи синаш вақтидаёқ янглишишлар содир бўлгани аниқланди. Экранда, бир неча яшил импульслар титраб дам ғойиб бўлар, дам яна пайдо бўларди, улар кабелдаги шикастланган ери аниқлашга халақинг қиласарди. Кўзга кўринмайдиган электрик бўронлар асосий воқеани бузиб кўрсатарди.

Андрей, бундай янглишишлар бўлишини олдиндан билиб, ҳали бизни анча сарсон қиласади. деб шайланиб кўйган эди. Лекин, энди бу янглишишлар экранда, ўнинг кўзи олдида ииженерларининг ҳар қандай уришишларига қарамай, ҳадеб ўйнай бошлаганидан кейин. Андрей вазиятнинг нақадар мураккаб эканлигини Фаҳмлади. Схема энди бир стол устига сиғмай қолди. симлар, сон-саноқсиз конденсаторлар, фалтак ва бошқа асбоблар оралаб қўшни верстакка чўзилган эди.

Новиков билан Усольцев ўз узелларими битираи деб қолган эдилар ва Лобановга ҳаяжон билан тикилардилар, у эса пиджагини ечиб ташлаб, соchlарини пахмайтириб, соатлаб экран олдида ғинг этмай ўтиради.

— Барибир жонингни оламан, аплаҳ!— деб юборди у бир куни беҳосдан. Кейинчалик Андрейнинг янглишишларга қарата айтган бу сўзи лабораторияда ҳамманинг оғзида тез-тез такрорлана бошлади. Уни ҳар хил оҳангда талафғуз қиласардилар: Саша хўрсиниб, Кривицкий эса,— киноя билан айтарди; Пека Зайцев бўлса, бу жумлани турли баҳона билан кулиб айтарди, масалан ноқулай жойда турган лампани бураб оларкан, ё бўлмаса ёнғоқни эшикнинг тирқишига қўйиб чақаркан, шу жумлани албатта такрорларди.

Янглишлар шубҳаси Андрейнинг хаёлидан ҳеч чиқмасди. У биронта бошқа ишга уриниши билан, гўё ўзи ниҳоятда зарур бўлган соҳадан четлашгандек, қалбида аянчли бир оғир ҳиссиёт пайдо бўларди. Агар бундан ярим йил бурун шундай воқиа бўлганда ўзи тажангликдан ноумидликка ўтган, вақтни бекорга сарфловчишларга лаънат ёғдирган, балки бошқа йўл билан бориши керакдир, деган мулоҳазаларга ҳам борган бўларди. Шу ўтган ярим йил ичida у ниҳоятда зўр сабот эгаси бўлиб, ўзини раҳбар деб ҳисоблашга, бошқаларга ўрнак кўрсатишга одатланиб қолди. Бу вазифанинг ҳеч

қандай күнгилли ери йўқ эди, албатта, Қайтага, у ҳам Новиков сингари минифир-минифир қила олса, бирорини юпата олса ва ишнинг ғайни қайнаган вақтида ўзига халақит берувчини сўкиб, ҳайдаб юбора олса, унинг учун анча ентил бўларди.

Унинг қалбida шодлик туйғулари Маринани эслаганидагина пайдо бўларди. У, қўлини телефонга чўзиши билан Маринанинг овозини өшитишини биларди. Бу унинг қалбida ишонч уйғотар, кўнгли ором оларди. Бир-икки марта ҳатто унинг телефон номерини айлантириб ҳам кўрди. Телефон столи устида турган бўлса керак, Марина дарҳол жавоб берди, бир неча марта «эшитаман» деб такрорлади. Кейин: «Автоматдан гапиряпсизми? Қнопкани босинг» — деди. Сўнгра қисқа-қисқа тудок эштила бошлади, шунда Андрей жилтмайиб, трубкани оҳиста ричаг устига қўйди. Бир кун у телефон орқали Марина билан гапиришди ҳам. Негадир у овозини вазмин чиқариш учун тиришди, гўё: мана, сизни эслаб телефон қилувдим, юринг айланиб келамиз... демоқчи бўлганда гапирди, бу қандай хунук бўлди. Кутилмаганда Марина, Андрейни ҳайратда қолдирив унинг талабини қуруққина рад қилди. Ў банд эмиш. Эртага ҳам, шу ҳафта ичи ҳам банд бўлармиш. Балки у доимо бандир? Йўқ, үндай эмас, марҳамат, телефон қилиб туринг...

Шундан кейин у Марина билан тасодифан учрашиб қолиш учун турли важ ахтара бошлади. Лекин ҳар гал ҳам, масала иш бошлашга келганда, у яна кейинга силтарди. Рита билан бўлган воқеа унинг иззат-нафсига қаттиқ таъсир этган эди. У Марина гапирган бир неча оғиз сўзларни қунт билан эслашга уринар, унинг қиёфасини хотирлар ва шу йўл билан Маринанинг характеристерини билиб олишга интиларди. Афтидан Марина қаттиқ қайғураётган бўлса керак ва бу қайғуга ўша Вадим деган йигиг сабаб бўлса керак. Нега Марина үндан воз кечганкин? Воз кечганмикин ўзи? Советлар саройида кенгаш вақтида Марина бутунлай бошқача одам эди. Бундан чиқди, у ўзини хийла босиб олибди-да.

Андрей кечқурунлари Фалеевникига кириб, уни «бир айланиб келиш»га судраб олиб чиқиб кетадиган бўлди. Шуни ҳам айтиш керакки, улар маршрутининг маркази Мариналар турган кўча эди. Йигитлар у ердан ўтиб дарё соҳилига чиқардилар. Гранит панжара ёқалаб сувда ҳарбий кемалар, балиқ тутувчи кемалар, катерлар, дарё пас-

сажир электроходлари ёнма-ён сиқилишиб турарди. Матрослар волейбол йўйнардилар. Кемалардан жучли радиоларнинг овози барадла эшитиларди. Ҳар томонда қизлар гала-гала бўлиб сайил қилишиб юришарди. Ўғил болалар денгизчилардан кўзларини узмас ва тўпларнинг калибрлари, радиолокаторлар ва денгизчилар енгидаги зарҳали белгилар тўғрисида баҳслашарди.

Андрей бу ерга келганда гапдон бўлиб қоларди. У Фалеевга денгиз жанги техникаси тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини гапириб кетар, аммо икковлари ҳам бу соҳадан бехабар бўлғанларидан уларни улуғ реформаларгина қониқтиради. Улар орқага қайтиб, Марина яшаб турган кўчага киришганда, Андрей яна сукутга чўмар ва ҳеч нарса уни қизиқтирмасди.

Ниҳоят, улар бир қун Маринани соҳилда учратиб қолдилар. У аста-секин юриб келарди, қўлтирида бир ўрам қофоз бор, ишдан қайтиб келаётган бўлса керак. Андрей Фалеевни қолдирди-да, қизнинг олдига бориб, у билан сўрашди.

Марина чўчиғандай бўлди, кўзлари севинчдан чақнаб кетди, бу чақнаш Андрейга муғомбirona табассумга ўхшаб туюлди. Улар фақат бир неча минут сухбатлашишди. Марина Андрейга: «Сизни кутиб турибдими? Сиз албатта у билан кетишингиз керакми?» — дегандек, нарироқда турган Фалеевга қаради. Ўз-ўзидан маълумки, Андрей Фалеев билан хайрлашиб, Маринани уйига кузатиб қўйиши мумкин эди. Лекин у ўзини кутиб туришганини айтди. Марина тирсанги билан чёртёжларни сиқиб туриб, унга қўл чўзди. Андрей баҳузур қўл чўзиб хайрлашиб кета бошлади, аммо орқасидан Маринанинг қараб турганини сезди. Нега ўзига-ўзи бундай қилди? Иззат-нафсини қониқтириди-ю, аммо қалбини азобга қўйди. Улар орасида ҳеч қандай муроса, на умумий танишлик, на иш соҳасидаги умумий эҳтиёж бор эди, улар орасида биринчи учрашув кечаси тортилган кўз илғамас нозик ипдан бошқа ҳеч нима йўқ. Бу ипни ҳам Андрейнинг ўзи узмоқда.

Андрей, лаънати янгишларни тузатгандан кейин у билан бемалол учрашаман деб, ўз-ўзини овутарди. «Сен уни кўришни хоҳлайсанми, жуда соз,— дерди у ўзига-ўзи,— аввал уни кўриш ҳуқуқига сазовор бўл». У Маринанинг олдига ғолиб сифатида боришни орзу қиласарди. Шунда у Маринага ҳамма ўтган ишларни сўзлаб беради.

Бўлажак мукофот яна унинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшарди. Фақат, бу янглишларни тезроқ бир ёқли қилса бас. Бир қисм янглишлар йўқ қилинди, Новиков бир неча доно маслаҳатлар берди, Саша ҳам баъзи бир янгиликлар киритди, аммо схема шу қадар мураккаб тус олдики, бу Андрейга ҳеч ёқмасди.

— Идея яратиш учун фактларни тўплайлик,— деб таклиф қилди Усольцев, лекин унинг бу эҳтиёткорона гапларидан Тонковнинг иси келарди. Переключатель воқеасидан кейин Усольцев анча тийрак бўлиб қолди, лекин унда жасорат етишмасди. Бу ерда эса албатта жасорат, қандайдир ғайри табиий, мардона қарорга кела билиш керак.

— Идеяларни текшириб кўрсак, фактлар чиқади,— деб таклиф қилди Новиков. Бу қизиқ таклиф ҳам калта ўйланганлиги учун Андрейга ёқмади. Идеяларни қаёқдан олиш жераш? Бармоқларни сўриб чиқариш кераҳми?

Бир кун кечаси Андрей тушида янглишларни йўқотишнинг осон йўлини топгандай бўлувди. У уйғониб ўринда ўтириб олади ва бу усуулнинг нимадан иборат эканлигини эслай бошлайди, аммо қанча уринса ҳам ҳеч нарсани хотирлай олмайди. У тезроқ ухлаб, яна ўша тушини кўриш мақсадида бошини ёстиққа буркаб ётиб олади,— йўқ, ҳеч иш чиқмади. Фойиб бўлган ажойиб баҳтни ҳис қилишдан бошқа нарсани сезмади!

Эртасига эрталаб оғзи қулоғига етган Усольцев схемага яна битта фильтр ўтказиш керақ, деб таклиф кирилди. Саша унинг кўрсатмаларига биноан тезда зарур буюмларни ясади. Макетни юргизиши. Дарвоқе, янглишлар камайди. Усольцевнинг кичик-кичик хира кўзлари мамнунликдан қоронғилашиб кетди. Андрей чурқ этмасдан стулга миниб, иягини суюнчигига тираб ўтиради. Ҳеч ким уни гапга сола олмади. Эжрандаги яшил учқунлар, унинг қотиб қолган кўзларида акс этарди. Кейин у ўрнидан турди-да, рубильникни ўчириб, пиджагини кийди. Новиковнинг валдирашига аҳамият бермай, схемага тикилиб, уйнинг у бошидан, бу бошига юра бошлади, кейин Сашадан папирос сўраб олиб чекди-да, бутун установкани бузишга буорди.

Саша ҳайрон бўлиб, қошлини чимирди.

— Аппарат жуда мураккаблашиб кетди. Бу мураккаблик ишимизнинг тўғри чиқишига халақит беради,—

деди Андрей совуққонлик билан.— Нега бақрайиб қолдинг? Схема эмас, арининг ини бу.

Баъзи бир муваффақиятларга эришилиб янгилишлар камая бошлаган бир пайтда, икки ҳафта оворагарчилик билан қилинган ишни арининг ини деяпти-я! Саша намойишкорона юриб, Новиков билан Усольцев олдига бориб турди. У ҳамон, Лобанов айтган сўзидан қайтар, деган умидда эди.

Андрей эришилган нарсадан воз кечар экан, унинг ўрнига ҳеч нима таклиф қиломасди. У фақат бир нарсани яхши биларди — улар танлаган йўл иотўғри. Схемага бир қарашнинг ўзидаёқ унинг жуда мураккаб, хунук эканлиги кўриниб турарди, демак, унинг аллақаеридага албатта нуқсони бор. Техникада гўзаллик, нафислик — етукликтининг энг яхши далили. У ўз ҳисларини сўз билан ифода қилишга уринар, аммо Новиков, Усольцев ва Саша ҳеч нима эшлишни истамасдилар. Улар янгилик қидиришдан чарчаган эдилар.

— Жин урсин!— деди Новиков.— Ундан кўра оддий техник бўлганим яхши, ҳозир бош инженер олдига бориб, очиғини айтаман...

Улар янгича фикр юритиш учун эски усулага тамоман барҳам бериш ва синалган, аммо умидсиз йўлдан бурилиш кераклигини, Андрей учун эса, бу ишни қилиш уларга нисбатан ҳам оғирроқ эканлигини тушунмасдилар, чунки у янги изловнинг бутун жавобгарлигини фақат ўз устига олиши керак эди — буни улар билмасдилар. Аммо хавф-хатардан, оғир меҳнатдан қўрқсан киши фан қўйнига кирмаса ҳам бўлади.

Саша ғазаб билан лабларини тишлиларди. Оғир меҳнатнинг бунга нима алоқаси бор, нима у бош товляяптими. Аммо меҳнат қилиш — бузиш деган сўз эмас-ку. Шу ўтган икки ҳафта давомида у тинмай ҳар хил деталларни ахтариб топди, қалайланган ерни қандай авайлаб сақлаш тўғрисида, қайси детални қаерга ўрнатиш тўғрисида бош қотирди. Ахир у ҳам баъзи бир нарсага тушундиган фаҳм-фаросатли одам-ку.

Тушунармикин? Аммо шу айтган сўзига тоза таъзирини еди-да! Лобанов ўз аламини Сашадан олди. Аксига юриб, шу маҳал Нинани шайтон бошлаб келганини айтмайсизми, у шкафдан аллақандай нарсани қидираётган эди. Саша Нинанинг кўз қиррасида масҳарали илжайиш аломатларини кўрди. Нега бундай-а? Сени мақ-

ташаётганда атрофда ҳеч ким бўлмайди-ю, исга уришаётган пайтда доимо атрофингда одамлар ўралалиб юргани юрган?

Олимнинг ишида шундай дамлар ҳам бўладики, у чоқда онгида ҳеч қандай тасаввурдан асар ҳам қолмайди ва у тасаввур туйғусини уйғотиш учун ҳеч илож ҳам тополмайди. Баъзан бу ҳол соатлаб, баъзан эса йиллаб давом этади. Ана шунда натижа, яна бир ҳаракат қилинса биргина доно фикр юзага келса бас, деган хаёл уни қаттиқ азоблайди.

Андрей ортиқча ҳеч нима ўйлаб тополмади. Иккى ҳафтали унумсиз интилишдан кейин у ишни яна қайтадан бошлаётган эди. Аввал у ўзини эркин ҳис қила бошлади, кейин бахтсиз деб ҳис қилди.

Энди лабораторияда ортиқча ўтиrolмасди, бу ердаги ҳар бир буюм унинг кучсизлигидан далолат берарди. Саша омбир билан тарақ-туруқ қилиб схемани бузарди. Новиков билан Усольцев эса унга маъюс тикилиб туардилар. Андрей кутубхонага чиқди, у ерда эътиборсизлик билан журналларни варақлаб кўрди, кейин коридордан юриб бориб диспетчер хонасиغا кирди.

Бу катта залда доимо ҳукм суріб турадиган ҳаяжонли шов-шув Андрейнинг паришон хаёлларини бир оз тарқатди. Бу диспетчер хонаси шаҳарнинг ҳамма ёғи билан, шу системанинг ҳамма станция ва кичик станциялари билан узвий алоқа қилиб туради. Девор ёқалаб осиб қўйилган катта-катта планшетлар, қайси линия ишлаётганини, қаерда қандай генератор ремонт қилинаётганини кўрсатиб туарди. Асбоблар, бу ердан юз километр наридаги станцияларнинг қандай ишлаётганини билдириб туарди. Коммутатор лампочкаси тинмай лишиллаб ёниб туар, бир неча инженерлар — диспетчер ёрдамчилари — агрегатларни юргизиш ва тўхгашиб тўғрисида буйруқ беришар, ахборот қабул қилишар, станциялар билан алоқани узишмасди. Андрей бу ғовурғувурда ўзига таниш бўлган заводлар, корхоналарнинг номларини эшитаркан, гўё буюк шаҳар қон томирининг уришини ҳис қилаётгандек бўларди. У диспетчерларнинг ишини томоша қилишни яхши кўрарди, чунки диспетчерлар одатда ўткир зеҳнли, зўр хотираги ва темир асабли одамлар бўладилар.

Бугун Степин навбатчилик қилаётган эди. Ҳар бир диспетчер ўз иш усулига эга. Степин ўзининг ўта бепарволиги билан бошқалардан ажралиб туарди. Унинг талтайиб, баҳузур ўтиришидан, ҳозир шаҳарда авария содир бўлганини билиб олиш сира мумкин эмас: катта тўқимачилик комбинатини таъминловчи иккита юқори вольтли кабеллардан бири шикастланган. шунинг учун комбинатнинг бир қисм цехи ишдан тўхтаган эди. Юборилган ўлчовчилар кабелнинг шикастланган жойини тошиша олмаётганини хабар қилишди.

Степин телефон трубкасини гўштдор қип-қизил қулоғига маҳкам босиб, шошмасдан тушунтира бошлади:

— Кўлимиздан келганча ҳаракат қиляпмиз, ўртоқ директор. Бу оғир шикастланиш. Ваъда бериш қийин. Балки бир-икки соат етар, балки ундан ҳам кўпроқ вақт керакдир. Жуда яхши тушунаман, ўртоқ директор. Ҳамма чоралар қўлланилаяпти.

У тирсагига таяниб, кўзларини сузиб, директорнинг ғазабли сўзларини бемалол эшишарди. Унинг йўғон бўйни сал қизарар, аммо чеҳраси аввалгидек мулоҳимликни йўқотмасди.

— Ҳамма билан бир хилда маданий муносабатда бўлиш осон эмас,— деди жаҳл билан Андрейга,— вазминлик сиёсати. Мен аламимни кимдан олишим керак?.. Мастердан тортибрайкомигача телефон қиласди. Шовқин-сурондан бошинг гаранг. Кел, аламимни сендан ола қолай.

— Қани, олиб кўрчи.

— Локаторинг қачон тайёр бўлади?

Андрей, «э сўрама» дегандай қилиб, қўл силтади.

Диспетчер хонасига бош инженер кириб, жиддий қиёфада рапортни тинглади.

— Бир ярим минг ишчи ишсиз турибди,— деди у.

Степин пиджагини бир тортиб қўйди, лекин индамади. Шу пайт коммутатор лампочкаси ёнди. Степин трубкани олди. Аллакимнинг ҳайқирган жаҳлдор овози зарбидан мембраннынг дириллагани эшитилиб туарди. Степиннинг терлаб кетган қошсиз юзи бужмайди. У трубкани олиб бошқа қулоғига тутди.

— Ким ўзи ў?— деб сўради Дмитрий Алексеевич.

Степин микрофонни қўли билан беркитиб:

— Комбинатнинг бош инженери,— деди.

— Менга беринг.

Степин енгил тортиб, трубкани унга узатди ва кафти билан қулоғини ишқалай бошлади.

— А, Ираклий Григорьевич, сенмисан? Қайнаб тошяпсанми? Салом! Айтганингни ундиредингми? Сузғичдан ўтибсан-да. Масхара қилаётганим йўқ, маслакларингниң қанчалиқ мустаҳкамлигини синаяпман. Комбинатнинг айби йўқ дейсанми? Ростини айтсам, комбинатда ҳам айб бор, сендақа бошлиқларга дош бериб ўтиришганига ҳайронман...

Андрей сездирмасдан чиқиб кетди. Ярим соатдан кейин у комбинатга етиб келди. Унинг бу ерга келишидан ҳеч қандай мақсад йўқ эди. У измерителларга бироҷ ишда фойдам тегиб қолар деб ўйлаган эди, аммо уларга ҳеч қандай ёрдам кўрсата олмаслигини ўзи яхши биларди.

Қизил ғиштдан қурилган корпуслар ўртасида, катта ҳовлида гулзор бор. Ўтлар сарғайган, энг сўнгги кузгуллари ҳам тўкилиб бўлган. Асфальт йўлчалар, майса-зорлар қордек оппроқ пахта момиқлари билан қопланган. Ҳовлида тўда-тўда бўлиб ишчи аёллар айланишиб юришарди. Бетон фонтан олдида қизлар ашула айтардилар. Ҳаммадан ҳам подстанция олдида одам гавжум. У ерда яшил автобус — измеритель турарди. Автобуснинг деразаларидан мармар таҳтага ўрнатилган аппаратлар кўринар, випрямителлар ғувиллаб турарди. Шу ерга яқин жойда боғчанинг пастак тўсигида олтича кабелчи измерителдан натижа кутиб ўтиришарди. Тўқувчи аёлларнинг уларга қаратса айтган ҳазил сўзларига аччиқланыпмасдан усталик билан гап қайтарардилар.

Андрей мастер Наумовни кўриб севиниб кетди. Ў Наумов бригадасига ўрганиб қолган, бригададаги қишиларнинг деярли ҳаммасини биларди. Мана Якушев ҳам шу ерда экан. Андрей у билан бирга ҳовузда сузишарди.. Андрей кабелчиларга жуда берилиб кетган эди. Шулар билан юқори вольтчилар унинг локаторига айниқса кўпроқ муҳтоҷ эдилар. Бундан ташқари, уларнинг ўзлари ҳам жуда яхши одамлар эдилар. Ишнинг хусусияти жиҳатидан турли корхоналарда, хуллас, электр қувватидан фойдаланувчи ҳамма жойда бўлардилар. Улар телефончилар билан, йўл ишчилари билан, газопроводчилар билан, хуллас шаҳарининг ероғи хўжалигини таъминловчи ҳамма меҳнат армияси билан учрашишарди. Ҳар кўчанинг тупроқ жинсини билар, ўзрай-

онларидағи янгиликларни биринчи бўлиб шулар эши-тардилар — буларнинг ижозатисиз ҳеч ким уй қура олмас, дараҳт ўтқаза олмас, кўприкларни тузата олмас эди. Янги қуриладиган жўча ва хиёбон трассаларини шулар олдиндан кўриб тасдиқлардилар; қаерда қандай янги цех қурилаётганини ҳам ҳаммадан олдин билардилар. Ҳар бир уйни синчиклаб ўргангандар, уйга қанчада электр қуввати кераклигини, токнинг қандай қучланышда эканлигини, ҳатто уйнинг хўжалик раҳбари қанақа одамлигини ҳам билишарди. Ана шу сон-саноқсиз ахборотлар туфайли, уларга ишониб қўйилган кабеллар бутун ва яхши сақланарди: сал эътиборсизлик қилиниб қўйилса борми, уй орқасидаги ерга билмай қоқилган битта қозиқ ҳам кабелни тешиб, авария қилиши мумкин. Ўларнинг бу касби, турли мансабдаги турлича одамлар билан — директорлар ва ҳовли қоровуллари билан, энергетиклар ва милиционерлар билан алоқа қилишга ундарди. Ўлар кун бўйи очиқ ҳавода сўйил ва болға билан ишлаб, музлаб қолган ерни палаҳса-палаҳса қилиб ўяр, баданлари жазирама иссиқдан қорашиб, изгирицидан тиришиб кетар. тизза бўйи ботқоққа ботиб кичкина гильзани заргар сингари нозиклик ва кимёгар сингари озода қилиб қалайлай олардилар. Булар ҳеч қачон умидсизланмайдиган, ҳар нарсага қизиқсиниб қаровчи ва ҳар қандай тасодифий ҳодисаларга доим тайёр кишилардир.

Наумов шошмай-нетмай Андрейга шикастланган кабель ҳақида гапира бошлади. Унинг узунлиги икки километр бўлиб, муфталари беҳисоб экан. Шикастланган ер эса...

— ...Ким билади дейсиз! Ана Малинин икки соатдан бери фол очиб ўтирибди.— деб гапини тугатди Наумов. Йёкин у бир нарсани айтмай қолгани сезилиб турарди.

— Хўш, шундай бўлса ҳам-да,— суришира бошлади Андрей.

Наумов этигининг тумшуғи билан нам ерни кавлай бошлади, кейин пахтали камзулининг ички чўнтағидан алюмин портсигарини олди. Портсигарнинг қопқоғида пистолет ушлаган Пушкининг расми чизилган эди.

— Марҳамат, ўзим ясаган папирос.

Андрей папирос олиб тутатди, тамакини усталик билан мақтади.

— Муфталарни очиш керак,— деди хўрсиниб Наумов.

мов.— Бу эски, аммо жуда түғри усул. Қабелдаги муфтадардан иккитаси ўз анкета маълумотига биноан менда шубҳа туғдириб турибди.

— Үндай бўлса нимани кутиб турибсиз?

— Хавфсизлик қоидасига биноан, Андрей Николаевич, синов бораётган пайтда линияда ишлаш мумкин эмас.

— Агар ҳамма гап муфталарда эканига ишонсангиз, измерителнинг ишини тўхтатиш мумкин.

— Мен ишонаман деб айтдимми?— деб бош чайқали Наумов.— Ишониб бўлмайди. Муфтани очиш учун икки соат вақт керак. Борди-ю, адашган бўлиб чиқсак, унда нима бўлади? Кўр-кўронга ишлагандা ютқазиб қўйиш мумкин.

— Йикковини бараварига очиб кўринг.

— Эҳтимол, мен муфтадан бекорга шубҳаланаётган дирман,— Наумовнинг мулойим чеҳраси бужмайди.— Сиз мени чакки қийшяпсиз, Андрей Николаевич. Измерителларимиз бор. Қаердан кўрсагса, шу ерни кавлаймиз.

Андрей бекор айланиб юришган ишчи аёлларга кўзи тушиб, жаҳл билан деди:

— Жавобгарликдан қўрқдингизми?

— Сиз менга жавобгарликни пеш қилманг,— деди Наумов. У одамлардан аччиқлана олмасди, шунинг учун ўз гапидан уялиб кетди,— одамларнинг кўз олдида бекордан-бекорга ялпайнишиб ўтиришдан бизни уялмайди деб ўйлайсизми?

Андрей машина томонга кетди. Унинг орқасидан кабслчилардан биттаси гап отиб қолди:

— Тағин олиммиш. Шунча ўқитишигани билан улардан бир тийинлик фойда йўқ. Ҳеч ёрдам кўрсатолмайдилар.

Якушев жарангдор овозини ўзгартириб, секингина эътиroz билдириди:

-- Сен айтганинг бу эмас.

Андрей измеритель машинанинг ичига кирди. Унинг учдан икки қисмини синов установкаси ишғол этган. Орқа девор билан пульт ўртасидаги торгина оралиқда ёш техник Малинин ўтиради. У лабини чўччайтириб ҳуштак чаларкан, асбобларнинг стрелкаларига тикиларди.

— Ҳуштак чаляпсанми?— деди Андрей унинг индамай узатган қўлини сиқиб.

— Ҳуштак овутади,— деди Малинин.

У юзини ўғирмасдан бармоғи билан ҳовли томонга

ишора қилди. Машинанинг ойнавон жузоваси беихтиёр ҳамманинг диққатини ўзига жалб қилган эди. Ҳамманинг умиди ҳозир шу машинада. Унинг ичидаги випрямитель лампалари ёниб туарар, трансформаторлар аста гувилларди. Ноиложликдан беиш юрган юзлаб одамлар орасида жимиб қолган фабрика корпуслари қуршовида фақат бу машинадагина жиддий иш бораётган эди. У кагта океан ўртасидаги ёлғиз оролга ўхшарди.

Эгнидаги халатига узилган иплар илашган, бошига косинкани чандиб боғлаб олган ёш ишчи аёллар автобус олдидан ўтиб бораркан, мазақ қилиб Малининдан сўрашарди:

— Эй, йигитча... Москвани эшитяпсизми?

— Халақит қилмані, унга, қизлар, кўриб турибсизку, бу ўртоқ иш билан жуда банд. Бечора ҳеч ухлай олмажити.

— Эй, йигитча, аппаратингиз билан сочимизни жингалак қилиб қўймайсизми?

— Ҳеч бўлмаса парда тутиб қўйилса ҳам майлийди,— деди жунжайиб Малинин,— гўё бу одамлар куйдирувчи шишанинг ўзгинаси, нақ тутуним чиқиб кетяпти...

Андрей ёзувларни текшириб, Малинининг иложи бўлган ҳамма ишни қилганлигига қаноат ҳосил қилиди-да, энди ўзининг бу ердан кетиши зарурлигини тушунди, лекин ҳеч нима демасдан чиқиб кетиш уят бўларди. Бир ерда беҳуда ивирсиб юрган сарш кетиш унга оғирроқ тукюларди. У ўзини кўпроқ айбдор ҳисоблай бошлади. Ҳеч қачон, ҳеч қандай авария учун ҳам ўзини ноchor, дармонсиз ҳис қилмаган. У локаторни битиролмаётган эди. Эҳ, лаънати янглишлар!— Ҳаммасига айбдор ўзи. Малинин билан Наумов ундан гина қилишга тўла ҳақлари бор. Нима қилиб бу ерга югуриб келиб юрибди? Туртиниб-суртииб одамларга халақит беради, донишманд одам сингари савол беради-ю, ўзининг қўлидан ҳеч иш келмайди.

Машина ойнаси тиқиллади— қирғий бурун, пальтоси шоша-пиша елкасига ташланган бир юдам бармоғи билан имлаб, уни чақираётган эди.

— Бош инженер,— деб ғулдурлади Малинин ва беҳудага пулът бандларини бирма-бир ушлай бошлади.

Андрей машинадан чиқиши билан бош инженер қулоқлаб олди. У аллақачон Лобановнинг унвони за

амалини сурингириб билиди, унинг кўзларида умил учқунлари чақнарди. Бош инженер уни авайлаб қўлтиқлаб олиб, юзига тикилиб, аҳвол қалайлигини сўраганидан Андрейнинг кўнгли ҳам хира бўлди, ҳам кулгиси қистади... Яқин кишиси оғир касал бўлган одам врач билан худди шундай муносабатда бўлади.

Андрейнинг нохуш жавобини эшишиб, ўз бошлиги билан ёнма-ён кетаётган мўйловли ёш технолог жаҳл билан деди:

— Цехларда иш тўхтаб қолганини кўрмаяпсизми? Программани бажара юлмай қолишимиз мумкин. Биз учун ҳар бир минут ўнлаб метр газлама демакдир!

— Уларнинг нима иши бор! — деди орқада келаётгаплардан аллакиъм.

— Бўлмаса давлат уларга нега пул тўлайди?

— Қизиқ, — деди технолог гапида давом этиб, Андрей билан тортишиш мақсадида.— қизиқ, қани бизда биронта инженер станокининг нега бузилиб қолганини билмай кўрсинчи.

— Биз унақа инженерни замбилга солиб чиқариб ташлардик,— деди йўғон овозли кекса тўқувчи аёл.

— Ираклий Григорьевич, одамларни ушлаб ўтириб нима қиласмиш, жавоб бериб юбора қолайликми?

— Унда, ўртоқлар, якшанба куни ишлашга тўғри келади,— деди бош инженер тўхтаб баланд овоз билан. Ишчи аёллар шов-шув кўтардилар, Лобановга қаратса айтилган аччиқ ғазабли сўзлар эшитилди. Ҳозир ҳамма бу фалокатларга сабабчи қилиб фақат шу Андрейни биларди. Андрей саросима бўлиб атрофга аланглар, аммо ҳамма ёқда ҳам унга ўқрайиб турган дарғазаб юзларни кўради. Ираклий Григорьевични четга сурниб юбошиди. У қизиқ қилиб афтини бужмайтириб: «Қани, бу хотинлар билан юлишиб кўрчи, азиз олим»— деди.

— Сиз деб, ўртоқ начальник, якшанба куни ишлашни хоҳламайман,— деб қичқиради оғзи катта, Ѳора қош бир бақалоқ хотин. У Андрейнинг тужуркаси тугмасидан жон-жаҳди билан тортар ва унинг диққатими ўзига жалб қилишга интиларди.— Уч отдиҳдан бери ишлаймиз. Ҳалиям эрим қўяман деб қўрқитяпти. Менниг учун уйда ким кир ювади, сиз ювиб берасизми?

Андрей бир амаллаб унинг қўлидан тугмани бўшатиб олди. лекин у хотин дарҳол бўшқа тугмасидан ушлаб олиб, аввалгисидан ҳам тез бидирлаб тапириб кет-

ди. Андрей атрофика борган сари одамлар кўпая бошлади.

— Авариячилар! Онгсиз халқ... Улар тўғрисида газсталарга ёзиш керак!— деб қиңчиришарди унга.

— Уришманглар, муштлашинглар!— деди кулиб Наумов, у одамлар орасини ёриб, Андрейга ёрдамга келаётган эди. Ҳамкасбининг бирдамлик туйғуси Андрейнинг унга айтган таъналаридан устун чиқди. Қабельчилар ўз мастерига орқадан туриб ёрдамлашардилар.

— Вой-бўй, буларнинг шанғиллашини қаранг-а, бу овоздан қалава ишларнинг узилиб кетмаганига ҳайронман.

— Бу хотинлар қозонга ўхшайди; ичига нима солсанг ҳам қайнайверади...

Лобановнинг басавлат қиёфаси, кейин уни бош инженернинг ўзи қўлтиқлаб келаётгани аёлларнинг унга ёпирилишдан бир оз тийиб турган эди. Аммо улар энди бутун ғазабларини Наумовга сочдилар, у билан тортинмай гаплашавериш мумкин эди.

— Сен қалаваларимизни тилга олма, биз ўз вазифамизни бажарамиз.

— Нима бу ерга дам олгани келдиларингми?

— Балки биз тўқиган матонинг шимиши кийиб юргандирсан!..

Қабелчилар оддий ҳазил сўзларни ишлатиб, ўз мастерларини ҳимоя қилиш мақсадида яқин кела бошладилар.

Андрей оломон орасидан бир амаллаб чиқиб олиб, бош инженерга тўқнаш келмаслик учун дуч келган биринчи цехга бурилди.

Бу упаковка қиладиган жой экан. Қекса бўёқчи шошмай-нетмай яшикларга бежирим қилиб адрес ёзарди. Унинг чўткаси остидан қора ҳарфлар билан ёзилган: «Запорожье. Горторт» сўзлари чиқди.

— Уларга ҳаммаси бўлиб неча яшик юборилади?— деб сўради дурадгорлардан бири.

— Беш яшик.

— Беш яшик чиқмайди. Бошқа тайёри йўқ.

Верстак орқасида бир дурадгор тахта рандаларди. Шу пайт Андрейнинг диққатини аллақандай нарса бирдан ўзига жалб қилиб қолди, у ўзининг тўхтаб қолиш сабабини тушуна олмай анча вақтгача турган ерида серрайиб қотиб қолди. Сан-сариқ пайраҳалар ранда

атрофида гажак бўлиб буралиб, чиройли ҳарфлар сингари ерга учиб тушарди. Пайрача... бу пайраҳанинг алланимага алоқаси бор.

Андрей чаккасини ишқалади.

Орқадан аллаким чақирди. Бу бояги мўйловли ёш технолог эди.

— Шикастланган жойни топишди, ўртоқ Лобанов! Ҳаммаси жойнда. Сизни сўрашяни.— Ў Андрейга яқинлашаркан, тез-тез гапиради.— Бизнинг ишлаб чиқариш системамизга қизиқяпсизми дейман? Сиз мана бу ёққа қаранг. Қандай газлама! Кўум-кўклигини қаранг? Майин ва гўзал ранг, биз бу ранг учун қашча овора бўлганимиз...— Севинчидан оғзи қулогига етган технолог тинмай гапиради, Андреини ўзи билан бошлаб кетди. Андрей буидан бир исча минут илгари ишмага зўр бериб тикилиб турганини, ишмани кўраётганини қашча эсласа ҳам, ҳеч иш чиқмади, хаёли паришон бўлиб кетгани эди.

Чиқаверишда улар кичкинагина темир рандалайдиган станок ёнидан ўта бошладилар. Рандаловчи тиши металлга кириб тўхтаб қолган. Тиш ишнинг авжи қизиган пайтида тўхтаб қолган экан, шунинг учун у ҳамон ўз ҳаракатида олға толпинаётганга ўхшарди. Юпқа темир пайрача жингалак бўлиб ётарди. Бу ҳамма пайраҳаларга ўхшаган бўлса ҳам ҳаддан ташқари қизиб кетганидан оч бинажиша рангда ярақлар, совуи суви билан намланган ва гажак бўлиб буралиб бир ёққа қийшайнис турарди. Яна озгина, сўнгги марта ҳаракат қилинса, деталь тайёр бўларди...

Андрей тўхтаб, қўлинни дастгоҳнинг муздек ва ҳўл станинасига қўйди. Технолог севина-севина алланималарни ҳикоя қиласарди.

— Бир оз жим туринг,— деди Андрей ўтинч билан.

У темир пайраҳани синдириб олди. Унинг ўткир қирралари қўлинни тилиб юборди. Андрей пайраҳанинг бир учидан тортиб, қўйиб юборган эди, у гўё пуржина каби бир ўралиб, бир ёйила бошлади, бу пайрача унга кабель қобишини эслатди. У пайраҳани то сингунча ёйиб тўғрилай бошлади, энгашиб ердан бир қучоқ ўткир пайраҳаларни олди. Андреининг юзи бир юз ақарид кетди. Технолог унинг бу ҳаракатига қизиқсанниб тикилиб турарди.

...Кашфиёт доимо тўсатдан содир бўлади. Бу кашфиётни қанча куттилмасин, унга қанча иштилмасин, кишининг хаёлида қанча-қанча марта пайдо бўлмасин, барибир у чинакамига содир бўлганди, бениҳоя зўр портлашга ўхшайди. Шу ғоят қисқа дам ичиди Андрейнинг мияси пайраҳани маҳсус ўраш деб тасаввур қилди. Бундай ўраш худди шу усулда чўзиш, ҳажмини ўзгартиш мумкин бўлади. Агар шунаقا ғалтак ўрнатилса, янгишлардан қутулиш мумкин; у ўз хаёлида қилмоқчи бўлган ишларини формулаларга сола бошлади — ҳамма нарса ойнадек равшан бўлиб кетди.

Шу ернинг ўзидаёқ у пайраҳаларни қўлидан қўймай зўр ҳаяжон билан технологга тушунира бошлади.

— Биласизми? Топдим! Мана шу жойда топдим. Қизиқ! Жуда содда иш экан. Агар ғалтакни кесмага ўрнатилса... Тўғрими? Шунда вақт имунтазами қискаради... Эр белгисидан цега ўтади... Биз бўлсак шунга овора бўлиб юрибмиз-а...

Унинг кўзларида ҳам қўрқув, ҳам қувонч, ҳам ишонмовчилик аломатлари чақнаб турарди. Энди тинмай гапиравди. У технолог билан бирга Ираклий Григорьевич олдига чиқди.

— Билдим, топибсиз,— деди бош инженер,— менга хабар беришди,— информациям йўлга қўйилган.

Андрей гангиг кўзларини пир-пир учира бошлади.

— Қаёқдан билдингиз?

— Шикастланган ер бундан ўн беш минут бурун топилган,— деб бош инженер столи олдида турган энергетик расмий ҳоҳангда тасдиқлади.

— Йўқ, у эмас,— деди Андрей кулиб.— Мен янгишларни йўқотиш йўлини топдим. Биласизми, қаерда деңг настда упаковка хонасида... Пайраҳага тикиламан, деңг. Агар компенсация қилинса..ҳатто қулгили ҳол...— у яна ўз мулоҳазаларини бирма-бир гапира кетди.

Афтидан, бу ерда турган одамлар ичиди энергетикдан бошқа ҳеч ким Андрейнинг кашфиётининг асл мөҳиятига ҳам, у талаффуз қилаётган терминларга ҳам тушунмаганга ўхшарди, аммо шундай бўлса ҳам ҳамма унга хайриҳоҳлик билдириб табассум қилар, уни табриклаб қўлини сиқарди.

У стол устидаги қофозларни бир чеккага суриб, Ираклий Григорьевич олдига қўлидаги пайраҳаларни

қўймоқчи ва бор гапни бошдан оёқ батартиб сўзлаб бермоқчи бўлди. Лекин кейин эсини йигиб, ўзи қилмоқчи бўлга ишидан ўзи уялиб кетди-да, энергетикни бир чеккага бошлаб бориб, ёғ босган темир қириндиларии кўкрагига босган ҳолда, яна унга воқеанинг қандай содир бўлганини ҳикоя қила бошлади. У одамларниг ишонмаслигидан, бу ажойиб кашфиётнинг кутилмаганда рўёбга чиқишидан қўрқарди.

— Қириндига тикилиб туриб, бирдан миямга шу фикр келса бўладими,— деб ҳаяжон билан такрорларди у.

— Габриклайман.— деди энергетик паришонлик билан.— Ана, томоша қилинг. Бизнинг Ираклий мамнун бўлиб ўтирибди. Агар суриштириб қаралса, шу аварияга ўзи айбдор. Подстанция қуришни хоҳламаяпти. Ҳўп, майли, бир кун бурнидан булоқ бўлиб чиқади. Энди биз унинг шуидай тўс-тўполонини чиқарайликки...

Андрей, Дмитрий Алексеевичнинг гапини эслади,

— Бўлмасам-чи? Тўғри қиласизлар,— деди кулиб у,— Ираклийнинг таъзини бериш керак.

У қабулхонага чиқиб, секретарь қиздан телефонда гаплашишга рухсат сўради. Аввал лабораторияга телефон қилди, кейин Маринанинг телефон номерини айлантира бошлади.

Андрей Марина билан унинг ишхонасида учрашишмоқчи бўлди. Марина ишни баҳона қилмоқчи бўлувди, у кескин қилиб: «Мен ҳар қандай бўлса ҳам сизни кўришим керак»,— деди.

Архитектура бошқармасининг кенг мармар остонасида Андрей биринчи марта Марина билан учратган йигитга тўқнаш келди. Андрей севиниб кетиб у билан сўрашибди. Вадимнинг бефарқиниа бош силкиб сўрашганида ҳафа ҳам бўлмади — ҳозир унинг кайфиятини ҳеч нарса буза олмас эди. Баланд шипли коридорлар ҳам, оғир эшикларнинг бронзадан қилинган жимжимадор бандлари ҳам, унга Маринанинг кабинетини кўрсатиб қўйган синчков юёл ҳам — хуллас, ҳамма нарса Андрейга ғоят ёқимли туюларди.

Маринанинг иши тугагунча кутиб ўтиришга тўғри келди: иккита серсовлат қиши — гапларидаи бинокор бўлсалар керак— улар Маринага иморатнинг сиртини

қоплаш учун ишлатиладиган гранитининг йўлда кечикиб қолганини тушунтиардилар.

Андрей Маринани баҳузур томоша қилишга имкон туғилганидан севиниб, бир чеккага бориб ўтириди. Ҳеч ким унга эътибор бермади. Бу хонада Маринанинг столидан бошқа яна иккита стол бор. У столлар олдида ҳам бўлим ходимлари ўтирас, улар олдида ҳам одамлар бор эди. Деворларга янги бинолар лойиҳаларининг эскизлари осилган, деразаларда эса аллақандай ёғоч моделлар турарди. Маринага озгина бўлса ҳам алоқадор бўлган ҳар бир нарса Андрей учун жуда муҳим ва азиз ҳисобланарди.

Марина бинокорлар узатган бир қоғозини ўқий бошлиди. Қуёш унинг олтин сочларида жилваланар, сочининг тумансимон сояси юзига тушиб турарди. Эгнида калта енгли, кўкраги очиқ йўл-йўл жемпер бор. Андрей Маринани биринчи марта кундуз куни бу қадар бемалол томоша қиласардики, ҳатто унинг чеҳрасидаги энг майдা икир-чикиригача тўла хотирлаб қолишга уринарди. Ҳар бир ўтган минут унга яна янгиликлар олиб келарди. Маълум бўлдики, Маринанинг янгроқ овозида буйруқ бериш оҳангига ҳам эшитиларкан, аччири чиққан пайтда эса, волгаликлардай «о»ни баралла айтиш зўраяркан, қўллари бўлса қаламни тез айлантира бошларди. Бундан ташқари Андрей унинг чакагида иккита чуқурчани кўрди. Бу вергулга ўхшаган чуқурчалар табассум қилган пайтда пайдо бўларди.

Андрей Марина билан кўчага чиққанида, уни жуда ҳам оз кутганидан ачина бошлади.

Андрей телефон қилиши Маринани ҳам қувонтирган, ҳам ҳаяжонга солган эди. У ўзининг аламли хаёлларидан жон деб воз кечиб юборган бўларди-ю, аммо Андрей бу танишишга негадир зўр эътибор бераётган өди. Марина бу учрашувдан суюнган, лекин ўз севинчига тушумас, ундан қўрқар эди. Фақат Андрей жон-жаҳди билан аллақандай локатор, янглишлар, пайраҳалар тўғрисида гапира бошлагандан кейингина, хотиржам бўлди, лекин айни вақтда кўнглида қандайдир аламли туйғу ҳам уйғонди.

— Нега кўпдан бери телефон қилмадиниз? — деди у.

Андрей кашфиётига Марина эътиборсизлик билан қарагани учун хафа бўлди.

— Мен хафа бўлган эдим,— деди у хўмрайиб,— энди эса... мен шундай шодманки, шодлигимдан ўзими ни босолмадим.

Демак, шу ўтган вақт ичидаги ҳар доим уни кўришга интиларканда? Андрейнинг ўз сирини усталик билан яшира олмагани, ўзини айборд деб тутиши, Маринага таъсир этди. Марина бўлиб ўтган воқеани мукаммал суриштиришни хоҳласа ҳам, бироқ ички огоҳлантирувчи овоз уни тўхтатиб қолди.

У ҳозирча Андрей билан ўзини яхши ҳис қилар, лекин кўнглида: уни асбобдан бошқа нэрсалар ҳам қизиқтиралимикин?— деган шўх бир хаёл ҳам қўзғалгани эди.

— Сиз шошилаётганингиз йўқми?— деди Марина соатига қараб.— Мен бир қурилишга кириб ўтишга сўз берган эдим.

Андрей, шуни ҳам сўраб бўладими, дегандек ажабланди. Марина кўприкдан ва кенг майдондан кесиб ўтиб уни янги қурилаётган бино томонга бошлаб кетди. Шу пайт, Андрей троллейбусда кета туриб Маринани шу ерда қўриб қолганини эслади.

— Ҳа, мен бу ерда бўлиб тураман,— деди Марина, бу бино унинг контроллигига экан. Энг оғир обьектлардан экан.— Айтганда, бу бино архитектор Хотинскийнинг проекти бўйича қуриляпти. Уни билмайсизми? Вадим эсингиздами?

— Бўлмасам-чи, эсимда,— унинг чеҳрасида заррача норозилик аломати сезилмади. Шунда Марина жўрттага деди:

— Жуда талантли архитектор. Сиз архитектурага қизиқасизми? Сизни у билан таништириб қўйиш керак.

— Хотинский биланми ё архитектура биланми?

— Иккovi билан ҳам.

Марина кулиб юборди.

— Сиз... сиз ярашдингизми?— деб тўсатдан сўраб қолди Андрей.

Марина Андрейга шундай қаттиш тикилдики, у чўчиб кетди.

Улар қурилиш ерига етиб келдилар.

— Сиз билан чиқсан мумкинми?— деди Андрей.

Улар ҳавозаларга чиқа бошладилар. Оёқ остига ташланган тахталар қирсиллаб лопилларди. Андрей-

нинг кенг елкалари тўсиқларга тегиб, оҳакка бўялди. Маринанинг эътибор бермаётганидан у хурсанд эди. Улар учинчи қаватга чиққанда Марина торгина йўлакда туриб олиб:

— Прора-аб! Никита Евсеи-ич! — деб чақирди.

Юқоридан «лаббай» деган овоз эшишилди. У Андрейни шу ерда кутиб туришга ундан, ўзи яна юқорига чиқа бошлади. Қиз чаққоилик билан қўрқмасдан тўсиқсиз тор йўллардан сакраб-сакраб ўтиб борарди. У, шу ҳаракатида сариқ олмахонга ўхшарди.

Чорак соатдан кейин прораб билан йўл-йўлакай можаролашиб тушиб келди.

— Томоша қилинг,— деди Марина жаҳл билан ва Андрейни чақирди.— Қаранг, анави трубаларни қўйиб, фасадни расво қилишибди

Андрей ҳавозалар орасидан на трубаларни ва на фасадни кўрди, лекин дарҳақиқат фасаднинг расвоси чиққанига ишониб, прорабнинг Маринага гап қайтаришидан ажабланди.

— Оралиқ деворларнинг аҳволини қаранг! — У дераза учун қолдирилган жойдан уй ичига сакраб тушди.— Тағин қийшиқ девор қўйяпсизми?

— Бунга биз айбдор эмасмиз, Марина Сергеевна,— деди жаҳл билан прораб.— Заводдан шунаقا қийшиғини олиб келишяпти.

— Нега қабул қиласиз?

«Уларнинг таъзирини бериб роса бопларкан»,— деб ўйлади ўзича Андрей мамнунлик билан.

У иморатнинг чиройли бўлиб чиқиши учун нималар сабаб бўлиши тўғрисида ҳеч қачон ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Ҳозир у Маринанинг айтганларига қулоқ соларкан, ўзининг архитектура соҳасида билгани арзимас тушунчаларини хотирлай бошлади: раигларнинг мослашуви, силуэтининг равшанилиги, ансамбл... У ўзининг бу соҳада саводсиз эканлигини, диди йўқ эканлигини бўйнига ола бошлади. Бунинг интижасида унинг ўз иши ҳам эришиб бўлмайдиган қийинга ўхшаб туюлди. Асбоблар бўлса... нима бўпти, ҳар бир чидамли ва онгли одам асбоб ясай олади. У ўз қалбининг чуқур бир ерида, бугун, кашф этган янгилигидан жуда мағурурланарди, албатта. Аммо бу тўғрида Маринага гапириш тентаклик бўлади, деб ҳисоблади у.

Марина пастга таъби хира бўлиб тушиб борарди.

Бундоқ қараганда прораб ҳам ҳақ. Қийшиқ деворларни қабул қилма, деб айтиш осон. Яхши, боринг ана, қайтариб ҳам юборишин, у ҳолда ишчилар ишсиз қоладилар-ку!

Шундан кейин бино қийшиқ күтарилади. У иморат қанақа қилиб қурилишидан қатъи назар, одамлар хурсанд бўлишади, деган фикрдан фойдаланиб планни шифиллата бошлийди. Ўтган ой Марина қабул актига қўл қўйишдан бўйин товлаган эди, ўшанда ҳам қурувчилар, бошлиқлар ва бўлажак хонадонлар уни ҳолижонига қўймаган эди. Бир хотин уни ётоқхонага судраб олиб кетди — бир хонада унинг оиласидан ташқари яна икки оила яшаркан. Қаранг, бир хонада уч оила-я. Рост, янги уйнинг эшиги қинғирми-қийшиқми, у хотинга барибир, ишқилиб тезроқ кўчиб ўтса бўлгани. Иморат қурувчилар буни яхши билиб олишган. Шунинг учун ишни виждонсизларча чиллаки қилиб юборишияпти...

Марина муштумини тушиб, кўксига босди.

— Бу ерда ишлаш нақадар оғир эканлигини тасаввур ҳам қилолмайсиз...

— Сиз бўш келмаслигингиз керак,— деди Андрей қизғин оҳангда.

Унинг самимий хайриҳоҳлиги Маринага ёқди.

— Демак, ишлар жойида денг? Табриклайман,— деди у.

Андрей жилмайди-ю, жим қолди.

Унинг жим туриб эътиroz билдириши Маринага ёқарди. Нима бўлса-да, Андрей ўз шодлиги билан дастлаб унинг олдига юғуриб келди-ку.

Шу тўғрида ўйлаш, шундай эркин, аммо қўлтиқлашмасдан, сухбат учун сўз ахтармасдан, сукутга чўмгани учун хафа ҳам бўлмасдан сайр қилиб юриш Маринага ёқарди.

Кун илиқ, сокин, ҳаво булат. Аллақаердан йўлда келаётган поезднинг чинқирган овози эшитиларди. Гулчи аёллар оч-яшил рангли печак гулдасталарни сотиб турардилар. Марина ҳеч қандай жиддий масала тўғрисида гаплашишни истамасди... У кўпдан бери юрагини қийнаб келаётган дарднинг оғриғи босилганини тўсатдан сезиб қолди... Андрей ҳам унинг гапиришмай келаётганидан рози, уни ўз ёнида кўриб турганидан беҳад шод эди. У Маринадан кўчаларда мана шундай айла-

ниб юришни яхши кўрасиши, кечқурунлари нима билан шуғулланасиз, деб сўради.

Бу болаларга хос саволлар Маринани Вадим билан боғлиқ бўлган аламли хаёллардан узоқлата бошлади. Бу майин, илиқ ва порлоқ куз куни унинг қалбига ғулғула солаётган аллақандай ҳис-туйғуларга ўхшаб кетарди. Сўнгги вақтларда фақат бугунгина биринчи марта унинг қалбida осойишталик, самимий мулоҳимлик ва оромбахш маъюслик туйғулари уйғонган эди.

### ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ БОБ

Марина: «Демак энди ишлар жойида денг. Табриклийман»— деди. Ҳали ишнинг битишига жуда кўп вақт борлигини айтса... Шу чоқ ўзингни, ўртоқларингни келажакда яна нималар кутаётганини тасаввур қилдинг-у, аммо индамай қўя қолдинг. Фақат тишлирингни маҳкам қисиб, жилмайдинг, холос. Ҳамма гапни бошдан-оёқ айтиб бўлармиди. Унинг кимга қизифи бор? Четдан қараганда, албатта, энг қийин дамлар ўтиб кетганга ўхшайди. Принципи очилган, расчётлар ҳам тайёр, деталлар орасидаги ўзаро муносабат ишлаб чиқарилган, фақат макетни битириш, уни синаб кўриш қолган, холос. Ҳеч қандай кутилмаган ҳодисалар, қийинчиликлар, хавфхатарлар, саргузаштлар содир бўлиши мумкин эмас. Бунинг нимасига мақтанасан киши! Олдинда яна ўша бир хил зерикарли иш кунлари тизилишиб турибди. Бу — сердиққат ва кўринишидан зерикарли меҳнат, — у ҳеч қандай илҳомсиз, ҳеч қандай кашфиётсиз яратилган меҳнат, бу меҳнат ҳақида ашула ҳам айтмайдилар, шеър ҳам ёзмайдилар. Бу, тери анқиб турган энг оддий қора меҳнат, бу ҳар кимнинг бурчи, ҳамма учун зарурий меҳнат...

Шундай бўлса-да, бу меҳнатда қанча шодлик ва азоб туйғулари бор. Мисол учун шу макетниёқ олайлик...

Рассом расм солишдан олдин этюдлар чизади, у бу этюдлар орқали ўз фикрларини ишонарли қилиб акс эттиришга уринади. Меҳнат ҳам илмий ходим учун шу этюдлик вазифасини бажаради. Бу сенинг идеялнинг қўйол бир акси, скелетидир. Бу макетда ҳали ҳамма муруватлар омонат лиқиллаб турибди. Сен шу макет ор-

қали ўз хаёлларингни, хавф-хатарларингни синаб кўрасан.

Мана макет ҳам тайёр. Новиков уни «қиил устида қилинган» деб атайди. Тўғри, у ташландиқ деталлардан амал-тақал қилиб ишланди. Изоляция липиллайди. сим учлари туртиб чиқиб туради, деталлар ҳадеб ўрнидан чиқиб кетаверади, шу қалтироқ, яланғоч бадбашара аппарат сими кўпдан бери орзу қилиб кутганинг бўлиб чиқади. Сен уни шундай тасвирлаганимдинг?

Бунинг устига, ўлганнинг устига чиқиб тепгандек макет ишламайди. Ҳали дунёда бирдан ишлаб кетган макет ҳеч бўлган эмас, деб айтадилар. Бу макетнинг ишламаслиги учун жуда кўп имконият бор, шунинг учун у ҳар бир имкониятдан очкўзлик билан фойдаланиб қолишга уринади. Мана, барча нуқсонлар йўқ қилинганга ўхшайди, лекин макет ҳамон ишламайди. Шундай бўлиши керак эди, иш бошидан пачава бўлган, барибир ҳеч иш чиқмайди, бекорга одамларни овора қилдим, ҳаммасини ташлаб, ҳавбатчи монтёр бўлиб хизмат қилишим керак, деган фикрлар аста-секин миянгга жойлаша бошлиди. Ўз атрофингдаги одамларнинг хотиржамлик билан ишлаб юрганига ҳавасинг келади. Уларнинг баҳузур ҳангамалашиб, кулишиши, овқатни иштаҳа билан ейиши, суткасига лоақал етти соатдан ухлаш, аҳён-аҳёнда кинога бориб туриш, ўз оиласининг ташвишини қилиш каби бемаъни одатлардан воз кечишни ўйламаганларидан сен ҳайратга келасан... Яна келиб макет ишламай қолган чоқда-я! Сенга ғоят ғайри-табиий туюлса керак. Сен билан муносабатда бўлиш,— дейди Кривицкий, — минг волътили электр токи ўтган симга. қўл тегизиш билан баробар. Ваҳоланки бу — сен ишлаетган энг биринчи асбоб эканини ҳамма яхши билади. Бир вақтлар Кривицкийнинг ҳам, Рейнгольднинг ҳам бошидан шундай муваффақиятсизликлар ўтган. Орадан яна бир неча йил ўтгач, сен ҳам бундай ҳодисага бамайлихотир қарайдиган бўлиб қоласан. Үнгача Саша Заславский ҳар қандай айбни чурқ этмай ўз бўйнига олади. Ҳатто Новиков ҳам кескин гап қайтаришдан ўзини сақлаб, лабини тишлайди.

Ниҳоят, барча мураккаб назарий хом хаёллар бошқатдан текширилиб бўлгандан кейин, машинанинг ишламаслигига сабабчи бўлган айбдор топилади. Бу — сочтоласи сингари ингичка бир сим экан. У пастқам бир ер-

ни топиб олиб, корпусга тегиб қолган экаи, сен бўлсанг  
бу орада физик справочникларни тинткилаб ётибсан!

Мана, ингичка сим олиб ташланди, макет ишлаб кетди. У фақат ишлайдиганлар учун ҳаракатланаётганга ўхшарди. Бошқалар «учебная езда» деб ёзилган автомобилга қандай хавотир билан қарасалар, бу макетга ҳам шундай хавфсираб қарашарди. Орадан хиёл ўтмай тарсиллаган овоз эши билар, ҳаво ранг учқунлар чақнаб чиқарди, трансформатор гувиллар, куйган нарсанинг ҳиди келарди. Шу кунларда куйган предохранителларнинг сони лабораториянинг бир йил мобайнида истеъмол қилган предохранитель сонидан ҳам кўпроқ. Оқибат иш шу билан тугайдики, энг сўнгги пробкага йўғон сим ўрашга тўғри келади, кейин ўт ўчирувчи бу далилий ашёни макет ичидан олиб, ҳурмат-эҳтиром билан «жу-чок»-ни «жук» деб ёзиб акт тузади.

Лекин ҳеч қачон майда-чуйда кўнгилсиз воқеалар шодлигингта халақит қиломайди. Сен ўз қўл остингда ишловчи ва бегона ходимларни чақириб келиб, уларга ўз фарзандингдек азиз бу макетни намойиш қиласан. Қаёқча қараш, нималарга эътибор бериш керак? Буни ҳеч ким билмайди. Энг одобли одамлар зўрға бир-икки оғиз сўз топиб айтадилар-у, тезроқ бу ердан жўнаб қолишининг пайидан бўладилар. Шу вақтга етганда макет дарҳақиқат фоят қўрқинчли бўлиб кўринади. Зўрға илиниб турган муруватларида барча кечинмалар, адашувлар, шоша-пиша қилинган гумонлар ўз аксини топган бўлади. Сендан бошқа ҳеч ким. ҳеч қачон бу чалкашиб кетган симлардан, кавшари кўчган деталлардан реостат ва блоклардан... ҳеч нарса тушунмайди. Шундай бўлса ҳам бирорининг кўзига бесёнақай, қўрқинчли бўлиб кўринигаи аппарат ишлайпти! Макет тирик! У оромбахш илиқ ҳаводан нафас оляпти, лампалари ёнаяпти, дросселлари оҳиста гувиллаб, стрелкалар қимирлаб турибди, экранда яшил импульслар пайдо бўляпти. Ақл билан барпо этилган бу деталларнинг ичидаги аллақандай сирли, мустақил ҳаёт борга ўхшайди.

Сен ўз ишингдан фуурурланиб, оғзинг қулоғингга етиб, бошлиқларни таклиф қиласан.

Қишининг ақли етмайдиган, машъум, аммо фоят қаттиқ бир қонуният бор — бошлиқлар кириб келиши билан макет тўсатдан тақа-тақ тўхтаб қолади. Шу маҳал уни кўрган одам бу макет ҳеч маҳал ишламаган

бўлса керак деб ўйлайди. Бу ҳодисанинг ҳатто «визит-эффект» деган маҳсус номи ҳам бор. Бу ҳол бошлиқларга маълум. Улар: «Тажриба муваффақиятсиз чиқса, кўпинча янги кашфиёт тугилади», деб овута бошлайдилар. Йўқ, жин урсни янги кашфиётни. Шуниси ҳам етарли. Муваффақиятсизликларниг тезроқ тугашини истайсан. Ҳеч қандай кашфиёт керак эмас, ишқилиб, муваффақиятсизликлар тугаса бас, деб ўйлайсан. Ёлғиз ўзинг қолганингда эса, шу чиқинди тўдасини оёқ ости қилиб эзиб ташлагинг келади. Новиков асбобни силкиб кўради, унга пулфайди, лампаларига чертади. Ҳеч фойда бермайди. Орадан бир соат, кейин икки соат вақт ўтади, энг сўнгги уриниб кўришлар ҳам тамом бўлади, ҳамма бошини қўйи солиб ва ҳеч нимага тушуммаган одамдай хомуш ўтиради. Шунда Саша макет ишлаган вақтда ҳаво булат бўлганини, ҳозир эса қуёш нур сочиб турганини эслайди. Бу, албатта, бемаъни ва беҳуда гап. Аммо шундай бўлса ҳам ўтирганлар бирбиридан уялиб, деразаларниг пардаларини тушириб, уйни қоронғи қиласидар. Сен бефарқ кўзларинг билан Сашага қарайсан, у кеча асбоб олдида тагига қўйиб ўтирган табуреткани олиб келиб ўтиради. Бунга на табуретка, на қуёшининг алоқаси борлигини биласан, бу ҳаракатларниг ҳаммаси аллақандай фолбинлик, мистикага ўхашини ва буларниг фанга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини биласан-у, аммо сен ҳам маъносиз тикилиб ўтирасан. Индамайсан, чунки ўзинг ҳеччима таклиф қилолмайсан, шунинг учун, бирдан бирор мұжиза содир бўлмасмикин, деб аппарат стрелкасига тикиласан. Аммо ям-яшил стрелка ярақлаб қотиб тураверади, ҳеч қандай аврашлар, афсунлар уни ўз ўрнидан қимиirlата олмайди.

Икки кундан кейин асбоб аниқланади — лампа ичнадаги сим осилиб қолган экан. Ҳамма мутахассислар буни жуда камдан-кам учрайдиган ноёб ҳодиса деб айтишади. Бу симча ҳеч қачон ҳеч қандай лампада осилиб қолмаган, фақат сенинг лампангда юз бериди. Қизинқ,— дейдилар мутахассислар,— шега сим осилиб қолган экан, буни ҳам аниқлаш керак. Лекин сен на бу симга ва на уларниг қизиқсинишига эътибор берасан. Макет яна ишлай бошлайди. Сен уни ўн марта, юз марта, минг марта ишга солиб кўрасан, бемалол ишлайверади. Аппарат экранидаги яшил учқунлар пайдо бўлади... Шун-

ча муваффақиятсизликдан кейин оз муддатга бўлса ҳам сенга ва сенинг сафдошларингга албатта муваффақият зарур. Шунда сен ва сенинг ўртоқларинг на чарчаганини ва на асабийлашганини пайқайди. Экранда яшил шуъла тўлқинлари пайдо бўлган чоқдан бошлаб, одамларнинг овозлари яна янграб чиқа бошлайди, уларнинг ҳар бир ҳаракати аллақандай чуқур бир маъно бераётганга ўхшайди. Атрофдаги барча нарсалар ўзгача тус олади, бутун лаборатория бошдан-оёқ ўзгаради, ҳамма одамлар ҳам экрандаги зумрад тўлқин устида, унинг порлоқ шуълаларида ўз аксини кўриб, парвоз қилаётганга ўхшайдилар.

Шундагина сен ўз атрофингга назар ташлайсан ва кеч куз пайти эканини, кечалари ер қатқалоқ бўлиб, қирор тушаётганини пайқайсан. Қундуз кунлари осмон сутдек оппоқ, ҳаво салқин, фақат қиём пайтида қуёш озгина исситади. Бу видолашаётган илиқлиқ, ерга тўкилган хазонларнинг димоққа урувчи аччиқ ҳиди сени қайғуга солади, ташвишлантиради. Сен унутиб юборрган ички туйғу ва аламларнинг яна уйғонади. Тобора кун қисқариб, шумшук тус олади, кеч тез кириб, кўча чироқлари кун сайин янада вақтлироқ ёна бошлайди, қайсар куз, қайсар қишишамоли тинмай увиллайди. Дарёлар лиммо-лим бўлиб оқадилар, парклар, боғлар эса ёпилган. Кўчалардан картошка ортган юк машиналари тизилишиб ўтадилар. Шунда сен оёққа русча этикни кийиб олиб, Марина билан шаҳардан четга чиқиб кетишни, у ерда сокин далаларнинг тинчлигичи бузиб, тош йўлларда гурс-гурс юришни, иссиқ томонтарга тизилишиб учиб кетаётган турналарни томоша қилишни орзу қила бошлайсан. Қишига ҳозирлик кўриш керак — уйга ўтин олиб келиш, отангга пийма сотиб олиб беришинг керак. Шунда сен театрларнинг қишлик мавсуми очилганини, Борисов ўзига янги пальто сотиб олганини, Новиковнинг эса, энди Олечка билан эмас, Зоенька билан учрашиши тўғрисида ваъдалашаётганини биласан.

Ҳаёт яна гўзал тус олди. Энди ишнинг энг қизифи қолди — аобобни парвариш қилиш ва унинг характерини ўрганиш керак. У ҳеч қандай тўскинликлардан қўрқмаслиги, сезгир ва мустақил, оддий ва ишончли бўлиши керак.

Аввалига асбоб жуда ҳам сезгири бўлиб чиқади. Дастакка сал қўл тегиб кетса бас, стрелка ғизиллаб шкаланинг нариги бошига бориб қолади. Сезгириликни сусайтирувдинг — турғунлик йўқолди, турғунликка эришувдинг — қуввати пасайди, ҳуллас, ҳар қуни шу машмаша. Энди асбобга худди ёш болани парвариш қилгандек меҳрибонлик ва талабчанлик билан қарайдиган бўлдилар. Усольцев боланинг жигига тёккан тоғаси сингари, ҳар эҳтимолга қарши, асбобни турли-туман амортизаторлар, предохранилар, фильтрлар билан таъминлай бошлади. Асбобни жажжи-жажжи трубкачаларга ўхшаган яқинда чиққан эффектли қаршиликлар билан безатишини Новиков яхши кўрарди, у асбобда киши ақлига сифмаган энг янги деталь ва схемаларни синааб кўрарди. Шундай пайтда у асбобга мурожаат қилиб, дуч келган сўзлардан ашула тўқиб хиргойи қиласди:

Шунчалар қўполсан  
Ва маймоқ.  
Ҳар ким сени  
Қилади хафа.  
Мана бу ғалтақчани  
Алмаштириб қўямиз  
Хозир.  
Ва тезликда сен  
Миқти бўлиб оласан,  
Асло ўқинмайсан.  
Қувватим кам деб.

Илгарилари тоҳ макет, тоҳ одам устунлик қиласди. Энди эса, макетдан имкон борича кўпроқ фойдаланиш мақсадида ҳамма бирлашди. Бу Одинцов таъбири билан айтганда «доно кўз»нинг синчиклаб қараш, текшириш даври эди.

Макет сўнгги марта синааб кўрилгандан кейин ўзингни шалвираб қолгандек ва гўё энди ақл юритишга ҳеч қурбинг етмайдиган лаёқатсиз одамдек ҳис қиласан.

Мана, конструктор ҳам келди. Афтидац, у асбобнинг қандай ишлашига заррача ҳам эътибор бермайди, лекин кишининг жигига тегувчи жаҳл билан, нега бу контур чап томонга қўйилмасдан, ўнг томонга қўйилган, деб гап сота бошлийди. Буининг сабабини ўзинг ҳам билмайсан. Бу ҳол сен учун барибирдек туюларди. Ҳали бу ҳам юз. У яна дросселнинг размери тўғрисида ғиди-биди қила бошлийди. Унга дросселнинг бў-

йини қисқартыриб бериш керакмиш. Бу бемаъни одамнинг формулалариниг билан ҳеч иши йўқ, умуман у ҳеч қандай олий математикани тан олмайди, дунёда фақат размёрлар, габаритларнингна тан олади.

— Шу ҳам асбоб бўлтими? — дейди у гердайиб афтини бужмайтириб. — Бу асбоб эмас, бир дардисар. Ҳа-а, мен ана шу протоплазмадан конструктив буюм ясашим керак.

У, энг оғир иш менинг ҳиссамга тушди, деб ўйлайди. Шундан кейин миллиметрлар ва граммлар устида тортишув бошланади. Сизларнинг барча мулоҳазаларинигз, ҳаяжонларинги, аллақандай кесакича ё болт түфайли барбод бўлади.

Мана, ниҳоят Усольцев конструкторлар бюросидан биринчи чертёжларни олиб келади — шунда сен ўз асбобингни нақадар чиройли ва кўнгилдагидек бўлиб чиққанини кўрасан. Можаро ва тортишувлар унутилади, инжиқ конструктор ҳам сизнинг оиласизга қабул қилинади. Сиз унинг қалбida асбобга бўлган муҳаббатнинг куи сайин ўсаётганини ҳавас ва завқ билан кузата бошлайсиз.

Хуллас, сени устахоналарда қанчалик совуқ кутиб олганларини эсласанг, конструктор билан бўлган муҳозаралар арзимас бўлиб туюлади. Устахонадаги одамлар кўпни кўрган, улар барча турмуш ҳодисаларини соддалаштиришни яхши кўради. Эбонит қатлами ўрнига улар албатта гетинакс солишади, нега бундай деб суриштиранг, гетинаксни ишлаш осон дейдилар. Заказнинг муҳимлиги ҳақида гапирсанг, гўё эшитганмиз, ҳамма заказлар ҳам муҳим, демоқчи бўлгандек кўзларини сузиб тинглайдилар. Эҳ, конструктор билан фалтакнинг аллақандай синчи тўғрисида тортишиб ўтиришнинг нима жераги бор экан, барибир мастер ўтган заказдан ортиб қолган эски усулдаги синчни қўяди-да. Сенинг ажойиб фикрларинг барибир барбод бўлади, уни расценка ва наряд каби қўпол тил билан алмашадилар, оқибат Усольцев ясаган ажойиб переключатель ярамас, хунук деб, уни ҳеч ким ишлашга олмайди.

Қутилмаганида тақдир биринчи марта сенга сал кулиб қўяди: Саша қўшини лабораторияда пластмассдан ясалган янгигина қолип топиб юлади, ҳамма шу қолипга нитизор эди. Сен шу қолинни қўлга киритиш мақсадида ўша ерга кирасан. Қўшиллар сени совуқ қарши

оладилар. Уларниң лабораториясига Сашаниң келиши, кейин сенинг ғайри-табиий ҳолда самимий қўл сикишиб кўришиңг улар кўнглида шубҳа туғдиради. Сен старший инженер билан унинг сендан олган жадваллар тўғрисида музокара юритасан, майли, керак бўлса фойдаланаверинг, деб хушомад қиласан,— сен лаборант қиз эгинидаги сап-сариқ хунук кофтасини тоза мақтайсан. Шу «муқаддима»лардан кейин, гўё тасодифан қолипни кўриб қолгандай бўласан-у, бепарвоникини қотириб: «Галати қолип экан. Биз ҳам устахонага шунақасини буюртирган эдик»,— дейсан, Лаборатория эгалари заҳарханда қилиб жилмаядилар. Лекин сен ўзиниң уларга эътибор бермагандек тутасан. «Бу бизга тўғри келиб қолса керак. Усталар бизникини тайёрлаб берпунча қарз қилиб туринг, кейин, албатта қайтиб берамиз»,— дейсан. «Қанақа қилиб қайтариб беришингизни биламиз, — дейишади лаборантлар. — Лампамизни олгандингиз, шу бўйи сув қилиб юбордингиз». Сен эса ўз лабораториянгда тез орада вакуум установкаси ишга тушажаги ҳақида гапирасан. «Бизга энди установкангизнинг кераги йўқ»,— дейишади.

Тортишув анча вақтгача давом этади. Чиқиб кетасан. Яна қайтиб кирасан. Ахир хиралик қилиб уларни кўндирасан. Қолип эгалари: палон-палон ўлчамларни ишлашда бизга ёрдам берасиз, олган лампаларни қайтариб берасиз, иккита кислород баллонимизни биэда жой бўшагунча, вақтинча ўз лабораториянгизга қўйиб турасиз, деб елкангга оғир вазифаларни юклайдилар. Сен ҳаммасига ҳам рози бўласан. Шундай бўлса ҳам қолипни дарров «ма» деб топшириб қўйиш уларга алам қиласди. Улар энди қолипни бошқа кўрмасликларини яхши билсалар ҳам, уни бир ҳафтага берадилар. Қолип тантанали вазиятда устахонага олиб чиқиб кетилади. Шундан кейин ҳар бўш қолган пайтингда ўзинг устахонага кириб хабар олиб турасан. Сен ҳеч қандай сабабсиз, шунчалик, асбобнинг қандай ишланаётганини томоша ғилгани кириб чиқасан. Устахонанинг тартиб-қоидалари қатъий — сенинг аралашишингга йўл қўймайдилар, аммо безовта бўлаётганингни биладилар. Сенинг тоқатсизлигиндан Кузъмич қанча минфирласа ҳам, барибир ич-ичидан севинарди, чунки ҳеч ким ҳолидан хабар олмайдиган «етим заказ»ни бажаришдан кўра шунақа иш кўнглига ёқарди.

Бир кун кечқурун устахонадан телефон қилиб қолдилар. «Бир келиб кетинг».—«Ўзи нима гап?»—«Келсангиз биласиз»,—дейди такрор Кузъмич. У шундай аниқ қилиб хавотирли оҳангда гапирадики, сен ҳамма ишларингни ташлаб дарҳол устахонага борасан. Верстак олдида хомуш турган конструктор верстак устига жиддий тартиб билан тизилган деталларга тикилиб турибди. Узел ишламаётган экан. Умуман уни йиғиш қийин, бир амаллаб йиққанингда ҳам барибир ишламаяпти. — дейдилар. Нима қилиш керак? «Халтага солиш керак»,—дейди Кузъмич. Унинг ҳам авзойи бузуқ эди, шунинг учун чеҳрасида сунъий мулойимлик автоматлари акс этарди. У на сенга ва на конструкторга ачинади. Халтага солиш, деганингиз нимаси? «Халтанинг нима эканлигини билмайсиз?»—деб сўрайди Кузъмич меҳрибонлик билан. Кейин у газетани олиб, усталик билан уни воронкага ўхшатиб ўрайди. Мана сизга қофоз халта, деталларни шунга солинг-да, кейин кетаверинг, оқ йўл сизга...

Ана шундагина сен гапга тушуна бошлайсан. Гап сизнинг бирон ёрда аллақандай нарсани чалкаш қилиб юборишингизда эмас. Заказнинг муҳим аҳамиятга эгалиги ва унинг тез бажарилиши шартлиги ҳақида гап сотгандан кўра, одамларни тўплаб асбобнинг қандай ишлаётганини намойиш қилиш, унинг нима мақсадларда кўлланилиши ҳақида сўзлаб бериш керак эди. Агар шу иш қилинса — устахона ходимлари ишингни бажаришга самимий киришади, ҳатто ўзлари ҳам инги-янти йўл-йўріқ кўрсатадилар. У пайтда улар сен билан ишнинг нархи ва оладиган нусл устида тортишиб ўтирмасдилар, ҳатто сенга тақдим қилинган қофоз халтани ҳам тортиб олардилар... Агар сен одамлар идрокининг энг нозик ерини топиб, уларда ўз ишингга ҳавас уйғотсанг, бир умр ақлингга келмаган фикрларни сенга айтиб беришлари мумкин.

Энг охирги кун — асбоб қуритиш камерасида турган кун энг оғир кун ҳисобланади. Лабораторияда, кўпдан бери кутилган азиз меҳмонни қарши олиш учун — ҳамма нарса тахт. Эски макет полкага қўйилган. Эртага эрталаб сен устахонага кириб келасан-у, ўз групплангдаги одамларнинг ҳаммасини устахонанинг ёпиқ эшиги олдида кутиб туришганини кўрасан.

Асбобни олгандан кейин, сиз уни то юргизмагунча,

ундан кўзингизни узолмайсиз. Шу кунларда сенга би-  
рон масала юзасида мурожаат қилиш фойдасиз. Очил-  
маган хатлар, ёзиб битирилмаган қофозлар стол усти-  
да уюлиб қолади, телефонлар жиринглайвериб охири  
ўзи тўхтаб қолади.

Локатор ўқтии-ўқтии тўхтаб, энтикиб ишлайди. Сиз  
инковингиз гёе бир-бирингизга одатланиб қолаётгандек  
бўласиз. Ҳали битмаган майда, кўнгилга тегувчи ишлар  
кўп, аммо бу орада локатор тарафдорлари, унинг дўст-  
лари сони орта боради — устахона ишчилари ва конс-  
трукторлар тез-тез келиб туради, ҳатто қолипнинг со-  
биқ хўжайнилари ҳам киришади. Булар ҳам сизга чин  
кўнгилдан ёрдам беришга тайёр, энди ҳеч ким асбоб  
талабини рад қилмайди, ҳеч нарсасини аямайди, иш-  
қилиб локатор яхши ишласа бўлгани.

Қаранг-а, қандай чиройли асбоб! Жило берилган  
панелларидан лок ҳиди келиб турибди. Унинг ҳамма  
ёғи никель ва бўёқлар билан ярақлатилган. Экранлар-  
нинг кумушдек оппоқ филофлари, сигнал лампаларин-  
нинг дўмбайган кўзлари — ҳаммаси гўзал. Зифирдаи  
келадиган конденсаторларнинг усталик билан ўрна-  
тилгани ва ҳар бир симнинг ғоят моҳирлик билан бу-  
килганини айтмайсизми. Тўғрилаш асбобларининг  
бандлари ёғдек майин айланади...

Кечки пайт асбоб тўсатдан яна тўхтаб қолади. Энди  
у батамом тўхтайди. Узил-кесил тўхтайди. Бу ҳодиса-  
ларнинг ҳаммаси бўлиб ўтган, шунинг учун сенга улар  
жуда даҳшатли туюлади, гўё аллақандай дарғазаб,  
қайсар одамнинг қўли сени пастга аёдариб юбораётган-  
дай энди ҳамма ишни яна бошидан бошлаш керакдек  
туюлади. Йўқ, сенда ортиқча тоқат қолмайди. Бу ал-  
лақандай алғов-далғов тушга, даҳшатга ўхшайди. Ҳар  
сафар ҳам, мана битиб қолаёзди, деб турганингда яна  
ишининг расвоси чиқади. Сенинг қалбингда ўзингга, ўз  
ишингта нафратли ғазаб туйгулари уйғонади. Йўқ,  
бу фақат бир минутли умидсизлик, холос. Ўтган аламли  
ва омадсиз күплар сенда ўз таъсирини қолдирган эди.  
Ҳозир энг муҳими — жаҳл устида битта-яримта ишни  
чалкаштириб юбормаслик. Сен ҳаммани уй-уйига ҳай-  
даб юборасан, кейин ўзинг ҳам кетасан. Уйга борганинг-  
дан кейин, бекор қилдим, деб афсусланасан. Чунки на-  
дам олиш ва на ухлашга сенда имкон бор. Радио орқа-

ли эшиттирилаётган оперетта бемазага ўхшайди, бошинг остидаги ёстиқ тошдек қаттиқ туюлади, чекаётган папиросинг ҳаддан ташқари аччиқ бўлади, миянгда эса палон детални тескириб кўрмадим, пистон детални алмаштириб кўрмадим, деган сон-саноқсиз хом хаёллар канадек маҳкам ёпишиб юлиб, тинчлик бермайди. Бутун тун мудроқ билан ўтади — хаёлда ёса асбобдаги барча деталларни бирма-бир текшириб чиқасан. Йўқ, ҳаммаси тўғрига ўхшайди, ҳеч хато йўқдек...

Эртасига эрталаб Саша уятчанлик билан қилиб қўйган айбини бўйнига олади: у шошқалоқлик билан асбобга эски батареяни қўйган экан. У батарея бир неча йилдан бери ишлатилмай ётган экан, фақат ҳаммани ҳайрон қолдириб ва ўзи ҳам ажабланиб аввалига бир неча волт ток бериб юборган бўлса керак. Сашадан аччиқланиб тина-гудурат қилиб ўтиришга ҳам вақт йўқ. Ҷунки эски батареяни янгисига алмаштириш билан асбоб бекаму кўст ишлай бошлайди. Ана шунда у ўзининг бутун яхши хислатлари билан ярақлаб кўринади. Энди асбоб ҳар қандай найрангга ҳам дош беради, у ҳар қандай тўсқинликларни ҳам босиб ўтади. Унинг ҳар бир ҳаракатида кўпчилик томонидан киритилган фикрлар намоён бўлади: унинг ҳаракатида бир вақтлар ҳаракат принципи вояга етган пайтда сен киритган янгиликлардан бошлаб, ҳунар мактабини битириб чиқкан Валерканинг хизматигача акс этади, у асбоб учун яширин қулфли ажойиб ғилоф ишлаб ҳаммани ҳайратда қолдирган өди.

Асбоб турган стенднинг тепасидаги полкада чанг босган макет туарди. Сен у макетга тикиларкансан, гўё бу асбоб билан босиб ўтган узоқ мashaққатли йўлга ўгирилиб қараётганга ўхшайсан. Сизнинг ҳар бирингиз бу асбоб учун ўз умрингиздан бир қисмини фидо қилдингиз, бу асбобга сендан ҳам Новиков, Усольцев, Сашалардан ҳам аллақандай белгилар ўтган.

Аммо, шу узоқ йўлнинг бошидан охиригача бўлган давр ичиди, сен фақат бир ёки икки марта қувончили, баҳтли дамларга муюссар бўйдинг. У дамлар ҳам ғоят қисқа бўлиб, яна янги изланишлар, янги ташвишлар, тўсқинликлар қора булат сингари унинг юзини тўсиб олардилар. Гўё, ҳеч қандай қувончили дамлар бўлмагандек туюларди. Сен шунча кучингни нима учун сарф

қилдинг? Шу қилган ишларингга арзирлики?... Шоши ма, янги-янги кашфиётларга мусассар бўлдинг — шу бўлмайдими? Ахир, ҳар бир янги детални яратиш оқибатида — биронта янгилик ўрганардинг-ку, миянгга янги-янги фикрлар киради-ку. Бу орада сенинг миянгда қанча-қанча янги ғоялар, мулоҳазалар пайдо бўлди. Сен ҳаракатнинг янги системасини текширмоқчи бўласан, сен қозонларни автоматлаштириш янги приципи-ини ўйлаб топдинг... Аввалгига нисбатан яна кучлироқ, яна тажриба-ироқ олим бўлдинг, сен энди ҳеч қачон ўз танлаган касбингдан афсусламайсан. Айт-чи, ҳозир Сашани бир вақтлар сен билан биринчи схемани тузишга киришга, тентак, лалайга, довдираган йигит билан таққослаб бўладими? Усолъцевни-чи?..

Орадан ўн беш йил, балки ўн йил ўтар. Мана алла-қаерда тош йўл бўйлаб авария машинаси кетяпти. Кузовида кўчага қараб Саша ўтиради, энди у инженер Александр Евгеньевич Заславский. Унинг сочлари сий-раклашган, қаншарини ажин қоплаган. Ёнида Петяга ўхшаган биронта сепкил юзли бола ўтириши мумкин. Ёмғир ёғмоқда, Кузги сап-сариқ ўрмон узоқда фира-шира кўринниб туради. Ўрмоннинг орқасида ўтказиш ли-нияларининг баланд-баланд симёғочлари қад кўтарган. Бу сенга нотаниш бўлган йигитча этигининг уни билан бир вақтлар сен ихтиро қилган сири кўчган. кул ранг тусдаги локаторни туртиб ғудурлайди. (У пайтда бундақа локаторлар барча линия ва станцияларда ошиб-тошиб ётган бўлади.)

— Ахир қачон биз бу эски даҳмазани четга чиқариб ташлаймиз. Шу жалада узундан-узоқ йўл босгандан кўра, асосий пультда телелокатор ўрнатиш керак, вассалом. Аллақачон атом станциялари қурилиб ишга тушди-ю, ҳали ҳам шу локатор билан пол очиб юрамизми?

Саша, яъни Александр Евгеньевич эса, индамай кулиб қўяди, у локаторнинг ясалиш тарихини эслай бошлиди. Мана локатор ҳам эскириб қолди. Нима ҳам деймиз, ёшлиқ ўз йўлига ҳақ...

Локаторни биринчи марта тўла синаш муддати яқинлашаётган эди. Бутун лабораториянинг у бошидан бу бошига таранг қилиб симлар тортилган эди. Туш пайти. Октябрь ойининг охири. Қўёш нурида бу симлар тўқ-сариқ тусда товланиб ярақлаб туради. Йўғон-йўғон

қора кабеллар илондек тўлраниб, столлар орасида чўзилиб ётарди. Саша никель билан ярақлаб турган локаторни ҳадеб артар, тозалар, кейин яна артарди — бу эпди макет эмас. балки чинакам локаторнинг биринчи нусхаси. Саша Лобановнинг буйруқларини ғоят тезлик билан бажаарди. У бир ишни бажариб фрапорт бергани заҳоти, иккинчи ишни бажаришга отланиб турарди. У қандай топшириқни бажармасин, қачон бу синовлар тугайди-ю, амалий ишга ўтамиз, деб ўйларди. Акоига олиб, кўпдан кутилган ҳаяжонли дамлар яқинлашгач сари Лобановнинг ҳаракатлари сустлаша бошлади; у қўлларини чўнтағига тиқиб, ҳуштак чалиб уйнинг у бошидан бу бошига бориб-келиб турар эди, ҳозир у локатордан бошқа ҳамма нарсага хайриҳоҳлик билдиради. Саша бир неча бор, гёё тасодифан бўлгандек, у билан тўқинаяш келди. Лобанов лабораториядаги столларнинг ёнидан қандай эҳтиётлик билан авайлаб ўтса, Сашанинг ёнидан ҳам шундай ўтиб кетаверди. Усольцев минут сайин бурнини тортиб қўярди, Сашага унинг бу одати таниш эди. Бошқалар ҳаяжон билан папирос чекишар ё бўлмаса, қўлларини бир-бирига ишқардилар. Новиков кетма-кет ирис ер, Усольцев эса каттакон дастрўмолини олиб, ҳадеб бурнини қоқарди.

— Яна ул-бул керакми, Макар Петрович! — деб сўрарди ундан Саша.

Усольцев унга узоқдан тикилгандек қараб:

— Паяльникни кўп айлантираверма, синдириб қўясан,— деб қўярди.

Саша хафа ҳам бўлмасди. Ўзи бу Усольцев тор рамкадаги одам бўлгандан кейин унинг нимасидан хафа бўлсин.

Саша ҳам Лобанов сингари салмоқ билан чайқалиб юришни, «Қора кўзлар» ашуласининг оҳангини ҳуштак қилиб чалишини истарди, аммо у ғанча хоҳламасин, барибир ўзини хотиржам тута олмасди. Кечакина ғоят беларвоник билан локатор тўғрисида гап очди. Саша ортиқча мақтаниб юборган бўлса керак, Нина ачитиб узиб-узиб олди ва бўлажак синов пайтида унинг қандай вазифада бўлишини айтди. Тўғри, у ҳам бўш келмади: «Ҳар ҳолда сизнинг Тонковингизнинг яқин орада аҳволи чатоқ бўлади». — «Кўрамиз». — деди Нина. Шунда Саша ҳам «Кўрамиз», — деди. «Бекорга уриняпсан,— деди Нина.— Планни ошириб бажарган ё битта-яримта

нарсани кашф қиңлган одамларнинг ҳаммага ёқиши ҳақида фақат китобларда ёзадилар. Шахсан менга бундай ютуқлар таъсири қилемайди». Саша ундан кимга қочириқ қиляпсан, деб сўрамоқчи эди, аммо Нина унинг гапиришига имкон бермай, дарҳол Сашадан узоқлашиб кетди. Хотинларнинг найранги! Лесопаркка бориб келгандан бери Саша Нина билан ачинувчи ҳомий сифатида муомала қиласар эди. Ҳеч нарса Нинанинг иззат-нафсиға бу қадар қаттиқ теккан эмас. У аччиқланиб, ловиллаб кетар, аммо Саша у билан бамайлихотир, салмоқ ва эътиборсизлик билан гапиришарди. Одатда, уларнинг тўқнашиши жанжал билан тугар, шундай бўлса ҳам ҳар гал Нина биринчи бўлиб у билан гаплашишга баҳона ахтарарди.

Бугунги синов кўп масалаларни ҳал қилиб бериши керак эди. Нинанинг гапига жавобан яхши бир гапни ўйлаб қўйганди. «Албатта, севги масаласига келганда, сен ҳақсан, Нина, аммо инсон учун унга ишонган қиз афзалроқ».

Новиков билан Усольцев энг сўнгги марта асбобни текшириб чиқишди,— ҳеч нима унудилиб қолмаганга ўхшайди, фақат рубильникни босиб созлаш, бандини бураш керак, холос. Усольцев дастрўмолини чўнтағига солди.

— Хўш, нима дейсизлар,— деди Новиков,— бошласак ҳам бўлар-а!

Андрей локатор олдига келиб тўхтади, улар тўртовлари жим туриб бир неча секунд асбобга тикилиб қолдилар.

Новиков билдиrmай Андрейнинг биқининг туртиб, кўзи билан Сашага ишора қилди. Андрей бош силкиди.

— Юргиз, Саша,— деди Новиков.

Шу пайт Андрей терс ўгирилиб олгиси, ё бўлмаса нариги хонага чиқиб кетгиси келди.

Сутдек оппоқ ялтироқ экраннинг ўртасида ям-яшил узун нур пайдо бўлди, у тинмай қимиirlаб турарди. Саша аста-секин созлаш бандини бура бошлади. Ўткир зумрад тўлқин борган сари равшанроқ акс эта бошлади. Дириллаш деярли тўхтади, Саша жўрттага секин ҳаракат қиласар — бу ажойиб дамлар узоқроқ чўзилишини, ундан мириқиб-мириқиб завқланиб олишни истарди. Ана, яна бир бурди, энди шкаладаги бўлинмаларни са-наш мумкин.

Яшил найзанинг учи кабель шикастланган ергача қанча масофа борлигини аниқ кўрсатиб берди.

Саша ўрнидан турди. У, ҳозир ҳамма қичқиришиб, бир-бирларини кучоқлашса керак, митингга одам йифилса керак, деб ўйловди. Митингда: «Комсомоллар ва партиясиз ёшлар номидан биз Лобанов группасининг кичкинагина колективини муваффақият билан табриклимиз...» деб нутқ сўзлашади деб ўйловди.

Аммо, бу тантанали вазият ўрнига, Усольцев қулоқни кар қиласар даражада бурнини қаттиқ қоқиб, деди:

— Фақат бир бўлинманинг юздан бир бўлагига фарқ қилди.

Лобанов эса, гўё ҳеч нарса бўлматандай, гўё оддийгина бир тажриба ўтказишгандай ҳорғин овоз билан: бўлинмаларни кўрсатувчи найза бир оздан сўнг оғиб кетмасмикин, текшириб кўринг, деди. У Новиковдан битта ирис олиб лунжига солди-да, кейин икковлари линейка билан ҳисоблай бошладилар. Улар олдига Рейнгольд яқинлашиб, яна алланимани текшириб кўришни маслаҳат берди. Ҳеч ким ҳеч кимни қучоқламади ҳам, ҳеч ким йиғламади ҳам, ҳеч ким «ура» деб қичқирмади ҳам.

Баъзи бир майда нуқсонлар қолган эди, бу нуқсонларни тугатиш керак эди, албатта. Локатор нуқсонларини «тугатиш» вақтида, кутилмаганда ҳамма асосий ишларни Усольцев ўз устига олиб олган эди. У ҳам энди ўз мустақил фикрларини баён қиладиган бўлиб қолди. Энди у Новиковга ҳеч сўз бермасдан, ҳатто Лобановни ҳам ўз сўзига ишонтириб, айтган фикрида қаттиқ турарди. Ҳар қандай ишни такомиллаштиришга зўр бериб интилиши, ҳар бир икир-чикирни батамом тугаллашга ҳаракат қилиши билан Андрейни ўзига жалб қила олди. Тажрибакор ва эҳтиёткор Усольцев, Андрейнинг деталларга менсимаслик билан қараш одатини аста-секин йўқота бошлади. Усольцевни турли мулоҳазалар билан Рейнгольд таъминларди: у аҳён-аҳёнда аллақандай сирли синовни айтиб берар ва бу билан Усольцевни ҳам, Андрейни ҳам қизиқтириб қўярди.

Бу сон-саноқсиз кейинга суриш баҳоналари Новиковнинг аччиғини келтиради, у тезроқ дала синовига чиқишини талаб қила бошлади. Лобанов ҳар гал бу та-

лабни рад қиларди. Улар ўртасида тез-тез можаро бўлиб турарди.

Бир кун Новиков локаторга конденсатор танлаб ўтириб, паст кучланиш токида бутунлай ўзгача шакл ва ҳажмдаги электр разрядига эришди. Новиков ўзининг риоясизлиги, паришонхотирлиги билан бирга, олимларга хос белгиларга ҳам эга эди, у синчков, тушуниш қийин бўлган ҳодисаларга қаттиқ қизиқадиган йигит. Аввалига у бу янги электр разрядини топиш ҳодисаси тасодифий бир ҳол бўлса керак, деб ўйлади, кейин тағин бир марта тажриба қилиб кўрган эди, яна ўша натижага эришди. Лобановдан сўраган эди, у бу ҳолни тузуккина қилиб тушунтириб бера олмади. Ўзи эса китобларни тинтавериб, бу ҳақда ҳеч нарса топа олмади.

Лобанов, бу содир бўлган ҳодиса балки фан учун зўр аҳамиятга эгадир, деб ўйласа ҳам, Новиковга яна тажриба ўтқазиши қатъий тақиқлади. Кучларни бўлиш керак эмас эди. У Новиковга ўз кузатишлари тўғрисида институтга хабар беришни маслаҳат қилди — назариячилар текшириб кўришсин, лаборатория фанлар академияси эмас ахир, ўз чекимизни билишимиз керак,— деди. Унинг бу гаплари Новиковга таъсир қилмади. Усольцевнинг локатор устида қилаётган бемаъни уринишлари туфайли шундай ажойиб ҳодисадан воз кечсинми, ҳеч-да! Новиков Лобановдан жуда хафа бўлди. Андрей эса кўнглида уни аяса ҳам, аммо ўз сўзида қаттиқ турди. Ўзга ишни, унинг нақадар қизиқарли бўлишига қарамай, шафқатсиз равишда ўз эътиборидан четлашига қодир бўлганларида гина, улар ўз ишларида шубҳасиз, муваффақият қозонадилар. Андрейнинг ўзи ҳам кўпинча қандайдир янги бир схема ўйлаб топишга киришгиси келарди. Лекин у шундай пайтларда кўзларини чирт юмар, қулоқларини беркитар, бу фикрларни хаёлидан ҳайдар ва ўзини фақат бир нарса тўғрисида, локатор тўғрисида ўйлашга мажбур этарди.

Лобанов билан Новиков ўртасидаги гина-гудуратнинг зўрайишига сабаб, Лобанов «буюк кашфиёт»ларга ижозат бермаганлигидангина эмас, балки яна локатор устида ишлайвериш Новиковнинг жонига теккан эди. Кўпчилик ҳодисалар кун сайни камая борди, кўпинча текшириш ишлари ниҳоятдá зерикарли ўтарди, улар характеристика кўчириш, точкалар бўйича процесс билдирувчи чизиқларни чизиш, нега палон точка четга ке-

тиб қолганини аниқлаш ва бошқа шу сингари ишлар билан банд бўлардилар. Баъзан бирон точкани бир миллиметр берига силжитиш учун бир-икки кунлаб овора бўлишарди. Усольцев эса, гўё буюк бир нарса ихтиро қилгандек, оғзи қулоғида, бу қурт сингари фимир-ғимир қилиб юриш, Усольцевнинг бўлар-бўлмасга севиниши Новиковнинг фифонини чиқараарди. Саша Заславский ҳам Новиковга ўхшаб, бундай ҳодисаларни ёқтирмасди. Усольцев янгидан-янги текширувларни ўйлаб чиқараарди. Линияга чиқиш пайти яқинлашган сари улар ўзлари одатланиб қолган лаборатория тажрибала-ридан ажралишдан қўрқардилар. Яна бирон нарсани яхшилаш, яна аллақайси нарсани ўзгартиш зарурдек туюларди, Андрей Новиковнинг қатъий қаршилик кўрсатишига қарамай, ишни тўхтатиб, яна текширувни бошдан бошлишга мажбур этди.

Лаборатория олдидаги кенг ҳовли омборга айланиси кетди. Усольцевнинг талабига биноан бу ерга каноп матога ўралган турли маркадаги кабель барабанлари бир яrim одам бўйи келадиган катта-катта ғалтаклар ва йўғонлиги бармоқдай келадиган ингичка кабеллар олиб келинган.

Усольцевнинг сустлик билан ишлашидан төрозилик кун сайин орта борди. Ҳисбот-сайлов партия конференцияси яқинлашиб қолган. Борисов конференция очилгунча бир қатор ишларни, биринчи галда локатор битирилишини истарди.

— Эҳтиётлик — мардликнинг энг яхши белгиси, лекин улар буни тушунмайдилар,— деб шикоят қиласарди Усольцев Андреяга.

Бу формула Андреяга ёқиб қолди. У ҳам бирдан ишни шошилтиrmай қўйди. У нимани кутар эди? Ёй тажрибасида унинг схемаси синовдан қандай ўтганлиги ҳақида Григорьевнинг ахборотиними? Аммо Григорьев командировкага кетиб қолган, илмий-текшириш институтидагилар, Тонковнинг одамлари синов қай тарзда ўтганини айтиб беролмайдилар. Балки, Андрейнинг ўзи бу асбобдан ҳамон гумонсираётгандир? Лекин синовни қанча кейинга сурса, шунча шубҳа орта бошларди. Ахир реал шароитда ҳар турли кутилмаган воқиалар содир бўлиши мумкин-да. Эҳтимол, ҳаммасига айбдор унинг чарчаганлигидир. Дарвоқе, у жуда чарчаган эди.

Андрей ўз ожизлиги ҳақида очиқ сўзлашга фақат

Маринагагина журъат эта оларди. Лекин у ҳам нима маслаҳат бера оларди дейсиз? Марина Андрейнинг дам олиши зарур эканлигини яхши тушунарди, албатта.

Бир кун у Андрейни театрга таклиф қилди. Шундан кейин суратлар виставкасига, музейга таклиф қила бошлади. Андрей суратларнинг фарқига қандай етиш мумкинлигини тушунмасди. «Қаранг, қандай яхши!»— дерди у, завқ билан, ё бўлмаса афтини бужмайтириб: «Бетайин, bemaza сурат» деб қўярди. Суратларни фарқ қилиш учун унингча шу сўзларнинг ўзи кифоя эди. «Хўш, бу суратнинг сизга чимаси ёқмади?»— деб инжиқлик билан суриштираверди Марина. Сўнг унинг ўзи рассомнинг иш услуби тўғрисида пичирлаб, қизғин ҳикоя қиласар, Андрейни бир суратдан иккинчи суратга бошлаб ўтар, уларни ўзаро таққослашга мажбур этарди. Андрей унинг сўзларини завқ билан тинглар, лекин баъзан сўзларига эмас, ўзига тикилиб, қотиб қоларди. Шунда Марина дарҳол ўзини тутиб оларди.

Андрей у билан самимий, рўй-рост сўзлашишга қанча уринса, у ҳам шунча ўзини четга оларди.

У Андрейнинг самимилигидан қўрқарди. Ҳам қўрқарди, ҳам хоҳламасди, чунки у яна иккинчи марта ишқ-муҳаббат йўлида хато қилиб қўйишдан қўрқарди. Ўз севган кишисидан ихлос қайтиш унинг учун беҳад даҳшатли.

У Вадим билан алоқани узишли мумкин эди, аммо ҳали ҳам учрашиб турар, азобланар, унга бағишилаган ўзининг дастлабки буюк муҳаббатидан ҳеч воз кеча олмасди. Андрей дачага бориб қолган ўша кечаси Вадим билан Марина ўртасидаги муносабатнинг қандай тарзда эканлигини равшан қилиб кўрсатиб берган. Шу оқшомдан бошлаб Маринанинг Вадимга бўлган муҳаббати сўнишга бошлаган эди. Бунга, албатта, Андрейнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ, ҳозир ҳам Андрейнинг бунга алоқаси йўқ. Марина Вадимнинг «Ўз-ўзидан маълумки, мен сени севаман, албатта» деб айтган жирканч сўзларини, айниқса «ўз-ўзидан маълумки» деб эътиборсиз оҳангда айтган сўзини ҳеч унута олмасди.

Бу талантли, келишган, сўзамол йигит энг муҳим нарсадан — қайноқ қалбдан маҳрум. У фақат шодликни қабул қиласарди, аммо әвазига ҳеч нима ишъом қиласди. Унинг одати шунаقا усти ялтироқ, ичи қалтироқ эди. У ҳар нарсага зўр иштиёқ қўя олар, аммо севишни

билмасди. Марина бунга тушунар, шунинг учун яна қаттиқроқ азобланарди. Баъзан унга ўзи орзу қилган буюк гўзал муҳаббат йўқдай туйиларди. Балки, одатда ўзи шундайдир: эркак киши қизга ошиқ бўлиб, у билан яқинлашишга уринади-ю, кейин қизнинг қалбини ўзига қаратиб олгач, гўё шундай бўлиши керакдай, аввалги қизғин муҳаббат сўзларини унтиб юборар? — деб ўйларди у. Агар шунаقا бўлса, Маринага ҳеч нима керак эмас. Андрей ўзи билмагани ҳолда Маринанинг кўнглида шундай хаёллар уйғонишига сабабчи бўлди.

Марина Андрей бошлиётган жиддий ва хавотирли муносабатларга беихтиёр қаршилик қиласади. Андрей бундан бехабар, Марина унга ҳеч қачон Вадим тўғрисида гапирмасди. Андрейнинг қалбида эса Марина билан бўладиган муносабатни ўзгартиш орзулари кун сайнин зўрайиб борарди. Улар орасидаги дўстона муносабат бир одат сингари бўлиб қолаётганга ўхшар, шунинг учун ҳам улар ўз ораларида шу дўстликдан бўлак ҳеч нима бўлмай қолмаслигидан қўрқарди. Бу нарса унинг кўнглидаги сўнгги умидни ҳам барбод қиласади. У Марина билан кескин сұхбатга журъат этолмасди. Унинг бутун вужудини чулғаб олган асабий умидсизлик ҳолати ишига таъсир қиласадиган бўлди.

Андрей Борисовнинг, локатор устида ишлашни тезроқ тамомлаш керак, деб айтган сўзига кирмай аввалик гидек ўжарлик қилиб, шошилмай ишлашда давом этаверди. У группа бўйича сусткаш Усольцевни ўзининг ёрдамчиси қилиб тайинлади, бу билан у ҳам Новиковни, ҳам Сашани ўзига қарши қилиб қўйди. Албатта, бу алпозда кўп ишлаб бўлмасди. Бир кун эмас, бир кун албатта тўқиниш содир бўлиши турган гап эди.

Лаборатория ходимларининг ҳаммаси бу машаққатли ишдан жуда ҳориган эдилар.

Мана, ниҳоят, тўқиниш содир бўлди. Бу ҳодиса Андрейга ҳажм ўлчовчи янги асбоб олиб келишган куни юз берган эди. У бир парча юмшоқ тери билан ойна устига ўтириб қолган чаңгни артди.

— Мана бу жуда аниқ асбоб,— деди унинг елкасидан қараб турган Усольцев.— Эски асбобларнинг биттаси ҳам бунинг олдида ип эша олмайди. Бу асбоб билан локаторнинг баъзи бир асосларини аниқлаб олишимиз мумкин.

— Жуда тўғри,— тасдиқлади Андрей.

— Яна бошланди,— деди баланд овоз билан Саша.— Ишни кетга силташ ва пайсалга солиш министрлиги иш бошлади.

— Нима деднингиз?— деди Андрей паст овоз билан дўқ уриб.

Новиков Сашани четга суреб, олдинга чиқди.

— Андрей Николаевич, қизиқ, қачонгача ғалвир билан сув ташиймиз? Усольцевга қўйиб қўйсангиз, ишни яна бир йил чўзиши мумкин.

— Менчалик ишланг олдин, кейин...— деб гап бошлади Усольцев ва чўнтағига қўл тиқиб, дастрўмолини олди.

Новиков қўл силтади.

— Эски машмаша!— У Лобановга ўгирилди.— Мен аминманки, агар сиз ўзингиз бизнинг сўнгги вақтларда қилган ишларимизнинг том маъносига тушуниб етганингизда, аллақачон бу ишни тўхтатган бўлардингиз.

Андрей кўзларини сузиб, заҳарханда қилди:

— Шундай, жуда соз. Демак, бундан чиқди, мен ҳеч нарсага тушунмайдиган бўлиб қолибман-да?

— Ҳар нима деманг,— деди зўрға ўзини босиб Новиков ва Андрейнинг кўзларига тик қараашга уриниб, бўйни чўзиб гапира бошлади,— ҳар нима деманг, Усольцев кўнглига сиқканча сизнинг устингиздан ҳукмронлик қиляпти.

— Менинг устимдан?— Андрейнинг бурун катаклари титраб кетди.— Ким кимга ҳукмронлик қилиши билан ишингиз бўлмасин. У менинг ёрдамчим. Унинг буйруқларини бажаришингиз шарт. Сиз жуда кўп айтишадиган бўлиб қолдингиз.

— Сиз бўлсангиз... сиз бошқалардан талаб қилишга устасиз.— Новиков бўзариб кетди, аммо шу заҳотиён: «Ана кўрдингизми, мен ўзимни босиб олишни ҳам биламан»— дегандек, баҳузур оҳангда қўшиб қўйди:— Андрей Николаевич, шундай кетаверсак, берилган муддатда ишни битиролмаймиз.

Новиковнинг ҳамманинг олдида вазминлик билан ўзини тута билиши Андрейни ғазаблантирди.

— Ишингиз бўлмасин! Ҳозир бу иш учун мен жавоб бераман.

— Нега энди ишимиз бўлмас экан?— деди Саша титроқ овоз билан гапга аралашиб.

— Сиз, Андрей Николаевич, ўзингизни жуда катта одам деб ҳисобламасангиз керак,— деди Новиков яна бўйини чўзиб.— Биз ишлаётган асбоб сизники эмас.

— Бўлмаса, кимники? Сизникими? Уни сиз ихтиро қилдингизми?—деб бақирди Андрей, у оғзидан чиқаётган гапларни айтмаслик кераклигини яхши билса ҳам, ўзини тутолмай гапириб юборди.

Улар икковлари бир-бирларини айблаб, қизишиб кетишди, энди улар атрофда турғанларга ҳам эътибор беришмас, бир-бирларининг сўзларига ҳам қулоқ солишмас эди. Борисов ўртага тушишга уринган эди, Андрей унга бир ўқрайиб қаради.

— Менга қара, сен ҳали... Сен танқидингни мажлис бўлганда қиласан. Бу ерда менинг буйруғимни бажаришинг керак.

— Мен бунақа буйруқни бажаришни истамайман...— Новиков тишларини ғижирлатди,— унинг нима демоқчи бўлганини бошқалар тушунди,—...буйруқ эмиш. Ортиқча ҳеч қандай ўлчовнинг кераги йўқ. Билдингизми? Мен буни исбот қиласман!

— Бунинг учун яна бир ҳафта вақтингиз кетади,— деди Борисов зўрма-зўракайига жилмайиб.

Андрей кучининг борича муштуми билан столга «гурс» этиб урди.

— Бас! Ҳеч қандай далилга муҳтоҷ эмасман. Сиз, ўртоқ Новиков, агар бош тортсангиз, марҳамат... ариза ёзинг. Эвии қиласмиш!— кейин сунъий осойишталик билан қўшиб қўйди:— ўртоқ Усольцев, шу бугуноқ ўлчашни бошланг.

У бурилиб ўз кабинети томон юрди. Ҳамма уни жим туриб кузатиб қолди.

У ўз кабинетида тўрт қадам бу бурчакка, тўрт қадам у бурчакка юриб туради. Маҳбуслар ўз камераларида шунақа юрсалар керак. Новиков унга ақл ўргатмиш! Вой устабилармон-е!.. У эшик олдига келиб беихтиёр қулоқ солди. «Инженерлар» хонасидан одатдаги ғовур-ғувур гаплар, оёқ товушлари, сурилган стулларнинг овози эшитиларди. Новиков ариза берармикин? Ҳечқиси йўқ, ўрнига одам топамиш. Усольцев юраксизлик қилганга ўхшайди, ўзини қаёқца урарини билмаяпти. Э, муовин бўлмай... Агар Андрей ҳозир

«инженерлар» хонасига чиққудай бўлса, дарҳол орага кўнгилсон жимлик чўкади — Андрей буни биларди. Э, уларнинг кайфиятига ҳам эътибор берниб ўтирсинми энди? У кабинетдан чиқиб, ишнинг қандай бораётганини текширишим учун ҳеч нима халақит қилмайди деб ишонарди; аксинча, Новиков, Саша, хуллас у ердагиларнинг ҳаммаси ўзи қилиб қўйган айбларидан ийманншлари, поқулаӣ вазиятда қолишлари керак! У стулга ўтириб, иш билан шуғулланишга уриниб кўрар, кепин тоқатсанзланиб, яна ўрнидан туриб кетар ва яна уйнинг у бошидаи, бу бошига бориб келарди.

У папирос чекиб, эшикнинг кесакисига сучиди. «Инженерлар» хонасида Нинанинг овози эшитилди.

— Сўраганинг билан берармиди бу қизғанчиқлар.

У Майяга Саша Заславский устидан шикоят қилаётган бўлса керак. Ўзи Сашадан сўрашни хоҳламайди-ю. яна бермади, деб шикоят қиласди. Йигитларда ҳам айб бор, Саша билан Новиковни Андрей огоҳлантириб: зиқналик қилманглар, нима сўрашса ҳам йўқ деманглар, бўлмаса, Устинованинг ишлашига тўсқинлик қилишяпти, деб ўйлашлари мумкин деган эди-я.

Андрей эшикни энди итариб очиб чиқмоқчи бўлиб турган эди, шу пайт аллакимнинг шахдам-шахдам қадамлар билан тез югуриб кирган оёқ товушлари эшитилди.

— Қиз! — деб қичқирди Ванюшкин «инженерлар хонаси»да.

Андрей илжайди, эшик орқасида ҳам кулги ва табрик сўзлари эшитилди.

— Уч кило-ю икки юз грамм! — деди яна Ванюшкин. — Соат тўққиздан ўи икки минут ўтганда туғилди. Сизнингча қандай, оғирлиги етарлим? Майя Константиновна, нима овқат олиб борсам бўлади?

— Соғлиғи қалай?

— Жойида. Шоколад олиб борсам бўладими? Беш плитка шоколод билан бир кило узум олдим.

— Шоколод олиб борса бўлади, — деди Нина жиддий оҳангда. — Узум тўғри келмайди.

— Сен қаёқдан биласан? Унинг гапига қулоқ солма, Ванюшкин, — деди Майя. — Узумни ҳам олиб боравер.

— Майли, мен бора қолай, — шошила бошлади Ванюшкин.

Андрей илгарилари ўз кабинетида доим жимлик

ҳукм суради, қўшни уйдан ҳеч овоз эшитилмайди, деб ўйларди.

Нина Ванюшкиннинг хотинига гул совға қилиб юборишини таклиф қилди.

— Шу ҳам гап бўптими,— деди Краснопевцев хўжалик ишига яхши тушунадиган одамдек.— Совға қиласак, тузукроқ бир буюм совға қилайлик-да.

— Бўлмаган гап. Совға бутунлай нокерак нарса бўлиши керак,— деди Кривицкий.— Шундай совғалар кўпга чидайди.

— Ундаи бўлса контрабас<sup>1</sup> оламиз,— деди Новиков.— Қойил иш бўлади.

Андрей эшик олдидан нари кетди. У ажаблана бошлади: қандай қилиб Новиков, гўё ҳеч нарса бўлмагандай ҳазил қиляпти-ю, бошқалар баралла кулишягти. Уларнинг ҳаммаси бир. Ҳамма Новиковни ёқлаб, Лобановни қоралайди. Кривицкий ҳам, ҳатто Борисов ҳам ўшаларнинг ёнини оляпти. Краснопевцев ҳам ўшалар томонида. Ҳамма ўртоқлари, ҳамма яхши ўртоқлари ўшалар томонида. Яна бояги можаро вақтида бошқача сўзларни айтганини сезгандай, ҳозир ҳам унинг хаёлига аллақандай нокерак, аламли, қайгули хаёллар кираётганини сезар, аммо ўйламай туролмасди. У яна эшик олдига келди. Нариги хонадагилар янги туғилган меҳмонга қанақа аравача олиш тўғрисида тортишишар ва пул йифишарди.

Наҳотки уни совға олиш учун таклиф қилишмаса?

У бир неча марта кабинетидан чиқиб, лабораториянинг барча хоналарига кириб санқиб юрди, лекин бир жойда тўхташга журъат қилолмади, у зора мени ўзлари тўхтатишса, деган умидда эди...

Тушки танаффус вақтида Нина билан Майя комиссион магазинига аравача олгани кетишди, шундай қилиб ундан пул сўрашмади.

Иш жуда суст борарди. Нега Борисов кирмаётганикин? Э, жин урсин! Ҳеч гап айтмайман. Андрей Маринага телефон қилди. Афсуски, бугун кечқурун Марина банд экан. Андрей ўз ишлари тўғрисида унга ҳеч нима гапирмоқчи эмас, аммо у билан учраша олмаслигини билиб, унга ўз бошига тушган кўнгилсиз воқеаларни бирма-бир айтиб бергиси келди. Нега ишлар бу қадар bemazalaшиб кетяпти...

<sup>1</sup> Контрабас — скрипкасимон катта чолгу асбоби.

Борисов унинг олдига кечқурун, ишдан кейин кирди. Андрей паришонлик билан ёзишда давом этаркан, унга бошини кўтариб ҳам қарамади.

— Эртадан кейин партбюро бўлади,— деди Борисов ўз одати бўйича ўтирмасдан ва Андрейнинг ёзишини тугатишини кутиб турмасдан.

— Менинг масаламии кўрмоқчимисан?

— Локатор устида ишнинг боришини муҳокама қиласиз.

— Докладни мен қиласманми?

— Йўқ. Новиков доклад қиласди.

Андрей жаҳл билап пишқира бошлади.

— Доклад қилишга унинг қандай ҳақи бор? Аввал ишлашни ўрганиб олсин, кейин доклад қиласди.

— Новиков сенинг буйруғини бажарди,— деди Борисов.

— Қилмай ҳам кўрсии-чи,— деди ғудурлаб Андрей.

Борисов соchlарини силаб туриб, тўсатдан қизиқсингиб сўради:

— Ҳа, ҳалигидан...— у бармоғини ҳавода айлантира бошлади,— ҳатлаб ўтиш қийинми?

Андрей гапнинг нима тўғрида әканини яхши тушуниб турган бўлса ҳам, елкасини қисди:

— Нимадан ҳатлаш? Қаёққа ҳатлаш?

У, ҳозир Борисов уялганидан қизариб кетади, ўзини оқлашга уриниб, Андрейга ўйлаб иш қил деб гапира бошлайди, деб ўйлаган эди... Лекин Борисов индамай қоп-қора қошларини чимириб қўйди. Унинг узун ва катта бурунли чор бурчаксимон юзида қатъий бамайлихотирлик аломатлари сезилиб турардики. буни кўрган Андрейнинг кайфи бузилиб кетди. Борисов бир оз туриб, Андрей ортиқча сўз айтмаслигига қаноат ҳосил қилгандай, орқасига бурпилиб, кабинетдан чиқиб кетди. эшик орқасида унинг оёқ товушлари борган сари узоқлашиб, охири тинди.

### ЎТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

Ўша куни кечқурун Андрей Восстание проспектида Маринага тўқнаш келиб қолди. У Вадим Хотинский билан қўлтиқлашиб келарди. Андрей аввалига ўйлаб бир кўчага уриб кириб кетмоқчи бўлди-ю, кейин ўйлаб кўриб, қовоқ остидаи кўзларини чақнатиб Марина то-

мон юрди. Марина ҳеч уялмай-нетмай узоқдан у билан бош силкиб сўрашди, кейин бирдан шўх табассум билан Андрейни тўхтатиб, Вадим билан таништириди. Марина бу икки йигитнинг қўл сиқишиб кўришишига тикилиб қараб турди: Вадим истеҳзоли ажабланишини яширмади, Андрей эса қайғули қиёфада пастки жағини олдинга чиқариб, энсаси қотиб, хириллаб кўришди.

— Юринг биз билан, айланайлик — Марина Андрейни қўлтиқлаб олди ва қаршилик қилманг, деб илтимос қилаётгаңдек, астагина унинг тирсагини сиқиб қўйди.

Улар учовлари кечки пайт сайил қилиб юрсан одамлар орасидан аста ўтиб боришарди. Магазин витриналарининг шуъласи Вадимнинг нозик юзига тушиб турар, унинг ўткир бурун катаклари чеҳрасида жирканч гердайиш аломатларини ёритиб борарди. Андрей унинг олдида ўзини қўпол, дағал одам ҳис қила бошлади. Юзи кенг, чакка суяклари туртиб чиққан, оғзи катта, гавдаси қўпол, қўллари бениҳоят узун кўринарди... У ҳозир, Марина ҳам икковимизни таққослаётган бўлса керак, деб ўйлаб, руҳан азобланарди.

— Мана бу қаҳвахонага ғирайлик,— деб таклиф қилди Вадим.

Ҳозир Андрей улар билан хайрлашиб, ўзининг ёлгизлигидан аччиқ завқланиб ёмғир шувалаб турган пайтда шилта кўчалар бўйлаб қайтиб кетиши керак эди. Ҳаётда шундай бахтсиз кунлар ҳам учаркан. Лекин у ўзини ноқулай вазиятга солаётганини сезиб турган бўлса ҳам, Вадим ва Марина билан бирга қаҳвахонага кирди.

Қаҳвахонанинг пастаккина димиқиб кетган залида столлар жуда зич қилиб қўйилган эди. Бурчакда, кичкинагина эстрада саҳнасида оркестр музика чаларди. Улар яшил духоба билан қопланган ложалар ёқалаб ўтиб борардилар. Олдинда Вадим, унинг кетидан Марина, охирида Андрей борарди. Вадим бўш стол ахтарарди. У ялқовлик билан юриб, залнинг бу бошидан, у бошига ўтаркан. ўзига тўла ишонган ҳолда ҳеч кимга йўл бермасди. У йўл-йўлакай аллакимга илжайиб бамайлихотир қўл силтаб қўйди. Вадим одамларнинг унга қизиқсиниб қарашини зарурий бир ҳол деб тушунарди. Аксинча, агар одамлар эътибор беришмаса, у

албатта ажабланган бўларди. Аҳири бир бўш стол танлаб, меню дафтарчасини очиб, уни Маринага узатди.

— Нима ичасаи? — деб ишонч билан сўрарди у.

У Марина билан санлашиб гапиради. Андрей уларнинг яқинлигини алам билан ёдга оларди.

Вадим елкасини Маринанинг елкасига тираб, рўбарўларида ўтирган артистлар ҳақида қизиқ нарсаларни сўзлай бошлади. Унинг нам лаблари Маринанинг юзига тегай-тегай деб турарди. Марина артистлар томонга қия боқиб, гўё Андрейнинг хомуш бўлиб ўтирганини пайқамагандай илжаярди.

Вадим рюмкаларга вино қуйди. Унинг ҳаракатлари жуда бежирим эди. Андрей галстукни у сингари эркин ва чиройли тақишини, рюмкани назокат билан ушлашни билмасди.

Вадим Андрейнинг индамай хўмрайиб ўтирганига аҳамият ҳам бермади, унинг ҳазил гапларига Андрей кулмаганидан хафа ҳам бўлмади. Андрей эса Вадимнинг хатти-ҳаракатларидан завқлана олмагани учун, ўзининг у сингари бежирим кийина олмагани, унга ўхшаш сўзлай олмаслигидан пешонаси тиришиб нафратланиб ўтиради. Бу нафратланиш Андрейни яна бадтарроқ азоблар, гўё унинг қўл-юёғини кишанлагандек бўларди.

Рюмкаларни чўқиширишди. «Дўстлик учун», — деб таклиф қилди Марина. Вадим гўё илтифот қилаётгандек Андрейнинг кўзига тикилди ва нам лаблари ёйилиб, илжайгандек бўлди, у бу илжайиши билан: «Э-ҳа, сиз ҳам шу ердамидингиз, хўп майли, менга халақит қилмайсиз, халақит қилолмайсиз ҳам» — деяётгандек бўларди.

Андрей винони бир хўплаб ичиб, рюмкани столга қўйди-да, қўлларини стол тагига олиб, бармоқларини чалиштируди.

Агар Вадим Андрейдан хавфсираганида, унга рашқи келганида ёки Марина олдида ўзини унга нисбатан яхшироқ қилиб кўрсатишга уришанида эди, унда Вадимнинг бу хатти-ҳаракатлари тушунарли бўларди: Лекин у Андреяга Маринанинг ўзиники эканлигига ва бундан буён ҳам ўзиники бўлишишга қатъий ишонган одам сингари эътиборсизлик билан тикиларди. Улар икковларининг самимий яқин муносабатда эканликларидан эпди Андрей шубҳалашмасди. Лекин айни вақтда,

бу бепарво одам ўз яқинлик алоқаларини унча қадрла-  
маслиги, аксинча, бошқани севишга инсбатан кўпроқ  
ўзини аиззлаши яқъол кўзга ташланиб турарди. Унинг  
ана шу қиёфаси Андрейни айниқса кўпроқ ғазабланти-  
рарди. У ҳозир Марина учун жуда қаттиқ таҳқирлан-  
ган эди.

Скрипканинг янгроқ овози рюмкаларнинг жиринг-  
лаши билан ҳамоҳанг бўларди.

Никеллангаи пичоқ чироқ нурини экс эттириб, Марина-  
нанинг қоп-қоря жўзларида чақнарди. У ҳали ҳеч қаҷон  
Андрейга бу қадар гўзал кўринган эмас.

— Нега бугун маюссиз? — деб сўради Марина  
мулойимлик билан Андрейдан.

— Қорним оч,— деди Андрей.— Ҳалигача яични-  
цани олиб келишмаяпти.

Вадим илжайди. У мунофиқона илжаяётганини яши-  
ришга ҳам уринмасди. Марина Андрейга тикилди, бу  
билан у Андрейнинг қаҷон ўзини босиб олишини кута-  
ётганга ўхшарди.

— Қурилишдаги прораб эсингиздами, Андрей? — деб  
тўсатдан сўраб қолди Марина.— Уйнинг карнизини  
бошқатдан қурди!

— Шундай бўлиши керак, доим айтганингизда шун-  
дай қатъий туринг,— деди хомушлик билан Андрей.

Вадим зерикиб атрофга аллангларди. Кейин у узр-  
сўраб ўрнидан турди ва қўшни стол олдига бориб ўз  
танишлари билан алланималар тўғрисида гапириша кет-  
ди. Кейин, ўтирилиб Маринани чақириди. Марина, улар  
олдига борди, Вадим уни дўстлари билан танишириди,  
кейин ҳазил-ҳузул гап бошланди, эркаклар илжайиб,  
Маринани бошдан-оёқ кўздан кечира бошладилар.

Марина бирдан қизариб кетди ва тезда ўз жойига  
келиб ўтириди. Вадим ҳам қайтди. У яна виио қуйиб,  
хаёлчанлик билан ўз рюмкасини кўтарди.

— Шошманглар,— деди у кутилмаганда, гўё  
аллақандай овозларга қулоқ солаётгандай. Рюмкасини  
қўйиб, паришонхотирликда бармоқ учлари билан пешо-  
насини ишқалади, кейин қиёфасини ўзгартмасдан, оҳис-  
та чўнтағидан чарм қопланган хотира дафтари билан  
қалам олиб, шоша-пиша расм солди. Қоғозда қишлоқ  
жоттеджининг<sup>1</sup> расми, унинг томи устидаги минораси  
ва кенг дераза пайдо бўлди.

<sup>1</sup> Қубба шаклида қурилган бино.

— Мени кечиринг,— деди Вадим қувноқ оҳангда.  
— Сенга ёқадими, Марина?— У расм солинган варақни йиртиб, Маринага узатди. Расм чиндан ҳам моҳирлик билан ишлангап эди.

— Ёқимли. Жуда ёқимли,— деди Марина хаёлчаник билаш.

Андрей жаҳл билан товада қолган яичницани вилка билан сидира бошлади. Энди уни фақат бир нарса қизиқтираарди: қандай қилиб мендан қутулиб, ўз Вадими билан кетаркин?— деб ўйларди у. Маринанинг шундай қилишига у ҳеч шубҳаланмасди.

Улар қаҳвахонадан чиқиб, проспектни кесиб ўтди-лар-да, чала ёритилган хиёбон бўйлаб юриб кетдилар. Ҳаво совуқ, орқадан нам шамол эсар, чириган япроқлар ва ёмғир иси бурунни қитиқларди. Марина пальто ёқасини кўтариб олди, энди Андрей унинг фақат бурун учинигина кўра оларди.

— Тўкилаётган япроқлар поэзияси.— Вадим бошини юқори кўтарди.— Қаранг, қоп-қоронғи осмонда оч бинафша ранг булут парчалари сузиб юрибди-я. Мана бу дарахтзор эса осмондан ҳам қоронғи, зулмат билан қопланган. Қизиқ, санъатдан бехабар киши жўзга илашмайдиган ана шу зулматнинг турли-туман рангга нақадар бойлигини сеза олармикин?

Марина бирдан кулиб юборди.

— Нега қулласан?— деди Вадим.

— Үзим... Андрей, сизга шунақа туи ёқадими?

— Бунинг нимаси яхши, шилт-шилт ёмғир, қўнгилни ғаш қиласидиган ҳаво,— деди Андрей жаҳл билан.

Орага ноқулай жимлик чўқди.

— Нега бу қадар дағал гапирасиз,— деди Вадим.

— Ҳар нарсадан ҳам гўзалликни ажратса ола билиш керак.— У жилмайди.— Афсуски, орамизда қўпчилик одамлар олам гўзаллигини жўришдан маҳрумлар. Биз шабкўр бўлиб қоляпмиз, фақат оқ билан қоранинг фарқига бора оламиз. Гўё ҳаётни поэтик қабул қиласидиган аъзоларимиз сезиш қобилиятини йўқотгандек туюлади.

— У Андрей томонга ўгирилди, аммо унга эмас, Маринага тикилиб турарди.— Аёлларнинг момиқ ва иссиқ бадани, кечки қуёш шафақлари, оддий дарё шалоласининг орамбахш қуїлари ҳаётдаги бундай нозик туйғуларни биз энди ҳис қила олмайдиган бўлиб қолдик. Қиздирилган пўлат қўймасининг иссиғи дейишса ё бўлмаса,

ҳалиги, нима эди, ҳа... гидростанциянинг босим кучи де-йиншса, дарров тушунамиз.

— Бундан ўттиз йилча бурун,— деди Андрей— бир инглиз файласуфи Вертернинг кўз ёши ёки оқ кўм-мир талаб қилиб чиққан эди!

Вадим бетида япроқлар сузиб юрган кўлмак сувни айланнб ўтди.

— Албатта, Вертер биз учун ўтмиш сарқити бўлиб қолган,— деди маъюслик билан Вадим баравар оёқ ташлашга уришиб.— Афсусжи, биз у сингари сева ол-маймиз. Биз яхши кўрган қизимизнинг туғилган кунига совға қилиб логарифма жадвалини олиб келамиз...

Марина мижжа қоқмай узоққа тикилиб турарди, кўтаришган пальто ёқаси устидан фақат чақнаб турган кўз қирлари кўринарди.

Андрей қўлини Маринанинг қўлтиғидан силтаб тортиб олдида, оёқларини кериб, Марина билан Вадимнинг олдини тўсиб тўхтади. Улар икковлари Андрей қаршисида қўлтиқлашиб туришарди. Тузук, бир-бирига мос тушибди! Ҳозир учинчи одам ортиқча. Бугун содир бўлган барча кўнгилсиз воқеалар бир тугун бўлиб, унинг кўксига тошдек ботарди. Андрей чўнтағидан эски бир тумани тимирскилаб топди, сўнг тумани бармоқлари шундай жаҳл билан қисдики, икки бўлак бўлиб, ўткир қирралари кафтига ботди.

— Менга қаранг, сиз...— деди у Вадимнинг иягига тикилиб.

Вадим совуққонлик билан иржайиб унинг сўзини бўлди:

— Сизда от кучи қўпроқ, албатта.

Андрей ўзини мардона тутар, кўкрак жериб турарди, шунинг учун у ўз хулқи-аворидан бир лаҳза уялиб кетди, лекин жейин бу кеча содир бўлгаш барча таҳқир ва ҳақоратни бирма-бир өслади.

— Тўғри, менинг кучим кўп,— деди у, чўнтағидаги тугма бўлақларини ўйнаб.— Шунинг учун ҳам сиз билан бошқача муомала қиляпман. Сиз бу ерда поэзиянинг ранги тўғрисида гапирдингиз. Ўзингиз ранг деган нарсанинг нималигини биласизми? Неча хил рангни биласиз? Йигирматами? Юзтами? Мен миллионлаб ранг-тусни биламан. Ахборотингиз учун, бизда спектрископ деган асбоб бор, инсон бу спектроскоп орқали минглаб рангларнинг фарқига бора олади. Инсон кўр

эмас! Мен сизнинг заҳарли «биз» деган сўзингизни, бу «биз» сўзи билан кимларга ишора қилмоқчи бўлганингизни тушундим. Бизга раҳмингиз келмай қўя қолсин. Иисон ҳозир пўлат қўймаси орасида нима бўлаётганини кўрадиган, Марсдаги ўсимликлар ҳаётини ўргана оладиган бўлган. Ў радио тўлқинлари орқали ойни топяпти. Аммо бу, сиз эслаган уфқ шафақлари ва жилоларни... ўрта асрдаги ошиқи беқарорлар ҳам сўзларди.. Бундан чиқди, ҳаётда ундан тузукроқ ҳеч нима йўқми? Нима, биз ўша ўрта аср ошиқи беқарорларича эмасмизми? Сизнинг фикрингизча, поэзия фақат айрим шахслар учунгина хосми? Бекор айтибсан! Поэзия ҳозир минг марта бой. Бу айниқса бизнинг мамлакатимизда ривожланган. Мен ҳам жилоларга тикилиб, уни зўр бериб томоша қилишим мумкин, аммо мен учун ўртоқларим иродаси билан бўйсундирилган дарё стихияси гўзалроқdir. Очигини айтсам, сизнинг ўша ўрта асрлик маҳсус шахсларингизнинг тасаввuri foят past. Ахир улар, бизнинг атрофимиэда, мана шу ерда,— Андрей қўлларини ёди,— радио тўлқинлари янграётганини, дикторларнинг турли тилларда гапираётганини, оркестрлар гумбурлаётганини тасаввур қилишга қурби етармиди? Эшитяпсизми? Сизнингча, қуёш нурининг оғирлиги қанча келади?

— Қуёш нури дейсизми?— деб сўради Марина.

— Ҳа, Лебедев деган бир физик ўтган эди, у қуёш нурини тортиб кўрган. Чинакам шоир ана ўша эди.

Марина юзини ёқаси билан буркаб турарди. Унинг юзи тошдек қотиб қолди. Андрейга у бегонадек туюлди. Гўё Марина бегона аёл эди-ю, мана бу қабиҳ, жирканч одам у билан ёнма-ён турарди. Андрей бирдан гапдан тўхтади, у айтмоқчи бўлганларининг юздан бир ҳиссасини ҳам айтмаганини сезди... Қани энди, у ҳам Вадим сингари чиройли гапиришни билса эди! Унинг қалбida талпиниб турган бу фикрларни у қандай баён қилсими! Лашнати нўноқлик!..

— Нақадар завқли!— деди Вадим ясама жилмайиб.

Андрей унинг гапини эшитмади. Унинг қалби бўмбўш бўлиб қолгашга ўхшади.

Кейин учовлари ҳам яна жимгина юриб кетдилар. Трамвай тўхтайдиган ерда Марина бирдан деди:

— Мени кечиринглар... Негадир бошим оғрияпти,

Кейин у орқасига ўгирилмасдан, югуриб бориб трамвайга чиқиб олди.

Андрей билан Вадим иккаласи қолди. Улар нима тўғрида гапиришишни билмай, ўнғайсизликдан бўлак ҳеч нима сезмасдан қаққайиб туриб қолишиди. Вадим елкасини қисди-да, такси машиналари тўхтайдиган жойга кетди. Андрей орқасига қайтди.

Ширма орқасида Софочкинг беш яшар қизи ухлаб ётарди, шунинг учун Марина билан Софочка пичирилашиб гапиришарди. Бу пичирилашлар ҳам ва бошқа нарсалар ҳам Маринага халақит берарди. У туфлисини ечди-да, тахта супа устига чиқиб, тиззаларини қучоқлаб ўтириди, кейин ўнг ёғини букиб остига олди, яна бир оздан сўнг юзини қафтига қўйиб ётди, хуллас, у ўзи учун қулай вазият топа олмасди:

Софочка кўзгу олдида туриб соchlарини тараарди.

— Ахир сенга Андрейнинг нимаси ёқиб қолдн? Нима деди ўзи у?— деб сўради Софочка.— Ҳеч кутмаган эдим-а...

— У ўз физикаси тўғрисида... Очиги, мен унинг гапларини такрорлай олмайман.— Марина жўзларини юмди. — Шунда сен унинг чеҳрасига қараганингда эди. Мен унинг шунақалигига... ҳеч шубҳа қилмаган эдим. Биласанми, гўё мен унинг самимий қиёфасини кўргандай бўлдим.

— Шундай бўлса ҳам, тушунолмайман, Вадимнинг нимаси ёмон?

Марина гулли ёстиқчани мижиглаб, ўриидан туриб кетди.

— Биласанми, ишим чатоқ бўлганида, мени ишдан бўшатмоқчи бўлган эдилар, эсингдами, қабул қилиш актига қўл қўйишдан бош тортган эдим-ку, шунда мен Вадимнинг олдига борган эдим. Менга ҳеч нарса керак эмас эди, фақат бир неча яхши сўз эшитсан бас эди... Менга хайриҳоҳлик билдирармикин, деб ўйлаган эдим. Дунёда ёлғиз эмасдирман деб борувдим... У бўлса... Ётиб қолишини таклиф қилди. Биласанми, ўшанда кўнглим муздек совуб кетди...

Улар икковлари анча вақтгача жўзгуда бир-бирла-рига тикилиб ўтиридилар, Софочка астагина жилмайди.

— Вой тентак қиз-э. Йигитларининг ҳаммаси ҳам шунақа бўлади-да.

— У совуқ. Севмайди. У севишни билмайди. У фагат олишни, аммо ҳеч нарса бермасликин яхши кўради.

— Кўй, жонгинам,—деди Софочки маслаҳатгўйлик билан,—булар ҳаммаси телбалик. Андрейни Вадимга ўхшамайди, деб айтиб бўладими?

— Йўқ, бу мумкин эмас... йўқ!

— Сочим тўжиляти,—деди Софочки хўрсиниб. У тароқни улоқтириб, бирдан дугонасиға ўгирилди.—Эркакларга ўз куёвинг деб қарасанг, улар бутунлай ўзгача кўринади. Мен ҳеч нарсага юзаки қарамайман. Андрей, чиндан ҳам ажойиб йигит, аммо унга ўхшаган инженерлар сон мингта. Вадимнинг эса келажаги порлоқ. У жуда қобилиятли. Кейин, хотинбоз ҳам эмас. Совуқ, совуқмиш,—масхара қила бошлади у Маринани.—Ҳеч ким ҳам умрининг охиригача сен билан қулоқлашиб ўтирамайди. Уни қўлга олиб олсанг, ипакдек майин бўлади қолади. Яна нима керак сенга?

— Гапни ўринлатдинг.. Сенга гапириш осон,—деди Марина, лекин шу заҳотиёқ оғзидағи оғзида, бўғзида қолди. Софочки қўлларини боши устига қўйди. Унинг қўғирчоқники сингари чехраси дарҳол сўниб, қарип қолгандек бўлди.

— Ҳа, менга гапириш осон. Негаки, мени ҳеч ким хотинликка олмайди. Болам билан менинг кимга керагим бор?

Марина тахта супадан сакраб тушиб, сарбойчангли-  
гича югуриб келиб Софочкини қулоқлаб олди:

— Мен тентакман.. Мени кечир... Кўй, бас қил..

Ана, тили қичиганликнинг оқибати!

Софочки техникумда ўқиб юрганидаёт ўз ҳамкурсига турмушга чиққан эди. Эри техникумни битириб, институтга кирди. «Майли,—дерди Софочки,—қизимизни болалар боғасига берамиз, ўзим хизматга кираман, бир амаллаб кунимиз ўтар». Унинг эри Костя жуда асабий йигит эди, уйда тиқ этган товуш чиқса ҳам ёқтирамас эди. Баъзан бола ўжарлик қилиб йиғласа, Софочки эрига халақит бермаслик учун боласини кўтариб чиқиб кетар ва боғчада соатлаб зерикиб ўтиради. Айниқса, қиш пайтида қийин бўларди. Аҳён-аҳёнда эри уни овутиб: «Диплом ёқлаб олсан бўлгани, кейин сен ҳам ўқийсан. аҳволимиз яхшиланиб қолади»,—дерди. Унга яхши пальто, яхши костюм керак эди, Софочки пул топиш учун

уйига чөртөж олиб келиб чизарди. У хунук бўла бошлади, озиб-тўзиб, тез-тез касал бўладиган бўлиб қолди. Костя диплом лойиҳасини ёқлаб бўлгандан қейин хотинига шундай деди: «Афтингга қара, кимга ўхшаб қолдинг. Бунаقا хотин менга тўғри келмайди». Софочка избораси билан айтганда бу сийқаси чиққан воқеа эди.

— ... Энди мен ўзим ҳам эрга тегмайман,— деди Софочка.— Хоҳласам битта-яримтани топа олмасмидим? Топардим! Фақат энди ақлим жириб қолган. Ҳозир эса марҳамат. Ҳеч кимдан камлигим йўқ. Эркин қушман. Фақат...— унинг овози титраб кетди.— Зойкага, албатта, ота керак. Лекин, эр топишга қараганда, унга ота топниш оғирроқ.

Улар анча вақтгача бир-бирларини қучоқлашиб жим ўтирилар.

— Йўқ, Андрей бутунлай бошқача... Ўзим ҳам билмайман, унинг нимаси менга.. Сен балки.. у ҳам менга сира ёқмайди, у билан ҳам ортиқча учрашишни хоҳламайман...— Марина юзини ёстиққа қўйиб ётди. Ёстиқнинг тўри юзини тимдалади. Софочка меҳрибонлик билан унинг бошини силарди.

— Мен,— деди Марина,— муҳаббат анчайин ўткинчи нарса, унга парво қилмаса ҳам бўлаверади. деб ўйловдим...

— Биз хотинларга муҳаббат билан эрга тегиш зарар, Марина,— деди секингина Софочка.— Миниб олишади..

— Андрей бўлса, менга қўйл тегизгани ҳам қўрқади. Биласанми у мени қўлтиқлаб юришдан ҳам тортинади.

— Менга ўхшаб хор бўласан.

— Энди нима бўлади-а?— деди Марина. У бошини кўтарди, пешонасида, юzlарида ёстиқ тўридан қип-қизил из қолган эди.

— Сен менинг гапларимга қулоқ солма.— Софочка бирдан пиқ-пиқ йиғлай бошлади.— Мен ҳаммани ўзимга ўхшатмоқчи бўламан. Сен сев. Менга барибир.

Икковлари тахта супага ётдилар. Кечаси Марина уй-гониб кетди. Ташқарида ёмғир ёғарди. Кўча фонарларининг хира нурида ёмғир томчилари ялтираб кўринарди. Марина оёқларини чўзиб керишди, оёқ учлари кўрпанинг муздек совуқ четига тегди. «Тўғри, у ҳали менинг Вадим билан муносабатимни ўйласа керақ...— деб хаёл сурди

табассум билан Марина.— Лекин менга ҳеч ким керак эмас. Ў менга ҳеч телефон қилмаса ҳам сира соғинмайман... Шундайку-я, ҳар ҳолда у...»

### ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

Долгин Лобанов билан унинг группаси ўртасидаги жанжални эшишиб, Борисовга бу ишнинг муҳокамасини парткомга оширишни сўради. Борисов бундай ёрдамни қатъий радиша рад қилди. Лобановни ҳар томондан қийнашга ҳеч қачон йўл қўймайди. Ўзимиз, ўз лабораториямиз партбюросида текшириб кўрамиз.

Борисов биринчи марта ўзини Лобановдан кучлироқ ҳис қилган эди. Бунинг сабаби, Андрейнинг ноҳақлигига-гина эмас, балки яна бутун колектив Борисов, Новиков ва Сашаларнинг тарафида. Лобанов ёлғиз ўзи қолди, ўзининг мағрурлиги ва чидамлилигига қарамай, анча бетоқат, најжотсиз эди.

Бироқ, бюро мажлиси яқинлашган сари, Борисов ҳам кўпроқ ҳаяжонлана бошлади. Бюро аъзолари Лобановни койишга қурблари етармикин? Улар унинг иродаси ва обрўсига қарши туролармикинлар? Мисол учун механик Жуковни олайлик. У сиртқи институтнинг иккинчи курс студенти, фан кандидати Лобановнинг ҳар бир сўзи унинг учун қонун. Бошқалар учун ҳам ўз бошлиқларининг юзига оёқ босиш осон эмас. Бюро аъзоларидан фақат Майя Устинова Лобановга очиқдан-очиқ қарши туралади, лекин у ҳозир Лобановнинг ишини кейинга сурешга интилишини маъқуллаши унинг учун фойдали — шундай унинг группаси олға ўтиб кетиши мумкин. Хуллас, Борисовнинг ҳаяжонланиши учун сабаб кўп.

Бюро Новиковнинг локатор тўғрисида ахбороти билан бошланди. У диаграмма чизиб, унда сўнгги ишви ой мобайнида локатор устида ишлаш қандай натижага берганини намойиш қилди.

Диаграмманинг қийшиқ чизиги борган сари пастга шўнғиб, охирги нолга бориб тақалган эди. Новиков шундай деб айтди ҳам: «Амалда, эришилган янги хулосалар нолга тенг». У фақат фактлар тўғрисида тўхталиб ўтди, Лобановнинг хулқи, ўзининг ундан аччиғлангани тўғрисида чурқ этиб оғиз ҳам очмади. Андрей агар иложи

бўлса «Қизишиб жетибман, ортиқча гапириб юборибман» деб айта олса қанча енгил бўларди. Ахир ҳозир унинг энг нозик ерини дўпослашаётган эдилар. Бу аёвсиз ва қув тактикани Борисов ўйлаб чиқарган бўлса керак, деб ўйларди Андрей.

Бюро аъзоларининг ҳар бири ҳам аслида Андрейга тобе эдилар. Андрей уларнинг ҳар бирига буйруқ бера олар, унинг буйруғини сўзсиз бажаришларига ҳам одатланиб қолган. Лекин бу ерда уларнинг биттаси ҳам унга бўйсунмасди, бу ерда улар партия иродасини амалга оширадилар, улар бу ерда Андрей устидан ҳукмрон эдилар. Андрей ҳозир уларнинг кучи ва ҳукмронлигини маъқулларкан, улардан қўрқарди ва айни вақтда қувонарди ҳам, чунки, қанча қаттиқ уришсалар ҳам, уни нима тўғрисида айбласалар ҳам, энди у ёлғиз эмас. Бу ёлғизликда ўтган икки кун шундай оғир, шумшук бўлиб, гўё икки ойдек ўтди. Энди бу жирканч ёлғизлик ҳолати тугади. У ўзининг партия аъзоси эканлигини ҳеч қачон бу қадар яхши ҳис қилмаган эди. Фақат шу ҳиссиётнинг ўзи унинг ёлғизлик тўғрисидаги хаёлини барбод қилган.

Шундай бўлса ҳам у ўзини оқлашга уриниб қайсанлик қила бошлади: асбоб ҳали ўш, нозик, ҳар қандай ҳодиса ҳам унинг ишини бузиб қўйиши мумкин, шунинг учун уни линияга, ҳатто дала синовига чиқаришдан олдин такрор-такрор синаб кўриш керак, деб ўз гапидан қайтмасликка уринди.

Жуков бошини бир томонга эгиб ва ҳадеб этигининг қўнжини торта-торта энг мулойим сўзларни зўрға топиб гапира бошлади.

— Ҳеч ким сизнинг кашфиётингизни сиздан тортиб олмайди, Андрей Николаевич. Аксинча, одамлар сизнинг ташвишингизни қилишяпти. Сиз бўлсангиз «меники» деб ўзингиздан уларни четлатмоқчи бўласиз. Бунинг устига сиз олиб бораётган ўз-ўзини танқид турмушдан орқада қолган. Сиз «меники» деган сўзингиз билан ўз партиявий виждонингизни ерга уряпсиз. Қўл остингизда солдатларингиз бўлмаса, қанақа командир бўлардингиз... ўзингиз биласиз. Бизнинг интизомимиз онгли интизом, албатта. Лекин иккинчи томондан, яъни сиз томондан ҳам, Андрей Николаевич, онг талаб қилинади,— у Лобановнинг бетига қарамасликка уриниб ҳадеб этиги қўнжини

пийпаслаб тортарди. Лобанов ҳам бошини кўтармас, у ўз блокнотига тинмай ёзар, аммо бир сатрдан четга чиқмасди.

Борисов ўрнидан туриб деди:

— Ўртоқ Лобанов локаторни ким ясаганини унугиб қўйибди. Уни бутун лаборатория ясади. Бизга ўнлаб кишилар кўмаклашди. Григорьев ҳам, Любченко ҳам, бош инженеримиз ҳам, устахона ишчилари ҳам. Сен ўзинг Новиков билан Заславскийнинг ташаббусини ўйфотишга уринган эдинг. Лекин уларнинг мустақил фикрлари сенинг ўз шахсий фикрларингга терс чиққандан кейин, улар сенга ёқмай қолдп. Шундайми? Новиков билан жанжаллашганинг жуда bemaza ҳол. Бу ерда ҳеч қандай асабни пеш қила олмайсан. Коммунист колективнинг фикрига қулоқ солиши керак. Сен бўлсанг ўз обрўинг тўғрисида ўйлаб, шу обрўингнинг ярмидан маҳрум бўлишга сабабчи бўлдинг. Мана ҳозир, сен Новиковнинг сўзларига нима деб эътиroz билдиридинг? Бу бир аянчли ғудурлаш бўлди!..

Агар Борисов ҳозир бюронинг ўзида Лобановни ўз айбларини бўйнига олишга мажбур этса, у ҳеч ҳам бу ишни қилмасди. Буни Борисов яхши тушунарди. Гап унинг айбига иқор бўлишида эмас, балки Лобанов бу ҳодисадан ўзига сабоқ олиб, бундан кейин локатор ишини пайсалга солмаслигига эди.

Майя Устинова сўзга чиқмади. Қарор ўқилганда хотиржам гапириб, бир тузатиш киритди.

— Умуман тезлаштириш эмас, балки ўzlари учун аниқ график түзсинлар, деб ёзилсин.

— Партбюро бундай топшириқ беролмайди.— деди суст бир оҳангда Лобанов.— Ҳали ҳам ўзи...

Майя Андрейнинг эътирозини эшитмагандай Борисовга тикилиб тураверди. Унинг чақнаган қўй кўзлари жиддий ва шиддатли тикилиб турарди. Шу пайт Борисов Устинованинг сўнгги ойларда қилган ҳамма айбларидан кечиб юборди: унинг Лобанов билан аразлашиб гаплашмай юрганлигини ҳам, Долгин, Потапенко ва уларнинг шериклари билан алоқа қилганини ҳам кечирди. Ҳозир Лобанов Устинованинг ахлоқидаги бу принципиаллик ва партиявийликка тушундимликин?

Майяning ҳам, Жуковнинг ҳам, Новиковнинг ҳам — ҳаммаларининг ҳам ўzlарига яраша заиф томонлари бор

эди, албатта, лекин улар бу ерда, партия бюросида алоҳида, ўзгача одамга айланардилар. Коммунистик масъулият ва ишонч туйғулари, гёё уларни ўз камчиликларидан юқорига кўтарар, уларни майдада икир-чикир, шахсий ҳодисалардан тозалагандай бўларди. Борисов ҳар сафар шундай олижаноб туйғуларни ўзи ҳам синааб кўраркан, қувончли ажабланишни ҳис қиласди.

Бюро Лобановга Новиков ва Заславский билан но-тўғри муносабатда бўлгани учун огоҳлантириш эълон қиласди ва локатор иш усулини қайта қуриш вазифасини оқлади.

Аҳвол дарҳол ўзга тус олди. Тўғри, Андрей ҳали ҳам ўзини бюро қароридан норози қилиб кўрсатишга, аммо бўйсунишга мажбур эканлигини кўрсатмоқчи бўларди, лекин ич-ичидан жуда шод. Биринчи галда ўзи билан лаборатория ходимлари ўртасидаги муносабат яна тикланиб, улар орасидаги кўзга кўринмайдиган ғов йўқолганидан беҳад хурсанд.

У фақат битта Борисовдан хафа эди. Бу ҳам хафа бўлиш эмас, у биринчи бўлиб ярашишни истамасди.

Бу ҳол Борисовнинг ҳам жигига тегар, ҳам овутарди. Бир кун эмас бир кун, ахир Андрей ўзининг ноҳақлигини бўйнига олади деб ўйларди, у. Бироқ Борисов Лобановнинг манманлик феълинг билиб, уни ортиқча қисташдан ўзини олиб қочиб юрди. Бўлмаса Лобановнинг шиддатли ва хавфли, аммо кишини ўзига жалб этиб турувчи фикрий мустақиллигини барбод қилиш мумкин. Бу мустақиллик Андрейга куч-қувват бағишиларди.

Чоршанба кунлари Лобанов билан Борисов марксизм-ленинизм университетига қатнардилар. Одатда улар роппа-роса соат етти яримда театр олдидаги автобус тўхташ жойида учрашишар ва биргалашиб ўқишига кетишарди. Бу гал у ҳамроҳ бўлиб Лобановнинг жигига тегмаслик учун чорак соат илгарироқ чиқди. Андрей ҳам автобус тўхташ жойида турган эди. Улар икковлари ёритилган осма соатга баравар қарашди, кейин бир-бirlарига тикилиб илжайиши. Борисов — муғомбirona, Андрей эса хоҳлар-хоҳламас илжайди.

— Конспектни бир кўздан кечириб чиқармитканман, деб ўйловдим,— деди Андрей ҳўмрайиб, ўзини оқлашита уринаркан.

— Мен ҳам,— самимий таъкидлади Борисов.

## ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ БОБ

Қоронғи исқиরт зиналар орасида мушукларниң күзлари чақнаб турар, очиқ эшиклардан ошхоналарда пишаётгап овқатларнинг иси аниқирди. Овқатларнинг иси ҳар қаватда ўзгача эди. Аввал қовурилган балиқ иси келди. Иккинчи қаватга чиққанда карам шўрванинг ҳиди кела бошлади. Ҳар бир эшикда бир нечтадан почта қутиси ва хонадон әгаларнинг қайсисига иёча марта қўнғироқ қилиш кераклиги кўрсатилган рўйхат ҳам осилган. Андрей, бу йўсинда қийналиб яшашдан қутулиш учун ҳали яна жуда кўп иморатлар қуриш кераклиги тўғрисида ўйлай бошладя. Бунақа коммунал квартира билан коммуниøмга чиқолмайсан.

У ҳар қадам қўйған сари Маринанинг квартирасига яқинлашаётганини сезар, аммо бундан ҳеч ҳаяжонланмай, ўзга нарсалар устида бемалол фикр юритаётганидан ўзи ҳам ҳайрон эди. Шуни ҳам айтиш керакки, у Маринани кўришга қарор қилган дамдан бошлаб, орамизда энг кўнгилсиз воқеа содир бўлади-ку, деб ўйлаб, баҳузур шунга ҳозирлик кўриб қўйған эди. У Вадимни яхши кўради. Лекин севишни Андрейга ўз оғзи билан айтсин. Андрей энди бу оғир вазиятдаги ноаниқликка ортиқча чидаб туролмасди.

Каттакон кухняда овқат пишираётган аёллар унга эътибор беришмади — улар кухняни бошларига кўтариб, чердақдаги аллақандай арқон тўғрисида можаролашарди.

Андрей ҳозир исқиরт зинадан ҳам, бу арқон можаросидан ҳам ҳеч ажабланмади, буларнинг ҳаммаси унинг ҳозирги ҳолатига жуда ҳам мос тушарди.

У пайтини топиб, аёлларнинг биридан Марина Сергеевнаникiga қандай ўтиш мумкин, деб сўради. Андрей мурожаат қилган аёл унга бошдан-оёқ разм солиб:

— Шу коридор бўйлаб борища ўнг томондаги иккинчи эшик,— деди.

У ўзининг эътиборсизлигидан илжайиб, уни бошдан-оёқ қузатиб турган аёллар орасидан баҳузур юриб ўтиб кетди.

Бу икки деразали каттакон хона бўлиб, у ердаги каравотлар ширмалар билан тўсиб қўйилган эди; ўртада бежирим абажур остида каттакон стол турарди. Шу ерда

стол устига дафтарларини ёйиб. ўн беш ёшлар чамаси-  
даги бир бола дарс тайёрлаб ўтирар эди. У Маринанинг  
укаси эди: унинг қийиқ кўзлари ҳам опасиникига ўхшаб  
кетарди. Шими подтяжка билан тортилган бир кекса  
киши деразага қўзгу қўйиб, соқолини оларди. Марина-  
нинг онаси идиш-товоқларни буфетга тераётган эди. Бу  
тўладан келган, паст бўйли хотин чаққонлик билан Ан-  
дрейга ўгирилди, кейин қизига кўз қирини ташлади, қо-  
воқ остидан уйни бир кўздан кечириб чиқди, оёғи билан  
йифилиб қолган шолчани тўғрилади ва елкасига солинган  
хўл сочиқни олди.

Марина пастаккина курсичада оёқларини йифиб ўти-  
риб олиб, брусника тозаларди. Унинг ёнида полда, катта  
сават ва тоғарача туарди. Марина тозаланган брусни-  
кани шу идишга соларди. Қўлида эса стакан бор эди.

У Андреини кўриши биланоқ ўтирган жойида серра-  
йиб қотиб қолди. Андрей салом бериб, юстонада турга-  
нича кепкасини ғижимлаб, деди:

— Мен ишхонангизга телефон қилган эдим. Ҳамон  
йўқ экансиз. Ҳозир шу кўчангиздан ўтиб кетаётиб, қани  
бир хабар олай-чи, деб кирудим. Нима бўлди ўзи?

— Касалман... бўллетендаман,— деб ғудранди Марин-  
на қўлидаги брусникаларни ғижимлаб; у ҳали ҳам қотиб  
туарди.

Иккаласи ҳам донг қотиб қолган эди.

Андрей бу ёқقا келаётганида йўлда, ўйлаганлари жу-  
да осондек туюлган эди. У киради-ю, дангал айтади....  
Аммо, энди бўлса Маринани кўриши билан иш жуда  
жиддий ва оғир бўлиб туюлди. У бунга сабаб қилиб ўз-  
ларининг ёлғиз эмасликларини баҳона қилди. Аммо бу  
қуруқ баҳона, холос. Аслида у ҳозир бу уйда Маринадан  
бўлак ҳеч кимни сезмаётган эди. У келишим билан Маринанинг  
аччиғини чиқарарман, ҳеч бўлмаса ажаблан-  
тираси, деб ўйлаган эди.

— Марина, сенга нима бўлди,— деди онаси.— Мар-  
ҳамат, ечиниб тўрга ўтиш.

Андрей Маринага савол назари билан қаради. У дик  
этиб ўрнидан турди-да, брусника япроқлари ёпишган  
хўл қўлларини осилтириб унга яқинлашди. Андрей ечи-  
ниб, уйдагиларнинг ҳар бири билан бир-бир кўришиб  
чиққунча, анча ўзини босиб олди. Марина яна курсичага  
ўтиради. Андрей ҳам унинг олдига келиб стулга ўтирар-

кан, бир қисм брусики олиб, кафтида думалатиб диққат билан орасидан ифлосини ахтара бошлади; ҳозир ўз қўлларининг банд эканлигидан жуда хурсанд эди. У худди бу ерга брусики тозалашга келган одамга ўхшарди.

— Қўлингизни ифлос қилиб нима қиласиз,— деди Марина.

— Йўқ, йўқ, асло,— деди у.

— Бўлмаса, тоғарачага эмас, стаканга ташланг.

— Нега ундан?

— Неча стаканлигини билиш керак-да,— деди Марина ачциғланиб,— ахир қандни ўлчаб солиш керак бўлади.

Андрейнинг баҳузур ўтириши уни ҳайратлантиради. Маринанинг ичига ғулғула тушиб, юраги тез уради, аммо ташқи қўринишда у ҳам Андрей сингари бамайли хотирга ўхшарди,— бундан унинг ўзи бехабар. Марина руҳан қийналаётгани. Андрей эса ўзини яхши ҳис қиласаётгани учун Марина уни уялтирмоқчи бўлди. У Андреядан нега келганини сўрамоқчи бўлди-ю, аммо шу заҳотиёқ бу ҳаддан ташқари оғир таъна бўлишини ўйлаб қолди.

Марина онасининг безовталаниб, ташвишли боқиб турганини сезди; шу пайт бирдан Андрей шу чоққача мени бутунлай ўзгача шароитда кўриб юрган эди, энди олдимга фартук тутиб ўтирганимни, ифлос қўлларимни кўриб, тоза кулгиси қистаётгандир, деб ўйлай бошлади.

— Эркаклар билан аёлларнинг ҳуқуқи азалдан тенг эмас эди, ҳали ҳам тенг эмас,— деди Марина жаҳл билан.— турли-туман асбоблар, реактив самолётлар ихтиро қилиб ётибдилар-у, аёллар бўлса бундан юз йил бурун қандай ишлаган бўлсалар, ҳали ҳам қўл билан идиш-товоқ ювадилар, брусики тозалайдилар. Мана, сиз олимлар, аёлларни оғир меҳнатдан қутқариш учун нима иш кўрсатдингиз?

— Нима, билмайсизми... Электр дазмол... концентратлар...— Андрей умидсизлик билан бирма-бир ҳисоблаб кетди.

Марина бирдан кулиб юборди, кейин, ҳозир Андрейга ҳам оғир, деб ўйлаб қўйди.

— Ким сизларга ҳалал беряпти?— деди Маринанинг отаси, юзига совун сурта туриб.— Ўзларингиз ҳам ихтиро қилиб кўринглар-да, шукур, ўқимишли олим аёлларимиз ҳам кам эмас.

— Шуни айтинг-а,— деди Марина, сухбат умумий тус олганидан хафа бўлиб.— Сизнингча; аёл киши фақат картошка тозалаш машинасини кашф қилишдан бўлак ишга ярамайдими?

Андрей унинг нимадан хафа бўлганини тушунди ва бу ҳолдан севиниб, энди паст овоз билан гапира бошлиди. Улар бир вақтда тўсатдан бир-бирларига қараб ўсолдилар ва уялғанларидан қизариб кетдилар. Ана шу дамдан бошлаб, уларнинг гапирган гаплари бир-бирларига айтмоқчи бўлган фикрларига сира ҳам тўғри келмасди.

— Мен яна тоғарага ташлаб юбордим,— деди ҳаяжонланиб Андрей, бу гап: «Сиз ҳали ҳам мендан аччиғланяпсизми?» деган маънони берарди.

— Ҳечқиси йўқ, қанддан кўпроқ қўшарман,— деди Марина табассум қилиб, бу билан: «Нега энди сиздан аччиғланарканман?» демоқчи эди.

— Чиндан ҳам касал бўлдингизми? («Аччиғланмаган бўлсангиз нега менга телефон қилмадингиз?»)

Марина унинг бу гапига тушунди-ю, лекин жавоб қайтаргани қўрқди.

— Мен ҳисобдан адашганта ўхшайман,— деди Марина.— Ён тўққизта бўлди, ё йигирмата.

— Бунга мени айборман,— Андрей унинг кўзига тик қаради. «Мен келмаслигим керакми?»— дерди унинг кўзлари.

— Ҳеч-да,— деди Марина астагина.

— Сиз... сиз мени кутмаганмидингиз?— деди қўрқув аралаш, деярли пичирлаб Андрей. Бу сўзлар Марина хәёлида уйдагиларнинг ҳаммасига баралла эшитилган-дек туюлди. У чўғдек қизариб кетди ва баланд овоз билан жаҳл аралаш деди:

— Шу беҳуда иш учун қанча вақт кетади-я.

Андрей бошини кўтариб қарашиб журъат этолмади, у Маринанинг брусларидан қип-қизил бўлган ҳўл кафтига, тиззаси орасида қийшайиб турган стаканга тикилди.

«Агар у ҳозир шу қора брусларни ташласа, унда ҳамма ўйлаганларим рост бўлади»,— деб ўзича фолбинлик қила бошлади Андрей.

Ҳозир у рост бўлиб чиқадиган нарсанинг ўзи нима эканлиги ҳақида ўйлашдан ҳам чўчириди. У рост нарса

шундай буюк, мавхум ва шундай гўзал нарса эдики, ҳатто уни тасаввур қилиб кўриш ҳам оғир эди.

— Марина,— деди у.

Шу заҳотиёқ уларни чуқур сукут чулғаб олди. Энди улар бир-бирларининг сўзидан бўлак ҳеч нима эшиитмас эдилар. Маринанинг қўллари титраб кетди ва шалвиллаб тиззалири устига тушди. Андрей қаттиқ қийналиб бошини силтаб кўтарди. Аввал у Маринанинг кўкрагидаги чуқурчани, кейин бўйини, ундан кейин лўпигина иягини, ундан жейин ғайри табиий ҳолда бир нуқтага тикилиб, умид учқунлари чақнаб турган кўзларини кўрди. «Керак эмас, йўқ, ҳозир керак эмас», — «Мен ҳам қўрқаяпман,— дерди Андрейнинг кўзлари,— лекин мен ортиқча чидай олмайман. Сиз тушунасизми?»

— Мен тушунаман...

Марина тиззаси орасидаги брусникаларни тушириб юбориб, индамай ўрнидан турди-да, уйдан чиқиб кетди. Узун кўридорда у бирмунча эски сандиқлар турган бурчакка кириб олди. Гуё яқиндагина қиз болалар билан шу пасқам жойга беркиниб олиб, қўрқинчли эртаклар айтишар ва ўғил болалар ҳақида гапиришарди.

Марина йиғлай бошлади. Майдамайда кўз ёшлари юзларида дув-дув думалаб тушар, у эса пастки лабини чўччайтириб ўз ёшларини тутиб оларди. У хўнграб йиғлаб юбормаслик учун нафасини босишга уринарди. Нега йиғлаётганини ўзи ҳам билмасди. Ҳозир у ўзини жуда яхши ҳис қиласи ва айни вақтда ташвишли эди. У аҳволининг чатоқлигидан, ўзининг касал бўлгани учун ҳозир Андрей билан кўчаға чиқиб, ёлғиз икковлари бўла олмаслигидан афсуслана бошлади. Андрейнинг муҳаббат изҳор қилишини эшита олмаслиги унга алам қилди. Борди-ю, унга шундай туюлган бўлса-чи? Ахир, муҳаббат тўғрисида ҳеч қандай сўз айтилгани йўқ-ку.

«Майли,— деб ўйлади у ўзини босиб.— Майли, гап бўлмаган бўлса, бўлмай қўя қолсин...»

Кейин у Андрейнинг тортичақлигидан аччиғланниб кетди, аслида эса, уйда у Андрейнинг оғзидан ишқ-муҳаббат тўғрисида бирон сўз чиқиб кетишидан жуда қўрқсан эди.

Марина хонага жириши билан Андрейнинг қулоғи чиппа битиб, Маринанинг отаси билан укасининг гапларини бутунлай эшийтмай қўйди — бунинг сабабини акус-

тика фанининг ҳеч қандай қонуни ҳам тушунтириб беролмасди. У илтифот билан илжайиб бош силкар ва: «ҳа, ҳа, албатта» деб тақрорларди, холос. Чолнииг бўйнида юзгина совун кўлиги қўлган эди. У қўлига атири шиша ушлаб тураркан, дам оғзини очиб, дам ёпиб алланималар тўғрисида гапирар, аммо Андрей ширма орқасида Маринаниңт кийим кияётганига қулоқ солар эди, холос.

Марина қора кўйлагини кийиб чиқди, унинг олдида фартуги йўқ эди. Негадир ѡовоқлари қизариб кетган, кўзлари эса Андрейга қараб кулиб турарди. Шундан кейин яна Андрейниг қулоғи очилиб, уйдаги гапларни эшига бошлади.

— Шошманг, Сергей Куприянич,— деди у,— мен қаршиман. Қурадиган бўлгандан кейин қуриш керак. Ҳар бир оила учун алоҳида квартира керақ. Ҳеч қандай муросачиликка рози бўлиш керак эмас.

Улар бу оқшом ўзларидан бўлақ ҳеч кимниг кўзига кўринмайдиган алоҳида муносабат пайдо бўлганини сезгандай бўлдилар. Марина Андрей билан кўз уришти-раркан, унинг ўзини йўқотиб қўймаслик учун ўзини иш билан банд одамдай кўрсатиб, унга эътиборсиз қарашга уринарди. Лекин айни вақтда унинг ўзини жуда яхши тутаётганига аччиғи келарди. Марина кўнгли хоҳлаган чоқда Андрейга қарамай унинг ўзига тикилиб турган-турмаганлигини ва қандай қиёфада өканлигини айтиб бера оларди. Бу кўзга кўринмас муносабат уларни бошқа одамлардан ажратиб турар ва баҳтиёр қиласди.

Андрей кетиш олдида энди қачон учрашишларини сўради. Шунда Марина коридорда йиғлаганини эслади.

— Қачон?.. Келар ҳафтада.

— Бугун чоршанба,— деди Андрей гапга тушунмай.

— Ана. Бўлмаса душанба куни ишхонамга телефон қиласиз.

Улар эшик ёнидаги кийим осадиган қозиқлар олдида туардилар. У Маринаниг кўзларига тикилди ва кутилмаганда паст овоз билан қувноқ оҳангда деди:

— Эртадан кейин учрашамиз. Жума куни. Эртадан кейин.

— Учрашмасак-чи?

Андрей хотиржамлик билан пальтосини яна қозиқа илиб қўйди.

— Үндай бўлса... коридорда ўтириб олиб кутаман.

Марина унинг шундай қилишига ҳеч шубҳалашмасди, шунинг учун беҳад хурсанд бўлиб кетди.

— Яхши, жума куни,— деди у норози оҳангда,— фақат кўпга эмас.

Шу воқиадан ікейин, қирқ саккиз соат мобайнида нималар содир бўлгани Андрейга ҳеч тааллуқли эмас. У ишга борар, алланималар қилар; зўр иштаҳа билан овқат ер; тўйиб-тўйиб ухларди, гўё юраги ҳам уришдан тўхтаб қолганга ўхшарди. Унга ҳамма соатларнинг стрелкалари тўхтаб қолганга ўхшаб туюларди; у бу ҳолга одатланиб қолди. Энди бир пайтлар вақтнинг тез ўтиб кетаётганидан қандай қилиб шикоят қилганига ажабланарди. Ҳозир у фақат бир нарсани ўйларди — қани энди ҳозир ётса-ю, бир ухлашда қирқ саккиз соатни ўтказса...

У 26 октябрь куни кеч соат еттида ўйғонди. Жума куни эди. Унинг ёнида Марина борарди. Биринчи қор ёғаётган эди. Бу лайлак қор, асфальтга тушиши билан эрирди.

Бу оқшом майда-чуйда нарсалардан ва бир-бирига алоқаси бўлмаган таассуротлардан хотиржам бўлди.

Улар тўсиққа суюниб, китоб магазинининг каттакон витринаси олдида туришарди. Андрей дерди:

— Мен энди сизсиз ҳеч нима қилолмайман... Қаёққа борай, нима қилай? Мен ҳеч қачон бундай бўлишини билмаган әдим.. Мен ҳозир...

Марина унинг ҳар бир сўзини хотирлаб қолишга уринарди. Андрей эса фақат унинг:

— Яна... яна гапиринг... — деган сўзларинигина эслаб қолди.

Яна у негадир витринада турган «Истеъмол қилинадиган ва заҳарли қўзиқоринлар» деган сариқ муқовали китобни эслаб қолди.

Кейин улар вокзал олдидаги гавжум майдонга бориб қолдилар. Қор гупиллаб ёға бошлади, улар вокзалнинг баланд мармар вестибюлига кирдилар.

— Мени Вадим билан кўрганингизда нима деб ўйловдингиз?

— У менга нисбатан онглироқ, чиройлироқ... бичими келишганроқ... йигит, деб ўйлаган әдим.

— Энг даҳшатлиги ҳам шундаки, гапларингиз рост,— деб кулиб юборди у,— мен тентакман.

Андрей пальто тутмаларини ечди. Йўловчилик оқими уларни перронга олиб чиқди. Улар узундан-узоқ ёғоч перроннинг энг нариги чеккасига бордилар. У ер қоронғи эди. Марина оёқ учидаги турди, Андрей унинг чақнаб турган қийиқ кўзларини жуда яқиндан кўриб, кўзлари қамашиб кетгандек бўлди, шунда кўзларини чирт юмди-да, Маринани ўпид өлди.

Ҳеч ким уларга эътибор бермади, перронда ҳар ким ҳам ўшишаверади-да, лекин уларнинг хаёлида ҳамма шу икки ёшга тикилиб тургашга ўхшарди.

— Энди мен нима қиласман?...— дерди Андрей маъносиз,— бу қандай бўлди... Сен-ку уйга кетасан. Менчи? Мен нима қиласман?

— Мен сени яхши кўраман,— деди Марина.

— Бундай бўлиши мумкин эмас. Мен севилишга арзимайман.

— Мен сени яхши кўраман.

— Мен бўлсан... эсингдами, ҳув авали платформада... ўшандан бери...

Улар бир-бирларига ўз сирларини оча бошладилар, бу муҳаббатнинг қандай бошланганини эсладилар. Бир-бирлари тўғрисида нима ўйлаганлари, бир-бирларини қандай ҳис қилганлари, нима тўғрида орзу қилганлари ва ниҳоят нимадан аччиғланганлари тўғрисида гапира бошладилар. Улар бир-бирларидан шубҳалантганлари учун ҳозир ажабланардилар...

Бу оқшом ҳамма поездлар фақат келар, ҳамма одамлар фақат кутиб олишар, ҳамма бўсалар фақат шодлик бўсаси эди, гўё ҳамма вағт ҳаёт шундай бўладиганга ўхшарди.

## ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ БОБ

Викторнинг Рейнгольд билан ҳамкор бўлишга интилишидан икки мақсади бор эди: биринчидан, Потапенко Рейнгольднинг ишини рўёбга чиқишига тўсқинлик қилмоқда деган миш-миш гапга зарба бериш бўлса, иккинчидан (энг муҳими ҳам шу), бу ҳамкорлик орқали техника соҳасидаги обрўсини қўтаришга интилмоқчи эди. Агар унинг ўйлагани рўёбга чиқса, бошлиқлар ва

министрликдагиларга раҳбарлик қила билан билан бирга, ижодий иш билан ҳам тинмай шуғулланувчи бошлиқ бўлиб кўринарди.

Виктор Рейнгольднинг характерини яхши биларди, шунинг учун ўз талабини рад қиласди, деб ҳеч ўйламаган эди. Афтидан, бунга Лобанов аралашганга ўхшайди. Оқибатда кўнгилсиз мунозаралар содир бўладиганга ўхшаб қолди. Шунинг учун, Долгиннинг ёрдами билан Рейнгольдни тезда ишдан бўшатишга тўғри келди. У Долгиндан ёрдам сўрашни ёқтирмасди. Виктор қисман бўлса ҳам бу одамга тобе бўлишдан кўрқарди. Долгин шунаقا одамки, агар у Потапенконинг аҳволи бир оз чатоқлашиб қолганини сезгудек бўлса, ҳеч юз хотир қилмай, дарҳол уни қоралашга киришиши аниқ эди. Шунинг учун ҳам Андрей ишдан ноҳақ бўшатилган Рейнгольд тўғрисида шов-шув кўтарганида, Виктор яхиси тезроқ Рейнгольдни оқлашим керак, деб дарҳол Ковалевскийнинг олдига борди. Бу билан у ўз кирди-корларининг фош бўлишидан сақланиб қолди. Тўғри, Долгин бу қилмиши учун қаттиқ танбиҳ еди, лекин Виктор унга ўз вақтида: мен топ-тоза эканман, сени ҳимоя қилишга доим қурбим етади, аммо мени савалаб қолишиса, унда сени ёқлайдиган одам топилмайди, деган маънода гап уқдириди.

Маълум вақтгача Виктор шу принципга биноан Захарчук ва бўлимдаги бошқа инженерларниң Долгинга қаратилган танқидларини уддабуролик билан четга сурib келди. Лекин Захарчук яқин кунлардан бери Потапенконинг ўзини янги техникага эътиборсизлик билан қарашда, ёшлилар ташаббусига тўскинлик қилишда, бўлим ишининг нотўғри йўлга қўйгани ҳақида борган сари кескинроқ айблай бошлади. Захарчукнинг анкетасидан олинган маълумот топ-тоза — у фронтовик, коммунист, сиртқи аспирантурада ўқирди, ўз ишини яхши биладиган одам, хуллас, ҳеч илинтирадиган ери йўқ эди. Ўз-ўзидан маълум, Захарчук Викторни кўролмаганидан унга ёпишиб ётибди; кўтарилиб, обрў қозонмоқчи. Виктор шундан бошқа сабабни билмасди. Ҳар бир раҳбарнинг ҳам душманлари, ҳам ҳасадчилари бўлади — бу қонуний бир ҳол. Ҳар бир одам ҳам ўз ақли, ўз қобилиятидан мамнун, аммо ўз мансабидан мамнун бўлмайди.

Виктор Дмитрий Алексеевич билан суҳбатлашиб, Захарчукини станцияга ишга ўтказиш тўғрисида гап

очиб кўрган эди, аммо бош инженер унинг талабини қатъий рад қилди. Виктор бу тўғрида сухбатни давом этдириш хатарли эканини дарҳол сезди. Бу рад этиш остида бир хунук нарса борлиги сезилиб турарди. Умуман, Дмитрий Алексеевич билан муносабат бузила бошлади, энди у Викторниг мулоҳазаларига борган сари камроқ эътибор берадиган бўлиб қолди. Баъзан у Викторниг буйруқларини текшираркан, бу буйруқлар тўғрисида бевосита Захарчукка мурожаат қиласди.

— Сизга тушунмаймаи, Виктор Григорьевич,— дерди бош инженер.— Нима камчилик бўлса ҳам Долгинни пеш қиласиз, нима ўзи бу— ҳайданг юборинг. Нега унга ёпишиб олгансииз? Муқаддас жой бўш қолмас, деганлар.

Виктор Долгинниг ёнини олишга тушар, кўпинча унинг парткомда бандлигини баҳона қиласди. Дмитрий Алексеевич Долгинниг ўрнига Захарчукни қўймоқчи бўлиб юрганга ўхшайди! Унақа ёрдамчи Викторга тўғри келмайди, албатта. Долгин рақобатчи эмас, аммо Захарчук Виктор билан биргаликда ишлагудек бўлса, баъзи бир одамларниг кўнглини хира қилиши турган гап.

Сиртдан қараганда ҳеч қандай хавотир оладиган иш содир бўлгани йўқ эди, Викторни станцияларда аввалгилик ҳурмат билан кутиб олишарди, унинг гапларига диққат билан қулоқ солардилар, тасдиқлатиш учун унинг олдига турли ҳужжатларни олиб кириб турардилар, аммо шундай бўлса ҳам Викторниг ўзи алланималардан юрак ўйноғи бўла бошлади.

Мисол учун ўша электролабораторияни олайлик. Лаборатория Потапенконинг «шефлигига»дан қутулгач, бир конструкция кетидан иккинчинчи қаторлаштириб тайёрлаб чиқара бошлади. Бу ҳодисани кўрмай, сезмай илож йўқ. Краснопевцев билан Фалеевлар регуляторни ишлаб битирдилар ва ҳозир уни Комсомолская станциясининг қозонларига ўрнатётган эдилар. Калмиков кенгашлардан бирида шу регуляторни Викторниг юзинга солди: «Ана, кўрдингми,— деди у,— сен техсоветда қарши чиқсан эдинг». Локаторни лабораторияда си-наш ишлари муваффақиятли чиқди. Октябрь станциясида Тарасовниг аппаратларини автоматлаштириб беришди. Бу Тарасов жуда ҳам лақма одам экан-да, дарҳол ўзининг Лобанов билан биринчи марта учрашганини

ҳаммага ёйиб юборди. Валдираған чол Тонков билан Устинова ва унинг группаси гүё жўрттага қиласётгандек, вадда қилган натижага ҳали ҳам эришолмаябдилар. Эҳ, қани энди, ҳозир мана Потапенко ташаббусининг мевалари деб бирон кашфиётни намойиш қилса! Ахир, Тонков билан ҳамкорлик қилиш шартномасини тузишда Потапенко ташаббус кўрсатган эди-да. Эҳ, қани энди аниқ далиллар бўлса! Виктор билан Тонков, бу ҳодисани жуда эфектли қилиб кўрсатишга қурблари етарди. Лобанов лапашанг экан. У Краснопевцев билан Фалеев ўртасида шундай яхши муносабат ўрнатди-ю, аммо индамайди. Шу индамаганига ҳам шукур, Виктор ҳеч қачон унга ақл ўргатмоқчи эмас, албатта. Бир вақтлар, у Андрей билан бир амаллаб келишсаммикин, деб ўйлаб юрувди-я. Тентак! Қези келгандা Андрейни ишдан четлатмаган экан-да. У ўзининг юмшоқ табиатлигини эсласа, хафа бўлиб кетарди.

Виктор Майяни чақиртириди.

— Сиз ҳалигача ҳеч балони уддасидан чиқмадингиз. Берилган муддатлар ўтиб кетди. Натижка қани?

Майя эътиroz билдиришга уриниб кўрди. Улар баъзи бир ишларни бажарганлар. Лекин Тонков ҳеч қандай ёрдам бермади. Тонков берган расчётларнинг кўпи нотўғри чиқди.

— Бўлмаган гапларни қўйсантиз-чи! — деб сўзини бўлди Виктор.— Бунга Тонковнинг нима алоқаси бор? Агар сизга бирон одам халақит берган бўлса, у Лобанов бўлиши керак.

— Лобанов? Менга халақит қилгани йўқ.

— Нега халақит қилмаган бўлсин? Нима, бўлмаса, ёрдам бердими сизга?

— Ёрдам бергани йўқ. Халақит ҳам қилгани йўқ.

— Сиз нима деяётганингизни ўзингиз ҳам тушунмайпиз. Асбоблар билан бўлғаи қийинчиликларни, одамлар етишмаганини бир эсланг, шу қийинчиликларни Лобанов тугдирган-ку, ахир.

— Менга Ҷаранг, Виктор Григорьевич,— деди Майя оҳистагина,— мақсадингиз нима?

— Сиз ўзингизни тентак қизларга ўхшатманг,— деб бақириб юборди Виктор.— Ахир ўзингизга қийин бўлади. Мен сизнинг ғамиргизни еяман. Агар Лобанов сизга тўсқинлик қилмаган бўлса унда ўзингиз айб-

дорсиз. Ўзингиздан кўринг. Сизни шундай савалашлари мумкинки, тилка-тилкангиэ чиқиб кетади.

Майяниг ғазабдан хиралашган кўзлари унга бақрайиб қараб турарди. Қани унинг кишини юрак-юрагига таъсир этувчи, ҳаяжонлантирувчи илтифотли ширин сўёллари? Тағин Майя бу одамии ўзига ошиқ деб хаёл қилиб юрибди-я...

— Ўзим айбдор,— деди Майя.— Негаки, мен тен-так эканман. Мен сизни туппа-тузук одам деб ўйлаб юрган эдим.

Ана, яхшиликка ёмонлик. Виктор бўлса, яна унинг ғамини еб юрибди-я. Виктор хафа бўлди. Сен ўзингни хотин жишига уни ёқтираётган қилиб кўрсатсанг, у сенинг ҳар қандай гуноҳининг кечиб юборишга ҳам тайёр. Лекин Лиза бошқа аёлларга қараганда ақллироқ, уни бўлар-бўлмас нарса билан алдаб бўлмайди... Бу Майя эса... Виктор унга ортиқча гапириб юборганга ўхшайди. Бирор иложини топиш керак.

Афтидан, Тонков ҳам аҳволга тушунганга ўхшайди; у ишни жадаллаштириш мақсадида Устинованинг бригадасини унинг институтига командировка қилишни сўрай бошлади. Виктор бунга рози бўлди.

— Билиб қўйинг,— деди у Тонковга илтифотоизлил билан,— бизга натижа керак. Натижа. Тушундингизми? Бўлмаса, локатор ишингизни бурдини кетқизиб қўяди.

Тонков қисқа қовоқлари билан кўзларини юмиб, деди:

— Менинг ғамимни еманг, ўз ғамимни ўзим еяоламан.

У бу гапларни шундай оҳангда гапириди, Виктор мулоҳазага бориб қолди. Наҳотки Тонков ҳам аллақандай нарсаларни сезиб қолган бўлса? Қўрқув, ҳеч кимга очиқ айтиб бўлмайдиган яширип қўрқув уни чор атрофдан қуршаб олаётган эди.

Кўп мулоҳазалардан жейин Виктор фурсат ўтмасдан ҳужум қилиб қолишини маъқул кўрди. Дмитрий Алексеевични министрликка ўтказишга эришиш (унинг министрликка ўтиши ҳақида миш-миш гаплар эшитилиб қоларди), ё бўлмаса уни ишдан бўшатишга ҳаракат қилиш керак, хуллас, ўзи системанинг бош инженери бўлиб олиши керак. Бир ҳамла қилиб, ўз рақибларидан ўзиб кетадиган вақт етди — югурувчи спортчи ҳам

шундай бир жескин ҳамла билан ўзини қувиб стиб қолган бошқа шерикларидан ўзиб кетади.

Бу вазифа енгил эмас, анча хатарли назифа. Лекин бошқа илож йўқ.

У хўжалик активи кенгашида, кутилмагандага бош инженернинг ишини жескин танқид қилди. Қани энди Дмитрий Алексеевич чурқ этиб кўрсингчи.

Партикомни қайта сайлов пайти яғинлашиб қолган эди. Шунинг учун Виктор бутун кучини шу сайлов тайёргарлигига қаратди. У қандай бўлмасин партикомнинг янги составига аъзо бўлиб кириши керак. Бу ҳол дарҳол уни оқлайди ва вазиятни яхшилайди. Бу, унинг Дмитрий Алексеевични партия йўли билан танқид қилишга имкон беради. Муваффақиятнинг асосий шарти шу эди.

Виктор ўз бўлимидаги олиб бораётган сиёсатни жескин ўзгартирди. Биринчи галда у Захарчук ва унинг тарафдорларини холис қилиб қўйиши керак. Улар станцияларда автоматикани оммалаштириш, қозонларни юқори босимли қилиш ва шунга ўхшаш янгиликларни талаб қилаётган эдилар. (Улар учун талаб қилиш осон, оқибати учун жавобгар эмаслар да.) Қанчалик оғир бўлса ҳам, у ваъда берар, улар билан бирга ачинар, аччиқланарди, энг жонбозларига янти таклифларнинг муҳокамасини ишлаб чиқишни буюрарди. У бош инженер бўлиб олгандан кейин бу икир-чикир ишлар учун жавоб бераб ўтирумайди. Бош инженер кимдан талаб қилишни, ишни кимдан олиб, кимга топширишни яхши билади,— ўзи хўжайин...

Ноябрь ойининг ўрталарида Тонков телефон қилиб қолди.

— Виктор Григорьевич, менинг олдимга журъерингизни юборишингизни илтимос қиласман, сизга ўз ижодимни тақдим қилмоқчиман.

Журъер хотин пухта қилиб ўралган пакетни олиб келди. Виктор кабинетни ичидан қулфлаб олиб, пакетни очди. У ерда эндигина босмахонада босилиб чиққан мақоланинг бир неча варақ нусхаси бор эди. Мақоланинг охирига Тонков билан Григорьевларнинг фамилиялари ёзилган. Бу нусхалардан бўёқ иси келиб турагар, варақтар бир-бирига чип-чии ёпишарди. Виктор шошапиша текстини ва расмларни кўздан кечириб чиқди. Электр ёйи. Ёйининг янги пазарияси. Ҳаммаси бошқача.

Аха, мана бүекда экан! Лобановнинг фамилияси. Авторлар ёйни синашда Лобанов системасини қўлланиш янглииц натижалар. Тонковнинг схемалари эса тўғри натижа берганини ёзибдилар. Шунинг кетидан локаторнинг бошқа хил ўлчовлар учун ҳам лойиқ эмаслиги хақида гап орасида қистириб кетишибди. Шу билан Лобановнинг бутун иши шубҳа остига олинган эди. Бу эътиборсизлик билан ёзилган абзацлар кетидан кўп маъноли текстча келтирилган эди: «Биз рақамлар, далиллар келтиришимиз мумкин, лекин Лобанов ижод этган совун кўпигини фош қилиш, вақтни ва ўринни бекорга сарф қилишга арзимайди».

Виктор тиржайиб, кўзларини юмди. Нинҳоят-а... Кўпдан кутгани шу. Ойиси, сен пардада туғилгансан, деб тўғри айтган экан. Пардада туғилган — баҳтли бўлади дейдилар.

Шу баҳтли дақиқадан бошлаб, унинг бутун фаолияти бошқача йўл олди.

У энди:

— Мен огоҳлантирган эдим. Дмитрий Алексеевич Лобановни қўллаб-қўлтиқлаб бекор қилган,— дейишга тўла ҳақли эди.

Бу воқиа Викторга илмий шуҳрат бағишлайди.

У гўё кўтилмаганда оғзидан чиқиб кетгандек, гапдан-гап чиқиб, бошқармадаги энг маҳмадона ходимлардан бир-иккитасига қизил қалам билан тегига чизилган абзацларни жўрсатиб қўйди. Бошқарма бошлиғи ҳузуррида бўлган кенгашда, министрликдан келган вакиллар олдida у яна қизишиб бош инженерга қаттиқ ҳужум қилди.

— Бу сингари раҳбарлик қилиш усули эскириб қолам... Бизга техника жиҳатидан чиниқкан ташкилотчи керак... Ҳозир, ҳамма ишни бошдан-оёқ қайтадан кўриб чиқиши пайти етди.

У ички ён чўнтағида шитирлаб турган мақолани сезиб турарди.

У йигиб келган далиллар ичидан, тўғри фактлар кўп эди. Унинг сўзлари самимнӣ янгарди. Фақат ўзининг ҳақлигига тўла ишонган одам шундай гапира олиши мумкин. Унинг бу қадар ишонч билан сўзлаши бошқаларга ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади. Баъзи бир одамлар Дмитрий Алексеевичга, вақтинча ишлаётган одамга қарагандай қия боқа бошладилар. Потапенко-

нинг ҳаддан ташқари қатъий нутқини ўзгача тасвирилаш қийин.

Дмитрий Алексеевичнинг ўзи ҳам тангиб қолгаидек, сукутга чўмди. Фақат бир марта заҳарханда жилмайиб, Викторга деди: «Отниңг ёлидан тутмадинг, энди думидан ушлаб қололмайсан».

Виктор қаттиқ уялиб кетди, лекин бош инженер бўлганимда, ўшандা принципиаллик қиласман, деб ўзига далда бера бошлади. Ҳа, у найтла Виктор албатта принципиали бўлади; у ҳатто Лобановга ҳам қаттиқ тегмайди, у Лобанов учун барча шароитларни туғдириб беради; Долгининг ўрнига техника бўлимнинг раҳбар қилиб ёш инженерлардан тайинлайди. У пайтда Викторга чинакам илмий, ташаббускор ёрдамчилар керак бўлади.

Бунинг учун горкомнинг ёрдами керак. Виктор бир неча муҳим ишларни баҳона қилиб, Савиннинг олдига жўнаб кетди.

Суҳбат аввалига одатдаги масалалар устида борди. Горком секретари торғ масаласида дарҳол трест бошқарувчиси билан телефон орқали гапириши, кейин у билан келишиб, оддий-клеёнка муқовали дафтарга топшириқнинг бажарилиши муддатини ёзди. У бузилиб қолган авторучкани сиёҳдонга ботириб ёзарди, буни кўрган Виктор, бу нима ўзи, «камтаринлик»ни намойиш қилишми, ё тасодифий ҳодисами деб қизиқиб қолди. Каттакон ёзув столи устида дафтардан бошқа ҳеч қандай қофоз йўқ эди, фақат столнинг шариги чеккасида бир кўк китоб тўнкарилиб ётарди. У китоб беихтиёр кишининг дикқатини ўзига жалб этди. «Пришвин»— деб ўқиди Виктор китобнинг корешогига тикилиб. Бу ов ҳақида бўлса керак. Виктор ўз столи устига ҳам шунга ўхшаш, кутилмаган лирик, ёқимли китобдан қўйиш зарурлигини ўйлади. Бу ҳол, алоҳида бир услугуб, раҳбарнинг унинг олдига келган одамлар билан бўлган алоқасини яқинлаштирувчи ғайри табиий бир ҳол бўлади.

Савин дафтарни ёпди, кейин қўли билан пешонасига тушган сочини юқори силтаб, хўш, аҳвол, турмуш қалай, деб сўраб қолди.

Аслида, Викторнинг горком секретарининг олдига келишидан мақсади ҳам шу сўроққа жавоб бериш эди. У Савиннинг жонли, қизиқувчалик характеристини яхши биларди, шунинг учун гүё таъби хира одамдек анчага-

ча қўл спилтаб, қўйинг, сўраманг дегандек, гап очмай турди.

— Очиқ сўзлашга ижозат этинг! — деди у ниҳоят, гапиришга мажбур одамдек.

— Нимадан қўрқасиз? — деди Савин.

— Мен қўрқоқ одамлардан эмасман, — деди Виктор, — фақат ўз тўғрингда ёмон гап айтгинг келмас экан.

Бу жумлани жўргтага гапирди. Унинг бош инженерга қарши, система ишларидағи камчилликларга қарши кураш тўғрисидаги гаплари шикоят сифатида эмас, оғриган қалбнинг аламли ноласи, ўз қайғуси ва ўз мусибати сифатида эшитилсин учун юқоридаги жумлани ишлатган эди.

У юракдан гапираётгандек бўлар, жумлаларни тутгатмай бошқасига ўтиб кетар, жўрттага гапидан адашарди. У Савиннинг серғайрат одамларни яхши кўришини биларди. Шунинг учун Виктор ҳам ўзини шундай серғайрат одам қиёфасига солишга туринарди. Виктор ўз сўзларидан ўзи ҳам таъсирлана бошлади, берилиб кетганидан ҳатто ирғиб ўрнидан туриб, муштуми билан столга бир урди, аммо шу заҳотиёқ муштумини ёзиб юборди, чунки муштуми кичкинагина эди, шунинг учун бу ҳаракати кулгили бўлиб кўриниши мумкин.

Вақти келганда Виктор ўзидан-ўзи ажабланарди: у ишчилар билан бетакаллуф гапиришиб, жуда содда бўлиб кета олар, олдига иш билан кирганларга қатъий, таъсирчан муомала қилас, болалар орасига кирса, бола бўлиб кетар, аёл қиши олдида эса ошиқи-бекарор бўла оларди, аёл кескин, шиддатли йигитни ёқтиурса. шиддатли, қўрқоқни ёқтиурса, марҳамат, қўрқоқ ҳам бўларди. Унинг бунақа ишларга суюги йўқ эди. У ўзини турли тоифа одам қиёфасига кира олишидан завқланар ба бундан ҳеч ноқулай вазиятга тушмас эди.

Ў гўё кўрсатишини истамагандек, чўнтағидан мақола нусхасини олиб, тагига чизилган ерларини Савинга кўрсатди. Гал локаторниң ишга яроқсиз чиққанида эмас, — лекин унинг айrim қисмлари бошлиқларимизнинг техника соҳасидаги умумий сиёсатини характерлаб беради.

Савин Лобановнинг фамилиясини эшитиб, бир илжайиб қўйди, аммо индамади. У қизил қалам билан тагига чизилган мисраларни диққат билан ўқиб чиқди, бошқа бетларни ҳам варақлаб кўздан кечирди.

— Журнал ҳали чиққани йўқми? — деб сўради Савин. Виктор бош силкиб тасдиқлади. — Авторларнинг ҳадяномалари қани?

Виктор бир дамгина довдираб қолди, лекин шу заҳотиёқ ўзини тутиб олиб, бу нусхани институтга, Тонковнинг олдига борганида олганини айтди. Шу пайт у довдираб қолганимни Савин пайқадими, йўқми деб ўйлай бошлади.

— Хўш, бу мақолага Лобанов қандай қаради?

— Лобанов?.. Лобанов ҳали билмайди.

Савиннинг қовоқлари солинди:

— Нега бундай қилдингиз... ҳамма ёқقا олиб бориб намойиш қилибсиз-у, унга нега кўрсатмадингиз?

Уларнинг бутун суҳбатидан Викторга, фақат шу биргина жумла хунук таъсир қолдирди. Аммо, кейинги гаплар фоят ўринли бўлди. У Лобанов тўғрисида қандай фикрдасиз, деган сўроққа жавоб беришни истамади. «Ў менинг эски қадрдоним, менга яхши эмас, у тўғрисида...» деб гапини тугатмади. Бу гап жуда-жуда ижобий қиёфада, ҳатто олижаноблик билан талаффуз этилди, шу сўзлардан кейин Потапенко мақолани махсус намойиш қилиш учунгина юрипти, деган хаёлнинг бўлиши мутлақо мумкин эмас эди.

Хуллас, Виктор беҳад хурсанд бўлиб қайтди. Машинада у кўзларини сузиб, шофёр Федяга, секинроқ ҳайди, деб айтди. Савин аниқ бир гап айтмаган бўлса ҳам, албатта ўйлаб кўради. У мақоланинг нусхасини бекорга сўраб олиб қолгани йўқ. Шубҳасиз, Виктор унга ижобий таъсир қолдирди. Суҳбат вақтида Викторнинг тили учидан бир гап айланиб юрди. У: «Агар министрлик чиндан ҳам Дмитрий Алексеевични чақириб олса, янги бош инженер келгунча, мен мўлжаллаб қўйилган тадбирлардан баъзиларини ишга солиб юбормоқчи эдим» деб айтмоқчи бўлди-ю, лекин тилини тийди. Яхши ҳам у шу фикрини айтмади, бўлмаса ҳаддан ташқари ўзини маъқуллаётган бўлиб чиқарди. Афтидан, Савиннинг кўнглида баъзи бир шубҳа туғилган бўлса керак, бўлмаса партия ташкилотининг Потапенко нутқларига қандай муносабатда бўлганини сўраб нима қиласарди? Ҳа, унинг партком аъзоси бўлиб сайланиши жуда зарур. Бу энг биринчи галдаги вазифа.

Виктор бирдан илжайиб қўйди.

— Федя, сен «ЗИС-110» машинасини ҳайдашни би-

ласанми?— деб сўради у. Бош инженер «ЗИС-110» машинасида юрарди. Шоффёлар эзма ва фаросатли бўлади. Агар Потапенко горкомдан чиқиб «ЗИС» машинаси ҳақида сўраган бўлса, демак у бош инженер бўлиши турган гап, шу бугуннинг ўзидаёқ бу гап бутун бошқармага ёйилди. Жуда соз: кишилар айтгандек, омманинг онгига сингиган ғоя енгилмас кучдир.

Виктор ўз фикридан адашмади, горком секретари қизиқсениб, ўша куниёқ ўз олдига Лобановни чақиртирди.

Лобанов кирганида, Савин дераза олдида олма еб турарди.

— Ўн минутдан бери шу қизчани кузатиб турибман,— деди у Лобанов билан кўришаркан.— Кескин характерли экан.

Пастда, фонарь билан ёритилган боғчада тўрт ёшлар чамасидаги бир қизча оёғига чанғи бойлаб, қор уюми устига чиқишига уринарди. Тепаликнинг ярмига чиққанда, бир оёғидаги чанғи чиқиб, пастга сирғаниб тушиб кетди. Қизча кейиннiga тисарилди-ю, мувозанатини йўқотиб, йиқилди ва қорни билан сирғаниб пастга тушди, кейин чанғини олиб оёғига боғлади-да, яна тепаликка тирмашиб чиқа бошлади.

— Тўртинчи марта уриниши!— деди Савин маъюслик билан.

Горкомда иш куни тамом бўлган эди. Савин, ўз суҳбатларининг расмий эмаслигини исботламоқчи бўлгандек, бориб диванга ўтирди.

— Шаҳар кенгашида мендан қочиб кетган эдингиз, қани, энг аввал менга шуни айтиб беринг.

Савиннинг болаларники сингари пучуқ бурни тепасига тушиб турган кокили, олмапўчоғи ёпишган лаблари, хуллас, бутун чеҳраси Андрејга самимий қизиқсениш билан тикилиб турарди. Андреј ҳозир унга ўз сиримни ишонсан бўларди, деб ўйлади.

— Агар ўшанда бир оз кечиксам,— деди Андреј,— ҳозир энг бахтсиз одам ҳисобланган бўлардим. Ҳозир эса...— у кулди ва қизариб кетди.

Савин кулмай, жиддий қиёфада бош силкиди.

— Мен ҳам ўшанда кўриб олган эдим. Малла сочли экан!

... Тонков ва Григорьевнинг мақоласидаги қизил қалам билан чизилган жойларни Лобанов тақорор-тақорор ўқиди. У ўз олдида ўтирган Савнини ҳам унугиб, мақола нусхасини фижимлаб столга ташлади, кейин кенг керилган тиззаларига тирсакларини тираб, бошини кафтига қўйди.

Тонков-ку ўзи маълум одам, у ҳар қандай пасткашликдан ҳам қайтмайди, лекин Григорьевга нима бўлди? Улар қандай қилиб бир фикрга кеслишдикин? Фараз қиласайлик, Андрей Григорьевга берган махсус схема ишга яроқсиз чиқсан бўлсин, лекин бунга локаторнинг нима алоқаси бор? Ахир Андрейнинг ўзи ўтказган ҳамма сўнгги синовлар яхши натижалар берди-ку. Тушунарли, улар локаторни шубҳага чулғамоқчилар... Лекин Григорьевга нима бўлди? Унинг бу жирканч ишда иштирок этган бўлишига ҳеч ишониш мумкин эмас.

— У билан бир гаплашиб олинг.

— Григорьев ҳозир бу ерда эмас,— деди жаҳл билан Андрей.— Аллақаңдай җомандировката кетибди.

Кейин у бирдан кулиб юборди. Маълум бўлишича, у юқоридаги Тонков билан Григорьев мулоҳазасини овоз чиқариб гапирган экан.

— Иккidan бири,— деди Савин унинг кулиб турган юзига қовоқ остидан қараб,— ё сиз ўз локаторнинг изга қаттиқ ишонгансиз, ё бўлмаса ҳаддан ташқари бепарволик қиялпсиз.

У локаторига ишонишга ишонади-я, лекин бу мақола унга деярли ҳеч таъсир қилмагани ҳам тўғрига ўхшайди. Шундай бўлса ҳам у шу сўнгги йил ичидагуда ўзгариб кетди. Рақиблар билан тинмай кураш олиб бориш уни анча читниқтирди. Бундан ташқари, у Марина га муҳаббатини изҳор этган кундан буён ўзини жуда яхши ҳис этар, гўё қалбида бир ширин туйғу пайдо бўлган-у, бу туйғу уни ҳар хил нуқсонларга эътиборсизлик билан қарашга судрар. ўз кучига беҳад ишонч ҳислари унга қанот багишлагандек бўларди.

«Ҳечқиси йўқ,— деб ўйларди у.— Бунинг нима алоқаси бор? Локатор ишлайпти, бундан буён ҳам ишлайди. Григорьев келса, ҳамма гап очиқ-ойдин бўлади. Энг муҳими бу эмас-ку?»

Савин бош чайқади.

— Масалага жиддийроқ Ҷаранг,— деди у гўё Андрейнинг фижрларини билиб тургандек.— Бу мақола

ишининг кўзини билган ёламнинг қўлида ёмон мақсадлар учун қўлланувчи ашаддий қуролга айланиши мумкин.

Андрейнинг қиёфаси жиддийлашди. У мақола нусхасига тикилди ва шундагина биринчи марта бу мақола қандай қилиб шаҳар партия комитетида пайдо бўлиб қолгани тўғрисида ўйлай бошлади. Мақоланинг локаторга тегишли бўлган ерларини ким мулизиматлик қилиб тагига чизганкин?

— Эсингиздами, локаторингизни муҳокама қилиш учун кенгаш чақиринг деб маслаҳат берган эдим?— деди Савин.— Менимча, фурсатни қўлдан бермай, дарҳол кенг мунозара ўтказиш керак.

Улар кенгаш тафсилотлари устида келиша бошладилар. Савин ўз дафтарига ёзатуриб, тўсатдан савол бериб қолди:

— Айтингчи, Потапенко бosh инженер бўла оладими?

Андрей ажабланганича унга бақрайиб қолди.

— Потапенко?

— Ҳа, Потапенко, нега ажабланаяпсиз?

— Йўқ, бўла олмайди.

— Нега?

Андрей пешонасини тириштириди.

— Ҳм.. чунки у шу ўринни эгаллашга жуда интилиб ётибди.

— Биласизми, бу гапингиз ҳеч нарсадан далолат беролмайди. Балки, у ўзини шу мансабга лойиқ одам деб ҳисоблар.

Лобанов тувақиб кетди ва Виктор тўғрисида ўзи қандай фикрда бўлса битта қўймай очиб солди.

Савин Лобановнинг қизғин нутқини эшитиб ўтиаркан, аҳён-аҳёнда ўз мулоҳазаларини қистириб қўяр, Андрей эса унинг баъзи мулоҳазаларига эътиroz билдира, баъзиларини маъқул топарди. У беихтиёр ўзининг Савин бошлаб бораётган йўлдан кетаётганини сеза бошлади, Андрей Потапенко тўғрисида, унинг ишлари, бутун Энергосистеманинг ишлари тўғрисида билганларини гапириб берди, аммо Савин шу айтилганлардан энг муҳимларини танлаб олиб, Потапенкони Андрейга намойиш қила бошлади — Андрейнинг кўз олдида аста-секин бутунлай ўзгача Потапенко намоён бўла бошлади.

— Янги техникага тўсқинлик қиласаябдими? — деб сўради Савин.— Бу ҳол деярли ҳамма бошлиқларда ҳам учрайди... Дачаси бор, машинаси бор денг? Сиз ўзингиз, дачангиз, машинаңгиз бўлса, воз кечармидингиз?.. Рейнгольд масаласими? Мана бу ҳақиқатга яқинроқ нарса. Сиз қандай фикрдасиз, унинг шахсий манфати иш манфаатига қарама-қаршими?

Савин у ёқдан-бу ёққа юра бошлади, кейин кресло орқасига бориб турди.

— Мана, ҳамма «ҳа, қарама-қарши» деб айтишга тайёр,— деб хаёлчанлик билан гапида давом этди у,— лекин сизда ҳам, бошқа ҳаммада ҳам бундай қарама-қаршилик содир-ку.

Андрей Савиннинг Советлар саройида юз берган воқиага ишора қилаётганини билиб, мийифида кулиб қўйди.

— Содирликка содир,— деди кескин қилиб у.— Лекин Потапенконинг бутун қилган иши унинг ўз шахсий манфаати учун хизмат қиласиди. У ҳеч қачон иш тўғрисида ўйламайди, у ҳамма вақт ўзини ўйлайди. Унинг учун иш мансаб учун восита, ўз муваффақиятларини мустаҳкамлаш ва яна юқорироқ амалга эришиш учун бир восита, холос.

Савин қаддини ростлаб, пешонасига тушган соchlарини орқага силтаб қайтарди.

— Фараз қилайлик сиз деярли ҳақсиз. Лекин, менимча, Андрей Николаевич, бутун ҳақиқат фақат шунинг ўзидангина иборат эмас. Мен ҳам, кўпинча, нега бу тоифадаги одамларни тушуниб олишга қийналамиз деб, хаёл суринет кетаман. Мана, сиз ҳам Потапенкони яхши биларкансиз, лекин унга бутунлай тушуниб олмабсиз, шунчаки ҳис қилибсиз... холос.

Андрей хаёлчанлик билан юзини ишқалади.

— Менимча... капитализм сарқитлари, айтайлик, ҳар хил ўғирликлар, порахўрликлар дарҳол кўзга ташланади, у нуқсонларни ҳамма ҳам кўра олади, аммо бу...— у гапдан тўхтаб, Савинга сўроқ ишораси билан тикилди.— Биласизми, Потапенко ва унга ўхшаганлар ўғирлик қилмайдилар.... Улар бошқача йўл билан ҳаракат қила дилар. Партия планни олдинга сурса, у шу план учун кураш принципидан фойдаланади. Агар танқид талаб қилинса — шу танқиддан фойдаланади... Сиртдан қараганда ҳаммаси дуруст, иш тўғри кетаётганга ўхшайди... Ас-

Лйда эса, бу мансабга интилишдир. Потапенконы йўлдан оздирган, бузган нарса ана шу. Шуҳратпастлик, амал-пастлик. Қаёқдан пайдо бўларкин ўзи булар-а?

— Яна, ғоясизлик денг, шуни унутдингиз,— деди Савин.

### ЎТТИЗ ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Ҳисобот-сайлов партия мажлиси иккинчи кун давом этадиган эди. Партияниң янги составига номзодлар кўрсата бошладилар.

Виктор Потапенко энг биринчи қаторда, эшик олдида ўтиради. Утган ҳафта ичида у зўр бериб мажлисга тайёрланди, гумонсираган душманлар билан келишиб олиш, энг нозик дипломатик муносабатлар юритиш билан банд бўлди. У ўзининг бош инженер бўлиб сайланганида нималар қилишини одамларга жуда усталик билан уқтириди. Одатда Виктор психологик ишларни ва найрангларни яхши кўради, аммо ҳозир у ўзини жуда ҳоргин ва эътиборсиз ҳис қила бошлади.

Мажлис бошланмасдан олдин бошқарма бошлиғининг муовини Ивин, ўзининг гўштдор қўли билан унинг елкасига қоқиб кулимсираб деган эди: «Партияниң бўлишинг аниқ. Бош товламайсан. Сайлов ўтгандан кейин сеникига борамиз, унумта. Қалай, Елизаветанг шампанское тайёрлаб қўйиптими?»

Виктор бир хўрсиниб, ўзига хос бўлмаган очиқлик билан деди:

— Э, биродар, шампанское қаёқда дейсан? Уйимда шундай совуқ жанг кетяптики, асти сўрама.

Шу пайт уйига телефон қилгиси келиб кетди. Ўзи шундай телефон қилса-ю, Лизанинг овозини эшитса. «Витёқ, хотиржам бўл, ҳаммаси жойида бўлади, сен менинг доно, ажойиб эримсан»,— деса у, ё шунга ўжшаган бемаъни, аммо қалбдан меҳрибон сўзлар айтса; унга фақат Лизагина шундай гапира оларди. Лиза у билан сўнгги марта шундай меҳрибон муносабатда бўлганига анча йил ўтиб кетганга ўхшайди. Балки, унинг бу кунигий сайловдан қилган кўпгина умидлари орасида энг муҳим ва энг сирлиси, зора Лиза мени ҳақ деб ўйласа, деган орзудир. Уни сайлашган бўлса, демак яхши кўри-

шаркан, унга ишонишаркан, ўз ишида нима қилган ва қилаётган бўлса, у, ҳаммаси тўғри экан, деб ўйласа. Шундан кейин Лиза қилган гумонларидан афсусланади, улар яна эскича яхши турмуш кечира бошлайдилар. Эҳ, ҳеч бўлмаса оиласинг тинчлиги, уйнинг хотиржамлиги учун парткомга аъзо бўлиб кириш унинг учун нақадар зарур эканлигини залда ўтирганлар билишса эди...

У шубҳа билан залга назар ташлай бошлади. Бир неча қатор кейинда унинг бўлимида ишловчи ёш инженерлар ўтирадилар. Виктор шу инженерлар орасида ўтирса дуруст бўларди, унинг тўғрисида гап-сўз бўлмасди, ёинки сўзга чиқмоқчи бўлганларни қайтарарди. Лекин энди жой алмаштириш пайти ўтди. У телефон олдида анча вақт типирчилаб туриб қолди, лекин барибир Лизага телефон қилишга журъат этолмади.

Унинг кўзи инженер Поляковга тушди-ю, кўнгли бир оз тинчланди. Бугун эрталаб у Поляковга, агар вазият ўзгаргудек бўлса, инспекция бошлиғи бўлишинг муқаррар, деган маънода тил учида тушунтириб қўйган эди. Поляков ёш, серғайрат инженер бўлиб, инспекция бошлиғи унга ҳеч тинчлик бермасди. Шунинг учун Виктор ўзининг адолатли ва ишнинг фойдасини кўзловчи сўзларини эслаб, яна завқланиб кетди.

Поляковга яқин ерда Лобанов, Борисов ва яна бир неча лаборатория коммунистлари ўтирадилар. Виктор Тонков билан Григорьевнинг мақоласини эслаб, Андрейга гўё маҳкум қилинган одамга қарагандек қараб қўйди.

Викторнинг кўзи Борисовнинг кўзига тушиши билан ўзининг жилмайиб ўтирганини яшириш мақсадида, юзини четга бурди. Кеча Борисов қанча уринса ҳам, унга сўз бермадилар. Президиумда, раиснинг олдида ўтирган Долгин Борисовнинг фамилиясини сўзга чиқувчилар рўйхатининг энг охирига тиркаб қўйган эди. Кейин, вақт кеч бўлиб қолгани учун музокарага чиқиши тўхтатишга қарор қилдилар. Энг сўнгги сўзга чиққан райком секретари Ковалевскийдан олдин Викторга сўз бердилар.

У нутқини ўзини танқид қилишдан бошлади, унга қарата айтилган кўп айбларни бўйнига олди. Викторнинг бошқа сўзга чиққанлардан фарқи шу эдик, у қоғозга қарамай гапирди — бу ҳаммага ёқди. У урушнинг даҳшатли кунларини хотирлаб, келажак ишларнинг порлоқ истиқболлари устида тўхтаб, мажлисда ўтирган-

ларни таъсиrlантириб юборди. Ҳамманинг кўнглидаги гапни — жомакор устида бўлаётган бетартибликни жуда усталик билан гапирди. Ўзидан олдин сўзга чиққан бир кишининг ғоят шафқатсиз гапирганини эслаб, баъзи ўртоқлар лаганбардор бўлиб қолишдан шу қадар қўрқадиларки, натижада улар ҳар қандай бошлиқни ҳам ҳақорат қилишдан тоймайдилар, деди. Викторнинг сўзларига қарсаклар чалишди, ҳатто Ковалевский ҳам унинг сўзларини маъқуллаб, қарсиллатиб чапак чалди.

Бугун Долгин раислик қилаётган эди. Виктор Долгиннинг репродукторларни дириллатувчи дафал овозига диққат билан қулоқ соларкан, улар икковлари мажлис бошланмасдан олдин унинг бузилмас тартибини синчиклаб ишлаб чиққанларини эслади.

Тайинлаб қўйилган дастлабки икки кишининг номзоди дарҳол тилга олинди. Энди учинчи номзод қилиб Викторни кўрсатишлари керак эди. Лекин Поляковдан олдинроқ бир неча одам қўл кўтарди. Долгин бу қўлларни кўрмагандай, Поляковни ахтариб топиб, унга сўз берди. Долгиннинг асабланаётгани кўриниб турарди. Сустлик ва ҳаяжон Викторни яна кучлироқ қуршаб олди.

— Бу қандай тартибсизлик,— деди унинг яқинида ўтирганлардан бири.— Мен, ахир, ундан олдин қўл кўтарган эдим-ку...

Лекин Поляков бу пайт тез-тез юриб минбарга чиқа бошлади. Виктор енгил нафас олди.

Потапенко номзодликка кўрсатилган фурсатдан бошлаб Майя сергак бўлди. Наҳотки, бўлаётган воқиани ҳеч ким кўрмаса? У атрофга аланглаб қаради. Йўқ, йўқ, атрофдаги одамлар ҳам унга ўхшаб хўмрайиб, безовта бўлиб ўзаро гапирмоқда эдилар. У ўз ёнида ўтирганларга қаради. Лобановнинг чаккаларига қип-қизил қон қўйилди, Борисовнинг қора кўзлари маъюс чақнарди, бу аломатлар Майяга таниш.

Сўзга чиқсинмикин? Ҳозир у албатта сўзга чиқиши ва:— Нима бўляпти ўзи бу ерда? Потапенконинг кимлигини биласизларми ўзларинг? Наҳотки, равshan бўлмаса?..— деб қичқириши керак. Унинг гапини маъқуллашлари турган гап. У ёлғиз эмас.

Борисов қўлини баланд кўтариб, сўз сўради. Долгин унга эътибор бермасдан шоша-пиша сўзга чиқувчилярнинг фамилиясини айта бошлади. Улар минбар-

га чиқиб, янги-янги номзодларни такліф қиласылар. Бирок, залда минут сайнин шовқин, норозилик күтарила бошлади.

— Мен Потапенконинг сайланишига қаршиман,— деди Андрей.

Борисов жағл билан унга тикилди.

— Фақат Потапенконинг ўзи эмас. Қара, Зоринни ҳам күрсатиши. Яна Долгин унинг соясида хўжайинлик қилмоқчи... Оқибат нима бўлишини тушуняпсанми?... У тишларини ғижирлатиб, яна қўлини кўтарди.

— Борисовга сўз берилсин! Борисов сўраяпти!— деб қичқириб юборишидь Андрей билан Майя Устинова. Кейин бир-бирларига қувонч билан ва негадир уятчанлик билан қараб қўйдилар.

Долгиннинг бақрайган кўзлари одамлар боши узра қаёқларгадир тикилди, кейин қўлида ушлаб турган қоғозга қаради.

— Сўз ўртоқ Марченкога,— деди Долгин шоша-пиша.

Ҳали қўл кўтаришга ҳам улгурмаган Марченко пари-шэнлик билан ўрнидан турди. Залдаги одамлар кулиб юбориши. Борисов бўздек оқариб кетди. У дик этиб ўрнидан турди-ю, рухсат сўраб ўтирасдан Марченкодан олдинроқ саҳнага чиқиб олди.

Борисовнинг минбарга эмас, президиум столи олдинга келаётганидан Долгин алданиб қолди. У Ковалевскийга энгашиб алланима дея бошлади. Худди шу пайт Борисов Долгиннинг қаршисида тўхтади, столда ётган қофозни баҳузур қўлини олиб, кейин минбарга яқинлашди.

— Ўртоқ Марченко,— деди Борисов кучаниб қўлидзиги қофозга тикиларкан.— Шошманг. Сиз учун мен айтиб қўя қоламан, сизга Степиннинг номзодини кўрсатиш топширилган экан. Тўғрими?

Марченко йўл ўртасида тўхтаб қолиб, қулогини ишқалаб, истар-истамас:

— Тўғри,— деди.

— Сиз уни яхши биласизми?— деб сўради Борисов.

— Кўрганман,— деди Марченко ва елкасини ҳисиб, бўш жойга ўтириди.

— Ўртоқ Виноградова!— деб қичқирди Борисов.

Бир ёш ишли аёл ўрнидан турди.

— Ўртоқ Виноградова, сиз Долгиннинг номзодини кўрсатишингиз керакми? Сиз у билан бирга ишлаганими-

дингиз? Ё ўқиганмидингиз?— олдинга ташланиб сўрай бошлади Борисов.

Виноградова қизариб кетди ва лабларини қимиrlатиб, алланималар деди, лекин унинг сўзини ҳеч ким эшилмади.

Борисов рўйхатни ўқишида давом этди. Залдаги шовшув борган сари зўрая бошлади. Долгин бидирлаб Ковалевскийга алланималарни гапирди.

Борисов микрофонга энгашиб деди:

— Ўртоқ Долгин олдиндан ҳамма ишни қойил қилиб қўйганга ўхшайди — партком составининг рўйхати ҳам, кимни ким номзодликка кўрсатиш ҳам бу ерга ёзилган.

— Тайёргарликни боплабди!— Бир ёш йигитнинг истеҳзоли овози эшилди. Орқа қатордагилар ўринларидан тура бошладилар.

— Ўртоқ Борисов,— деди Долгин,— мен сизга сўз берганим йўқ.

— Гапирсин, майли!— деган овозлар янгради.

Ковалевский афтини бужмайтириб, Долгинни четлашиб ўрнидан турди, шов-шувни тинчлатиш мақсадида қўлини кўтарди. Орага дарҳол жимлик чўкди.

— Нима истайсиз, ўртоқ Борисов? Мажлисимиз бетайнлик билан, бир тоғдан, бир боғдан бўлиб ўтсинми? Яшасин анархия-ю, партия раҳбарлигига ҳеч кимга таниш бўлмаган тасодифий одамлар кириб қолсинми? Эҳтимол, ўртоқларингиз мажлиси тайёрлашни бир оз ошириб юборгандир, лекин партком ўз номзодларини кўрсатишга ҳақли. Сиз, ҳамма кўрсатилган одамларни ғадқилмоқчимисиз?

— Нега?— деди Борисов бир оз саросималик билан.— Бу ерда номзодини қўрсатишга лойиқ ўртоқлар ҳам кўп.

— Ундай бўлса,— деди Ковалевский,— ўша баъзи бир шахсларнинг номзодини рад қилиб, очиқ-оидин сўзланг. Сизга ҳеч ким тўсқинлик қилмайди. Менимча, ўртоқлар, масала равшан бўлса керак?— деди у қатъий қилиб ва жойига ўтирди.

— Йўқ, равшан эмас.— ёдеб қичқиришди залда ўтирганлар. Баланд бўйли, бир оз буқчайган киши ўрнидан турди. Бу хўжалик бўлимидаги ишловчи дурадгор, парткоунинг аъзоси эди. У, қўлини оғзига карнай қилиб йўғон овоз билан қичқирди:

— Бу одамларни ким танлаган?

— Мен ҳам шунга қизиқяпман,— деди Борисов,— бу номзодларни қаердан олдингиз, ўртоқ Долгин?

— Мажлисни партия комитети тайёрлаган,— деди асабийлашиб Долгин.

— Партия комитети мажлисни мана бу йўсинда тайёрлашига ҳеч ишонмайман,— деди Борисов қўлидаги рўйхатни силкиб.

Ҳалигача тикка турган дурадгор қўлларини ёйиб, ажабланди.

— Ўртоқлар, ўзи нима гап? Биз Зоринни ҳам, Долгинни ва Поталенкони ҳам номзодликка кўрсатмаган эдик-ку, мен ҳам партком аъзосиман. Мен бу рўйхатни шу ерда кўриб турибман.

Долгин қўнғироқчани микрофонга яқинлаштириб, қулоқни кар қилгудек қаттиқ чала бошлади. Залда шовшув тинай дегач, Долгин гўё ҳеч иш содир бўлмагандай, Борисовни сўзлашдан маҳрум қилиш, номзод кўрсатишни тўхтатишни тақлиф қилди.

— Сиз раислик мансабидан фойдаланиб хиёнат қиляпсиз,— деди Борисов баҳузур.— Овозга қўйинг.

— Ўртоқлар, билиб қўйинг, шундай бўлса, бугун ҳам тамомлай юлмаймиз,— деди Долгин пўписа қилиб.

— Майли, кечиксак, жечикармиз,— деб қичқирди кимдир.

— Топган баҳонасини қаранг-у!— деди ҳаяжон билан Новиков Андрейга.

Долгин масалани овозга қўйишга мажбур бўлди. Борисов кўпчилик овоз билан нутқини давом этдириш ҳуқуқига эришди.

— Биз,— деди Борисов,— ҳар қандай мажлисни олдиндан тайёрлаш шартлигини биламиз. Агар партком синчилаб текшириб бизга лойиқ номзодларни кўрсатса, бунинг ҳеч ёмон ери йўқ. Лекин Долгин партия мажлисига тайёргарлик кўриш принципини бузиш билан бирга, яна партия турмушимизнинг асоси ҳисобланган колектив раҳбарлик қилиш принципини ҳам бузган. Оқибат нима бўлди, ўртоқлар? Мана Долгин Марченкога Степиннинг номзодини кўрсатишни буюрпти. Марченко эсабизга ишга кирганига ҳали ҳеч вақт бўлгани йўқ, у Степиннинг кимлигини ҳам билмайди. Мен уч марта қўл кўтариб сўз сўрадим, мен ҳам Степинни кўрсатмоқчи эдим. Мен у билан ўн беш йилдан бери бирга ишлайман. У

жуда яхши коммунист. Менга сўз беришмади, мени Долгинга ёқмайдиган одамни кўрсатиб қўяди деб қўрқишиди. Мажлисни тайёрлаш, ўртоқ Долгин, ҳар бир коммунистни унга жалб қила билишдан иборат. Мажлисда ҳар бир одам ўзини хўжайин сифатида ҳис қиласин. Сиз эса аксинча иш қиляпсиз.. Йўқ, сизнингча бўлмайди! Биз партияминг обрўсими ҳимоя қиламиш, бу ерда эса.— у муштумини кўтарди,— бу ерда шу партия обрўсими ўзларининг шахсий манфаатлари учун ўғирламоқчи бўлжаптилар. Бу ишлар тасодифий ҳол эмас. Партия мажлисига тайёргарликда колективлик қонунини бузишдан мақсад, партком составига Потапенкога ўхшаш арбобларни ўтқизиш, Долгиннинг ўзини яна сайлашдан.. иборат.

— Биз ҳозир номзодларни муҳокама қилмаймиз,— деб Долгин унинг сўзини бўлди.

— Яхши,— деди Борисов,— сизнинг номзодларингизни алоҳида муҳокама қиламиш.

Бўғиқ, ғазабли шов-шув овозлари қаторлар оралаб ўрмалаб кетди, кейин бирдан шиддатли қарсак отилиб чиқди. Борисов залга тушиб бораркан, ўз қўлида муваффақиятсизликка учраган рўйхатни ҳам олиб кетди. Президиум столида ўтирганлар ўзаро маслаҳатлашиб олдилар. Кейин энг кекса коммунистлардан Кузьмич микрофонни ўз олдига сурди. Ростгўй бўлгани учун ҳамма уни яхши кўрар, ҳурмат қиласарди, шу ерда ўтирганларнинг кўпига партияга кириш учун рекомендация берган эди, шунинг учун у сийрак соchlарини силаб, Долгиннинг ўрнини эгаллаганида ҳамма маъқуллаб, тинчланди.

— Мажлисни тайёрлаш тўғрисида сиз, ўртоқ Ковалевский, тўғри гапирдингиз,— деди у.— Лекин парткомга ютаниш кишилар кириб қолади, деб чакки хавотирландингиз. Ўз одамларимиз тўғрисида биз муҳокама юритмай, ким юритсин? Биз, ахир ўз парткомимизни сайлаяпмиз...

Борисов ҳансираб, пешонасининг терини артиб, Маянинг ёнига бориб ўтирди. Орқа қаторда ўтирган бош бухгалтер унга энгашиб, деди:

— Сиз, Сергей Сергеевич, жуда ҳақ сўзладингиз, аллақачон шундай қилиш...

Борисов ўгирилиб унга жўзларини чақчайтирди.

— Менга пичирлаб нима қиласиз? Минбарга чиқингда, ҳаммага айтинг.

«Мен бўлсам, фақат аччиқландим,— деб ўзи-ўзидан нафрлатаниб ўйлай бошлади Майя.— Лекин чиқиб сўзлашга юрагим бетламади...»

Мажлисдаги одамларнинг кайфияти бутунлай ўзгача тус олди. Асабийланиш ва шубҳаланиш ўрнига одамлар энди жавобгарликни бўйинларига олиб туриб, номзодларни синчилаб кўрсата бошладилар.

Кандидатлар рўйхати жуда секинлик билан ўса борди. Мажлис баъзан чуқур ва оғир хаёлга чўмиб жимиб қоларди.

— Мана, кўрдингизми, бутунлай бебошлик бўляпти,— деди Ковалевский жаҳл билан Кузьмичга.

Кузьмич ҳамма эшитадиган қилиб микрофонга деди:

— Майли, ўйланг, ўртоқлар, тортилманг. Бизга ўн битта киши керак, сизлар кўпроқ кўрсатаверинглар, танилаб сайлансан.

Одамлар номзодликка лойиқларни эслашар, масла-ҳатлашишар, бошқалар билан тақослаб кўрадилар. Юзлаб киши ишлайдиган бу зал ҳозир одамларнинг осойишта ғовур-ғувури билан тўлган эди.

Ўн беш кишининг номзоди кўрсатилди. Уларнинг бир қисми Долгин тузган рўйхатда ҳам бор эди. Лекин энди улар мажлиснинг ўзи кўрсатган номзодлар эди. Шулар орасида Борисов ҳам кўрсатилди. Кўрсатилган ҳар бир номзодни қизғин, бекаму кўст муҳокама қилдилар. Зоринни деярли бир оғиздан рад этдилар. Долгиннинг номини тилга ҳам олмадилар. Бунинг устига бош инженер сўзга чиқиб, деди:

— Ўртоқлар, мен ҳам партком аъзоси эдим, бугун содир бўлган ҳодиса учун мен ҳам жавобгарман. Юзаки қараганда, Долгинни муҳокама қилишнинг ҳам ҳожати йўққа ўхшайди. Лекин у парткомга аъзо бўлиб кириб қолиши мумкин эди. Шунинг учун мен унинг тўғрисида гапирмоқчиман,— у пиджагини тортиб қўйиб, қаддини ростлади.— Келинглар, очиқдан-очиқ гаплашайлик: ростини айтсам, сўнгги вақтларда парткомда ёлғиз Долгиннинг ўзи хўжайинлик қилиб келди. Ҳар қандай масалани ҳам ёлғиз ўзи иш тартибида ҳал қиласидиган бўлди. Бу билан бизни ҳарқанақасига четлатишга уринди. Ялқов Зоринга бу тарзда ишлаш маъқул эди... Бизнинг қийин вазиятда қолган вақтларимиз ҳам бўлди: электролабора-

торияни, ўртоқ Лобановни қўлласб-қувватлашимиз керак эди. Лекин Зориннинг олдига маслаҳат сўраб кириб бўлармиди? У, албатта, бирон нарсани баҳона қилиб, ишни Долгинга оширади, Долгин эса...— Дмитрий Алексеевич қўл силтади.— Мана шундай қилиб, Долгин контролсиз раҳбарлик қила бошлади. Биз ҳам, албатта, бу ҳол учун жавобгармиз.. Биз унга йўл қўйиб келдик, ўзимиз четга чиқиб турдик... У гўё бизнинг номимиздан қўнглига келган ишни қилиб юраверди. Бугунги содир бўлган воқиа — бизга яхши сабоқ бўлди. Биз ҳар биримиз бу ерда залда ўтириб, ё мажлисдан чиққандан кейин гапирадиган гапимизни шу минбарга чиқиб гапирсак, ҳеч қачон бу Долгинлар бу ерда президиумда бўлолмайдилар.

Мажлис асосий масаладан Долгинни муҳокама қилишга ўтиб кетди, лекин бу ҳолдан ҳеч ким хижолат тортмади. Рейнгольд воқиасини эсладилар. Партияниң янги составига Долгин масаласини муҳокама қилишини юклаш керак деб қарор қилинди.

Шундан кейин Потапенконинг ғомзоди устида қизғин тортишув бўлди.

Унинг бўлимида ишловчи инженер Захарчук сўзга чиқди. У ҳар икки-уч жумладаң кейин стакандаги сувдан ҳўплаб, Потапенконинг танқидни бўғиши, янгиликдан қўрқиши, янги таклифларни йиллаб тузлаб қўйиши, янги техникадан бехабарлиги ҳақида гапирди, шунинг учун ҳам қўлқоп ва жомакор устида кўпроқ гапириб, ўзини кўрсатишга уринади. Шу сўнгги йил ичida, у ўзига қарши чиққан икки ходимни Долгиннинг ёрдами билан ишдан ҳайдади. Ўз атрофига лаганбардорларни тўплаб олган. Электролабораторияга қилган тўскунлигини айтмайсизми!

Захарчук сўзининг охирида шундай деди:

— Хуллас,— Потапенко шу сўзни айтишни яхши қўради,— ҳуллас, у ўз устида кўпроқ шуғулланиши керак... Партия аъзоси деган масъулиятли бурч уни ўз устида шуғулланишига халал бермасмикин деб қўрқаман.

— Одамни бекордан-бекорга қоралаяпсиз!— деб қичқирди Поляков. Лекин шу заҳотиёқ одамлар уни уришиб ташладилар:

— Жим!. Бор, минбарга чиқиб гапир!.. Бурчакка тиқилиб олиб бақиришини қара-я!

Кузьмич кулиб ўтиради, холос. Тартибни ҳам мажлиснинг ўзи жорий қилаётган эди. Энг майда икир-чики-

ригача Долгин билан Потапенко томонидан ўйлаб чиқилган мажлис тартиби улоқтирилиб ташланди. Бу найранглардан маъмурӣ ҳайқириқ, оддий коммунистларнинг иродасига, хоҳишига, ташаббусига жирканиб қараши сезилиб турарди, гёё ҳамма оддий коммунистлар учун кимни сайлаш, кимга ишониш барибирдай эди.

Виктор ўгирилиб қарашдан қўрқиб қреслога тиқилиб ўтирас, у орқаси билан, елкаси билан, бутун вужуди билан унга тикилган ўнлаб кўзларни ҳис қиласди: чеҳраси илжайганича қотиб қолган.

У ҳали ҳам президиумда ўтирган Долгин билан кўз уриштиаркан, ўз юзида илжайиш аломатларини сақлаб қолишга уринди; бу қарашларининг ҳеч қўрқинчли ери йўқ — мени ҳали сайлаб қолишлари мумкин, мен ҳали бош инженер бўламан, мен ўз ваъдамга вафо қиласман, мен сени техника бўлими бошлиғи қилиб тайинлайман. Ишқилиб, мени сайлашса бўлгани, яна ҳамма иш ўз ҳолига тушади. Агар мен партком аъзоси бўлолсам, сени қутқариб қоламан, деётгандек бўларди. Долгин уни ўрганаёттандек баҳузур тикилиб қолди. Кейин блокнотини олиб, алланималарни шоша-пиша ёза бошлади. Виктор чеҳрасида қотиб қолган табассумни йўқотмай, бирдан хаёлга чўмди: борди-ю, у парткомга ўтолмаса, у ҳолда Долгин ўзини оқлаб қолиш мақсадида, ҳеч мулоҳазанинг юзига бормай. уни ерга уришга, устидан аризалар, шикоятлар ёзишга киришиши турган гап. Демак, бу ҳолнинг олдини олиш керак. Долгиндек кишини юлиб ташлаш керак. Ҳа, ҳа, ҳеч бўлмаса, ўз вазиятини сақлаш мақсадида Долгиндан жудо бўлишга тўғри келади. Дарвоже, агар Долгин олиб ташланса, унда ишга фойда бўлади.

Виктор хаёл билан бўлиб, минбарга ўзининг эски таниши, Комсомолская ГЭСининг мастери Борис Зиновьевич чиққанини ҳам сезмай қолди. У гапга нўноқ одам эди. Қотмадан келган, пакана бўлгани учун бўйи микрофонга етмас, овози залдагиларга унча эшитилмас эди. Аммо шундай бўлса ҳам, унинг гапларига зўр эътибор билан қулоқ солдилар.

— Ўтган йили бизнинг подстанциямизда авария бўлган эди,— деди у.— Виктор Григорьевич кўрсаткич тушиб кетмасин, деб бу аварияни сир сақлансин, дедилар. Қасални яширсанг иситмаси ошкор қиласди... Айбимизни бўйнимизга олишимиз керак, ичимизда бундан

хурсанд бўлганлар ҳам бўлди. Мукофотдан маҳрум бўлишни истамадилар.. Оқибат нима бўлди денг. Оқибат, демак, ҳамма иш жойида экан. деб бизга қайта жиҳозлаш учун маблағ ажратмадилар. Натижада ўтган ойда яна авария юз берди. ўтган куни бўлса бир баҳтсиз ҳодиса содир бўлди. Ҳа... монтёrimiz куйиб қолди. Подстанциямиз жуда тор — бошимиз зўрға сиғади...

Унинг кетидан яна бир неча киши сўзга чиқди. Улар энди Потапенко тўғрисида эмас, балки Бошқарма ишидаги нуқсонлар тўғрисида гапирадилар. Бошқарма бошлиғи ҳам, бош инженер ҳам, бўлим бошлиқлари ҳам танқиддан қуруқ қолмадилар. Гўё ҳисобот доклади қайта муҳокама қилинаётганга ўхшарди, аммо бундан ҳеч ким хижслат тортмади.

— Нимасидан хижолат бўламиз? — деди Кузъмич.— Демак, кеча ёмон муҳокама қилган эканмиз.

Шундан кейин Ивин сўзга чиқди. У ўз мўлжалидан ҳам оҳисталик билан партком составига энг талантли ўсаётган ташкилотчи Потапенкони киритиш зарурлиги ҳақида гапирди. У жуда уддабуролик билан Борис Зиновьевични айбсита бошлади: айбни бошлиқлар устига қўйгандан кўра, хавфсизлик техникасини йўлга қўйиш керак,— деди у.— Бу техникани четлатиш бўлади. Бу усулда сиз хавфсизлик техникасига муюссар бўлмайсиз.

Бу жумла муваффақият қозонмади. Потапенкони бир оз кўпроқ овоз билан яширин сайлов рўйхатига киритдилар.

Борисов номзодини мастер Наумов кўрсатди.

— Борисов одамларни севади, унинг энг муҳим партиявий ҳислати ана шу,— деди Наумов тўлқинланиб,— Бундан ташқари бу ўртоқ мард... принципиал одам.

Андрей, уялганидан қип-қизариб кетган Борисовга кўз остидан қия боқа-боқа, Новиков ва Жуков билан муҳокама қила бошлади: улар агар Борисовни парткомга сайлашса, бизга яхши бўлармики, деб ўйлашди. Тағин уни секретарь қилиб сайлаб қўйицса борми, лаборатория учун катта йўқотиш бўлади.

— Ўзинг қандай фикрдасан? — деб хираглик қила бошлашди улар Борисовга.— Хоҳлайсанми?

У индамасди. Андрей қўйл кўтарди.

— Ҳаммаси равшан, яна нима керак,— деб қичқи-

ра бошлашди атрофдан. Лекин Кузьмич бир йўталиб олиб, илжайиб деди:

— Йўқ деяолмайман. Бошлиғим сўз сўрайпти.

Президиумдан зал жуда каттага ўхшаб кўринди. Иssiқ ҳаво титроқ билан шипдаги тўнкарилган қандилларга кўтарилади. Юзлаб кўзлар Андрейдан гап кутиб унга тикилиб турарди. Гапнинг очигини айтганди у бу ерга Борисов номзодини рад қилиш учун чиқкан эди. Борисовни ишдан озод қилиб парткомга олиб қўйишса, шу энг оғир пайтда лабораториянинг партия ташкилотида унинг ўрнини ким боса оларкин, деб қўрқаётган эди. Лекин минбарга чиқиш билан кўзи Новиковга, Жуковга, лабораториянинг ҳамма коммунистларига тушди. Бутун колектив олдида улар дарёдан бир томчи эдилар... Андрей дарҳол масалага тушунди: у бу катта коллективни энг яхши раҳбаридан маҳрум қилишга ҳақи йўқ эди.

— Борисов тўғрисида бу ерда айтилган барча яхши фикрларга қўшимча қилмоқчиман,— деди, у репродуктор орқали ҷучайтирилган ювозини ўзи ҳам танимади,— Борисов партиявий ишга жуда қобилиятли одам. Мен ўзимни мисол қилишим мумкин. У кези келганда менинг ҳам таъзиримни берарди. Унинг учун партия иши... Бу ишга у бутун қалби билан беришган... Хуллас, у жуда истеъоддли. Чиндан айтаман, ўртоқлар, бу юяг яхши иш бўлади. Мана. Зоринни олайлик, у парткомда ишлаш ўз бурчи бўлгани учун ишларди, шунинг учун ишининг мазаси бўлмади...

Виктор залдан чиқиб кетди. У қоп-қоронғи бўмбўш коридорларда дайдиб юрди, очкўзлик билан қаттиқ-қаттиқ тортиб папирос чека бошлади, боши айланди. Шундай бўлса ҳам, сайлаб қолишар?. Йўқ, ўзига ўзи қарши чиқса яхши бўларди. У сайланмай қолишидан ташқари, яна ҳамма қанча одам қарши овоз берганини эшитади.. Нега тақдир унга бу қадар шафқатсизлик қилди? Ахир, ҳаммадан ҳам унинг сайланиши зарур эди-ку. Унинг келажаги шу билан боғланган эди. Агар улар тушунишганда эди... Ҳеч бўлмаганда... Ҳали қайғуриш керак эмас. Бир амаллаб, тезроқ Долгинни четлатиш керак. Ҳали Тонқовнинг мақоласи запасда турипти. Кўрамиз, ҳали Потапенко уларга кўрсатиб қўяди!

Лекин бу сўзларнинг таги пуч эди.

## ҚИРҚИНЧИ БОБ

Савин билан учрашув, кейин партия мажлиси, Потапенко номзодининг муваффақиятсизликка учраши, Борисовни парткомнинг секретари қилиб сайланиши — бу ҳодисаларнинг ҳаммаси Андрейга ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. У яна янги куч ва ғайрат билан шу пайтгача ўз ҳаётида энг муҳим ҳисобланган орзузи ва тарафдудларига қайтди.

Бир ҳафтадан кейин олимлар уйида у доклад қилиши керак эди. Муҳокамага шаҳардаги барча қизиқкан институт ва корхоналарнинг вакиллари таклиф қилинган эди. Андрей докладдан ҳеч хавотирда эмас эди, локаторни далада синаш ишлари муваффақиятли ўтаётган эди, денгизчиларга чертёжлар юборилган эди, лекин Тонков, Григорьевларнинг мақоласи муносабати билан Андрей бир марта бўлса ҳам табиий шароитда синов ўтказиб кўришни истарди. У чинакам авария бўлган ерда заарланган жойни топиб кўришни хоҳларди. Бу ҳол унинг кенгашда, локатор ишга туширилган деб айтишига имкон туғдирарди.

Кунлар ўтиб бораарди, аммо аксига юриб линияларда биронта ҳам арзирли авария, ё бўлмаса шикастлашиш ҳодисаси содир бўлмади. Новиков билан Саша индамасдилар, лекин Андрей уларинг индамай таъна қилаётганини сезиб турарди: у агар ўшанда сон-саноқсиз тузатишлар деб ишни галга солмаганида, аллақачон локаторни синовдан ўтказган бўлардилар.

Доклади бўладиган куни эрталаб Стёпин телефон қилиб қолди. Унинг айтишича, кеча кечқурун учта катта уйни таъминлаб турувчи кабель узилибди, аммо измерителлар ҳалигача кабелнинг шикастланган ерини аниқ топа олмаётганишлар.

— Доклад дейсанми? Жуда соз! — деди Стёпин. — Бу кечқурун қиласидиган докладинг учун яхши совфа бўлади, аварияни топдим, деб баҳузур айта оласан. Мана, кўриб қўйинг, бу унақа-бунақа чакана тажрибалардан эмас, дейсан. Протокол тузишади! Қойилми!

Андрей ўз лабларида тўхтатиб бўлмайдиган жилмайишни сезиб, — ўз-ўзидан, айёр Стёпиндан ва мана шу маккор-илтифотли ҳодисадан аччиғланди.

— Ўйлаб кўраман, — деди у ғудурлааб.

Бутун группа ўйлай бошлади.

— Борди-ю, бирдан ҳалиги... ким билади дейсиз. Тағин уялиб қоламизми дейман,— деб бош чайқади Усольцев.

Новиков ҳам бир оз чўчиб турарди. Арзимаган нарса... қалтис ишнинг нима кераги бор? Тағин энг муҳими— доклад олдидан-а. Ахир бу фақат соф илмий доклад-ку...

Диспетчер телефони бирдан тез-тез жиринглаб, уларнинг мунозарасини бузди.

— Андрей Николаевич, салом. Наумов гапиряпти. Стёпиннинг айтишича, бизнинг олдимизга келишга иккиланиб турганмишисиз.

— Авария сизнинг участкангиздами?

— Менинг участкамда. Ҳожатимиэни чиқаринг.— Наумов Андреининг шубҳасини эшишиб хўрсинди.— Бу тўғрику-я. Келиб-келиб студентлар ётоқхонаси қоронғида қолди. Студентлар чироқсиз қийналиб қолдилар.

— Студентлар ётоқхонаси денг?..— тақрор сўради Андрей ўртоқлариға қараб.

— Сиз келмасангиз, биз балки яна бир суткагача қоронғида қолдириб қўйрмиз,— деди Наумов гапида давом этиб.

— Бир сутка дейсанми?.. Бу гапни сенга Стёпин ўргатган бўлса керак?

Наумов уялиб, гап тополмай қолди. Андрей, ҳозир ўз гапларини Стёпин коммутатор орқали эшитаётган бўлса керак, деб ўйлаб, деди:

— Ҳозирги диспетчерларга ҳайронман. жуда хира бўлиб кетибди-да. Айниқса Стёпин. У бир кесак билан икки қарғани уриб туширмоқчи...

— Борақолайлик. Андрей Николаевич!— деди Саша.

Андрей афтини бужмайтириб, микрофонга қараб турарди.

— Майли, борамиз.

Новиков жон-жаҳди билан қўл силтади.— Эҳ, таваккал!— Ҳамма жилмайиб, юзлари ёришиб кетди.— Соф илмни жин урсин! Бу соф илм ҳам худди тозаланган сув сингари bemaza ва ҳатто заарли нарса бўлса керак.

Киш пайтида шаҳар ичидаги шундай хилват ерлар учраб қоладики, у ерда болаларнинг қий-чувлари ҳам

Эшитилмайди, қалин қор эса, худди одам оёғи тегмаган, ўрмон ичидаги сайхон ерга ўхшайди. Гүё хаёлингда ҳозир бута остидан қуён сакраб чиқиб келаётгандек, тепадан, дараҳт устидан сап-сариқ олмахон қор силкиб тушираётгандек бўлади. Пастак деворнинг нарёғида, гавжум кўчадагига қараганда бу ернинг ҳавоси тозароқ, осмон яна ҳам кўм-кўкроқ бўлиб туюларди.

Улар ёпилиб қолган эски черков ёнидаги шундай бир хилват боғчага етиб келдилар. Билинг-билинмас сўқмоқ йўл трансформатор будкасига олиб борди. Машинадан асбобни тушириб, уни ўрнатишгунча Наумов Андрейни ер юстига ётқизилган кабель ёқалаб бошлаб кетди.

Қўринишда заранг бўлиб турган қор оёқ остида ўпириларди. Андрей кенг қадам ташлайдиган бўлгани учун Наумов босган издан юролмасди. Наумов ўзининг эски ямоқ пиймаларида чанғида кетаётгандек, Андрей олдида осонлик билан гүё сирғаниб бораарди. У ер остида кабель ёқалаб кетаётгандек, қаерда ўн йил бурун янги кабель улангани, қаерда занг босган кабель бўллаги ётганини худди ўз кўзи билан кўраётгандек ҳикоя қилиб берарди. Наумов фақат хотираси зўр бўлиб қолмай, кўп йил мобайнида ишлаш натижасида ички туйгулари билан кабелнинг нуқсонларини ҳис қиласди. Қўпинча у ўзи ҳам бу ишончли сезгининг қаёқдан пайдо бўлганини айттолмасди. У ўз вужуди билан қаерда кабель ёмон ётганини, қаерда сиқилиб қолганини ва қаерда исиб кетганини сезарди.

Улар ўткинчиларнинг оғзини очириб темир панжара орасидан ўтдилар, кейин трасса ёқалаб, қўчани кесиб ўтдилар-да, кўп қаватли студентлар ётоқхонаси дарвозаси юмон бурилдилар.

— Бўлиб ғолдингларми, азamatлар? — деб сўради Наумовдан қоровулнинг хотини. У эса айбдор одамдек кепкасини тўғрилаб қўйди-да, тапни ҳазилга айлантироқчи бўлди.

— Мана буни қаранг, тагин ҳазиллашади-я,— деди хотин аччиқланиб.— Одамлар қоронғида ўтиришибди-ю, бу бўлса қулади-я! Уларда ҳозир сессия пайти. Тушунасанми — сессия!

Уларнинг олдида елкаларига сумка осган бир йигит билан қиз келиб тўхтади.

— Қизиқ,— елкасини қисиб деди йигит,— булар

қайси усул билан шикастланган ерни топмоқчи бўладилар.

Наумов чидам билан тушунтира бошлади — кабелни измеритель билан ўлчаб кўрдик, лекин бу оғир ҳодиса. Оддий асбоблар шикастланган ерни ўн беш метр тафовут билан кўрсатади. Бундан аниқроқ маълумот олиб бўлмайди. Таваккал қилиб яхлаган ерии кавлаш жуда оғир. Аввал ўт ёқиб ерни эритиш керак.

— Нақадар қолоқлик,— деди йигит ачиниб,— электротехниканинг ҳозирги ривожи пайтида...

Андрей девордаги кабель учларини кўздан кечириб, студентларга яқинлашди.

— ...Ишонаманки, процизион кўприкдан фойдаланилса соз бўларди,— деди қизишиб студент.

— Сиз нечанчи курсда ўқийсиз? — деб сўради Андрей.

— Учинчи курсда, электромех... Нимайди?

Студент эгнига кўк пахталик камзул, оёғига қорга ботган пийма кийган, қиёфасидан бригадирга ўхшовчи кенг елкали бу йигитга танқидий назар ташлади.

— Курснинг нима алоқаси бор? Гап масалага илмий нуқтаи назардан қарашда. Мана, масалан бугун Олимлар уйида шикастланган ерни излаб топиш методлари ҳақида доклад бўлади. Бошлиқларингиз бориб эшитса дуруст иш қилган бўларди...

Наумов кулиб юборди.

Андрей ҳам шўхлик билан бир жиннилик қилмоқчи бўлиб деди:

— Бу олимлар қачон қарасанг бўлар-бўлмас нарсаларни ўйлаб чиқаришгани чиқаришган.

Студент ўз ҳамроҳи — қизга қараб маъюс илжайди:

— Шу ҳам фанинг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлиги бўлади-да.

— Сиз ўзингиз докладга борасизми? — деди Андрей.

— Албатта бораман. Докладчини бир уялтирай. Бошлаганидан кейин, тезроқ амалда татбиқ қилсин-да.

... Трансформатор будкасида тайёргарлик охирига етиб қолган эди. Андрей схемани текшириб чиқиб, ишни бошлашга команда берди. Новиков одат бўйича включателларни шиқиллатиб бурай бошлади. Наумов пахталик камзулининг юқори тугмасини ечди.

— Бир юз олтмиш метр,— деди Новиков.

— Бундан чиқди, бутхонанинг олдида экан. У ерда эски муфта ўрнатилган эди...

— Шубҳалана япсизми? — деди Саша қизишиб.

— Измерителлар бутунлай бошқа томонни кўрсатувдилар. Ўйнинг қаршисидаги панжара олдини.

Андрей экранга диққат билан тикила бошлади. 160 метрни кўрсатувчи белги устида импульс равшан, ўткир эди. Лекин 280 метрли белгида ҳам, измерителлар кўрсатган ерга яқин жойда ҳам ингичка кўкимтириш шуъла пайдо бўлди. Бу нима бўлди ўзи?

Новиков Наумов билан бошқа чиқди. Наумов 160 метрни ўлчаб қорга қозиқ қоқди. Ишчилар қор уюмини курай бошладилар. Ҳавода қуруқ қор тўзонлари учқундай чақнади. Компрессор ҳам етиб келди, тезда биринчи отбойка болғаси музлаган заранг ерга гурсиллаб туша бошлади.

Новиков будкага қайтиб кирганида, Лобанов билан Усольцев, 280 метр белги устида нозик шуъла қаёқдан пайдо бўлгани ва локатор кўрсатган маълумотлар орасида нега бунчалик катта фарқ содир бўлгани устида муҳокама қиласдилар.

— Қўйинг, Усольцев, жонингизни ачитманг, — деди Новиков қувноқ оҳангда. — Бизда хато бўлиши мумкин эмас. — У 280 белгисига яқин ерда ингичка импульс пайдо бўлганига бир неча гумонсировчи сабабларни келтирди: бунга электр токининг беҳуда сарфланиши ҳам, ўйноқи токлар ҳам ва яна анча-мунча сабаблар таъсир этиши мумкин.

— Йўқ, йўқ. Эсинг борида этагингни ёп, дейдилар. Фурсат ғаниматида текширишдан воз кечайлик. — деб ўқдира бошлади Усольцев Андрейга. Унинг мўйна қулоқчинининг бофичи энгаги остида ликилларди. Андрей Новиковнинг совуқдан қизариб кетган юзига ўгирилиб қарди. Унинг бошидаги яшил велюр шлягаси орқага сурилган эди. Андрей Новиковга қараб бир оз тинчланди. Лекин барибир, тезда бирор қарорга келиш керак.

— Биз шикастланган ерни топмагунимизча ҳеч нимани билолмаймиз, — деди у хаёлчанлик билан. — Икки юз саксонинчи метрда нима бўлаётгани ҳеч ақлга сифаятни!. Лекин локатор бир юз олтмиш метрни кўрсатябди. Кисқаси, бутхона олдидаги бир юз олтмишинчи метр масофадаги ерни кавлаймиз.

Ахир у ўз локаторига ишонадими, ё йўқми? Шунда

у энг сўнгги шубҳаларга барҳам бериб, милтиллаб турган экранга қараб деди:

— Барибир, масалани аниқлаб кўриш керак. Ҳа, бир юз олтмиш метр — бу факт.

Новиков Усольцевни бир чеккага бошлаб бориб, унга пўниса қилди:

— У доклад қилиши керак. Биласизми, қандай жанг бўлади у ерда? Сиз бўлсангиз, бу ерда валдираб ўтирибсиз. Нима бу сизга Ярославнанинг йифисими. Биз унга далда беришимиз керак.

Олимлар уйнда бўладиган доклад кеч соат еттига белгиланган эди, шунинг учун Андрей кавлаш ишининг охиригача кутиб турмасдан Усольцев билан бирга жўнаб кетди. Бу ерда Новиков билан Саша қолди. Үлар иш натижаси билан протоколни тўппа-тўғри мажлисга олиб боришлари керак эди.

Усольцев Олимлар уйининг меҳмонхонасида схема ва диаграммаларни осиб тайёрлагунча Андрей ўз фикрларини тўплаб олиш мақсадида қишки боқقا чиқди. Каттакон аквариумда олтин балиқлар оҳиста сузид юрадилар. Нам ҳаво гулларнинг бурун қичитувчи нордон ҳидлари билан тўлган. Андрей яшил печак девор орқасида туриб, балиқларни томоша қиларкан, ҳозир шаҳар чеккасидаги хилват боғчада, борган сари кенга-яётган чуқур лабида нималар юз берадётганини ўйламасликка уринарди... Шу пайт у беихтиёр аквариум ойнасида бармоғи билан «160», «280» рақамларини ёзаётганини пайқаб қолиб, ўзидан-ўзи аччиқланди ва қовоғини солиб олди. Бу икки рақам унинг фикрини бир ерга тўплашга халақит қилиб, хаёлидан ҳеч чиқмасди.

Қалин, яшил печак девор орқасидан аллакимнинг овози эшишилди:

— Йўқ, мен ишонмайман. Биринчидан, бу мақола...

— Лекин Тонков... — деб гап бошлади аёл киши.

— Тонков-ку тўғри, аммо Григорьев-чи?

— Айтишларига қараганда, у бугун келармиш,— деди аёл киши.

— Хуллас, бу ёш тентакнинг бутунлай расвосини чиқаришмоқчига ўхшайди.

— Ачинарли ҳол. Мен унинг локаторига шундай

ишонган эдимки, бизнинг қишлоқ электр тармоқлари учун жуда ҳам зарур эди.

— Биласизми, мен институтга кирганимдан кейин бутунлай тинчиб қолдим. Биринчидан сокинлик, заводдан кейин у ернинг тинчлиги кишини ҳайратда қолдиради.

— Иккинчидан-чи?

— Кечирасиз...

Хотин киши кулиб юборди.

— Сизнинг ҳамма гапларингиз фақат биринчидан экан-да.

Андрей нарироққа кетди. Бу эшитган гаплари унинг анча руҳини кўтарди. Вой, тинчликсевар-эй! «Тентак» дейди-я, мен сенга «тентак»ни кўрсатиб қўяман!

Кичкинагина зал одамларга тез тўла бошлади. Андрей Маринани утратиб, уни залнинг бир чеккасига олиб бориб ўтқазди. Шу пайт бирдан у Марина билан ёнма-ён ўтиришни, бошқа бирорвнинг докладини эшитишни, докладчига луқма ташлаб туриш ва паст овоз билан ўзаро гаплашишни хоҳлаб кетди.

— Бор энди,— деди Марина. У атрофда ўтирганларга эътибор бермай, Андрейнинг қўлини олди-да, уни аста силади.

Андрей эски, дўппайган бинафша ранг папкасини қўлтиғи остида маҳкам сиқиб раис томон юриб кетди. У илжайиб туриб одамлар билан кўришди, аммо миясидан бир хаёл ҳеч чиқмасди: борди-ю, бир юз олтмишинчи метрда ҳеч қандай шикастланиш бўлмаса-чи? Унда локатор нимани кўрсатган бўлиб чиқади? Йўқ, бўлмаган гап, 160 метр, вассалом... Эҳтимол, заарланиш иккала нуқтада ҳамdir?

Одамлар жой-жойига ўтираётган пайтда, илмий жамият раиси Андрейга пичирлаб деди:

— Қаранг, Тимофей Ефимович ҳам келибди.

Биринчи қаторда, Одинцовнинг ёнида оқ-қора арзлаш пахмайган сочли басовлат бир чол ўтиради. У иккала қўлини тиззаси орасида сиқилиб турган қўтириҳассасига қўйиб ўтиради.

Бу чолнинг образи Андрейга мактабда ўқиган давридан таниш. У электротехника фанини ўқиганда ҳам, газетадаги мақолаларда ҳам, қалин-қалин илмий журналларда ҳам бу чол тўғрисида ва унинг фаолияти тўғрисида кўп ўқирди. Андрей куродан-курсга ўтар чоғида ҳам, кейин аспирантурада ўқиб юрган пайтларида ҳам

бу олимнинг асарлариши ўрганиб, ҳар сафар ўзи учун янгидан-янги фикрлар топарди. Бу одам тириклик чоғидаёқ одамлар оғзида достон бўлди. У электротехникинг ҳамма соҳаларида асарлар яратган. Бу одам кекса электротехниклар гвардиясининг энг сўнгги на-мояндаларидан бири. Доливо-Добровольскийни, Поповни биларди, ГОЭЛРО планини тузувчилардан бири. Бутун электротехника, радио ва телефония тўғрисида-ги лекциялар ҳаммаси бир курсда ўтиладиган қадимги вақтдан бошлаб, унинг кўзи олдида содир бўлаётган ҳар бир янгиликка зўр эътибор билан қаарди. Алла-қачон радиотехника маҳсус фан сифатида ажralиб чиқиб, ўзи яна ўnlаб янги соҳаларга бўлиниб кетди, трансформатор мутахассислари аллақачондан бери уни-версал бўлишдан қолган, улар ё йирик трансформа-торда, ё кичик трансформаторда ишлайдиган бўлгандар, аммо Тимофей Ефимович ҳамон ўзининг машҳур ҳассасини паришонхотирлик билан дўқиллатиб, ўз қўл остидаги бепоён илм-фан майдонида ишонч билан йўл-йўриқ кўрсатиб, бир бўлимдан иккинчисига ўтиб юар-ди. У қандай ишга уриниб кўрмасин, қайси соҳада иш-ламасин, саҳиийлик билан ўткир фикрлар тарқатарди, бу фикрлар устида бутун-бутун коллективлар иш олиб борган ва бундан буён ҳам иш олиб боражаклар. Бу-гун бу ерда залда ўтирганларнинг кўпчилиги ё унинг ўқувчиси бўлган, ё унинг ўқувчиларининг ўқувчилари бўлган. Мана, Тимофей Ефимович бугун Андрейнинг докладини тинглагани ҳам келиби. Бўш келма, Андрей!

Тимофей Ефимовичнинг ёнида Одинцов ўтирибди. Унинг чеҳраси сирли. У Андрейнинг саломига қуруққина қилиб бош силкиб қўйди, холос. Гёё бегонага ўх-шайди. Қиёфасидан, қани қўрамиз, собиқ аспирантим, Андрей Николаевич, нимани ўйлаб топганкинсан?— деяётганга ўхшарди. Институтни ташлаб кетиб тўғри иш қилдингмикин ё адашдингми? Эсингдами, қузги йўл, чолнинг уйи? Ўша уйнинг эшиги сенинг юзинг олдида тарс этиб ёпилганига бир йилдан кўпроқ вақт ўтди... Бўш келма энди, Андрей!

Залда таниш ва бутунлай нотаниш одамлар қатор-қатор ўтиришибди. Анечка, шегадир Любченконинг ёни-да ўтирибди. Улар Андрейга табассум билан қараб алланималар тўғрисида ўзаро гапиришарди. Ана Нина,

Кривиший, Рейнгольд, Краснопевцев... Лаборатория инженерлари ҳаммаси шу ерда. Фақат Борисов йўқ. Андрей ҳали ҳам уни ўз лабораториясининг ходими сифатида ҳисоблади. Бугун Борисов райком бюросида уйжой қурилиши масаласида жанг қилияпти. У бугун эрталаб лабораторияга бир дам кириб кетди: «Бўш келма, Андрей!— деди у,— бугун сен билан биз ғалаба қилишимиз керак».

Андрей докладни шошмай баҳузур бошлади. Доклад бошлилангандан ўн минутча ўтгач, Тонков кириб келди. У эшик олдида туриб, кирсаммикин, ё қайтиб кетсаммикин дегандек, ёпишириб қўйганга ўхшаган ғоят қора соқолини силаб туриб қолди. Унга илтифот қилиб жой кўрсатдилар. У Смородиннинг ёнига ўтирди. Андрей бу икки ҳамфиркрининг бир-бирига маънодор қараб қўйганини кўрдий. Тонковнинг атрофига унинг группасидаги ҳамма аспирантлар, асистентлар, илмий ходимлар жойлашиб олган эди. Майя Устинова ҳам ўша ерда ўтиради. Сўнгги ойда Андрей уни деярли ҳеч кўргани йўқ, у, институтта Тонковнинг ҳузурига командировка қилинган эди. У ҳам тонковчилар қиёфасига бутунлай кириб олган эди.

Тонков ўзининг оппоқ тишларини кўрсатиб илжайиб, ҳар томонга таъзим қилиб, сўрашишда давом этарди. Ҳамма у томонга ўгирилиб қарай бошлади, залда ғовур-ғувур кўтарилди, раис тортинчоқлик билан қаламини графинга тегизди.

Андрей Тонковга тик қараб овозини яна кўтарди. Тонковнинг хатти-ҳаракати унинг жигига тегар, ўзи сезмаган ҳолда Тонков билан жанжаллашишга отланарди. Унинг сўзларидан мунозара қилишга интилаётгани сезилиб турарди. Андрей ҳужумга ўтди, аудитория (бу ерда тонковчилар озчиликни ташкил қиласидилар) мудофаага ўтди. Тингловчилар ўзларини пимадан ҳимоя қилаётганларини тушунмаганлари учун, кўнгилларида нотиққа иисбатан эътиборсизлик пайдо бўла бошлади.

Андрей шу пайт Одинцовнинг огоҳлантирувчи йўталини эшишиб қолди. Андрей институтда эканлигига, лекцияга тайёрланаётганда бир нарсага ҳаддан ташқари берилиб, бошқа томонга ўтиб кетса, Одинцов худди шу йўсинда йўталиб қўярди; бу димоқ билан секингина

йўталиб қўйиш одати шу ерда ўтирган Фалеевга ҳам, Зоя Крюковага ҳам, Андрейга ҳам жуда таниш эди.

Рост-да, Андрей фақат Тонков учун доклад қиляптими ўзи? Бу ерга тўплланган одамлар унинг хатолари, янглишларини эшитувчилар эмас, балки меҳрибон, жиддий дўстлар ва у билан дўстлашмоқчи бўлган кишилар эдилар. Алоқачилар, трамвайчилар, радиистлар — буларнинг ҳаммасига ўтказиш линияларининг кабеллари учун локатор керак эди.

Шунда, у тингловчиларнинг дўстона эътиборига таслим бўлиб, аста-секин ҳовридан туша бошлади, ўзининг нимадан шубҳаланаётганини очиқдан-очиқ сўзлаб берди; у Тонковнинг бу ерда ўтирганини унутиб юбориб, локаторга қарши қандай эътиrozлар бўлишини ўзи очиб ташлади.

— Мен ўзимнинг ноҳақ эканлигим ҳақидаги фикрни асос қилиб олиб, буни текшириш орқали тасдиқламоқ чи бўлдим...

Одинцовнинг лаблари маъқулловчи тарзда хиёл жилмайди, лекин буни Андрей сезмади. Агар у шу залда ўтирганларни ўзига жалб қила олса ва илҳомлантира олса, ўзини қанчалик қурдатли ҳис қилган бўларди! Тонковнинг фикрича, у ҳозир қўпол хатолар қилаётганини билса ҳам локаторнинг биронта ҳам нуқсонини сир сақламади, ҳатто қўпчиликнинг хаёлига келмаган камчиликларни ҳам фош қила бошлади. Гўё у кафедрадан четлашиб, ҳар бир одамнинг ёнига ўтирап, у билан маслаҳатлашиб, яна қандай янгилик киритиш мумкин деб сўраётгандай бўларди.

Тингловчилар аста-секин унинг фикрлари оқимиға қўшила бошладилар. Улар Андрей билан биргаликда ташвишланишар ва ўйлашарди. Албатта улар орасида, агар сен шунаقا бўлсанг, мен ҳам шунақаман дегувчи ихлос қўйганлар ҳам бор эди.

Андрей Тонков билан Григорьевнинг мақоласи тўғрисида докладнинг охирида гапирмоқчи бўлди. У пайтгача Новиков текшириш натижасини олиб келиб қолар деб ўйлаган эди. Шунда Андрей: «Тонков билан Григорьевнинг журналда босилиб чиқсан мақолаларига келсак, мана бу протокол унга энг яхши жавоб бўлади» дейди. Агар Новиков келиб улгура олмаса, унда Андрей далада ва лабораторияда қилинган тажриба-

ларни далил қилади, протоколни охирги сўзга чиққанда ўқиб беради.

Шу пайт эшик «ғирт» этиб очилди. Андрей кўзлари ни эшикка тикиб, кириб келаётган Григорьевни кўрди.

Тонков ўгирилиб уни кўрди-ю, ёқтиргмагандай, ажабланди. Афтидан, Григорьевнинг бу ерга кириб келиши Тонков учун кўнгилсиз ва қутилмаган бир ҳол эди. У қатъий равишда Григорьевни имлаб ўз ёнига ўтиришини талаб қила бошлади. Григорьевнинг юзи аламли бужмайиб, у секингина юзини силаб қўйди.

— Матвей Семёнович,— пи chirlab чақирди уни Тонков.

Григорьев ерга тикилганича, қатор орасидан ёнламаси юриб, Тонков олдига бориб ўтириди.

Қизиқ, ҳатто Савиннинг кабинетида мақолани ўқиғанида ҳам Григорьевга нисбатан ҳеч қандай душманлик туйғуси уйғонмаган эди, фақат бир оз ўзини ноқулай ва уятли ҳис қилди. Ҳозир ҳам Андрей ўзини ноқулай ҳис қила бошлади, у ҳозир Тонков билан Григорьев ўртасида бўлган қисқагина ҳодиса тўғрисида ўйлаб ўтиришга ҳам вақти йўқ эди. У Григорьевга қарамасликка урина бошлади, лекин у ҳозир қай томонга қарамасин, бу Григорьевга қарамасликка уриниши унга халяқит қиласиди.

Бирдан у мақола тўғрисида оғиз очмасликка қарор қиласиди. Шунинг учун докладнинг охри мумжал чиқди.

Унга бир неча хат келди. Хатда, локатор қанча турди, шу усул билан газопроводларда содир бўлган ёрилишларни аниқлаб бўладими, деган ва шунга ўхшаш саволлар ёзилган эди.

Любченко ўтирган еридан туриб сўради:

— Андрей Николаевич, Тонков билан Григорьев тажрибасида локаторингизнинг муваффақиятсизликка учраганига қандай қарайсиз?

— Сиз, мақолани назарда тутаётган бўлсангиз керак,— деди Андрей.— Авторлар шу ерда ўтиришибди. Ишонаманки, улар бу ерга чиқиб, батафсил айтиб беришса керак.

Тағаффус вақтида Андрей олдига Одинцов келди.

— Доклад ёмон эмас,— деди у жиддий оҳангда,— лекин мен сизга, формулани камроқ ишлатинг, деб минг марта айтган эдим.

Шунда Андрей, Одинцов уни кечирганини сезди. Андрей яна ўзига умрбод яқин бўлган қадрдан Одинцовни ўз устози деб ҳис қила бошлади.

— Музокарага чиқувчиларнинг гапларини ортиқча кўнглингизга олманг,— деб маслаҳат бера бошлади Одинцов.— Ишончга манзур бўлган назария, ҳар қандай ҳужумга ҳам бардош беради. Сиз бир йил олдинда яшанг.

Унинг бу гапларидан қаттиқ ҳужум бўлиши сезилиб турарди. Тонковнинг кучини билувчи одамлар учун, айниқса Андрейнинг Тонковга қилган ҳужумидан кейин унинг аҳволи аянчли кўринарди.

Андрей Марина билан зина майдончасига чиқди. Пастда Усольцев деразадан кўча томонга тикилиб турарди.

Смородин келиб, илжайиб Андрейга қўл чўзаркан, уятсиз чақнаб турган кўзлари билан Маринани бошдан-оёқ кузата бошлади.

— Андрей Николаевич, Любченкога берган жавобингизни қандай тушунса бўлади? Нима бўлди, сиз менинг шефим билан тортишмоқчимисиз?— деди Смородин, у ҳамон Маринани қизиқиш билан кўздан кечириб турар эди.

— Сиз ярамас разведкачисиз,— деди Андрей.— Ууман, Смородин, мен сизнинг кўпдан бери кимлигингиши билиб олганман.

Смородин бепарволик билан кулди.

— Жуда соз. Сизни лабораториядан чиқариб юборишиганда, бизнинг олдимишга келинг, биронта иш топиб берамиз. Ҳа, айтгандек, менинг шефим Кунинни ғажиб ташлади-ку. А? Эшитдингизми? Кунин тамом бўлди энди!— Смородин бирдан Маринага қаради.

— Хўп, сизларга халал бермай. Биз, таниш бўлмасак керақ,— у Маринанинг қўлини сиқиб ўзини танитди.

Андрей бу одамнинг тепса-тебранмаслигидан ҳайратда қоларди. Ҳеч қачон Андрей уни уялтира олмаган эди.

— Ёқдимн?— деб сўради Андрей, Смородин нарироққа кетгандан кейин.

— Қўли терлар экан,— деди Марина жирканиб.

Музокара тонковчиларнинг яхши уюштирилган ҳужуми билан бошланди. Тонковнинг қорадан келган,

мойдек силлиқ овозли асистенти күрсаткич чўпни чертёжлар устидан силлиқ олиб юриб гапира бошлади.

— Бу қадар аниқлик қайдан олинган? Мен шубҳаланаман. Бундай диаграммалар тўғримикин ўзи? Шубҳали ўлчамлар сони ёпишмагани равшан кўриниб туриди.

Локаторнинг схемаси бошдан-оёқ қаттиқ шубҳа остига қўйилди. Тонковчилар ҳеч қандай далил кўрсатмасдилар, улар фақат ҳамма ерда сўроқ аломатлари қўйиб чиқардилар. Ҳар қандай қуруқ асоссиз гап сингари, уларнинг гаплари ҳам рост гапдек янграиди. Улар фактларга эътибор бермасдан, Лобанов тарафдорларини тортишувдан маҳрум қиласдилар.

Бирин-кетин сўзга чиқсан тонковчилар ўзидан олдин чиқсаннинг шубҳаларини факт сифатида далил қилиб қўрсатардилар: аҳ, қўйилган шарт-шароитлар шубҳали бўлгандан кейин демак, натижа нотўғри бўлиши аниқ, дердилар. Улар бир-бирларининг елкаларига чирмасиб чиқиб, локаторни шубҳа остига олишга уринишар ва ҳаммалари ҳам ҳужумни тўғри Лобановнинг ёлғиз ўзига қаратган эдилар.

— Гапингизни охиригача очиқ айтинг. Бундан чиқди, далилларни қастдан бузиб қўрсатибмизда? — деди Андрей ғазабланиб Смородин сўзга чиқсан пайтда.

— Кўнгилга ёққан нарсани кўпинча ҳақиқат деб ҳисоблашади, — деди Смородин гапни четга буриб. — Бу нуқсон ҳатто йирик олимларда ҳам содир бўлиб туради.

«Смородин «В» нуқтасини рад қилди ва шу билан бирга...» — Андрей жумланинг охиригача ёзиб улгурга олмади.

«Шу билан бирга, — такрорлай бошлади ичиди, — улар ҳар қандай жиноятдан ҳам бош тортмайдилар. Локаторнинг фойда келтириши билан уларнинг иши йўқ, улар ўз ғамларини ейдилар...»

Сўзга чиқсанлардан бири — узоқ масофали алоқа инженери ҳеч нарсага тушунмагандек қўлларини ёйди: ҳали локаторнинг камчиликлари шу қадар кўп экан, масалан, амалий муҳокама қилишга арзирмикин? Тўғри, принцип қизиқарли, лекин...

У ўзидан олдин сўзга чиқсанларнинг гапи билан эсанкираб қолган эди, шунинг учун у, бу ерга асбобни

ўз фойдалари учун ишлатиш мақсадида келган одамлар сингари кўнгли қайтганлигини билдира бошлади. Лобановнинг докладидан асбоб тайёр экан деб тушунган эдилар. Улар амалий нарсалар тўғрисида гапиришга ҳозирланиб турувдилар: бундай асбоб қанчага тушиши мумкин, ундан қандай фойдаланиш мумкин, уни телефон ва бошқа линиялар учун қандай мослаштириш керак, деган сўроқларни бермоқчи эдилар. Амалда у ҳам, бу ҳам бўлмади. Гўё Лобанов ўзи салкам ғирт ёлғончи-ю, жиддий муҳокама ўрнига, бемаъни илмий тортишув бўлаётгандек эди.

«Узоқ масофали» алоқа инженери дангал сўради:

— Қани, айтинг ахир, локатор бошқа асбобларга қараганда яхшироқми ё йўқми? Ундан фойдаланиш мумкинми, у ишлайдими?

Ҳамма Андрейга ҳаяжон ва ачиниш билан тикилди.

Новиков қаерда қолди, нега протоколни олиб келмаяпти? Нега улар кечикяптилар? У яна: «160 ми, ё 280 ми?» деб ўйлана бошлади. Кейин ўз миясидаги бу қўрқоқлик туйғуларини четга отиб, баланд овоз билан деди:

— Локатор ишляяпти, ундан фойдаланиш...— Лекин раислик қилувчи унинг сўзини бўлди. Бу раис гўё клапандек иш тутарди: у Тонков тарафдорларига қаршилик қўрсатмас, лекин Андрей эътироуз билдиришга уриниши билан дарҳол таққа ёпишарди-қўярди.

Андрей ўз одамларига қаради. Улар жимгина ўтишарди. Краснопевцевнинг уйқусираган жичик кўзлали Андрейга ёлвораётгандек тикиларди. Шу пайт Андрейнинг қалби янги ҳис-туйғулар билан тўлди: ахир бу ерда содир бўлаётган ҳамма воқиалар фақат шахсан унинг устида ишлаган ва бу асбобга қизиққан ҳамма одамларга тегишли-ку, деб ўйлади у. Локатор Андрей Лобановнинг асбоби эмас, балки Краснопевцевнинг ва Кривицкийнинг, Любченко ва қолган ҳаммаларининг маҳсулотидир деб айтган эди Новиков. У ҳақ. Шунинг учун ҳам у, яъни Андрей ўзини эмас, шу одамларнинг ҳаммасини ҳимоя қилиши керак, улар Андрейга шу хуқуқни ишониб бериб қўйиптилар, у таслим бўлишга ҳаққи йўқ.

Шу оддий фикрдан у тетикланди. Энди раисга ҳам эътибор бермасдан, Новиковнинг келишини ортиқча ку-

тиб ўтирмасдан тонковчилар баҳузур устун чиқа бошлади жангга киришиб кетди.

У қаққонлик ва үсталик билан жавоб қайтара бошлиди. Далил бўлмаган ерда одамларни гап билан ишонтиришга уринди.

— Шу кўрсаткичларнинг тўғрилигига мен кафилман,— дерди у.

Ёки:

— Йўқ, аввал сиз исботлаб жўрсатинг-чи, шунаقا эмаслигини исботланг-чи,— дерди.

Шундай бўлишига қарамай, Андрей интилган муно-зарага ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бу луқма ташлашлар, унинг рақибларига ва уни тингловчиларга ўз таъсирини кўрсатди. Унинг ўзи ҳам ҳужумга ўтиб, душман кучлироқ бўлган масалада ҳам чидам билан ўзини ҳимоя қила бошлади. Фақат гап Тонков билан Григорьев мақоласи устида тўхталганда, қатъий туриб жавоб бермасликка уринди.

Музокара давомида аллақандай бурилиш содир бўлди, ана шу бурилиш масалани Андрейнинг фойдасига ҳал қилди. Уринларидан туриб эшикка ўналган бир неча инженерлар ярим йўлда тўхтаб қолдилар.

Шунда ғаис Тонковга сўз берди.

Тонков кафедра орқасида туриб олиб, бир неча сенундгача хаёлга чўмиб сукутда туриб қолди. Жимлик кучая бошлади. Тонков гўё тинчликнинг маълум бир чегараси келгунгача кутиб тургандек, ниҳоят, гап бошлади.

— Илмий-текшириш ишни бошлаган чоқдан, дарҳол тор рамкадаги амалий ишга берилиб, ундан ўзи учун фойда чиқаришга уринган одам, кўпинча муваффақиятсизликка учрайди. Гальвани тажриба ўтказган қурбақа оёғи, охири келиб электростанциянинг бунёдга келишига сабабчи бўлди, лекин ўша пайтда бу тажрибанинга биронта амалий яхамиятга эга бўлишини ким билган эди? Олим мавхум нарсаларнинг чексиз эканлигини тасдиқлаш учун камтар бўлиши жерак, бу ҳол уни шошқалоқ такабурликтан сақлайди.— Тонков стендографисткага қаради, у ёзиб бўлгунча кутиб турди-да, кейин яна гапида давом этди:— Бир неча ой мобайнида мен бизнинг ёш коллегамиз Андрей Николаевични шошма-шошарлик билан хулоса чиқаришдан сақлаб қолиш

учун зўр бериб уришдим. Мана бугун эса биз унинг муваффақиятсизликка учраганинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Унинг докладида ва музокаараларда менинг унга ёрдам беришим учун зарур бўлган биронта ҳам факт учратолмадим. Тажрибалар ҳаддан ташқари оз бўлган, эксперименталь материаллар кам, деб таассуф билан иқрор бўлишга мажбурмиз. Ҳали яна бир неча йиллаб лабораторияда тажриба ўтказиш керак. Лекин шу керакмикн ўзи?— У тўхтаб, чуқур нафас олди.— Мен Андрей Николаевичга ўхшаган ўзимга қаттиқ ишонадиганларданмасман, шунинг учун «йўқ» дейиш ўрнига «ҳозирча йўқ» дейман. Бизни машҳур рус олимларининг урф-одатлари туфайли табаррук бўлган йўлдан четга бурмоқчи бўладилар. Андрей Николаевич ерга ураётган методларни Ватанимиз электротехникасининг тонгида Лачинов яратган эди!

— Мақташга бошқа одам қуриб қолувдими!— деб пинғирлади Тимофей Ефимович. Унинг бу кинояли сўзларини унга яқин ўтирган бир неча одамгина эшилди; улар шивирлаб ёнида ўтирганларга айтишди, бу пичиричир гаплар одамлар чеҳрасида табассум уйғотиб, залда кеза бошлади. Андрей фурсатдан фойдаланиб, Тонковнинг сўзини бўлди:

— Марҳамат қилиб айтингчи, сизнинг методингиз қаҷон қўллана бошлаган эди?

— 1935 йилда, агар билгингиз келса,— заҳарли қилиб деди Тонков.— Сизга халақит қилмаган бўларди, агар...

— Кечирасиз, бу деярли бундан ўн беш йил бурунку, унга яна Лачиновингизни қўшсангиз, олтмиш йилдан ҳам ошади.

Тимофей Ефимович маъқуллаб, тамга босгандек бош силжиди.

Раис графинга қўл чўзди.

— Эскиликни инкор қилиш — бу ҳали янгилик яратиш деган гап эмас!— деб бу қисқа тортишувга хотима берди Тонков, кейин фалсафага берилиб, Лобановни марксизм қонун-қоидаларига риоя қилмасликда айблай бошлади. Фактларни шошмасдан, камтарлик билан тўплаш керак. Физика фанидаги идеалистлар сингари гояларни бармоқ сўриб чиқариш эмас, фактлар тўплаш билан топиш керак.

— Очифини айтсам, мен бугун сўзга чиқмоқчи эмас эдим. Сизнинг ҳаммангизга намоён бўлган бу манзарага бирон нарса илова қилишга ожизман. Мана бу материалларнинг ҳандай вужудга келишини аниқлаш учун,— у осиб қўйилган диаграммаларга қўли билан ишора қилди,— маҳсус комиссия иш олиб боради деб умид қиласиз.

Масала ҳал бўлиб, гал унга баҳо беришга қолганда-гина шундай ишонч билан гапириш мумкин эди. Тонков ҳеч нимадан уялмай, кўпчиликни мажбуран ўз та-рафига жалб қиласиз ва бу билан Андрейнинг атрофига чизиқ чизиб, уни ёлғизлатиб қўйишга уринарди.

— ... Модомики, Андрей Николаевич мақола автор-ларидан ўз фикрларини айтиб беришларини талаб қилган экан, мен қуийдагиларни баён қилишга қодирман. Биз Лобанов таклиф қилган локатор схемасининг нусхасини синаб кўриб, унинг сифатсиз эканлигига амин бўлдик.— У ўз сўзларига заҳарли қочириқ киритиб тиржайди.— Шундан кейин менинг схемам бўйича тажриба олиб борилди...

— У ҳандай схема?— деб шошиб сўради Андрей, олдинга талпиниб.

— Албатта бу тадқиқот суръатини сусайтиради, бироқ ҳар азобнинг роҳати ҳам бўлади.

Андрей ўрнидан турди:

— Яна қайта сўрайман, схемангизнинг қандай қиё-фадалигини тасвирлаб беринг.

Андрей Тонков олдига келиб, унга бўр узатди.

Тонков унинг қўлига қаради: Андрейнинг қўли қалтиарди.

— Схема нашр этилмасдан олдин, мен уни...— унинг такаббурона вазминлик билан айтган сўzlари Андрей қилган илтимоснинг одобсизлигини таъкидларди.

Зални борган сари кучли сукунат чулғай бошлади.

Андрей Тонковдан кўзини узмай, ўралган чертёжни қўлига олди.

— Мана, мен профессор Григорьевга таклиф қилган локаторнинг схемаси,— чертёжни ёйиб, залда ўтирган-ларга баланд кўтариб кўрсатди.— Марҳамат қилиб айтинг, сизнингча, бунинг қаёрида нуқсон бор?

Тонков чертёжга бир қўз югуртириб чиқди-ю, хавотирлик билан залга қаради. У навбатдаги қаҳрли гап-

ни айтишга отланган эди, лекин бир аёлнинг ҳовлиқан ва чинқирган овози унга халақит берди.

— Ўртоқлар! — Анечка қаторлар орасидан президиум томон югуриб келиб, Андрейнинг рўпарасида тўхтади. — Андрей Николаевич! Бу ахир сизнинг схемангиз эмас-ку. Уялмайсизми! Бу профессор Тонковнинг схемаси. Биз шу схема билан ишлаган эдик. Биз шу схема билан барча ўлчовларни аниқлаган эдик.

Чертёж ўралган қалин қоғоз Андрейнинг қўлида тунукадек қалдираб овоз чиқарди.

— Ажойиб ўҳшашиблик,— деди Андрей шафқатсизлик билан Григорьевга тикилиб.

— Шу қадар... ажойибки, менимча ортиқча гапни чўзиб ўтириш фойдасиз,— деди шоша-пиша Тонков ва эшик томон йўл олди.

— Шошманг! — деди Григорьев унинг қаршиисига чиқиб. У стулларга туртиниб-суртиниб, аста-секин кафедра томон келарди. Унинг юзлари дам қизарар, дам бўзарди.

У, қийишиқ тутмаланган пиджагини тортиб қўйиб, бир вақтлар Тонковга Лобановнинг схемаси ҳақида гапирганини эслатди.

— Кейин бўлса, сиз, Лобанов схемаси бўйича ҳеч иш чиқмаётганини, ҳамма ўлчовлар сизнинг схемангиз бўйича қилинганини айтувдингиз.

— Сиз бошқа нарса билан чалкаш қилиб юборяпсиз, Матвей Семёнович,— деди жиддий оҳанга Тонков.

Григорьев саросима бўлиб, бошини елкаси орасига олди ва уялиб дам Андреяга, дам Анечкага қарай бошлади.

Бу яхши ёритилган кичкина залда ҳамма нарса равшан кўзга ташланиб турарди, лекин шундай бўлса ҳам баъзи одамлар ўринларидан тура бошладилар.

— Бизнинг схемамиз,— залда Майя Устинованинг овози янгради,— яъни профессор Тонковнинг схемаси ишга яроқсиз чиқди. Мен шахсан ўзим уни синаб кўрдим... — Майя қичқирмасдан тўғри гапираётган бўлса ҳам, овози залдагиларнинг ҳаммасига баралла эшитилиб турарди. — Биз у схема билан профессор Тонков ваъда берган аниқликка ҳеч муяссар бўлолмадик. Биз у схемадан воз кечдик...

Ҳозир Андрейни ҳайратга солган нарса, Тонковнинг

ҳар томонлама намоён бўлган пасткашлиги эмас, балки Майянинг шу пасткашлик тўғрисида сўзлаб бериши эди. Ахир Майя учун Тонков билан биргаликда ишлаш катта обрў ва шуҳрат эди-ку. Ахир Майя бутун орзу умидларини шу ишдан кутган эди, бу иш унинг ишончи, унинг суюнчиғи бўлиши керак эди... Ҳозир Майянинг сутдек оппоқ ва топ-тоза чеҳраси қотиб қолганга ўхшарди. Фақат оғзи ҳаракат қиласади. Андрей негадир партия бюросини, кейин ҳисобот-сайлов партия мажлисини, Борисовнинг нутқини эслади ва шу барча ҳодисалар билан ҳозирти содир бўлиб турган воқиада ажралмас, мустаҳкам руҳий алоқа борлигини ҳис қила бошлади.

— Сиз, профессор Тонков, менинг схемамдан бутунлай бехабар эканлигингизни айтдингиз,— деди Андрей.— Бўлмаса, унинг яроқсизлиги ҳақида ўз мақолангизда нимага асосланиб ёздингиз?

— Бу нима, терговми?

— Йўқ, фош қилиш,— янгради Кривицкийнинг қаҳрли овози.

— Демак, сиз...— Анечка Тонковга тикилиб қаради.— Уят эмасми! Биз бўлсақ...— унинг кўзлари чақнаб кетди, кейин бурилиб ён эшикдан чиқиб кетди...

Григорьев юзини қаттиқ ишқалади, бармоқлари ўрнида оқ доғ қолди.

— Андрей Николаевич, мен...— паст овоз билан гап бошлади у.

— Қаттиқроқ гапиринг!— дейишди залдан. Григорьев залга юзини ўгириб, чиқиб келаётгап Тонковнинг елкасига қўзини тикди, Тонков эшишиб қолсин деб шошилиб, қўлларини силтаб бақира бошлади:

— Сиз, ўзингизнинг олим деган номингизга иснод келтирдингиз, Тонков! Ҳар қандай жиноят қилганда ҳам... лекин илмий маълумотларни соҳталаш — бу... мен билмайман... Бунинг учун суд қилиш керак! Ҳа, ҳа! Мен ўзим айборман, мен ўзим ҳам жинояткорман, мен Тонковга кўр-кўрона ишонибман.— Бу соchlари тўкилган нимжонгина одам шу қадар дарғазаб эдик, ҳозир унга қараганда киши қўрқарди.— Локатор принципи тўғри. Амалий тарафни муҳокама қилмайман, лекин ҳар ҳолда мен энди профессор Тонковга эмас, Андрей Николаевичга ишонаман.

Тимофеј Ефимович ўринідаш турди. Чол кетишига шайланди шекилли, деб ўйлаган эди Андрей, лекин у ҳассасини дўқиллатиб президиум столи олдига келди, кейин жўзойнагини пешонасиға жўтариб қўйиб, кекса мастернинг ўзгинаси бўлди қўйди.

— Михаил Фарадей ўлар олдида шундай деб ёзган эди,— деди у:—«Узлуксиз тажриба, бизнинг эҳтиёткорлигимиз, ўз шахсий хатоларимизга нисбатан ўтмишдаги хатоларда кўпроқ акс этишини таъкидлайди». Мен ҳамма вақт ҳам ўз коллегаларимнинг хатти-ҳарақатларини юксак ният деб тушунаман. Мен шу соддалигим учун кўп туртки еганман. Мана бугун ҳам. Фарадей қарши чиққан бояги эҳтиёткорликдан бошқа бугун яна бошқача эҳтиёткорлик пайдо бўлди. Бу эҳтиёткорлик ҳақида Ленин гапирган эди. У, қайси бир китобида ҳам, янгилик энди пайдо бўлган пайтда эскилик яна бир қанча вақт ҳукмрон бўлиб туради, деб ёзган эди. Ана шунда бемаза зиёлилик скептицизми вужудга келиб, янгиликнинг нимжонлигидан кула бошлайди. Ленин, шу ҳодисаларнинг ҳаммаси аслида синфий кураш усуллари бўлади деб атаган эди. Ҳозир бу ерда ҳам шунга ўхшаш кураш содир бўлиб ўтди. Менинг фаҳмлашимча, Лобановга қарши айниқса профессор Тонковнинг ўқувчилари ва шогирдлари кўпроқ ҳамла қилишди. Нега?— ҳатто стенографистка ҳам тез қимирлаётган қаламини тўхтатиб қулоқ солди.— Чунки улар ўз обрўларидан маҳрум бўлишдан қўрқадилар! Рақобатчи пайдо бўлдими. ҳар қандай йўл билан эзив, йўқ қилиб ташла!— Мана уларнинг сиёсати. Бундай одамлар, ўзлари билан тенг кела оладиган ҳар қандай талант эгасини ҳам йўқ қилишдан қайтмайдилар.— У ҳассасини дўқиллатди.— Мана биз уларни бугун қип яланғоч ҳолида қўрдик.

Баланд рух билан қарсакбозлик бошланди. Бу жиддий иш шароитида қарсакбозлик ноўрин эканлиги ҳеч кимни ранжитмади.

— Ўз куч-қувватинг занфлашаётганини сезганингда,— паст овоз билан деди кекса олим,— биз кексалардан кейин келиб, биз хира тасаввур этгани йўлдан мардона одим отиб боришга интилувчи ёш авлодга ёрдам бера олишингдан мамнун бўларкансан, киши.

Андрей ҳамма билан бирга чапак чаларкан, қўлида

анчадаң бери айлантириб ўйнаб ўтирган қоғоз тушиб кетди. У қоғозни ердан күтариб очди-да, ўқиди:

«А. Н. 160 м. да шикастланиш йўқ. Нима қилиш керак? Новиков».

Новиков оstonада туриб Лобановнинг чеҳраси сўнганини кўрди. Лобановнинг юраги шув этиб кетди, унинг қалбида на алам ва на қўрқув қолди.

Новиков қўшни хонага чиқди. У ерда Усольцев Новиковни кутиб, уйнинг у бошидан бу бошига юриб турарди. Новиков қўл силтаб, у ҳам икки қарама-қарши бурчак ўртасида юра бошлади. Улар тўқнаш келишганда, бир оз тўхтаб, қия очиқ эшикдан эшитилиб турган гап-сўзларга қулоқ солишар, кейин яна юра бошлардилар.

Тимофей Ефимович гапини тамомлагандан кейин, Андрей узр сўраб, эшик томон юрди. У оstonада туриб Новиков ва Усольцев билан пицирлашиб вазиятни муҳокама қила бошлади. Бир юз олтмиш метр масофадаги кабель бутун, шикаст етмаган, ҳеч қандай заарланган ери кўрилмапти. Наумов ўз бригадаси билан сизнинг фармойишингизни кутиб турибди.

Новиков билан Усольцев Андрейдан бир каромат кутгандек, унга ёлворгандек тикилиб турардилар. Шунда Андрей тўсатдан самимий, баҳузур илжайди. Бу, дарҳақиқат, кароматга ўхшарди. Худо билади, у шундай табассум қилиш учун қанчалик қийналганкин? У қўлини Новиковнинг елкасига ташлади. Фақат битта йўл бор—ҳозир Майя Константиновнани чақириб, ундан ўз усули билан ўлчов қилишини илтимос қилиш керақ. Эҳтимол, у заарланган ерни беш-олти метр аниқроқ кўрсатар.

Новиков бошини ушлади.

— Уят! Андреј Николаевич, бу ахир таслим бўлишку!

— Ҳа...— маъюс деди Усольцев:

— Ремонтнинг бориши учун лаборатория жавобгар,— деди Андреј тез-тез пицирлаб. — Ваҳима қиласкерманлар. Нима, наҳотки Майяга ёлвориш шу қадар қўрқинчили бўлса?

Новиков жон-жаҳди билан кўзларини чирт юмди.

— Шунча воқиалардан кейин, мен Майя Константи-

Новнадан илтимос қилмайман. Нима қилсангиз ҳам қилинг, аммо мен бунинг уддасидан чиқолмайман!

Залдан конструктор бюросининг бошлиғи денгизчи-нинг сўзи эшитила бошлади.

— ... Локатор билан эришилган аниқлик, бошқа иш усулларини қоплаб кетади...

Андрей эшик олдида ўтирган Нинага энгалиб. Майя Константиновнани чақириб беришини илтимос қилди.

Новиков билан Усольцев хонанинг нариги бурчагига бориб турдилар. Ҳозир сўзга чиқаётганларни эшитиш жуда оғир эди. Ғалаба тантанаси ҳар қандай мағлубиятдан ҳам аччиқ бўлиб туюлди.

Андрей асл моҳиятни икки оғиз сўз билан Майяга тушунтириди. Майя аста-секин бошини кўтариб унинг кўзинга тикилди. Унинг чақнаб турган тиниқ кўзларида бир варакайига афсусланиш, севинч, дўстлик ҳиссиётлари ва шу оғир машаққатли дамларда Андрей унга ишонч бағишилагани учун ташаккур аломатлари сезилиб туради.

У ниманидир гапирмоқчи бўлди-ю, аммо титрай бошлаган лабларини эплай олмади. Фақат чуқур хўрсиниб, Андрейнинг қўлини самимий сиқди. У дарҳол Нинани чақирди, четроқда турган Новиков билан Усольцев олдига ютуриб борди, жейин тўртовлари маймар зиналардан югуриб тушиб кетдилар.

Андрей улар орқасидан маъюс тикилиб қолди.

Сўнгги сўздан возжечсинми? Йўқ, ғўрқоқлик бўлади. Борди-ю, локаторнинг янгилиши тасодифий ҳол бўлмаса-чи?

— Сўнгги сўз докладчига берилади,— деб эълон қилди раис.

Андрей кафедрага яқинлашди. Олдинга синов протоколини қўйиб қўйди. Протокол кўк сиёҳ билан ёзилган бўлиб (Новиковнинг авторучкаси), унда: «160 метр масофадаги кабелни текшириш натижасида, шикастланиш ҳодисаси топилмади» деган сўзлар бор эди. Тагида имзолар чекилган.

Ҳозир у, бу протоколни мажлисга ўқиб беради-ю, шу қадар мешаққат билан қўлга киритилган локаторга бўлган ишонч барбод бўлади. У мингинчи марта ўзинга ўзи, локаторнингга ишонасанми?— деб сўроқ бериб, шу мингинчи мартасида ҳам, ишонаман, деб жавоб қайтарди. Унга ҳеч қандай протокол писанд эмас, ҳеч бирига ҳам

ишонмайди. Ахир, турли хил тушумовчилик юз бериши мумкин. Хўш, у ҳозир протоколни ўқиб бериши керакми. ё йўқми?

Лола ранг бахмал пардаларнинг бурмалари орасидан қорамтирик кўк тусдаги дераза ойналари ярақлаб туради. Бу ердан узоқда, қор билан қопланган зулматда унинг ўртоқлари ишламоқдалар. Ҳозир лабораторияга етиб олган бўлишса керак. Майя ўз асбобини олгандир. Машинада чурқ этмай чуқур кавланган ерга жўнаб кетишяпти. Наумов ўз бригадаси билан компрессорини 280-метрга, панжаранинг олдига олиб ўтаётгандир. Лекин қаердан кавлаш керак, панжаранинг нари ёғиданми, бери ёғиданми? Таваккал қилиб кўр-кўронга йигирма-ўттиз метр орасида кавлашга тўғри келади. Эҳ Майя яна бир оз аниқ лай олса эди. Бу ерда бўлса.. Смородин ҳозир мўмин бўлиб ўтирибди. Яна Анечка секингина кирди, кўзлари ёш Кривицкий сергаклик билан тикилиб ўтиради. Сезятканмикан? Фалеев эса: «Бопла уларни, биз ютдик!» демокчи бўлгандай кўз қисарди.

Бу тўғрида, локатордан қатъий назар, Тонков ва унинг мактабини фош қилиш шарт. Майли, одамлар яна локатор тўғрисида бор ҳақиқатни эшитсинлар. Андрей бошини қўтариб, қаддини ростлади, чўнтакларидаги қўллари қаттиқ муштум бўлиб сиқилди.

— Профессор Тонковнинг энг сўнгги китоби нимани акс этдиради? Китобнинг йигирма бети юз йилда бир марта бўладиган ҳодисаларга бағишлиланган. Яна унинг ўн беш бетида профессор икки юз йилда бир марта юз бериб қолувчи назариялар тўғрисида ёзди. Ниҳоят, яна ўн бетида ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайдиган ҳодисалар ҳақида ёзилган. Хуллас, бу китобда ҳар қандай ҳодисанинг оқибатида нима юз бериши ёзилган, ҳатто изоляторга қарға қўнса нима бўлади-ю, чумчук қўнса қандай ўзгариш юз беради — шу саволларга ҳам китобда жавоб топа оласиз. Китобда фақат бир нарса — бизнинг ҳаётимииз тасвиrlанмаган, аварияга қарши қандай курашиб ва қандай қилиб унинг олдини олиш гапирилмаган. Профессор Тонковнинг ўз шахсий мактаби бор. Бир неча йил мобайнида унинг ҳамма ўқувчилари муваффақият билан диссертация ёқлаб олдилар ва йигирмага яқин қитоб ёзиб чиқардилар. Лекин бу ерда ўтирганлардан ким у китоблардан фойдаланади? Ҳеч ким. Практик ишлар ва

корхона унинг қанақа олим әканлигини фош қилиб таңлаши мумкин—буни профессор Тонков яхши билади. Шунинг учун у корхонани ўз қўлига олмоқчи бўлди. Лекин мана ўзингиз кўриб турибсиз, бундан ҳеч иш чиқмади...

Кейин Андрей музокарага чиққан одамларнинг мулоҳазаларига шоша-пиша жавоб бера бошлади. «Узоқ масофали» алоқа инженери жавобдан қониққандай бош силкирди. Бошқа қолган гумон ва шубҳалар Андрейнинг кескин ва мантиқий сўзлари билан ўз-ўзидан ғойиб бўлдилар. Кейин Андрей локаторнинг камчилигини ифодаловчи мулоҳазаларни маъқуллади ва ниҳоят, тўсатдан сирни фош қилди:

— Энди локаторни амалий татбиқ қилинишига ўтайлик,— деди у тезлик билан бу масалага кўшиб; бу ҳол унга енгил туюлди.— Афсуски, бизнинг биринчи тажрибамиз муваффақиятсиз чиқди.— У синов протоколини қўлига олиб ўқий бошлади. Униш шунча уринишига қарамай, овози ўзгарди. Залдан умидсизлик билан хўрсишилар эшигитилди. Смородин ва бошқа қолган тонковчиларга жон жирди. Уларга «жим ўтирангизчи» деб гапиришди-ю. лекин бу сўзларда қатъийлик сезилмасди. Шу пайтгача Андрейнинг сўзларини зўр диққат билан эшишиб ўтирган одамларнинг ҳафсаласи пир бўлди.

Шундан кейин Андрей нима қилган бўлмасин ҳам масини беихтиёр ўзи тушунмасдан қилди. У одамларнинг саволига жавоб берар, бу ҳол тушунилмовчилик, тасодифий ҳол деб айтарди; аллакимнинг тасаллисига қулоқ солар, кимгайдир ўз телефон номерини берарди. Одинцев билан Тимофей Ефимович уни ишонтириб, биронта ҳам жиддий масала шунақа янгилишларсиз бўлиши мумкин эмас, деб юпата бошлади. Андрей уятиб, уларнинг ҳамдардликлари учун миннатдорлик билдириди. Шу пайтнинг ўзида кўпчилик тингловчилар маъюслик билан тарқашиб кетишашётганини кўрди. Смородиннинг атрофига анча-мунича одам тўпланиб олган эди; у эса баланд ва дадил овоз билан уларга алланималарни уқдириарди. Нарироқда лаборатория инженерлари ўзаро секин-секин гаплашиб туришарди. Андрей, улар олдига боришим керак эди, деб ўйлади. Лекин унинг туйғу ва истаклари ҳали ҳам аллақандай кўримсанз, хира эди. Ҳозир у фақат бир нарсани самимий, юракдан жуда ҳам хоҳларди. Бу — Маринани ўзи билан олиб, тезроқ чиқиб кетиш, у билан ёлгиз қолиш орзуен эди.

## ҚИРҚ БИРИНЧИ БОБ

Кенгаш бошланмасдан олдин Андрей Маринага агар барча иш муваффақиятли ўтса, кечқурун уникига лабораторияда ўзи билан бирга ишловчи ўртоқлари йиғилишини, эришилган ғалабани нишонлашларини гапириб, уни ҳам уйига боришга кўндирган эди. Маринанинг ўзи ҳам 'Андрейнинг дўстлари билан танишишини, шу пайтгача унинг учун мавқум бўлган турмушини кўришни орзу қилиб юрар эди.

Лекин Андрей кенгаш тамом бўлғандан кейин уни Заречье томондаги скверга олиб борди. Бу ерда аккумулятор лампаси ёруғида одамлар чуқур қазирдилар, компрессор гурсиллар, отбойка болғалари чифилларди. Марина бора-боргунча унга саволлар беравериб тинч қўймади. Ахир уни юпатиш учун бўлаётган воқиага Маринанинг ўзи ҳам тушуниб олиши керак эди-да. Андрей эътиборсизлик билан жавоб қайтаарди, бу эътиборсизликдан у foят хафа бўлди.

Андрей чуқур олдига югуриб кетди. Марина яхмалак тротуар устида у ёқдан-бу ёқقا юра бошлади. Оёқлари совуқ қотди, қорни очди, энг муҳими, Андрейга кўмаклаша олмаганидан афсуслана бошлади. Соатга қаради — соат ўн минут кам ўн бир эди. Андрей уни бутунлай унутиб қўйди. Шуниси яхши, Марина ҳозир бу ерда ярим кечагача, ҳатто бутун тун бўйи юриб чиқишига ҳам тайёр. Яхшиям оёқлари совқотиб, қорни оғяпти — шу вазиятнинг ўзи ҳам умумий ғаму ҳасратнинг бир ҳиссаси бўлар.

Соат ўн бирдан чорак ўтганда у ортиқча чидаб туролмади, ўзидан-ўзи уялиб, муюлишдаги магазинга кирди. Магазиннинг ичи иссиқ. У прилавка олдида туриб, қўлларини ишқалаб, бармоқларини ёйди. Ичига қиём солинган, суви қочган пирожка олди. Кўчага чиққани совуқдан қўрқарди, шу сабабдан тезроқ магазиндан кетмоқчи бўлди.

Улар ажralишган ерда Андрей уй деворига суяниб турар, унинг олдида эса эскирган, кул ранг пахталик пиджак кийган бир қиз бор эди.

— Бизнинг қайси хизматимизга раҳмат айтасиз... Сиз фақат ўқинманг.— деди қиз ёлворган оҳангда.

Шу пайт у қиз Маринани кўриб қолиб, гапдан тўхтади. Кейин Маринага диққат билан тикилди-да, Анд-

рейнинг қўлини маҳкам сиқиб хайрлашиди. Андрей индамай Маринанинг тирсагидан ушлади, улар бирга кетдилар.

— Аҳвол қалай? — деб сўради у.

— Икки юз саксон биринчи метрда кабель шикастланган. — У Маринанинг билагини оғритиб сиқди. — Лекин мен ҳали ҳам бунга ишонмайман. Бу ерда бошқа бир сир бор. Локатор янглишиши мумкин эмас. Ахир, принцип тўғри-ку! Тўғрими?

— Биласанми, юр сентилага борамиз, — деб таклиф қўйди Марина, — ўтириб текшириб қўрасан.

Одамлар бошига қайғу тушганда худбин бўлиб қоладилар. Андрей унинг бу сўзларини худди шундай бўлиши керакдек ҳисоблаб, унга миннатдорлик билдирамади ҳам, шодланмади ҳам.

...Ҳамма ёғи лой, ҳолдан тойған Нина Андрейнинг бошқа аёл билан кетаётганини кўриб орқасидан кузатиб қолди. У аёл Андреини қўлтиқлаб олиб, уни юпатаётган эди. Нина чўнтағидан рўмолчасини олиб, ҳорғинлик билан ҳўл кафтларини арта бошлади. Саша уни узоқдан кузатиб туарди. У ҳозир Нинанинг кўнглида нималар бўлаётганини ҳис қилиб турар, шунинг учун унга раҳми келди. У ҳеч қачон Нинани бу қадар ғамгин ҳолда кўрган эмас, ўзи ҳам ҳеч қачон уни ҳозиргидек қаттиқ севмаган эди. Бу севги ичидаги ҳамма нарса — рашк ҳам, локаторнинг муваффақиятсизликка учраганинг алами ҳам, ўз иззат-нафси ҳам бор эди. Шуларнинг ҳаммасини муҳаббат чулғаб олган, муҳаббат барча туйғулар устидан ҳукмрон эди. Мен-ку Нинани жуда севаман, агар Нина буни билганида эди, бу қадар баҳтсиз бўлмаган бўларди. деб ўйлади Саша.

У Нинани кузатиб қўйгани бирга кетди.

— Андрей Николаевичга ачинаман, — деди Саша, — қара-я. Худди жўрттага бўлгандек...

— Биздан бошқа ҳам ачинувчилар топилади, — деди Нина, жаҳл билан.

Саша жиддий ва ғамгин бош чайқади.

— Менга ёлғон гапириб нима қиласан?

Улар Нинанинг уйнига яқинлашиб қолишганда, бирдан Нина:

— Энди менга барибир. Институтга киряпман, — деб юборди.

Саша тўсатдан жиддий тус олди. Доим аҳволи танг бўлганда, у шундай вазиятда гапиради:

— Сени яхши қўришимни биласанми?

— Биламан,— деди Нина маъюс, аммо меҳрибон оҳангда.

Улар анча вақтгача бошларини эгиб, туриб қолдилар.

— Тушунарли,— деди Саша.— Албатта, тақрорлашнинг ҳожати йўқ.

Нина унга қўл чўзди. У Нинанинг тупроқса беланганд муздек бармоқларини ўз қўлида авайлаб ўйнаб турди.

— Осиповкада янги чанғи трамплини қурилипти... Нина, наҳотки сен ... Наҳотки сен учун бу ҳали ҳам тугамаган бўлса?.. Бу адолатдан эмас.

Нина бир нима деб гап қайтармоқчи бўлди-ю, лекин индамади. Унинг ҳеч нимадан афсусланмаётгани сезилиб турарди.

Нина унинг елкасидан ушлаб ўзига тортди ва юзидан ўпиб олди. Бундай ўпишдан йиғлаб юборса ҳам арзирди.

Марина Андрейнинг уйига шу йўсинда кириб бораман деб ўйлаганмиди? Йўқ, у бу тўғрида ҳеч қачон ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Лекин ҳозир, улар иккови индамасдан зинадан чиқиб боришаётганда, бунинг қандай бўлишини тасаввур қила бошлади. У бутунлай ўзгача жимликни, киши руҳини эзувчи жимликни эмас, руҳий ҳаяжонлантирувчи жимликни тасаввур қила бошлади.

— Мана дада, таниш, Марина,— паришонлик билан деди Андрей. Бу танишириш ҳам бошқача йўсинда бўлиши керак эди. Андрей уялиб, қизариб кетиши керак эди, атрофдаги барча нарсалар гўзал ва эътиборли, кишини ўзига мафтун қилувчи бўлиши керак эди. Андрейнинг отаси Маринага ҳозиргидек эътиборсизлик билан бир қўз қири ташлаб, сўнг, дарҳол Андрейдан аҳвол қалай деб сўрамаган, аксинча, бу қиз унинг ўғли учун ким эканлигини ҳис қилган бўларди.

Андрей ҳам Маринанинг ёлғиз ўзини уйда қолдирib отаси ва опаси билан овқатхонага чиқиб кетмаган бўларди. У Маринани ўз хонасига қўрқа-писа етаклаб

кирган бўлиши керак эди, шунда унинг хонасидағи барча буюмлар уларга алоҳида зўр аҳамиятга эгадек кўринган бўлиши керак эди.

Алам қиласкан кишига. Бу дамлар бошқа ҳеч такрорланмайди. Тўғри, бошқа яхши, баҳтли дамлар бўлади, аммо бу дам ортиқча такрорланмайди.

— Келин бўлдим,— Марина сал бўлмаса йиғлаб юборай деб, мийниғида кулди.

Лекин у ҳозир ўз қайғусини хотирлашга ҳам ҳаққи йўқ.

Орадан бир соат ўтди. Улар икковлари ёлғиз эди. Андрей уйнинг у бошидан-бу бошига танда қўяр, кейин ўтириб қоғозларни титкилар, яна иргиб туриб ўра бошларди.

— Ҳеч мумкин эмас,— деб такрорларди у,— ҳеч мумкин эмас, ҳамма расчёtlар тўғри.

— Бир дамгина локаторингни унут,— деди Марина,— наҳотки шу қадар осонлик билан умидсизликка тушсанг?.. Ундан кейин... яхши мезбон экансен...

Шунда у тўсатдан ўзининг кимлигини эслаб қолгандек, ошҳоиага югуриб чиқиб, консерва билан нон олиб кирди. Бугун кечқурунги ўтиришга тайёрлаб қўйилган винолардан бир шишасини очди. Марина иштаҳа билан ер ва Одинцовдан олган ўз таассуротини бўрилиб ҳикоя қиласди. Андрей вино қўйди, улар рюмкаларини уриштириб, чолнинг соғлиғи учун кўтарилилар.

— Сени у билан таништиришга улгуролмадим. Истасанг, икковимиз бир куни биргалашинб уйига борамиз. Хурсанд бўлади.

— Албатта борамиз. Сизлар яна бутун кеч ўз импульсларингиз билан шуғулланарсиз.

Улар ичишди. Шу пайт Андрей унга узоқ вақтгача хомуси тикилиб қолди.

— Марина, менга ишонасанми?

— Ишонаман,— деб содда ва жиддий жавоб берди у.

Лекин бу жавоб Андрейга озлик қиласди.

— Улар ҳаммаси ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб кетишли. Улар... ахир улар ишонмайдилар-ку... Қандай қилиб вазиятни қайта тиклаш керак?.. Лекин мен аминман,— у столга мушт урди,— бошим билан жавоб бераман!— деди-ю, Маринага савол қиёфасида тикилиб қолди.

Марина ўзини ундан кучлироқ ҳис қилди. У Андрейни қўлдан келганча нўноқлик билан, аммо қизғиц юпата бошлади. У ўз меҳрибонлиги билан Андрейни хафа қилар ва яна ўзи ўз айбини жон-дили билан тузатишга уринарди. Ҳозир Андрей унга, унинг пойма-пой маъносиз сўзларига муҳтож эди, шунинг ўзидан ҳам Марина ўзини беҳад баҳтли ҳис қила бошлади.

— Сен бирон иложини ўйлаб топасан... Балки, эртагаёқ топиб қоларсан,— дерди Марина унга, гўё кичкина болани овутаётгандек,— ҳали кутилмаганда миянгга янги фикр келиб қолади. Ўзи доим шунаقا бўлади. Нимадан хафа бўласан? Ахир асбобни ёлғиз ўзинг ясамагансан-ку. Хатоси бўлса, бошқалар ҳам сезган бўларди. Ана, мени айтди дерсан, ишларинг ўнглашиб кетади, ўшанда ўзингнинг йиғламоқдан бери бўлганингни эслашга ҳам уяласан...

Бирдан телефон жиринглаб қолди. Андрей коридорга чиқди. У бўғиқ овозини борган сари баландроқ кўтариб, алланималарни қайта-қайта сўраётгани эшитилиб турарди. Бир неча минутдан кейин у пальтоси ва шапкасини кийиб қайтиб кирди.

— Марина, Наумов телефон қилди. Бир нарса бўланга ўхшайди. Мен кетдим, сен кутасанми?

Марина қизариб кетди.

— Марина, мен сендан жуда илтимос қиласман. Тез қайтсан керак.

— Мен қолмайман, наҳотки тушунмасанг...

Андрей унинг гапига қулоқ солмай, югуриб чиқиб кетди. Кўча эшигининг тарс этиб ёпилгани эшитилди.

Марина ҳорғин қиёфада бир неча дақиқа оёқларини узатиб, қўлинини бошига қўйиб ўтириди. Кейин ўрнидан туриб, уйнинг у ёғидан-бу ёғига юра бошлади. У стулларга, китоб полкасига қўл тегизиб кўрар — бу билан уларнинг чинакам эканлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлаётганга ўхшарди. У стулнинг бир чеккасига ўтириб, стол устида турган лампани ёқди, кейин Андрейнинг бу ерда қандай вазиятда ишлаб ўтиришини таєаввур қила бошлади. Қўлига перо, кейин логарифма линейкасини олиб, қовоқларини солди... Тўсатдан у стол устига ёпилган яшил картон қофозда перо билан чизилган аёл кишининг ёнламасига олинган бир неча суратни кўриб қолди. Марина кулиб юборди. Бурни анча

таңқайғаи, аслида эса Маринанинг бурии жири. Йигит ҳам унча айтарли гўштдор эмас, лекин чехрасидан асосий белгилар унинг худди ўзгинаси — тўғри тасвирланган.

Шу суратлар ёнида унинг телефони номери ҳам ёнилган эди.

Үйдаги буюмлар шу пайтдан бошлиб жонлаингандек бўлиб, бир-бирига сўз бермай ҳар қайсиси ўз тўғрисида ҳикоя қилаётгандек бўлди. Эсқиб кетгаи қаламтараши нинг сиёҳи ёпишиб, қотиб қолган тиғи кўриниб турарди. Қора ғалтак ипга қадалган йўғон, қийшиқ нина ярақларди. Бундай бадбашара буюмлар билан фақат эркак киши ишлай олиши мумкин.

Қизиқ, бу уй негадир Маринага ҳеч бегона уйга ўхшамасди. У хаёлида мебеллар ўрнини ўзгартиради, деразаларга пардалар осар, гуллар қўярди.

Ёзув столи устида копток отаётган қизнинг фотосурати турарди. Уни чанг босган. Марина суратнинг чангини артиб, эътиборсизлик билан яна ўз ўрнига қўйди.

Андрейнинг хатти-ҳаракатлари, одатлари сезилиб турган бу хона бирдан Маринага кслажак турмушни тасаввур қилиб бераётгандек бўлди.

Эҳтимол, у мана шундай ўтириб, Андрейни кутар. У эса иш билан бўлиб Маринани эсга ҳам олмас. У иши яхши кетаётган пайтдагина кўнгилчан, юдобли, раҳмдил бўлади. У Маринани севади ва унинг барча айтгандарига ҳеч эътироозсиз қулоқ солади. Аммо сен унга халақит бергудек бўлсанг, танк сингари тепангдан мажақлаб ўтиб кетади, ҳатто сени ҳам аямайди. Сен шундай ҳаёт кечиришни ўйлаганмидинг? Бахтли бўлармикансан? Чидай олармикансан? Ҳа,— деб жавоб берди у.— Лекин менга бунинг нима кераги бор? Нима учун ҳам масига тушунишим жерак? Нима учун мен кўнишишм жерак? Мен ўзим ҳам шунаقا бўлишни хоҳлайман. Ҳаётда энг оғир ва энг азиз нарса ҳам шу. Лекин, кишин чинакам севган чоғида, шу нарсалар ростдан ҳам оғир туолармикин?

Марина шу пайтгача бунчалик қаттиқ севмаган эди. Лекин вақт ўтиши билан алам туйғуси, шикаст еган иззат-нафси уни кетишга чорларди. Қани, қўлга киритдим деб ўйлаган қувончим? Кетаман. Мана, кетаман, ўшанда...

Андрей бўм-бўш кўчалардан югуриб борарди. Нафаси оғзига тиқилганда одимлаб юрар, кейин бир оз ўтар-ўтмас, яна югурга бошларди. У оёғига жалиш кишишни ҳам унутибди. Ботинкаси қорда сирғанар, ҳатто бир марта йиқилиб ҳам тушди. Аксига олиб, бугун битта ҳам такси учрамаса-я.

Наумов билан Якушев Андрейни трансформатор будкасида кутиб турардилар. Трансформаторининг қизиган ғилофидан, кишини мудратувчи иссиқлик анқиб турарди. Якушев ёғоч панжарага ўтириб олиб, оғзини очиб хуррак отарди. Андрей остоноада ботинкасидаги қорни қоқди-да, ўзининг ҳозвлиқаётганини сездирмасликка уриниб, баҳузур ичкари кирди. Бу энергетикларнинг мустаҳкам урф-одати эди — улар учун шошмаршарлик кечириб бўлмайдиган нарса.

Наумов ўз одати бўйича, Андрейга ҳурмат билан қўлбола папиросидан чекишни таклиф қилди, ўзи ҳам чекди ва папирос тортаркан кабелнинг ремонт қилингани, ток қўйилгани ҳақида гапирди. Студентлар ётоқхонасида чироқ ёнибди.

Андрей бундан хабардор бўлса ҳам:

— Тез битирибсиз,— деди қўйди.

Наумов мамнун бўлиб мийифида кулди.

— Тез битиришга-ку битирдик-а, лекин бир шубҳа туғилиб қолди. Ремонт қилишдан олдин изоляциянинг шикастланган еридан икки томонга ўлчаб кўрдим. Бир томонининг изоляцияси яхши. Иккинчи томонда эса, учкалиқ эмас. Айтгудек унча ёмон эмас, шундай бўлса ҳам... Хуллас, бунақа изоляция билан яшаса бўлади, мана, кўрдингизми, ток юборувдик, чидаб турибди. Локатор кўрсатган томондаги изоляциянинг мазаси йўқроқ.

— Чуқурни кўмиб ташладингларми?— деди Андрей.

— Йўқ, чуқурни кўмишга ижозат бермадим. Одамлар чарчашибди, эртага эрталаб кўмишади.

— Сиз ўзингиз текшириб кўрдингизми, кабель локатор кўрсатган ерда бутунми?

— Кабель бақувват,— тасдиқлади Наумов,— ташки кўрининиши жойнда.

Андрей хўмрайди..

— Яна бир марта текшириб кўрсакмикин?— деди у шубҳали оҳангда.

— Мен кўрдим. Ҳаммани бўшатиб юбориб, ўзим чу-

курга тушиб, текшириб кўрдим,— деди Наумов.— Шундан кейин сизга телефон қилган эдим. Ётган ерингиздан безовта қилган бўлсам керак-а?

— Қаёқда дейсиз, шундай пайтда уйқу келармиди? — деди баҳузур Андрей.

— Чуқур кавланган ернинг тупроғи силжиганга ўхшайди. Қабель ерга тортилганга ўхшайди.

Андрей бардош бериб жим турарди. Наумов кепкасининг козирогини иккига буқди.

— Андрей Николаевич, таваккал қилиб кабелни қирқиб кўрсақмикин-а?— деди секингина Наумов.

— Қирқамиз,— деди Андрей жўзлари чақнаб.— Орасини очиб кўрағиликчи, балки бирдан! Рост, Наумич, бирдан ҳамма сир уннинг орасида бўлиб чиқар. Ундан ҳар нарса кутиш мумкин.

— Шундайжу-я... Лекин бақувват кабелни қирқиши... қандай бўларкин... бундай иш учун менга раҳмат айтмайдилар, албатта. Ўрнига кейинчалик яниг кабель қўйишга тўғри келади.

— Қўйиш учун кабель борми?— деб сўради Андрей

— Тайёрлаб қўйганман,— жилмайди Наумов.

— Ўйнинг токини яна узишга тўғри келади. Эҳ, жин урсин. ёдимдан кўтарилипти. Қандай қилиб узамиз?

— Бунинг ғамини еманг,— деб илжайди Наумов ва чўнтағидан катта соатини олди.— Комендантга айтиб қўйганман. Кечаси соат бирдан эрталабгача токни узиб қўямиз, деганман.

Афтидан Наумов ҳамма ишнинг олдини олиб, тайёргарлик кўриб қўйган экан. Фақат одам етишмасди. Андрей, Якушевни Новиковга телефон қилишга юборди:— Айт, тезда келсин, йўл-йўлакай Саша билан Усольцевни ҳам бошлаб келсин,— деб тайнинлади.

Наумов токни ўчириди. Улар икковлари белкуракларни олиб панжара олдига кетдилар. Ой кўтарилиди. Қор яшил, ер эса кўм-кўк бўлиб қўринарди. Қабелни қирқиб, унга вставка қўйиш учун чуқурни кенгайтиришга тўғри келди. Белкураклар музлаган заранг ерга урилиб тарақларди. Кўп ўтмай Андрей пальтосини ечиб, панжарага илиб қўйди.

Улар индамай ишлардилар. Якушев қайтиб келди. Улом билан қатқалоқларни кўчира бошлади. Новиков, Саша ва Усольцевлар ҳаммаси биргаликда таксида келишди. Усольцев ҳамон уйқусираб, ҳадеб минфириларди.

Новиковга эса, тунги, бу илҳомбахш ҳаяжонли орзиқиши ёкиб тушди.

— Сиз нима деб ўйловдингиз, Усольцев? Фаннинг шунаңа оғир томонлари ҳам бўлади!— деди у белкуракни силжиб.— Мана шу белкурак билан биз ҳақиқатни ҳимоя қиласиз. Қавланг, кавланг, ҳақиқат пастда, чуқур остида.

Якушев гулхан ёқди. Аланганинг сариқ шуъласи йигитларнинг терлаган қип-қизил чеҳраларида мавжла-нарди. Улар галма-гал ишлардилар. Кўп ўтмай Новиков билан Андрейнинг оёқлари шилта ҳўл бўлиб кетди. Эҳтиёткор Усольцев узун қўнжли эски этик кийиб келган эди. Тунги соат иккida Наумов темир арралайдиган зара билан чуқурга тушиб, ўтириб олди ва кабелни арралай бошлади. Ҳамма белкуракка таяниб, арранинг тишларидан чиқаётган, қулоқни кар қилгудек чин-қироқ овозини эшишиб турарди.

Қирқиб олинган кабель бўлаги юмшоқ ва илиқ эди, уни дарҳол будкага олиб кириб кетдилар. Наумов унинг пўлат лентадан қилинган қобиғини олди, аста-секин мумланган жут толаларини ечди. Узоқ ўрмонларнинг хўшбўй ҳиди анқиб кетди. Кўроғшин хирагина ялтираб кўринди. Наумов чақонлик билан қўроғшин трукбани кесди, уни букиб, орасидан сариқ қофозга ўралган кабелни олди ва чироққа тутиб кўрди. Улар бир-бирларини туртишиб, бўйинларини чўзишиб қогознинг мумланган сиртига тикилдилар.

— Шу! Ана! Бор экан!— деб бирдан бараварига қичқириб юбордилар. Кабелнинг ўртасида, сариқ қофозда қора доғ сингари куйган жойи бор эди. Бу куйиш ўнлаб қават қофоздан ўтиб, кабелнинг мис томирига етган ва электрон оқимини ерга бериб ётган экан. Токнинг ғойиб бўлаётган жойи шу эди. Бузилиш процесси энди бошланаётган экан. Бу ёмон жароҳат сингари изоляциянинг соғлом ҳужайраларини қурбон қилаётган экан. Кабель шу алпозда кетса, ҳалокатга маҳкум бўлиши аниқ эди.

— Икки-уч хафтадан кейин куйиш сиртга чиққан бўларди,— деб хомуш гап бошлади Наумов.

— Бундан чиқди. локатор тўғри кўрсатибди-да.— қичқириб юборди Новиков.— Тўғри чиқди! Қойил!

У Наумовнинг елкасига қоқди, Андрейнинг қўлини икки қўли билан сиқа бошлади.

— Андрей Николаевич! — деди Саша ҳаяжон билан.

Ҳамманинг чеҳрасида баҳтиёрлик аломатлари чақнаб турарди. Наумов бошидан кепкасини олди, унинг фижимланган козироги ҳозирги тантанали вазиятга мос тушмасди. Улар бир-бирларининг сўзларини бўлиб, энтикиб-энтикиб, бугунги юз берган ҳодисаларни эслашар ва бир-бирларининг қўлларини самимий сиқишарди. Уларнинг толейига жуда камдан-кам учрайдиган ажоийиб ҳодиса юз берди: бирданига иккита шикастланган ерни топишид-я. Улар бир-бирларининг сўзини бўлиб, нега 280 метрли масофани кўрсатганда, экранда оз аломат кўринганини муҳокама қила бошладилар.. Энди эҳтиёт бўл. Тонков! Азиз ва севимли локатор бизни уялтириб қўймади.. Текшириб кўришни ким таклиф қилувди? Наумов. Яша чол! Қараанг-а, агар Наумов бўлмаганда нима бўларди,— шунда ўзингни тентак әмасман деб исбот қилиб кўргинчи!

Шундан кейингина улар ўзларининг нақадар исқирт эканликларини пайқадилар. Андрейнинг дам олиш кунлари киядиган кўк костюми лойга беланган эди.

Энди вставкани монтаж қилишга киришиш керак. Наумов, Якушев иккавимиз қилиб қўямиз, деб қанча ишонтирса ҳам, ҳаммалари чуқур тепасига, унга ёрдамга боришли.

Андрей будкага кириб, ичи ағдарилгаш кабель олдига чўкка тушиб ўтирди.

— Бу қандай ёўлди... — деб ғудурлади у, қақраган лабларини қимиirlатиб.

У ўрнидан туриб, скверга чиқди ва йўл танлаб ўтирмай қорни кечиб гулхан томонга қараб кетди. Яна қўлига белкурак олди. Усольцев унга оёғи нам бўлгани ва шамоллаши ҳақида нималарни диргапира бошлади, у қўл силтаб қўйди.

— Шошмай тур... Шошмай тур,— деб тақрорларди у, чуқурга тупроқ тушираркан.— Шошмай тур.

У шу қадар хаёлга чўмиб кетган эдики, чуқурнинг тўлиб қолганини ҳам сезмади. Ҳамма бирдан хоҳолаб кулиб, уни ишдан тўхтатди. У чуқурдан тупроқни олиб яна четга ташлай бошлаган эди.

Ҳозир Андрей шилтаси чиққан қор ўстида қўлига белкуракда созтупроқ кўтариб турарди.

— Шошмай тур! — деди у баланд овоз билан. — Бундан нима натижга чиқяпти ўзи? Бундан чиқди, локатор билан ҳали юз бермаган шикастланишларни ҳам... Бўлажак шикастланишларни ҳам аниқлаш мумкин эканда? Факт! Нега шу пайтгача индамай турибсизлар?!

Қандай қилиб билишди буни? Бу ахир ҳаммага, ҳатто мудроқ босаётган Якушевга ҳам ойнадек равшан эди-ку. Ҳасад, кўнгилли ҳасад Новиковни жиз этиб чақиб олгандай бўлди — нега мен шу оддий нарсанни ўйлаб то-полмадим? Эҳ, анқов,— деган фиқр келди унинг ха-ёлига.

Соддалик, айниқса муайян соддалик фанда жуда му-раккаб нарса ҳисобланади. У узоқ ва оғир йўлнинг оқи-батида пайдо бўлади. Электр лампаси энг биринчи ёй фонарлари олдида таққослаб бўлмас даражада содда. Баҳайбат сув чархпалагидан кичкинагина оддий турбии-га ўтиш учун юзлаб йиллар ўтган.

Наумов кабелга ток берганида тунги соат икки ярим эди. Студентлар ётоқхонасидағи бир неча деразалар ёришиб кетди.

— Ёқ.— деди Андрей,— баҳузур ёқавер.

— Профилактика сифатида энди икки юз грамм-дан тамоқдан ўтказсак дуруст бўларди-да,— деди Наумов.

Улар қаттиқ совуқ қотиб қалтирай бошлаган эди-лар.

— Дўстлар,— деди Андрей,— юринглар менингига. Айтгандек, баъзи бир нарсалар тайёрлаб қўйилган.

Ана шу пайт Марина эсига тушди. Наҳотки жетиб қолган бўлса? Ҳа, ҳа... У бир нарса деяtkандай бўлувди? Албатта, жетиб қолган... Нега мен бундай қилдим-а? Кетса кетар. Бошқа иложим йўқ эди.

Онда-сонда ёниб турган фонарлар совуқ изғиринда тебраниб турардилар. Трамвайчилар рельсларни сварка килардилар. Сварканинг ўткир шуъласи осмону фалакка тирадилар. Боелинг ичкарисига жойлашган қасалхона-нинг деразаларидан фира-шира ёруғ тушиб турарди. Яхши ёритилган нон заводининг печлари гувиллаб ёнар, янгигина тандирдан чиқкан ноннинг ёқимли ҳиди кўча-ни тўлдирган. Ҳатто ярим кечада ҳам шаҳар ўстидаги осмон минглаб электр лампалари билан ёритилган. Ко-

ронғи тун бу электр нури олдида ожизлик қилиб, аста чекина бошлади. Электр чироқлари сон-саноқсиз. Ҳозир Владивостокда бу чироқлар ўз вахталарини кўзни қамаштирувчи эрталабки қуёшга топшираётган эдилар. Бу чироқлар Совет мамлакатининг бепоён ерларида, унинг катта ва кичик шаҳарларида, қишлоқларида, чегараларида, шахталарида порлаб турарди.

Бундан бўён ҳеч қандай куч бу чироқларни ўчира олмайди. Энди метро поездлари баҳузур юраверсин, электр печлари гувиллаб ёнаверсин, моторлар гувиллаб айланаверсин, электростанцияларнинг турбиналари бемалол ишлайверсин, симлар уларнинг қувватини ҳар төмонга олиб кетсинлар. Бу мамлакатнинг, кўзга кўринмас электростанцияга ўхшаб, бутун ер юзининг заҳматкашлари учун қувват ва нур ижод қилаётган бу қудратли мамлакатнинг меҳнати ва ҳаёти осойишта бўлсин.

Қоронғи кўча бўйлаб, қалби порлоқ умидларга тўлган олти киши ўтиб борарди. Улар бугун нур учун бўлган кескин жангда ғалаба қозондилар. Уларнинг ҳеч бирин ҳам тантанали, баландпарвоз сўзларни айтмасдилар. Улар ҳозир озгина ароқ ичib олиб, баданларини қиздиришни ўйлардилар, холос. Уларни мудроқ босиб, мункиб-мункиб кетардилар ва совуқдан шолғомдек қизарғаний қўлларини чўнтакларига яна чуқурроқ тиқардилар.

Меҳмонлар йўлакда ечинишпунча, Андрей ичкарига югуриб кирди. Марина диванда ғужанак бўлиб ухлаб ётарди. У уйқусираб, анча вақтгача ҳеч нимага тушунмай ўтирди. Кейин кўзлари чақнаб, Андрейни маҳкам қуҷоқлаб олди ва уни табриклади, кейин меҳмонларнинг даргини эшитиб, ваҳима билан орқага тисарилди.

— Сен жинни бўпсан. Мен нима қиласман? Ҳозирнинг ўзида уйга кетаман...

У Андрейнинг важларига ҳеч қулоқ солмас, йўлакдан эшитилиб турган ғовур-ғувуррга қўрқув билан қулоқ соларди.

У бир оз ўзини тартибга солиш учун ошхонага кириб кетди. Қайтиб чиққанда ҳамма меҳмонлар ювениб бўлиб, Андрейнинг қўлидаги шишаларга сукланиб қарар ва папирос тутатишиб турардилар.

Маринанинг юзи тиниқ, упа сурилган эди, лаблари маҳкам юмилган. У ҳушёрлик ва такаббурлик билан кириб келди.

Уни тортингочоқлик билан индамай қарши олдилар. У бу ердаги одамларнинг биронтасини ҳам танимас, улар ҳам Маринани билмас эдилар. Новиков апил-тапил пиджак тутгаларини қадар экан ўрнидан турди — у одати бўйича ҳар доим аёллар олдида ўзини сипо ва улдабурон қилиб кўрсатишга уринарди.

— Танишинглар, ўртоқлар, Марина Сергеевна,— Андрей унинг қўлидаң ушлади, юзи бир оз бўзарди,— менинг хотиним.

Новиков қалқиб кетди ва Саша билан кўз ўриштириб қўйди. Содда дил Усольцев бўлса:

— Мен, Андрей Николаевич, сизни бўйдоқ деб ўйлаб юрадим,— деди. Марина қўлинин тортиб олиб, овқат тараддудини қўра бошлади. Унинг чақнаб турган кўзларида ҳамма нарса йакс этса ҳам маъносиз тикиларди, у кўзлар гўё иккита қора қўзгуга ўхшарди. Эркаклар бутерброд тайёр бўлишигача сабр қилмай, биринчи рюмкани Маринанинг соғлиғи учун кўтардилар.

Улар ҳозир Борисовнинг йўқлигига ачина бошладилар. Иккинчи гал «профилактика» учун ичиб юбордилар.

— Одобсизлик бўлди-да, яrim кечада бир гала бўлиб желиб, бекани ташвишга солиб қўйдик,— деди Навмов куйиниб.

— Ҳечқиси йўқ, ўрганиб қолганман,— деб илжайди Марина.

— Сиз баҳтли экансиз, Андрей Николаевич,— деди Усольцев.— Менинг хотиним бўлганда, ҳаммамизни кўчага қувиб чиқаради.

Марина, Андрейнинг ўзига тикилган кўзларига қарамаслик учун меҳмонларнинг тарелкаларига овқат солар, улар билан ҳазил-хузул гаплар айтишар, табассум қиласарди. Ҳамма шу бугун кечаси бўлған воқиалар устидаги гапиради. Майя Константиновна, ўлчаш ишида чин ўртоқлик қиласди. Ҳеч қандай манманлик, ҳеч қандай кеккайиш, ҳеч қандай пичинг бўлмади. Нина Цветкова баъзан ачитиб-ачитиб олди. Лекин бу аччиқ сўзлар асосан Сашага қарши қаратилган эди.

— Бунинг менга нима дахли бор?— деди Саша елкаларини қисиб.

Ҳамма кулиб юборди.

— Нима, баъзи бир ўртоқларга ўхшаб, сен ҳам тўйни ўйқуқа чиқармоқчимисан?— деди Новиков.

— Ҳа.— деди Саша бўғиқ овоз билан.

— Устинова анча аниқ натижага эришди,— эслади Наумов.— Бору йўғи плюс-минус уч метр.

Устинова баъзи соҳаларда Тонковнинг усуулларини такомиллаштиришга сазовор бўлган деб ҳурмат билан гапира бошладилар.

— Бизнинг олдимиизда ип эшолмайди,— деди Саша.

— Бу қандай бўлди, Андрей Николаевич,— деди Наумов,— демак, локатор шикастланган ерни аниқ топишдан бошқа, яна бўлажак авариядан ҳам дарак бераркан-да?

Саша мудраб ўтирган Яқушевни турта бошлади.

— Ҳей, эшитсангчи, барча линияларда бизнинг локаторимизни ишга солишаркан. Бунинг қанчалик аҳамиятга эга эканлигини биласанми ўзинг? Ўtkазиш линияларини минг километрга чўзадилар...

Орзулар кўпаяборди. Телеграф линиялари... Телефон... Асбоблар электр машиналарнинг обмоткаларини текширади... Порлоқ келажак уларнинг ҳориган бошларини айлантиради.

Андрей локаторнинг янги хусусиятларини текшириш ишини дарҳол кенг йўлга қўйиш кераклиги ҳақида гапира бошлади.

Новиков хўрсинди.

— Яна бошланяпти. Яна азоб-уқубат. Яна техотдел билан жанжаллашиш. Яна формуласалар устида бош қотириш. Яна кўнгилсиз воқиалар, ташвиш.

— Макар Петрович, эртагаёқ план тузишга киришинг,— деди Андрей.

— Эртага эмас, бугун,—деб хўрсинди Усольцев, ўрнидан тураркан.

Меҳмонлар кетишиди. Хона папирос тутунига тўлган, дим эди. Андрей дарчани очди. Совуқ ҳаво оппоқ тутун бўлиб, ичкарига гупиллаб кира бошлади. Марина китоб шкафи олдидаги қимир этмай турарди. Андрей секин-аста унинг олдига келди, қўлинини авайлаб олди ва бошини эгиг, унинг кафтидан ўпди.

— Марина, раҳмат,— деди ҳамон унинг бетига қарашга жўръат этолмай.

Унинг овози қалтираб кетди. Марина Андрейнинг энгашган бўйнидаги томирнинг уриб турганини кўрди.

Андрей ноқулай, қизиқ вазиятда энгашиб турар ва унинг кафтини соқоли ўсиб кетган юзига босарди.

Марина:

— Қандаи журъат этдингки... деб аввалдан тайёрлаб қўйган жумлани айти бошлаган эди, лекин буни айтишдан нима фойда, деб гапини чала қолдириди.

Андрей қаддини ростламоқчи бўлган эди, шу пайт Марина бўш қўлинни унинг бошига қўйди. Ҳозир у чеҳрасини унга кўрсатишдан қўрқар, агар ў қарагундек бўлса чидомлай йиғлаб юбориши мумкин эди.

— Шундай бўлса ҳам, бу одобсизлик,— деди Марина қолган бор-йўқ ғазабини тўплаб. Унинг ғазаблари фақат шу жумлани айтишгагина етди. холос.

Андрей бошини кўтарди. У Андрейнинг кўзларига баҳтли, уятчан ва айни вақтда жаҳлдор чеҳра билан тиқилди.

— Энди... мен сенинг қариндошларинг, ошна-оғайниларингга қандай кўринаман?

Андрей бунга кулиб жавоб берди:

— Биз эртага эрталабдан ЗАГСга борамиз. Биз сен билан бир ЗАГСдан иккинчи ЗАГСга бориб, ҳамма ерда никоҳдан ўтамиз... Ўн марта.. йигирма марта никоҳ қилдиралимиз...

— Сенингча энг муҳими шуми? Сен буларни жуда осон ва оддийгина деб ўйлайсан!... Энг оғири энди келади, сен буни биласанми? Ким билсин, турмушимиз қандай бўларкин...

— Бизнинг турмушимиз-ку, жойида бўлади.—ишонч бўлан гап бошлади Андрей.

— Сен нимани айтяпсан?

Андрей қизариб кетди.

— Шундай... Ҳеч хаёлимдан чиқмаяпти. Смородиннинг мийифида кулиб қўйганини сездингми? Қани, уларнинг ҳаммасига исботлаб кўрсатиб берчи. Афсус, ёнимда Борисов йўқ.

Улар, дарчанинг яшил квадратидан ичкарига бурқираб кираётган жул ранг совуқ ҳаво оқимига тикилиб, анча вақтгача жим қолдилар.

— Мен ҳам билувдим,— деди хаёлчанлик билан Марина.


Андрей кулиб юборди ва Маринанинг елкаларидаи аваййлаб ушлади.

— Жуда соз. Шундай бўлса ҳам мен баҳтлиман.

— Ҳа,— деди Марина ундан кўзини узмасдан жиҳдий оҳангда,—шунинг ўзи чинакам баҳт бўлса керак.

Улар орасидаги суҳбатдан айтилиши мумкин бўлган энг сўнгги жумлалар шулар эди. Уларининг бундан кейинги суҳбатлари икковларидан бўлак ҳеч кимга тааллуқли эмас эди.

Ленинград,  
1951—1954.



На узбекском языке  
ДАНИИЛ ГРАНИН

ИСКАТЕЛИ

Роман

Гослитиздат УзССР — 1960 г. Ташкент

Редакторлар: *М. Норматов ва С. Раҳимов*

Рассом *П. Бродский*

Рассом редактор *Г. Бедарев*

Технич. редактор *Т. Скиба*

Корректорлар *Н. Аҳророва ва С. Абдуллаева.*

\* \* \*

Босмахонага берилди 9/IX 1960 й. Босишига  
рухсат этилди 10/III-1960 й. формати 84X108<sup>1/2</sup>,  
босма л. 16,75 шартли босма л. 27,47 нашр. л.-  
29,1. индекс б/ад. Тиражи 15000.  
Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.  
Шартнома № 9—56.

\* \*

„Кизил Ўзбекистон”, „Правда Востока”  
ва „Ўзбекистони Сурх” бирлашган  
нашриётининг босмахонаси. Тошкент.  
„Правда Востока” кӯчаси 26. Заказ № 3354.  
Баҳоси 10 с. 35 т.

**ЎзССР ДАВЛАТ БАДИИ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ**

***Босилиб чиқди ва китоб магазинларидаги  
сотилмоқда***

- МИНГ БИР ҚЕЧА. Араб эртаклари. Биринчи том 376 бет. Баҳоси 11 сўм 75 т.
- ЭРОН ХАЛҚ ЭРТАҚЛАРИ. Форсчадан таржима. 326 бет. Баҳоси 6 сўм 75 т.
- ТҮГЛАМ. Ёшлар саҳнаси (бадиий ҳаваскорлар кутубхонаси). 68 бет. Баҳоси 3 сўм 40 т.
- МАЖЛИСИЙ. Қиссаи Сайфулмулук. (Ўзбек классиклари кутубхонаси). 96 бет. Баҳоси 0—75 т.
- ШОНЛИ АВЛОД. Адабий тўплам. 266 бет. Баҳоси 5 с. 60 т.
- ФАЙЗУЛЛА ШУКРУЛЛА Қишлоқда яшайман. Шеърлар. 64 бет. Баҳоси 0—90 т.
- НАЗАРМАТ. Сир бўйи — нур бўйи. Шеърлар. 92 бет. Баҳоси 1 сўм 80 т.
- Ш. ФУЛОМОВ. Беш оғайни. Очерклар. 158 бет. Баҳоси 1 сўм 75 т.
- ҲАБИБИЙ. Замон фарҳодлари. Шеърлар. 88 бет. Баҳоси 1 сўм 80 т.
- ХОРАЗМИЙ. Муҳаббатнома. (Ўзбек классиклари кутубхонаси.) 70 бет. Баҳоси 0—45 т.
- ШАМШАРОВ ЙУЛДОШ. Пахтақайнар. Ҳикоя ва очерклар. 194 бет. Баҳоси 3 сўм 20 т.
- ЭРГАШ. Танланган асарлар. (Шеърлар, поэмалар, таржималар.) 120 бет. Баҳоси 3 сўм 60 т.
- ОҚ ОТЛИ ҮҒЛОН. Озарбайжон халқ эртаклари. 136 бет. Баҳоси 3 сўм 95 т.
- ЛЕ ИВАН. Тоғ оралиқлари романи. 730 бет. Баҳоси 15 сўм 25 т.
- ШЕВЧЕНКО ТАРАС. Танланган асарлар. II том. Драмалар ва повестлар. 492 бет. Баҳоси 10 сўм. 80 т.

- ШОЛОМ АЛЕЙХЕМ. Мотл деган бола. 82 бет.  
Баҳоси 2 сўм 60 т.
- АЛБАН ПОЭЗИЯСИ. Тўплам. 154 бет. Баҳоси 4 сўм 25 т.
- Н. МАҚСУДИЙ. Ҳаёт лавҳалари. Ҳикоялар. 120 бет. Баҳоси 1 сўм 35 т.
- МИРМУҲСИН. Ҳикоялар. 136 бет. Баҳоси 3 сўм 70 т.
- РАҲМАТ ФАЙЗИЙ. Кишиларимиз қиссаси. 484 бет. Баҳоси 9 сўм 80 т.
- И. СУЛТОНОВ. Пьесалар, мақолалар. 372 бет.  
Баҳои 12 сўм 20 т.
- О. ЁҚУБОВ. Ота изидан. Повесть. 136 бет. Баҳоси 2 сўм 50 т.
- А. МУҲИТДИН. Ҳадя. Ҳикоялар ва очерклар. 156 бет. Баҳоси 1 сўм 70 т.
- САБОҲИДДИН АЛИ. Ҳикоялар. Туркчадан таржима 250 бет. Баҳоси 8 сўм 30 т.
- РЕШАТ НУРИ ГУНТЕКИН. Чоли қуши. Роман.  
Туркчадан таржима. 320 бет. Баҳоси 12 сўм.
- А. ҚАРНИК. Кашмир маликасининг сири. 80 бет.  
Баҳоси 1 сўм 45 т.
- ҲИНДИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ ҲИКОЯЛАРИ. 310 бет. Баҳоси 10 сўм 85 т.
- МЎҒУЛ ШОИРЛАРИ. 188 бет. Баҳоси 4 сўм 75 т.
- ЛИ БО. Лирика. 140 бет. Баҳоси 3 сўм 35 т.
- Бу китоблар Узбеккниготорг ва шаттубот кооперацияси магазинларида топилмаса, заказлар қўйидаги адресга юборилсин:
- Тошкент. Узбекистон кўчаси, 11. Узбеккниготоргнинг «Книгапочтой» бўлими.

2

